

Эрнест
Хемингуэй

«KAMOLOT»
KUTUBXONASI

Чол ва Денгиз



CH0000034634



Эрнест
Хемингуэй

Чол ва Денгиз

Қисса
**Алвидо,
курол!**

Роман



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

УҮК: 821.512.133-3

КБК: 84. (7 АҚШ)

X - 40

Хемингуэй, Эрнест.

Чол ва денгиз. Қисса. «Алвидо, курол». Роман (Русчадан Иброҳим ФАФУРОВ таржимаси). – Т.: «Янги аср авлоди», 2015. – 448 бет.

ISBN 978-9943-08-874-0

Ушбу китобга дунё миқёсида машхур адид, «Нобель» мукофоти совриндори Э.Хемингуэйнинг энг сара асарлари киритилган. «Чол ва денгиз» қиссасида инсоннинг улуғлиги, ундаги ирода ва матонат, оқиллик ва азму қароридан оғишмаслик ўзгача талқинда акс этган.

«Алвидо, курол» романни эса қаҳрамонларнинг фикр-хаёллари, кечмишлари, урушнинг инсоният бошига соглан мудҳиш кулфатлари ҳақида ўйлашга, тинчликнинг қадрига етишга чорлайди.

Серқирра ижодкорнинг миллионлаб нусхаларда чоп этилган асарларини мутолаа қилишга шошилинг, азиз китобхон.

УҮК: 821.512.133-3

КБК: 84. (7 АҚШ)

**Русчадан
Иброҳим ФАФУРОВ
таржимаси**

ISBN 978-9943-08-874-0

© Эрнест Хемингуэй, «Чол ва денгиз». «Янги аср авлоди», 2015 йил.

ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ

Қисса

Чол қайиқда ёлғиз ўзи Гольфстримда балиқ овларди. Денгизга чиқаётганига мана саксон түрт кун ҳам тұлды, аммо ҳали биронта балиқ тутганича йўқ. У билан бола қирқ кун бирга бўлди. Ҳадеганда қўли қуруқ қайтавергач, ота-онаси унга энди чолнинг ўтакетган Salao, яъни «ўлгудай омади юришмаган одам» эканини айтиб, бундан буён бошқа қайиқда денгизга чиқиши кераклигини қулоғига қўйдилар. Ҳақиқатан ҳам биринчи ҳафтанинг ўзидаёқ бу қайиқда балиқ деса арзигудай учта балиқ тутиб келишди. Деярли ҳар куни чолнинг денгиздан қуруқ қайтаётганигини кўриб бола ич-ичидан эзилар эди. У чолнинг ускуналари, чангак, гарпун ва мачтага ўралган елканларини ташиб олишгани қирғоққа келарди. Дағал матодан тўқилган елкан ямалавериб, ола-қуроқ бўлиб кетган, ўроғлиқ ҳолда яксони чиққан полкнинг яловига ўхшарди.

Чол ориқ ва ҳолдан тойган, энсасини чуқур ажинлар тилиб ўтган, бетлари эса қуёш нурининг тропик денгиз юзидан акс этиб чиқишидан пайдо бўладиган беозор тери ракининг жигарранг доғлари билан қопланган эди.

Доғлар чўзилиб гарданигача тушган, йирик балиқларни тортиб олаётгандан, чизимчалар ўйиб юборган қўлларида чуқур чандиқ излари кўринарди. Аммо бу излар ичидаги янгиси йўқ, ҳаммаси ҳам узоқ сувсизликдан қақраб ётган биёбон дарзлари сингари кўхна эди. Чолда нимаики бор бўлса, бари ҳам эски, фақат денгиз тусини олган мовий, мардона одамларникига хос қувноқ кўзлари бундан мустасно эди.

— Сантьяго, — деди бола боғлоғлиқ қайиқ турган қирғоқдан юқорилаб кетган йўл оша кўтарилишаркан, — энди яна сен билан денгизга чиқишим мумкин. Ҳозир бир оз пул ишлаб кўйдик.

Чол болани балиқ овига ўргатган, шунинг учун ҳам бола уни яхши кўрарди.

— Йўқ, — деди чол, — сен баҳти чопган қайиқда ов қилияпсан. Ўшандада қолганинг маъқула.

— Эсингда борми, бир вақтлар роса саксон етти кун денгизга чиқиб, қуп-қуруқ қайтувдинг, кейин иккаламиз кетма-кет уч ҳафта кунига катта-катта балиқ ушлаб келтирғанмиз.

— Эсимда, — деди чол, — сен менга ишонмаганингдан кетганинг йўқ, биламан.

— Отам мажбур қилди. Ўзим бўлсам, ҳали кичкинаман, шунинг учун уларнинг айтганини қилишим керак.

— Биламан, — деди чол. — Ўзи ҳам шундай бўлиши керак.

— Отам бўлса, унча ишонқирамайди.

— Ҳа, — деди чол. — Биз эса ишонамиз. Тўғрими?

— Бўлмаса-чи. Истасанг, юр, сени Террасда пиво билан меҳмон қиласман. Кейин асбобларни олиб кетамиз.

— Ҳай, майли, — деди чол. — Балиқчи балиқчини сийламоқчи экан, демак...

Улар Террасга келиб ўтиришди. Кўпгина балиқчилар чолни мазах қилишар, аммо у буни кўнглига оғир олмас эди. Ёши улғайиброқ қолган балиқчилар эса унга қараб хафа бўлиб кетишар, бироқ сир бой бермас ва оқим ҳақида, қармоқни қанча чуқурликка ташлашлари, оби-ҳаво, ниҳоят, денгизда нималар кўришгани тўғрисида беозор гурунглашиб ўтиришарди. Бугун иши ўнгидан келганлар овдан аллақачон қайтишган ва ўлжа марлинларини тозалаб, бир жуфт тахта устига кўндаланг қўйишганча тўртовлашиб уларни балиқ омборига элтиб топширишган эди. Бу ердан балиқлар-

ни рефрижераторда Гавана бозорига келтириб сотардилар.

Акула овлаб келган балиқчилар эса, уларни күрфазнинг нариги қирғоғидаги заводга топширишарди. У ерда акулаларни блокларга осиб қўйиб, жигарларини сугуриб олишар, қанотларини кесиб, терисини шилишгандан сўнг, гўштини тузлашга паррак-паррак қилиб кесишарди.

Шамол шарқдан эсди дегунча, ўзи билан акула корхонасининг кўланса ҳидини олиб келарди; аммо бугун ҳид деярли сезилмас, чунки шамол шимолдан эса бошлаб, кўп ўтмай бутунлай тинган эди. Шунинг учун ҳам Террас серқуёш ва сўлим эди.

— Сантьяго, — деди бола.

— Хўш? — жавоб берди чол. У стаканидаги пивога тикилиб ўтиаркан, узоқ ўтган кунларни эсларди.

— Эртага сенга сардин тутиб келтирсан, майлимий?

— Овора бўлма. Яххиси бориб бейсбол ўйна. Ҳали эшкак уришга кучим етади. Роджелио бор — тўр ташлаб туради.

— Йўқ, хўп дея қолгин. Рост, сен билан бирга балиқ овлашим мумкин эмас экан, ул-булингга ёрдамим тегса дейман.

— Ахир, сен мени пиво билан сийлаб юбордингку, — деди чол. — Энди катта йигит бўлиб қолдинг.

— Биринчи марта мени денгизга олиб чиққанингда ёшим нечада эди?

— Бешда. Қайиқقا тирик балиқни тортиб олганимда, у сағал бўлмаса ҳамма нарсани чилпарчин қилиб юбораётган ва сен ҳам базўр жон сақлаб қолган эдинг, эсингдами?

— Эсимда. У куйруғи билан уриб банкани синдирган, сен бўлсанг, уни тўқмоғинг билан роса дўппослаган эдинг. Мени қайиқнинг майда-чуйдалар ётган бурнига итқитиб юборгансан. Қайиқ зириллаб қалтировди, худди ўтин чопгандай тўқмоғингни тўқ-тўқ овози эшитилиб турувди. Ҳамма ёқни чучмал қон ҳиди босиб кетган эди. Буларнинг бари эсимда.

— Ростдан ҳам буларнинг ҳаммаси эсингдами ёки кейин сенга айтиб берганмидим?

— Мени ўзинг билан денгизга олиб чиққан кунингдан тортиб, ҳаммаси эсимда.

Чол офтобда қизариб кетган, инонувчан ва меҳрибон кўзлари билан унга қаради.

— Агар ўз ўғлим бўлганингда, ҳозир ҳам сени ўйлаб-нетиб ўтирамай, денгизга олиб чиқардим. Аммо ўз ота-онанг бор, боз устига бахти чопган қайикда ов қиляпсан.

— Кел энди, сенга сардин тутиб келтирай, йўқ демагин. Иннайкейин, тўрт дона хўрак топиб келаман. Қаердан топишни ўзим биламан.

— Менда ҳали бугунгилари шундоқ турибди. Уларни тузлик қутига солиб қўйдим.

— Сенга тўртта янгисини тутиб келаман.

— Биттаси ҳам етади, — эътиroz билдириди чол.

У, шундай ҳам келажакка на ишончини ва на орзу-аъмолини йўқотмаган бўлса-да, ҳозир бу ҳислар унинг қалбида, гўё денгиздан кишининг қулфи-дилини очадиган шаббода эсгандагидек, мустаҳкамлана борарди.

— Иккита, — деди бола.

— Майли, иккита, — таслим бўлди чол. — Мабодо, сен уларни ўғирлаб олмаганмисан?

— Керак бўлса, ўғирлардим ҳам. Аммо уларни со-тиб олганман.

— Раҳмат, — деди чол.

Итоаткорлик руҳи қачондан бошлаб ўз қалбида кўним топгани устида бош қотириб ўтироқчилик учун чол бениҳоя соддадил эди. Аммо у ўзининг итоатгўй бўлиб қолганини ва бу итоатдан у ўз номуси, инсонлик қадр-қимматини йўқотмаганлигини билар эди.

— Агар оқим ўзгармаса, эртага кун яхши бўлади, — деди чол.

— Қаерда ов қилмоқчисан?

— Қирғоқдан узоқроқ жойда. Шамол ўзгарганда қайтаман. Тонг отмасдан чиқаман.

— Шеригимни ҳам узоқроқда ов қилишга күндириш керак бўлади. Агар қармогингга жуда катта балиқ илиниб қолса, биз ёрдамлашиб юборамиз.

— Унинг қирғоқдан кўпроқ узоқлашишга тобиноби йўқ.

— Шунаقا, — деди бола. — Аммо мен унинг кўзи ўтмайдиган бирон нарсани топишга ҳаракат қиласман. Жуда бўлмаса, чайкалар бор-ку. Ўшанда уни тилла макрель тутамиз деб узоқроққа боришга кўндириш мумкин.

— Наҳотки унинг кўзлари шу қадар ожиз бўлиб қолган бўлса?

— Нимасини айтасан, кўр деса ҳам бўлади.

— Қизиқ. У, ахир, ҳеч вақт тошбақа овламас эди, шекилли. Ўзи шу тошбақа ови ҳаммадан ҳам кўзни ўтмас қилиб қўяди.

— Лекин сен шунча йил тошбақа деб, Москит қирғоғига борсанг ҳам, кўзларинг барибир, жойида-ку.

— Менми? Менинг зувалам ўзи бошқача узилган.

— Агар жуда ҳам каттакон балиқ дуч келиб қолса кучинг етармикин?

— Етса керак, деб ўйлайман. Ҳамма гап — эпчиликда.

— Асбобларни уйга элтиб қўяйлик-а. Кейин мен тўрни олиб, сардин тутишга бораман.

Улар асбобларни қайиқдан туширишди. Чол елкасига мачтани олди, бола эса, жигарранг калава ипдан чамбарчас тўқилган қармоқ чилвирлари солинган яшик, чангак ва дастали гарпунни кўтарди. Қайиқда хўраклар солинган яшик ҳамда йирик балиқларни сув бетига тортиб чиқарилганда, уларни гаранг қилиш учун ишлатиладиган тўқмоқ қолди. Чолнинг асбоб-ускуналарини ўғирлаб кетиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаса керак эди, аммо елкан ва оғир анжомлар тун шабнамидан нам тортиб қолмаслиги учун уларни уйга олиб бориб қўйган маъқул эди. Гарчи чол ўз нарсаларига шу ерлик одамлардан биронтаси ҳам кўз олай-

тирмаслигига амин бўлса-да, ҳарқалай, чангак ва гарпунини ёмон кўздан ҳолироқ тутишга ҳаракат қиласди.

Улар йўлдан чолнинг кулбасига кўтарилилар ва ланг очик эшикдан ичкарига киришди. Чол мачта ва унга ўралган елканини деворга сужди, бола эса, қўлидаги нарсаларни унинг ёнига қўйди. Мачтанинг узунлиги бу ерда auguo деб аталадиган қирол пальмалирининг япроқларидан қурилган кулбанинг бўйига тенг эди. Кулбада каравот, стол, стул ва қуруқ саҳнга писстакўмир билан оби ёвғон тайёрлаш учун ўйилган ўчоқ бор эди. Унинг текислаб қуритилган толасимон япроқлардан бўлган жигарранг деворларини Тангри қалби ва Santa Maria del Собгенинг рангдор олеаграфия билан ишланган тасвири безаб турар эди. Булар унга марҳум хотинидан қолган эди. Қачонлардир деворда хотинининг рангдор сурати ҳам осиғлиқ турарди, аммо кейин чол уни бекитиб қўйди, чунки қўзи тушса жуда-жуда эзилиб кетарди. Энди сурат бурчакдаги токчада, тоза кўйлак остида ётарди.

— Кечки овқатга ниманг бор? — сўради бола.

— Бир товоқ сариқ гуруч билан балиқ. Ейсанми?

— Йўқ, мен уйда овқатланаман. Сенга ўт ёқиб берайми?

— Керакмас. Кейинроқ ўзим ёқаман. Балки, гуручни совуқлигича ерман.

— Тўрни олсам майлимни?

— Бемалол.

Тўр-пўр деган нарсадан аллақачоноқ ном-нишон қолмаган — уни қай маҳал пуллаб юборишгани боланинг ёдида эди. Шундай бўлса ҳам, ҳар икковлари буни билмаганга солишар ва ўзларини гўё чолда тўр бордай тутишар эди. Мис товоқда сариқ гуруч билан балиқ ҳам йўқ эди, бола буни ҳам биларди.

— Саксон беш — баҳт келтирувчи рақам, — деди чол. — Қалай, эртага минг қадоқли балиқ тутишимга қўзинг етадими?

— Мен түр топиб сардин тутгани бораман. Ҳозирча останада ўтириб тур, бу ерга офтоб тушиб турибди.

— Майли. Менда кечаги газета бор. Бейсбол ҳақида ўқиб тураман.

Чолда ҳақиқатан ҳам газета бормиди ёки бу ҳам ёлғон гапмиди, бола билмасди. Лекин чол каравот тағидан чини билан ҳам газета оди.

— Менга буни вино дўконида Перико берди, — деб тушунтирди чол.

— Мен сардин тутаману, қайтаман. Ўзимникини ҳам, сеникини ҳам бирга музга қўяман, эрталаб бўлишиб оламиз. Қайтиб келганимда, бейсбол ҳақида гапириб берасан.

— «Янки»нинг ютқазиши мумкин эмас.

— Кливленд «Хиндилари» уларни боплаб қўймаса деб қўрқаман.

— Қўрқма, ўғлим. Улуг Ди Маджиони бир эслагин-а.

— Мен фақат «Хиндилар»дангина эмас, Детройт «Йўлбарслари»дан ҳам қўрқаман.

— Худо кўрсатмасин, сен ҳали цинцинатилик «Қизилтанлилар»дан ҳам, Чикаго «Оқ пайпоқлари»дан ҳам қўрқиб ўтирасан.

— Газетани ўқиб тур, мен қайтгач, гапириб берасан.

— Менга қара, саксон беш рақамли лотерея билетини сотиб олсак-чи, нима дейсан? Ахир, эртага саксон бешинчи кун-ку!

— Олсак, олаверамиз-да, — деди бола. — Балки саксон етти рақамлиги яхшидир? Ахир, ўтган гал саксон етти кун бўлган эди-ку.

— Бир нарса икки марта ҳеч қачон қайтарилмайди. Сен саксон беш рақамли билетни топа оласанми?

— Қидириб кўраман.

— Бир дона. Икки доллару эллик центлигидан. Буни қаердан қарз олсак экан?

— Бундан осони йўқ. Мен икки доллару эллик центни хоҳлаган вақтимда қарз олишим мумкин.

— Оламан десам, мен ҳам иложини қилардим-у, бироқ мен қарз олмасликка ҳаракат қиласман. Один қарз оласан, кейин садақа сўрайсан.

— Эҳтиёт бўл, қария, тагин шамоллаб қолмагин. Сентябрь эканлигини унутма.

— Сентябрда йирик балиқ кўпаяди. Май ойида балиқ овлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келади.

— Хўп, бўлмаса, мен сардинни тўғрилаб келай, — деди бола.

Бола қайтиб келганда, кун ботган, чол эса курсида ўтирганича, уйқута кетган эди. Бола каравотдан эски солдат кўрпасини олиб, курси суюнчиғи аралаш чолнинг елкасини ёпиб қўйди. Бу елкалар чолнинг кексайиб қолганига қарамасдан забардаст, бўйни ҳам, ундан қолишимдиган даражада бақувват ва ҳозир, чол бошини кўкрагига солинтириб ухлаган тобда, ажинлари ҳам у қадар кўзга ташланмас эди. Унинг кўйлаги ҳам худди елканидай қирқ ямоқ бўлиб кетган, ямоқлар қуёш тафтидан ола-була тусга кирган эди. Аммо чолнинг юзи ҳарқалай анча қаримсиқ бўлиб қолган ва ҳозир кўзлари юмулиб уйқута кетганда, худди жонсизга ўхшаб қўринарди. Чолнинг тиззасида, учиб кетмасин деб, тирсак билан босиб олинган газета ётарди. У оёқ яланг эди.

Бола уни уйғотиб ўтиrmай чиқиб кетди, қайтиб келганда, чол ҳамон уйқуда эди.

— Тур! — уйғотди уни бола ва қўлини чолнинг тиззасига қўйди.

Чол кўзини очди ва бир муддат қаердандир, жуда узоқлардан қайтаётгандай бўлиб турди. Кейин у жилмайди.

— Нима олиб келдинг?

— Егулик келтирдим. Ҳозир овқатланамиз.

— Ҳали унча очиққаним ҳам йўқ.

— Келсанг-чи энди, оч қоринга балиқ овлаб бўлармишми?

— Баъзан шундай ҳам бўлган, — деди чол ўрнидан қўзғаларкан, газетани тахтай туриб, сўнг у кўрпасини йиғиширига бошлиди.

— Кўрпани йифиштирма, — деди бола. — Мен тирик эканман, овқатланмасингдан туриб, сени балиқ овлашга кўймайман.

— Ундай бўлса, дард кўрмагин, умринг узоқ бўлсин, — деди чол. — Қани, нима еймиз.

— Қора ловия билан гуруч, қовурилган банан ва яхна гўшт.

Бола овқатни Террас ресторанидан металл идишда олиб келган эди. У санчқи, пичноқ ва қошиқларни чўнтағига солиб олган, буларнинг ҳар бири алоҳида алоҳида қофоз салфеткаларга ўралган эди.

— Шунча нарсани сенга ким берди?

— Ресторан хўжайини, Мартин.

— Унга раҳмат деб қўйиш керак.

— Хотиржам бўл, мен уни рози қилдим, — деди бола.

— Мен унга катта балиқнинг энг сергўшт жойидан бераман, — деди чол. — Ахир, бу унинг бизга қилаётган биринчи ёрдами эмас-ку.

— Йўқ, биринчи эмас.

— Ундай бўлса, бир бўлак гўшт озлик қиласди. У бизга кўп яхшилик қилган.

— Бугун-чи, пиво ҳам берди.

— Мен ҳаммадан ҳам консерваланган пивони яхши кўраман.

— Биламан. Лекин бугун у шишада пиво берди. Шишисини қайтариб бераман.

— Хўп, раҳмат сенга, — деди чол, — кел, овқатланайлик.

— Мен сенга қачондан бери овқатланайлик, деяпман, — деди меҳрибонлик билан бола. — Овқат совуб қолмасин деб, идишнинг оғзини очмай, кутиб турибман.

— Ҳай майли, ювиниб олсам бўларди-да.

«Қаерда ҳам ювинардинг?» — ўйлади бола. Бу ердан колонкагача икки квартал бор эди. «Унга совун ва яхши сочиқ олиб бериш зарур, сувнинг ҳам кетини узмаслик керак. Бу тўғрида нега аввал ўйлаб кўрмаган

эканман. Унга янги күйлак, қишки куртка, бирон этик-петик ва яна бир күрпа ҳам лозим».

— Лаззатли гүшт экан, — мақтади чол.

— Бейсбол ҳақида гапириб бер, — сўради ундан бола.

— Америка лигасида, мен айтганимдек «Янки» ютияпти, — мамнуният билан сўзлай бошлади чол.

— Шундайку-я, лекин бугун уларнинг тозаям тит-питини чиқариб юбориши.

— Бу ҳеч гап эмас. Яна улуф Ди Маджио ўйиннинг пайховасини олган.

— Гуруҳда унинг бир ўзи эмас-да.

— Тўғри-ю. Лекин ҳамон ўйиннинг натижаси унга боғлиқ. Бруклинликлар билан филадельфияликлар ўйнайдиган иккинчи лигада эса ютишга фақат бруклинликларда имконият бор. Дик Сайзлер қандай ўйнаганлигини сен ҳар ҳолда эсласанг керак? Эски паркда бўлган ўйиндаги унинг зарбаларини айтмайсанми? Бай-бай.

— Жуда зўр-э, қурфур! У ҳаммадан узоққа отади.

— Унинг Террасга келгани эсингдами? Мен уни ўзим билан бирга балиқ овига таклиф қилмоқчи бўлдим-у, лекин иймандим. Сенга таклиф қил десам, сен ҳам уялдинг.

— Эсимда. Мен қўрқиб тентаклик қилдим. Ким билади, балки, рози бўлармиди? Ўла-ўлгунча эсдан чиқмайдиган иш бўларди-да.

— Қани энди улуф Ди Маджони ўзимиз билан бирга денгизга олиб чиқолсак, а? — деди чол. — Отаси балиқчи бўлган, дейишади. Ким билади, балки унинг ўзи ҳам бир вақтлар бизга ўхшаган камбағал бўлгандир. Айтганимизда келишга ор қилиб ўтирмасдими, балки.

— Улуф Сайзлернинг отаси ҳеч қачон камбағал бўлган эмас, менинг ёшимда у чинакам гуруҳда ўйнар экан.

— Мен бўлсам сенинг ёшингда елканли кемада юнга бўлиб, Африка қирғоқларига сузив борганман. Кеч-

қурунлари йўлбарсларнинг қирғоқقا чиқишини кўрганман.

— Бир гапириб берувдинг.

— Хўш, биз нима ҳақда гаплашмоқчимиз ўзи — Африка тўғрисидами ёки бейсбол ҳақидами?

— Яхшиси бейсбол ҳақида. Менга буюк Джон Мак Гроу ҳақида гапириб бер.

— У ҳам авваллари бизнинг Террасимизга келиб турарди. Аммо ичиб олса, тамом, унга ҳеч ҳам бас келиб бўлмасди. У фақат бейсболгина эмас, от жинниси ҳам эди. Ҳар доим чўнтағида мусобақа дастурини олиб юрар ва телефон орқали отларнинг номини атаб, уларга пул тикарди.

— У улуғ тренер эди, — деди бола. — Отам, у бутун дунёда энг улуғ тренер бўлган, дейди.

— Уни бошқалардан кўпроқ кўргани учун шундай дейди. Агар Дюроше ҳам биз томонларга ҳар йили келиб турганда, отанг уни ҳам дунёда энг улуғ тренер, деб мақтаган бўларди.

— Сенингча, энг улуғ тренер ким? Люкми ёки Майк Гонсалесми?

— Менимча, улар бир-бирларидан қолишмайди.

— Дунёда энг чапдаст балиқчи эса — сенсан.

— Ундай эмас. Мендан ҳам зўр балиқчиларни кўрганман.

— Que Val¹ — деди бола. — Дунёда яхши балиқчилар кам эмас, жуда ажойиблари ҳам бор. Лекин сенинг олдингга тушадигани йўқ.

— Раҳмат. Сен шундай деб ўйласанг, хурсандман. Менга жудаям катта балиқ тушмайди, деб умид қиламан, акс ҳолда, ишни дўндиrolмай қолиб ҳафсалангни пир қилиб қўймасам, деб қўрқаман.

— Ҳақиқатан ҳам аввалги кучинг бўлса, дунёда сен эплолмайдиган балиқ топилмаса керак.

¹ Қўйсанг-чи.

— Балки, илгариғи кучим қолмагандир. Лекин мен-да ғайрат бор, чидамим ҳам етарли.

— Энди сен ётиб ухла, эрталаб тетик бўлиб туришинг керак. Мен бўлсам идишларни олиб бориб бераман.

— Майли. Хайрли кеч. Эрталаб мен сени уйғотаман.

— Сен мен учун нақ қўнғироқ соатнинг ўзисан, — деди бола.

— Мен учун қарилкнинг ўзи қўнғироқ соат. Чоллар нега жуда барваҳт туришаркин-а? Наҳотки, буни қолган умрларидан бир кунини бўлса ҳам чўзиш ниятида қилишса?

— Билмадим. Фақат шуни биламанки, ёшлиар қаттиқ ва кўп ухлашади.

— Бошимдан ўтган, биламан, — деди чол. — Мен сени вақтида уйғотаман.

— Негадир мени анави уйғотганини ёқтирмайман. Худди мен ундан қолишадигандек.

— Тушундим.

— Хайрли кеч, Сантьяго.

Бола кетди. Улар чироқ ёқмасдан овқатланишганидан, чол қоронғида ечиниб ётди. У кийимларига газетани ҳам қўшиб ўраб, ёстиқ ўрнига бошига қўйди. Чол кўрпасига бурканиб, каравотнинг қуруқ пружиналарига ташлаб қўйилган эски газеталар устига чўзилди.

У ётди-ю, ухлаб қолди. Уйқусида ёшлик чоғлари ўтган Африка, унинг узун, олтин қирғоқлари ва кўзни қамаштиргудек оппоқ саёзликлар, юксак қоя ва ҳайбатли қўнғир тоғлар тушига кирди. Энди у яна ҳар кечча уйқусида шу қирғоқларга қўнар, уввос билан отилган тўлқинларнинг шовқинини эшитар ва ерлилар тушган қайиқни тўлқин қирғоқقا қандай суребораётганини кўриб турарди. Тушида у ҳамон палубадан чиқаётган лос ва смола исини түяр, димоғига эрталабки шамол қирғоқдан олиб келган Африка нафаси уриларди.

Одатда шу бўй димоғига кирди дегунча, чол уйғониб кетар ва кийиниб, болани уйғотгани жўнарди. Аммо бугун ўша қирғоқ ҳиди жуда эрта димоғига

урилди ва бу тушида бўлаётганини билгач, денгиздан туртиб чиққан қояларнинг оқ чўққиларини, Канар оролларининг гаван ва кўрфазларини яна бир бор кўриш учун уйқусидан бош кўтаргиси келмади.

Сўнгги пайтларда унинг тушига на тўфонлар, на хотинлар ва на буюк воқеалар, на улкан балиқлар ва на жанжал-суронлар, на куч синаш мусобақалари ва на ўз хотини киради. Энди тушида узоқ ўлкалар ва қирғоққа чиқаётган шер болаларинигина кўради, холос. Улар худди мушукчалар сингари фира-шира тун қўйнида фужгон ўйнашар ва чол болага қанчалик муҳаббат қўйган бўлса, буларни ҳам шунчалик севар эди. Аммо бола ҳеч қачон тушига кирмасди.

Чол уйғониб кетди, очиқ қолган эшикдан ойга назар ташлади ва кийиниб ташқарига чиқди, ёзилиди, болани уйғотиш учун йўлдан юқорига қараб кетди. Тонгги салқиндан жунжикди. Аммо бу вақтинча эканини ва тезда қайиққа ўтириб, эшкак эша бошлиши билан исиб кетажагини чол билар эди.

Бола яшайдиган уйнинг эшиги очиқ эди, чол оёқ учида ичкари кирди. Бола олд хонадаги каравотда ухлаб ётар, ойнинг синиқ нурида чол уни таниб ола биларди. У боланинг оёғидан оҳиста ушлади ва у то уйғониб, елкасига ағдарилиб ўзига қарамагунча, кутуби турди. Чол унга имо қилди; бола каравот ёнидаги курсидан чалворини олиб, ўтирганича, кийиб олди.

Чол уйдан чиқди, бола ҳам унга эргашди. У ҳамон чала уйқуда эди ва чол унинг елкасидан кучиб, деди:

— Мени кечир.

— QV ue a! — деди бола. — Биз эркакларнинг қисматимиз шунаقا ўзи. Нима ҳам қилиб бўларди.

Улар чолнинг кулбасига тушиб боришли. Бутун йўл бўйлаб, қоронфида, ўз қайиқларининг мачталарини кўтариб олган оёқ яланг кишилар боришарди.

Кулбага келишгач, бола қармоқ калавалари солинган сават, чангак ва гарпунни кўтарди, чол эса мачта ва унга ўралган елканни елкасига ортди.

— Қаҳва ичасанми? — сўради бола.

— Аввал мана буларни қайиққа элтиб қўяйлик, кейин қаҳва ичамиз.

Улар балиқчилар учун жуда эрта очиладиган тамаддихонада консерва банкада қаҳва ичишиди.

— Яхши ухлаб турдингми, қария? — сўради бола; унинг иссиқ ўринни саҳару мардон бўлмасдан тарк қилганидан қийналаётгани кўриниб турса ҳам, ҳарқалай, у, боягига қараганда анча тетик тортган эди.

— Жуда яхши, Манолин. Бугун омадимиз келишига ишонаман.

— Мен ҳам, — деди бола. — Энди мен сардинларимизни ва сенинг хўракларингни келтирай. Менинг шеригим майда-чуйдасини ўзи ташыйди. Нарсаларига бошқаларнинг қўл уришини ёқтирумайди.

— Сен билан биз бўлсак, ундан эмасмиз. Ёшинг бешларда эканлигидаёқ, сенга у-буни ташитиб ўргатгман.

— Биламан, — деди бола. — Тўхтаб тур, ҳозир қайтаман. Қаҳва ичиб ўтири. Бу ерда бизга қарз беришади.

У маржон рифлари устидан яланг оёқлари билан шилп-шилп одим ташлаб, хўраклар сақланадиган соvuқхона томонга кетди.

Чол майдалаб оҳиста қаҳва ҳўплади. Ҳозир қониб қаҳва ичиб олиш кераклиги, чунки шу билан энди уззу-кун туз тотмаслиги чолга аён эди. Овқатланинг ўзи аллақачоноқ унинг жонига теккан ва чол ҳеч маҳал денгизга ўзи билан егулик олиб чиқмас эди. Қайиқнинг бурнида сув тўлдирилган шиша сақланар — чолга кечгача шунинг ўзи кифоя эди.

Бола сардинлар ва газетага ўралган хўракларни кўтариб қайтиб келди.

Балиқчилар сўқмок бўйлаб майда тошларни шовдирата-шовдирата сув бўйига тушиб келишди. Улар қайиқнинг тагидан кўтариб, сувга силжитишиди.

— Ишинг ўнгидан келсин, қария.

— Сеники ҳам.

Чол эшкакларнинг арқондан қилинган ҳалқасини қайиқнинг икки четидаги қозиқларга ўрнатиб, маҳкамади-да, олдинга энкайиб, қайиқни қоронғида гавандан олиб чиқа бошлади. Бошқа ерлардаги қайиқлар ҳам денгизга қараб йўл олган, ой тепаликлар ортига ўтиб кетганидан, чол уларни кўрмас, аммо эшкакларнинг сувга урилган овозини баралла эшитарди.

Ўқтинг-ўқтинг қулоққа кишиларнинг гоҳ у қайиқдан, гоҳ бу қайиқдан чиқаётган товуши чалинарди. Аммо аксар қайиқларда сукунат ҳукм сурар ва ўша ёқдан фақат эшкакларнинг чўпиллагани эшитиларди. Кўрфаздан чиққач, қайиқлар турли томонга тарқалиб кетди, қайси балиқчи қаердан балиқ топишга умид боғлаган бўлса, ўша ёққа йўл тутди.

Чол қирғоқдан анча олисга кетишини аввалданоқ ўйлаб қўйган эди; у ернинг анвойи бўйини ортда қолдириб, тўғри салқин тонгги океан қучоги сари эшкак ура бошлади. Океаннинг балиқчилар «буюк қудук» деб аташган еридан ўтиб кета туриб, чол океан қаърида ялтираб турган сув ўсимликларини кўрди. Бу ерда чуқурлик деярли етти юз денгиз саржини² миқдорида тиккасига тушиб борар ва бундай оқим океан тубининг ўткир дўнгларига урилиб, айлана ҳосил қилганидан турли-туман балиқлар тўпланишар, хусусан, криветка ва майда балиқларнинг бекиёс тўдлари йиғилиб қоларди, жуда катта чуқурликларда Эса, гоҳо кўпдан-кўп каракатицалар ғужгон ўйнашади: улар тунда океан юзига чиқишади ва дайди балиқларга ем бўлишади.

Чол қоронғида тонг яқинлашаётганини сезди, эшкак ураркан, қулоғига титроқ товуш чалинди — учар балиқлар сувдан чиқар ва темирдек қанотлари билан ҳавони кесиб аллақаёқларга гойиб бўларди. Чол учар балиқларга меҳр қўйган, улар бу ерда, океанда унга

² Сажонь — саржин — 2,13 м га тенг узунлик ўчнови [тарж].

энг яхши ҳамроҳ бўлиб қолган эдилар. Чол қушлар ва айниқса, бетиним озиқ ахтариб учган, аммо деярли ҳеч қачон уни тополмайдиган жимит ва нозик денгиз қалдирғочларига ачиниб кетар ва: «Кушлар турмуши, қиронқора ва катта, кучли қушларни ҳисобга олмаганда, бизнинг кун кечиришимизга қараганда ҳам жуда оғир. Океан гоҳида шу қадар бераҳм бўлар экан, нима учун қушларни мана бу денгиз қалдирғочлари сингари нозик ва шикаста қилиб яратганлар. Океан сахий ва гўзал, аммо у гоҳо тўсатдан шундай шафқатсиз бўлиб кетадики, унинг устида озиқ илинжида чарх уриб шўнғиб, ожиз ва мунгли овоз билан бирбирларига жўр бўлиб учган бу қушлар унга нисбатан бениҳоя заиф ва мўрт кўринади», деб ўйларди.

У ҳар доим денгизни, унга муҳаббат қўйган ҳамма кишилар каби хаёлидан испанчасига *la mar* деб атарди. Айрим пайтларда денгизга меҳр қўйган одамлар, у ҳақда бадҳазм гаплар айтишади, аммо доимо бу гаплар денгиз эмас, гўё аёл устида бораётганга ўхшайди. Акула жигарининг нархи ошган кунларда сотиб олинган моторли қайиқларда юриб, қармоқларига пўкак ўрнига буй³ ишлатадиганлар хилидан бўлган ёшроқ балиқчилар эса денгизни *Vel mar* деб атайдилар ва унга эр кишига қарагандай қарайдилар. Уларнинг наздида денгиз гўё, ҳудудсиз бир сайҳон, гўё бир рақиб, гоҳида эса, ҳатто бир душман бўлиб кўринади.

Чол бўлса, доимо денгиз дейилганда, гоҳ тенги йўқ саҳоватлар инъом этиб, гоҳ тумтайиб туриб оловчи хотин кишини кўз ўнгига келтирарди. Агар у енгилтак ёки хунук ишлар қилиб қўйса, нима ҳам қилиб бўларди, табиати ўзи шунаقا демоқликдан бошқа иложи йўқ. «Ой хотин кишининг қитигига тегиб, жўштириб юборгандай, денгизни ҳам жавлон урдиради», деб ўйларди чол.

³ Б у й — бакен (тарж).

У кучанмасдан, бир меъёрда эшкак урар, чунки оқим гирдоб ҳосил құлмаган жойлардан ташқари, океан сирти теп-текис, силлиқ эди. Чол үзи бажариши керак бўлган ишнинг учдан бир қисмини оқимга қўйиб берган ва кун ёришганда, у худди шу маҳалда етишни мўлжаллаган ердан ҳам анча олисга келиб қолганини кўрди.

«Жуда чуқур жойларда бутун бир ҳафта ов қилиб, ҳеч нарса тутганим йўқ, — деб ўйлади чол, — бугун мен бонито ва алъбакоре тўдалари қаерда бўлса, ўша ерда баҳтимни синаб кўраман. Худодан бўлиб, йирик балиқ учраб қолса-я?»

Ҳали тонг оқармасдан, хўрак қистирилган қармоқларини сувга ташлади ва қайиқни оқимда оҳиста бошқариб борди. Хўраклардан бири қирқ денгиз саржинича чуқурликда эди, бошқаси етмиш беш саржин пастга тушди, учинчи ва тўртингчилари эса юз ва юз йигирма беш саржин чуқурликка чўмди. Хўракларнинг бош қисми пастга осилиб турар, қармоқнинг ўқи хўрак-балиқ ичидан ўтказилиб, мустаҳкам қилиб қўйилган, қармоқнинг ўзи — букламаси ва суйриси янги сардинлар билан қопланган эди. Сардинлар қармоққа иккала қўзидан ўтказилган ва улар пўлат бувламада маржондек тизилиб турарди. Йирик балиқ қармоққа яқинлашганда, унинг ҳар бир луқмаси нечоғли тотли ва иштаҳа қўзғайдиган даражада мазали эканлигини сезарди-кўярди.

Чол, бола бериб юборган иккита янги тутилган йиртқич балиқ — тунецни энг узун чилвирларга хўрак қилди, қолган икки чилвирга эса, каттакон зангори макрель билан сариқ умбрицани илди. Булардан аввалги овда фойдаланган бўлса-да, улар ҳали ҳам янгидек турар, ажойиб сардинлар эса, уларни хуштаъм қилар, балиқларнинг нафсини қитиқларди. Йўғонлиги катта қаламдай бўлган ҳар бир чилвир пишиқ, эгилувчан чивиққа тортилган эдики, балиқнинг емга сал бўлса ҳам тегиб ўтишидан чивиқ сувга эгиларди. Бун-

дан ташқари, чилвирлар ҳар бири қирқ саржин узунликда бўлган навбатдаги калава учларига уланган, бу калавалар яна бошқа эҳтиёт шарт калаваларга уланиши мумкин эди. Керак бўлганда, илинган балиқни уч юз саржин узоқликка қўйиб юборилса ҳам бўлаверади.

Энди чол кўк чивиқлар бортга эгилмасмикин деб кузатиб ўтирас ва чилвирнинг сувга тик ҳамда лозим бўлган чуқурликка тушишига эътибор бериб, оҳиста сузарди. Ҳамма ёқ ёришиб кетди, қуёш мана-мана чиқаман дерди.

Қуёш денгиздан билинар-билинмас кўтарилиди ва бошқа қайиқлар ҳам чолнинг кўзига ташланди, улар қирғоққа анча яқин бўлиб, бутунлай оқим бағрида сувга паст чўккан ҳолда турар эдилар. Кейин офтоб шуъласи ўткирлашди, сувда унинг ёлқини акс этди, қуёш уфқдан батамом кўтарилганда, денгизнинг сипсилиқ сирти ёлқин нурларини тўғри кўзга келтириб урди-ю, қаттиқ азоб бера бошлади: чол сувга қарамасдан, эшкак тортишга ҳаракат қилди. У ўз чилвирлари чўзилиб кетган сим-сиёҳ денгиз тубига тикилиб ўтиради. Унинг чилвирлари сувга бошқа балиқчиларникига қараганда тикроқ тушар ва емишлар ҳар хил чуқурликларнинг тайин бир ўрнида ўз ўлжасини кутарди. Бошқа балиқчилар ўз қармоқларини оқимга бепарво қўйиб беришар, натижада юз саржинга ташладим деб ўйлаган қармоқлари айрим пайтларда олтмиш саржин чуқурликка зўрга етган бўларди.

«Мен қармоқларимни доимо бехато ташлайман, — деб ўйлади чол. — Ўзи ишим ўнгидан келмаяпти. Яна ким билади? Эҳтимол, бахт бугун менга ҳам кулиб боқар. Ҳар куннинг ўз таомили бор. Албатта, кишининг иши юришиб турганига нима етсин. Аммо мен ўз ишимнинг пухта бўлишини маъқул кўраман. Бахт келган чоғда, уни кутиб олмоққа тайёр тураман».

Қуёш кўтарилгандан бери икки соат атрофида вақт ўтди, энди шарқ томонга бемалолроқ қарашиб мумкин

эди. Узокда ҳозир фақат уттагина қайиқ күзга ташланарди. Бу ердан қараганда, улар сувдан зүрға күтарилиб тургандай туюлар, қирғоқдан ҳеч бир узоклашмаганга ўхшарди.

«Күзларимни бир умр тонг ёғдуси қамаштириб келади, — деб ўйлади чол. — Аммо улар ҳали ҳам ўткир. Кунботарда күёшга бемалол қарай оламан, бироқ шунда ҳам күзим жимирилашиб кетмайди. Қечқурун бўлса, күёш кучлироқ нур сочади. Аммо эрталаблари у менга азоб беради».

Шу пайт у қаршисида узун қора қанотларини ёзиб, кўкда чарх урган думдор қуш — фрегатни кўрди. Қуш қанотларини йифиб, ўзини ўқдек сувга урди, кейин яна гир айланниб уча бошлади.

— Ўлжа сезганга ўхшайди, — деди чол ўзига-ўзи. — Бекорга айланмаяпти.

Чол қайиқни қуш кезаётган томонга қараб оҳиста ва бир меъерда бошқариб борарди. У чилвирлар сувга тиккасига тушиб борсин деб, шошмасдан уларни кузатиб келарди. Шундай бўлса ҳам қайиқ, ҳарқалай оқимдан кўра пича тезроқ борар ва чол ҳамон расамади билан ов қилаётганига қарамасдан хатти-ҳаракатлари қуш кўринганга қадар бўлгандан кўра, бирмунча тезлашган эди.

Фрегат баландроқقا кўтарилди ва қанотларини муаллақ ташлаб, яна чир айланна бошлади. Бирдан у шўнғиди ва чол учар балиқнинг сувдан отилиб чиққанини, денгиз сирти бўйлаб жон-жаҳди билан қанот шопириб уча кетганини кўриб қолди.

— Макрель, — деди чол баланд овоз билан. — Йирик тилла макрель.

У эшкакларни сувдан кўтариб қўйди ва қайиқ бурнидаги тахта кат остидан чилвир олди. Чилвир учига ингичка сим билан маҳкамланган майдароқ қармоқقا у сардинлардан бирини илди. Чол чилвирни сувга ташлаб, бир учини қайиқнинг қўйруғига бураб ўрнатилган ҳалқага боғлаб қўйди. Кейин у бошқа чилвирга ҳам

хўрак ўрнатди-да, калавани ёймасдан катнинг соясига ташлади. Эшкакни қўлга олди ва сув устида энди паст учиб ов қилаётган узун қанот, қора қушни кузатиша давом этди. Куш қанотларини йифиб яна сувга шўнғиди. Сўнг учар балиқ ортидан қуваркан, ожиз ва укувсиз қанот қоқди. Чол сув сал-пал тўзиётганини кўрди, — тилла макрель ўзидан қочаётган балиқни таъқиб этарди. Балиқ сувга тушадиган онда, худди унинг остида пайдо бўлмоқдик учун, макрель шиддат билан сузиб, балиқ қаршисидан кесиб чиқишига интиларди.

«У ерда жуда катта макрель тўдаси борга ўхшайди, — ўйлади чол. — Улар бир-бирларидан анча нарида сузишади, балиқнинг қочиб қутулиши амри маҳол. Қушнинг бўлса, уни чангала галишга ҳеч қандай умиди йўқ. Учар балиқ фрегатга ҳаддан ташқари йириклик қилади. У қушни ўзига етказиб бўпти».

Чол учар балиқнинг сувдан қайта-қайта отилиб чиқаётганини, қуш эса уни тутиш учун ношуд ва ўнғайсиз ҳаракатлар қилаётганини кузатиб борарди. «Макрель қўлдан чиқди, — деб ўйлади чол. — У жуда ҳам узоққа жуда ҳам тез сузиб кетади. Аммо, балки менга тўдасидан айрилиб қолган макрель дуч келиб қолар, ажаб эмас, яна унинг яқинида менга аталган катта балиқ ҳам сузаётган бўлса! У қаердадир бўлиши керак-ку, ахир».

Ер устида булулар энди худди тоғ тизмалари каби юксалиб кўринар, қирғоқ эса узун яшил қийқага ўхшар, унинг ортида оч зангори тепалар чўзилиб кетган эди. Сув тўқ кўкимтири, деярли бинафша ранг тусга кирди. Чол сувга қараган кезларда, у зим-зиё океан қаърида планктонларнинг қизғимтири жилвалари, ҳамда қуёш нурларининг ажиб товланишларини кўради. У чилвиirlар сувга тик кириб бораётидими, йўқми деб кузатиб турар ва атрофида планктоннинг кўплигидан, бу эса балиқ иноят қилиши мумкинлигидан шодланар эди. Ҳозир шу тобда, кун кўтарилиб қолганда, нурнинг сувдан аксланиб чиқаётган ажаб

тovланишлари ҳам худди қирғоқ тарафда осилиб турған булат авзойи каби яхши ҳаво бўлишидан дарак берарди. Айтгандай, күш аллақачон узоқлаб кетган, сув бетида эса, офтобда куйиб кетган саргасс сув йўсинаринг сап-сариқ тутамлари ҳамда қайиқдан пича нарида юзиб юрган нофармон, жилвагўй шилимшиқ хубоб — португал физалиясидан бошқа ҳеч вақо кўринмас эди. Физалия ён томонига ағдарилди, кейин яна ўзининг аввалги ҳолатини тиклади ва ўз ортидан деярли бир метрча масофада ажал ташувчи узун сиёҳранг панжаларини судраб келаверди.

— Вой, қанжиф-еий! — деди чол.

Енгилгина эшкак эша туриб, у денгиз тубига қарди ва у ерда жуда ҳам майда, сувда судралиб юрган мана шу қисқич-панжалар қандай рангда бўлса, шундай тус олган балиқларни кўрди; улар панжалар орасида ва сув оқизаётган хубоб соясида сузиб юришарди. Буларга панжалардан чиқадиган заҳар таъсир қилмас эди. Одамларга бўлса, бошқа гап: худди мана шунга ўхшаган шилимшиқ ва нофармон панжалар чилвирга ёпишиб олган маҳалларда, чол балиқни чиқариб олгунча, қўллари то тирсагигача, худди заҳарли чирмовуқдай ҳосил бўлган жароҳатлар сингари яралар билан қопланарди. Заҳарланиш жуда тез рўй берар ва худди қамчи билан ургандек баданда қаттиқ сирқироқ оғриқ уйғотарди.

Анвойи жилолар билан товланувчи хубоблар бекиёс рангин кўринади. Бироқ улар денгиз махлуқлари орасида энг ашаддийси ҳисобланар эдики, чол улкан денгиз тошбақаларнинг уларни ямлаб ютишидан завқланар эди. Физалиялар кўринган замоноқ, тошбақалар кўзларини юмуб, ҳар қандай хавф-хатардан ҳоли бўлган ҳолда, уларга қаршидан яқинлаб боришар ва зум ўтмай, физалияларни чангал-пангаллари билан қўшиб ютиб юборар эдилар. Тошбақаларнинг физалияларни фипиллатиб туширишларини томоша қилиш чолга жуда ёқар эди. Унинг ўзи ҳам тўфондан сўнг,

қирғоқда улар устидан юриб, қадоқ товоnlари билан мижиғлаб ўтаркан, пуфакларнинг ёрилишига қулоқ солишини яхши кўрарди.

У яшил тошбақаларни кўркам ва эпчил бўлгани, қолаверса, савдода қадрга эга эканлиги боисидан ёқти-рар ва сап-сариқ қалқон косасига бурканиб олган, ишқий можароларда инжиқ, португал физалиялари-ни кўз юмуб ютадиган ланж ва ландавур, қалбаки ка-реттларга бир қадар нафрат билан қаарди.

Жуда кўп йиллар давомида тошбақа овловчилар билан бирга эшкак тортишган бўлса-да, ўзида бу жоноворларга нисбатан хурофий бир кўрқинч сезмас эди. Чол уларга ачинар ва ҳатто, териси қалин, узун-лиги қайиқ бўйича келадиган, бир тонна чамаси оғир-ликдаги лут деб аталувчи улкан тошбақаларга ҳам раҳ-ми келар эди.

Кўпчилик одамлар тошбақаларга бераҳм муносабатда бўладилар. Ахир, бу жоноворни ўлдириб, нимта-нимта қилганларидан кейин ҳам, унинг юраги ан-чагача уришдан тўхтамай туради-ку. «Аммо лекин, — деб ўйлади чол, — юрагим юрагидан фарқ қилмайди, кўл-оёқларим бўлса, унинг панжаларига жуда ҳам ўхшаб кетади». У ўзига қувват бўлсин деб, оппоқ тошбақа тухумидан ерди. Ҳақиқий йирик балиқлар кўпа-ядиган сентябрь ва октябрь ойларида бардам бўлиш учун бутун май ойи шуни истеъмол қиларди.

Чол ҳар куни кўпчилик балиқчилар ўз асбоб-уску-наларини асраб қўядиган саройдаги каттакон бочка-да сақланувчи акуланинг жигар мойидан ҳам кераги-ча ичиб олар эди. Мойдан кимлигидан қатъи назар, истаган балиқчи фойдаланиши мумкин эди. Аксар балиқчилар бу мойнинг таъмини ўлгудай қўланса деб топишар, бироқ уни ичиш каллаи саҳарлаб туришга қараганда ёқимсиз эмасди, устига устак у шамоллаб қолинганда қўл келар, кўзга ҳам фойдали эди.

Чол кўкка қаради ва яна денгиз устида фрегат айланиб учайтганини кўрди.

— Балиқ топибди, — деди у овоз чиқарыб.

На бирон учар балиқ сокин сув бетини безовта қилар ва на атрофда майда чавақдар күринар эди. Аммо чол шу онда унча катта бўлмаган тунец ҳавога сапчиб кўтарилиб, бир ўмбалоқ ошганча, яна денгизга калла уриб ғойиб бўлганини кўрди.

Тунец офтобда кумушдай ярқираб кетди, унинг кетидан майда балиқларга сапчиб-сапчиб отилиб, бошқа тунецлар ҳам чор атрофда сувни мавжлантириб дикирлаша бошладилар. Улар майда балиқлар ёнида чир айланишар, олдиларига солиб қувлашар эди.

Тунецларнинг сувни кўпиклантириб чарх уришию, фрегатнинг тунецлар даҳшати юзага чиқишига мажбур қилган балиқчаларни тута туриб, ўнфиганини кузатар экан: «Агар улар жуда тез сузиб кетишимаса, мен бутун тўдани қувиб етаман», — деб дилидан ўтказди.

— Қуш — балиқчининг садоқатли кўмакчиси, — деди чол.

Шу пайт қўйруқдан туширилган бир ўрами оёфи остида бўлган калта чилвир таранг тортилди. Чол эшкакларни ташлади ва калаванинг учидан маҳкам ушлаб олди-да, жон аччиғида қармоқни тортқилаётган ўрта миёна тунецнинг залворини ҳис қилган ҳолда, уни йиғиширига бошлади. Чилвир қўлида борган сари кучлироқ юлқинарди. У ўлжани қайиққа чиқарыб олиб, бортдан ошириб ташламасиданоқ, балиқнинг зангори сирти ва олтинсимон жилва қилган биқинларини кўрди.

Миқтидан келган, худди қуйиб қўйилган ўқдек тунец қайиқнинг кунгай саҳнида ётар ва маънисиз катта кўзларини ола-кула қилиб, сип-силиқ, серҳаракат қўйруғини жон ҳолатда биланглата-биланглата ҳаёт билан видолашарди. Раҳми келиб кетган чол унинг бошига уриб ўлдирди ва ҳали жони тамом чиқиб улгурмаган балиқни катнинг тагига, сояга оёфи билан итқитиб юборди.

— Албакоре, — деди у овоз чиқариб, — ундан ажо-йиб хўрак чиқади. Ўзиям ўлдим деганда, ўн қадоқдан кам эмас.

Чол қачондан бошлаб ўз-ўзи билан овоз чиқариб сўзлашадиган бўлиб қолганини энди эслолмас эди. Авваллари танҳо қолганда, у хиргойи қиласарди. Катта елканли кемаларда сузуб, вахтада турган ё тошбақа овига борган кезлари гоҳо-гоҳо у кечалари ҳам қўшиқ айтарди. Эҳтимол, бола ундан кетгандан кейин, ёлриз ўзи қолгач, ўзи билан ўзи гаплаша бошлагандир. Ҳозир буни эслай олмайди. Аммо бола билан бирга ов қилган маҳалларида ҳам, бунга зарурат туғилган чоғдагина гаплашар эдилар. Гаплашганда ҳам кўпинча кечалари ёки бузук об-ҳаво туфайли мажбуран бўш қолгандагина гаплашар эдилар. Денгизда худа-бехудага гапиравермаслик одат тусига кирган. Нури-нурсиз гапларни чолнинг ўзи ҳам ёқтирамас ва шу одатни ҳурмат қиласарди. Мана энди бўлса, у, ўз ўйларини жуда кўп марта овоз чиқариб такрорлар, нафсилаамрга бунинг бирорга айил ботадиган ўрни ҳам қолмаган эди.

— Агар ўзим билан ўзим гаплашаётганимни битта-яримта эшитиб қолганда, у мени жинни-пиннига чиқариб қўярди, — деди чол. — Аммо мен эсдан оғмаган эканман, кимнинг бу билан қанчалик иши бор? Давлатмандларнинг хўп ҳам ошиғи олчи-да: қайиқларидан радиолари бор, уларга ҳар турли воқеаларни сўзлаб беради, бейсбол янгиликларини эшиттириб туради.

«Ҳозир бейсбол ҳақида ўйлашнинг вақти эмас, — деди чол ўзига. — Энди фақат бир нарса устида бош қотириш керак. Гап менинг нима учун туғилганим устида боради. Эҳтимол, қаердадир, мана бу тунец галалари билан ёнма-ён бўлиб менинг улкан балифим ҳам дайдиётгандир. Ахир, мен бор-йўғи биргина албакоре ушладим, у ҳам тўдасидан айрилиб қолгани. Улар бўлса соҳидан анча йироқда ов қилишади, яна жуда ҳам тез сузишларини айтмайсизми. Бутун денгизда нима учраётган бўлса, ҳаммаси ҳам жуда тез

сузиб, шимоли шарқقا қараб боряпти. Ёки куннинг мана шу пайтида доимо шундай бўлармикин? Балки, бу ҳавонинг ўзгаришидандир ва мен унинг белгисини билмасман».

Кўм-кўк соҳил сатҳи чолга аллақачон кўринмай қолган эди; узокда бу ердан худди қор билан қоплангандек оппоқ бўлиб кўринувчи зангори тепаликларнинг бошларигина кўзга ташланар эди. Уларнинг устида турган булатлар ҳам юксак қорли тоғларга ўхшаб кўринарди. Денгиз қоп-қора тусга кириб, қуёш нурлари сувда сўна бошлади. Энди планктоннинг сонсаноқсиз жилвалари тиккага келган қуёш туфайли сўниб қолган, чол ҳозир фақат қорамтири сувда синиб қайтаётган қуёш нурларидан ҳосил бўлган йирик ва рангин доғлару, пастга қараб типпа-тик кетган чилвирларнигина кўтарарди. Чуқурлик эса бу ерда бир милга етиб қоларди.

Тунецлар (балиқчилар бу туркумга кирувчи ҳамма балиқларни тунец деб аташар ва уларнинг асл номларини бозорга сотиш учун олиб борган ёки хўрак ўрнида пуллаган пайтларидагина фарқ қила бошлардилар) яна денгиз тубига тушиб кетишли. Қиздиргандан қиздирив бораётган қуёш энсасини куйдириб ўтаётганини чол сезиб туради. У эшкак тортаётганда, тер елкасидан дувиллаб оқарди.

«Қайиқни оқимга кўйиб беришим, вақтида уйғониш учун эса чилвирни оёғимнинг бошмалдоғига боғлаб кўйиб, мизғиб олишим мумкин эди, — деб ўйлади чол. — Аммо бугун — саксон бешинчи кун, шунинг учун ҳам ҳушёр бўлиш керак».

Шу пайт у яшил қармоқлардан бирининг қимирлаб кетиб, сувга эгилиб тушганини пайқаб қолди.

— Ана холос, — деди у. — Айтмовдимми! — ва қайиқни безовта қилмасликка ҳаракат қилиб, эшкакларни сувдан тортиб олди.

Чол чилвирга томон энкайиб, уни ўнг қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан авайлаб тутди. У ба-

лиқнинг зўр бериб кучанмаётганини сезиб турар, шундай бўлса керак чилвирни сиқимламай, енгилгина ушлаб олган эди. Бироқ чилвир мана яна қалтираб кетди. Бу сафарги силтov олдингисига қараганда эҳтиёткорона ва заифроқ эдики, чол бунинг нима маъно англатишини аниқ билар эди. Яъни юз денгиз саржинича тубандада марлин қармоқ илгагининг учи билан букламасига тизилган сардинларни ямламай туширадар, қўлбола қилиб ясалган қармоқ илгагининг ўзи эса майдароқ тунец калласидан тешиб ўтказилган эди.

Чол калавани енгилгина тутиб туриб, чап қўли билан уни қармоқ дастасидан ечиб олди. Энди калава бармоқлари орасидан балиқни сескантирмай сирғалиб чиқа олар эди.

«Қирғоқдан шунчалик олисда, яна йилнинг мана бу фаслида, балиқ жуда ҳам катта бўлса керак. Еявер. Егин энди, ол, егин. Сардинлар бирам мазали, сен бўлсанг жуда совқотгансан, олти юз фут чуқурликда сув жуда ҳам совуқ ва қоп-қоронғи бўлади. Қоронғида яна бир марта айланиб кел, орқангга қайт ва ол, е, еявер!»

У енгил, сергак силтov сезди, сал ўтмай бу кучлироқ бўлиб такрорланди — битта-яримта сардинни қармоқдан юлиб олиш мушкуроқ бўлаетгани кўриниб турарди. Кейин жимжит бўлиб қолди.

— Бўла қолсанг-чи, — деди чол овоз чиқариб, — яна бир бурилиб кел. Ҳидини қара, ҳидини. Қандай ажойиб-а, тўғри эмасми? Тўйиб-тўйиб еб ол! Кейин қарабсанки, тунецни тотиб кўриш гали келади! Ахир у шундай ҳам сўлқиллаган, муздаккина, бир ширинки, қўяверасан. Қисиниб-қимтиниб ўтирма, балиқ. Егин, ол, есанг-чи, ўтинаман сендан.

У, бош ва кўрсаткич бармоқлари билан калавани тутиб, балиқнинг жойдан-жойга сузиб ўтиш эҳтимоли борлигидан бир пайтнинг ўзида бошқа чилвирлардан ҳам кўз узмай кутарди. Бирдан у яна қармоқ ипининг енгил, билинар-билинмас тортқиланганини пайқади.

— Чўқийди, — деди чол овоз чиқариб. — Чўқийди, худоё дард кўрмагур!

Аммо у чўқигани йўқ. Кетиб қолди. Чилвир ҳам қимир этмасди.

— Унинг бутунлай кетиши мумкин эмас, — деди чол.
— Худо шоҳид, унинг кетиши мумкин эмас. У бор-йўғи қайрилиб келяпти. Эҳтимол, у бирон марта қармоқча тушиб чиқсан ва бу ҳали хаёлидан кўтарилемагандир.

Шунда у яна қармоқ ипининг оҳиста тортқилиланганини сезди ва дили таскин топди.

— Айтмовдимми, у фақат қайрилиб келяпти деб...
— деди чол. — Мана энди чўқийди!

У балиқнинг ҳуркиб-ҳуркиб чилвир тортқилашидан ўзини қўярга жой топмасди. Тўсиндан, чол қандайдир, фавқулодда бир зилу замбил оғирлик сезди. Сезди-ю, чилвирни бўшатиб, эҳтиётдаги калавалардан бирини чуватганча, унинг борган сари қуи, қуи, қуига тушиб бориши учун имкон берди. Чилвир бармоқлардан осонгина сирғалиб чиқиб пастга кетиб бора, уни ушлар-ушламас тутиб турганига қарамасдан, чол ўрамни ямлаб кетаётган фоят зўр оғирликни ҳис қилиб турарди.

— Асти қандай бало балиқ бўлди ўзи! — деди у овоз чиқариб — Қармоқни ямлаб олиб, энди узоқроқча жуфтакни урмоқчи.

«У барibir орқасига қайрилади, қармоқни ҳам ютиб юборади», — деб ўйлади чол. Бироқ бир кори ҳол бўлиб ўтирмасин, деб чўчиди шекилли, овоз чиқармади. Чол бу балиқнинг қанчалик totли эканини билар, хаёлан унинг лунжида кўндаланг тиқилган тунец билан қоронфида борган сари узоқроқча кетаётганини кўз ўнгига келтиради. Қандайдир бир муддат ичидага ҳаракат тўхтади, аммо чол ҳали ҳам балиқ вазнини ҳис қилиб турарди. Кейин тортиш авжга чиқди, чол яна ўрамни бўшатди. У бир нафас чилвирни тўхтатиб кўрди, тортим бирдан кучайиб кетди ва ўрам тикиксига пастга юлқинди.

— Чўқиди, — деди чол. — Энди бир бурнидан чик-кунча тўйиб еб олсин-чи.

У чилвирни ўз ҳолига қўйиб берди-да, чап қўли билан икки эҳтиёт калаванинг бўш учини, бошқа қармоқнинг икки эҳтиёт калавасига улади. Шу билан ҳаммаси тахт бўлди. Ҳозир қўлидагидан ташқари, унда яна ҳар бирининг узунлиги қирқ саржиндан келадиган учта эҳтиёт шарт калава ипи ҳам бор эди.

— Яна пича есанг-чи, — деди у. — Еявер, уялма. «Шундай егинки, токи қармоқ илгаги нақ юрагингга бориб етсину, тил тортқизмай гумдон қилсин сени, — деб ўйлади у. — Ўзинг ёнимга чиққин, бу ёғига гарпун санчишни менга қўйиб бер. Шундоқ бўлсин. Қалай, тайёрмисан? Роса тўйиб олдингми?»

— Бошладик! — деди у овоз чиқариб ва чилвирни қаттиқ юлқиб, бир ярдча⁴ тортиб чиқарди, кейин эса қайта-қайта юлқиб, ҳар юлқишда қўллари ва жисмининг бор қувват-мадорини ишга солиб, ўрамни сигир соққандай, гоҳ у қўли, гоҳ бу қўли билан тортиб чиқара бошлади.

Ҳамма уринишлари зое кетди. Балиқ эринмайгина илгарила борар, чол уни ўзига бир дюйм ҳам яқин келтира олмасди. Унинг чилвири катта балиқларга мўлжалланган, пишиқ эди. Чол уни елкасига олиб, шундай ҳам таранг тортдики, ҳатто сув зарралари сачраб-сакрашиб кетди. Кейин чилвир сувда заиф вишиллади, чол бўлса, ўриндиқقا тираниб, ҳамон уни бўшатмас эди. Қайиқ бирмунча шимоли-фарб томонга оға бошлади. Балиқ сузгандан сузид борар, улар зилол сув бўйлаб оҳиста узоқлаб кетишарди. Бошқа хўраклар денгизга қандай ташланган бўлса, ҳамон шундайлигича туарар, чол уларни нима қилишни билмасди.

— Қани энди, ёнгинамда бола бўлса! — деди у. — Балиқ мени шатакка олди, ўзим-ку буксир битенгги-

⁴ Ярд — (узунлик ўлчови) — 0,95 м.га баробар.

га⁵ ўхшаб қоляпман. Ўрамни асли қайиқقا боғлаб қўяверса ҳам бўлаверарди. Аммо бунақада балиқ, Худо кўрсатмасин, узиб қочиши мумкин. Мен уни маҳкам ушлашим ва керагича бўшатиб туришим керак. Худойимдан ўргилайки, у чуқурликка кетмайгина сузуб юрибди. Мабодо у чуқурроқ тушишни хоҳлаб қолса, мен нима қилдим? Агар у тош бўлиб денгиз қаърига кетса, ўша ерда ўлиб қолса, нима қиласман? Билмайман. Ўшанда маълум бўлар. Нималар қиласмагим мумкин менинг!

У ўрамга елкаси билан тиркалиб тураркан унинг сувга қандай оғаётгани-ю, қайиқнинг шимоли-тарбга томон оҳиста жилиб боришини кузатар эди.

«У кўп ўтмай ўлади, — ўйларди чол. — Доимо сузуб юравериш мумкин эмас».

Бироқ тўрт соат ўтса ҳамки, балиқ ҳамон қайиқни ўз ортидан судраганча, тиним билмай, очиқ денгизга кетиб борарди, чол эса, ўша-ўша, елкасида сиртилган чилвир, оёғи банкага тироғлиқ ўтирарди.

— Уни ушлаганимда, айни пешин эди, — деди чол.

— Шу пайтга довур ҳам ўзини кўрганимча йўқ.

Балиқни ушлаш олдидан пешонасига бостириб кийиб олган сомон шляпаси манглайнини қийиб юборганидан, оғриқ турган эди. Чол ташна бўлган, сув ичкиси келарди. У ўрамни тортқилаб юбормаслик учун, оҳиста тиззалаб, қайиқ бурнига иложи борича яқин борди ва бир қўли билан шишани олди. Унинг оғзини очиб, бир неча қултум ютди. Сўнг шу ерга ёнбошлаб, нафас ростлади. У елкан ўралган мачтага ўтириб, ҳеч нарсани ўйламасликка ва ҳуда-бехуда куч сарф қиласликка ҳаракат қилиб дам оларди.

Кейин чол келган йўлига назар ташлади ва ер алла-қачон кўринмай кетганини кўрди. «Ҳечқиси йўқ, — деб ўйлади у. — Мен ўзим истаган маҳалда, Гавана

⁵ Б и т е н г — кеманинг олд қисмига ўрнатилган пўлат ёки чўян гўла. Кема шатакка олингандага арқон шунга боғланади.

чироқларини қора қилиб, орқага қайтишим мумкин. Кун ботишига икки соат қолди, у шу пайт ичида сузив чиқса, ажаб эмас. Агар чиқмаса, ойдинда юқорига күтариш! Бу ҳам бўлмаса, балким, тонг билан чиқар. Қўлим ҳам айилиб кетаётгани йўқ, бардам-бақувватман. Қармоқни мен эмас, у ютган-ку. Аммо тортиши шунчалик бўлса, ўзи қандай балиқ бўлдийкин! Афтидан, чилвирни ҳам маҳкам қисиб олганга ўхшайди. Унга шундай бир қараб ололсам эди, ўшанда у билан қандай муомала қилишни ўзим билардим».

Чолнинг юлдузларга қараб қилган тахминига кўра балиқ ўз йўлини ўзгартирмасдан тун бўйи сузив чиқди. Қуёш ботгандан сўнг совуқ турди, бутун орқаси елкалари, кексалик асар қилган оёқларида тер қотиб қолди, у совқотди. Кундузи чол хўракли яшик устига ташлаб қўйилган қопни олиб, қуритиш учун офтобга ёйиб қўйган эди. Кун ботгач, у қопни бўйни атрофини ўради-да, ўрам или остидан оҳиста ўтказиб, орқасига туширди. Энди ўрам залворидан елкаси аввалгидек қийилиб-қирчилмас, қайиқ бурнига ёнбошлаганча, қулайгина ўрнашиб олганидан, анчайин енгиллик туғилган эди. Тўғрисини айтганда, бу енгиллик номигагина эди. Аммо у ўзини буларнинг бари гўё шоҳона бир қулайлик деб ишонтиарди.

«Мен уни бир ёқли қилолмайман, — лекин у ҳам мени бир ёқли қилолмайди, — деди чол ўзига. — У бошқача бирон лўттибозлик ўйлаб чиқармагунча, шундай бўлади».

У бир марта ўрнидан турди, борт оша ёзилди, юлдузларга қараб, қайиқнинг қаёққа йўл тутаётганлигини белгилади. Чилвир унинг елкасидан тўппа-тўғри сувга тушиб турган нозиккина нур бўлиб кўринарди. Қайиқнинг ҳаракати энди секинлашган, Гавана чироқлари ҳам пилпиллаб хира кўринар эди, оқим уларни шарқ томонга суриб кетаётганга ўхшарди. «Гавана чироқлари кўринмай кетяптими, бас, демак биз борган сари шарққа қараб боряпмиз, — деб ўйлади чол.

— Агар балиқ йўлини ўзгартирмаган бўлганда, мен уларнинг ҳали яна бир неча соат кўриб турган бўлардим. Қизиқ, бугунги ўйинларнинг натижаси қандай бўлдийкин? Қани энди қайифингда радио бўлса!» Аммо ўз ўйини ўзи бўлди: «Ҳадеб алаҳсийверма! Қилаётган ишингни ўйла. Қовун тушириб қўймаслик учун, ўйла».

Кейин овоз чиқариб деди:

— Боланинг ёнимда йўқлиги ёмон бўлди. Ҳарна мадад эди. Ҳам буларнинг барини ўз кўзи билан кўрган бўларди.

«Кексайгандা, киши ёлғиз ўзи кимсасиз қолмасин экан, — деб ўйларди у. — Аммо бу кўргиликдан қочиб кутулиб бўлармиди. Тунец ҳидланиб қолмасдан бурун еб олишни унутмасам бўлгани, ахир, мен кучдан қолмаслигим керак. Унчалик очиқмаган тақдиримда ҳам, уни эрта билан еб олиш хотирамдан кўтарилемаса бас. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам унутмай-да, унутмай», — деб тақрорларди у.

Тунда қайиқ ёнига икки денгиз чўчқаси сузиб келди. Чол нар чўчқанинг пишқирганини, модасининг гўё ҳомуза тортгандай, эшитилар-эшитилмас, пишиллаётганини эштиди.

— Курғурлар-э, — деди чол. — Ўйнашади, шўхлик қилишади ва бир-бирларини яхши кўришади. Улар бизга худди учар балиқлар сингари яқин.

Кейин у қармоғига тушган катта балиққа жуда ҳам ачиниб кетди. «Турган-битгани мўъжиза-ку бу балиқнинг. Унинг дунёда неча йил умр сурганини Худойимнинг ўзи билади. Менинг қўлимга ҳеч қачон бунақангидекчи балиқ тушмаган. Ўзини тутишини қаранг, ақл бовар қилмайди-я бунга. Эҳтимол, унинг сакраб чиқмаётгани ҳам бениҳоя ақлли бўлганидандир. Агарда у бор кучи билан олдинга интилса ёки сапчий қолса борми, тирик қўймасди мени, ахир. Аммо, балки бу унинг қармоққа биринчи марта тушиши эмасдир ва у жонини сақлаш учун мана шу алфозда курашмоқни афзал билар. Ўз муҳолифи ёлғиз бир киши, у ҳам

бўлса, чол эканини қаердан билсин. Лекин бу балойи азим балиқ экан, агар унинг гўшти мазали бўлса, қанчадан-қанча пул келтиради! У хўракка ҳам нордай ташланди, нордай судраяпти, бунинг устига мен билан қўрқув нима билмасдан олишяпти. Қизиқ, у ўзининг нима қилиши кераклигини билармикин ёки худди менга ўхшаб, бош-кетига қарамай сузяптими?»

У, бир сафар қармоқда мода марлин тутганини эслади. Нор балиқ доимо модасини емишга биринчи бўлиб қўяди. Қармоққа тушган мода даҳшат ичидагон-жаҳди билан зўр бериб олиша бошлади, бу уни ҳаш-паш дегунча ҳолдан тойдириб қўйди, нор балиқ бўлса, ундан бир қадам ҳам орқада қолмасдан, денигиз юзида ёнма-ён сузар, чарх айланар эди. У шундай яқин келиб сузардики, чол, балиқ худди ўроқ каби ўткир, қўриниши ҳам деярли ўроқнивидан қолишмайдиган думи билан чилвири қирқиб юборадими, деб қўрқарди. Чол мода балиқни чангак билан саншиб олиб, худди қилич сингари кескир, ғадирбудур оғзидан ушлаб туриб, тўқмоқ билан миясига туширган пайтида ҳам, то унинг ранги ўзгариб, кўзгулар тошига суртиладиган амальгама тусига кирмагунча савалаган чоғларида ҳам ва ниҳоят, бола ёрдамида уни қайиққа тортиб чиқарган кезларида ҳам нор балиқ шу ерда эди. Кейин, чол чилвири ўраб, гарпун тайёrlаётганда, нор балиқ ўз йўлдошига нима бўлганини кўриш учун қайиқ ёнида ҳавога баланд сакраб кўтарилиди, шундан сўнг, тиниқ сафсарранг кўкрак қанотларини ёйиб, умуртқаси узра чўзилиб кетган кенг оч пушти, йўл-йўл тасмалари равшан кўринганича, денигизга чуқур шўнғиб кетди. У қандай фусункор бўлганини чол сира унотомасди. Бунинг устига ўз йўлдошини то сўнгги дамгача ташлаб кетмаган эди.

«Денгизда мен бунчалик қайгули бўлган бошқа ҳеч нарсани кўрмаганман, — деб ўйлади чол. — Бола ҳам маъюс бўлиб қолганди ва биз мода балиқдан кечирим

сўраб, кўз очиб юмгунча сарагини саракка, пучагини пучакка ажратган эдик».

— Афсуски, ёнимда бола йўқ, — деди у овоз чиқариди ва елкаларини босиб тушган ўрам орқали ўзининг қандайдир нуқтаси сари оғишмай бораётган улкан балиқнинг қудратли кучини муттасил ҳис қилган ҳолда, қайиқ бурнининг думалоқ тахталарига қулайроқ ўрнашиб одди.

— Менинг ҳийлам туфайли у ўз фикрини ўзгартишга мажбур бўлди, ақл ҳам бовар қилмайди бунга!

«Унинг пешонасига турли-туман тузоқлар, тўрлар ва инсон ҳийла-найрангларидан узоқроқда, зим-зиё океан тубида яшамоқлик ёзилган эди. Менга эса ёлғиз бошим билан унинг кетидан тушиб, ҳали ҳеч ким келиб етмаган жойда топиш насиб бўлди. Ҳа, ҳеч зот келиб етмаган жойда. Энди бўлса ҳар икковимиз тушдан бери бир-биримизга боғланиб қолдик. Шундай. На унга ва на менга ҳеч ким ёрдам қўлини чўза олмайди».

«Эҳтимол, мен балиқчи бўлмаслигим керак эди, — деб ўйларди у. — Лекин худди шу касб учун туғилганман-ку, ахир. Тонг отиши билан тунецни еб олиш ёдимдан чиқмаса бўлгани».

Қуёш кўтарилимасдан сал бурун орқа томондаги қармоқлардан бирига балиқ илинди. У қармоқ дастасининг синган товушини ва чилвирнинг қайиқ зийи оша сирғалиб тушаётганини эшитди. Қоронғи ичидаги пичогини филофидан суғуриб одди ва балиқнинг бутун оғирлигини чап елкасига туширган ҳолда, орқасига энкайди-ю, зийдаги чилвирни кесиб юборди. Кейин у ёнидаги чилвирни қирқди ва эҳтиёт калаваларнинг учларини тусмоллаб топиб бир-бирига маҳкам боғлаб қўйди. Чол тугунларни ечиб бўлмайдиган қилиш учун калаваларни оёқлари билан тутиб турганча, бир қўллаб чаққон ишларди. Энди унинг ихтиёрида олти эҳтиёт чилвир ўрами бор эди, — ҳар бир кесилган чилвирдан иккитадан тўртта ва балиқ илин-

ганидан иккита, ҳар бир ўрам бир-бирига уланиб кетар эди.

«Тонг ёриша бошлаши билан, — деб ўйларди чол, — қирқ саржинча ташланган чилвирни олишга ҳаракат қиласман-да, уни ҳам кесиб, эҳтиёт калаваларига улаб қўяман. Тўғри, бундай қилганда, икки юз саржинча пишиқ каталон арқонидан маҳрум бўламан. Илмоқлару, чўқтиргичларни ҳисоблаб ўтирмаса ҳам бўлади. Ҳечқиси йўқ, бу нарсаларни қайта топиш мумкин. Аммо агарда қармоққа бошқа қандайдир балиқ илиниб, мана бунисидан бенасиб қилса, ким менга яна худди шунақасини топиб бера оларди? Ҳозир чўқигани қандай балиқ экан, билмайман. Балки, марлиндир, балки найза балиқ ёки акуладир. Нима бўлганини ҳатто пайқамай қолдим. Ундан тезроқ қутулиш керак эди».

Овоз чиқариб деди:

— Эҳ, ёнгинамда бола бўлсайди!

«Аммо ёнингда бола йўқ, — деб ўйларди у. — Сен фақат ўзинггагина ишонишинг мумкин. Шундай экан, ҳозирнинг ўзидаёқ қоронфи бўлса ҳам, анави охирги чилвирни олиб, кесишинг керак-да, икки эҳтиёт ўрамини улаб қўйганинг маъқул».

У шундай ҳам қилди. Қоронфидан ишлаш оғир эди, Бир гал балиқ шундай силталаудики, у юз тубан йиқилиб тушди ва кўз остини ёриб олди. Қон ёноғидан оқиб туша бошлади, аммо ҳали иягига етиб улгурмасдан қуюлиб тўхтади ва қотиб қолди. Ўзи бўлса, нафас ростламоқ учун қайиқ бурнига қараб сургалди ва етиб келиб ёнбошлаб олди. Чол қопни ўрнаштириброқ қўйди, чилвирни эҳтиёт билан елкасининг ҳали лат емаган қисмига ўтказиб, бутун оғирликни елкасига туширди-ю, балиқнинг қанчалик куч билан тортаётганини аниқлашга уринди, сўнгра, қўлини сувга тушириб, қайиқ тезлигини билишга ҳаракат қилди.

«Нега у бунчалик силтандийкин, қизиқ, — деб ўйлади у. — Ҳар нечук чилвир елкасидаги катта ўркачдан

сирғалиб тушган бўлса ажаб эмас. Унинг елкаси мени-
кичалик оғримайди, албатта. Аммо у қанчалик йирик
бўлмасин, қайиқни бир умр тортиб юролмайди-ку,
ахир. Энди халақит бериши мумкин бўлган нарсалар-
нинг баридан қутулдим. Бундан ташқари, чилвирни
ҳам керагича ғамлаб кўйдим, кишига шундан бошқа
яна нима керак ўзи?»

— Балиқ, — деб чақирди у секингина, — ўлсам ўла-
манки, сендан ажралмайман.

«У ҳам, ҳар ҳолда мендан айрилмаса керак», — деб
ўйлади чол ва тонг ёришишини кута бошлади. Бу аzon
палласи ҳаво совуқ эди ва у сал бўлса ҳам исиниш учун
қайиқ таҳталарига бағрини бериб қаттиқроқ ёпишди.
«У чидаяптими, мен ҳам чидайман».

Кўп ўтмай тонг шафафи денгиз қаърига кетган та-
ранг чилвирни ёритди. Қайиқ тўхтовсиз илгари сил-
жирди: қуёш ҳам уфқ бетида тирноғини кўрсатди-да,
чолнинг ўнг елкасига нур тўқди.

— Шимолга қараб сузяпти, — деди чол. — Оқим-ку,
бизни анча шарқ томонга сурини кетганга ўхшайди. У
оқимга қараб бурилса қанийди. Унинг ҳолдан тойга-
нини шундан билса бўладики.

Аммо қуёш яна ҳам юқори кўтарилганда, балиқ
чарчашни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаётганлиги чолга
аён бўлди. Кўнглига фақат бир нарса таскин бериб
турар, у ҳам бўлса, балиқнинг энди анчагина юзада
сузаётганлиги эди, буни чилвирнинг сувга қандай
қиялиқда кетаётгани аниқ кўрсатиб турарди. Аммо
бу — балиқ, албатта сув юзига қалқиб чиқади деган
гап эмас эди. Бироқ, ҳар қалай у чиқиб қолиши ҳам
умумкин.

— Э Худо, ўзинг уни бу ёққа чиқиш мажбур қил! —
деди чол. — Суробини тўғрилаш учун эса, Худога шукр,
етарли калавам бор.

«Ёки чилвирни андак тарангроқ тортсаммикин,
оғриқ жонидан ўтса, отилиб чиқиб қолармиди дейман-
да, — деб ўйлади чол. — Мабодо чиқадиган бўлса, кун

ёруғлигіда чиқиб қүя қолсин. Ўшанда умуртқаси ёқалаб кетган пұфаклар ҳаво билан түлиб қолади. Кейин у денгиз остида ўлиш учун ҳеч қачон у ерга тушомайдыган бўлади».

У чилвирни яна ҳам тарангроқ тортишга уриниб кўрди, аммо чилвир бусиз ҳам аввал бошдан шундай таранглашган эдики, ҳозир уни тортай деб, ўзини орқага ташлаши билан елкасини чунонам ўйиб юбордики, бунақада чол ҳеч вақо чиқара олмаслигини билди. «Силтаб тортиш мумкин бўлмаса, бу фалокатни, — деб ўйлади чол. — Ҳар силтова қармоқ тишлишган жой кенгайиб бўшашибади, мабодо балиқ юзага чиқиб қолса, қармоқ ҳам айрилиб кетиши мумкин. Ҳар ҳолда ўзимни ҳозир, куёш чиқиб турганда, яхши ҳис қиляпман. Бу сафар офтоб ҳам кўзимга тушмаяпти».

Чилвирларни сариқ сув ўтлари чирмаб олди. Аммо чол шунга ҳам хурсанд эди, чунки улар қайиқ ҳаркатини секинлаштириб туришарди. Бу ўша, тунда ялтираб кўринадиган сариқ сув ўтларининг ўзгинаси эди.

— Балиқ, — деди у, — сени жуда ҳам яхши кўраман ва ҳурмат қиласман. Аммо билиб қўй, кун ботмасдан сени гумдон қиласман.

«Ҳар ҳолда, мен бунинг уддасидан чиқсам керак», — деб ўйлади у.

Тирноқдеккина қуш шимол томондан қайиқقا яқинлашди. У сув бетида пасайиб учарди. Чол унинг ниҳоятда ҳолдан тойганини кўрди.

Куш нафас ростлаш учун қайиқнинг қуйруғига қўнди. Кейин у чолнинг боши устида айланиб учдида, ўзи учун қулайроқ бўлган чилвир устига кўниб олди.

— Ёшинг нечада? — деб ундан сўради чол. — Ҳойнаҳой, бу сенинг биринчи саёҳатингдир?

Куш жавоб ўрнига чолга қаради. У жуда ҳам чарчаган эди, ҳатто чилвир ўзини кўтарадими, йўқми,

шунга ҳам қараб ўтирмади, мурғак панжалари билан уни чанглаб олганча, чайқалибина турарди, холос.

— Кўрқма, калава маҳкам тортилган, — деб уни юпатди чол. — Ҳатто ҳаддан зиёд маҳкам. Сокин тунда сен бу қадар ҳолдан тоймаслигинг керак эди. Эҳ, эндики қушлар, эндики қушлар!

«Лочинлар бўлса-чи, — деб ўйлади у, — денгизнинг ҳар қаричида сизларнинг тумшуғингиз тагидан чиқиб қолиши мумкин». Аммо буни қушга айтиб ўтирмади, айтганда ҳам, у барибир тушуниб етармиди. Ҳечқиси йўқ, ўзи тезда лочиннинг нималигини билиб олади.

— Яхшилаб дам олгин, митти қуш, — деди у. — Кейин соҳилга қараб учгин, ҳар бир одам, қуш ва балиқ сингари сен ҳам чинакамига ҳаёт учун қаттиқ туриб курашгин.

Қуш билан бўлган бу суҳбат ўзига андак мадад бергандай бўлди. Чунки туни билан елкасининг акашаги чиқсан ва у энди росмана зирқираб оғриб турарди.

— Агар хоҳишинг бўлса, қуш, мен билан яна пича бирга бўл, — деди у. — Нима қилайки, шабада фимирлаб қолган бўлса ҳам, елкан ўрнатиб, сени қирғоқча олиб бориб қўёлмайман. Бу ерда эса дўстим ҳам бор. Уни ташлаб кетолмайман.

Худди шу онда балиқ тўсатдан қаттиқ юлқинди ва чонни қайиқ қуйруфига юмалатди; агар у қўли билан бортга таянаб қолмагандан, чилвирни бўшатмагандан балиқ уни илаштириб кетиши ҳам ҳеч гап эмас эди.

Чилвир юлқинган пайтда қуш учиб кетган эди. Унинг қандай ғойиб бўлганини чол ҳатто пайқамай қолди. У калавани ўнг қўли билан пайпаслаб кўрганида, қўлидан қон оқаётганини кўрди.

— Балиқнинг ҳам жони роса қийналгандир, — деди у ўзига-ўзи ва балиқни бошқа томонга буриб бўлмасмикин деган ниятда, чилвирни алдаб тортди. Охиригача тортиб бўлгач, аввалги ҳолатида тек қотди.

— Мазанг қочяптими, балиқ? — деб сўради у. — Худойим кўриб турибди, менга ҳам осон эмас.

Ким билан бўлмасин жуда ҳам гаплашгиси келди. Атрофга аланглаб қушни излади. Аммо ундан номнишон ҳам қолмаган эди.

«Дарров кетиб ҳам қолибсан, — деб ўйлади чол. Аммо сен кетган ёқда шамол хийлагина кучлироқ ва у то соҳилга довур эсиб боради. Бир силташда балиққа ўзими ярадор қилишга йўл қўйиб берганимни қара-я? Ростдан ҳам, жуда меров бўлиб қопман. Ёки бўлмаса, шундай ўзим, қушга маҳлиё бўлиб, фақат у тўғрида ўйлаб қолгандирман? Энди мен мана бу ҳақда ўйлайман ва мадор бўлсин деб, тунецни тамадди қилиб оламан».

— Афсус, ёнимда бола ҳам йўқ, туз ҳам йўқ, — деди у ўзига-ўзи.

У балиқнинг оғирлигини чап елкасига олиб, оҳиста чўккалади-да, қўлинин ювди, уни бир муддат сув ичиди тутиб тураркан, ёйилиб бораётган қон изи ҳамда ўткинчи оқимнинг қўлни ялаб, айланиб ўтишини кузатди.

— Балиқ боягидан хийла секин сузяпти, — деди у. Чол ўшур сувда қўлинин узоқроқ тутиб туришни истарди-ю, аммо балиқ яна тортқилаб қоладими, деб қўрқди: шунинг учун ҳам у ўрнидан туриб, чилвирни елкаси билан тортиброқ қўйди ва қўлинин офтобга тутди. Чилвир қўлнинг бор-йўғи биргина, аммо худди ишга энг асқатадиган юмшоқ жойини тилиб кетган эди. Иш долзарбга келганда қўли ҳали тоза ҳам керак бўлишини чол тушунар, келиб-келиб, бошданоқ унинг дардисар бўлиб қолганлигидан фижинарди.

— Энди, — деди у қўли қуригач, — тунецни еб олишим керак. — Уни бу ёққа чангак билан тортиб ололаман, кифтини келтириб қорин тўйдириш ҳам қўлимдан келади.

Чол яна чўкка тушди ва қуйруқ тагини чангак билан тимирскилаб, тунецни топди. Чилвир ўрамини авайлаб тутганча, тунецни ўзига томон сурди. Балиқнинг бутун оғирлигини яна чап елкасига олиб, сўл қўли билан қайиқ четига таянди-да, тунецни қармоқдан

ажратиб олди ва чангакни ўз ўрнига кўйди. Балиқни тиззасига сиқиб олди ва унинг қорамтири қизил тусли гўштини бўйнидан тортиб то думигача узунасига тилимлаб чиқди. Тилим-тилим қилиб олти бўлак кесиб олгач, уларни қайиқ бурнининг тахталарига териб кўйди, пичоқни почасига суртди, тунец склетини думидан ушлаб олиб дengизга итқитди.

— Ҳойнаҳой, бутун бир бўлакни ея олмасман, — деди у ва бўлаклардан бирини иккига бўлди.

Чол улкан балиқнинг тин олмасдан, кучдан қолмай тортиб бораётганини, чап қўли эса тамомила айилиб кетаётганини сезиб турарди. Бу қўли оғир арқонни титраб-қақшаб тутамлар эди. Чол унга ижирғаниш билан сарасоф солди.

— Худо ҳақи, шу ҳам қўл бўлдию! — деди у. — Кўнглинг суст кетаётган бўлса майли, айилиб тушавер! Менга деса, қушпанжасидай бўлиб қолмайсанми, ба-рибир бунинг сенга нафи тегмайди.

«Бир оз тотиниб ол, — деб ўйлади у қоп-қора сув ва унга қиялаб кетган ўрамга назар солар экан, — билагинг бақувватроқ бўлади. Бу қўлда нима гуноҳ бор? Ахир, сен қаторасига неча соатдан бери балиқни ушлаб турибсан ўзинг. Аммо барибир охиригача ундан айрилмайсан. Ҳозирча тотиниб ол».

У балиқнинг бир бўлагини олиб, оғзига солди ва оҳиста чайнай бошлади. Мазаси у қадар кўнгил айниятар даражада эмас эди.

«Ҳатто увогини ҳам таъмини йўқотмаслик учун яхшилаб чайна, — деб ўйларди у. — Қани энди буни лимон ёки жуда бўлмаса, туз билан қўшиб туширсанг, додига ким етсин».

— Хўш, қалай, ўзингни яхши сезяпсанми? — деб сўради у худди мурданини сингари тарашага айланиб кетган қўлидан. — Сени деб, яна бир бўлакни ейман.

Чол боя ўртасидан бўлинган тилимнинг иккинчи бўлагини оғзига солди. Эринмай чайнаб, кейин пўстини тупуриб ташлади.

— Хўш, нечук, енгил тортдингми? Ёки ҳали ҳам ҳеч нима сезмаяпсанми?

У яна бир бўлакни олиб, уни ҳам еб олди.

«Ажойиб, этли балиқ экан, — деб ўйлади у. — Яхшиямки, қўлимга макрель эмас, тунец тушди. Макрель ўлгудай чучмал бўлади. Бу балиқда бўлса, шира деярли йўқ ва бунинг устига таом сифатида бақувват. Айтгандай, бекорчи хаёллар билан мия чалғитишнинг нима ҳожати бор, — деб ўйлади у. — Қиттаккина бўлса ҳам тузнинг бўлмагани чатоқ бўлди-да. Бу қолган бўлаклар офтобда нима бало бўлади — қоқланадими ёки ҳидданиб қоладими, билмайман. Шунинг учун, оч бўлмасам ҳам, яххиси уни еб қўя қолай. Улканвой ҳам ўзини мулоийм ва мўмин тутяпти. Мен тунецни охиригача еб тутатаману, сўнг бошга тушганини кўришга ҳозир бўламан».

— Сабр қил, қўл, — деди у. — Кўряпсанми сени деб, ўлар-тириларимга қарамай ҳаракат қиляпман.

«Катта балиқни ҳам меҳмон қилишим керак эди аслида, — деб ўйлади у. — Ахир, у менга йўлдош бўлиб қолди. Аммо мен уни ўлдиришим керак. Бунинг учун эса куч-қувват лозим бўлади».

Чол тунецнинг ҳамма тилимларини оҳиста ва пок-покиза еб битирди. Қўлини иштонига сурта-сурта, қаддини ростлади.

— Хўш, энди, қўл, — деди у, — сен чилвирни қўйиб ўборсанг ҳам бўлар. Майнавозчилигинг тугамагунча, ўнг қўлим билан эвини қилиб тураман.

Олдин сўл қўли билан ушлаб турган йўғон ўрамни, энди чол чап оёфи билан қисиб олди ва балиқнинг оғирлигини елкасига оларкан, ўзини орқага ташлади.

— Худоё, ишқилиб, бу томир тортиш ўтиб кетса бўлгани! — деди у. — Ким билади, ҳали бу балиқнинг бошига нима хаёллар келмайди.

«Кўринишдан ҳозирча ипакдай, — деб ўйлади у, — бамайлихотир ҳаракат қиляпти. Аммо хаёлида нима бор? Ва мен нима қилишим керак? У шунчалик ул-

канки, мен ўз режамни унинг режасига мувофиқлаштиrmасам бўлмайди, ахир. Агар у сузид чиқса, мен уни ўлдира оламан. Мабодо у бутунлай чиқмай қолса-чи? Унда мен ҳам у билан бирга қоламан».

У томир тортишишдан чангак бўлиб қолган қўлини иштонига суртиб, бармоқларини ёзишга уринди. Аммо қўл очилмас эди. «Эҳтимол, у офтобдан ёзилиб кетар, — деб ўйлади чол. — Эҳтимол, хом тунең ҳазм бўлгандан кейин ёзилиб кетар. Агар у менга керак бўлиб қолса, қандай бўлмасин уни ишга соламан, вассалом. Бироқ, ҳозир мен бунга куч сарф қилиб ўтиришни истамайман. Майли, у ўзи очилсин, ўз ихтиёри билан жонланиб кетсин. Нима бўлганда ҳам, кечаси жамийки калаваларни кесиб, бир-бирига улаш керак бўлганда, у шўрлик мендан кўп азият чекди».

Чол олис-олисларга боқиб, энди ўзининг нақадар ёлғиз эканлигини тушунди. Аммо бу тубсиз сим-сиёда синиб аксланган рангин қуёш нурлари, пастга кетган таранг чилвир ва денгиз сатҳининг ажабтовур тўлғоқларини кўриб туради. Пассат бўлишидан хабар берриб булатлар тўдаланарди. Чол олдинга қараб, осмон бетида яққол кўзга ташланиб учган ёввойи ўрдаклар тўдасини кўрди; ана тўда хираланиб ёйилди, кейин яна аввалгидан ҳам тиник бўлиб кўзга ташланди ва чол денгизда киши ҳеч қачон ёлғиз ўзигина қолмаслигини тушунди.

Баъзи одамларга кичкина қайиқ билан очиқ денгизда қолиш жуда ҳам қўрқинчли кўринади. Чол шу ҳақда ўйлар экан, уларнинг бу қўрқинчлари ҳаво тўсатдан айниб қоладиган ойлардагина асосли деган фикрга келди. Аммо, ҳозир довуллар уввос тортадиган фасл кирган-у, довулнинг ўзидан дарак йўқ экан, демак, йилнинг энг сара вақти ҳам худди шунинг ўзи бўлади.

Довул яқинлашганда, унинг ҳаводаги белгиларини денгизда туриб ҳар доим бир неча кун олдиндан кўриш мумкин. Қуруқликда эса уни пайқамай қола-

дилар, деб ўйларди чол, чунки нимага қарааш керак-лигини ўзлари ҳам билишмайди. Бундан ташқари қуруқликдаги булутнинг кўриниши ҳам тамомила бошқача. Нима бўлганда ҳам ҳозир довул туриб қолади, деб кутишга ҳожат йўқ.

Осмонга қараб, у оппоқ тубсиз сентябрь кўкида ўзи суйиб ейдиган музқаймоққа ўхшаш укпар булутларнинг ҳарир пардаларини кўрди.

— Тезда енгил эпкин туради, — деди чол. — У бўлса, балиқ, сенга қараганда, менга кўпроқ қулайлик тудиради.

Унинг чап қўли ҳали ҳамон тарашадай қотганча турар, аммо энди сал-пал қимиirlатса бўладиган эди.

«Кўлимнинг томир тортишини шундай ёмон кўраманки, — деб ўйлади чол. — Тана ўзингники бўлса-да, яна мана бундай дард устига чипқон бўлиб турса! Балиқ еб заҳарлансанг-да, одамлар ичида ҳадеб бурнинг оқиб кетаверса ё қайт қилгинг келаверса, қанчалик шарманда бўласан киши. Аммо томир тортиши (буни у хаёлида calambre деб атарди) ундан ҳам ёмон шарманда қилади ва яна, айниқса, бир ўзинг бўлсанг».

«Агар ёнимда бола бўлганда, — деб ўйлади чол, — кўлимни тирсакдан бошлаб уқалаб қўйган бўларди. Майли, ҳечқиси йўқ, шундай ҳам яхши бўлиб кетади».

Кўкқисдан чол ҳали сувга тушган чилвирнинг қиялиги ўзгариб қолганини пайқаб улгурмасдан, унинг ўнг қўли тортиш кучи сусайганини сезди. У ўзини орқага ташлади, кучи борича чап қўли билан сонига тушира бошлади ва шунда чилвирнинг аста-секин юқорига кўтарила бошлаганини кўрди.

— Кўтариляпти, — деди у. — Қани, қўл, бўла қол, қимиirlа! Ўтинаман сендан!

Чилвир узунасига борган сари чўзилгандан чўзилиб борар ва ниҳоят, қайиқ қаршисидаги денгиз сатҳи бўртиб кетди, балиқ сувдан чиқди. У чиққандан чиқиб борар, чиққандан чиқиб борар, гўёки бош-кети

йүкқа ўхшар, сув эса унинг ёnlаридан дув-дув оқиб тушарди, балиқ бутун борлиғи билан қуёшда товланиб ёнар, боши ва усти түқ бинафша рангда, энли ён тасмалари эса, тиник шуълаларда майин сафсар рангда кўринар эди. Унинг тумшуғи ўрнида худди бейсбол чавгонидай узун ва учи рапира сингари ўткир тиф турар эди. У сувдан бор бўйи билан кўтарилди, кейин худди моҳир сузувилик жим шўнғиди, унинг ўроқ тифига ўхшаш ҳайбатли қуйруғи сувга ботиб улгурмасдан, калава шитоб билан бўшала бошлади.

— У менинг қайиғимга қараганда, икки футча узунроқ, — деди чол.

Чилвир денгизга тез, аммо бир меъёрда кетиб борар, балиқнинг ҳеч бир нарсадан чўчимаганиги яққол кўриниб турарди. Чол чилвирни икки қўллаб охиригача тортишга уринар эди. Агар балиқнинг ҳаракатини бир меъёрдаги қаршилик билан секинлатишга муваффақ бўлмаса, у ҳолда балиқ бор-йўқ калавасини тортиб, узиб-юлқиб кетажагини чол биларди.

«Ўзи ҳам балиқмисан балиқ экан. Энди мен унинг ўзида қандай куч яширинганини билиб олишига йўл кўймайман, — деб ўйларди у. — Агар жуфтакни ростлаб қоладиган бўлса, мени нима кўйларга солиши мумкинлигини унга билдириш керак эмас. Унинг ўрнида мен бўлганимда, ё ўлиш, ё қолиш деб, то ўпка тушгунча олға силжиган бўлардим. Аммо, минг қатла шукрки, балиқлар ўзларини қирувчи одамлар сингари ақдли эмаслар; ваҳоланки, улар бизга қараганда ҳам эпчили, ҳам олижаноброқдирлар».

Чол ўз умрида жуда кўп катта балиқларга дуч келган эди. Вазни минг қадоқдан ҳам оғирроқ келган балиқлардан талайнини кўрган, ўзи ҳам бир маҳал шундай хилидан иккисини тутган, аммо ҳеч қачон бундай ишни бир ўзи қилишига тўғри келмаган эди. Мана энди умрида кўзи билан кўрмаган, қулоги билан эшитмаган бу қадар катта балиққа очиқ денгизда, ёлғиз ўзи чамбарчас боғланиб ўтирибди, чап қўли эса боячил.

ги-бояги, акашак. Гүё бургутнинг юмуқ панжаларига ўхшайди.

«Бе, қўлим ёзилиб кетади ҳали, — деб ўйлади у. — Жилла қурса, ўнг қўлимга кўмаклашиш учун, албатта ёзилиб кетади. Бор эканда, йўқ экан, кўк денгиздан нарида уч оға-ини: бир балиқ ва менинг икки қўлим бўлган экан... Албатта ёзилиб кетади. Лўқ бўлиб туриши шармандалик-ку, ахир».

Балиқ секинлашди, энди у аввалги тезликда борарди.

«Қизик, нима сабабдан у кутилмагандага юқорига чиқиб қолди, — фикрлай бошлади чол. — Ё ўзини қандай эканлигини менга қўрсатгани чиқдими. Ҳай, бу ҳам ёмон эмас, энди уни биламан. Аттанг, унга мен ўзимнинг қандай одам эканлигимни қўрсата олмайман. Айтайлик, бунда у менинг мана бу расвойи олам бўлган қўлимни кўрган бўларди. У мен ҳақимда аслида ўзим арзимасам ҳам яхшироқ фикрда бўлишини истайман. Ўшанда мен чиндан ҳам яхши бўламан. Мен балиқ бўлишни, унинг ихтиёрида нимаики бўлса, менда ҳам бўлишини, ёлғиз чидам ва калла билан чекланиб қолмасликни хоҳлардим».

Қайиқнинг тахта қопламасига суюниб, чол ўзини бетўхтов қийнаган оғриқقا финг демай дош бериб, жимгина, хотиржам ўтириб олди, балиқ бўлса, бояги-бояги, ҳеч тўхтамай олға сузис борар, қайиқ ҳам қорамтири сувда аста ҳаракат қиласарди. Шарқдан эсган шамол пича йирик тўлқин кўтарди.

Тушга келиб чолнинг чап қўли асл ҳолига қайтди.

— Шўринг қуриди энди, балиқ, — деди у ва елкасидаги чилвирни бир оз сурисиб қўйди.

Оғриқ ўша-ўша, жондан ўтиб турганига қарамай, чол ўзини яхши ҳис қиласарди; фақат оғриқдан қанчалик азият чекаётганлигини хаёлига келтирмас, тан олмасди.

— Мен Худога ишонмайман, — деди у. — Аммо бу балиқни тутиш учун ўн қайта «ё падар»ни ва яна шун-

ча маротаба «Биби Марям» дуосини тиловат қилишга тайёрман. Агар уни чини билан тутсам, онт ичаманки, бир кўп табаррук жойларга топинмокқа бораман. Сўз бераман.

Чол дуо ўқий бошлади. Айрим ўринларда у ўзини шундай ҳам ҳорғин сезар эдики, айтиладиган сўзларни унугтиб қўяр, шунда улар ўз-ўзидан, қироат ичида айтилиб кетсин учун, иложи борича тез ўқишга ҳаракат қиласарди. «Ё падар»га қараганда «Биби Марям»ни қайтариш осонроқ, — деб ўйлади у.

— Муфаррах ўл, ё тангри онаси биби Марям, тангри сенга ёр бўлсин. Ўзинг иффатли завжай муҳтара-ма, зурёдинг бошимизга халоскор ўзинг яратгансан, ўзинг посбон бўлгайсан. Омин. — Кейин қўшиб қўйди:— Ё мукаррам Биби Марям она, дуо қил, балиқ ўлсин. Тенги йўқ, топилмас бўлса ҳам дуо қил, ўлсин.

Дуодан чол ўзини бир қадар яхши сеза бошлади, бироқ оғриқ қиттаккина бўлсин пасаймади, балки баттарроқ азоб бера бошлади. У қўйруқ қопламасига суюниб олди-да, чап қўлининг бармоқларини беихти-ёр машқ қилиб уқалай бошлади. Қуёш қиздиргандан қиздирав, шабада аста-секин кучайиб борарди.

— Хўп, энди майда қармоққа хўрак жойлаб қўйсак ҳам бўлар, — деди чол. — Балиқ бу кеча ҳам юзага чиқ-маса, мен яна тотиниб олишим керак бўлади. Сув бўлса-ку, шишанинг тагидагина қолган. Бу ерда макрелдан бошқа бирон нарсани тутиб бўлмаса ҳам керак дей-ман. Аммо уни дарров ейилса, унчалик ёқимсиз туюл-майди. Қани энди тунда учар балиқ тушиб қолса. Аммо уни жалб қилишга менда чироқ йўқ. Ажойиб таом-да бу учар балиғи, уни тозалаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Мен бўлсам, куч асрашим керак. Ё Худовандо, ахир мен унинг бунаقا каттакон бўлишини қайдан билай!.. Аммо барибир мен уни енгаман, — деди у. — Нечоғли улкан, нечоғли буюк бўлмасин, барибир.

«Гарчи адолатдан бўлмаса-да, — фикран давом этди у, — мен одам боласининг нималарга қодир эканлиги

ва ҳамда нималарга дош бериб, чидаши мумкинлиги-ни кўрсатиб қўяман».

— Менинг зувалам бошқача узилган деб болага айтмовдимми, ахир, — деди у. — Буни амалда исбот қилишнинг пайти келди.

У аллақачон буни юз карра, минг карра амалда исбот қилган эди. Нима бўлибди энди? Яна қайтадан исбот қилиш керак бўлса, исбот қилаверади. Бунинг санофи ҳар сафар янгидан бошланади: шу сабабдан ҳам у бирон нарсани қилаётганда, ҳеч қачон ўтиб кетган нарсаларни эслаб ўтирмас эди.

«Қани энди уйқуга кета қолса, кейин мен ҳам мизғиб олардим ва тушимда шерларни кўрган бўлардим, — деб ўйлади у. — Нима учун шерлар менинг ҳаётимда қолган нарсаларнинг энг яхшисийкин?»

— Хаёл сурмаслик керак, қария, — деди у ўзига.
— Тахталарга суюнгин-да, осойишта бўл, дам ол,
ҳеч нарса тўғрисида ўйлама. У ҳозир уриниб ётибди.
Сен-чи, сен иложи борича камроқ урингин.

Куёш уфққа оғиб қолган, қайиқ бўлса, секин, аммо бетўхтов сузгандан сузуб борар, сузгандан сузуб борарди. Уни шарқдан эсаётган шамол оҳиста ҳайдамоқда, чол елкасини ўйиб тушган арқон етказаётган оғриқни енгилгина, билинтирмай ўтказиб беозор тўлқинларда аста-аста чайқалиб борарди.

Нима бўлдию, тушдан кейин чилвир яна кўтарила бошлади. Бироқ айтарли ҳеч нарса юз бермади. Балиқ сал юзароқда суза бошлаган эди. Куёш чолнинг орқаси, чап қўли ва елкасини қиздирап эди. У бундан балиқнинг шимоли-шарққа томон бурилганини билди. Энди у, балиққа бир назар солгандан кейин унинг сув остида бинафшаранг кўкрак қанотларини чарх урган қушдек кенг ёйиб, қудратли қўйруғи билан қоронгилкни тила-тила сузуб боришини кўз ўнгига келтира оларди. «Қизиқ, бунақанги чуқурликда у нимани ҳам кўра оларди? — деб ўйлади чол. — Кўзлари жуда йирик-йирик, лекин отнинг кўзи, униқидан неча ҳисса

кичигу, аммо қоронғида күради. Мен ҳам қачонлар-дир кечаси яхши күрардим. Түгри, зим-зиё тун бўлса, унда бошқа гап, аммо бир ҳисобга кўзимнинг ўткирлиги мушукнидан қолишмас эди».

Чангак бўлиб қолган чап қўл тўхтовсиз машқ ҳам қуёш туфайли ўз ҳолига қайта бошлади, чол арқондан тортаётган азобини бир озгина бўлса ҳам енгиллатиш учун елка мушакларини ишга солиб, бутун оғирликни аста-секин сўл қўлига ўтказишга киришди.

— Агар сен ҳали ҳам чарчамаган бўлсанг, — деди у овоз чиқариб, — гапнинг ўғил боласи шуки, мислсиз балиқ экансан.

Энди у ўзини бениҳоя ҳоргин сезар, бунинг устига тезда қоронғи тушажаги юрагини тимдалар, шу сабабдан бошқа бир чет нарсалар устида ўйлашга ҳаракат қиласр эди. У ўзи учун Gran Ligas бўлиб қолган машҳур бейсбол лигалари ҳамда Нью-Йорк «Янки»си билан Детройт «Йўлбарс»и ўртасида бўладиган бугунги ўйин устида ўйларди.

«Juegos⁶ натижалари ҳақида мана икки кундан бери ҳали ҳеч нарсани билмайман, — деб ўйлади у. — Аммо мен ўз куч-қувватимга ишонишим ва нима ишга қўл урмайин, барини қотириб ташлайдиган, бунда ҳатто товонидаги суюқ қадоги берадиган азобга ҳам қараб ўтирумайдиган буюк Ди Маджиоға лойиқ бўлиш им керак. Суюқ қадогининг ўзи нима? Un espuela de hueso.

Биз, балиқчиларда бу нарса бўлмайди. Наҳотки, бунинг оғифи уришқоқ хўроз пиҳи билан товонга тепганчалик бўлса? Мен эҳтимол, на бу каби тепкига ва на бир ёки ҳар икки кўздан айрилишга тоби тоқат қилган ва на уришқоқ хўроллар сингари жангни давом эттира олган бўлардим. Кишини бениҳоя ҳайратга соладиган ажойиб қушлар ва ҳайвонлар олдида

⁶ Спорт ўйинлари (исп.).

одам боласи — нима деган гап ўзи. Мен ҳозир шу тобда, хув ўша денгиз тубида сузаётган махлук бўлиб қолишини истар эдим».

— Ҳа, фақат акулалар босқин ясамасагина, бу яхши, — деди у овоз чиқариб. — Акулалар ҳужум қилиб қолса-чи, унда менга ҳам, унга ҳам ўзинг раҳм қил, Худо!

«Наҳотки, буюк Ди Маджии балиқни ҳозир сен ушлаб турганчалик матонат билан ушлаб тура оларди, деб ўйлайсан? — деб сўради у ўзидан. — Ҳа, аминманки, у ҳам худди шундай қилган бўларди ва эҳтимол, менга қараганда навқирон ҳам забардаст бўлганлиги учун, яхшироқ қилиши ҳам мумкин эди. Устига устак отаси балиқчи ўтган... Суяқ қадофи жуда кўп азоб берармикин унга?»

— Қайдам, — деди у ўзига-ўзи. — Мен умрим бино бўлиб суяқ қадофининг нималигини билмайман.

Куёш ботгандан кейин чол ўзига далда бериш учун бир маҳаллари Касабланка тавернасида бутун портда энг кучли одам ҳисобланган съенфуэгослик барзанги негр билан куч синашганлигини эслай бошлади. Улар стол устига бўр билан чизилган чизиққа тирсаклари ни тираганларича, билакларини эгмай, панжаларини чамбарчас сиққан ҳолда бир сутка қимир этмай, ўтириб чиққан эдилар. Ҳар иккови ҳам бир-бирларининг қўлларини столга ётқизишга уринар эди. Атрофдаги одамлар гаров ўйнашар, керосин лампа фира-шира ёритган хонага кириб чиқишар, у бўлса негрнинг қўли, тирсаги, башарасидан кўз узмас эди. Саккиз соат ўтгандан кейин, судъялар ухлаб олиш мақсадида, ҳар тўрт соатда алмашадиган бўлди. Ҳар икки рақибнинг ҳам тирноғи остидан қон силжий бошлади, ўзлари бўлса, ҳамон бир-бировларининг кўзлари, қўллари ва тирсакларидан кўз олмас эдилар. Баҳс бойлашганлар хонага киришар, чиқишарди; улар девор ёқалаб қўйилган баланд стулларга ўтириб олиб, мусобақанинг нима натижага билан тамом бўлишини кутишарди. Ёғоч

деворлар тўқ, зангори бўёқ билан бўялган, лампалардан уларга соялар ташланарди. Негрнинг сояси жуда ҳам баҳайбат бўлиб, шамол лампаларни тебратган пайтларда деворда лопиллар эди.

Бутун кеча давомида гоҳ унинг, гоҳ бунинг қўли баланд келиб турди, негрга ром қуйиб тутишар ва сигареталарини тутатиб беришарди. Ромни ичиб олгандан сўнг негр шундай ҳам зўр берардики, ҳатто бир сафар чолнинг қўлини (чол у пайтларда чол эмасди, уни Сантьяго EL Campeon⁷ деб аташар эди) деярли уч дюймга букиб ҳам қўйди. Аммо чол билагини қайта тўғрилаб олди. Шундан кейин у ўзи яхшигина йигит ва обрўли полвонлардан бўлган бу негрни енгишига шубҳа қилмади. Ниҳоят, тонгда одамлар судъядан дуранг талаб қила бошлаган, судья эса нима қилари ни билмай, фақат елка қисганда, чол бутун кучини бир ерга тўплади ва то негрнинг қўли столга қапишмагунча букиб тушаверди.

Олишув дам олиш куни эрталаб бошланиб, душанба куни саҳарда тамом бўлди. Баҳс бойлашганлардан кўпчилиги дуранг бўлсин, деб талаб қила бошладилар, чунки уларнинг портга ишга чиқиши вақтлари бўлиб, бу ерда Гавана кўмир компанияси учун кўмир ёки қопланган шакар юклашарди. Шу бўлмаса, ҳаммаси ҳам мусобақани охирига етказишининг тарафдори эди. Аммо чол енгди, енггандан ҳам юк ташувчиларнинг иш вақти бошланмасдан бурун енгди.

Кейин уни узоқ вақт Чемпион деб атаб юришди, баҳор чиққанда эса у негр билан яна олишди. Бироқ бу сафар гаровлар оз пулга ўйналди ва чол иккинчи марта ҳам осон ғалаба қозонди, чунки съенфузэгослик негрнинг ўз кучига бўлган ишончи биринчи ўйиндаёқ шикаст топган эди. Кейин Сантьяго яна бир қанча мусобақаларда қатнашди, аммо кўп ўтмай бу ишни

⁷ Чемпион (исп.).

ташлади. Чунки астойдил хоҳласа, ҳар қандай одамни ҳам енгишига амин бўлди ва энди бундай мусобақалар балиқ овлаш учун керак бўладиган, ўнг қўлига зарар келтириши мумкинлигини англади. Бир неча маротаба у чап қўли билан куч синашмоққа ҳаракат қилиб кўрди. Аммо бу қўли уни доимо уялтириб қўяр, эгасига бўйсунишни истамас ва чол ҳам унга ишонмас эди.

«Энди уни қуёш яхшилаб қиздиради, — деб ўйлади чол. — Агар кечаси жуда ҳам совуқ бўлмаса, бундан кейин жўрттага, менга аччиқ қилиб увушиб ўтиргани журъят қилмайди. Қани, кўрайлик-чи, бу тун бизга нималарни раво кўраркин?»

Унинг тепасидан Маямига учган самолёт ўтиб кетди, чол самолётнинг сояси ҳуркитиб учирган учар балиқларнинг тўдасини кўрди.

— Бу ерда учар балиқ шунчалик кўп экан, демак, шу яқин ўртада макрель ҳам бўлиши керак, — деди у ва балиқни салгина бўлса-да, яқинроқ силжитишнинг иложи йўқмикин деб, елкаси билан чилвирга қаттиқроқ тиркалди. Аммо бунинг мумкин эмаслиги тезда англашилди, чунки чилвир худди тор каби узилиб кетай деб, яна зириллаб қалтиллади, ундан сув зарралари сакраб отила бошлади. Қайиқ олдинга оҳиста сузиб борарди. Чол то самолёт кўздан йўқолгунча, уни кузатиб турди.

«Самолётдан ҳамма нарса жуда ғалати бўлиб кўринса керак, — деб ўйлади у. — Қизиқ, шунча баландикдан денгиз қандай кўринаркин? Агар улар бунчалик юқорида учмаганларида ўша ердан менинг балиғими ни аниқ кўрган бўлишарди. Ўз балиғимга юқоридан бир назар ташлаш учун икки юз саржин баландикда секин-секин учиб ўтишни хоҳлардим. Бир пайтлар тошбақа овига чиққан кезларим, мачта учига чиқиб, ўша ердан ҳам жуда кўп нарсаларни бир-биридан ажратадим! Макрель юқоридан кўкимтирроқ бўлиб кўринади ва ҳатто унинг бинафшаранг йўл-йўл

чизиқлари-ю, доғларини ажратиб олиш, бутун тўда қай йўсинда сузаётганлигини ҳам кўриш мумкин. Қоронги чуқурликларда сузувчи барча учқур балиқларнинг усти, кўпинча, йўл-йўл тасмалари олабула доғлари ҳам нима сабабдандир, бинафша рангида бўлади. Нега энди шунаقا бўларкин? Макрель кўринишдан кўкимтири бўлса ҳам, аслида ранги тиллага ўхшайди. Аммо у роса ҳам очиқиб бирон нарсанинг кетидан қувганда, биқинларида худди марлинники сингари бинафша ранг йўл-йўл чизиқлар пайдо бўлади. Наҳотки бу қаҳрдан бўлса? Балки, одатдан гидан тез ҳаракат қилганидандир?»

Қоронги тушмасдан сал олдин, енгил тўлқинлар қўйнида гўё сариқ кўрпа остида океан ким биландир қучоқлашаётгандек чайқалган ва тўлғонган саргасс сув ўсимликларининг каттагина ороли ёнидан ўтиб кетаётганларида, кичик қармоққа макрель илинди. Балиқ қўёшнинг сўнгги нурларида мусаффо олтин жилолар билан турланиб, қўрқувдан ярим букилган ҳолда, қанотларини ҳавода жон ҳолатда силкита-силкита юқорига сапчиганда, чол уни кўриб қолди. Макрель шоввоз акробатдек қайта-қайта сапчиб кўтарилади. Чол бўлса қуйруққа ўтиб олди, чўнқайди, йирик чилвирни ўнг қўли ва тирсаги билан тутганича, балиқ тушган дастани яланг сўл оёғида босиб туриб, макрелни чап қўли билан чиқариб олди Макрель қайиқнинг шундоқ ёнгинасига келиб, жон аччик талваса ичида ўзини ҳар томонга урганда, чол қуйруқ оша энгашди ва қайиққа мисли олтиндек лов-лов ёнган, бинафшаранг тасмали балиқни кўтариб олди. Макрель изтироб ичида оғзини очиб ёпар, жон ҳолатда қармоқни тишлиларди. Унинг узунчоқ ясси танаси, боши ҳам думи то чол тилларанг тусда товланиб турган калласига уриб тинчитмагунча, қайиқ тубига урилиб турди, кейин бироз титраб-қақшади-да, қимир этмай қолди.

Чол балиқни қармоқдан чиқариб олди, унга яна қайтадан хўрак илди-да, денгизга ташлади. Кейин у

оҳиста қўйруққа ўтиб олди. Чап қўлини чайиб, иштонига суртди, чилвирни ўнг елкасидан чап елкасига ўтказди ва қуёшнинг океанга ботиб бориши билан чилвирнинг сувга қандай қияликда кетаётганини кузатган ҳолда, ўнг қўлини ювди.

— Ҳаммаси бояги-боягича, — деди у.

Аммо сувга қўл тиқиб, чол қайиқнинг ҳаракати анча сусайиб қолганини сезди.

— Кечаси ҳаракатни пича сусайтириш учун ҳар иккала эшкакни бир-бирига боғлаб, қайиққа кўндаланг қилиб маҳкамлайман, — деди у. — Бу балиқнинг кучи ҳали бутун кечага етиб ортади. Мен ҳам ундан қолишмайман, албатта.

«Макрелни яна бир оз туриб, кейин тозаласам, маъкул бўладиганга ўхшаб қолди, — деб ўйлади у, — шунда ҳамма қони оқиб кетмайди, мен буни салдан кейин қиласман ва бирваракай эшкакларни ҳам боғлаб қўяман. Унгача, яна айниқса кун ботар чофида балиқни безовта қилмаганим дуруст. Қуёшнинг ботиши ҳар қандай балиққа ҳам ёмон таъсир қиласди».

У қўлини шамолда қуритиб олди, кейин чилвирни тутди-да, балиққа бирмунча эрк берди. Балиқ уни тахта қоплама томон яқинроқ сурисиб келди ва чол шу билан оғирликни ўз гавдасидан қайиққа кўчирди.

«Қўлимдан унча-мунча иш келадиган бўлиб қолибди, — деб ўйлади у. — Ҳозирча мен балиқни улдалайман. Бунинг устига у хўракни ютиб юборганидан бери ҳали ҳеч нарса тотимаганини ҳам унутиш керак эмас, ўзи каттакон бўлса, унга жуда кўп озиқ керак. Мен-ку, бутун бошли бир тунецни еб олдим-а. Эртага макрелни ейман. — Чол макрелни dorado деб атарди. — Эҳтимол, уни тозалаётганимда, бир бўлакчасини еб оларман. Макрелни ейиш тунецни ейишдан оғирроқ. Аммо дунёда осонлик билан битадиган ишнинг ўзи йўқ».

— Аҳволларинг қалай энди, балиқ? — баланд овоз билан сўради у.

— Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Сүл қўлимнинг оғриғи пасайди, озиқ ҳам бутун бир кечаю, яна бир кунга етади. Майли, балиқ, қайиқни торта-вер.

Чол ўзини, айтганидай, жуда яхши ҳис қилаётгани йўқ эди. Чунки елкасига арқон берәётган азоб энди шунчаки оғриқдан ўтиб, зирқ-зирқ лўқиллашга айланган, бу эса чолни хавотирга солаётган эди. «Бундан баттарроқ нарсаларни ҳам кўрганмиз, — деб юпатарди у ўзини. — Бир қўлим сал-пал шикастланган, иккинчиси бўлса, энди томири тортишаётгани йўқ. Оёқларим бардам. Озиқ-позиқ масаласида ҳам мен балиққа қарагандা ўзимни пошшо деб ҳис қилсан бўлади».

Қоронғи тушди, сентябрь ойида тун доимо бирдан, қуёш ботиши биланоқ киради. У, туздан ейилиб кетган тахталарга ёнбошлаб ётар ва бор кучи билан дам олишга ҳаракат қиласади. Осмонда илк юлдузлар кўринди. У Ражул юлдузининг номини билмасди, аммо унга кўзи тушиши биланоқ тезда барча қолганлари ҳам чиқишини ва шунда, бу олис ҳамроҳлар яна ўзига эш бўлишини тушунди.

— Балиқ ҳам менга ошна, — деди у. — Мен бундай балиқни ҳеч қачон кўрган эмасман, шундайлари бўлишини эшитмаганман ҳам. Аммо мен уни гумдон қилишим керак. Яхшиямки, юлдузларни ҳам гумдон қилишга зарурат йўқ!

«Тасаввур қилиб кўргин-а, одам уззукун ойни бўғизлашга ҳаракат қилиб юрса! Ой бўлса, ундан қочиб кетади. Бу ҳам майли-я, агар одамга ҳар куни қуёшни овлашга тўғри келиб қолганда, нима бўларди? Йўқ, нима десанг ҳам бизнинг толеимиз бор», деб ўйлади у.

Кейин у тотиниб олишга имкони бўлмаган катта балиққа ачиниб кетди. Аммо бу қайфуриш, унинг балиқни ўлдириш ҳақидаги қатъий қарорига ҳеч қандай монелик қилмас эди. Қанчадан-қанча одамларни тўйдиради у! Бироқ кишилар у билан қорин қаппай-

тиришга арзишармикин? Йўқ, албатта. Дунёда ҳеч ким уни оғзига олишга лойик эмас; ахир, унга бир қаранг, ўзини қандай тутяпти, қандай шарофат кўрсатяпти.

«Мен жуда кўп нарсаларни тушунмайман, — деб ўйлади у. — Аммо бизга қуёш, ой ва юлдузларни ўлдиришга тўғри келмаганлиги қандай яхши. Денгиздан бор-йўқ ризқи рўзимизни қоқишириб олаётганимиз ва яна ўз биродарларимизни ўлдираётганимиз ҳам етиб ортади.

Энди мен эшкаклардан бўладиган тормоз ҳақида ўйлаб кўришим зарур. Бунинг ҳам яхши, ҳам ёмон томони бор. Мен анча-мунча калавадан айрилиб қолишим мумкин, кейин, балиқ силтаниб қолса, тамом, уни ҳам қўлдан чиқариб қўяман, тормоз бўлса, қайиқни тез ҳаракат қилишдан маҳрум қилиб қўяди! Қайиқнинг енгиллиги эса ҳам балиқнинг, ҳам ўзимнинг азобуқубатларимни оширади, аммо бу уқубатдан халос бўлишимнинг гарови ҳам шунда. Ахир, бу балиқ, агар истагудай бўлса, бундан ҳам тез сузиши мумкин. Ҳай, нима бўлса бўлар, ҳозир, ҳидланиб қолмасдан бурун макрелни тозалаб қўйиш ва пича тотиниш керак. Кувват бўлади.

Энди яна бирор соат дам оламан, кейин агар балиқ ўзини тинч тутадиган бўлса, қўйруқ томонга ўтиб, лозим бўлган ишларни қиласман ва эшкаклар тўғрисида бир фикрга келаман. Унгача балиқнинг ўзини қандай тутишини кузатиб бораман. Эшкак билан бўладиган ҳангома яхши ўйлаб топилди, бироқ ҳозир бўлса-бўлмаса ишга қатъий киришиш керак. Балиқ ҳали кучга тўлик. Мен қармоқ балиқ лунжининг худди ўзгинасида санчилиб турганини, оғзи эса маҳкам қисиб олинганини пайқаган эдим. Қармоқнинг унга бераётган азобини азоб демаса ҳам бўлади. Уни кўпроқ очлик ва ўзи нималигини аниқ билиб етмайдиган хавфхатар сезгиси қийнайди. Ҳордик олавер-чи, чол. Сенга навбат келгунча, балиқ заҳмат тортаверсин».

Унинг назарида, ўзи икки соатга яқин дам олган эди. Ой энди кеч кўтарила бошлаганидан, у вақтни аниқ белгилай олмади. Тўғрисини айтганда, унинг дам олиши шунчаки, хўжакўрсинга бўлган дам олиш эди. У балиқнинг оғирлигини ўз елкасида бояги-бояги ҳис қилас, шундай бўлса ҳам чап қўли билан қўйруқ планширига таянган ҳолда оғирликни имкони борича қайиққа солишга уринарди.

«Чилвирни қайиққа боғлаб қўйишим мумкин бўлганида, ҳамма нарса оппа-осон ҳал бўлган бўларди-кўярди, — деб ўйлади у. — Аммо у салгина силтана қолса борми, тамом, чилвир чирт узилади-кетади. Мен чилвирга тушадиган кучни ўз гавдам билан бетўхтов қирқиб, ҳар дақиқада калавани икки қўллаб бўшатишга тайёр туришим керак».

— Аммо сен, ахир, ҳали ухлаганинг йўқ-ку чол, — деди у овоз чиқариб. — Ярим кун ва бир кеча, кейин яна бир кундуз ўтса ҳамки, сен ҳамон ухлаганингча йўқ, ҳа. У тўполон кўтармай, хотиржам турган маҳалда, сен нима қилиб бўлса ҳам озгина ухлаб олишнинг фамини е. Бўлмаса, каловланиб қоласан.

«Ҳозир миям жуда яхши ишляяпти, — деб ўйлади у. — Ҳатто жуда ҳам равshan. Шунчалик равшанки, гўё ҳамшираларим бўлган юлдузларга ўхшайди. Аммо нима бўлганда ҳам, мен ухлаб олишим керак. Юлдузлар ҳам ухлайди, ой ҳам ухлайди, куёш ҳам ухлайди ва ҳатто оқим бўлмаган, жимжит сукунат чўккан кезлари океан ҳам ухлайди.

— Ухлаб олишни ёдингдан чиқарма, — деб уқтиради ўзига-ўзи чол. — Ухлашга ўзингни мажбур қил. Калавадан бир амаллаб ҳоли бўлишнинг осон ва тўғри йўлини ахтар. Энди қўйруққа ўтиб, макрелни тозалаб қўй. Эшкакдан қилинган тормоз эса, Худо кўрсатмасин ухлаб қолгудай бўлсанг, ниҳоятда хатарли бўлади.

— Аммо мен уйқудан воз кечишим ҳам мумкин, — деди у ўзига. — Ҳа, мумкин, бироқ бу ҳам ўлгудай хавфли.

У балиқни безовта құлмасликка ҳаракат қилиб, эмаклаб қүйруқ томонға силжий бошлади. «У ҳам әхтимол, пинаққа кетаётган бўлса ажабмас, — деб ўйлади у. — Аммо мен унинг нафас ростлаб олишини истамайман. У то жон бергунча қайиқни тортиб бориши керак».

Күйруққа етиб олгач, у айланиб балиқнинг бутун оғирлигини чап қўлига ўтказди, ўнг қўли билан эса пичоқни филофдан суғуриб олди. Юлдузлар бодраб-бодраб нурланар, макрель уларнинг шуъласида яқъол кўзга ташланар эди. Чол унинг калласига пичоқ санчиди, қўйруқнинг тахта кати остидан тортиб олди-да, оёғи билан босиб туриб, думидан то остки жафининг тагигача чаққон тилиб чиқди. Сўнг пичоқни қўйди. Ўнг қўли билан балиқнинг ичак-чавоғиу, жабрасини суғуриб олди. Унинг қорин қопчиғи оғир ва шилимшиқ эди. Тилинганда, ичидан икки учар балиқ чиқди. Улар ҳали бузилмаган, қаттиққина эди, чол ҳар икковини ҳам қайиқ тубига ёнма-ён қўйди, ичак-чавоқларни эса денгизга улоқтириди. Улар чўккан жойда ялтиллаган из қолди. Юлдузларнинг рангсиз шуъласида макрель ифлос бўз тусига кирган эди. Чол балиқ бошини оёғи билан босиб туриб, унинг бир ёнидан терисини шилиб олди. Кейин макрелни ағдариб қўйди ва иккинчи ёнининг терисини шилди. Гўштини бошидан то думигача тилиб чиқди.

Макрель скелетини денгизга улоқтиргач, сувда доиралар пайдо бўладими, йўқми деб, қараб турди, аммо секин-секин чўкиб бораётган балиқ ашқол-дашқолининг ялтироқ изидан бошқа ҳеч вақо кўринмади. Чол ўгирилиб олди, ҳар иккала учар балиқни макрель бўлаклари орасига қўйди ва пичоқни филофига солиб, яна қайта қайиқ бурнига томон оҳиста ўтиб олди. Унинг елкаси чилвир залворидан эгилган, ўнг қўли билан эса балиқни тутиб борарди.

Жойига қайтиб келгач, макрель бўлакларини тахталар устига терди, буларнинг қаторига учар балиқларни қўйди. Шундан кейин чилвирни елкасининг

ҳали лат емаган жойига суреб олди ва яна оғирликни планширга таянган чап қўлига ўтказди. Борт оша энганиш, учар балиқни денгизда чайиб олди. Бу орада қўли остида сувнинг қандай оқаётганига ҳам эътибор берди. У макрель пўстини шилганида, ялтираб қолган қўли атрофида сувнинг доира ясаб ўтишига маҳлиё бўлиб турди. Ҳозир у аввалгидан секинроқ оқарди. Чол кафтининг четини қайиқ зийига ишқаб туриб, қўйруқ тарафга оҳиста сузуб кетаётган фосфор зарраларини кўрди.

— У ё толди, ё нафас ростлаяпти, — деди чол. — Тезроқ овқатланиб, озгина ухлаб олиш керак.

У гўшт бўлакларидан бирининг ярмини ва юлдузлар ёруғида тозалаб қўйилган учар балиқлардан бирини еб олди. Овқатланар экан, чол тун ҳавоси борган сари совуқлашаётганини сеза бошлади.

— Агар қовуриб ейилса борми, макрелдан кўра лаззатлироқ нарса йўқ, — деди у. — Аммо хомлигига нақадар bemаза бу. Денгизга баний тузсиз ва лимонсиз чиқмаганим бўлсин.

«Менда калла деган нарса бўлганда, — деб ўлади у, — кун бўйи қайиқ бурнига сув қуйиб, селгитиб турмасмидим, — кеч кирганда, қўлимда тузим бўларди. Айтмоқчи, макрелни кун ботиш олдидангина тутган эдим-а. Шундай бўлса ҳам мен жуда кўп нарсаларни назардан қочириб қўйибман. Қаранг-а, бутун бир бўлакни чайнаб бўлибман-ку, аммо кўнглимни айни-таётгани йўқ».

Шарқ томонда осмон бети булутларга бурканмоқда эди ва таниш юлдузлар бирин-сирин ўча бошлади. У гўё булутлар дарасига кириб бораётгандай қўринар эди. Шамол тинди.

— Уч ёки тўрт кундан кейин ҳаво айнийди, — деди у. — Аммо бу ҳали на бугун бўлади, на эртага. Балиқ ўзини осойишта тутаётган экан, мизғиб ол, қария.

У чилвирии ўнг қўлига олди ва бор гавдаси билан бортга ёнбошлаган ҳолда, қўлини думғазаси билан бо-

сиб тушди. Кейин елкасидаги чилвирни сал қўйироқقا силжитди ва уни чап қўли билан ушлаб олди.

«Бармоқларим бўшашиб кетмагунча, ўнг қўлим чилвирни қўйиб юбормайди. Мабодо уйқуда бармоқлар чилвирни қўйиб юборса, унинг денгизга қараб силжини чап қўлим сезади-да, мени уйғотади. Албатта ўнг қўлга осон бўлмайди. Аммо у қийинчиликка бардош беравериб, ўрганиб қолган. Жуда бўлмагандага йигирмадақиқа ёки ярим соат ухлаб олсан, шу ҳам катта гап».

У бортга ёнбошлади, балиқнинг оғирлигини ўнг қўлига ўтказди ва ухлаб қолди.

Бу сафар тушига арслонлар эмас, саккиз ёки ўн милга чўзилиб кетган денгиз чўчқаларининг ҳудудсиз тўдалари кириб чиқди. Ҳозир ҳирс фаслига киргандаридан, улар ҳавога баланд сакрашар, кейин ўзлари чиқиб келган сув ўйифига шўнғишар эди.

Кейин тушида кўрса қишлоқда ўз каравотида ётибди. Кулбасида шимолдан эсган шамол фувиллар эмиш. Чол жуда совқотибди. Бошига ёстиқ ўрнига қўйган ўнг қўли бўлса, увушиб қолибди.

Ва ниҳоят, унинг тушига чўзиқ зардобранг соҳил кирди ва фира-ширада бу ерга чиққан биринчи арслонни кўрди, унинг кетидан бошқалари ҳам чиқиб келарди. Чол лангар ташлаб турган кеманинг бортига иягини тираб қарапмиш, қирроқдан эсган кечки шамол уни елпиб ўтармиш, ўзи бошқа арслонлар пайдо бўлмасмикин деб кутаётганмиш ва баҳтиёр эмиш.

Ой бўлса аллақачон чиққан, у эса ҳамон уйқудан бош кўтармас, ухлар, балиқ бўлса қайиқни булатлар дараси томон сокин судраб борарди.

У силтовдан уйғониб кетди, ўнг қўли мушт бўлиб юзига келиб урилди, чилвир қўлни қиздиргандан қиздириб, шитоб билан денгизга кетиб борарди. Чап қўли ҳеч нарсани ҳис қилмаганидан, у чилвирни ўнг қўли билан тўхтатишга уринди, аммо чилвир аллақандай кучли бир суръат билан денгизга кетиб борарди. Ниҳоят чап қўл ҳам чилвирни сеза бошлади, чол чилвир-

га елкаси билан тиркалди, энди чилвир орқаси билан балиқнинг бутун оғирлигини ўзига олган чап қўлинни жизиллатиб ўта бошлади. Чол эҳтиёт қалаваларга ўгирилиб қаради ва уларнинг жуда тез бўшалаётганини кўрди. Шу он балиқ океан сиртини ўпириб, отилиб чиқди ва яна денгизга залвор билан тушиб кетди. Кейин бу яна такрорланди, ундан сўнг яна ва яна. Чилвирнинг денгизга тўхтовсиз кетиб боришига қарамай, қайиқ олға босарди, чол чилвирни бор кучи билан тортишга ҳаракат қилас, гоҳ бир зумгина бўш қўйиб берар, гоҳ яна узилиб кетадими деб қўрқа-қўрқа ўзига тортарди. Унинг ўзи ҳам қайиқ бурнига ёпишириб ташланган эди. Юзи бир бўлак макрель гўштига тиркалганча ётар, чолнинг қимирлашга имкони йўқ эди.

«Бизга худди мана шу нарса керак эди, — деб ўйлади у. — Энди маҳкам бўл... Чилвирни қандай суғуриб кетишни кўрсатиб қўяман унга! Ҳа, кўрсатиб қўяман ҳали!»

Унга балиқнинг иргиб чиқишлиари кўринмас эди. У океан бағрининг шов-шув сурон билан қўпорилганию, балиқ қайтиб сувга тушаётганди, қулоқни батанг қилиб шалоплаганини эшигарди, холос. Бортдан ошиб бораётган чилвир қўлни аёвсиз тилиб ўтар, аммо чол шундай бўлишини аввалдан билар ва кафти ё панжалари яраланмасин учун чилвир йўлига қўлининг қадоқли ерини тўғрилашга ҳаракат қиласди.

«Бола ёнимда бўлганда, — деб ўйлади чол, — чилвирни хўллаб берган бўларди. Эҳ, бола ёнимда бўлганда-я! Қанийди, у шу ерда бўлса! Қанийди!»

Чилвир кетгандан кетиб борар, кетгандан кетиб борар, аммо боягига қараганда суръати сусайнқираб қолган ва чол балиқни чилвирнинг ҳар тутамини машаққат билан юлиб олишга мажбур қиласди. У бозини кўтариб юзини парчинланиб кетган макрель гўштидан четга олишга муваффақ бўлди. У аввал тиззасига турди, сўнг оҳиста оёқقا босди. Чол чилвирни

ҳамон бўшатиб турар, лекин борган сари ўлармонлик билан оз-оздан бўшатарди. У калава ўрамлари туриши керак бўлаги жойга сурилди-да, оёғи билан пайпаслаб ҳали ўрамда чилвирнинг кўплигига қаноат ҳосил қилди. Сувга эса, шунчалик кўп чилвир кетган эдикни, ҳали балиқ шунинг ўзини эплаб улгурса ҳам хўп гап эди.

«Мана энди, — деб ўйлади у. — Балиқ ўн маротабадан ҳам кўп ирғишлаб чиқиб пуфакларини ҳаво билан тўлдирди. Энди унинг борса келмасга қочиб қутулиши ва у ерда ўлиб кетиши мумкин эмас. У тезда доира ясаб, чир айлана бошлайди, ана ўшандада қўл-қўлга тегмай ишлашга тўғри келади. Қизиқ, нима сабабдан у бунчалик безовта бўлдийкин? Очлик жонидан ўтдими ёки қоронгида бирон нарса ҳуркитдими? Балки у тўсиндан даҳшатга тушгандир. Аммо бу вазмин ва кучли балиқ эди-ку. У менга жуда дов ва ўзига амин бўлиб кўринган эди. Тавба!»

— Менга қара, чол, яхшиси қўрқиб-пўрқиб ўтиришни бир ёққа йифишириб қўй-да, кўпроқ ўз кучингга ишон, — деди у. — Сен уни қўлингда ушлаб турган бўлсанг ҳам, бир қаричгина чилвирни ўзингга тортиб ололмайсан. Аммо у тезда айлана бошлайди.

Чол энди чилвирни чап қўли ва елкалари билан тўхтатиб турарди; юзидан макрель гўштининг парчаларини ювиб ташлаш учун эгилиб ўнг қўлида сув олди. У кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қилишдан, натижада, мадорсизланиб қолишдан қўрқарди. Юзини ювиб бўлгач, чол субҳи содиқ уйғониб келаётган кўкка термилганча, ўнг қўлини бортдан ошириб, шўр сувда тутиб турди. «Хозир у айтарли оғишмай, тўғри шарқقا қараб сузяпти, — деб ўйлади у. — Бу унинг чарчаб қолиб, оқим бўйлаб бораётганини кўрсатади. Унга ҳали замон доира қилишга тўғри келиб қолади. Ўлиб-тириладиган пайт ана ўшандада бошланади».

Қўлини шўр сувда бир неча муддат тутиб тургач, чол уни кўздан кечирди.

— Унчаям хавфли эмас экан, — деди у. — Огриқ бўлса эр киши учун бир гапи, холос.

Чол чилвирни қўлининг янги қирқилиб кетган ерларига текизиб юбормасликка ҳаракат қилиб, авайлабгина ушлади ва чап қўлини ҳам иккинчи бортдан ошириб сувга солиш учун гавдасини қулай ўрнаштириб олди.

— Ўлгудай тирик нотавон бўла туриб ҳам, ҳар ҳолда, ўзингни ёмон туттанинг йўқ, — деди у чап қўлига. — Аммо мени чув тушириб қўяй деган пайтинг ҳам бўлди.

«Нимага ҳам мен тоғни урса талқон қиласидиган икки забардаст қўл билан туғилмадим? — деб ўйларди у. — Балки чап қўлимнинг мана шу кўйга тушишига ўзим айбдордирман? Уни аччиқ-чучукка бардош беришга ўз вақтида ўргатиш керак эди. Аммо бандаси бўлмаса, Худойимнинг ўзи кўриб тургандир, бу нарсаларни унинг ўзи ҳам ўрганиб олса бўларди. Ростини айтганда, бугун кечаси у менга ёмон хизмат қилмади; борйўғи бир марта томир тортишди, холос. Лекин, мабодо, бу яна қайтариладиган бўлса, яхшиси чилвир уни чўрт қирқиб кета қолсин!»

Шуни ўйлагандан сўнг, чол боши айланиб кетаётганлигини сезиб қолди. Аслида яна бир бўлак макрель гўштини еб олиш керак эди-я. «Йўқ, ея олмайман, — деди у ўзига. — Кўнгил озиб, беҳол бўлгандан кўра, бош айланиб тургани маъқул. Бундан ташқари, юзи мижиглаган гўштни оғзимга сололмайман. Бу гўштни то бузилмагунча, ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўйман. Барибир ҳозир у-бу татиб олишнинг вақти ўтди. Каллаварам чол! — деб койинди у. — Ахир, қолган бир учар балиқни ейишинг мумкин-ку».

— Мана, у мени е деб, тозалаб қўйилганча ётибди, — чол уни чап қўлига олди-да, суякларигача қўймай мижиб, пақ-пақъос еб битирди.

«У бошқа ҳар қандай балиққа қараганда ҳам тўқ тутади, — деб ўйлади у. — Ҳарқалай унда менга ке-

ракли бўлган нарса бор... Мана энди қўлимдан нима келса шуни қилиб бўлдим. Қани, у айланаверсинчи, беллашиб кўрамиз ҳали».

У денгизга чиққандан бери қуёш мана учинчи марта бош кўтариб чиқяпти, худди шуни кутиб тургандай балиқ ҳам доира чизишни бошлаб юборди.

Чилвирнинг денгизга қандай қияликда тушиб боришига қараб балиқ айланаётидими ёки йўқми, чол билолмасди. Билишнинг ҳали фурсати ҳам етмаган эди. У чилвирнинг пича бўшашибганлигини сезди, холос ва ўнг қўли билан уни оҳиста ўзига торта бошлади. Чилвир бояги-бояги яна қаттиқ тортилди, аммо ол, ана энди узилиб кетади деб турганда, у тўсиндан бўшашиб қолди. Шунда чол энкайиб елкаларини эзиб турган чилвирдан бўшатди ва шошмасдан, мароми билан уни ўзига тортмосқа киришди.

У бутун эркини қўлларига бериб ишларди. Ёшлик куч-куватини йўқотган оёқлари билан елкалари уларга кўмак бериб турарди.

— У жуда ҳам олислаб айланяпти, аммо нима бўлса ҳам ишқилиб айланяпти-ку.

Тўсатдан чилвир силжишдан тўхтаб қолди. Аммо чол чилвирни то ундан қуёшда товланиб порлаган сув кукунлари сараб чиқмагунча ўзига тортаверди. Кейин чилвир орқага тортилиб кета бошлади. Чол чўкка-лаб олганча, хушламайгина, аста-секин яна сим-сиё сувга бўшатмоққа кирди.

— Энди балиқ ўз доирасининг энг олис қисмини ўтаяпти, — деди у.

«Уни иложи борича қаттиқ ушлаш керак. Таранг тортилган чилвир доирани ҳар сафар торайтираверади. Эҳтимол, бирор соатдан кейин у кўриниб ҳам қолар. Мен уни аввал ўз кучимга ишонтиришим керак, кейин тушовлаб оламан».

Бироқ икки соат ўтибди ҳамки, балиқ ҳамон қайик атрофида имиллаб айлангани айланган эди. Чол қора терга ботган, чарчаганидан бурни ерга теккудай

бўлган эди. Тўғри, балиқ айланаётган доира анчайин қисқарип қолган, бундан ташқари, чилвирнинг сувга тушиб боришидан балиқнинг борган сари юқорига кўтарилиб келаётганлиги кўриниб турарди.

Бир соатдан бери чолнинг кўз ўнги қоронfilaшиб борар, сел бўлиб оққан тер кўзини ҳам, кўзи устидаги жароҳатни ҳам, ва яна манглайдаги бошқа бир ярани ҳам ачиштиргандан ачиштирарди. Кўз ўнгининг қоронfilaшиб бораётгани уни қўрқитмас эди. Чилвирни шунчалик зўриқиши билан тортаётгани олдида бу унчалик ҳайрон қоларли иш эмасди. Лекин икки сафар унга жисми гўё сочилиб кетаётгандай бўлиб туюлди, бу эса уни ҳазилакам ташвишга солмай қўймади.

«Наҳотки, мен повилғонилик қилиб қўйсам ва Худо бехабар бир балиқ деб ўлиб кетсан? — ўз-ўзига савол берарди у. — Келиб-келиб, ҳозир — ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлаётган маҳалда-я. Ё Раббий, ўзинг менга чидам бер! Мен юз бор, «ё падар» билан яна юз бор «Биби Марям»ни ўқиганим бўлсин. Фақат ҳозир эмас. Ҳозир ўқий олмайман».

«Ҳозирча уларни гўё ўқигандай бўла қолай, — деб ўйлади у. — Кейинроқ ўқиб қўяман».

Шу дам у икки қўллаб ушлаб тургани чилвирга зарб тушаётгани, ҳамда силтаниш рўй берганини сезиб қолди. Силтов жуда ҳам кескин ва бениҳоя кучли эди.

«У қармоқ уланган симга қилич тумшуфи билан уряпти, — деб ўйлади чол. — Худди ўзи. Унинг шундай қилиши ҳам керак эди. Бироқ бу уни сакраб чиқишига мажбур қилиб қўйиши мумкин, мен бўлсан унинг ҳозир айлана тургани маъқул деб билардим. Боя унга ҳаво олиш учун юзага сакраб чиқиши керак бўлган эди, аммо энди ҳар бир янги сакраш қармоқ илиниб турган жойни кенгайтириб қўйиши, оқибат натижада балиқ қўлдан чиқиши мумкин».

— Балиқ, сакрамагин, — илтимос қиласарди у. -- Ўти-наман, сакрама!

Балиқ қайта-қайта симга зарб урап ва ҳар гал чол бош чайқаб, чилвир бўшатар эди.

«Мен унга қуюшқондан ташқари азоб бермаслигим керак, — деб ўйларди у. — Менинг дардим — ўзимда. Уни енгиб ўтишим мумкин. Аммо балиқ оғриқдан эсни йўқотиб қўйиши ҳеч гапмас».

Бирмунча муддатдан сўнг балиқ симга уришдан тўхтади ва яна оҳиста айланади. Чол мароми билан чилвирни ўзига тортиб йифиштиради. Аммо у яна ўзини лоҳас сеза бошлади. Чол денгиз сувидан ҳовучлаб олиб бошидан қўйди. Кейин яна бир оз сув олиб бошига қўйгач, энсасини уқалаб қўйди.

— Шукрки, ҳартугул томир тортишмаяпти, — деди у. — Балиқ тезда юзага чиқади, мен бўлсан ҳали туриб бераман. Сен туриб беришинг керак, чол. Чидамим етмайди деб, ҳатто хаёлингга ҳам келтира кўрма.

У тиззалааб ўтириб олди ва омонатгина бўлса ҳам чилвирни яна елкасига олди. «Балиқ айланиб тургунча, мен нафас ростлаб оламан, кейин ўрнимдан тураман-да, у яқинлаб келиши билан чилвирни ўзимга торта бошлайман».

Чол қайиқ бурнида туриб кўпроқ дам олгиси, чилвирни ўз ҳолига ташлаб, ортиқча бир айланиб чиқиши учун балиққа йўл қўйиб бергиси келарди. Аммо тортиш маромидан балиқнинг бурилиб, яна қайиқ томонга қайтаётганлиги маълум бўлган замон чол ўрнидан турди ва қўлга иложи борича кўпроқ чилвир киритай деб, гавдасини дам у томонга, дам бу томонга ўгирганча қулочлаб чилвир торта бошлади.

«Шундай чарчабманки, умрим бино бўлиб бунақанги аҳволга тушмаганман, — деб ўйлади чол, — мана шамол ҳам кучайиб боряпти. Нафси ламрга балиқни уйга олиб бораётганимда, бу шамол асқатади. Ҳа, жуда, жуда асқатади бу шамол».

— У янгидан айланади бошлаши билан мен дам оламан, — деди у. — Ўзимни ҳам боягидан кўра анча яхши

хис қиляпман. Ўлдим деганда, яна икки-уч айланишдан кейин балиқ меники бўлади-қўяди.

Унинг похол шляпаси энсасига сурилиб тушган эди. Балиқ олдинга қараб яна судраб кета бошлиши билан чол бутунлай ҳолдан тойиб, ўзини қайиқ бурнига ташлади.

«Мана энди сен чигилингни ёз, балиқ, — деб ўйлади у. — Сен орқага қайтдинг дегунча, мен ишимни бошлайман».

Денгиз бўйлаб йирик долға сирпана бошлади. Аммо сувни очиқ ҳавонинг йўлдоши бўлган хайрли шамол ҳайдаб келмоқда эди. У чолнинг уйга етиб олишида ҳали ҳам мадор, ҳам мадад бўлади.

— Қайиқни жануб ва фарбга томон бошқариб бораман, — деди у. — Вассалом. Денгизда ҳам адашиб бўлармишми? Оролимиз-ку, кичкина эмас, чўзилгандан чўзилиб кетган.

Чол балиқни учинчи айланиш вақтида кўрди.

Назари аввало қайифи остидан бош-кети кўринмай чўзилиб ўтган тимқора сояга тушди. Ўз кўзларининг кўрганига ўзи ишонмай қолди.

— Йўқ, — деди у. — Унинг бунақангидан ботмондах-сар бўлиши мутлақ мумкин эмас.

Аммо балиқ чиндан ҳам улкан эди. Учинчи айланиш охирлаб қолганида, у қайиқдан ўттиз ярдча нарида юзага сузиб чиқди. Унинг қуйруғи денгиздан қанчалик кўтарилиб чиққанини чол ўз кўзлари билан кўрди. У энг катта ўроқдан ҳам каттароқ бўлиб, қорамтири-мовий сув бетидан нимсафсар тусга киргандек кўринарди. Балиқ яна бошқатдан ўнгриб кетди, аммо бу гал у қадар чуқур тушмади. Унинг бутун алп сиёsat гавдасини чирмаб олган бинафшаранг тасмалари чолга яққол кўриниб туради. Балиқнинг умуртқа қаноти шалпайиб тушган, жуда ҳам улкан кўкрак сузғичлари бўлса кенг ёйилган эди.

Балиқ айланар экан, чол унинг кўзларини, шу кўзлар атрофида сузиб юрган икки кулранг елим балиқни

күрди. Ўқтинг-ўқтинг улар балиқнинг баданига зулукдек ёпишар, кейин жон ҳолатда ура қочишарди. Гоҳида эса йирик балиқнинг соясида ўйноқлаб сузишарди. Елим балиқлардан ҳар бирининг бўйи уч футдан ошироқ келар эди. Улар сузаётганларида худди илон балиқقا ўхшаб, бор бўйлари билан биланглаб кетишарди.

Чолнинг юзидан энди фақат қуёш тафтидангина эмас, азбаройи зўриққанлиқдан ҳам тер реза-реза бўлиб оқарди. Кўринишдан жуда сокин ва бамайли хотир доира ясаётган балиқнинг ҳар янги айланишида чол борган сари кўпроқ чилвир йифиб олар, яна икки айланишдан кейин балиқ кўксига гарпун уришига энди у амин бўлиб қолган эди.

«Аммо мен уни бундан ҳам яқинроқ олиб келишим керак, ҳа, яқинроқ, — деб ўйларди у. — Мўлжалга ҳам бошини олмасдан, нақ юрагига уриш керак».

«Ўзингни бос, бардам бўл, чол», — деди у ўзига-ўзи.

Кейинги айланиш вақтида балиқнинг сирти сув юзасида кўринди, аммо у ҳали ҳам қайиқдан анча нарида сузуб борарди. Балиқ яна бир марта айланиб чиқди, бироқ сув бетига боягидан кўра сезиларлироқ чиқиб қолган бўлса-да, ҳамон ўша-ўша қайиқдан анча олисда эди. Чол чилвирни яна бир оз тортқилаб олганида, ҳозир балиқни нақ бортнинг ёнгинасига келтириб қўйган бўлишини биларди.

У гарпунни аллақачон шай қилиб қўйган эди; ингичка трос ўрами кажава саватда ётар, унинг бир учи қайиқ бурнидаги илгакка маҳкамланган эди.

Бекиёс вазмин ва сулув бўлган бу балиқ доирасини ясад, улкан қўйруғини билинар-билинмас қимиратиб яқинлашиб келарди. Чол уни қайиққа мумкин қадар яқинроқ олиб келиш учун куйиб-пишиб чилвир тортарди. Бир муддат балиқ ёнбошига ағдарилиб қолди. Кейин у ўзини ростлаб олди ва янгидан айланишга ўтди.

— Мен уни ўрнидан жилдирдим, — деди чол. — Нима бўлгандан ҳам мен уни ағдарилишга мажбур қилдим.

Унинг яна боши айланиб кетди, шунга қарамасдан чилвирни ўлиб-тирилиб тортишдан тўхтамади. «Ахир, бўлса-бўлмаса, уни ёнига тўнтариб қўйиш қўлимдан келади-ку, — деб ўйлади у. — Ажаб эмас, уни бу сафар чалқанчасига афдариб олсан. Торт хоо-о, торт! — Ўз қўлларига буюрди у. — Қани, ҳа-ҳа, оёқлар, бардам-бардам! Калла, бўла қол, анқайма! Иш кўрсат! Ахир, сен ҳеч қачон мени ерга қаратмагансан-ку. Бу сафар мен уни чархпалак қилиб ташлайман!»

Ҳали балиқ қайиққа яқин келиб улгурмасданоқ, у бор кучини йифиб, ўлар-тириларига қарамай торта бошлади. Бироқ балиқ ёнбошига афдарилди, холос. Кейин яна ўзини ўнглаб олди-ю, олислаб кетди.

— Менга қарагин, балиқ! — деди чол унга. — Сен барибир ўласан. — Шундай бўлгач, мени ҳам ўзингга қўшмозор қилишдан бир маъно борми?

«Бунақада икки қўлимни бурнимга тиқиб қолаверишим ҳам ҳеч гап эмас», — кўнглидан ўтказди у. Оғзи шундай ҳам қақраб кетган эдики, ҳатто лабини лабига қовуштиришга мажоли етмас, сув солинган шишани чўзилиб олиш учун эса мадори йўқ эди. «Бу гал мен энди уни қайиққа судраб келтирмасам бўлмайди, — деб ўйлади у. — Куниг битиб қолганга ўхшайди, чол». «Йўқ, — деб чўрт кесди у ўзини, — битиб қолгани йўқ. Умринг ҳали юз йилларга етади, чол».

Кейинги айланиш пайтида чол сал бўлмаса балиқни қўлга киритай деди-ю, бироқ у яна ўзини ростлаб олиб, оҳиста узоқлаб кетди.

«Мени хароб қиляпсан, балиқ, — ўйларди чол. — Бу, албатта, сенинг ишинг. Умрим бино бўлиб ҳали бирон мартаба сенчалик улкан, сенчалик сулув, осуда ва олижаноб махлуқни кўрмаганман. Майли, истасанг мени ўлдир. Ким-кимни ҳалок қиласди — энди менга барибир».

«Яна миянг айнияпти, қария! Ўзинг биласан-ку, бoshинг равшан бўлиши шарт. Эсингни йифиб ол. Уқубатни инсонларча... ё бўлмаса, худди мана бу ба-

лиқчалик енгиб ўтишга ҳаракат қил», — деб хаёлан қўшиб қўйди у.

Сўнг ўз-ўзига:

— Қани, бўл-чи, каллани ишлат, — деди. Овози шундай ожиз чиқдикни, уни ҳатто ўзи базур эшилди. — Ишлат, деяпман сенга.

Яна икки айланиш давомида ҳам ҳеч нарса ўзгармади.

«Нима қилсам бўларкин? — ўйлаб ўйига етолмасди чол. Ҳар гал балиқ олислай бошлиши билан унга гўё ўзи ҳушдан кетаётгандай бўлиб туюларди. — Нима қилиш керак? Яна бир уриниб кўраман».

У яна бир уриниб кўриб, ҳушдан ажралаётганини сезди. Аммо шундай бўлса ҳам балиқни чалқанча ағдаришга муваффақ бўлди. Кейин балиқ қайтадан ўзини ростлаб олди ва баҳайбат думини ҳавода биланглата-биланглата йироқлаб кетди.

Кўллари жонсиздай бўлиб қолгани ва кўз олди хиралашиб, туман босганига қарамай чол: «Яна бир уриниб кўраман», — деб аҳд қилди.

Шундай қилди ҳам, бироқ балиқ яна чап бериб кетди. «Э, ҳали шундайми? — деб ўйлади у. Ўйладию, ўзини музлаб кетаётгандек ҳис қилди. — Мен яна бир уриниб кўраман».

У ўзининг бутун азоб-уқубати, қолган-кутган кучкүввати ва аллақачонлардан буён йўқолиб кетган фурур, ориятини бир ерга тўпладиу, уларни балиқ чекаётган абгорликлар билан яккама-якка олишувга ташлади. Шунда балиқ ёнбошига ағдарилиб тушди ва шу кўйича оҳиста, қайиқ қопламасига қилич тумшуғи билан тегай-тегай деб сузиб ўта бошлади; узун дегандан узун, энли дегандан энли, кумушдайин товланган, бинафшаранг тасмалардан камар боғлаган, боши ҳўатта, кети ҳўатта бўлиб туолган бу балиқ сал бўлмаса қайиқ ёнидан қилпиллаб ўтиб кетай деди.

Чол чилвирни ташлаб, уни оёфи билан босиб олди, гарпунни қурби етганча баланд кўтариб, шу онда йик-

қан бор кучи билан балиқнинг дengиз сиртидан одам кўкрагича кўтарилиб турган тўш қанотларининг худди орқасига урди. У темирнинг юмшоқ гўштга қандай кириб бораётганини туйди ва бутун оғирлигини гарпунга солиб, уни борган сари чуқур суқа борди.

Шунда балиқ ўлим билан ҳамнишин бўлиб қолганига қарамай ҳаракатга кирди, гўё ўзининг тенги йўқ бўй-басти, бор гўзаллиги ва қудратини намойиш қилгандай дengиздан баланд кўтарилиб чиқди. Гўё у чол билан қайиқ устида муаллақ осилиб қолди. Кейин у чол ва чолнинг бутун қайифига кўлоб-кўлоб сув ёғдирив дengизга гумбурлаб тушди.

Чолни беҳоллик ва беҳузурлик ўз комига олди, кўзлари деярли ҳеч нарсани илғамай қўйди. Бироқ гарпун арқонини бўш қўйиб, уни тилимланиб кетган қўлларида оҳиста тутамлай бошлади. Кўзлари яна равshan тортганда эса, у балиқнинг кумушранг қорнини осмонга қаратиб тўнтарилиб ётганини кўрди. Орқасидан гарпун дастаси қиялаб чиқиб турар, дengиз теграси эса унинг қора қонига бўялган эди. Бошда гўё бутун бир чақирим келадиган мовий сувни фиж-фиж балиқлар тўдаси қоплаб юборгандай қора доф босди. Кейин бу доф ёйилиб кетди ва паға-паға булатга ўхшаб қолди. Кумушсимон балиқ тўлқинларда оҳиста тебраниб турарди.

Чол то кўзи яна тиниб кетмагунча, балиқдан кўз узмай турди. Сўнгра у гарпун арқонини битенгга устма-уст икки марта ўраб боғлади ва қўллари билан икки чаккасини ушлаб мункайди.

«Нима бало бўла қолди-я, бу бошимга ўзи? — деди у юзини қўйруқ қопламасига босаркан. — Мен кексайиб қолган одамман. Қаттиқ чарчадим. Аммо мен нима бўлганда ҳам мана бу балиқни ўлдирдим. У менга туғишган биродаримдан ҳам ортиқроқ. Энди бўлса майда-чуйда ишни бир ёқлиқ қилишгина қолди.

Хозир балиқни қайиқقا қантариб олишим учун арқонни тахт тутиб, уни сиртмоқ-сиртмоқ қилиб қўйи-

шим керак. Мабодо биз икковлашиб балиқни қайиқقا ортсаг-у, уни сувга лиқ түлдириб қўйсаг-у, борингки, кейин чеалклаб бўшатсаг-у, барибир, қайиқ бунақанги юкка дош беролмайди. Мен нима лозим бўлса ҳаммасини таппа-тахт қилиб қўйишим керак. Кейин балиқни бортга тортиб келтиришиму, чандиб ташлашим, елканни кўтариб, куч-кўрон билан жуфтакни ростлашим керак бўлади».

Чол арқонни балиқ жабраси ва жағларидан ўтказиб, бошини қўйруққа тирбанд қилиш мақсадида уни бортга тортиб келтира бошлади.

«Уни кўргим келяпти, — деб ўйлади у, — ўз қўлларим билан ушлагим, қандай балиқ эканлигини бир билиб қўйгим келяпти. Ахир у — менинг бойлигим. Аекин, фақат шунинг ўзи учунгина уни ушлаб кўргим келаётгани йўқ. Мен аллақачон, хў ўшанда, гарпунни сопига довур урганимда, унинг юрагига қўл текизиб кўргандай бўлдим, — деб ўйларди у. — Ҳай, майли, энди уни яқинроқ олиб кел, бойла, думига сиртмоқ ташла, қайиққа ёпишиб турсин десанг, танасини ҳам сиртмоқлаб ол».

— Қани, қария, ҳаракатингни қил, — деди у ўзига ва бир қултум сув ютинди. — Энди жанг тамом бўлди, аммо ҳали майда-чуйда иш бошдан ошиб ётибди.

Чол аввал зилол осмонга, кейин улкан балиққа назар солди. Айрича диққат билан қўёшга қаради. «Хозир кун пешиндан сал оғибди. Пассат бўлса, авжига миняпти. Шу тобда чилвирии улаб-чатиб қўяй десам, бундан наф йўқ. Буни бола билан уйда дўндириб қўямиз».

— Қани, бери кел-чи, балиқ!

Аммо балиқ бери келишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмас, тўлқинлар оғушида сокин чайқалар эди. Чолнинг ўзига қайиқни унга томон олиб боришга тўғри келди.

Чол унга шундок ёнма-ён келиб, балиқнинг боши қайиқ қўйруғига учма-уч келганда, яна бир карра

унинг азим ҳайбатидан донг қолди. Кейин гарпун арқонини битенгдан ечиб олиб, уни балиқ жабраларидан ўтказди, бир учини жағидан тортиб чиқарди, балиқнинг қилич тумшугига айлантириб ўради, кейин арқонни яна жабралардан ўтказди, яна балиқ тумшугига ўради ва устма-уст битенгга чандиб ташлади. Қолган арқонни кесиб олиб, балиқ думини сиртмоқлаш учун қуйруққа ўтди. Балиқнинг тузи заррин бинафша рангдан соғ кумуш рангга ўтди, тасмалари бўлса, худди қуйруғи каби синик сафсар тусини олди. Бу тасмалар эркак кишининг керилган қўлларидан энлироқ эди, балиқнинг кўзлари эса, худди перископ ойнаклари сингари лўқ бўлиб қолган, айни чоғда салб чопқинлари вақтидаги авлиёларнинг қиёфасини эслатиб туради.

— Мен уни бундан бошқача қилиб ўлдиролмас эдим,
— деди чол.

У сув иҷиб, ўзини анча тетик ҳис қилди. Энди у ўзининг бундан кейин ҳушдан кетмаслигини биларди, мияси ҳам равшан тортган эди. «Бу балиқ ярим тонна келса келадики, кам эмас, — деб ўйлади у. — Балки, ундан ҳам кўпроқдир». Агар бунақсанги байталмоннинг учдан икки қисми гўшт бўлса, ҳар фунти ўттиз центдан турганда, қўлга қанча пул киаркин?

— Қалам-қофоз бўлмаса, ҳисобига етиб ҳам бўлмайди буни, — деди чол. — Ҳисобини чиқариш учун бош тиниқ бўлиши керак. Аммо, фаҳмимча, улуғ Ди Маджво бугун мен билан фахрланса арзийди. Тўғри, менда суяқ қадоги бўлган эмас. Лекин қўлларим ва елкам бебилиска оғриди-е. Дарвоқе, суяқ қадогининг ўзи нима? Эҳтимол, у бизда ҳам бўлса бордир, фақат борлигини хаёлимизга келтирмасак керак, холос.

Чол балиқни қайиқ бурни, қуйруғи ва ўриндиқларига боғлаб қўйди. Балиқ шунчалик ҳам азим эдики, чолга гўё у қайифини йирик кеманинг бортига тиркаб қўйгандай туюлар эди. Чилвирдан бир бўлак ке-

сиб олди-да, балиқнинг оғзи очилиб қолиб, сузишни қийинлаштирмасин учун унинг пастки жағини тифига күтариб боғлаб қўйди. Кейин у мачтани ўрнатди, таёқдан гафель ўрнида фойдаланди, шкотни тортиб қўйди. Олақуроқ елкан фўппайди, қайиқ олға жилди, чол қўйруқقا ярим ёнбошлаб, жануби-фарбга сузикетди.

Жануби-фарб томонни аниқлаш учун чолга компаснинг кераги йўқ эди. Бунинг учун унга пассатнинг қайга эсаётгани-ю, елканинг қай тарафдан шамолга тўлаётганини билиш кифоя эди. «Ҳарқалай қармоқни сувга ташлаб қўйсам ёмон бўлмасди — ёлғондакам хўракка балиқ-малиқ илиниб қолармиди дейман, бўлмаса очдан ўламан-ку». Аммо у ёлғондакам хўракни ахтариб тополмади, сардинлар эса ҳидланиб қолибди. Шунда у сариқ сув ўсимликлари ёнидан сузив ўта туриб, улардан бир тутамини чангак билан илиб олиб, силкитди. Қайиқча майда қисқичбақалар тўклишиб тушди. Деярли бир дюжинадан ошиқроқ бўлган бу маҳлуқлар худди бургалар сингари дикирлаб сакрашар, ўрмалашарди. Чол уларнинг бошини икки бармоғи орасига олиб узиб ташлади ва ҳеч нарсасини қўймай обдан чайнаб еб юборди. Қисқичбақалар ниҳояти майда эди. Аммо чол уларнинг кишини жуда ҳам тўқ тутиши, бунинг устига беҳад лаззатли эканлигидан хабардор эди.

Чол уларни батамом еб битиргандан сўнг, шишада қолган озгинагина сувнинг чорак қисмини ичди.

Бортига зил-замбил балиқ тиркалганига қарамай, қайиқ расамади билан борар, чол румпелни тирсаги билан тутганча, уни бошқарар эди. Балиқ унга муттасил кўриниб турар, ўз кўлларига кўзи тушиб қолса ёки елкаси қайиқ четига тегиб кетган ҳамон — буларнинг бари тушида эмас ўнгида содир бўлганини бутун вужуди билан ҳис қиласр эди. Ҳув бир пайт, ҳамма нарса ҳал бўлишга келиб қўйқисдан мазаси қочиб қолганда, буларнинг бари чолга роппа-роса туш каби кўриниб

кетган эди. Нимасини айтасиз, ундан кейин ҳам балиқ сувдан чиқиб қайта тушиб кетиш олдидан ҳавода муаллақ осилиб қолганда, унга буларнинг ҳаммасида қандайдир антиқа бир ғаройибот бордек туюлди ва чол ўз кўзларига ишонмай қолди. Тўғри, у пайтда кўзлари ҳам нафсилаамрга яхши илғамай қолган эди, энди бўлса улар яна равshan тортди.

Мана энди балиқнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги, қўллари ва елкаларидаги оғриқнинг ҳам тушида бўлмаётганилиги унга аён. «Қўлларимнинг яраси тез битиб кетади, — деб ўйлади у. — Яралар ифлосланиб зўрайиб кетмасин деб, озмунча қон оқиздимми, шўргина сув бўлса, ҳойнаҳой уларга малҳам бўлади. Қўрфазнинг қорамтири суви — дунёда тенги йўқ даво.Faқат хаёлим чалғиб кетмаса бўлгани! Қўллар ўз вазифасини адо этиб бўлди, қайиқ ҳам жойида кетяпти. Балиқнинг оғзи бекик, қуйруғи бўлса тифдек тик, ўзимиз ҳам ёнма-ён худди биродарлардек сузиб боряпмиз». Унинг боши яна бир оз гангиг кетди. «Ким кимни уйга элтаяпти ўзи — мен уними ё у меними? Агар мен уни шатакка олиб бораётган бўлганимда, бошқа гап эди. Ёинки, у ўзининг турган-битган савлатини бой бериб, қайиқ ичиде ётганда эди, бунда ҳам ҳамма нарса бошқача, очиқ-ойдин бўла қоларди. Аммо биз ёнма-ён, бир-биримизга занжирибанд бўлиб сузиб кетяпмиз. Бор-э, менга нима, мени етаклаб кетаётган бўлса кетавермайдими. Унга шу маъқул бўлса, биз рози. Нафсилаамрга, мен устомонлик ишлатибгина ундан устун чиқдим; баҳарҳол, у менга ҳеч қандай ёмонлик кўзлагани йўқ».

Улар сузгандан сузиб боришар, чол ўқтин-ўқтин қўлинини денгиз сувига чайқаб олар, каловланиб қолмасликка ҳаракат қилиб борарди. Тўп-тўп булувлар баландда имиллар, улардан ҳам юксакда укпар булувлар сузишар эди; чол, шамол туни билан эсиб чиқишини биларди. У ҳақиқатан ҳам, балиқни тушида эмас, ўнгидаги кўриб турганига амин бўлиш учун, дам-бадам

унга қараб қўярди. Биринчи акула уни қувиб етгунча, бир соат чамаси вақт ўтди.

Акула уни тасодифан қувиб етганийўқ. Балиқ қонининг қорамтири булатлари аввал қуюқлашиб, кейин сув бўйлаб бутун бир чақирим чуқурликка ёйилиб кетиши биланоқ, у денгиз қаъридан бош кўтариб, ҳеч бир ҳадик билмасдан, ойнадай мовий денгиз сиртини шитоб билан тилиб, ёруғ дунёга сузиб чиққан эди. Кейин яна ортига қайтди, яна қон ҳидини туйди ва ниҳоят балиқ ҳам қайиқ қолдирган издан кетма-кет таъкиб эта бошлади.

Гоҳида у изни йўқотиб қўярди. Бироқ, ёхуд яна изга тушиб олар, ёинки билинар-билинмас анқиб турган ис димомига уриларди-да, янгидан тинимсиз таъкиб эта бошларди. Бу — денгизнинг энг учқур балиғи қанчалик тез суза билса, шунчалик тез суза олиш учун дунёга келган, мако жинсидан бўлган жуда ҳам йирик акула эди. Унинг коми дейилмаса, бутун сумбати билан мана мен деб турар эди. Усти худди қилич балиқники каби мовий, қорни кумушранг, сирти силлиқ ва чиройли, ҳозир маҳкам қисиб олинган жаҳаннам дарвозасидай жағларини ҳисобга олмагандан, турган-битгани қилич балиққа ўхшарди. У чўққайиб чиққан тепа қаноти билан сувни енгил ёриб, денгиз юзидан тез сузиб келарди. Оғзининг маҳкам юмуб олинган қўш табақа лаблари ортида саккиз қатор бўлиб ўроқ тишлари тизилиб кетар эди. Улар кўпчилик акулаларнинг аксар қиррадор тишларига ўхшамас, балки йиртқич човути сингари қайрилган одам бармоқларини эслатарди. Узунлиги ҳам чолнинг бармоқдаридан қолишмас, зийлари бўлса устарадай ўткир эди. Акула жамики денгиз балиқларини жиғилдонига уриш учун яратилган, бундан ҳатто бошқа ҳеч қандай душмандан тап тортмайдиган, бениҳоя эпчил, кучли ҳамда яхши муҳофаза қилинган балиқлар ҳам ҳоли эмас эди. Шу тобда у ўлжанинг яқинлигини сезиб, шошилар, шу сабабдан ҳам мовий тепа қаноти сувни шиддат билан тиликлаб борарди.

Чол акулани күриши билан унинг ҳеч нарсадан қайт-маслигини, хоҳлаган номаъқулчилигини қилишини тушунди. У акуланинг яқинроқ келишини кутаркан, гарпунни шайлаб, арқоннинг охирини маҳкамлаб қўйди. Балиқни боғлаб олаётганида, унинг бир бўла-гини кесиб ишлатганидан, арқон калта бўлиб қолган эди.

Чолнинг боши ҳозир батамом тиниққан, ўзини ҳеч нарсадан умидвор тутмаса-да, ҳарқалай, қатъият билан белни маҳкам боғлаган эди.

«Ҳамма иш хамирдан қил суургандай бораётган эдик, охиригача шундай давом этиши мумкин эмас-ди ҳам», — деб ўйларди у.

Акуланинг яқинлаб келишидан кўзини узмай, чол азим балиққа назар ташлади. «Буласнинг бари, наф-силемрга, туш бўлиб қолса ҳам ёмон бўлмасди. Мен унинг ўзимга ҳужум қилишининг олдини ололмайман, аммо, балки, уни гумдон қилиш қўлимдан келар? Dentuso⁸, — хаёлидан ўтказди у. — Падарингга минг лаънат!»

Акула нақ қуйруқнинг ўзига яқинлашиб келиб, ба-лиққа ташланиши билан чол унинг ўпқондек очилган оғзини ва фавқулодда дўлайган кўзларини кўрди, балиқ думидан сал юқорига санчилган тишларининг картиллаб, қисирлаганини эшитди. Акуланинг боши сувдан чиқиб турар, унинг кетидан кўп ўтмай елка-си ҳам кўриниб қолган эди. Чол акула жағлари улкан балиқнинг танасини хунук товуш чиқариб, нимта-нимта қилаётганини эшитаркан, унинг бошига, кўзларини қўшиб турган чизиқ тумшуғидан юқорига кетган чизиқ билан кесишган жойнинг ўзгинасига гарпун урди. Ҳақиқатда эса, бундай чизиқлар йўқ эди. Оғир, тифсимон зангори калласию, лўқ очилган кўзлар ва фижирлаган, туртиб чиққан, нима тўғри кел-

* ⁸ Акуланинг тишли бир тури (исп.).

са, шуни ғажиб ташлашга тайёр турган жағларгина бор эди. Аммо ўша ерда акуланинг мияси жойлашганидан чол уни нишонга олиб найза урган эди. Қийилиб-қирчилиб кетган, қонга бўялган қўлларида маҳкам қисилган гарпунни урди, урганда ҳам жон-жаҳди билан урди. Ураркан, зарбидан ҳеч бир умидвор бўлгани йўқ, аммо қатъият ва аламжон қаҳру ғазаб билан урди.

Акула тўнтарилиб тушди, чол унинг кўзлари сўнганини кўрди, кейин акула арқонни танига икки қайта ўралаштириб, яна бир афдарилид. Чол акуланинг жон берганини, аммо ҳамон ўлим билан келишишни истамаётганини тушунди. Тўнтарилиб ётаркан, у думи билан урап, жағларини фижирлатар, сувни пойга қайифдай кўпиртирас эди. Денгизнинг у думи билан савалаган жойи оппоқ бўлиб кетган эди. Акула гавдасининг тўртдан уч қисми сувдан кўтарилиб чиқди, арқон таранг тортилди, қилтиллаб-қалтиради ва охири чўрт узилиб кетди. Акула бир муддат сув бетида қалқиб тураркан, чол ҳамон ундан кўз узмай, қарагани қараган эди. Кейин у имиллабгина сув қаърига кириб йўқолди.

— У ўзи билан қирқ қадоқча балиқ гўштини гумдон қилди, — деди чол овоз чиқариб.

«Устига-устак, гарпун билан қолган-қутган арқонни ҳам олиб кетди. — хаёлан қўшиб қўйди у, — балиқдан бўлса яна қон оқяпти, демак, бу акула кетидан ҳали замон бошқалари ҳам келиб қолади».

Дабдаласи чиқдан балиқда энди унинг бошқа қарагиси ҳам келмасди. Акула балиқча ташланган чоғда, чолда у гўё балиқча эмас, ўзига ташлагандай бўлиб кўринди.

«Аммо, ҳарқалай, мен балиғимга кўз олайтирган акулани ўлдирдим, — деб ўйлади у. — Бу умрим бино бўлиб кўрганларим ичиди энг балойи азим dentuso эди. Мен бўлсам, Худо ҳақи, улкан акулаларнинг қўпини кўрганман.

Ишларим ҳаддан зиёд силлиқ кетаётувди. Бунинг узок давом этиши мумкин эмасди. Мендан ҳозир тила тилагингни дейишса, буларнинг бари-бари туш бўлиб қолишини тилардим: балиқ-малиқ тутдингми — йўқ, газеталар тўшалган каравотингда ялло қилиб ётибсанми — ётибсан, тамом, вассалом эди».

— Аммо инсон боласи енгилиб, енгилганига рози бўлиб кетавериш учун яратилмаган, — деди у. — Одамзодни янчиб ташлаш мумкин, лекин уни енгиб бўлмайди.

«Ҳарқалай балиқни ўлдирганим увол бўлди, — деб ўйлади у. — Энди менга жуда оғир тушади, ҳатто гарпундан ҳам мосуво бўлдим. Dentuso — чакқон ва ёвуз, ақлли ва кучли маҳлук. Аммо мен ундан кўра ҳам ақллироқ бўлиб чиқдим. Балки, ақллироқ ҳам эмасдирман. Эҳтимол, ҳаммаси дурустроқ қуролланган бўлганлигимдандир».

— Хаёл суриш керак эмас, чол, — деди у овоз чиқариб. — Шамол бўйлаб сузавер ва фалокат рўй берадиган бўлса, қарши олишга тайёр тур.

«Йўқ, мен ўйлашим керак, — фикран ўз-ўзига эътиroz билдириди у. — Шундан бошқа яна нима ҳам қолди менда, ахир. Шу-ю, бейсбол, холос. Дарвоқе, акуланинг қоқ миясига туширганим улуғ Ди Маджиога ёқармиди ё ёқмасмиди? Умуман, мақтаса арзийдиган бир иш ҳам бўлганий йўқ, ҳар кимса ҳам шундай қила оларди. Айтмоқчи, менга қара, қария, нима деб ўйлайсан: қўлларинг суюк қадоfiga қараганда, кўп халақит бердими ё йўқ? Қаёқдан билай? Товонимга йўлига бўлсин бирон марта ҳам ҳеч бало урган эмас, фақат бир сафар чўмилаётib электр скатини билмай босиб олганимда, уни илон чаққандай бўлган эди; ўшанда оёғим тиззамгача акашак бўлиб қолган, оғриғи ҳам чидаб бўлмайдиган оғриқ эди».

— Қўй, буни. Яххиси, бошқа бирон юракни хун қилмайдиган нарса ҳақида ўйлагин, қария, — деди у овоз чиқариб. — Дам ўтган сайин уйга яқинлашиб

қоляпсан. Нимасини айтасан, қирқ қадоқ гўштдан айрилиб қолганингдан бери сузиш ҳам анча осонлашиб қолди.

Оқимнинг қоқ ўртасига кирганидан кейин у ўзининг нимага гирифтор бўлишини жуда ҳам яхши биларди. Аммо энди бунинг олдини олиб бўлмасди. Бошқа илож қолмаган эди.

— Бекор айтибсан, ҳали бунинг иложи бор, — деди у. — Пичоғингни эшкаклардан бирининг дастасига боғлаб қўйишинг мумкин.

У румпелни қўлтифида қисиб туриб, елкан арқонини оёғи билан босиб олганча, айтган ишини қилди.

— Ана бўлмаса, — деди у. — Мен чол бўлсам-да, одамнинг хўрлигини келтирас даражада ожиз ва яроқсиз эмасман.

Сарин шамол эсар, қайиқ ҳам шитоб билан олға борарди. Чол балиқнинг фақат олд томонигагина қарап, қараган сари кўнглида умид учқунлари уйғона борарди.

«Умидсизлик — ҳалокат, — деб ўйларди у. — Бунинг устига, фаҳмимча, умидсизлик ҳатто — гуноҳ. Нима гуноҳу, нима гуноҳ эмас, деб бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бусиз ҳам дунёда бошни қотирадиган нарсалар тўлиб-тошиб ётибди. Тўғрисини айтганда, мен гуноҳ бўлган нарсаларни яхши тушунмайман.

Тушунмайман ҳам ва эҳтимол, уларга ишонмайман ҳам. Балки балиқни ўлдиришим гуноҳ бўлгандир. Мен уни очдан ўлмаслик ва яна талай одамларнинг қорнини тўйдириш учун ўлдирган бўлсам ҳам, фаҳмимча, ҳа, гуноҳ бўлди. Унда, сен нима қилаётган бўлсанг, бари гуноҳ-ку. Нима гуноҳу, нима ногуноҳ — буни ўйлаб ўтиришдан ҳожат йўқ. Боз устига вақти ҳам ўтди, бундан ташқари, гуноҳлар билан шу тўғрида бош қотириб, бош қотирганликлари учун ҳақ оладиганлар шуғулланаверсин. Ҳа, худди ўшалар гуноҳнинг нималиги устида бош қотираверсин. Худди

балиқ — балиқ бўлиш учун туғилганидек, сен ҳам балиқчиликка туғилгансан. Авлиё Пётр ҳам балиқчи эди, улуф Ди Маджионинг отаси ҳам шу касб соҳиб адоси бўлган».

Бироқ чол ўзини қуршаган нарсалар ҳақида мулоҳаза юритишни яхши кўрар, ўқийдиган китоби, эши тадиган радиоси бўлмагандан кейин, жуда кўп ўйлар, шу жумладан, гуноҳ устида ҳам бош қотирар эди. «Сен балиқни бошқаларга сотиб, шу билан бир қунингни кўриш учунгина ўлдирганинг йўқ, — деб ўйларди у. — Сен уни бир сираси орият туфайли ва қолаверса, балиқчи бўлганинг учун ҳам ўлдирдинг. Бу балиқ тириклигига сен унга кўнгил қўйдинг, ҳозир ҳам уни яхши кўрасан. Кимнидир севсанг, уни ўлдириш ҳам гуноҳ эмас. Балки, аксинчадир, оғироқ гуноҳдир?»

— Сен ҳаддан ташқари кўп ўйлаяпсан, қария, — деди у овоз чиқариб.

«Бироқ сен dentusони жон-жон деб асфаласофилинга жўнатдинг-ку, — ўйлади чол. — У бўлса худди сенга ўхшаб, балиқ ўлдириб бир қунини кўради. Ҳаром-харишни ҳам жигилдонига шунчаки бир қорин тўйдириш учун уриб қўя қолмайди ва худди бошқа акулаларга ўхшаб, номигагина еб тўймас палид эмас. У қўрқинч нима билмайдиган чиройли ва олижаноб маҳлукдир».

— Мен уни ўз жонимни ҳимоя қила туриб, ўлдирдим, — деди чол овоз чиқариб. — Ўлдирганда ҳам, боплаб ўлдирдим.

«Яна денг, — деб ўйлади у, — ҳамма ҳам нима бўлмасин, кимнидир ёки ниманидир ўлдиради. Балиқ ови мени ҳам гўрга тиқяпти, ҳам гўр оғзидан қайтариб олиб келяпти. Кўй, суйилма, чол. Балиқ ови эмас, бола сени гўр оғзидан қайтаряпти».

У бортдан эгилиб, балиқнинг акула ғажиган еридан бир луқма гўшт узиб олди. Гўштни чайнар экан, унинг сифати ва таъмига ўзича баҳо берди. У рангиз бўлсада, худди сўқим гўшти каби лаҳм ва барра эди. Бун-

дай чандирсиз гўштнинг бозори чаққон эканлигини чол биларди. Аммо денгиз унинг мазасини олиб қочар ва чол бунинг олдини олишдан ожиз эди. У ўзига ҳали осон бўлмаслигини, олдида заҳмат ва машаққат йўли турганини тушунарди.

Шамол ҳали-вери сусаядиганга ўхшамасди. У ўз йўлини шимоли-шарққа томон бирмунча ўзгартирган, шундай бўлгач, тўхташини кутмаса ҳам бўлаверарди. Чол олис-олисларга қарап, бироқ на биронта кеманинг елканини, на тутуни ва на корпусини кўрар эди. Фақат учар балиқларгина денгиздан кўтарилиб чиқишар ва қайиқ бурнидан икки томонга сапчиб, фойиб бўлишарди, яна сув ўсимликларининг бўлтаклари сарғайиб кўзга ташланар эди. Ҳатто қушлар ҳам кўринмасди.

У икки соатдан бери қуйруққа ёнбошлаб олиб, балиқ гўштини оғзидан қўймай чайнаб, тезроқ ҳордиқ чиқариб, куч йифишга ҳаракат қилганча, сузуб бораркан, икки акуладан бирини кўрди.

— Их! — кафтини мих тешиб ўтиб, ёғочга кириб бораётганда, одам тилидан беихтиёр отилиб чиқадиган, маъноси йўқ сўз, тўғрироғи, ун берди чол.

— Galanos⁹, — деди у овоз чиқариб.

Чол, биринчи сузғич ортидан иккинчисининг ҳам пайдо бўлганини кўрди ва шу уч қиррали жигарранг сузғичлардан, ҳамда думининг шитоб билан биланглашидан, булар керик бурун акулалар эканини билди. Улар балиқ ҳидини туйиб, ўзларини қўярга жой тополмай қолишган ва очлиқдан тамомила ўлар ҳолатга келиб, иштаҳани карнай қилувчи бу ҳидни гоҳ йўқотиб, гоҳ яна топиб келишарди. Улар дақиқа сайин тобора яқинлашар эдилар.

Чол елканни мусти-метин қилиб маҳкамлаб ташлди, рулни ҳамчув қоқиб қўйди. Кейин у пичноқ боғ-

⁹ Акуланинг олачипор бир тури (исп.).

ланган эшкакни күтарди. Күллари чидаб бўлмас даражада оғриб турганидан, уни авайлаб, бир амаллаб күтарди. Күлларим жилла қурса бир озгина ёзилсан деб, бармоқларини бетўхтов чақачум қиласр эди. Сўнг қўллар бутун оғриқча бира тўла бардош берадиган бўлиб кўниксин, кейин яна ишдан бўйин товлаб юрмасин учун эшкакни бор кучи билан чанглаб олди ва акулаларнинг яқинлаб келишини кузата бошлади. Чол уларнинг керик бурун, япасқи бошларию, оқ ҳошияли кўкрак сузғичларини кўриб турарди. Булар — акулалар ичидаги палид, энг ярамас ва энг сассиқ балоҳўрлари ҳисобланарди: нафс тугён урган маҳалларда улар, ҳатто қайиқнинг эшкаги билан рулига ҳам ташланишдан тоймас эдилар. Агар тошбақа денгиз юзида мабодо пинакка кета қолса, бундай акулалар унинг оёқларини чўрт узуб кетишади, жуда ҳам очик-қан маҳалларида эса, ҳатто балиқ қони ёки шилимшигининг ҳиди келмаётган одамга ҳам сувда ҳужум қилишаверади.

— Их! — деди чол. — Ҳай, майли энди кела қолинглар.

Ҳа, улар сузуб келишди. Аммо улар макога ўхшаб келишгани йўқ. Улардан бири ялт-юлт қилди-ю, ўзини қайиқ остига урди. У балиқча ташланганда, қайиқнинг қанчалик қалтираб кетгани чолга, айниқса, биланди. Бошқа бири бўлса ўзининг қисиқ сарғиш кўзлари билан чолга шинграйиб турди, кейин оғзини тарвақай очиб, балиқнинг мако ғажиган ерига ўзини урди. Чолга унинг жигарранг боши устидан елка томонига чўзилиб ўтган, мия билан умуртқа бирбирига уланиб кетадиган жойдаги чизиқ аниқ кўриниб турарди, у эшкакка маҳкамланган пичноқни худди шу ерга санчди. Кейин пичноқни суғуриб олиб, уни яна акуланинг мушукникига ўхшаш сариқ кўзларига урди. Акула жон талвасасида балиқдан айрилди ва оғзида қолган гўштни йўл-йўлакай қўймай ютаркан денгиз қаърига сирғалиб кетди.

Қайиқ ҳамон иккинчи акуланинг балиқقا бўлган ҳужумидан қалтираб турарди. Чол акулани қайиқ остидан чиқариш учун елканни ёйиб, қайиқни кўндаланг айлантириб қўйди. Акулани кўрган ҳамоно, у борт оша энкайди ва пичоқ урди. Пичоқ акуланинг лақقا гўшт ерига тўғри келди-ю, аммо қаттиқ тери унинг чуқурроқ кириб боришига йўл қўймади. Зарбдан чолнинг қўлларигина эмас, елкалари ҳам сирқирааб кетди. Бироқ акула комини сувдан чиқариб, яна балиқقا ташланди, ана шунда чол унинг япасқи бошининг қоқ ўртасига урди. Тифни сугуриб олди. Яна ўша ерга урди. Акула ҳамон жағларини маҳкам қисганча, балиқقا осилиб турарди. Шундан кейин чол, унинг чап кўзига пичоқ санчди. Акула бояги-боягича балиқни қўйиб юбормасди.

— Э,вой, ҳали шунақами? — деди чол ва пичоқни мия билан умуртқалар орасига урди.

Ҳозир бунинг қийин жойи қолмаган эди. Чол кемиртакни чўрт кесиб юборганини пайқади. Акуланинг жағларини бўшатиш учун чол эшкакнинг бошқа томонини айлантириб, унинг оғзига тиқди. У эшкакни бураб-бураб олди ва акула балиқдан ажралиб кетгандан сўнг деди:

— Жўнаб қол, galanos. Менга деса, денгиз қаърига гумдон бўл. У ерда чиқонинг билан юз кўришгин. Ким билади, балки у сенинг онанг эдими?

Чол пичоқ дамини артди ва эшкакни қайиқ ичига қўйди. Кейин елканни ёйди, шамол уни тўлдиргач, қайиқни аввалги йўлига қараб бурди.

— Улар балиқнинг, ҳарқалай, чорак бўлагини олиб кетишиди, буниси ҳам майлига-я, яна гўштнинг сарасини олиб кетганига ўласизми, — деди у овоз чиқариб. — Ўлай агар, буларнинг бари бир рўё бўлиб қолишини, балиқ ҳам қўлимга тушмаган бўлишини хоҳлардим. Мана шундай бўлиб чиққани жуда ёмон бўлди-да, балиқ, жуда ёмон бўлди.

Чол жимиб қолди, энди унинг балиқقا қарагиси келмасди. Танасида қондан асар қолмаган, бўккан, шабби-шалаббо бўлган бу балиқ кўзгулар ортига суртиладиган сир-амальгама тусига кирган, аммо йўл-йўл тасмалари ҳали ҳамон ўз изини йўқотмаган эди.

— Мен денгизда бунчалик олисга кетиб қолмаслигим керак эди, — деди у. — Шунача бўлиб қолгани жуда-жуда ёмон бўлди, балиқ, жуда-жуда ёмон бўлди. Сенга ҳам, менга ҳам.

«Қани, бўл, анқайма! — деди у ўзига-ўзи. — Пичоқ боғланган арқон қирқилиб кетмадимикин, қараб қўй. Кўлингни ҳам қайғусини қил, чунки иш ҳали тамом бўлганича йўқ».

— Қуриб кетсин, қайроқнинг бўлмагани чатоқ бўлди, — деди чол эшкак дастасидаги арқонни кўздан кечира туриб. — Ўзим билан қайроқ олиб келишим керак эди.

«Ўзинг билан бу ерга ола келишинг керак бўлган нарсалар сон минг эди, қария, — деб ўйлади у. — Нима қиласан энди, олганинг йўқми, олганинг йўқ. Ҳозир нима бор, нима йўқ деб ўй ўйлашнинг вақти эмас. Кўлингдаги нарсаларнинг ўзи билан иш битиришнинг пайида бўл».

— Оббо-ей, маслаҳат қиласавериб жонга тегдинг! — деди у овоз чиқариб.

Чол румпелни қўлтифига қистирди ва иккала қўлинни сувга солди.

Қайиқ олға кетиб бораарди.

— Ўша, кейинги акула гўштнинг қанчасини уриб кетди, Худойимнинг ўзи билади, — деди у. — Аммо кетганда балиқнинг тоши кетди.

Балиқнинг расвойи олам қилинган қорни тўғрисида чолнинг ўйлагиси келмасди. У акуланинг қайиқقا кўрсатган ҳар бир турткиси юлқилаб олинган бир бўлак гўштни билдиришини, балиқ бўлса, денгиз бўйлаб худди катта карвон йўлидай кенг, дунёдаги барча акулалар учун очик йўл қолдираётганини биларди.

«Бунақа балиқ одамни бутун қиши бүйи боқиб чи-
киши мумкин эди... Қўй, буни ўйлама, чол! Дам
олгин, қўлингни эпақага келтиришга ҳаракат қил,
чунки ҳали бор буд-шудингдан айрилганингча йўқ,
қолган-қутган нарсаларни сақлаб қолишнинг пайида
бўлишинг керак. Қўлларимдан келаётган қон ҳиди —
анави балиқнинг сувдан анқиётган ҳиди олдида ип
эшолмайди. Бундоқ десам, қўлларимдан қон ҳам
оқаётгани йўқ. Нафси ламрга, чукур тилингган эмас-да.
Кўп эмас, озгина қон оқизилган бўлса, чап қўлни
томир тортишиш балосидан асрайди.

Ниманинг ўйини сурсам экан ҳозир? Нимани бўлар-
ди? Ҳеч нарсани. Яхшиси, ҳеч вақони ўйламаганим
маъқул. Акулаларни кутишим керак, вассалом. Қаний-
ди, буларнинг бари туш бўлиб қолса. Дарвоқе, ким
биссин, ҳали ишнинг дови юриши мумкиндир. Билиб
бўлармиди буни?»

Кейинги акула ёлғиз ўзи сузига келди, буниси ҳам
керик бурунлар сирасидан эди.

Келганда ҳам, тосини қўмсаган тўнғиздай бўлиб
келди, зотан, одам бошини бир йўла, паққос ямлаб
ютиш учун чўчқада бундай ялмоғиз оғиз йўқ, холос.

Чол унинг балиққа ташланишига қўйиб берди, шун-
дан кейингина эшкакка маҳкамланган пичноқ билан
бошига туширди. Аммо балиқ елкасига думаларкан,
ўзини орқага отди. Пичноқ тифи синди.

Чол рулга ўтирди. У ҳатто акуланинг дам ўтган са-
йин кичрайиб, ниҳоят зифирдаккина бўлиб кўринган-
ча, чўкиб боришига ҳам қарамай қўйди. Авваллари
бундай манзарадан у кўз узолмасди. Бироқ ҳозир
унинг қайрилиб қарагиси ҳам келмади.

— Қўлимда энди чангаккина қолди, — деди у. —
Аммо унинг нима нафи ҳам тегарди? Менда яна икки
эшкак, румпель ва тўқмоқ бор.

«Мана энди улар алоҳа мени мункитиб қўйишиди, —
деб ўйлади у. — Акулаларни тўқмоқ билан уриб ўлди-
риш учун мен энди қариб қолганман. Шундай бўлса

ҳам, қўлимда эшкак, тўқмоқ, қолаверса, румпель бор экан, мен улар билан олишавераман».

У қўлини яна шур сувга солди.

Кеч кира бошлаган, атрофда денгизу осмондан бўлак ҳеч вақо кўринмас эди. Шамол боягига қараганда кучлироқ эсар, бундан чол кўп ўтмай ерни кўришига умид боғлар эди.

— Чарчабсан, чол, — деди у. — Руҳинг чарчабди.

Унга акулалар яна говгум маҳалда босқин ясашди.

Чол энди балиқ ҳеч шак-шубҳасиз ўз ортидан денгиз бўйлаб қолдираётган кенг йўлни қоралаб сузган жигарранг сузгичларни кўрди. Улар ҳатто бу изни тошиш учун ўзларини тўрт томонга уришмас, балки ёнма-ён бўлиб тўғри қайиққа қараб келишарди.

Чол румпелни маҳкамлаб кўйди, елканни қайта боғлади ва қўйруқ остидан тўқмоқни олди. Бу — узунлиги икки ярим футча келадиган синиқ эшкакнинг арралаб олинган бўлаги эди. Чол унинг дастак бўлган жойидан фақат бир қўллабгина тузукроқ ушлай олар эди. У акулани кутиб, тўқмоқни ўнг қўлига маҳкам сикқиб ушлаб олди, панжасида айлантириб ҳам кўрди. Улар иккита эди, иккиси ҳам galanos эди.

«Биринчиси балиққа қаттиқ ёпишиб олгунча, сабр қилишим керак, — деб ўйлади у, — ўшанда, мен унинг ё бурни учига, ё худди миясининг ўзига тушираман».

Ҳар икки акула ҳам биргалашиб сузиб келишди. Улардан сал олдинроқда бўлгани жағларини кериб балиқнинг кумушранг биқинига тишларини қадаган замон, чол тўқмоқни баланд кўтарди ва залвор билан акуланинг япасқи бошига туширди. Гўё ичи тўқ резинка тошга ургандай қўли зириллади, қалқон каби суюкларнинг мусти-метин қаттиқлиги билиниб кетди ва чол акуланинг бурни учига яна жон-жаҳди билан айлантириб урди. Акула сувга сирғилиб кетди.

Бошқа акула бўлса зиндонасига урадиганини уриб бўлиб, ўзини четга олишга улгурган, энди эса, у яна оғзини ўпқондай йириб яқинлашган эди. Акула ба-

лиққа ташланиб, унга ёпишиб олмасдан бурун, чол унинг жағларида қолган оппоқ гүшт парчаларини кўрди. Чол айлантириб урди, аммо зарб каллага туциди-ю, акула унга бир қараб қўйиб, балиқдан бир парча гүшт юлиб олди. У ўлжасини ютиш учун ўзини четга оларкан, чол яна айлантириб қўйиб юборди, аммо зарб яна акула бошининг қайишқоқ ва қаттиқ ерига тўғри келди.

— Қани, берироқ кел-чи, galanos, — деди чол. — Яна бир марта бери келгин!

Акула балиққа бало-қазодай ташланди, у жағлари-ни картиллатиб ёпган онда, чол тўқмоқ туширди. Туширганда ҳам, тўқмоғини иложи борича баланд кўта-риб, бор қучи билан туширди. Бу сафар зарб акула бош суюгининг негизига тўғри келди, чол худди шу ернинг ўзига яна қайтадан урди. Акула балиқдан бир луқма гўштни тилар-тиламас узиб олди-ю, денгиз қаърига кетди.

Чол акулалар яна пайдо бўлмасмикин деб, кутди, аммо улардан дарак бўлмади. Кейин у, улардан бирининг қайиқ ёнида ўралишаётганини пайқаб қолди. Бошқа акуланинг бўлса ўзи тугул сузғичи ҳам кўринмай кетган эди.

«Мен уларни гумдон қиласман деб ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, — деб ўйлади чол. — Аввалла-ри, рост, бу қўлимдан келарди. Дарҳақиқат, мен уларнинг ҳар икковини ҳам ўласи қилиб майиб қилдим, ўлдими энди, шунда ҳам ўзини ҳеч бало урмагандай тутса. Агарда тўқмоқни икки қўллаб ушлай олганимда эди, унда мен биринчисини турган гап — ўлдирадим: ҳатто ҳозир ҳам, шу ёшимга қарамай, ўлдирган бўлардим».

Чолнинг балиқ бетига айланиб қарагиси келмасди. Чунки унинг ярми талон-тарож бўлганлигини биларди. У акулалар билан олишаркан, қуёш ҳам ботиб, говгум кирган эди.

— Ҳадемай қош қораяди, — деди у. — Ўшандада мен, эҳтимол, Гавана чироқларининг ёлқинини кўрарман.

Мабодо шарққа қараб ҳаддан ташқари оғиб кетган бўлсам, унда мен янги курортлардан бирининг чироқларини кўраман.

«Мен соҳилдан жуда ҳам йироқда бўлмасам керак, — деб ўйлади чол. — Фаҳмимча, у ёқда бекордан-бекорга қайгуришмаётган бўлса керак. Дарвоҷе, қайғурганда ҳам фақат бола қайғуриши мумкин. Аммо, ахир худди унинг ўзи менга жуда ишонади-ку! Каттароқ балиқчилар-ку, ҳойнаҳой, хавотир олишаётгандир. Нимасини айтасан, ёшлар ҳам шундай деявер, — деб ўйларди у. — Ахир мен яхши одамлар орасида яшайман».

Энди у балиқ билан бошқа ўртоқлашолмасди. Балиқ бошдан-оёқ тигипаррон қилинган эди. Лекин бирдан унинг хаёлида янги бир фикр туғиљди.

— Ҳой, яримта балиқ! — чақирди у. — Номигагина қолган балиқ! Денгизда мана шунчалик йироқлаб кетганимга ачинаман. Мен ҳар иккимизни ҳам хонавайрон қилдим. Аммо биз сен билан бирга кўп акулаларни борса келмасга гумдон қилдик ва яна қанчасининг белини синдиридик. Ў, қари балиқ, ҳойнаҳой, сен ўзинг ҳам умринг бино бўлиб, уларнинг қанчадан-қанчасини дengиз қаърига жо қилганийкинсан? Ахир, бошингдаги тифнинг туриши бежиз эмас-ку.

Чол балиқ ҳақида ва агар у денгизда эркин сузуб юрса, акула бошига не кунларни соглан бўлиши ҳақида ўйлашдан ором олар эди.

«Мен акулалар билан олишиш учун унинг тифини чопиб олишим керак эди-я, асли», деб ўйлади у. Аммо, унинг бошданоқ болтаси йўқ эди, энди бўлса, ҳатто пичоқдан ҳам айрилиб қолганди.

«Лекинига унинг тифи менда бўлганда, ол, деб эшкак дастасига боғлаб қўярдиму — қуролмисан қурол бўларди-де, ўзиям! Ана ўшанда, биз у билан чинакамига ёнма-ён туриб олишган бўлардик! Тўхта-чи, агар анавилар мабодо кечаси келиб қолишса, унда нима қиласан?»

— Олишаман, — деди у, — ўлгунимча олишаман.

Аммо қоронғида на чироқ ва на шуъла күринарди, елкан ва уни тұлдырган шамолдан ўзга ҳеч нарса йүқ әди, шунда түсіндан чолға ўзи ўлиб қолгандай бўлиб туюлди. У панжаларини панжаларига қўйиб кўрди-ю, ўз кафтини сезди. Кафтлари жонсиз эмасди, уларни чақачум қилиб, чол оғриқ ва иссиқ жонини уйғотиши мумкин әди. У қуйруққа суюниб кўриб, тирик эканлигини билди. Тирикликтан унга хабар берган нарса — елкалари әди.

«Мен агар балиқни ушласам, ўқийман деб аҳд қилганим — ўша ҳамма дуоларни ўқиб қўйишим керак, — деб ўйлади у. — Бироқ ҳозир ўлгидай чарчаганман. Яхшиси, қопни олай-да, елкамга ёпиниб ола қолай».

У қуйруқда ётганча, қайиқни бошқарib борар ва осмонда Гавана чироқларининг ёлқини қачон кўринаркин деб кутарди. «Менда унинг ярмигина қолди, — деб ўйларди у. — Балки, омадим келиб, уйга жуда бўлмаганда, унинг бош қисмини олиб борарман. Ишим ҳеч ўнгидан келиши керакми, йўқми ўзи!.. Йўқ, — деди у ўзича. — Сен денгизга шунчалик узоқ кириб боришинг билан ўз омадинг, ўз баҳтиңгни поймол қилдинг».

«Бемаза гапларни қўй, қария! — ўзини-ўзи койиди у. — Пинакка кетмай, рулдан огоҳ бўлиб тур. Ишинг ҳали бароридан келиши мумкин».

— Агар бирон-бир жойда пуллашаётган бўлса, ўзимга қиттаккина толе сотиб олишни истардим, — деди чол.

«Хўш, қани, қайси ошиб-тошиб ётган жойингга сотиб оласан? — сўради у ўзидан. — Ҳеч замонда уни бой берилган гарпун, синган пичофу, ишдан чиққан кўлларга сотиб олиб бўладими?

Ким билсин? Ахир, сен денгизда ўтказган саксон тўрут куннинг бадалига баҳт сотиб олишни кўзлаган эдинг. Ҳа-я, дарвоқе, оз бўлмаса, уни сенга сотиб қўяй ҳам дедилар...

Бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлайверма. Баҳт деган нарса одам боласига турланиб келади, уни билиб

бўлармиди? Борингки, мен қандай бўлиб келмасин, ўзимга жиндаккина баҳт олган бўлардим ва унинг эвазига нима сўрамасинлар, икки қўллаб баҳш қиласдим. Қанийди, энди Гавана шуълаларини кўрсам, — деб ўйларди у. — Сен беш қўлингни баравар оғзингга тиқаяпсан чол. Бироқ, мен шу тобда Гавана чироқлари ни кўришдан бошқа ҳеч нарсани истамасдим».

У руль ёнида қулайроқ ўрнашиб олишга уриниб кўрди, шунда оғриқнинг зўрайганидан, ўзининг ҳақиқатан ҳам ўлмаганлигини билди.

Шаҳар чироқларининг шуъласини у кечки соат ўнларга яқин кўрди. Шуъла аввал ой осмонга чиқиши олдидан пайдо бўладиган оч пушти ёғду каби кўринди. Кейин тобора зўрайиб бораётган шамол сарбаланд тўлқинни қуваётган океан бўлаги ортидан чироқлар яққол кўзга ташлана бошлади. У қайиқни шу чироқларга қараб бошқарар ва энди кўп ўтмай, тезда Гольфстримга кириб оламан, деб ўйларди.

«Хў-ўш, шу экан энди, — деб ўйларди у. — Албатта, улар менга яна ҳужум қилишади. Аммо одам қуруқ кўл билан қоронфида уларга қарши нима ҳам қилиши мумкин ўзи?»

Унинг бутун аъзойи бадани қақшаб, лўқиллаб оғрир, тунги аёз бўлса, жароҳатлар ва заҳмат чеккан оёқ-қўлларининг оғригини зўрайтирап эди. «Менга яна олишиб ўтиришга тўғри келмас, деб умид қиласман, — деб ўйлади у. — Фақат бошқа жанг қиласам бўлгани!»

Бироқ ярим кечада у акулалар билан яна олишди. Олишарди-ю, бундан энди ҳеч қандай умид йўқлигини биларди. Улар чолга бир гала бўлиб ҳужум қилишди, у бўлса, фақат акула сузифчари сувда қолдираётган йўл-йўл изларни-ю, балиқни юлиб-юлқиши учун ташланган чоғларида ўзларидан чиқараётган шуъларнигина кўрарди, холос. У тўқмоғи билан акула каллаларига туширап экан, қулоғига жағларнинг ғажир-ғужури чалинар, балиқ пастдан туриб юлқиланган

пайтларда эса қайиқнинг алғов-далғов бўлиб, қарсилагани эшитиларди. У фақат эшитиши ва тусмоллаб билиши мумкин бўлган қандайдир кўзга кўринмас жойларга жон-жаҳди билан тўқмоқ уради. Кейин тўсатдан тўқмоғи фойиб бўлиб қолганини сезди.

У румпелни жойидан суғуриб олди ва уни икки қўллаб тутганча, устма-уст зарб уриб, савалай кетди. Бироқ акулалар энди тамомила қайиқ бурнига довур келиб бўлишган, гоҳ бирин-кетин, гоҳ бутун тўда бир бўлиб балиқقا ёпирилишар, денгизда оқариб кўринган гўштларни шилиб олишарди; кейин яна ўз ўлжаларига ташланиш учун орқага қайтишар эди.

Алоҳида акулалардан бири балиқнинг нақ боши олдига сузиб келди ва шунда чол энди ҳамма-ҳаммаси тамом бўлганини тушунди. У балиқ бошининг метин суюкларига тақалиб қолган тишларни мўлжаллаб, акула тумшуғига румпель билан туширди. Бир урди, икки урди, кейин яна, яна урди. Румпелнинг қарсилаб, синиб тушганини кўргач, у акулани маҷаги чиққан соп билан солди. Чол дастанинг гўштга санчилиб кирганини сезди-ю, унинг қирраси ўткир эканлигини билиб, яна акулани қулочкашлаб урди. Акула балиқни қўйиб юбориб, ўзини четга олди. Бу — хужумга келган акула галасидан қолган энг сўнгги акула эди. Энди уларнинг ейдиган нарсаси қолмаган эди.

Чол базўр нафас олар, оғзида аллақандай нотаниш маза сезарди. Маза чучмалгина бўлиб, мис таъмини берар, шунинг учунми бир муддат чол қўрқиб кетди. Аммо тезда ҳаммаси ўтиб кетди. У океанга тупуриб деди:

— Еб қолларинг, galanos, тешиб чиқсину тўнғиз қўпларинг, ишқилиб! Тушларингга одам ўлдириганларинг кириб чиқсин.

Чол энди ўзининг узил-кесил ва батамом енгилганини биларди. У қуйруққа қайтиб келиб, румпелнинг синган бир бўлаги руль тешигига кириб турганини

күрди ва бошқа илож қолмагандан сўнг қайиқни у билан ҳам бошқариш мумкинлигини билди.

Елкаларига қопни ёпиб олгач, у қайиқни манзилга томон тўғрилаб бурди. Энди қайиқ енгилигина елиб борар, чол бўлса ҳеч нарсани ўйламас, ҳеч нарсани сезмас, ҳис қилмас эди. Энди унга ҳамма нарса барибир бўлиб қолган, фақат қайиқни жонажон соҳилга тезроқ ҳам омон-эсон еткизса бўлгани эди.

Тунда ақулалар гўё стол устида қолган-қутган салқит овқатга ўзини урган очофатлардай балиқнинг ғажиб ташланган гавда суюгига ташланиши. Чол уларга эътибор бермади. Унинг энди ўз қайифидан бўлак ҳеч нарсага қайрилиб қарагиси келмасди. Чол фақат зил-замбил оғирликдан бўшаган қайиқнинг эркин қушдай елиб, сузаётганини ҳис қилиб борарди, холос.

«Яхши қайиқ, — деб ўйлади у, — румпели демаса, ўзи бус-бутун. Нима, янги румпель қўйиш қийинмиди?»

Чол илиқ оқимга кирганини сезиб турап, шундай кўз ўнгига қирғоқ бўйи посёлкаларнинг чироқдари милтиллар эди. У ўзининг ҳозир қаерда турганлигини биларди; энди уйга етиб олиш ҳам ҳеч гап эмас эди.

«Шамол — бу, сўzsиз, бизга биродарку-я, — деб ўйлади у ва кейин қўшиб қўйди: — дарвоҷе, ҳар доим ҳам шундай эмас. Кўз илғамас денгизни олсак — у ҳам дўсту душманларимизга тўла. Тўшак-чи... — ўйларди у, — тўшак — биродарим. Ҳа-ҳа, худди шундай, оддий тўшак. Ўринга оёқ чўзиш айни ҳикматнинг ўзи. Енгилиб бўлганингдан кейин елкангдан тош афдарилаандай енгил тортасан-қўясан! — хаёл қилди у. — Мен бунинг шунчалик осон бўлишини билмасдим... Ким ҳам сени енга қолди ўзи, чол? — сўради у ўзидан. — Ҳеч ким, — жавоб берди у. — Айбим шуки, мен денгизда ҳаддан ташқари узоқ кетиб қолдим».

У кичик кўрфазга кирган маҳалда, Террас чироқлари ўчган эдики, бундан чол ҳамма уйқуга кетгани-

ни тушунди. Шамол тўхтовсиз зўрайиб борар, шу тобда бўлса, айниқса, кучли эса бошлаган эди. Лекин гаван осойишта эди. Чол қоялар остидаги тошлоқда тўхтади. Ўзига ёрдам берувчи ҳеч ким бўлмаганидан, у қайиқни соҳилга имкони борича яқинроқ олиб келди. Кейин қайиқдан чиқиб, уни қояга қантариб боғлаб қўйди.

Мачтани суғуриб олди-да, унга елканни ўраб боғлади. Сўнг мачтани елкасига ортиб, тепаликка кўтарила бошлади. Мана худди шунда у ўзининг қанчалик ҳолдан тойганини билди. Бир зум тўхтади-да, орқасига ўтирилиб қараб, кўча чироғининг ёруғида ҳайбатли балиқ думининг қайик қўйруғи орқасидан нечоғлик юксалиб турганини кўрди. Кўзи балиқ умуртқасининг оппоқ яланғоч чизиги билан тифи олдинга туртиб чиққан бошининг қуюқ соясига тушди.

Чол яна юқорига чиқишида давом этди. Тепаликдан ўтгач, беҳол йиқилди ва шу кўйи елкасида мачта билан бир муддат чўзилиб ётди. Кейин оёққа туришга уринди, аммо бу осон эмас эди ва у шу ҳолича йўлга термилганча, ўтириб қолди. Ўз кори билан чопиб мушук ўтди, чол унинг орқасидан узоқ қараб турди, сўнг бўм-бўш йўлга кўз тикиди.

Нихоят, у мачтани ерга улоқтириб ташлаб, ўрнидан турди. Уни яна елкасига олиб, йўл бўйлаб юқорига қадам босди. То кулбасига етгунча йўл-йўлакай беш марта дам олишга тўғри келди.

Уйга киргач, у мачтани деворга суяб қўйди. Қоронфида сувли шишани топиб, тўйиб ичди. Сўнг каравотга чўзилди. У кўрпани елкасига тортиб орқасини ва оёқларини ёпди-да, юзи билан газетага мук тушиб, кафтлари юқорига қараган қўлларини узатганча ухлаб кетди.

Эрта билан бола кулбага кўз ташлагани кирганда, у ухлаб ётарди. Шамол шундай ҳам кучайган эдики, бундан қайиқлар дengиззга чиқолмай қолган, шундан бўлса керак, бола қониб ухлаб, кейин одати бўйича

канда қилмай, чол кулбасига келган эди. Чолнинг нафас олаётганига ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилди-ю, аммо назари унинг қўлларига тушгандан кейин йифлаб юборди. У қаҳва келтириш учун кулбадан оҳиста қадам ташлаб чиқди ва бутун йўл бўйи йифлаб борди.

Қайиқ теварагига жуда кўп балиқчилар тўпланган, уларнинг бари қайиққа боғлоғлиқ нарсани томоша қилишарди; балиқчилардан бири почасини шимариб қўйганича сувда туарар ва чизимча билан балиқ суягини ўлчар эди.

Бола уларнинг ёнига тушиб ўтирмади; у бу ерда бўлишга боя улгурган ва балиқчилардан бири қайиққа қараб туришга ваъда берган эди.

— Қалай, аҳволи тузукми? — қичқирди балиқчилардан бири болага.

— Ухлаяпти, — жавоб берди бола. Ўзининг йифлаётганини кўраётганлари ҳам энди барибир эди. — Уни безовта қилмаслик керак.

— Бунинг тумшуғидан думигача ўн саккиз фут чиқар экан! — қичқирди ўлчаётган балиқчи.

— Чиқмай ҳам кўрсин, — деди бола.

У Террасга келиб, бир қаҳва сўради:

— Менга қайноқ қаҳва беринг, сути ва шакари кўпроқ бўлсин.

— Яна бирон нарса олгин.

— Керак эмас. Унинг нима ейиши мумкинлигини кейин қараб кўраман.

— Оҳ, ана балиғ-у, мана балиқ! — деди хўжайин.

— Тенги йўғ-а, тенги. Аммо сен ҳам кеча икки зўр балиқ тутдинг.

— Э қўйсанг-чи, менинг балиғимни! — деди бола ва яна йифлаб юборди.

— Бирон нарса ичиб олмайсанми? — сўради ундан хўжайин.

— Керакмас, — деди бола. — Уларга айтиб қўй, Сантьягонинг меъдасига тегишмасин. Мен яна келаман.

— Шундай бўлиб чиққанига менинг ҳам жуда ачи-наётганлигимни айтиб кўй унга.

— Раҳмат, — деди бола.

Бола кулбага қайноқ қаҳвани келтириб қўйди ва то чол уйғонмагунча унинг ёнида ўтирди. Бир сафар болага гўё у уйғонаётгандай бўлиб кўринди, аммо чол яна оғир уйқуга чўмди, шундан сўнг бола қаҳвани иситиш учун қарзга бир оз ўтин олгани қўшниларникига кетди.

Ниҳоят, чол уйғонди.

— Ётавер, турма, — деди унга бола. — Мана буни ичиб ол! — стаканга қаҳва қуиб узатди у.

Чол ундан стаканни олиб, қаҳвани ичди.

— Улар мени енгиб қўйишди, Манолин, — деди у.

— Улар мени енгишди.

— Аммо унинг ўзи сени енголмабди-ку, ахир. Ахир балиқ сени енгмабди-ку!

— Йўқ енгмади. Тўғри гапдан қочиб қутулиб булармиди. Бу воқеа кейин бўлди.

— Қайиқ билан асбоб-ускуналарга Педрико қараб турадиган бўлди. Балиқнинг бошини нима қилмоқчисан?

— Уни Педрико тўрларга хўрак қилиб майдалай қолсин.

— Тифини-чи?

— Хоҳласанг, уни эсдалик учун ўзингга олиб қўя қол.

— Хоҳламай-чи, — деди бола. — Кел энди, бундан кейин нима қилишимиз ҳақида гаплашиб оламиз.

— Мени қидиришдими?

— Бўлмаса-чи. Қирғоқ соқчилари ҳам, самолётлар ҳам қидиришди.

— Океан поёнсиз, қайиқ бўлса зигирдаккина, уни топиб бўлармиди, — деди чол. У, ўз-ўзинг ва яна денгиздан ташқари ҳам гаплашадиган бирон одаминг бўлса қандай ажойиб бўлишини ҳозир ич-ичидан сезди. — Мен сени роса қўмсадим, — деди у. — Сен бирон нарса ушладингми?

— Биринчи куни битта. Иккинчи куни яна битта, учинчи куни бўлса, иккита катта балиқ ушладик.

— Қойил!

— Энди биз яна биргалашиб ов қиласиз.

— Сирам. Менда толе йўқ. Ишим тескари кетяпти.

— Э, қўйсанг-чи, шу тескари-пескарингни! — деди бола. — Мен сенга толе келтираман.

— Ота-онанг-чи, улар нима дейишади?

— Аҳамияти йўқ. Кеча мен иккита балиқ ушлаб бердим-ку. Аммо энди биз икковлашиб балиқчилик қиласиз, чунки, мен ҳали жуда кўп нарсани ўрганишим керак.

— Зўр бир санчқи топишга ва денгизга доимо уни олиб чиқишига тўғри келади. Тифини эски «форд»нинг рессоридан қисла ҳам бўлади. Гуанабакоада чархлатиб оламиз. У жуда ўткир бўлиши керак, аммо синиб кетмаслиги учун тобланмаган бўлиши шарт. Пичофим бутунлай синиб кетди.

— Мен сенга янги пичноқ топиб бераман, рессорни ҳам ўзим чархлатаман. Яна неча кун кучли *bris*¹⁰ эсиб туради?

— Эҳтимол, уч кундир. Балки, ундан ҳам кўпроқдир.

— У пайтгача ҳамма нарса жойида бўлади, — деди бола. — Сен ҳозирча қўлларингни давосини қилгин.

— Мен уларни нима қилиш кераклигини биламан. Кечаси аллақандай ғалати бир нарса тупурдим, шундан менга, худди кўкрагимда бир нарса ёрилиб кетгандай бўлиб туюлди.

— Бунинг ҳам давосини қил, — деди бола. — Дам ол, қария, мен сенга тоза кўйлак келтираман. Яна овқат-повқат дегандай.

— Мен йўқлигимда чиққан газеталардан биронтасини ўзинг билан ола келгин, хўпми? — илтимос қилди чол.

¹⁰ Соҳил шамоли (исп.).

— Сен тезроқ тузалашинг керак, чунки мен ҳали сендан жуда кўп нарсаларни ўрганиб олишим зарур, сен бўлсанг мени дунёдаги етмиш икки ҳунарга ўргатишинг мумкин. Сенга жуда ҳам оғир бўлдими?

— Жуда, — деди чол.

— Мен овқат ва газета келтираман. Сен дам ол, қария. Дорихонага ҳам кириб ўтаман, кўлларингга бирон дори-дармон ола келаман.

— Педрико балиқ бошини ўзига олсин, айтиб қўй, ёдингдан чиқмасин.

— Эсимдан чиқмайди, айтаман.

Бола қулбадан чиқиб, эски тошлоқ йўлдан пастга тушиб бораётганида яна йифлади.

Шу куни Террасга бир гуруҳ туристлар келган эди, улардан бири шарқдан эсаётган шамол кўрфазнинг даҳанасида ҳайбатли тўлқин шопираётганига қараб туриб, пиводан бўшаган идишлар ва ўлиб ётган медузалар орасида соҳилга урилаётган тўлқинларда чайқала-чайқала юксалиб турган, улкан думли узун ок умуртқани кўриб қолди.

У ҳозир, энди йўловчи тўлқин суриб кетувчи ахлатгина бўлиб қолган улкан балиқнинг узундан-узун умуртқасини кўрсата туриб, официантдан сўради:

— Нима бало экан бу ўзи?

— T ibraltar — деди официант. — Акулалар. — У сўраган аёлга бўлган воқеани батафсил тушунтириб бериш ниятида эди.

— Ана холос, шу пайтгача акулаларнинг мана бундақа чиройли, нафис қайрилган думлари бўлишини билмаган эканман-а!

— Нимасини айтасан, мен ҳам билмасдим, — қўшилди унга ҳамроҳи.

Чол ўз кулбасида ҳамон ухлаб ётарди. У яна мук тушиб ухлар, бола эса ёнида ўтириб, унинг уйқусини ардоқларди. Чолнинг тушига арслонлар кирар эди.

1952.

АЛВИДО, ҚУРОЛ!

Роман

МУАЛЛИФ СҮЗ БОШИСИ¹

Бу китоб Парижда, Ки-Уэстда, Флоридада, Пиггота, Арканзас, Канзас-Сити, Миссури, Шеридан, Вайомингда ёзилди; 1929 йил кўкламида Парижда сўнгги таҳрирдан чиқарилди.

Биринчи вариантни ёзаётганимда Канзас-Ситида ўғлим Патрик туғилди, уни онасининг қорнини кесиб олдилар. Мен Оук-Паркда, Иллинойсда, сўнгги вариант устида ишлаётганимда отам ўзини отиб қўйди. Бу китобни тутатганимда ҳали ўттизга кирмагандим, у биржада буҳрон рўй берган кун дунё юзини кўрди. Мен доим, отам шошди, деб ўйлайман, бироқ, балки унинг сабр косаси тўлиб кетгандир. Отамни ниҳоятда севардим, шунинг учун у ҳақда бир нарса деб мулоҳаза юритишим лозиммас.

Мен барча ушбу воқеаларни ва ўзимиз яшаган жойларни, ўша йили бўлган яхши-ёмон гапларнинг ҳаммасини эслайман. Лекин ҳаммасидан ҳам китобда яшаган ҳаётимни, ўзим кунба-кун тўқиб чиқарган ҳаётни яхшироқ хотирлайман. Шу мамлакат, шу одамлар ва уларнинг бошдан кечиргандарини тўқир эканман, дунёда мендан ҳам баҳтироқ одам йўқ эди. Ҳар куни мен ёзилганларни бир бошдан ўқиб чиқар ва шундан сўнг давом эттирас ва ҳар куни яхши ёзиб турганимда, бундан бу ёғига нима ёзишим маълум бўлган бир пайтда ишни тўхтатар эдим.

Китоб фожиа билан тугаётгани мени ранжитмасди, чунки, мен умуман ҳаёт — фожиадан иборат, унинг ҳамма қўчалари бир жойга олиб боради, деб билар-

¹ Сўз боши 1948 йилда чиқсан безакли нашрга ёзилган.

дим. Бироқ ёза олишингдан, ёзганда ҳам ҳаққоний қилиб, кейин ўзинг ўқиганда ҳам лаззатланадиган қилиб ёза олишингдан ва ҳар кунингни мана шу ёқимли иш билан бошлашдан қувончлироқ нарса йўқ бўлса керак. Бунинг олдида бошқа ҳамма нарса арзимас гаплардир.

1926 йилда бир романим чиққан эди. Лекин уни ёзган пайтларим ҳали роман устида қандай ишлаш кераклигини мутлақо билмасдим: мен жуда ҳам тез ёзар ва айтадиган гапим қолмагандагина тўхтардим. Шунинг учун биринчи варианти жуда ҳам ёмон чиқди. Мен уни ярим йилда ёзиб тугатдим, кейин мутлақо қайтадан кўчириб чиқдим. Лекин қайта ишлаётганда мен жуда кўп нарсаларни ўргандим.

Ноширим, Чарльз Скрибнер отларнинг яхши-ёмонини ажратишга уста, нашриёт ишлари ҳақида нимани билиш керак бўлса, барини, эҳтимол, билса ҳам керак, ўрганмаган қулоққа гарчи ғалати эшитилса-да, китобларни ҳам унча-мунча тушунади, мендан безакларга қандай қарайсиз, китобингизни безакли қилиб чиқарсак, розимисиз, деб сўраб қолди. Агар рассом ёзувчидай ўз ишининг устаси бўлмаса, бунга жавоб бериш осон бўлади, чунки ёзувчи ўзи жонли гувоҳ бўлиб кўрган-билган ҳодисаларни, мамлакатларни, нарсаларни булардан бехабар бир кимса томонидан билар-билмас акс эттирилишига сира рози бўлолмайди.

Агар мен воқеаси Багам оролларида кечадиган роман ёзганимда эди, мен унинг безакларини Уинслоу Хомер ишлашини истаган бўлардим, бироқ шундаям ундан бирон нарсани безашни эмас, Багам оролларини ва у ерда кўрганларини чизишни сўраган бўлардим. Агар мен Мопассан бўлганимда (қани эди, ундей бўлиш ўликларга ҳам, тирикларга ҳам насиб бўлса) мен ўз китобларимга безак сифатида Тулуз-Лотрекнинг расм ва суратларини, Ренуар умрининг ўртасида чизган айрим пленерларини олган бўлардим,

Норманд табиати манзараларига эса ҳеч кимнинг қўлини урдирмаган бўлардим, чунки ҳеч бир рассом бунда у билан тенглашолмасди.

Агар фалон ё пистон ёзувчи бўлганимда дейиладиган бўлса, уларга муносиб рассомларни топса бўларди. Лекин у ёзувчилар ҳозир бўлмаганларида, у рассомлар ҳам ҳозир ўлиб кетишган, Макс Перкинс ва яна бошқа кўплар ҳам ўтган йили ўлиб кетишди. Бу йилнинг шуниси яхшики, оддинда бизни қандай айрилиқлар кутаётган бўлмасин, у ўтган йилдан кўра ёмонроқ бўлмайди, ёки 1944 йил, ёки 1945 йилнинг эрта қиш ва кўклам чоғларичалик ёмон бўлмас. Булар айрилиқларнинг мўл ҳосиллари кўтарилган йиллар эди.

Биз ушбу йилни ўртада пул йифиб шампан сотиб олиб Сан-Вэллида, Айдахода кутиб олганимизда, кимдир бир ўйин таклиф қилди: тортилган арқон ёки ёғоч калтак тагидан елкада судралиб ўтиш керак эди, ўтаётганда ҳеч қаерингиз арқон ёки таёққа тегиб кетмаслиги шарт қилинганди. Мен бир бурчакда Ингрид Бергман билан халфана шампанни ичиб ўтирадим, унга дедим: «Қизим, бу йил йилларнинг энг Худо ургани бўлади» (Сифатлар тушириб қолдирилади).

Мисс Бергман, нега ундей деб ўйлайсиз, деди. Унга ҳозирча ҳамма йиллар бир-биридан яхши бўлиб келган, шунинг учун менинг фикримга қўшилиши қийин эди. Мен сўзга бой эмасман, сўзнинг кифтини келтириб гапиролмайман, шунинг учун бунинг сабабларини сизга батафсил тушунириб беролмайман, лекин қатор, бир-бирига боғланмаган аломатларга қараганда, яхшилик бўлишини кутиш қийин, таёқнингми, арқоннингми тагидан ўрмалаб ўтаётган бойваччаларнинг кўриниши ҳам яхшиликдан дарак бермайди, дедим. Шу билан гапни тугатдик.

Шундай қилиб, бу китоб биринчи марта 1929 йилда, Нью-Йорк биржасида талафот юз берган куни майдонга чиқди. Безакли нашри бу йил кузда чиқиши керак. Бу вақт ичida Скотт Фицжеральд ўлди, Том

Вулф ўлди, Жим Жойс ўлди (у биографлари томонидан ўйлаб ёзилган Жойсга сира ўхшамайди, антиқа ўртоғимиз эди. Бир куни у ичиб ўтирганимизда, менинг китобларим сизга жуда ҳам ибтидоий бўлиб кўринмайдими, деб сўраганди); Жон Бишоп ўлди, Макс Перкинс ўлди. Ўлиши керак бўлган яна бир қанча одамлар ўлиб кетишиди; бир хиллари Милан бензен шоҳобчаларида оёқларидан осилдилар, бошқалари яхшими, ёмонми бомбардимон қилинган немис шаҳарларида осиб қўйилди. Қанчадан-қанча номаълум, номсиз, нишонсиз, бироқ ҳаётни жуда ҳам севгани кишилар йўқ бўлиб кетишиди.

Бу китоб «Алвидо, қурол!» деб аталади, у ёзилгандан кейинги уч йилдан бу ёғига ер юзининг қаериладир тўхтовсиз уруш бўляпти. Кўплар ўшанда нега бу одам мунча уруш билан банд бўлиб кетди, деб ҳайрон бўлиб юришганди, лекин 1933 йилдан кейин эндиликда ҳаттоқи уларга ҳам ёзувчи одам сурбетларча қилинаётган муттасил қирғинларга, разил жиноятлар билан тўла урушларга ҳеч қачон бефарқ қараб туролмаслиги равshan бўлиб қолди. Мен кўп урушларда қатнашдим, шунинг учун бу масалада фаразим қаттиқ, ҳатто жуда ҳам қаттиқ. Бу китобнинг муаллифи онгли суратда шу фикрга келдики; урушларда жанг қилаётган одамлар дунёдаги энг ажойиб одамлардир, фронтнинг қизғин қисмларига кириб борганинг сари бундай ажойиб кишиларга қўпроқ дуч кела бошлайсан. Лекин урушни бошлаганлар, унинг оловига яна олов ташлаб турганлар иқтисодий рақобатдан, фойда ундиришдан бошқа нарсани ўйламайдиган тўнфизлардир. Мен урушда бойлик ортирганлар, уруш оловини ёққанлар урушнинг биринчи кунларидаёқ мамлакат фуқароларининг мухтор вакиллари томонидан отиб ташланмоғи зарур, деб ҳисоблайман.

Бу китобнинг муаллифи, агар жангга кетаётганлар унга лутфан топширсалар, бунақанги отиб ташлаш

бўладиган бўлса, уни ташкил этишни ўз зиммасига жон-жон деб олган бўлур эди ва бу ишнинг ҳаммаси имкони борича одамийлик ва ахлоқ-одоб доирасидан чиқмай адо этилишига (ахир отилаётгандар орасида ҳар хил одамлар бўлиши мумкин-да) ҳамда уларнинг жасадлари, шубҳасиз, дафн этилишига риоя қилган бўлурдид. Ҳаттоқи, уларни целлофанда ёки шунга ўхшаш бирор замонавий синтетик нарсада ўраб кўмилишига ҳам қаршилик қилмасди. Мабодо, охири бориб бошланган урушда менинг ҳам ҳиссам борлиги аниқлангудай бўлса, қанчалик қайгули бўлмасин, майли, мени ҳам ўша ўқчилар взводи отиб ташласин. Кейин мени ҳам истасалар целлофанга ўраб ёки ўрамасдан кўмсинлар, ёхуд менинг урён танимни тоғ ёнбағридан улоқтириб юбора қолсинлар. Розиман.

Шундай қилиб, орадан йигирма йилча ўтди, бинобарин, мана сизга китоб ва мана унга сўз боши.

Финка-Вижия,
Сан-Франциско-де-Паула, Куба
30 июнь 1948 й.

БИРИНЧИ КИТОБ

Биринчи боб

Ўша йили ёз охирларида биз қишлоқда, кулбада турардик. Кулбадан нарида дарё билан водий, улардан ҳам олисроқда тоғлар ястаниб ётарди. Дарёнинг ўзани офтобда оқарган, қуруқ қайрағочлар ва майда шағал билан қопланган, дарё шохобчаларида эса сув тип-тиниқ ва кўм-кўк бўлиб, шўх шалдираб оқиб борарди. Кулба олдидаги йўлдан қўшинлар ўтиб борар, уларнинг оёғидан кўтариған тўзон оғочларнинг баргларига ўтиради. Оғочларнинг шохлари ҳам чангга бурканганди, ўша йили япроқлар эрта тўкила бошлаганди, биз бўлсак, йўлдан қўшинларнинг ўтиб боришини, чанг-тўзоннинг кўкка ўрлашини, шамол япроқларни юлқиб-сулқиб учирив кетаётганини, солдатларнинг одимларини, сўнгра эса кимсасиз, бўм-бўш тупроқ йўлда ёлғиз япроқларгина тўкилиб ётишини томоша қиласдик.

Водий ерлари ҳосилдор эди, унда боғзорлар сероб эди, водий этагидаги тоғлар эса тақир қўнғир тоғлар эди. Тоғларда жанг кетмоқдайди, кечалари портлашлардан ёлқинлар кўтарилаарди. Қоронгида улар шафаққа ўхшаб кўринарди: фақат тунлари этни жунжиктириб совуқ турар, ҳаво қуруқ эди.

Баъзан қоронгида деразадан қўшинларнинг ўтиб боришини, тўп-тўпхоналар тортиб келаётганини эшишиб қолардик. Тунда йўлда қатнов зўраяр, иккала томонига яшик-яшик ўқ-дори ортган хачирлар, устига солдатлар тушган, юкларига брезент ташлаган кулранг машиналар шошилмай тўхтовсиз ўтиб туради. Кундузлари ҳам шатак машиналар оғир тўпларни судраб борар, тўпларнинг оғир стволларига кўм-кўк шохшаббалар ташлаб қўйилган, шатакчилар ҳам қуюқ яшил шохлар ва ток занглари билан беркитилган эди.

Биздан шимол ёқда водий, водийдан нарида каштанзор, каштанзордан ҳам нарида — дарёнинг бу бетида баланд тепалик бор эди. Шу тепаликни згаллашга бир неча марта уриниб кўрилди, лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Куз кириб, ёмғир кетидан ёмғир қўйиб бергач, каштанларнинг япроқлари дув тўкилдиларда, шохлари қип-яланғоч бўлиб қолдилар, дараҳтларнинг тепалари ёмғирдан қорайиб кетди. Токзорларнинг ҳам ораси очилиб, қуруқ навдаларгина қолди, теварак-атроф қўнғир тусга кирди, ҳамма ёқ рутубат, кузги сўлғинликка чўмди. Дарё усти туман билан қопланган, тоғлар тепасида буултлар сузиг юрарди; юк машиналари йўллардан лой сачратиб борар, ёмғирпўш кийган солдатлар ҳам лойга беланганд, ивиган ҳолда борардилар: уларнинг милтиқлари ҳам ҳўл эди; қайишларидағи иккита кулранг чарм патрон сумка 6,5 миллиметрли ингичка патронлар жойланган обоймалардан зил тортиб, ёмғирпўш тагидан кўтарилиб турар ва гўё йўлдан бораётган солдатларни олти ойлик ҳомиладордай қилиб кўрсатарди.

Кичкина оч тусли енгил машиналар ҳам ўтар, уларни тез ҳайдаб боришарди; кўпинча ҳайдовчининг ёнида офицер ўтирап, орқа томонда ҳам офицерлар бўларди. Булар юк машиналарга қараганда кўпроқ лой сачратиб кетарди. Агар офицерлардан бири жуда ҳам пакана бўлиб, орқа ўриндиқда икки генерал ўртасида ўтирган бўлсаю, азбаройи бўйи калталигидан юзи кўринмай, фақат шапкасининг тепасию, торгина елкасигина кўриниб турса ва бунинг устига машина ғоят тез кетаётган бўлса — ажабмаски, шу киши қирол эди. Унинг қароргоҳи Удинада бўлиб, деярли ҳар куни шу йўлдан аҳволни билиш учун ўтиб турар, аҳвол эса жуда ёмон эди.

Қиши бошланиши билан сурункасига ёмғир қўйиб берди, ёмғир билан бирга вабо тарқалди. Лекин унинг олди олинди, вабо давомида қўшинда фақат етти минг кишигина ўлди, холос.

Иккинчи боб

Янги кирган йилда анча ғалаба қозонилди. Водий этагидаги баландлик ва қаштанзорлар ишфол қилинди, водийнинг жануб томонидаги ерларда ҳам ғалаба қозонилди ва биз август ойида дарёдан ўтиб, Горицияда жойлашдик; биз турган уйнинг деворларига арғувон вистария чирмасиб кетган, баланд четан билан тўсиғлан боғда фаввора отилиб турар, қалин, серсоя дараҳтлар кўп эди. Энди жанглар шу атрофдаги тоғларда, биздан бир чақирим ҳам келмайдиган жойларда бораради. Шаҳар жуда ажойиб, биз турган уй эса жуда чиройли эди. Дарё бизнинг ортимизда оқарди, шаҳарни ҳам осонгина қўлга киритдик, лекин нарироқдаги тоғларни ишфол қила олмадик; мен шунисига хурсанд эдимки, австрияликлар қачонлардир уруш тугаса, қайтиб борамиз-ку, деган ўй билан бўлса керак, шаҳарни айтарли бомбардимон қилишмас, йўлига пўписа қилиб қўярдилар, холос. Аҳоли кетмай, шаҳарда қолган эди, бу ерда госпиталлар ҳам, қаҳвахоналар ҳам, муюлишларда артиллерия ҳам, бири солдатларга, иккинчisi офицерларга мўлжалланган исловатхона ҳам бор эди; ёз охирлаб, тунлар совуқ бўлиб қолди, яқин тоғлардаги жанглар, снарядлар майиштириб, пачақланган кўприкларнинг темири, жанг бўлиб ўтган дарё бўйидаги бузилган туннель, майдон атрофидаги дараҳтлар ва майдонга чиқадиган кўчанинг икки бетидаги қўша-қўша оғочлар — буларнинг бари ва яна шаҳарда ойимтиллаларнинг борлиги, қирол ўзининг оч рангли машинасида ўтиб-кетиб турганлиги, энди унинг башарасини ва дутор бўйин кичкина гавдасини, эчкиникига ўхшаш бир тутам оппоқ соқолини кўриш мумкин бўлиб қолгани — буларнинг бари ва яна деворлари ўпирилган, ичи кўриниб ётган уйлар, боғларда, баъзан эса қўчаларда уюлиб ётган синган фишт уюмлари, тахта-ёғочлар, Карсада ишлар жўнашиб кетганлиги бу йилги мавсум биз қиши-

лоқда турган пайтимиздаги бултурги кузакдан бутунлай бошқача эканлигини кўрсатиб турарди. Уруш ҳам бошқачароқ бўлиб қолганди.

Шаҳарнинг нариги томонидаги тоғдаги эманзор ўрмон хароб бўлди. Биз шаҳарга кирган маҳалда ёзда бу ўрмон кўм-кўк кўкариб турганди, эндиликда эса ўрмондан фақат тўнкалару, мажақланган урён таналаригина қолди; ер ҳам бутунлай ағдар-тўнтар қилиб юборилганди: куз охирлаган кезлар эди, бир куни мен илгариги эманзор ўрмон харобасида туриб, тоғ ортидан бостириб келаётган булатни кўрдим. Булат шитоб билан келдию, бир зумда офтоб хиралашиб, сарфайиб қолди, кейин ҳамма ёқдан нур ўчди, кўк юзи қоронфи тортди, тоғ устини булат ўради ва ҳаш-паш дегунча устимизга ёпирилди, қор келмоқда эди. У шамол билан бўралаб урди, ялангоч ер унинг тагида фойиб бўлди, фақат тўнгакларгина серрайиб қолдилар, тўпларнинг усти ҳам қор билан қопланди. Хандакларнинг орқа томонидаги ҳожат жойларига излар тушди.

Кечқурун шаҳарга тушиб, мен офицерлар кирадиган исловатхонанинг деразаси олдида ўртоғим билан бир шиша асти ичиб ўтирадим. Ташқарида қор ёғар ва биз унинг оғир ва шошилмай ёғаётганига термилиб ўтириб, қор бу йилги ишларга ҳам ёғаётганигини англардик. Дарёning юқори қисмидаги тоғлар қўлга киритилмади; дарё орқасидаги тоғларнинг ҳам биронтаси эгалланмади. Буларнинг бари келаси йилга қолади. Оғайним кўчада балчиқлардан оҳиста ўтиб бораётган полкимизнинг руҳонийсини кўриб қолди-да, деразани чертиб уни чақира бошлади. Руҳоний бошини кўтарди. У бизни кўргач, жилмайди. Оғайним уни бармоғи билан имлади. Руҳоний бошини лиқиллатиб, ўтиб кетди. Кечқурун офицерлар ошхонасида спагетти еб бўлингач, спагеттини ҳамма жиддий қиёфада ўтириб, вилкага осилтириб илиб оларди-да, шошапиша дамини чиқармай ичига тортар, кейин эса ка-

жава идишга солинган винодан ҳўпларди. Вино солинган кўза металл токча устида чайқалиб турар, кимга керак бўлса, кўрсаткич бармоғи билан унинг бўғзини энгаштирас, шунда стакан тип-тиник, ўткир ва ёқимли арғувоний май билан тўлиб чиқарди, спагетти еб бўлингач, капитан кашишнинг жигига тега бошлиди.

Кашиш ёш эди ва сал нарсага дарров қизариб кетарди, у ҳаммамиз қатори форма кийган, фақат кулранг френчининг сўл кўкрак чўнтағи устида тўқ қизил духобадан салб қадалган эди. Капитан мени назарда тутиб, италянчани бузиб-нетиб гапирав, чамаси, шундай қисам, гапимни яхши англайди, деб ўйларди.

— Руҳоний бугун ойимчага борди, — деди капитан дам кашишга, дам менга қараб. Кашиш жилмайди ва қизариб кетди, бошини чайқаб қўйди. Капитан у билан ҳазил-мазах қилишни яхши кўрарди.

— Йўқ, денг-чи? — деди капитан. — Мен руҳонийни ойимчада кўрдим.

— Йўқ, — деди кашиш. Бошқа офицерлар капитаннинг майнабозчилигига қўшилиб ўтиришарди.

— Руҳоний ойимчага йўқ, — унамасди капитан. — Руҳоний ойимча билан ҳеч қачон, — тушунтирди у менга. У стаканимни олиб мендан кўз узмай, айни чоғда кашишга ҳам қараб-қараб қўйиб, тўлдириб берди.

— Руҳоний ҳар кечаси ўзини ўзи... — Ҳамма кулиб юборди. — Сиз тушундингизми? Руҳоний ҳар кечаси ўзини ўзи... — Капитан қўли билан қилиб кўрсатди-да, хаҳолаб кулди. Кашиш буни ҳазилга йўйиб ўтиради.

— Папа урушда австрислар ютиб чиқишини хоҳлайди, — деди майор. — У Франц-Иосифни яхши кўради. Австрислар пулни кимдан олаётганликлари энди равшандир. Мен — худосизман.

— Сиз «Қора тўнғиз»ни ўқимаганмисиз? — сўради лейтенант. — Сизга топиб бераман. Шу китобни ўқиб, динга ишонқирамай қўйдим.

— У ифлос ва расво китоб, — деди кашиш. — У сизга чиндан ёққан бўлиши мумкин эмас.

— Жуда фойдали китоб, — деди лейтенант. — Унда нуқул руҳонийлар ҳақида ёзилган. Сизга маъқул бўлади, — деди у менга.

Мен кашишга қараб жилмайдим, у ҳам шам ортидан менга қулимсиради.

— Ўқиманг уни, — деди у.

— Сизга топиб бераман, — деди лейтенант.

— Калласи бор одамларнинг ҳаммаси атеист бўлади, — деди майор. — Мен ҳатто масонликни¹¹ ҳам тан олмайман.

— Мен эса масонликни тан оламан, — деди лейтенант. — У жуда олижаноб ташкилот.

Аллаким ичкарига кирди, эшик очилганида ташқарида ҳамон қор ёғаётганини кўрдим.

— Энди хужумга ўтмасак керак, қор тушди, — дедим мен.

— Албатта-да, — деди майор. — Энди таътил олсангиз соз бўларди. Римга борсангиз, Неаполга, Сицилияга...

— Кўйинглар, у Амалфига боради, — деди лейтенант. — Мен сизга Амалфида турувчи ота-онамга хат ёзиб бераман. Улар сизни ўз ўғилларидаи қарши олишади.

— У Палермога бора қолсин.

— Капри ундан ҳам яхши.

— Сиз Аbruццага бориб, Капракоттада менинг қариндошларимнида қўноқ бўлсангиз деб эдим, — деди кашиш.

— Аbruццага бораман деб, кўзи учиб турибди. У ёқда қор бу ердагидан ҳам қалин. Дехқонларга анқайиб ўтирадими у ерда? Яхшиси, фан ва маданият марказларига борсин.

¹¹ Черковга эркин муносабатда бўлувчилар (тарж).

— Чиройли қизлар бор ерларга демоқчисиз-да. Мен сизга Неаполдаги манзилларни бераман. Шундоқ хурилиқ қизлар — яна ҳаммалари оналари билан бирга. Ва-ха-хо-хо!

Капитан панжасини очди-да, бош бармоғини күтариб, қолғанларини деворга соя тушадиган қилиб йирди. Унинг панжа сояси деворга тушди. У яна бузук талаффузда сўзлай бошлади:

— Сиз кетганда мана бундай бўлиб кетасиз, — у бош бармоғини кўрсатди, — қайтганда эса мундоқ бўлиб қайтасиз, — у жимжилогини ушлаб қўйди. Ҳаммалири кулишди.

— Қаранглар, — деди капитан. У яна панжаларини йирди. Яна шам алангаси панжанинг соясини деворга туширди. У бош бармоқдан бошлаб, ҳамма бармоқларга бирма-бир ном бериб чиқди: — sotto-tenete¹² (бош бармоқ), tenete¹³ (кўрсаткич), capitano¹⁴ (ўрта бармоқ), maqqiore¹⁵ (кичик бармоқ), tenente-colonello¹⁶ (жимжилоқ). — Сиз sotto-tenente бўлиб кетасиз! Сиз tente-colonello бўлиб қайтасиз!

Ҳаммалари кулиб юборишди. Капитаннинг соя ўйини ҳаммага маъқул тушди. У кашишга қараб қичқирди:

— Руҳоний ҳар кечада ўзини ўзи! — ҳамма кулди.

— Дам олишни бир кунга ҳам кечиктиргманг, — деди майор.

— Афсус, сиз билан бирга боролмайман, ҳаммасини ўзим кўрсатган бўлардим, — деди лейтенант.

— Қайтиб келаётганингизда граммафон ола келинг.

— Яхши опера пластинкаларидан обкелинг.

— Карузони обкелинг.

¹² Кичик лейтенант (итал.).

¹³ Лейтенант (итал.).

¹⁴ Капитан (итал.).

¹⁵ Майор (итал.).

¹⁶ Подполковник (итал.).

- Карузо керак эмас, увиллайди.
— Ўзингиз ўшанақа увиллаб кўринг-чи!
— Увиллайди. Увиллайди деяпман сизга.
— Абрущага борсангиз деган эдим, — деди кашиш.
Бошқалар ўз гаплари билан овора эди. — У ерда мазза қилиб ов қилиш мумкин. Одамлари жуда ҳам ажойиб, қиши совуқ бўлсаям, лекин ҳаво қуруқ ва очик бўлади. Сиз менинг ота-онамнида туришингиз мумкин. Отам овга муккасидан кетганлардан.
— Қани кетдик, — деди капитан. — Харобатхонага борайлик, яна ёпиб қўйишмасин.
— Хайри тун, — дедим кашишга.
— Хайрли тун, — деди у.

Учинчи боб

Мен дам олиб қайтганимда, биз ҳамон ўша-ўша шаҳарда турадик. Теварак-атрофда тўплар анча кўпайиб қолганди, илк баҳор кирганди. Далалар кўм-кўк майса билан қопланган, узум новдалари найча-куртак отганди; йўл ёқасидаги дараҳтлар япроқчалар чиқарган, денгиз томондан шабада эсиб қолганди. Мен шаҳарни, тепаликни, тепаликдаги қалъани, улардан ҳам нарида тоғларни, ён бағирлари олачалпоқ кўкарган қўнғир тоғларни кўрдим. Шаҳар ичида тўплар олдингидан кўпроқ эди, бир қанча янги госпиталлар очилган, кўчаларда инглизлар, аҳён-аҳёнда инглиз хотинлар ҳам учраб қоларди; тўп отишмасидан яна бирмунча уйлар вайрон бўлганди. Кун илиқ эди, кўклам ҳиди эсарди, мен деворга қуёш нури тушиб турган, офтобда исиган қатор дараҳтзор кўчадан ўтиб бордим ва биз ҳамон ўша ўзимизнинг уйда турганлигимизни, шунча вақт ўтса-да, ҳамма нарса қандай бўлса шундай қолганлигини кўрдим. Эшик очик эди, девор олдидаги «эшик»да ўзини офтобга солиб бир солдат ўтирибди, санитар машина уйнинг биқинидаги эшикда маҳтал туради, эшиқдан ичкарига қадам кўйишим билан

диморимга нам фишт билан касалхона ҳиди урилди. Фақат ҳозир баҳор кирган, бошқа ҳамма нарса ўз эски ҳолика қолганди. Мен катта уйнинг эшигидан қараб, стол ёнида майор ўтирганини, дераза очилиб, уй ичига офтоб тушиб турганини кўрдим. У мени кўрмасди, мен эса аввал унга кўринишимни ҳам ёки олдин юқорига чиқиб, ювиниб-тараниб олишимни ҳам билмасдим. Мен аввал юқорига чиқа қолай деб ўйладим.

Мен лейтенант Ринальди билан турадиган уй ҳовлига қараган эди. Дераза ланг очиб юборилган, менинг каравотимга кўрпа тўшаб қўйилган, юмуш-яроқларим эса деворда осиғлиқ турарди, газга қарши кийиладиган мослама узунчоқ тунука филофда, пўлат қалпоқ ўша илгакда илиғлигича қолганди. Каравотнинг оёқ томонида сандиқчам, сандиқча устида эса йилтиратиб мойлаб қўйилган қишилик этигим турарди. Менинг саккиз қиррали, стволи тим қора ва қулай, қўндоғи қорамтири ёнғоқдан чиройли ишланган австрис мильтифим иккита каравотнинг ўртасига осиб қўйилганди. Мен унинг нишонга оловчи телескопини сандиқчага беркитиб қўйганимни эсладим. Ринальди, лейтенант, иккинчи каравотда ухлаб ётарди. Менинг қадам товушимни эшитиб, у ёстиқдан бошини кўтарди.

— Ciao¹⁷ — деди у. — Қалай, яхши ўйнаб келдингизми?

— Зўр.

Кўл олишиб қўришдик, кейин у мени бўйнимдан қучоқлаб, ўпди.

— Уф! — дедим мен.

— Кирлаб кетибсиз, — деди у, — ювиниб олинг. Қаерларга бордингиз, нималар қилдингиз? Бир бошдан айтиб беринг.

— Бормаган жойим қолмади. Милан, Флоренция, Рим, Неаполь, Вилла-Сан-Жованни, Мессина, Таормина...

¹⁷ Италянча салом.

— Нақ темир йўл маълумотномасининг ўзи-я. Қизик саргузаштлар ҳам бўлдими?

— Бўлди.

— Қайда?

— Milano, Florenze, Koma, Napoli...

— Бўлди-е. Энг зўри қайси бирида бўлди?

— Миланда.

— Чунки биринчи учратганингиз шу-да. Уни қаерда учратдингиз? «Кова»дами? Қаёққа бординглар? Қандай бўлди? Оқизмай-томизмай айтинг. Ухладингларми?

— Ҳа.

— Ол-а. Ҳозир бу ерда ҳам онаси ўпмаган ойимтилалар бор. Попукдеккина, фронтни шу ерга келиб кўриб турган қизлар.

— Қўйинг-е?

— Ишонмайсизми? Бугун борайлик, ўзингиз кўрасиз. Шаҳарда бўлса олмадеккина, ёш инглиз қизлар ҳам бор. Мен ҳозир мисс Барклига ошиқ бўлиб юрибман. Сизни таништириб қўяман. Мен, эҳтимол, мисс Барклига уйлансан керак.

— Мен ювиниб, майорга кўриниш беришим керак. Нима, иш йўқми дейман?

— Сиз кетгандан бери бошимиз совуқ урганлардан, сариққа чалингандардан, сўзак бўлганлар, атай ўзини майиб қилганлар, ўпкаси шамоллаганлар, ҳар турли чакмазакка йўлиқканлардан чиқмай қолди. Унда-мунда битта-яримтани қоядан тош учиб йиқитмаса. Бир нечта росмана ярадорлар бор. Келаси ҳафтадан яна уруш бошланади. Яъни, демоқчиманки, бошланиб қолса ажабмас. Шунақа миш-мишлар бор. Нима дейсиз, мисс Барклига уйланаверсаммикин, албатта, уруш тутагач?

— Шубҳа бўлиши мумкинмас, — дедим мен тосга сув тўлди раканман.

— Кечқурун менга оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берасиз, — деди Ринальди. — Ҳозир мен мисс Баркли-

нинг ҳузурига чарақлаб чиройли бўлиб бориш учун ухлаб олишим керак.

Мен френч ва кўйлагимни ечиб, тосдаги муздек сувга ювиндим. Сочик билан артинарканман, атрофга разм солиб чиқдим, деразага, ўринда кўзларини юмиб ётган Ринальдига қарадим. У Амалфида туғилган, мен билан тенгдош, келишган йигит эди. Жарроҳ эди, касбига меҳр қўйганди, икковимиз қалин дўст тутингандик. Менинг қараб турганимни сезиб, у кўзини очди.

— Пулингиз борми?

— Бор.

— Менга эллик лир бериб туринг.

Мен қўлимни артиб, деворда илиғлик турган френчимнинг ён чўнтағидан ҳамённи чиқардим. Ринальди пулни олиб, буклади-да, ўрнидан кўзгалмай шимининг чўнтағига солди. У кулимсираб қўйди.

— Мисс Баркли мени давлатманд одам экан деб ўйлашини хоҳлайман. Сиз менинг меҳрибон, садоқатли дўстим, молиявий ҳомийимсиз.

— Олиб қочдингиз-ку, — дедим мен.

Кечқурун офицерлар ошхонасида мен кашиш билан ёнма-ён ўтирдим, у кутилмагандага бормаганим учун, мендан қаттиқ хафа бўлиб қолди. У мен тўғримда отасига ёзиб юборган, боришимга ҳозирлик кўриб қўйишиган экан. Ўзим ҳам бормаганимдан қаттиқ пушаймон эдим, нега бормаганим ўзимга ҳам қоронги эди. Мен боришига қатъий аҳд қилганим, лекин бир нарса кетидан бошқаси чиқиб, ўралашиб қолганимни тушунтиришга уриндим, у ҳам охирида менинг чиндан ҳам бораман, деб отланганимга ишонгандай бўлиб, кўнгли бирмунча таскин топди. Мен жуда кўп вино ичдим, ундан кейин қаҳва ичдим, кайфим тарақ, одам қандай қилиб ўзи кўнглига туғиб қўйган ишни кўнгилдагидай қила олмай қолишини гапирдим; ҳақиқатан ҳеч омадинг келмайди.

Бошқалар ғовур-ғувур қилиб, талашиб-тортишиш билан овора экан, биз у билан ундан-бундан сўзлашиб

ўтиридик. Мен Абруццага бормоқчи эдим. Лекин мен йўллари худди темирдай қаттиқ, қатқалоқ, совуғи қуруқ ва аччиқ, қори қуруқ ва майда, қуёnlар қорда из қолдириб кетадиган, дехқонлари қалпоқларини қўлга олиб, сизни «дон» деб атайдиган, ов бароридан келадиган ерларга боролмадим. Шундоқ жойларга бормадиму, тутунга тўлган қаҳвахоналар, тунлари уй ичи кўз ўнгингда чир айланадиган, айланишини тўхта-тиш учун кўзни деворга қадаб туриш керак бўлади-гап ерларга бордим; бундай учиб қолинган кечаларда, дунёда шундан бошқа ҳеч нарса йўқ деб биласан, уйғонишиңг ҳам жуда ғалати бўлади, ёнингда ким бор-лигини ҳам билмайсан ва фира-шира қоронфида дунё қўзингга рўё бўлиб кўринади, рўё ичра ўткир ҳаяжон-лари бордай туюладики, шу кечанинг ўзидаёқ ўйлаб-нетиб ўтирмай барини яна бошдан бошлагинг кела-ди, шундан бошқа ҳеч нарса йўқ дейсан, ҳеч нарса йўқ, йўқ, буни ўйлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Шунда дафъатан чуқур ўйларга толасан, сўнг уйқу элтади, баъзан эрталаб уйғонганингда, кечаги нар-салар бугун йўқолган бўлади ва ҳаммаси юракда сирқироқ оғриқ уйғотади, барчаси аниқ, равshan бўлади, баъзан палатада тортишиб қоласан. Гоҳо ҳар-қалай ўзингни яхши ҳис қиласан, меҳрибонинг, қадр-донинг бордай, нонуштанг ва тушлигинг тайёрдай кўринади. Баъзан ҳаммаси кўнгилга уриб кетади, тез-роқ кўчага чиқа қолсам дейсан, аммо эртаси куни яна шу такрорланади, кечанг ҳам шундай ўтади. Мен ке-чалар ҳақида, кечаси билан кундузнинг фарқи ҳақида, нима учун кечаси яхшироғу, кундуз куни фақат совуқ ва ҳамма нарса равshan эканлиги ҳақида айтиб бер-моқчи бўладим, аммо уддалай олмадим, ҳозир ҳам айт-тиб беролмайман. Буни бошингиздан кечирган бўлсан-гиз, биласиз. У бундай аҳволга тушмаган экан, мен чин-дан ҳам Абруццага бормоқчи бўлиб, нега боролмай қолганлигимни тушунди ва биз яна дўстлашиб кетдик. Биз бир-биримизга жуда ўхшардик, шунга қарамас-

дан бутунлай бошқа-бошқа олам эдик. У доимо мен билмаган нарсаны билар, билганинини эса унутиб ҳам юбораверар эди. Лекин мен бу нарсаны ўшанда эмас, анча кейин англадим. Ошхонада узоқ ўтириб қолдик. Ҳамма егулигини еб бўлган, энди тортишиб ўтирапдилар. Биз кашиш билан жимиб қолдик, шунда капитан қичқирди:

— Руҳоний зерикиб қолди. Руҳоний ойимтиллалар бўлмаса ўтиромайди.

— Зерикканим йўқ, — деди кашиш.

— Руҳоний зерикяпти. Руҳоний урушда австрислар ютиб чиқишига тарафдор, — деди капитан. Бошқалар унинг оғзига қарашди. Руҳоний бошини чайқаб қўйди.

— Йўқ, — деди у.

— Руҳоний ҳужум қилишимизни истамайди. Ҳужум қилишимизни истамайсиз, а, тўғрими?

— Йўқ, уруш бўлгандан кейин, менимча, ҳужум қилишимиз керакка ўхшайди.

— Ҳужум қилишимиз керак. Ҳужум қиласиз.

Руҳоний бош иргади.

— Уни тинч қўйинг, — деди майор. — У аломат йигит.

— Ҳар ҳолда бу ерда икки қўлини бурнига тиқиб ўлтиришдан бошқа чораси йўқ, — деди капитан.

Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, тарқалдик.

Тўртинчи боб

Эрталаб мени қўшни боғдаги батарея уйғотиб юборди. Деразадан қуёш чараклаб тушиб турарди, ўрнимдан турдим. Деразадан ташқарига кўз югуртиридим. Йўлкалардаги майда шағал ҳўл, ўт-ўланларни шудринг босганди. Батарея икки маротаба ўқ узди. Ҳар ўқ узилганда ҳаво зириллаб кетар, дераза ойналари зинфиллаб, пиджагимнинг этаклари лап-лап кўтарилиб, тушарди. Тўпларнинг ўзи кўринмасди, лекин, афти-

дан, снарядлар бизнинг устимиздан учиб ўтарди. Бикинингда батарея жойлашган бўлса, тинчингдан, роҳатингдан айриласан, ишқилиб, энг катта ва оғир тўплар эмас экан-ку, деб ўзингга тасалли ҳам бериб кўясан. Деразадан қараб туриб, йўлга чиқиб бораётган юк машинасининг шовқинини эшиздим. Кийиниб пастга тушдим-да, ошхонада қаҳва ичиб, сўнг гаражга ўтдим.

Узун тим тагида ўнта машина қатор тизилиб туради. Булар олди тўмтоқ, кузовлари баҳайбат, оч рангга бўялган, мебель ташийдиган фургонларга ўхшаш санитар машиналар эди. Ҳовлида мана шундай машиналардан бирининг ёнида механиклар ўралашибарди. Яна учта машина тоғлардаги тез ёрдам пунктларида эди.

— Анов батареяга ҳам снаряд отишяптими? — деб сўрадим механикларнинг биридан.

— Йўқ, signor tenente¹⁸. Уни тепалик тўсиб турибди.

— Ишлар кетяптими?

— Бир нави. Манави машина бутунлай ишдан чиққан, қолганлари ҳаммаси яроқди. — У ишини қўйиб жилмайди. — Сиз дам олиб қайтдингизми?

— Ҳа.

У қўлини тўр кўйлагига артиб, илжайди.

— Димогни чоф қилгандирсиз?

Унинг шериклари ҳам илжайишиди.

— Шундайроқ, — дедим мен. — У машинага нима бўлибди?

— Ҳеч нарсага ярамайди. Соғ жойи йўқ. Ҳали у, ҳали бу.

— Ҳозир қаери бузилган?

— Поршень ҳалқаларини алмаштириш керак.

Мен уларни мотори очилган, қисмлари олиниб зинчага териб қўйилганидан талон-торожга учрагандай

¹⁸ Жаноб лейтенант.

ўксик кўринган машина олдида қолдириб, ўзим тимга ўтиб, барча машиналарни бирма-бир қараб чиқдим. Улар бир нави, артиб, тозалаб қўйилганди, баъзилари ҳозиргина ювилган, бошқа бирларини билинрабилинмас чанг босган эди. Мен тошлар қириб, ёриб юбормаганмикан деб, ҳамма фидиракларни дикқат билан кўздан кечирдим. Ҳаммаси жойидадек эди. Кўринишдан мен бу ерда ҳаммасини назорат қилиб тураманми, йўқми, фарқсизга ўхшарди. Мен, машиналарнинг қандай аҳволда бўлиши, у ёки бу қисмларни топиб келтириш, тоғлардаги тез ёрдам пунктларидан касал ва ярадорларни кечиктирмай кўчириш, уларни тарқатиш пунктига келтириш ва ҳужжатларда кўрсатилган госпиталларга жойлаштириш кўп жиҳатлардан менга боғлиқ, деб кеккайиб юрарканман. Лекин, афтидан, менинг бу ерда бор-йўқлигимнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди.

— Керакли қисмларни олишда қийналмадингларми? — сўрадим катта механикдан.

— Йўқ.

— Ёнилғи омбори ҳозир қаерда?

— Ўша, ўз жойида.

— Жуда соз, — дедим мен ва уйга қайтиб офицерлар ошхонасида яна бир стакан қаҳва ичдим. Қаҳва оч бинафша рангли, қуюлган сут қўшилганидан ширин эди. Ташқарида кўкламнинг эрталабки аломат ҳавоси эди. Кун иссиқ бўлишидан дарак бергандай димоққа енгил ҳовур урилди. Шу куни мен тоғлардаги постларни айланиб, уйга кеч кирганда қайтдим.

Мен йўқлигимда ишлар бирмунча ўнгланиб кетгандай кўринарди. Қулоғимга тезда ҳужумга ўтсак ажабмас, деган гаплар чалинди. Биз хизмат кўрсатадиган дивизия дарёning юқори томонларида ҳужум қилиши белгиланган эди, шунинг учун майор менга постлар ҳужум пайтига тайёр турсин, деб тайинлади. Ҳужум қиуувчи қисмлар даранинг юқсирорғида дарёдан кечиб, тоғ этаклари бўйлаб ёйилиши керак эди.

Машиналар туралынан постлар иложи борича дарёга яқын бўлиши, панада жойлашиши шарт эди. Жойларни, албатта, пиёда қисмлар кўрсатиши керак бўлиб, режани эса биз ишлаб чиқишимиз кўзда тутиларди. Бу биз ҳам ҳарбий фаолият олиб бораётганимизни кўрсатувчи хўжа кўрсинга қилинадиган тадбирлардан эди.

Ҳамма ёғим чанг-чунг, лойга ботиб қайтдим, ювиниб олиш учун хонамга кўтарилидим. Ринальди Хюго-нинг инглиз тили грамматикасини кўлида тутиб, кравотда ўтирган экан. У бошдан-оёқ кийинган — оёғида қора туфли, сочи ялтирап эди.

— Тасанно, — деди у мени кўриб. — Сиз мен билан бирга мисс Барклиниң олдига меҳмонга борасиз.

— Йўқ.

— Ҳа. Сиз борасиз, чунки мен буни сиздан ўтиняпман, яна бир гап, унга ёқишига ҳаракат қилинг.

— Ҳай, майли. Сал одамбашара бўлиб олай унда.

— Ювининг-да, шундоқ бораверинг.

Мен ювинидим, сочимни тарадим, йўлга отландик.

— Шошманг, — деди Ринальди, — озгина ичиб олсакмикин дейман, — у сандиқчасини очиб, ичидан шиша олди.

— Фақат стрега ичмаймиз, — дедим мен.

— Йўқ. Граппа.

— Майли.

У икки стаканга қўйди ва биз кўрсаткич бармоқларимизни чиқариб, уриштиридик. Граппа жуда ҳам ўткир эди.

— Яна биттаданми?

— Майли, — дедим мен. Граппанинг иккинчи стаканини ҳам ичиб олдик. Ринальди шишани олиб қўйди, биз пастга тушдик. Шаҳардан кета туриб исиб кетдик, лекин қуёш ботиб бормоқда эди, ўзимизни енгил ҳис қиласардик. Инглиз госпитали уруш арафасида аллақандай бир немис қурган каттакон виллада жойлашганди. Мисс Баркли боғда экан. Унинг ёнида яна бит-

та ҳамшира бор эди. Биз дарахтлар орқасидан уларнинг оқ кийимларини кўрдигу, тўғри олдиларига боравердик. Ринальди ҳарбийча салом берди. Мен ҳам шундай қилдим, лекин ўзимни босиқроқ тутдим.

— Салом, — деди мисс Баркли. — Сиз, италиялик эмассиз, шекилли?

— Ҳа.

Ринальди бошқа ҳамшира билан гаплашаётган эди. Улар ҳиҳилашди.

— Италия армиясида хизмат қилиш — фалати-я.

— Буни армия демаса ҳам бўлади. Бу санитар отряди, холос.

— Барибир фалати туюлади. Нега бундай қилдингиз?

— Билмадим, — дедим мен. — Сўз билан англатиб бўлмайдиган нарсалар бор.

— Ростдан-а? Менга бўлса, бунақа нарсалар йўқ, деб ўргатишган.

— Хўп қилишган экан.

— Албатта шу йўсинда гаплашишимиз керакми?

— Йўқ, — дедим мен.

— Худога шукр.

— Қўлингиздаги қанақа асо? — сўрадим мен.

Мисс Баркли санамарастадай қиз эди. Унинг эгнидаги мен ҳамшира кийими деб ўйлаган нарса оқ кўйлак бўлиб чиқди, соchlари оқ сарфишдан келган, бадани қизғимтири, тилла ранг, кўзлари ним кўк тус. У менга жуда ҳам чиройли бўлиб кўринди. Унинг қўлида ўйинчоқ таёқчага ўхшаш ингичка ротанг асо бор эди.

— Бу — бир офицерники, у ўтган йили ҳалок бўлди.

— Кечиринг...

— У жуда ҳам ажойиб эди. Мен унга турмушга чиқадиган эдим, уни Соммда ўлдиришди.

— Тоза қирғин-барот бўлган унда.

— Сиз у ерда бўлганмисиз?

— Йўқ.

— Менга айтиб беришганди, — деди у. — Бу ерда уруш унчалик эмас, дейишади. Менга шу таёқчани жүннатиши. Онаси юборибди. Таёқчани бошқа нарсалари билан бирга қайтаришган экан.

— Унашганларингизга анча бўлганмиди?

— Саккиз йил. Бирга катта бўлгандик.

— Нега унга олдинроқ тегмадингиз?

— Ўзим ҳам билмайман, — деди у. — Аҳмоқдик. Унга олдинроқ тегсам бўлаверарди. Лекин мен унга жавр қиласанми, деб қўрқдим.

— Тушундим.

— Сиз ҳеч севганмисиз?

— Йўқ, — дедим мен.

Биз «эшак»ка ўтирдик ва мен унга қарадим.

— Сочингиз чиройли экан, — дедим мен.

— Сизга ёқдими?

— Жуда.

— У ўлганда кесиб ташламоқчи бўлувдим.

— Қўйинг-э.

— Унинг хотирасига шундай қилмоқчийдим. Мен бундай нарсаларга аҳамият бермасдим; агар у истаса, мен ундан ҳеч нарсамни аямасдим. Агар сал фаҳмига етсайдим, у истаган нарсасига эриша оларди. Мен унга турмушга чиққан бўлардим ёки турмушга чиқмай ҳам кўнглини олардим. Энди мен буларнинг барини тушунаман. Лекин ўшанда у урушга кетадиган эди, мен эса ҳеч нарсани тушунмасдим, фаросатим етмасди.

Мен индамай қулоқ солиб турдим.

— Мен у пайтда умуман ҳеч нарсага тушунмасдим.

Мен шундай қылсам, унга ёмон бўлади, деб ўйлардим. Мен у бунга бардош бериб кетолмайди дердим. Кеийин уни ўлдиришди, энди ҳаммаси тамом бўлди.

— Ким билсин.

— Ҳа, ҳа, — деди у. — Энди ҳаммаси тугади.

Биз бошқа ҳамшира билан гаплашаётган Ринальдига қарадик.

— Унинг оти нима?

— Фергюсон. Эллен Фергюсон. Сизнинг дўстингиз, врач, шундайми?

— Ҳа. У жуда ҳам яхши врач.

— Қандай яхши. Фронт яқинида яхши врачлар камдан-кам учрайди. Бу фронт яқини-ку ахир, шундай эмасми?

— Албатта.

— Аҳмоқона фронт, — деди у. — Лекин бу ер жуда чиройли экан. Нима, хужум бўлармишми?

— Ҳа.

— Роза ишимиз кўпаяркан-да. Ҳозир ҳеч қандай иш йўқ.

— Сиз анчадан бери ҳамшира бўлиб ишлайсизми?

— Ўн бешинчи йилнинг охиридан бери. У кетиши биланоқ мен ҳам кетдим. У мен ишлайдиган госпиталга тушади, деб ўйлайманни тентак бўлмасам. Қилич зарбидан ярадор бўлиб, боши дока билан ўралган бўлади, деб юрибман. Ёки елкасини ўқ тешиб ўтади, дебман. Шунга ўхшашиб романтик хаёлларда юрадим.

— Энг романтик фронт шу ерда, — дедим мен.

— Ҳа, — деди у. — Одамлар уруш Францияда қандоқ бўлишини тасаввур ҳам қилолмайдилар. Агар тасаввур қилганларида, бу узоқ давом этмаган бўларди. У қилич зарбидан яралангани йўқ. У парча-парча бўлиб кетди.

Мен индамадим.

— Сиз бу узоқ давом этади, деб ўйлайсизми?

— Йўқ.

— Охири нима бўлади?

— Бирон ерда чирт узилади-кетади.

— Биз узиламиз. Биз Францияда узиламиз. Соммадигига ўхшашиб қилғиликни қилиб қўйиб ҳам узилмай бўладими?

— Бу ерда узилмайди, — дедим мен.

— Наҳотки?

— Ҳа. Бултур ёз ишлар ёмон бўлмади.

— Узилиши мумкин, — деди у. — Ҳамма ёқда узилиши мумкин.

— Немисларда ҳам.

— Йўқ, — деди у. — Ундоқ эмас.

Биз Ринальди билан миссис Фергюсоннинг олдига бордик.

— Сиз Италияни севасизми? — деб сўрарди мисс Фергюсондан Ринальди инглизчалаб.

— Тузук, ёмон эмас.

— Тушунмадим. — Ринальди бошини чайқаб кўйди.

— Abbstanza bene¹⁹, — тилмочлик қилдим мен. У бошини чайқади.

— Бу яхши эмас. Сиз Англияни севасизми?

— Унчамас. Биласизми, мен шотландияликман.

Ринальди менга савол назари билан қаради.

— У шотландиялик, шунинг учун Англиядан кўпроқ Шотландияни севади, — дедим мен италянчалаб.

— Аммо Шотландия — ахир Англия-ку.

— Мен унинг сўзларини мисс Фергюсонга таржима қилиб бердим.

— Pasencore²⁰, — деди мисс Фергюсон.

— Бўлганича йўқ?

— Ва ҳеч қачон бўлмайди. Биз инглизларни ёқтирамаймиз.

— Инглизларни ёмон кўрасиз? Мисс Барклини ёмон кўрасизми?

— Э, бу бутунлай бошқа гап. Бундай яланғоч тушуниш ярамайди.

Бир оз ўтгач, биз хайрлашдик. Йўл-йўлакай Ринальди деди:

— Сиз мисс Барклига мендан кўра кўпроқ ёқиб қолдингиз. Бу кундай равшан. Лекин анов шотландиялик қиз ҳам ёқимтойгина экан.

¹⁹ Ёмон эмас (итал.).

²⁰ Бўлганича йўқ (франц.).

— Жуда ҳам, — дедим мен. — Мен унга тузукроқ қарамаган эканман. У сизга ёқдими?

— Йўқ, — деди Ринальди.

Бешинчи боб

Эртаси куни мен яна мисс Барклиниң олдига бордим. Боғда у кўринмади, шунинг учун мен санитар машиналар келиб-кетиб турган вилла ёнидаги эшикка яқинлашдим. Ичкарига кириб, госпиталнинг катта ҳамширасини кўриб қолдим. У менга, мисс Баркли навбатчилик қиляпти, деди.

— Уруш, биласиз-ку.

Мен, биламан, дедим.

— Сиз италян армиясида хизмат қилиб юрган ўша америкаликомисиз? — деб сўради у.

— Ҳа, мэм.

— Нега ундан қидингиз? Нега ўзимизга ўтмадингиз?

— Ўзим ҳам билмайман, — дедим мен. — Энди сизларга ўтсан бўлармикин?

— Энди ўтиб бўлмас дейман. Айтинг-чи, нега италян армиясига кирдингиз?

— Мен Италияда яшаганман, — дедим мен, — мен италянча гаплашаман.

— О! — деди у. — Мен италянчани ўрганяпман. Жуда чиройли тил.

— Уни икки ҳафтада ўрганиб олса бўлади, дейишиди.

— Йўғ-э, мен икки ҳафтада ўрганолмасман. Мен бир неча ойлардан бери шуғулланаман. Агар уни кўрмоқчи бўлсангиз, соат еттидан кейин кела қолинг. Унгача ишини топшириб бўлади. Лекин ўзингиз билан қалан-фи-қасанғи италянларни судраб юрманг.

— Тили чиройли бўлишига қарамасдан-а?

— Ҳа. Ҳатто чиройли мундирларига ҳам қарамасдан...

- Кўришгунча, — дедим мен.
— Arivederci, tenente²¹.
— Arivederci. — Мен ҳарбийча кўл силкиб, чиқиб кетдим. Чет элликларга италянчасига ҳарбий салом бериб, одам ўзини фоят ўнфайсиз сезади. Италянча ҳарбий салом четга чиқаришга мўлжалланмаган экан, шекилини.

Кун иссиқ эди. Мен эрталаб Плава томондаги кўпприк олди истеҳқомига бориб келдим. Ҳужум шу ердан бошланиши керак эди. Ўтган йили нариги қирғоқдан деярли юриб бўлмасди, чунки довондан понтон кўприккача ёлғиз биргина йўл бўлиб, у ҳам бир чақирик масофада пулемётлар ва тўплардан ўққа тутилиб турарди. Бундан ташқари ҳужумни таъминлаб берувчи барча транспорт воситалари учун торлик қилганидан, австрислар бизнинг тоза абжакимизни чиқаришлари мумкин эди. Аммо италянлар дарёдан ўтиб, қирғоқ бўйлаб иккала томонига шунчалик силжиб боришган эдики, энди улар дарёнинг Австрияга тегишли қирғоғида бир ярим чақиримча майдонни эгаллаб олишганди. Улар кўлга киритган энг катта устунлик шу эди, австрислар эса энди уларнинг бу ерда мустаҳкамланиб олишларига йўл қўймасликлари керак эди. Ўйлайманки, иккала томон ҳам ўзаро дилозорлик қилишдан тийилгандай, дарёнинг қуви томонидаги бошқа бир кўприк олди истеҳқоми эса ҳамон австристлар қўлида эди. Австрия хандақлари қуироқда — тоғнинг этагида, италянлар турган жойдан бир неча қадам нарида эди. Аввал қирғоқда шаҳарча бор эди, лекин ундан ном-нишон қолмади. Булардан нарироқда темир йўл станциясининг вайроналари ҳамда очик ялангликда бўлганлигидан тузатиб-нетиб бўлмайдиган бузилган кўприк бор эди.

Мен тор йўлдан дарёга томон тусиб бордим-да, машинани тепалик этагидаги тез ёрдам пунктида қол-

²¹ Кўришгунча, лейтенант (итал.).

дириб, төр пана қилиб турган понтон күпrikдан ўтдим ва вайрон бўлган шаҳар ўрнида төр ёнбағрида жойлашган хандақларни айланиб чиқдим. Ҳамма блиндажларга кириб олган эди. Мен артилериядан ўтишиб ёрдам сўрашга ёки алоқа узилиб қолганлигини маълум қилишга тайёрлаб қўйилган ракеталарни кўрдим. Ҳамма ёқ жимжит, ҳамма ёқ ифлос, кун эса иссиқ эди. Мен сим тўсиқлардан Австрия позицияларига қарадим. Жон асари кўринмасди. Мен таниш капитан билан блиндажлардан бирида ичдим-да, күпrikдан ўтиб орқага қайтдим.

Тоғнинг бели оша янги кенг йўл буралиб-буралиб кўпrikкача бориб тушарди. Мана шу йўл битиши биланоқ ҳужум бошланиши керак эди. У ўрмон ичидан буралиб ўтарди. Режа қуйидагича эди: олдинги қаторга ҳамма нарсалар янги йўлдан олиб келинади; қолган бўш юқ машиналари, аравалар, ярадорларни ташувчи санитар машиналари, хуллас, орқага кетадиган барча транспорт эски тор йўлдан қайтиши керак эди. Тез ёрдам пункти Австрия томонидаги тепалик тагида жойлашган бўлиб, ярадорларни замбилларда понтон кўпrik орқали олиб ўтиларди. Ҳужум пайтида ҳам шу тартибни сақлаш кўзда тутилмоқда эди. Назаримда, йўлнинг охирги қисмидан бир чақиримдан ошиқроқ масофа қиялик тугаган жойдан бошлаб австрияликлар артилерияси томонидан ўққа тутилиши мумкин эди. Бунинг оқибати жуда хунук бўларди. Лекин мен йўлнинг мана шу сўнгги хатарли қисмидан ўтилгач, ярадорларни понтон кўпrikдан бу томонга олиб ўтилгунча машиналарни қўйиб тургани пана жой топдим. Мен янги йўлдан юрмоқчи ҳам бўлдим-у, лекин ҳали у тугалланмаган эди. Йўл кенг бўлиб, тархи ва кўриниши яхши ҳисобга олинган, ўрмон билан қопланган төр ён бағрининг очиқ жойларида унинг қайрилиб кетган жойлари жуда ҳам чиройли кўринарди. Тормозлари кучли бўлган машиналар пастга қийналмай тушишади, бундан ташқари ҳар ҳолда ахир улар

пастга бўш кетишиади-ку. Мен тор йўл билан орқага қайтдим.

Икки карабинер машинани тўхтатишиди. Йўлнинг олд томонида снаряд портлади, биз тўхтаб турган вақт ичидаги яна учтаси портлади. Булар 77 миллиметрли снарядлар бўлиб, улар учидаги бораётгандаги шувиллаб ҳуштак чалиб ўтар, кейин бирдан қисқа портлаш эшитилар, аланга кўтарилиб, йўл кўкимтири дуд билан қопланарди. Карабинерлар йўлга тушишга ишора қилишди. Снаряд портлаган жойларга яқинлашганда, мен ўйик чуқурчаларни айланиб ўтдим, димофимга портловчи модданинг иси ва онтариб ташланган тупроқ, шағал ва кукун бўлиб кетган чақмоқтошнинг ҳиди урилди. Мен Горицияга, ўзимизнинг виллага қайтиб келдим ва боя айтганимдай, мисс Барклининг олдига жўнадим, у эса навбатчилик қилаётган экан.

Тушлик овқатни апил-тапил еб бўлиб, яна тўғри инглиз госпитали жойлашган виллага қараб кетдим. Вилла жуда ҳам катта ва кўркам эди, унинг олдида гўзал дараҳтлар ўсиб турарди. Мисс Баркли боғдаги ўриндиқда ўтирган экан. Ёнида мисс Фергюсон бор эди. Улар мени қувониб қарши олишди, кўп ўтмай мисс Фергюсон узр айтиб, ўрнидан турди.

— Сизларни ёлғиз қолдирман, — деди у. — Мен ортиқчага ўхшайман.

— Кетманг, Эллен, — деди мисс Баркли.

— Йўқ, энди кета қолай. Мен хат ёзишим керак эди.

— Хайрли тун, — дедим мен.

— Хайрли тун, мистер Генри.

— Цензорга озор берадиган гапларни ёзиб ўтируманг яна.

— Хотиржам бўлинг. Мен фақат қандай чиройли ерда турганлигимиз, италянларнинг ҳаммаси нечоғлик ботир эканликлари ҳақидагина ёзаман.

— Шундоқ ёзишда давом этинг, орден олмасангиз, мен кафил.

— Хурсанд бўлардим. Хайрли тун, Кэтрин.

— Мен тезда олдингизга бораман, — деди мисс Баркли.

Мисс Фергюсон қоронгиликка сингиб кетди.

— Яхши қыз экан, — дедим мен.

— О, албатта. Жуда ҳам яхши. У ҳамшира.

— Нима, сиз ҳамширамасмимиз?

— О, йўқ, мен VAD²¹ ларданман. Биз тиним билмай ишлаганимиз-ишлаган, лекин бизга ишонишмайди.

— Нега энди?

— Иш йўғида ишонишмайди, иш кўпайса, ишонишади.

— Нима фарқи бор?

— Ҳамшира доктордай одам. Узоқ ўқиши керак. VAD лар эса қисқа муддатли курсларни тамомлаб чиқадилар.

— Тушундим.

— Италянлар аёлларни фронтга бунчалар яқинлаштиришга қаршилар. Шу сабабдан биз алоҳида тартибга бўйсунамиз. Биз ҳеч қаёққа чиқмаймиз.

— Лекин мен келиб турсам бўладими?

— Ҳа, албатта. Бу ер монастир эмас.

— Қўйинг, урушни ўйламайлик.

— Бу осон эмас. Бундай жойда урушни ўйламасдан туриш қийин.

— Барибир, унутайлик.

— Яхши.

Биз қоронгида бир-биrimizга қараб турардик. У менга жуда ҳам чиройли бўлиб кўринди ва мен унинг қўлидан ушладим. У қўлини тортиб олмади ва мен интилиб, унинг белидан қучдим.

— Керакмас, — деди у. Мен қўйиб юбормадим.

— Нимага?

— Керакмас.

²¹ Voluntary Aid Department (ингл.) — ҳаракатдаги армияга хизмат кўрсатувчи аёлларнинг кўнгилли корпуси.

— Керак, — дедим мен. — Шундай яхши.

Мен қоронфиликда уни ўпай деб энгашдим, шунда юзимга қамчи тегиб, куйдириб ўтгандай бўлди. У юзимга қаттиқ урганди. Қўли кўзим аралаш қаншаримга тушди. Кўзим ачишиб, ёшланди.

— Мени кечиринг, — деди у.

— Ўзимни бир қадар устунликка эга бўлгандай сездим. Сиз тўғри қилдингиз.

— Йўқ, сиз мени, илтимос, кечиринг, — деди у. — Дам олиш куни кечқурун ҳамшира офицер билан шундай қилиб ўтиrsa-я, деб хафа бўлиб кетдим. Қаттиқ тегади, деб ўйламовдим. Офрияптими?

У қоронфида менга қараб турарди. Мен аччиқланган бўлсам ҳам, лекин шахмат ўйинидагидек, ҳаммасини аниқ олдиндан кўриб турганимдан ўзимга ўзим ишонардим.

— Сиз жуда ҳам тўғри қилдингиз, — дедим мен. — Сиздан сирайм хафа эмасман.

— Бечора!

— Биласизми, мен жуда ҳам бемаъни турмуш кечиряпман. Ҳатто инглизча гаплашишга ҳам имконият йўқ. Бунинг устига сиз жудаям чиройлисиз.

Мен унга тикилиб турардим.

— Нимага буларни гапириб ўтирибсиз. Мен ахир кечирим сўрадим-ку. Биз ярашдик.

— Ҳа, — дедим. — Биз урушни ҳам унутдик.

У кулиб юборди. Унинг кулгисини биринчи марта эшлиб турибман. Кўзимни унинг юзидан узмасдим.

— Сиз яххисиз, — деди у.

— Үндаймас.

— Ҳа. Сиз меҳрибонсиз. Истасангиз, сизни ўзим ўпиб қўяман?

Мен унинг кўзларига тикилиб, яна белидан қучдимда, ўпдим. Мен уни қаттиқ ўпиб, азот бағримга тортдим; лабларини очишга ҳаракат қилдим; у лабларини қаттиқ қимтиб олганди. Мен ҳамон аччиқдан тушмагандим, уни бағримга куч билан тортганимда, у тўсин-

дан титраб кетди. Мен уни қўйиб юбормай, маҳкам қисиб туардим, унинг юраги қандай ураётганини эшилдим, шунда унинг лаблари очилди ва бошини қўлимга ташлади, у елкамга бош қўйиб йифлаб юборди.

— Жоним! — деди. — Сиз мени ҳеч қачон хафа қилмайсиз, тўғрими?

«Нима деяпти ўзи», деб ўйладим. Мен унинг сочларини силаб, елкасига қоқиб қўйдим. У йифларди.

— Хафа қилмайсиз-а? — у кўзларини менга кўтарида. — Чунки бизнинг ҳаётимиз жуда ҳам фалати бўлади.

Сал ўтгач, мен уни вилланинг эшигигача кузатдим, у кириб кетди, мен уйга жўнадим. Уйга келиб, юқорига кўтарилдим. Ринальди ўринда ётган экан. У менга қаради.

— Шундай қилиб, мисс Баркли билан ишларингиз олга жиляптими?

— Биз у билан дўстмиз.

— Сиз ҳозир овдаги итга ўхшайсиз.

Тушунмадим.

— Кимга?

У тушунтириди.

— Ўзингиз, — дедим мен, — итга ўхшаб, худди...

— Тўхтанг, — деди у. — Сал бўлмаса бир-биrimизни хўп ҳақорат қиласиганга ўхшаймиз. — У кулиб юборди.

— Хайрли тун, — дедим.

— Хайрли тун, ишратпараст.

Мен ёстиқ билан унинг шамини уриб туширдимда, қоронгида ўринга ётдим. Ринальди шамни олиб ёқди ва ўқишда давом этди.

Олтинчи боб

Икки кунгача постларни айланиб юрдим. Уйга қайтганимда вақт аламаҳал бўлиб қолганди, мисс Баркли билан фақат эртаси кунигина учрашолдим. У боғда кўринмади, шунинг учун ҳам мен госпиталнинг идорасида ўтириб, қачон пастга тушаркин деб, кутдим. Идора жойлашган хонанинг девори бўйлаб рангдор ёроч постаментларда жуда кўп мармар бюстлар турарди. Идора олдидаги пешайвон ҳам бюстларга тўла эди. Мармар ҳайкалчаларнинг умумий хусусиятларига кўра улар гўё бир одамга ишлангандай кўринарди. Мен ҳайкал кўрсам, юрагим сиқилади; бронздан ишланган бўлса ҳарнов-а, лекин мармар бюстлар доимо мозористонни эслатади. Айтгандай, битта чиройли қабристон бор — Пиза шаҳрида. Бўлмағур мармар ҳайкаллар ҳаммадан ҳам Генуяда кўп. Бу вилланинг собиқ хўжайини қандайдир немис бойларидан экан, бюстларга унинг хийлагина пули кетгандир. Қизиқ, буларни ким ишлагану, уларга қанча ҳақ тўланган. Мен булар насаб шажарасига тегишли одамларми ёки бошқа бир кишиларми эканлигини аниқлашга уриндим; лекин уларнинг ҳаммасининг кўриниши қадимий бир хил тусда эди. Уларга қараб туриб, ҳеч нарса англаб бўлмасди.

Мен стулда кепкамни ушлаб ўтирган эдим. Биз ҳатто Горицияда ҳам пўлат каскалар кийиб юришимиз керак эди, лекин аҳолиси ҳали эвакуация қилинмаган шаҳарда каска кийиб юриш ўнгайсиз ва фаросатсиз одамнинг қалбаки безагидай бўлиб кўринарди. Мен ўзимникини постларга борганимда кийиб юрардим, бундан ташқари менинг инглиз противогазим ҳам бўлиб, у пайтда буни противогаз ниқоби, деб юритишарди. Биз энди-энди ола бошлаган эдик. Улар чиндан ҳам ниқобга ўхшашиб кетарди. Врачлар ва санитар қисмларнинг офицерларидан тортиб, ҳаммамиз автомат пистолет тақиб юриши-

миз зарур эди. Мен стул суюнчигига суюнсам, пистолет ғашимни келтириб турарди. Пистолетсиз юрган одам қамоққа олиниши керак эди. Ринальди пистолет ўрнига филофни ҳожатхона қофози билан тўлдириб юрарди. Мен ўзимникини ростакам тақиб юрар, то ундан отишга тўғри келгунча, ўзимни худди қуроллангандай ҳис қиласдим. Бу «астра» тизимидағи 7,65 калибрлик, тепкиси босилганда, калта стволи дириллаб турганидан азбаройи отиб нишонга тегизиб бўлмаидиган тўппонча эди. Отишни машқ қилганларимда мен нишондан пастроқни мўлжалга олардимда, ярамас стволнинг қалтилашини тўхтатишга уринардим, ниҳоят, мен йигирма қадамдан туриб, нишонга сал яқин урадиган бўлдим, шунда ёнда пистолет кўтариб юриш умуман бўлмағур бир нарса эканлигини англадим ва мен унга бутунлай эътибор бермай қўйдим, энди унинг орқамда лопиллаб туриши билан ишим йўқ эди, фақат инглизлар ёки америкаликлар билан учрашиб қолинган кезларда бир оз ўнғайсизланар эдим, холос. Мана ҳозир бўлса, мен курсида ўтирас, павбатчи идора хизматчиси эса контора орқасидан менга ўқрайиб қараб қўяр, мен эсам мисс Баркли қачон чиқаркин деб, мармар полни, мармар ҳайкалларни ва деворларга ишланган суратларни томоша қилиб ўтирадим. Девордаги суратлар дид билан ишланганди. Бундай суратлар бўёқлари ёрилиб, кўчиб туша бошлаганда, айниқса, чиройлироқ бўлиб кўринади.

Мен Кэтрин Баркли пешайвонга кирганини кўриб, ўрнимдан турдим. Қаршимда юриб келаётганда унчалик бўйдор бўлиб кўринмади, лекин ғоят дилбар эди.

— Хайрли оқшом, мистер Генри, — деди у.

— Хайрли оқшом, — дедим мен. Контора ортидаги идора хизматчиси қулоғини динг қилиб турарди.

— Шу ерда ўтирамизми ё бокқа чиқамизми?

— Юринг чиқайлик. Боф салқинроқ.

Мен унинг изидан эшикка юрдим, идора хизматчилиги кўзи билан таъқиб этиб турарди. Қумтош ётқизилган йўлқадан кетаётганимизда, қиз сўради:

— Қаерларда қолиб кетдингиз?

— Постларни текшириб чиқдим.

— Лоақал икки энли хат ёзиб, айтиб қўйсангиз бўлмасмиди?

— Йўқ, — дедим мен. — Унг келмади. Мен шу қуниёк қайтаман девдим.

— Бари бир менга бир оғиз айтиб қўйиш керак эди, жоним.

Биз хиёбондан бурилиб, дарахтлар остидаги йўлқадан юрдик. Мен унинг қўлидан тутдим-да, тўхтаб уни ўпдим.

— Бирон ерга борсак бўлмайдими?

— Йўқ, — деди у. — Биз фақат сайр қилишимиз мумкин. Сиз жуда узоқ йўқ бўлиб кетдингиз.

— Бугун учинчи кун. Лекин мана, келдим-ку.

У менга қаради.

— Сиз мени яхши қўрасиз-а?

— Ҳа.

— Ростдан ҳам ахир сиз мени яхши кўраман, деган эдингиз, а?

— Ҳа, — ёлғонладим мен. — Мен сизни севаман.

Мен унга бундай деб айтмагандим.

— Мени Кэтрин деб чақирасиз-а?

— Кэтрин.

Биз яна озроқ юриб, яна дарахт тагида тўхтадик.

— Бундай денг-чи: кечаси мен Кэтрин олдига қайтдим.

— Кечаси мен Кэтрин олдига қайтдим.

— Жоним, сиз ахир қайтиб келдингиз, тўғрими?

— Ҳа.

— Сизни шундай севаманки, мен шундай ёмон аҳволга тушдимки... Энди бошқа кетмайсиз-а?

— Йўқ. Мен ҳар доим қайтиб келаман.

— Сизни шунчалар севаман. Қўлингизни мана бу ерга қўйинг.

— У доим шу ерда турибди.

Мен уни ўзимга қаратиб олдим, ўпганимда юзи менга кўриниб турарди, кўзларини юмуб олганди. Унинг юмуқ кўзларидан ўпдим. Мен унинг табиатида бир оз девонасорлик бордир, деб ўйладим. Аммо бари бир эмасми? Мен бунинг оқибати қандай бўлишини ўйлаб ўтирмасдим. Бу ҳар куни кечқурун офицерлар харобатхонасига боришдан кўра маъқулроқ эди, у ерда ойимтиллалар бўйнингизга осилиб олишади-да, кўнгиллари сизда эканлигини кўрсатиш учун. Бошқа офицерлар билан юқорига чиқиб-тушиб туришаркан, сизнинг шапкангизни олдини орқага қилиб кийиб олишади. Мен Кэтрин Барклини яхши кўрмаганимни, яхши кўриб қолиш ниятим ҳам йўқлигини билардим. Бу худди ёлғондакам қимордай гап, фақат бунда қарта ўрнини гап босарди. Ўша ўйинда ўзингни худди кулгилик учун ёки бошқа бирон нарсага ўйнаётгандай қилиб кўрсатасан. Бунда ҳам шундай. Ўйин нима бадалига ўйналаётгани ҳақида бир оғиз ҳам гап бўлмади. Лекин менга бари бир эди.

— Қаёққа борсак экан, — дедим мен. Бошқа эркаклар каби мен ҳам узоқ тик оёқда туриб ишқибозлик қилишни ёқтирмасдим.

— Ҳеч қайга, — деди у. У хаёлидаги оламдан ерга қайтди.

— Шу ерда бирпас ўтирайлик.

Биз япасқи тош ўриндиққа ўтирдик, мен Кэтрин Барклиниг қўлини тутдим. У ўзини қучоғимдан олиб қочди.

— Сиз жудаям чарчадингизми?

— Йўқ.

У ерга, майсаларга қараб турарди.

— Сиз билан номаъқул ўйин бошлаб қўйдим.

— Қанақа ўйин?

— Ўзингизни гўлликка солманг.

— Бу хаёлимда ҳам йўқ.

— Сиз ажойибсиз, — деди у, — шунинг учун сиз иложи борича яхшироқ ўйнашга уриняпсиз. Лекин бу ўйин чиндан ҳам жуда ярамас ўйин.

— Сиз доимо бирорнинг фикрини ўқийсизми?

— Доим эмас. Лекин сиз нима ўйлашингизни биламан. Сиз ўзингизни мени яхши кўргандай қилиб кўрса-тишингизнинг ҳожати йўқ. Бугунга шунчаси етиб ортади. Энди нима ҳақда гаплашмоқчи эдингиз?

— Лекин мен сизни ростданам севаман.

— Кўйинг, бекордан-бекорга бир-бирилизни алдаб нима қиламиз. Сиз ўз ролингизни ғоят дўндириб адо қилдингиз, мана энди ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Мен ахир унчалар девона эмасман. Баъзан-баъзан хаёлим опқочади, лекин узоққа эмас.

Мен унинг қўлини қисдим.

— Кэтрин, азизим...

— Қандай қулгили эшитиляпти-я: «Кэтрин». Сиз буни доимо бир хил айтмайсиз. Лекин сиз жуда ажойибсиз. Сиз жуда оқ кўнгилсиз, жуда.

— Руҳоний ҳам шундай дейди.

— Ҳа, сиз оқ кўнгилсиз. Сиз олдимга келиб тура-сиз-а?

— Албатта.

— Менга севаман деб айтишингизнинг ҳожати йўқ. Бу ҳозирча тамом бўлди. — У ўрнидан туриб, менга қўлини узатди. — Хайрли тун.

Уни ўпгим келди.

— Йўқ, — деди у. — Қаттиқ чарчадим.

— Бари бир мени ўпиб қўйинг, — дедим.

— Қаттиқ чарчадим, жоним.

— Ўпиб қўйинг мени.

— Жуда ҳам керакми?

— Жуда.

Биз ўшишдик, лекин у тўсатдан юлқиниб чиқди.

— Кўйинг. Хайрли тун, жоним.

Биз эшиккача бордик ва мен унинг остона ҳатлаб пешайвондан юриб бораётганини кўриб турдим. Унинг

ҳаракатларини кузатиб завқланардим. У даҳлизга ўтиб кўздан йўқолди. Мен уйга кетдим. Жуда дим кеча эди, юқорида, тоғларда ҳамон тўплар отилмоқдайди. Сан-Габриеле томонда ёлқинлар кўринарди.

«Вилла-Росса» олдида тўхтадим. Деразалар тўсиб қўйилган, лекин ичкаридан ҳали шовқин эшитилиб турарди. Кимdir ашула айтарди. Ётоқقا кўтарилидим. Ечиниб турганимда, Ринальди кириб келди.

— Э-ҳа, — деди у. — Иш чатоқقا ўхшайди-ку. Бэби нохуш кўринади.

— Қаерда эдингиз?

— «Вилла-Росса»да. Юракка малҳам-да, бу, бэби. Биз хор бўлиб ашула айтдик. Ўзингиз қаёқда эдингиз?

— Инглизларнинг олдига борувдим.

— Худога шукрки, мен инглизлардан қутулганман.

Еттинчи боб

Эртасига тоғдаги биринчи постдан қайта туриб, мен машинани *imsstemento*²² олдида тўхтатдим, бу ерда ярадор ва касаллар ҳужжатларига кўра жойларга тарқатилар ва ҳужжатга қайси госпиталга юборилгани ҳақида ёзиб қўйиларди. Мен машинани ўзим ҳайдаб борган эдим, рулдан тушиб ўтирмадим, ҳужжатларни шофёр кўрсатгани олиб кетди. Кун иссиқ эди, осмон артиб қўйилгандай тиниқ ва кўм-кўк, йўл эса тупроғи ўйнаган, оппоқ эди. Мен «фиат»нинг баланд ўринидида ўйсиз ҳолда ўтирадим. Ёнимда йўлдан полк ўтиб бораарди, мен сафлар қандай қадам ташлаётганига қараб турадим. Одамлар ҳолдан тойган, терга пишган эдилар. Баъзи бировлар пўлат қалпоқлар кийиб олишган, лекин кўпчилик уларни халталарига осиб олганди. Қалпоқлар кўпларнинг бошига катта бўлиб, деярли қулоқдарини ҳам бостириб тушганди. Офицерлар-

²² Кўчириш пункти (итал.).

нинг ҳаммаси қалпоқ кийган, лекин уларники бошларида ўрнашиб турарди. Бу Базиликат бригадасининг бир қисми эди. Мен уларни оқ-қизил йўл-йўл петлицаларидан танидим. Полк аллақачон ўтиб бўлганига қарамасдан, йўлдан ҳамон орқада қолганлар ўтиб боришарди, булар ўз бўлинмалари билан баробар боришга қурблари етмай қолганлар эди. Уларнинг ҳаммалари абор, ҳаммаларини тер ва чанг босганди. Баъзи бирлари бутунлай касалга ўхшардилар. Орқада қолганлар нинг охиргиси ўтиб кетгач, йўлда яна бир солдат кўринди. У оқсоқланиб бораради. У тўхтаб, йўл чеккасига ўтириди. Мен машинадан тушиб, унинг одига бордим.

— Нима қилди?

У менга қараб қўйиб, ўрнидан турди.

— Бўлди, кетдим.

— Нима қилди ўзи?

— Уруш-да, падарига...

— Оёғиммас. Чуррам тушган.

— Нега бўлмаса яёв кетяпсиз? — сўрадим мен.

— Нега госпиталга ётмадингиз?

— Кўйишмайди. Лейтенант, сен белбонингни атай ечиб ташлагансан, дейди.

— Менга кўрсатинг.

— Кўтарилиб чиққан.

— Қайси томондан?

— Мана бу ерда.

Мен унинг қорнини ушлаб кўрдим.

— Йўталинг, — дедим мен.

— Яна баттар бўлмасин дейман. Ҳозирнинг ўзида эрталабгисидан икки марта катта бўлиб кетди.

— Машинага ўтиринг, — дедим мен. — Менинг ярадорларимнинг қофозлари тайёр бўлгач, сизни ўзим санитар қисмингизга элтиб қўяман.

— У жўрттага қилдинг, дейди.

— Улар бунга тирғилишолмайди, — дедим мен. — Бу жароҳат эмас. Аввал ҳам шундай бўлгансиз-ку, тўғрими?

- Лекин мен боғични йўқотиб қўйдим.
- Сизни госпиталга ётқизишиади.
- Сиз билан қолсам бўлмайдими, а tenente?
- Йўқ, менда сизнинг ҳужжатингиз йўқ.
- Эшикда биз олиб бораётган ярадорларнинг ҳужжатларини кўтарган шофёр кўринди.
- Тўрттасини бир юз бешинчига. Иккитасини бир юз ўттиз иккинчига, — деди у. — Булар нариги қирроқдаги госпиталлар эди.
- Рулга ўтиринг, — дедим мен.
- Мен чурраси тушган солдат ёнимизга чиқиб олишига ёрдам бердим.
- Сиз инглизча сўзлай оласизми?
- Ҳа.
- Бу лаънати уруш ҳақида нима дейсиз?
- Расво нарса.
- Расво деб секинроқ айтасизми, жин урсин.
- Расво бўлмасинми яна.
- Сиз Штатларда бўлганмисиз?
- Бўлганман. Питтсбургда. Мен сизни америкалик бўлса керак, деб ўйловдим.
- Наҳотки италянчани бузиб гапираётган бўлсан?
- Сизни қўришим билан америкалик, деб ўйладим.
- Яна бир америкалик, — деди шофёр чурраси тушган солдатга қараб италянчалаб.
- Менга қаранг, лейтенант. Сиз мени албатта полкка элтиб ташлашингиз керакми?
- Ҳа.
- Гап шундаки, бош врач чуррам тушганлигини билади. Мен яна жангга кирмаслик учун касалим зўрайсин, деб боғичимни йўқотган эдим.
- Тушундим.
- Балки сиз мени бошқа бирон жойга олиб бориб қўярсиз?
- Биз фронтга яқин бўлганимизда, сизни биринчи тез ёрдам пунктига топширган бўлардим. Лекин бу ерда, фронт орқасида ҳужжатсиз юриш мумкин эмас.

— Мен қайтиб борсам, мени операция қилиб, сүнг доим жангга ташлашади.

— Мен ўйланиб қолдим.

— Сиз доим олдинги сафда бўлишни истармидингиз?

— Йўқ.

— О, лаънати! — деди у. — Қандоқ ярамас нарса бу уруш.

— Қулоқ солинг, — дедим мен. — Машинадан тушиб, ийқилинг-да, бошингизни мўматалоқ қилинг, мен орқага қайтишда сизни оламан-да, госпиталга элтиб ташлайман. Машинани тўхтатиб юборинг-чи, Алдо.

Биз йўл чеккасига ўтиб, тўхтадик. Мен унга тушишга ёрдамлашиб юбордим.

— Мени мана шу ерда топасиз, лейтенант, — деди у.

— Хайр бўлмаса, — дедим мен. Биз йўлимизга кетдик ва бир чақиримча юргач полкни қувиб ўтдик. Сўнг қорлар эриб, бўтана бўлиб қолган, кўприкнинг тагидан шитоб билан оқаётган дарёдан ўтиб, водийни кесиб ўтган йўлдан госпиталларгача бордик ва ярадорларни топширдик. Қайтишда рулга ўзим ўтирдим ва питтсбурглик солдат кутиб ўтирган жойга қичаб ҳайдадим. Биз янада ҳолдан тойган, ҳаракати янада су сайиб кетган полк олдидан ўтиб кетдик; кейин орқада қолганларга дуч келдик. Сўнг йўл ўртасида санитар аравасини кўрдик. Иккита санитар чурраси тушган солдатни кўтаришаётган эди. Уни қидириб келишганди. Мени кўриб, у бошини чайқади. Унинг каскаси тушиб кетган, пешанаси қонга белангтан эди. Бурнининг усти шилиниб тушган, мўматалоқ бўлиб ётган яраларига тупроқ ёпишганди. Сочлари ҳам чангга беланганди.

— Қаранг, қандаقا шиш-а, лейтенант, — қичқирди у. — Аммо нима ҳам қилиб бўларди. Мени олиб кетгани келишибди.

Мен виллага қайтиб келганимда, соат беш бўлган эди, мен машиналарни ювадиган ерда душга тушгани бордим. Кейин ётока — очиқ дераза олдида ёлгиз кўйлак-шимда ўтириб, рапорт тузиб чиқдим. Ҳужум эрта ўтиб индинга бошланадиган бўлиб, мен ўз машиналарим билан Плавага боришим керак эди. Мен Штатларга алла вақтлардан бери хат ёзмасдим, мен ёзмаса бўлмаслигини билардим, лекин бу ишини шунча замонлардан бери орқага суриб келганимдан, энди деярли мутлақо ёзиб бўлмасди. Ёзадиган нарсанинг ўзи йўқ. Мен Zona di Gurerra²³ деган бир қанча хабарномалар юбордим, матндан «соғ-саломат юрибман» деган сўзлардан бошқа ҳаммасини ўчириб чиқдим. Шундай қилса, тезроқ боради. Америкадагиларга бу нақанги ғалати ва сирли хабарномалар жуда ҳам ёқиб тушади, албатта. Уруш бу зонада ғалати ва сирли эди, лекин австрисларга қарши олиб борилган бошқа урушлар ичida бу энг пухта ўйланган ва ёвузыроқ бўлиб туюларди менга. Австрия армияси Наполеоннинг ва умуман ўзини Наполеон деб ҳис қилувчи ҳар қандай кишининг ғалаба қозониши учун яратилганди. Бизнинг ҳам Наполеонимиз бўлганда ёмон бўлмасди, лекин бизда фақат семиз ва боқи бегам Le Generale Cadorna билан дутор бўйин, эчки соқол одамча Vittorio-Emmanuele бор эди, холос. Ўнг соҳидаги кўшинларга герцог Аоста бошлиқ эди. Ҳар нечук, улуғ саркарда даъвоси учун у ҳаддан ташқари хушрўй эди, лекин ташқи кўринишдан у чинакам эркакларга ўхшарди. Кўплар унинг қирол бўлишини истарди. Унинг қирол бўладиган савлати бор эди. У қиролнинг амакиси бўлиб, учинчи армияга кўмондонлик қиласади. Биз иккинчи армияда эдик. Учинчи армияда бир қанча инглиз батареялари бор эди. Миланда мен шу батареяларда хизмат қилган иккита тўпчи билан танишгандим. Улар

²³ Ҳарбий зона (итал.).

жуда ҳам одамшаванда йигитлар экан, ўша куни вақтихушлик билан ўтди. Улар давангирдай-давангирдай йигит бўлишларига қарамай, кўп нарсаларда тортинчоқдик қилар, айни замонда тортинган нарсаларини ёқтираср ҳам эдилар. Аслида инглиз армиясида хизмат қилсам бўларкан. Унда ҳаммаси жўнгина ўтарди. Бироқ тирик қолишшам даргумон эди. Санитар қисмларда эса ундан эмас. Тўғри, инглиз санитар машиналарининг шофёrlари ҳам ҳалок чашарди. Лекин мен ҳалок бўлмаслигимни биларлим. Бу урушда эмас. Унинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. У менга кинодаги урушдан фарқсиздай туюларди. Шунга қарамасдан мен чин юракдан унинг тезроқ тугашини истардим. Балки, шу бу йилнинг ёзида тамом бўлар. Балки, австрисларни савалашар. Олдинги урушларда уларни ҳар доим савалашган. Бу урушнинг нимаси бор ўзи? Ҳамманинг оғзида француздарнинг ҳолм-қудрати кетиб колди, деган гап. Ринальди, француз солдатлари бош кўтаришибди, кўшинлар Парижга қараб юраётган эмиш, деб айтувди. Мен ундан кейин нима бўлди, деб сўрасам, «уларни тўхтатишган-да», деб жавоб берди. Мен уруш бўлмасаю, Австрияни бир кўриб келсам, деб юрадим. Мен Шварцвальдга боришни истардим. Гардни кўргим келарди. Айтмоқчи, Гардинг ўзи қаерда? Уруш ҳозир Карпат тоғларида кетаётган эди. У ёқларга боргим йўқ эди. Гарчи борилса, албатта, ёмон бўлмасди. Уруш бўлмагандан мен Испанияга боришим мумкин эди. Қуёш ботиб бормоқда, салқин тушиб келмоқда эди. Кечки овқатдан сўнг Кэтрин Барклининг олдига бораман. Мен, қани энди у ҳозир ёнимда бўлсайди, дердим. Мен у билан бирга Миланга боришни истардим. У билан «Кова»да овқатланиб олсанг-да, кейин кечки дим ҳавода Виа-Манциони бўйлаб кетсанг, кўприкдан ўтиб, канал ёқалаб бурилсанг-да, Кэтрин Баркли билан отелга кирсанг. Эҳтимол, у ҳам кирган бўлармиди. Эҳтимолки, у мени Соммда ўлдирилган офицер деб тасаввур қилармиди,

унда биз катта эшикдан ичкарига кириб борган бўлардик, швейцар шапкасини олиб кутиб олган, мен калитни олиш учун борган, қиз эса мени лифт олдида кутиб турган бўларди, кейин биз лифт ичига кириб, лифт ҳам ҳар қаватда оҳиста жиринглаб, юқорига кўтарилиган ва ниҳоят, бизнинг қаватга ҳам чиқарди, лифтчи бола эшикни очади, шунда у чиқади, мен чиқаман, биз даҳлиздан юриб борамиз, мен калит билан эшикни очаман, ичкарига кирамиз ва мен телефон қулоғини кўтариб, бир шиша муз тўла кумуш пақирчага солинган капри бъянка келтиришларини сўрайман, сал ўтмай коридордан чеълакчадаги музнинг ширқиллаши эшитила бошлайди, кейин бола эшикни тақиллатади, мен эшикнинг олдига кўйиб кета қолинг, дейман. Чунки биз эгнимиздаги бор нарсани ечиб ташлаган бўламиз, чунки кун жудаям иссиқ, деразалар ланг очилган, қалдирғочлар уйларнинг томлари узра учеб юришган бўлади, кейин қоронфи туша бошлайди, дераза олдига келсангиз, уйларнинг ва дарахтларнинг тепасида энди кўршапалаклар учеб юрганини кўрасиз, шунда биз капри ичамиз, эшик берк, хона иссиқ, чойшаб ва тундан бўлак ҳамма нарса унутилади ва биз Миланнинг шу оташин кечасида ўзимизни муҳаббатнинг оғушига батамом топширамиз. Ҳаммаси мана шундоқ бўлиши керак. Мен тезгина овқатланаб олиб, Кэтрин Барклиниңг олдига бораман.

Овқат устида ғовур-ғувур гап кўп бўлади, мен вино ичдим, чунки агар бугун кечқурун озгина ичмасам, ошна-оғайнигарчиликдан чиқиб қолардим, мен яна кашиш билан архиепископ Айрленд ҳақида суҳбатлашиб ўтиредим. Гап анчайин ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлган бир одамнинг тақдиридаги адолатсизлик, унга нисбатан қилинаётган ноҳақликлар ҳақида кетди, бу ноҳақликларга мен ҳам америкалик сифатида қисман сабабчи эканман, мен айбим нимадан иборат эканлигини билмасам ҳам ўзимни гўё ростданам айби бордай қилиб кўрсатардим. Бу ишнинг бутун моҳи-

ятига тўла етмасдан туриб, у менга шунчалар тушунириб кетдики, охирида йўқ ҳеч нарса билмайман, хабарим йўқ, деб туриш одобдан бўлмай қоладиганга ўхшайди. Менга унинг номи жуда ҳам чиройли туюлди, бунинг устига у миннесоталик эди, шунинг учун оти ҳам чиндан ажойиб жаранглар эди: Айрленд Миннесотий, Айрленд Висконсиний, Айрленд Мичигоний. Йўқ, гап бундамас. Масала бундан кўра чуқурроқ. Ҳа, отахон. Тўғри, отахон. Эҳтимол, отахон. Йўқ, отахон. Балки, эҳтимол, шундай бўлса бордир, отахон. Булар сизга кўпроқ маълум, отахон. Кашиш яхши одам эди, лекин одамни зериктириб юборарди. Офицерлар бўлмағур одамлар эди, уларга қараб одамнинг эсноғи келарди. Қирол яхши, лекин зерикарли эди. Вино ёмон, лекин зерикарли эмасди. У тишларимизнинг сирини кўчириб, танглайимизга ёпиштириб қўймоқда эди.

— Шундай қилиб, ўша кашишни қамаб қўйишибди, — дерди Рокка, — чунки унинг ёнидан уч процентли қофозлардан чиқибди. Бу Франциядаги гап, албатта. Бу ерда уни ҳеч қачон қамаб-памаб ўтиришмасди. У бўлса, беш фоизли қофозлардан мутлақо бехабарман, дебди. Булар ҳаммаси Безье шаҳрида бўлган гаплар. Мен ўшандада у ерда эдим, бу тўғрида газеталардан ўқиб қолиб, қамоққа бордим ва мени кашишнинг олдига киритишларини сўрадим. Қофозларни у ўғирлаб олгани тайин эди.

— Фирт ёлғон гаплар, — деди Ринальди.

— Сизга шундоқ туюлгандир, — деди Рокка. — Лекин мен буни ўзимизнинг кашишга айтяпман. Бу жуда ибратли воқеа. У руҳоний бўлгани учун бунинг маъносини тузукроқ чақади.

Руҳоний жилмайди: — Давом этинг, — деди у. — Қулогим сизда.

— Албатта, қофозларнинг бир қисмини барибир тошишлмаган, бироқ уч фоизлиларнинг бари руҳонийнинг ёнида экан, яна, қанақалиги аниқ эсимда йўғу,

аллақандай маҳаллий заёмларнинг облигациялари ҳам чиққан. Шундай қилиб, мен турмага бордим, — энг қизиғи ҳам шу ерда, — у турган камеранинг олдига келиб, худди тавба қилаётгандай бўлиб: «Менга оқ фотиҳа беринг, падари бузрукворим, зотан сиз гуноҳкор бандасиз», дедим.

Ҳамма хаҳолаб кулиб юборди.

— У нима деди? — сўради кашиш.

Рокка унга эътибор қилмасдан менга ҳазилининг маъносини тушунтира кетди: — Ана энди тушундингизми маънисига? — агар уни тўғри тушунилса, афтидан, жуда ўткир ҳазилга ўхшайди. Менга яна вино қўйишди ва мен душга туширилган инглиз солдати ҳақидаги латифани айтиб бердим. Кейин майор ўн бир чехословак билан бир венгер капрали ҳақидагисини айтди. Яна винодан ичиб, мен бир тийин топган улоқчи ҳақидаги латифани бошладим. Майор, кечалари ухломай чиқадиган герцогиня ҳақида фалати бир итallyan латифаси бор, деди. Шунда кашиш ўрнидан туриб чиқиб кетди ва мен Марселга эрталаб соат бешда мистрал эсиб турган пайтда келган коммивояжер ҳақидаги латифани айтиб бердим. Майор, эшитишимга қараганда, сиз ичиб маст бўлмас экансиз, деди. Мен, ундеймас, дедим. У, мен тўғрисини айтяпман, Бахус гувоҳ, мен буни текшириб кўраман, деди. Фақат Бахус эмас, дедим. Бахус эмас. Ҳа, Бахус, деди у. Мен Басси Филиппо Винченца билан ким кўп ичарга ўйнашм керак экан. Басси, бу адолатдан эмас, чунки мен ҳозирнинг ўзида ундан икки ҳисса кўп ичиб қўйдим, деди. Мен, бу фирт ёлғон, Бахусми, Бахусмасми, Филиппо Винченца Бассими ёки Басси Филиппо Винченцами, ҳали оғзига бир томчи ичкилик олгани йўқ, умуман олганда, унинг номи нима ўзи? У, сизни нима деб чақиришади — Энрико Федерико дебми, ёки Федерико Энрико дебми? — деб сўради. Мен, йўқолсин Бахус, ким кучли бўлса, ўша ютади, дедим ва майор бизга бошламасига бир кружкадан қизил вино берди. Круж-

канинг ярмини ичиб, қолганини ичгим келмай қолди.
Қаёққа кетаётганим эсимга тушди.

— Басси ютди, — дедим мен. — У бақувватроқ. Мен боришим керак.

— Тўғри, бориши керак, — деди Ринальди. — Учрашувга боради. Мен биламан-ку.

— Мен боришим керак.

— Келаси сафаргача, — деди Басси. — Келаси сафаргача куч йифиб келинг.

У елкамга қоқиб қўйди. Стол устида шамлар ёниб туарди. Ҳамма офицерларнинг кайфлари жойида эди.

— Хайрли тун, жаноблар, — дедим мен.

Ринальди мен билан бирга чиқди. Биз ҳовлига кираверишдаги эшик олдида тўхтадик, у деди:

— Сиз у ерга ичиб бормаганингиз тузук эди.

— Маст эмасман, Ринин. Чин сўзим.

— Жуда бўлмаса қаҳва донидан чайнаб юборинг.

— Бекор гап.

— Ҳозир сизга келтириб бераман, бэби. Шу ерда айланиб туринг. — У бир ҳовуч қовурилган қаҳва донидан кўтариб келди. — Чайнаб юборинг, бэби, Худо сизни ёрлақасин.

— Бахус, — дедим мен.

— Сизни кузатиб қўяман.

— Ҳожати йўқ. Маст эмасман.

Икковлон шаҳар бўйлаб кетдик, мен қаҳва донини чайнаб бордим. Инглизларнинг боғ уйига элтадиган хиёбон олдида Ринальди менга хайрли тун тилаб қолди.

— Хайрли тун, — дедим мен. — Юринг, ўзингиз ҳам. У бош чайқади.

— Йўқ, — деди у. — Мен бош оғрифи ишларга тобим йўқ.

— Қаҳва учун раҳмат.

— Арзимайди, бэби. Арзимайди.

Хиёбондан юриб кетдим. Икки чеккадаги сарв оғочларининг гавдаси яққол кўзга ташланарди. Мен ор-

қамга ўтирилдим-да, Ринальди изимдан қараб турғанини күрдим, унга құл сиқиб, хайрлашдим.

Мен боф уй қабулхонасида Кэтрин Барклини кутиб ўтирардим. Кимдир пешайвонга кирди. Ўрнимдан турдим, бироқ бу Кэтрин эмасди. Кирган мисс Фергюсон эди.

— Хэлло, — деди у. — Кэтрин бугун, афсуски, сиз билан күришолмас экан. Мендан шуни айтиб қўйиши сўради.

— Афсус. Ҳойнаҳой бетоб эмасми?

— Сал тоби қочиб турибди.

— Унинг кўнглини сўраб қўйинг.

— Хўп.

— Балки эртага эрталаб келаймикан?

— Келинг.

— Катта раҳмат, — дедим мен. — Тунингиз хайрли бўлсин.

Қабулхонадан чиқдим, бирдан олам бўум-бўш бўлиб қолди, юрагим сиқилди. Мен Кэтрин билан учрашувга менсимай, назар-писанд қилмай қарадим, кўп ичиб қўйдим, сал бўлмаса келиш эсимдан чиқай деди, энди эса уни кўролмаганимдан сўнг юрагимга қил сиғмасди, дунёда ўзимни ёлғиз, ташландиқ сездим.

Саккизинчи боб

Эртасига биз дарёning юқори томонида кечаси ҳужум бўлади, деб эшиздик, биз у ерга тўрт машина билан боришимиз керак экан. Ҳеч кимдан тайинли бир гап чиқмас, лекин ҳамма ўзининг ҳарбий билимини намойиш қилиб, донолик қиласди. Мен биринчи машинада ўтирган эдим. Инглиз госпиталининг олдидан ўтиб кетаётганимизда машинани тўхтатишни буюрдим. Бошқа машиналар ҳам тўхташди. Мен машинадан тушиб, бошқа шофёрларга агар биз етиб олмасак, Кормон йўлининг кесишган жойида кутиб туришни айтдим. Мен хиёбондан шоша-пиша ўтиб, қабулхона-

га кирдим-да, мисс Барклини чақиришларини сўрадим.

— У навбатчилик қиляпти.

— Уни бир дақиқага кўра оламанми?

Санитарни билиб келгани юборишиди, у қиз билан бирга қайтиб келди.

— Соғ-саломатлигингизни билгани кирувдим. Сизни навбатчиликда дейишиди ва мен чақириб беришларини сўрадим.

— Соғлиғим дуруст, — деди у. — Кеча иссиқдан бироз лоҳас бўлдим, шекилли.

— Мен кетишим керак.

— Бир дақиқага сиз билан чиқаман.

— Ўзингиз тузукмисиз, ҳеч қаерингиз оғримаяптими? — сўрадим мен ташқарига чиққанимиздан сўнг.

— Тузукман, жоним. Сиз бутун келасизми?

— Йўқ. Мен ҳозир кетяпман — бугун Плавада масхарабозлик бўлади.

— Масхарабозлик?

— Шунга яқин.

— Ўзингиз қачон қайтасиз?

— Эртага.

У ниманидир ечиб, бўйнидан олди. Менинг қўлимга берди.

— Бу авлиё Антоний, — деди у. — Эртага кечқурун келинг, хўпми?

— Сиз католикмисиз?

— Йўқ. Лекин айтишларига кўра авлиё Антоний бало-қазолардан сақлармиш...

— Сизни деб уни эҳтиёт қиласман. Хайр энди.

— Йўқ, — деди у. — Хайр эмас.

— Хўп.

— Ақлли бўлинг-да, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Йўқ, бу ерда ўпишиш мумкин эмас. Керакмас.

— Хўп.

Мен орқамга қараб, унинг зинада турганини кўрдим. У менга қўл силкиб қўйди, мен унга фойибона

ўпич тақдим қылдим. У яна қўлини силкиди, кейин хиёбон тугади, мен машинага ўтирдим, йўлга тушдик. Авлиё Антоний оқ металдан ишланган кичкина медалонга жойланган эди. Мен медалонни очиб, қўлимга қоқдим.

— Авлиё Антонийми? — сўради шофёр.

— Ҳа.

— Менда ҳам бор. — У ўнг қўлини рулдан олиб, тугмачасини ечиб, қўйлаги ичидан мендагига ўхшаш медалон чиқарди. — Кўрдингизми?

Мен авлиё Антонийни яна медалон ичига жойлаб, ингичка тилла занжирини йиғдим-да, ҳаммасини ён чўнтагимга солиб қўйдим.

— Сиз уни бўйнингизга осмайсизми?

— Йўқ.

— Яхшиси осиш керак. Бўлмаса нима ҳожати бор?

— Яхши, — дедим. Тилла занжирчани ёздим-да, бўйнимга осиб, занжирини қулфлаб қўйдим. Авлиё ҳарбий френчим устида туриб қолди, мен ёқамни очиб, қўйлагимнинг ёқасини бўшатдим-да, авлиё Антонийни ичимга солиб қўйдим. Машинада ўтиарканман, кўкрагимга унинг металл филофи суйкалиб борарди. Кўп ўтмай у эсимдан чиқди. Яраланганимдан сўнг уни қайтиб кўрмадим. Кимдир уни боғлаш пунктида ечиб олган бўлса, ажабмас.

Кўприкдан ўтгач, биз машинани тезроқ ҳайдадик ва кўп ўтмай олдинда бошқа машиналар кўтараётган чангни кўрдик. Бурилишдан ўтганимиздан сўнг учала машина ҳам кўринди; улар қўнғиздай бўлиб кўринмоқда эди, чанг фидираклар остидан кўтарилиб, дарахtlар ортига сингарди. Биз уларга етиб олдик, қувиб ўтиб, тоққа томон кетган бошқа йўлга бурилдик. Агар олдинги машинада кетаётган бўлсанг колоннада юриш ёмон нарса эмас, шунинг учун мен ўрнашиброқ ўтириб олиб, атрофни томоша қила бошладим. Биз дарё томондан тоғ этаги билан кетмоқда эдик, йўл юқори-лагач, шимол томонда баланд қорли чўққилар кўрин-

ди. Орқамга назар ташлаб, қолган учта машинанинг баландликка қандай чиқиб келишини кузатдим, машиналар чанг-тўзон ичидаги элас-элас кўзга чалинарди. Биз юк ортилган хачирлар карвонини қувиб ўтдик, хачирларнинг ёнида қизил феска кийган ҳайдовчилар боришарди. Булар берсалъерлар эди.

Хачирлар карвонидан кейин йўлимизда ҳеч нарса учрамади ва биз адирма-адир ошиб, сўнг узун тоғ ёнбағри бўйлаб дарё этагига тушдик. Бу ерда йўл бўйига дараҳтлар экилган экан, ўнг ёқдаги қатор дараҳтлар орқасида мен саёз, тиниқ, шошқин дарёни кўрдим. Дарёning суви пасайиб, тошлар ва қумлар оралаб арна-арна бўлиб оқарди, баъзан эса таги тошлоқ ўзанидан тонг шафагидай ёйилиб кетарди. Қирғоқча чиқаверишда чўнқир ўрларни кўрдим, уларга тўлиб турган сув осмон каби мовий эди. Дарё узра ёйсимон фишт кўпричкалар ташланганди, уларга томон йўлдан тармоқ отиб сўқмоқлар тушиб бораарди. Мен яна жанубий девори ёқалаб нокзорлар қад кўтарган деҳқонларнинг фиштин иморатларини ва далалардаги пастактош тўсиқларни кўрдим. Йўл анча вақтгacha водий бўйлаб борди, кейин биз бурилдик-да, яна тоқقا кўтарила бошладик. Йўл юқорига тик кўтарилиб чиқар, каштанзор ичидан илон изи бўлиб ўтиб, нихоят, тоғ тизмалари ёқалаб кетарди. Дараҳтлар сийрак жойлардан водий кўриниб турарди, ҳув олисда, пастда икки армияни ажратиб, қуёшда ярқираб иланг-билинг дарё оқарди. Биз адирларнинг нақ белидан тушган янги ҳарбий тош йўлдан кетдик, шимолда икки тоғ тизмаси чўзилиб ётарди, тоғлар асрий қорликларгача арча билан қопланганидан тўқ кўкимтириб бўлиб қоронфиликда чулғаниб кўринар, қорли чўққилар эса қуёш нурида ярқираб оппоқ бўлиб ётарди. Кейин яна юқорилаганимизда, мен учинчи тоғ тизмасини, худди бўр сингари оппоқ юксак қорли тоғларни, тоғларнинг гаройиб ажинларини кўрдим, булардан ҳам нарида яна тоғлар юксалиб борар, лекин улар-

ни кўраётганингни ҳам, кўрмаётганингни ҳам билиб бўлмасди. Буларнинг бари Австрия тоғлари эди, бизда бундай тоғлар йўқ. Олдинда йўл ўнг томонга доира ясаб ўтганди, мен дарахтлар орасидан йўл пастга қараб қанчалар тик тушганини кўрдим. Бу йўлдан қўшинлар, юк машиналари, тоғ тўпларини ортган ҳаҷирлар ўтиб борарди, биз шу йўлнинг нақ чеккасидан пастга тушиб бораракмиз, ҳув қўйида, олиса оқаётган дарё, унинг ёнидан ўтган темир йўл излари, темир йўл кўпригини кўрдим, дарёнинг нариги ёғида, тоғ ёнбағрида биз ишғол қилишимиз керак бўлган шаҳарчанинг вайрон бўлган уйлари кўринарди.

Биз пастга тушиб, дарё қирғоғи ёқалаб солингган катта йўлга чиққанимизда қоронғи чўка бошлаган эди.

Тўққизинчи боб

Йўл одамлар ва транспортга тиқилиб кетганди; йўлнинг иккала бети бўйлаб чипта ва похолдан қилинган бўйралар чўзилиб кетган, ҳатто йўлнинг тепаси ҳам бўйралар билан қопланганидан, у худди циркнинг йўлкасига ёки ёввойиларнинг қишлоғига ўхшарди. Шу чайлага ўхшаган йўлдан имиллаб ўтиб, ниҳоят тоза, текис сайҳонликка чиқдик, аввал бунда темир йўл бекати бўлган эди. Йўлнинг бу томони қирғоқ бўйи кўтармасини кесиб тушган эди. Бутун йўл давомида кўтармада пана жойлар қилинган бўлиб, уларга пиёдалар жойлашганди. Кун ботиб борарди, мен кўтарма оша қараб, дарёнинг нариги юзидағи тоғларда қорайиб кўринган Австриянинг кузатув аэростатларини кўрдим. Биз машиналарни фишт заводининг ҳаробалари панасига қўйдик. Фишт куйдириладиган ўчоқлар ва бир қанча чуқур ўраларда ярадорлар учун пунктлар қилинганди. Врачлар ичida менинг учта танишим бор эди. Бош врач менга жанг бошлиниши билан бизнинг машиналар ярадорларни олиб,

қирғоқ бўйлаб пана йўлдан бориб, кейин юқорига, довонга томон юради, довонда ҳамширалар пости бор, бу ерда ярадорларни бошқа машиналар кутиб туради. Йўл тўсилиб қолмаса бўлгани, деди у. Бошқа йўл йўқ эди. Йўл австрисларга кўриниб тургани учун уни кўздан яшириш чоралари кўрилганди. Бу ерда — фишт заводида қирғоқ кўтармаси бизни милиционер ва пулемётларнинг ўқидан сақлаб туради. Дарёнинг у бетидан бу томонга фақат битта бузилай деб қолган кўприк бор эди. Тўплар отишмаси бошлангач, яна битта кўприк солинади, қўшиннинг бир қисми эса дарё қайрилишидаги кечувдан ўтади. Бош врач бўйи пастаккина, шоп мўйлов киши эди. У маъйор унвонида бўлиб, Ливия урушида қатнашган, икки марта яралangan эди. У, агар ҳаммаси кўнгилдагидек ўтса, мени мукофотга тавсия этажагини айтди. Мен, ҳаммаси жойида бўлади, дедим ва унга меҳрибончилиги учун раҳмат айтдим. Мен шофёрларни жойлаштирадиган каттароқ блиндаж бор-йўқлигини сўрадим, у бир солдатни чақириб, менга жой кўрсатишни тайинлади. Солдат билан сал юрмасимиздан шинамгина блиндаж устидан чиқдик. Шофёрлар ундан мамнун бўлишди, уларни шу ерда қолдирдим. Бош врач мени ва яна икки офицерни ичкиликка таклиф қилди. Биз ром ичдик ва мен ўзимни дўстлар ўртасида ўтиргандай сездим. Қош қорая бошлади. Мен, ҳужум қачон бошланади, деб сўрадим, бутунлай қоронғи тушганда, деб жавоб берришди. Мен шофёрлар олдига қайтдим. Улар блиндажда гаплашиб ўтиришарди, мен киришим биланоқ жим бўлиб қолишди. Мен уларга бир қутидан «Македония» сигаретаси бердим, бу сигарета бўш жойланган бўлиб, чекишдан олдин учини бураб қўйиш керак эди. Манъера зажигалкасини ёқиб, ҳаммага чекиб олгани тутди. Зажигалкаси «фиат»нинг радиаторига ўхшатиб ишланган экан. Мен уларга бор билган гапларимни айтиб бердим.

— Бу ёқقا келаётганимизда йўлда пост йўқ эдику?
— деди Пассини.

— Биз бурилган жойнинг орқасида қолиб кетган эди.

— Бу йўлда тоза онамизни кўрамиз ҳали, — деди Манъера.

— Австрислар кунимизни кўрсатишади, фалонига фалон уларни.

— Бўлмаса-чи.

— Овқат-повқат ҳам бўладими, лейтенант? Бошланаб қолса, бош қашигани вақт бўлмайди.

— Ҳозир билиб келаман, — дедим мен.

— Шу ерда ўтирайликми ё ташқарига чиқиш ҳам мумкинми?

— Ўтира турганларингиз маъқул.

Мен бош врач олдига бордим, у сайёр ошхона ҳозир етиб келажагини, шофёрлар овқатни олиб кетишлари мумкинлигини айтди. Идишлари бўлмаса, идиш бераман, деди. Мен идишлари бўлса керак, дедим. Мен изимга қайтиб, шофёрларга овқат келтиришлари билан хабар беришимни айтдим. Манъера, отишма бошланмасдан бурун олиб келишса соз бўларди, деди. Мен кетгунимча улар миқ этишмади. Уларнинг тўртовлари ҳам механик бўлиб, урушни кўрарга кўзлари йўқ эди.

Мен атрофда нималар бўлаётганини кўргани бордим, сўнг блиндажга, шофёрлар олдига қайтдим. Ҳаммамиз ерга ўтириб, деворга суюнганча сигарет тутатдик. Фира-шира қоронғи тушди. Блиндажнинг саҳни қуруқ ва илиқ эди, мен деворга суюниб, ҳордик чиқардим.

— Жангга ким боради?

— Берсалъерлар.

— Берсалъерларнинг ўзими?

— Шундайга ўхшайди.

— Росмана жанг қилиш учун бу ердаги одамлар камлик қиласди.

— Чамаси бу шунчаки йўлига бир жанг бўлади, чинакам уруш бошқа ерда бўлади.

— Ҳужумга борадиган солдатлар буни билишадими?

— Билишмаса керак.

— Албатта, билишмайди, — деди Маньера. — Билишса, жангга кириб ўтиришармиди.

— Шундай ҳам киришардики, — деди Пассини. — Берсалъерлар аҳмоқ.

— Улар мард солдатлар, интизомга риоя қилишади, — дедим мен.

— Бақувват йигитлар, ҳаммаси ҳам яғриндор. Лекин барибир, ҳаммаси аҳмоқ болалар.

— Мана гренадерлар зўр, — деди Маньера.

Бу ҳазил эди. Тўртовлари хаҳолаб кулишди.

— Улар жангдан бош тортишганда сиз бормидингиз, тененте, кейин ҳар ўн кишидан биттасини отишувди, эсингиздами?

— Йўқ.

— Шундай бўлган эди. Уларни қатор қилиб турғизишида, ўнинчи бўлиб турган одамни ажратиб отаверишди. Карабинерлар уларни отиб ташлашди.

— Карабинерлар, — деди Пассини ва ерга тупурди.

— Гренадерларни қаранг-а: бўйлари икки метрдан ошифу, бормаймиз деб туришса-я.

— Агар ҳамма баравар бош тортганда эди, уруш тугаган бўларди, — деди Маньера.

— Бе, гренадерлар буни хаёлга ҳам келтиришмаган. Қўрқишишган, холос. Офицерларнинг бари асилизодалардан эди-да.

— Баъзи бир офицерлар бир ўзлари жангга киришди.

— Сержант иккита офицерни бош тортганликлари учун отиб ташлади.

— Баъзи оддий солдатлар ҳам жангга киришувди.

— Буларни отишга ўнинчи одам ажратиладиган сафга киритишмаган.

— У ерда менинг ҳамشاҳаримни отиб ташлашди,
— деди Пассини. — Баланд бўйли, келишган йигит эди,
қўйиб қўйган гренадер дейсиз. Римдан бери кел-
масди. Ёнидан ойимчалар аrimасди. Доим караби-
нерлар билан бирга юрарди. — У кулди. — Энди бўлса
уйининг эшигига миљтиқ кўтарган соқчи қўйиб қўйи-
шибди, ҳеч ким унинг онаси, отаси, опа-сингила-
рини бориб кўриши мумкин эмас, отасини бўлса,
барча фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилишди,
ҳатто сайловда ҳам қатнашолмайди. Қонун ҳам энди
уларни ҳимоя қилмайди. Истаган одам келиб, кўнгли
тусаган нарсасини олиб кета олади.

— Оиласининг боши мана шундай маломатга қоли-
шидан қўрқмаганда, ҳеч ким жангга кириб ўтиrmас-
ди.

— Албатта-да. Альп ўқчилари эса жангга кириша-
верган бўларди. Виктор-Эммануилнинг полки ҳам.
Берсальерлар ҳам.

— Берсальерлар ҳам думини кўрсатган пайтлар
бўлган. Ҳозир буни эслагилари келмайди.

— Сиз бекор бизни валақлашимизга йўл қўйяпсиз,
tenente. Evviva l'esercito!²⁴ — истеҳзоли қўшиб қўйди
Пассини.

— Мен бундай гапларни эшитганман, — дедим мен.
— Бироқ ҳамонки сиз рулда ўтириб, ўз ишингизни
бажараётган экансиз...

— ...ва бошқа офицерлар эшитмайдиган қилиб се-
кин гаплашаётган экансиз, — деб тугатди Манъера.

— Урушни охирига етказиш керак деб ҳисоблай-
ман, — дедим мен. — Бир томон жангдан воз кечгани
 билан уруш тамом бўлиб қолмайди. Урушмай қўйсак,
ҳолимиз бундан бешбаттар бўлади.

— Бундан бешбаттар бўлмайди, — деди одоб билан
Пассини. — Урушдан бешбаттарроқ нарса йўқ.

²⁴ Яшасин армия! (итал.).

- Мағлубият бешбаттар.
- Ундеймасдир, — деди Пассини ҳамон ҳурмат сақлаб. — Мағлубият нима ўзи? Хўш, уйга қайтамиз.
- Душман орқангиздан боради. Уйингизни олади. Опа-сингилларингизни олади.
- Унчаликмасдир, — деди Пассини. — Ўлибди-да, ҳар кимнинг ортидан борса. Ҳар ким ўз хонадонини ҳимоя қиласин. Опа-сингилларини эшикка чиқармасин.
- Сизни осишади. Сизни қўлга олиб, яна уруш қилгани жўнатишади. Санитар транспортига эмас, пиёдалар сафига.
- Ўлдими, ҳаммани осишса.
- Бегона давлат ўзи учун урушишга мажбур қилолмайди, — деди Маньера. — Биринчи жангнинг ўзидаёқ ҳамма қочиб кетади.
- Чехларга ўхшаб.
- Сиз мағлуб бўлиш нималигини ҳали яхши билмайсиз, шунинг учун ҳам бу сизга унчалик ёмон эмасга ўхшаб туюлади.
- Тепенте, — деди Пассини, — сиз бизга гапираверишга изн бергандай бўлдингиз. Мана, эшитинг бўлмаса. Урушдан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ. Биз санитар бўлимларда ўтириб уруш қанчалар даҳшатли нарса эканлигини тушуниб етмаймиз. Бунинг даҳшатини фаҳмлаб улгурганлар эса, унга қаршилик қилишга улгуромайдилар, чунки ақлдан озадилар. Ҳеч қачон ҳеч нарсани тушунмайдиган одамлар бўлади. Ўз офицерларидан кўрқадиган одамлар бор. Мана шундайлар билан урушни давом эттиришади.
- Мен уруш даҳшатли нарса эканлигини биламан, лекин биз уни охирига етказишимиз керак.
- Охири йўқ. Урушнинг охири бўлмайди.
- Йўқ, охири бўлади.
- Пассини бошини чайқади.
- Урушни фалабалар билан ютиб бўлмайди. Хўш, борингки Сан-Габрнелени олдик. Хўш, Карсо, Монфальконе ва Триестни олдик. Кейин-чи? Бугун анови

узоқ тоғларни күрдингизми? Хўш, сиз ўшаларнинг барини биз ололамиз дейсизми? Агар австрислар урушмай қўйса бошқа гап. Бир томон урушни бас қилиши керак. Нега биз қилишимиз мумкин эмас? Агар улар Италиягача боришса, ҳориб-чарчаб, орқага қайтиб кетишади. Уларнинг ўз юртлари бор. Шундоқ экан, ҳайронман, уруш қилмаса, куни ўтмайдими бу-ларнинг.

— Гапни қотирар экансиз.

— Ўйлајпмиз. Ўқияпмиз. Деҳқон эмасмиз. Биз ме-ханиклармиз. Бироқ деҳқонлар ҳам урушга ишона-диган аҳмоқлардан эмас. Бу уруш ҳамманинг жонига теккан.

— Мамлакатни калтафаҳм, ҳеч нимани тушунмай-диган синф бошқармоқда. Шунинг учун ҳам биз уру-шиб юрибмиз.

— Улар урушдан яна давлат орттироқдалар.

— Кўплари ҳатто бойий олмаяпти, — деди Пассини.

— Шунчалар бефаросат улар, қўлларидан бошқа иш келмагани учун шундай қилишмоқда. Тентакликдан.

— Бўлди, бас, — деди Маньера. — Тилимизга жуда эрк бериб юбордик, tenente ҳам хафа бўлиши мумкин.

— Гапимиз унга ёқяпти, — деди Пассини. — Биз уни ўз томонимизга тортамиз.

— Лекин ҳозирчалик етади, — деди Маньера.

— Нима бўлди энди, овқат беришармикан, tenente? — сўради Гавуцци.

— Ҳозир билиб келаман, — дедим мен. Гордини ўрнидан туриб, мен билан чиқди.

— Балки, бирон нарса қилиш керакдир, tenente? Сизга ёрдам беролмайманми? — У тўртовлари ичida энг ювош, индамас одам эди.

— Истасангиз, мен билан юринг, — дедим мен, — нима гаплигини билиб келамиз.

Қоронги тушиб қолганди, прожекторларнинг узун тиллари тоғлар узра кезарди. Бизнинг фронтда юк машиналарига ўрнатилган каттакон прожекторлар

бор эди, гоҳо тунда фронт чизифи яқинидан ўтилганда, йўлдан чеккада турган мана шундай юк машинасини, прожекторни бошқараётган офицерни, кўрқиб ўтакаси ёрилган гуруҳни кўриш мумкин эди. Биз завод ҳовлисисдан ўтиб асосий боғлаш пунктига келдик. Кираверишда тепага шох-шаббалардан чоғроқ чайла ясад қўйилган эди, тунги шамол қуёшда қуриган баргларни шитирлатарди. Ичкари ёруғ эди. Бош врач яшикда ўтириб телефонда гаплашмоқда. Врачлардан бири менга ҳужум бир соатга кечиктирилганини айтди. У мени конъяқ ичишга таклиф қилди. Мен узунчоқ столларни, ёруғда ялтиллаб турган асбобларни, тослар ва пробкалари маҳкамланган шиша идишларни кўздан кечирдим. Гордини орқамда турган эди. Бош врач телефондан бўшади.

— Ҳозир бошланади, — деди у. — Кечиктирмайдиган бўлишибди.

Мен ташқарига қарадим, қоронги эди, австрис пројекторларининг нурлари бизнинг ортимиздаги тоғларда изғирди. Бир сония жимлик чўқди, сўнг орқамизда турган барча тўп-замбараклардан ўт очилди.

— Савойя, — деди бош врач.

— Овқат қани? — сўрадим мен. У эшитмади. Мен қайтардим.

— Ҳали обкелишгани йўқ.

Катта снаряд учиб ўтиб завод ҳовлисида портлади. Яна биттаси ёрилди, портлаш шовқинида ғишт парчалари ва майда-чуйда нарсалар пастга ёмғирдай ёғилгани эшитилди.

— Еб олишга бирон нарса топиладими?

— Бир озгина pasta asciutta²⁶ бор, — деди бош врач.

— Ейдиган бўлса беринг.

Бош врач санитарга нимадир деб айтди, у уйнинг ичкари томонига кириб кетди-да, у ердан совиб қол-

²⁶ Макарон овқат (итал.).

ган макарон овқат солинган металл идиш күтариб чиқди. Мен уни Гординига бердим.

— Пишлоқ йўқмикан?

Бош врач санитарга тўнфиллаб бир нима деди, у яна ичкарига шўнғиб, чорак доира оқ пишлоқ олиб чиқди.

— Раҳмат, — дедим мен.

— Ҳозир ташқарига чиқмай қўя қолинглар. Ташқариди эшик олдига ниманидир қўйишиди. Уни олиб келган санитарлардан бири ичкарига қаради.

— Олиб киринг бу ёқقا, — деди бош врач. — Қани, нима бўлди? Нима, ўзимиз чиқиб бу ерга олиб кирайликми, а?

Санитарлар ярадорни қўлтифи ва оёғидан күтариб ичкарига олиб киришди.

— Енгини кесинглар, — деди бош врач.

У қўлида бир парча дока ҳамда пинцет ушлаб турган эди. Бошқа икки врач шинелларини ечишди.

— Боринглар, — деди бош врач санитарларга.

— Юринг, tenente, — деди Гордини.

— Ўт очиш тўхтамагунча чиқмасанглар бўларди, — деди бизга қарамасдан бош врач.

— Одамлар очқашган, — дедим мен.

— Хўп, ўзларинг биласизлар.

Заводнинг ҳовлисига чиқа солиб, чопа кетдик. Шундоқ қирғоқда снаряд портлади. Бошқасининг учуб келаётганлигини ёнимизда ёрилмагунча пайқамай қолдик.

Икковимиз ҳам ўзимизни ерга отдик ва тўполон-қасирға ичиди осколкаларнинг чийиллашини, гиштарни шатирлаб тушишини эшийтдик. Гордини оёққа қалқиб блиндаж томон чопиб кетди. Мен сарғиш чангга беланган пишлоқни күтариб унинг орқасидан чопдим. Блиндажда учала шофёр ҳамон чекиб ўтиришарди.

— Мана сизга, ватанпарварлар, — дедим мен.

— Машиналар қалай? — сўради Манъера.

— Жойида, — дедим мен.
— Кўрқдингизми, tenente?
— Шундан бўлди, — дедим.

Мен пичофимни чиқариб, очдим-да, тифини артиб, пишлоқнинг уст қаватини қириб ташладим. Гавуцци менга макарон солинган тогорани узатди.

— Сиз бошлаб беринг.
— Йўқ, — дедим мен. — Ерга қўйинг. Биргалалишб еймиз.

— Санчқимиз йўқ,
— Йўқ бўлса бўлар, — дедим инглизчалаб.

Мен пишлоқни бўлак-бўлак қилиб кесиб макароннинг устига ташлаб қўйдим.

— Олинглар, — дедим. Улар яқинроқ суримишиб, кутиб туришди. Мен макаронга қўлимни тиқиб кўтардим. Қўлимга елимга ўхшаб илашиб чиқди.

— Юқорироқ кўтаринг.

Мен қўлимни елкамга довур кўтарганимдагина макарон тогорадан узилди. Мен уни оғзимга солдим, кейинги учини лабим билан ушлаб, ичимга тортдимда, чайнай бошладим, кейин бир бўлак пишлоқ олиб, оғзимга солдим, орқасидан вино ҳўпладим. Винодан занг ҳиди келарди. Мен флягани Пассинига бердим.

— Расво, — дедим мен. — Флягада узоқ туриб қолибди. Мен уни машинада ёнимда олиб юрувдим...

Тўртовлари ҳам тогорага энгашганча, макаронларни сўриб ейишарди. Мен яна оғзимни тўлдириб олдимда, пишлоқдан тишлаб, вино ҳўпладим. Ташқарида нимадир гупиллаб қулади, ер зириллаб кетди.

— Тўрт юз йигирма миллиметрли ёки миномёт, — деди Гавуцци.

— Тоғларда бундай калибрли тўплар бўлмайди, — дедим.

— Уларда Шкода замбараклари бор. Мен снаряднинг чўнқирини кўрдим.

— У уч юз беш миллиметрлиги.

Овқатни давом эттирдик. Йўтал овози эшитилди, паровоз юриб кетгандай вишиллаган товуш чиқди, кейин ерни ларзага солиб портлаш бўлди.

— Блиндаж юзагина экан, — деди Пассини.

— Ана мановиси энди миномёт.

— Рост.

Мен пишлоқдан бир луқма тишлаб, вино ичдим. Шовқин-сурон ичидা қулоғимга йўтал овози чалинди, кейин чух-чух-чух-чух, деган овоз эшитилди, сўнг худди домна эшиги очилган каби нимадир ярақлаб кетди, кейин аввал оппоқ, сўнг борган сари қизил тусга кириб, қип-қизил, қип-қизил қуюндай бўлиб фувилаш, гумбурлаш садоси келди. Мен нафас олиб кўрай десам, нафас ололмадим, назаримда ўзлигимдан чиқиб, қуюн ичра учеб кетаётгандай, учеб кетаётгандай, учеб кетаётгандай эдим. Бир зумда борлигим пардай учеб, йўқ бўлиб кетди дедим, ўликдай бўлдим, ўлганнингдан кейин ҳеч гап бўлмайди деганлар хато қиласдилар, деб ўйладим. Кейин ҳавода суза бошладим, бироқ олдинга эмас, нуқул орқага кетиб қолардим. Сўлиш олдим, шунда мен ўзлигимга қайтганлигимни англадим. Ер титилиб кетганди, шундоқ бошимнинг олдида мажақланган ёғоч тўсин ётарди. Бошим қалтираб турарди, шунда кимнингдир йифлаётганини эшитдим. Кейин аллаким гўё қичқиргандай бўлди. Мен қимиirlай десам, қимиirlа этолмадим. Мен дарёнинг нариги томонида, бутун дарё бўйлаб милтиқ ва пулемётларнинг отишмасини эшитдим. Бир нарса қаттиқ шалоплади ва мен ёритувчи снарядларнинг осмонга учганини кўрдим, улар ёрилиб, ҳамма ёқ сутдай ёриб кетди, ракеталар учди, миналар портлади, мен буларни бир зум ичидা кўрдим. Кейин нақ ёнгинамда кимдир: «Mamma mia! О, mamma mia!»²⁷ — деди. Мен ўзимни ҳар томонга уриб, ниҳоят, оёғимни бўшатдим, ик-

²⁷ Онажон! (итал.).

кинчи томонга ағдарилиб, инграган кишини пайпас-лаб күрдим. Бу Пассини экан, құлым тегиши ҳамоноқ у чинқириб юборди. У оёғини мен томонга узатган қолда ётарди, үқтін-үқтін лип этиб тушган ёруғда унинг тиззадан юқориси мажақланған оёқлари күринарди. Бир оёғи чүрт узилған эди, иккінчісі эса пайларига ва шимининг увадаларига илиниб турар, дамбадам гүё ўзидан-ўзи ликір-ликір қилиб құярди. У ўз құлині тишлилаб туриб, инграрди: «O, mamma mia, mama mia!» — Кейин: «Dio te Salve, Maria Dio Te Salve Maria»²⁸

— Ё Исо, тезроқ жонимни ол! Христос, жонимни ол, Mamma mia, mama mia. Ё бокира биби Марям, жонимни ол. Чидолмайман. Чидолмайман. Чидолмайман. Ё Исо, ё биби Марям, чидай олмайман. О-о-о-о! Сүңг: «Mamma mia, mama mia!» деб хирқиради. Сүңг құлині тишилаганча жим бўлиб қолди, илиниб турган оёғи эса ҳамон қимирлаб турарди.

— Portaferti! — деб қичқирдим ҳовучимни оғзимга қилиб. — Portaferti!²⁹ — Мен Пассинига ёрдам берай деб, уриниб, ўрнимдан жилолмадим. Мен яна ҳаратат қилиб күрдим, бу сафар оёғим бир оз сурилгандай бўлди. Энди мен тирсагим билан сурила олардим. Пассини жим эди. Унинг ёнига ўтириб, френчимнинг тутгамарини ечдим-да, кўйлагимнинг баридан йиртиб олишга уриндим. Ҳадеганда йиртилавермади, шунда кўйлак четини тишим билан йиртдим. Шунда мен унинг обмоткаси бор эди-ю, деб эсладим. Мен жун пайпоқ, кийган эдим, лекин Пассини обмотка ўраб юрарди. Ҳамма шофёрлар шундай қилишарди. Бироқ Пассинининг бир оёғи қолганди. Мен обмотканинг учини топиб, бўшатаётганимда, унинг оёғини боғлаб ўтиришга ҳожат қолмаганлигини, Пассини ўлганлиги-

²⁸ Худо паноҳ бўлсин, Марям! (итал.).

²⁹ Замбил (итал.).

ни күрдим. Мен ўзимга ишонмай яна қарадим, у чиндан ҳам ўлган эди. Бошқа уч кишига нима бўлганлигини аниқлаш лозим эди. Туриб ўтиридим, шунда мијамда худди қўғирчоқнинг кўзи қимирлагандек, бир нарса чайқалиб кетди, кўзимдан ўт чиқди, деб ўйладим. Оёқларим иссиқ ва ҳўл бўлиб қолди, оёқ кийиммимнинг ичи ҳам иссиқ ва ҳўл бўлди. Мен ярадор бўлганимни пайқадим, энгашиб, қўлимни тиззамга қўйдим. Тиззам йўқ эди. Қўлим билан пастроқни пайпасладим, тиззам шу ерда эди, айланиб кетганди. Мен қўлимни қўйлагимга артдим, аллақаёқдан яна оппоқ ёруғ қуишиб кела бошлади, шунда оёғимга қарадим, этим жимирилаб кетди. «Худоё, — дедим, — омон-эсон бу ердан қутқар!» Лекин мен яна уч киши ҳам бўлиши кераклигини билардим. Шофёрлар тўрт киши эди. Пассини ўлди. Уч киши қолади. Аллаким қўлтиғимдан олди, яна кимдир оёғимдан кўтара бошлади.

— Яна уч киши бор эди, — дедим мен. — Биттаси ўлди.

— Мен Манъераман. Биз замбилга боргандик, топмадик. Тузукмисиз, *tenente*?

— Гордини билан Гавуцци қани?

— Гордини пунктда, ярасини боғлашяпти. Гавуцци оёғингиздан кўтариб турибди. Бўйнимдан ушлаб олинг, *tenente*. Оғир яраландингизми?

— Оёғимдан. Гординига нима бўлди?

— Арзимаган гап. Мина тушибди. Миномёт снаряди.

— Пассини ҳалок бўлди.

— Ҳа, ҳалок бўлди.

— Ёнгинамиизда снаряд портлаб, икковлари ҳам ўзларини ерга отишди, мен йиқилиб тушдим.

— Кечиринг, *tenente*, — деди Манъера. — Бўйнимдан ушлаб олинг.

— Сиз мени яна ташлаб юборасиз.

— Қўрқиб кетдик.

— Сизлар яраланмадингларми?

— Икковимиз ҳам яраландик, лекин енгил.

— Гордини машина ҳайдай оладими?

— Қийин-ов.

Пунктга боргунча улар мени яна бир марта ташлаб юборишиди.

— Аблаңлар! — дедим.

— Кечириңг, tenente, — деди Маньера. — Бошқа килмаймиз.

Боғлаш пункттида қоронғи ерда анча ярадорлар ётишарди. Замбил күттарған санитарлар кириб-чиқиб туришарди. Улар ўтиб кета туриб, дарпарданы күттарғанларида, менга ичкаридаги ёруғ күрінарди. Үлік-лар бир чеккага қўйилганди. Врачлар енг шимариб ишлашар, қассобга ўхшаб қонга беланишган эди. Замбил етишмасди. Баъзи ярадорлар инграшар, лекин кўпчилик жим ётмоқда эди.

Шамол кираверишда эшик соябони устига ташланған шохлардаги япроқларни шитирлатар, совуқ тун ёпирилмоқда эди. Санитарлар тинимсиз келиб туришар, замбилларни ерга қўйиб бўшатишарди-да, яна кетишарди. Пунктга келишимиз биланоқ Маньера фельдшерни бошлаб келди, у оёғимни боғлааб қўйди. Ярангиз тупроқ билан тўлиб кетгандан кам қон йўқотибсиз, деди у менга. Имкон бўлиши билан мени операцияга ётқизишаракан. У пункт биносига кириб кетди. Гордини машина ҳайдолмайди, деди Маньера. Унинг елкаси мажақданган, боши ёрилган. Яра қизифида оғриғи унча билинмай, ҳозир елкаси оғриқдан қотиб қолибди. Ҳозир анов гишт деворлардан бирида ўтирибди. Маньера ва Гавуцци ўз машиналарига ярадорларни ортиб жўнашди. Уларга яралари озор бермаётган эди. Иккитадан санитари бор учта инглиз машинаси келди. Менинг олдимга инглиз шофёрларидан бири келди, уни жуда мазаси қочиб қолган, ранги оқариб кетган Гордини бошлаб келди. Шофёр менга томон энгашди:

— Оғир яраландингизми? — сўради у. — Бу баланд бўйли, пўлат кўзойнак таққан киши эди.

- Иккала оёғимдан.
- Хавфли эмасдир, а. Сигарета чекасизми?
- Раҳмат.
- Иккита шофёрдан айрилибсиз, деб эшитдим?
- Ҳа. Биттаси ўлди, иккинчиси — сизни бошлаб келган одам.
- Расво бўлибди. Ёки уларнинг машиналарини биз олиб турайликми?
- Худди шуни сиздан сўрамоқчийдим.
- Бизда улар бузилиб-нетмайди, кейин қайтариб берамиз. Сиз икки юз олтинчидансиз-ку, а?
- Ҳа.
- Ажойиб ерга жойлашгансизлар. Сизни шаҳарда кўрганман. Менга сизни америкалик деб айтишди.
- Шундок.
- Мен инглизман.
- Наҳотки?
- Ҳа, инглиз. Сиз италян деб ўйладингизми? Бизнинг бир отрядимизда италянлар ҳам бор.
- Агар машиналаримизни олсангиз жуда соз бўларди, — дедим мен.
- Уларни сизга бузмай-нетмай, қандай бўлса шундай топширамиз. — У қаддини кўтарди. — Шофёргингиз сиз билан келишиб олишимни жуда илтимос қилди. — У Гординининг елкасига уриб қўйди. Гордини сесканиб тушиб, жилмайди. Инглиз италян тилида чала-чулпа сўзлай кетди:
- Бўлди, ҳаммаси жойида. Бошлиғинг tenente билан келишдик. Сизнинг иккала машинангизни оламиз. Энди ташвиш чекмасанг ҳам бўлади. — У сўзини бўлди. — Сизларни бу ердан олиб кетишнинг ҳам йўлини топиш керак. Ҳозир врачлар билан гаплашман. Кетаётганда сизларни ҳам олиб кетамиз.
- У ярадорлар орасидан оҳиста ўтиб, эшикка томон борди. Мен эшикка тутилган кўрпа кўтарилганини, ичкаридаги ёргуни, унинг ичкарига кирганини кўрдим.

— У сизни шундоқ қолдирмайды, tenente, — деди Гордини.

— Ўзингиз қалайсиз, Франко?

— Дуруст.

У ёнимга ўтириди. Шу пайт эшикнинг ёпинғичи кўта-рилиб, у ердан иккита санитар билан баланд бўйли инглиз чиқишиди. Одимга келишиди.

— Мана америкалик, tenente, — деди у италянчалаб.

— Мен кутиб туришим мумкин, — дедим мен. — Бу ерда мендан кўра оғирроқ ярадорлар бор. Аҳволим унчалик ёмонмас.

— Бўлди, бўлди, — деди у, — ўзингизни қаҳрамон қилиб кўрсатмай қўя қолинг. — Кейин италянчалаб деди: — Секин кўтаринглар, айниқса оёғини. Қаттиқ оғрияпти. Бу президент Вильсоннинг қонуний ўғли.

Улар мени кўтаришиб, пункт ичига олиб киришиди. Ҳамма столларда жарроҳлар ишламоқда эди. Кичкина бош врач бизга жаҳл билан ўгирилиб қаради. У мени таниди ва қўлидаги асбобларини силкиб қўйди.

— Ga va bien?³⁰

— Ga va.³¹

— Уни мен олиб келдим, — деди баланд бўйли инглиз италянчалаб. — Америка элчисининг ёлғиз ўғли. Қўлингиз бўшагунча шу ерда ёта турсин. Кейин мен биринчи қатновдаёқ уни олиб келаман. — У мен томонга эгилди. — Мен ҳужжатларингизни тўғрилашга бораман, шунда иш тезроқ кўчади. — У эшикдан энгашиб чиқиб кетди. Бош врач қисқичларни бўшатиб, тосга ташлади. Мен унинг ҳаракатларини кузатиб ётардим. Энди у боғлай бошлади. Кейин санитарлар ярадорни столдан олишиди.

³⁰ Қалай, дурустми? (франц.).

³¹ Дуруст (франц.).

— Америкалик тенентеи менга беринглар, — деди врачлардан бири.

Мени күтариб столга одилар. Стол қаттиқ ва сирғанчиқ эди. Ҳаво турли-туман ўткир ҳидларга тўла эди, дориларнинг ачимсиқ ҳиди, чучук қон иси келарди. Шимимни ечиб олишди, врач қўли ишдан бўшамай, айни чоқда фельдшер-ассистентга ёздира кетди:

— Чап ва ўнг сони, чап ва ўнг тиззаси, ўнг товонининг юза қисми яраланган ва шилинган. Ўнг тиззаси ва товонининг яраси чуқур. Бошида йиртма яралар бор (у зонд қўйиб кўрди: «Оғрияптими?» — «О-о-о, ярамас! Ҳа!»), бош суяги дарз кетган бўлиши эҳтимол. Жанговар вазиятда яраланган. Шундай десак, жуда бўлмагандан сизни жўрттага ўзини майиб қилган, деб дала судига беришмайди-ку, — деди у. — Бир қултум коњяк ичасизми? Қандай қилиб бу аҳволга тушдингиз? Ўзингизни ўлдирмоқчи бўлдингизми ё? Менга кўкшолга қарши дорини беринг-да, карточкасида иккала оёгини белгилаб қўйинг. Хўп, раҳмат. Ҳозир мен сал тозалаб юваман-да, боғлаб қўяман. Қонингиз тез қотар экан.

Ассистент қофоздан бошини кўтариб, сўради:

— Нимадан яраланган?

Врач:

— Нима қилиб яраландингиз?

Мен кўзимни юмид ётарканман, дедим:

— Мина тегди.

Ярамни азоб бериб ковлаётган врач теримни кеса туриб деди:

— Ростданми?

Индамай туриб беришга уриниб, тиф баданимни тилганда қорнимда қалтироқ турганини сезганча, дедим:

— Ростдан, шекилли.

Врач қизиқарли бир нарса топди, шекилли, деди:

— Душман миналарининг парчаси. Хоҳласангиз, мен зонд қўйиб бу томонни ҳам текшираман, лекин

бунинг кераги йўқ. Энди мен бу ерга дори суркаб қўяман ва... Нима, куйдиряптими? Буниси ҳолва. Ҳамма ҳунарини кейин кўрсатади. Ҳали оғриқ бошлангани йўқ. Унга конъяк беринг. Лат еганда оғриқ ўлгандай бўлади. Аммо барибир қўрқинчли ҳеч нима йўқ. Заҳарланиш рўй бермаса бўлгани, ҳозир бу ҳам кам учрайди. Бошингиз қалай?

— О, Худойим! — дедим.

— Унда кўп конъяк ичмаганингиз маъқул. Агар дарз кетган бўлса, яллигланиб кетиши мумкин, яхши бўлмайди. Нима, мана бу ерингиз оғрияптими?

Мен қора терга тушдим.

— О, Худойим! — деб юбордим.

— Афтидан, дарз борга ўхшаб қолди-ку. Мен ҳозир боғлайман, сиз бошингизни қимирилатманг.

У боғлашга тушди. Қўллари жуда чаққон ҳаракат қилар, қаттиқ ва маҳкам боғларди.

— Ана бўлди, оқ йўл ва Vive la France!³²

— У америкалик, — деди бошқа врач.

— Мен уни французми деб эшитибман. У французча сўзларкан, — деди врач. — Мен уни олдин ҳам билардим. Мен доим уни француз деб юрадим. — У ярим стакан конъяк ичди. — Хўп, қани жиддийроқларидан беринглар-чи ва кўкшол дорисидан тайёрланг. — У менга кўл силкиб қолди. Мени кўтариб олиб кетишиди; дарпарда ўрнига тутилган кўрпа юзимдан сирғалиб ўтди. Мени жойлаштиришгач, фельдшер-ассистент, ёнимга тиз чўқди.

— Фамилиянгиз, — оҳиста сўради у. — Испингиз? Ёшингиз? Унвонингиз? Туғилган жойингиз? Қайси қисмдан? Қайси корпусдан? — ва ҳоказо. — Бошингга ҳам шикаст егани яхши бўлмабди, tenente. Лекин энди сал дуруст сезаётгандирсиз ўзингизни. Сизни инглиз санитар машинаси билан жўнатаман.

³² Яшасин Франция! (франц.).

— Аҳволим яхши, — дедим мен. — Сиздан фоят миннатдорман.

Врач айтган оғриқ бошланди, атрофимда рўй беряётган ҳамма нарса ўз маъносини йўқотди. Кўп ўтмай инглиз машинаси келди, мени замбилга солиб, замбилни кузов билан баравар қилиб кўтаришди-да, ичкарига суриб киритиши. Ён томонда бошқа замбиллар ҳам бор экан, шу ерда бутун юзи боғлаб ташланган, фақат шамдай қотган бурнигина кўриниб турган киши ётарди. У оғир нафас оларди. Яна иккита замбилни кўтаришиб тепадаги тасма ҳалқаларига ўрнатиши. Баланд бўйли инглиз шофёр келиб, дарчадан қаради.

— Мен оҳиста юраман, — деди у. — Сизни безовта қиласликка ҳаракат қиласман. Мен моторнинг гурилаганини, шофёрнинг олдинги ўриндиққа ўтирганини, тормозни ўчириб, тезлик олганини ҳис қилиб ётдим. Йўлга тушдик. Мен қимир этмай, оғриққа таслим бўлиб ётардим.

Йўл юқорилай бошлагач, машина тезлигини камайтириди, баъзан у тўхтаб қолар, баъзан бурилишда орқага тисарилар, ниҳоят, тоқقا томон тезгина юриб кетди. Назаримда, устимдан нимадир оқиб тушаётгандай бўлди. Аввал ора-сира томчилаб турди, кейин сизилиб оқа бошлади. Мен шофёрни чақирдим. У машинани тўхтатиб, орқа ойнадан қаради.

— Нима бўлди?

— Тепамдаги ярадордан қон оқяпти.

— Довонга озгина қолди. Бир ўзим замбилни ололмайман.

Машина яна йўлга тушди. Қон ҳамон оқарди. Қоронғида мен у презентнинг қаеридан ўтаётганлигини билолмадим. Мен устимга тушмасин деб, четроққа сурилишга уриндим. Кўйлагимнинг орқасига оқиб тушган жойим иссиқ ва пилч-пилч бўлиб қолди. Мен жунжикдим, оёғим шу қадар қаттиқ оғрирдики, азбаройи кўнглим озиб қолай дерди. Сал ўтгач, қон

камроқ оқа бошлади, кейин яна томчилашга тушди, мен замбилинг брезенти қимирлаб қолганини күрдим, у ердаги одам қулайроқ ётмоқчига ўхшарди.

— Қалай энди? — сўради инглиз орқасига қараб. — Етай деб қолдик.

— Менимча, у ўлганга ўхшайди, — дедим. Томчилар жуда секин узилиб тушарди, қуёш ботгач, сумалакдан томчи шундай тушади. Машина тун қўйнида тоққа кўтарилиб борар, совуқ эди. Постда санитарлар замбилларни чиқаришиб, бошқаларини қўйишиди, биз йўлда давом этдик.

Ўнинчи боб

Дала госпиталининг палатасида менга пешиндан кейин одам қўргани келишини айтишиди. Кун иссиқ, хона пашша билан тўла эди. Вестовой қофозни узунузун қилиб қирқди-да, ёғоч чўпга боғлаб, пашшаларни ҳайдади. Мен уларнинг шифтга ўтиришларини томоша қиласман. У кувишдан тўхтаб, ухлаб қолгач, уларнинг бари пастга фувиллаб тушишиди, мен ҳайдаб кўрдим, алоҳа бўлмагач, юзимни қўлим билан беркитиб, ухлаб қолибман. Кун жуда исиб кетди, уйғонганимда, оёқларим қичишарди. Мен вестовойни уйғотдим ва у яраларимга минерал сув қўйди. Бундан ўрним нам ва салқин бўлиб қолди. Уйғоқ ётганлар палатани бошларига кўтариб гаплашишарди. Тушлиқдан кейин вақт жуда осойишта ўтарди. Эрталаб учта санитар билан бир врач ҳар бир каравот олдига келишиб, ётган одамни турфизиб, боғлаш пунктига олиб кетишарди, унинг яраларини қайта боғлаб бўлгунча ўринларини ҳам йиғиштириб қўйишишарди. Боғлаш хонасига ҳеч ким жон деб боргиси келмасди, албатта, лекин у пайтда мен кишини ётган жойидан турфизмасдан ҳам ўрнини тузатиб қўйиш мумкинлигини билмасдим. Вестовой бор сувни қуйиб бўлгач, ўрним муздек ва ёқимли бўлиб қолди, мен қичишни тўхтатиш учун оёғимнинг

қаерини уқалашни вестовойга кўрсатиб турганимда, врачлардан бири палатага Ринальдини олиб кирди. У шитоб билан кириб, каравотга энгашди-да, мени ўпди. Мен у қўлқоп кийганини пайқадим.

— Хўш, ишлар қалай, бэби? Тузукмисиз? Манави сизга... — Унинг қўлида конъяк бор эди. Вестовой унга стул келтирди, у ўтирди. — Яна бир хушхабар ҳам бор. Сизни мукофотга тақдим қилишди. Кумуш медаль бўлади деяверинг, лекин, балким, бронзага айланиб қолиши ҳам мумкин.

— Нимага медаль?

— Сиз ахир оғир яраландингиз. Агар сиз жасорат кўрсатганингизга ишонтиrolсангиз, кумуш оласиз, деб айтишмоқда. Бўлмаса, бронза экан. Менга бошидан бошлаб айтиб беринг. Жасорат кўрсатдингизми?

— Йўқ, — дедим мен. — Мина портлаган пайтда мен пишлоқ еб турувдим.

— Жинни бўлманг. Сиз ундан олдинроқ ёки кейинроқ бир қаҳрамонлик кўрсатган бўлишингиз керак, албатта. Яхшилаб эслаб кўринг.

— Ҳеч вақо кўрсатмадим.

— Ярадор бўла туриб ҳеч кимни елкангизда олиб чиқмадингизми? Гордини, сиз елкангизда бир нечта одамни олиб чиқдингиз, деяпти, лекин бош врачи ақлга тўғри келмайди, демоқда. Мукофотга тавсия қоғозига у қўл қўйиши керак.

— Мен ҳеч кимни олиб чиқмадим. Мен қимир этол-масдим.

— Бунинг аҳамияти йўқ, — деди Ринальди. У қўлқопни ечди.

— Нима бўлганда ҳам, биз кумуш бўлишига ҳаракат қиласиз. Балким, сиз тиббий ёрдамни бошқаларга олдинроқ кўрсатинглар дегандирсиз?

— Бу гапда унчалар қаттиқ турганим йўқ.

— Аҳамияти йўқ. Яраланганингиз-чи? Мардоналик қилиб мени олдинги маррага юборинглар, деб туриб олганингиз-чи? Бунинг устига жангда голиб чиқдик.

— Демак, дарёдан кечиб ўтибмиз-да?

— Кечиб ўтганда қандоқ! Мингга яқын асир олиши-ди. Ахборотда шундай дейилган. Сиз уни ўқимадин-гизми?

— Йүк.

— Сизга олиб келиб бераман. Бу ажойиб Coup de main.³³

— Ўзингизнинг ишларингиз қандай?

— Зўр. Ҳаммаси яхши. Ҳаммалари сизга қойил қолишяпти. Нима бўлганини менга сўйлаб беринг-чи? Сиз кумуш олишингизга ишонаман. Қани, бошланг. Бир бошдан айтиб беринг. — У ниманидир мулоҳаза қилиб, жимиdi. — Балки, сиз яна инглиз медали ҳам олишингиз мумкин. У ерда бир инглиз ҳам бўлган экан. Мен у билан учрашиб, сиз ҳақингизда керакли жойда икки оғиз сўзлаб бера олармикин, сўраб кўраман. Қиламан деса, қўлидан келади. Қаттиқ оғрияптими? Олинг, ичинг. Вестовой, шиша очадиганни олиб кeling. Мен бир одамнинг уч метр ингичка ичагини қандай олиб ташлаганимни бир кўрсангиз эди. Буни «Ништар»га ёзса арзирди. Сиз таржима қилиб берсангиз, «Ништар»га жўнатган бўлардим. Кундан-кунга янги нарса ўрганяпман. Шўрлик бэби, кайфиятингиз дурустми ўзи? Шиша очадиган йўқ бўлиб кетдими нима бало? Сиз сабр қилиб, жимгина ётганингиз учун мен ярадорлигингизни унутиб қўйяпман. — У қўлқопини каравот четига урди.

— Мана очадиган, Signor tenente, — деди вестовой.

— Шишани очинг. Стакан олиб кeling. Ичинг, бэби. Бошингиз тузукми? Мен касаллик тарихини кўрдим. Миянгизда дарз йўқ. Биринчи постдаги ўша врач нима-ю мол дўхтир нима, барибир. Мен шундай қилган бўлардимки, сиз ҳатто сезмай қолардингиз. Мен

³³ Зарба, босқин (франц.).

жуда беозор даволайман. Шунга ҳаракат қиласаман. Кундан-кунга қўлим енгил бўлиб, ишим яхши қовушяпти. Мени маъзур тутинг, бэби, кўп вайсаб юборяпман. Жиддий жароҳатланганингиздан кўнглим бузилиб турибди. Қани, ичинг. Яхши конъяк. Бир шишаси ўн беш лир. Яхши бўлса керак. Беш юлдузли. Шу ердан тўғри инглизнинг олдига бораман, у сизга инглиз медали олиб беради.

— Уни олиш осон эмас.

— Сиз гоятда камтаринсиз. Мен алоқа офицерини юбораман. У инглизларнинг тилини билади.

— Сиз мисс Барклини кўрмадингизми?

— Уни бу ерга олиб келаман. Мен ҳозироқ бориб, уни бошлаб келаман.

— Кетманг, — дедим мен. — Менга Гориция ҳақида гапириб беринг. Ойимчалар қалай?

— Ойимчалар йўқ. Икки ҳафта бўлди, уларни алмаштиришмади. Мен у ерга бораётганим йўқ. Қипқизил расволик! Улар энди ойимтила эмас, жанговар ўртоқ бўлиб қолишди.

— Бутунлай бормай қўйдингизми?

— Фақат баъзан бирон янги гап бормикин, деб кириб ўтаман. Шунчаки йўл-йўлакай! Улар сизни сўраб қўйишмайди. Қип-қизил расволик. Шунчалик узоқ қолиб кетишлини, дўстлашиб қоляпмиз.

— Балким, фронтга борадиган талабгорлар бошқа топилмаётгандир?

— Ундаймас. Ойимчалар истаганча топилади. Ташкилоти ярамайди. Уларни фронт ичкарисидаги қаҳрамонларга сақлаб ўтиришибди.

— Шўрлик Ринальди! — дедим мен. — Урушда ёлғиз сўқир боши билан қолибди, унга ҳатто эрмакка янги ойимчалар ҳам йўқ.

Ринальди ўзига ҳам конъяк қўйди.

— Бу сизга зиён қилмайди, бэби. Ичинг.

Мен конъякни ичиб, бутун аъзойи баданимга иссиқлик югураётганини ҳис қилиб турдим. Ринальди яна

қүйди. Унинг кўнгли бир оз ўрнига тушди. У ўзининг стаканини кўтарди: — Сизнинг шавкатли жароҳатларингиз учун! Кумуш медаль учун! Айтинг-чи, бэби, узун кун бунақа иссиқда ётиш жонингизга тегмадими?

— Тегяпти.

— Мен бунақасини хаёлимга ҳам келтиролмайман. Жинни бўлиб қолардим.

— Ҳалиям соғмассиз.

— Тезроқ тузалинг-да, ишқилиб. Тунги саргузаштлардан сўнг уйга якка қайтгиси келмайди одамнинг. Ҳазилвонинг йўқ. Қарз бериб турадиганинг йўқ. Ҳамхонам ва тутинган биродарим йўқ. Шу бош оғрифи жароҳатларни орттирумасангиз, камайиб қолармидингиз?

— Руҳонийнинг қитирига тегмаяпсизми?

— Қўйинг шу руҳонийни! Мен унга ҳеч тегажофлик қилмайман. Капитан ҳазиллашади. Руҳоний яхши одам. Сизга руҳоний керак бўлса, бизникини ола қолинг. У сизни йўқлаб келмоқчиди. Олдиндан тайёрланиб юрибди.

— Мен уни жуда яхши кўраман.

— Биласан. Менга баъзан сиз у билан сал ҳалигиндақа бўлиб кўринасиз. Биласиз-ку, ўзингиз.

— Бекорларни айтибсиз.

— Рост айтаяпман.

— Бўлмағур гап!

У ўрнидан туриб, қўлқопини кийди.

— Сизга азоб беришни бунча яхши кўраман-а, бэби. Бундоқ қараганда, руҳонийга ва инглиз қизга бўлган муносабатларингиздан қатъи назар, сиз дилингизда худди менга ўхшайсиз.

— Ундей эмас.

— Ўхшайсиз, дедимми, ўхшайсиз. Сиз чинакам итальянсиз. Турган-битганингиз олов билан тутун, ичингизда эса ҳеч вақо йўқ. Сиз фақат ўзингизни америкаликка оласиз. Биз сиз билан оға-иниdexмиз, бирбири мизни яхши кўрамиз.

- Мен йўғимда ақлли бола бўлинг, — дедим мен.
- Сизнинг олдингизга мисс Барклини юбораман, Мен бўлмасам у билан ёзилиброқ гаплашасиз. Сиз маъсумроқ ва дилбарроқсиз.
- Бўлмагур гап!
- Юбораман уни. Сизнинг гўзал ва совуқ илоҳангизни. Инглиз илоҳасини. Ё Раб, бундай аёлга таъзим қилмоқдан ўзга не чоранг бор? Инглиз аёли шундан бошқа яна нимага ҳам ярарди?
- Сиз нодон, вайсақи дагосиз.
- Ким?
- Нодон макаронхўр.
- Макаронхўр. Ўзингиз макаронхўр... юзини совуқ урган макаронхўрсиз.
- Нодон. Калтафаҳм. — Мен бу сўз уни чақиб оланлигини кўриб, давом этдим: — Маданиятсиз, оми. Ўқимаган, фаросати йўқ.
- Ҳали шундайми? Бўлмаса, сизга фаришта қизларингиз ҳақида бир гап айтиб-бераёки. Илоҳаларингиз ҳақида. Бокира қиз билан хотин орасидаги фарқ битта. Қиз билан бўлганингда, у оғриқ сезади, холос. Бошқа гап йўқ, — У қўлқопини каравотга урди. — Шуниси ҳам борки, қиз билан бўлганингда, бу унга ёқадими, ёқмайдими, билолмайсан.
- Жаҳлингиз чиқмасин.
- Жаҳлим чиқаётгани йўқ. Мен буни сизнинг фойдангиз учун айтаяпман, холос, бэби. Сизни ортиқча даҳмазадан қутқармоқчиман.
- Ҳамма фарқи шундагинами?
- Ҳа. Аммо сизга ўхшаган миллионлаб аҳмоқлар буни билишмайди.
- Буни менга айтиб қўйганлигингиж яхши бўлди.
- Қўйинг, уришмайлик, бэби. Мен сизни жуда яхши кўраман. Жиннилик қилиб юрманг.
- Хўп. Мен сизга ўхшаб ақлли бўламан.
- Жаҳлингиз чиқмасин, бэби. Қовоғингизни очинг. Яна ичинг. Энди мен борай.

- Бари бир сиз ажайибсиз.
- Ана күрдингизми. Дилингизда худди ўзимсиз. Биз уруш топиштирган қардошлармиз. Хайрлашмай туриб, мени ўпиб қўйинг.
- Суюлиб кетдингиз.
- Ундеймас. Сал кўпроқ отиб қўйдим, чофи. Юзимга унинг нафаси урилди.
- Кўришгунча, хайр. Мен тезда яна келаман. — Унинг нафаси юзимдан йироқлашди. — Ўпишмасангиз, майли, кераги йўқ. Олдингизга инглизингизни юбораман. Хайр, бэби. Конъяк каравот тагида. Тезроқ тузалиб чиқинг.
- У фойиб бўлди.

Ўн биринчи боб

Кашиш киргандা, шом қоронфиси тушиб қолганди. Хўрда бериб, тақсимчаларини йифишириб олишганди, мен қатор қўйилган каравотларга, дераза ортида дарахтнинг кечки шабадада чайқалиб турган тепасига қараб ётардим. Шабада деразадан ичкарига ҳам ўтмоқда эди, кеч кириши билан салқин тушди. Пашшалар энди уйнинг шифти ва шнурда осилиб турган электр чироқларга мўрмалаҳдек ёпишиб олишди. Чироқни кечаси бирон ярадор келиб қолса ёки палатада иш чиқиб қолсагина ёқишарди. Шом киргач, тезда қоронфи тушганлигидан ва то эрталабгача ёруғни кўрмаганлигимдан, назаримда, ўзимни яна гўдак бўлиб қолгандай ҳис қиласдим. Худди кечки овқатни еб бўлишинг биланоқ сени кўрпага ётқизишадигандек эди. Вестовой каравотлар орасидан ўтиб тўхтади. Унинг ёнида яна кимдир бор эди. Бу кашиш эди. Қорачадан келган, ўрта бўйли бу одам қаршимда тортингансимон бўлиб турарди.

— Қалай, тузукмисиз? — сўради у. Шундоқ ўриннинг олдига, полга у аллақандай ўроғлик нарсаларни қўйди.

— Яхши, отахон.

У боя Ринальдига олиб келинган стулга ўтирди ва кўзини деразага олиб қочди. Башарасидан ҳоргин кўринарди.

— Бир зумга кирдим, — деди у. — Кеч бўлиб қолди.

— Ҳали вақтли. У ёқда ишлар яхшими?

У жилмайди.

— Ҳамон мени эрмак қилишади. — Унинг овози ҳам ҳоргин эшитиларди. — Худога шукр, ҳамма соғ-саломат. — Дардингиз енгил кўчганидан хурсанд бўлдим, — деди у. — Қаттиқ оғримаяптими?

У фоятда ҳолдан тойган каби кўринарди, мен уни бу аҳволда биринчи кўриб туришим эди.

— Ҳозир унчаликмас.

— Сизнинг йўғингиз менга жуда билиняпти.

— Ўзим ҳам тезроқ қайта қолсам дейман. Сиз билан суҳбатлашишни соғиндим.

— Сизга майда-чуйда олиб келдим, — деди у. — У поддан ўроғлик нарсаларни олди. — Манави чивиндан сақданадиган тўр. Бу вермут. Сиз вермутни яхши кўрасизми? Манавилар инглиз газеталари.

— Қани очиб кўрсатинг-чи.

У хурсанд бўлиб, ўрамларни еча бошлади. Мен қўлимга чивиндан сақлайдиган тўрни олдим. У менга кўрсатиш учун шишани кўтариб, яна ўрин олдидағи столга қўйди. Мен ўрам ичидан битта газетани олдим. Газетани деразадан тушаётган фира-шира ёруқقا солиб, сарлавҳасини ўқий олдим. Бу «Ньюос оғ уорлд» эди.

— Бошқалари — суратли варақлар, — деди у.

— Жоним билан ўқиб чиқаман. Қаердан олдингиз?

— Местерга одам юбориб олдириб келтирдим. Яна топиб бераман.

— Йўқлаб келганингиздан бошим осмонга етди, отахон. Вермут ичмайсизми?

— Раҳмат, ичмайман. У сизга.

— Йўқ деманг, ичинг.

— Хўп, майли. Келаси сафар яна обкеламан.

Вестовой стаканлар келтирди ва шишанинг оғзини очди. Пўкаги майдаланиб кетиб, қолганини шиша ичига тушириб юборишга тўғри келди. Руҳоний бундан хафа бўлганини кўрдим, лекин у:

— Майли, ҳечқиси йўқ, — деди.

— Сизнинг саломатлигингизга, отахон.

— Сизнинг соғлигингиз учун.

Кейин у стаканни қўлида ушлаб турди ва биз бирбиrimizga тикилиб қолдик. Дўстона суҳбат қуриш учун хўб уриниб кўрдим, лекин нима учундир бугун гап қовушмасди.

— Тинчликми ўзи, отахон. Жуда чарчаган кўринасиз.

— Мен чарчадим, лекин чарчашиб ҳақим йўқ.

— Бу иссиқдан.

— Йўқ. Ҳали баҳор-ку. Ичимга чироқ ёқса ёримайди.

— Уруш жонингизга тегдими?

— Йўқ. Лекин уни кўрарга кўзим йўқ.

— У менга ҳам ёқинқирамайди, — дедим мен. У бошини чайқаб деразага қаради.

— У сизга ҳалал бермайди. У сизга кўринмайди.

Маъзур тутинг. Биламан, сиз яралангансиз.

— Тасодифан.

— Барибир сиз яраланиб ҳам урушни кўрмайсиз. Мен бунга аминман. Ўзим ҳам уни кўрмайман, лекин мен уни бир оз ҳис қиласман.

— Мен яраланган маҳалимда, биз уруш ҳақида гаплашиб турган эдик. Пассини гапириб турган эди.

Кашиш стаканни қўйди. У аллақандай бошқа бир нарсани ўйламоқда эди.

— Мен уларни тушунаман, чунки ўзим ҳам уларнинг бириман, — деди у.

— Аммо сиз бутунлай бошқачасиз.

— Лекин аслида худди уларга ўхшайман.

— Офицерлар ҳеч нимани қуришмайди.

— Ҳаммасимас. Жуда зукколари бор, уларга бизга қараганда ҳам оғирроқ.

— Унақалари күп эмас.

— Бунда гап таҳсил күрганлиги ёки пулда ҳам эмас. Бу ерда бошқа гап бор. Пассинига ўхшаган одамлар ўқимишли бўлиб, пулдор бўлган чоғида ҳам офицер бўлишга розилик бермасди. Мен офицер бўлишни истамасдим.

— Унвонингиз бўйича сиз офицерсиз. Мен ҳам офицерман.

— Йўқ, бунинг фарқи бор. Сиз ҳатто италян эмасиз-ку. Сиз чет мамлакатнинг фуқаросисиз. Аммо сиз оддий аскарлардан кўра офицерларга яқинроқсиз.

— Бунинг фарқи нимада?

— Тушунтириб беришим қийин. Урушга талабгор бўлиб турган одамлар бор. Бизнинг мамлакатимизда бундайлар кўп топилади. Урушни истамайдиган одамлар бор.

— Бироқ олдингилари буларни мажбур қиласди.

— Ҳа.

— Мен эса бунга ёрдам беряпман.

— Сиз чет эл одамисиз. Кўнгиллисиз.

— Бояги урушни истамайдиганлар-чи? Улар урушнинг олдини ололадиларми?

— Билмайман.

У яна деразага қаради. Мен унинг юзи ўзгарадими, йўқми — қараб туардим.

— Ахир улар бирон марта урушга тўсқинлик қилолганмилар?

— Улар бирлашишмаган, шунинг учун ҳеч нарсага тўсик бўлишолмаган, бирлашган чоғларида эса, йўлбошчилари уларни сотиб қўймоқда.

— Демак, умид йўқ?

— Умидсиз шайтон. Лекин, айтайлик, мен умид қилолмаслигим мумкин. Мен доим умид қилгим келади, бироқ баъзан умидим узилади.

— Лекин уруш ахир бир кун тугайди-ку?

- Умидим бор.
— Ўшанда нима қиласиз?
— Мумкин бўлса Абруццига қайтаман.
Шунда унинг қорача юзи қувончдан ёришиб кетди.
— Сиз Абруццини яхши кўрасизми?
— Ҳа, жуда севаман.
— Ана ўша ерга боринг.
— Жон-жон деб борардим-а. У ерда яшаб, Худога сифиниб, унга хизмат қилишнинг ўзи баҳт-ку.
— Ҳурмат-эътибор қозониш ҳам, — дедим мен.
— Ҳа, ҳурматга сазовор бўлиш ҳам. Нима бўпти?
— Ҳеч нима. Сиз бунга тўла сазоворсиз.
— Гап ундумас. У ерда, мен туғилган ерларда, ўзини Худога бағишлиашни табийи бир нарса деб билишади. Бу ярамас масхарабозлик эмас.
— Тушунаман.
У менга қараб кулимсиради.
— Тушуниб турасиз-у, лекин Худони сўймайсиз.
— Йўқ.
— Сира сўймайсизми? — сўради у.
— Баъзан кечалари ундан қўрқаман.
— Сиз уни сўйсангиз бўларди.
— Мен айтарли ҳеч кимни сўймайман.
— Йўқ, — деди у. — Ёлғон. Сиз менга сўзлаб берган тунлар-чи. Бу муҳаббат эмас. У ҳирс ва шаҳватнинг ўзи, холос. Агар сўйсанг, муҳаббатинг ҳақи, бирон нарса қилгинг келади. Фидо бўлсам дейсан. Кўйида юрсам дейсан.
— Мен ҳеч кимни сўймайман.
— Сиз севиб қоласиз. Мен биламан, сиз севиб қоласиз. Ўшанда сиз баҳтиёр бўласиз.
— Ҳозир ҳам баҳтиёрман. Доим баҳтиёрман.
— Бу бошқа нарса. Сиз бошингизга тушгунча бу нинг нималигини англамайсиз.
— Яхши, — дедим мен, — агар бирон бир кун келиб, мен буни бошдан кечирсам, сизга айтаман.

— Мен сиз билан узоқ ўтириб қолдим, кўп гапириб юбордим, — у типирчилаб қолди.

— Йўқ. Кетманг. Хотин кишини севиш-чи? Агар мен аёл кишини севиб қолсам ҳам, шундай бўлармиди?

— Мен буни билмайман. Мен биронта ҳам аёлни севган эмасман.

— Онангизни-чи?

— Ҳа, онамни севганман, эҳтимол.

— Сиз доимо Худони севганмисиз?

— Болалигимдан бери.

— Хўш, — дедим мен. Нима дейишни билмай қолдим. — Сиз ҳали жуда ёшсиз.

— Мен ёшман, — деди у. — Бироқ сиз мени отахон деб чақирасиз.

— Одоб юзасидан.

У кулимсиради.

— Ростдан ҳам мен боришим керак, — деди у. — Сизга бирон нарса керак эмасми? — сўради у бир умид билан.

— Йўқ. Гаплашиб турсак, кифоя.

— Бизникиларнинг барига сиздан салом айтаман.

— Совгаларингиз учун раҳмат.

— Арзимайди.

— Яна келинг.

— Келаман. Кўришгунча. — У қўлимга уриб қўйди.

— Хайр, — дедим мен лаҳжада.

— Ciao, — қайтарди у.

Хона қоп-қоронғи эди, боятдан бери каравотнинг оёқ томонида ўтирган вестовой ўрнидан туриб, уни кузатгани чиқди. Кашиш менга жуда ёқарди, шунинг учун унинг Абруццига қайтиш тилаги юзага чиқишини истардим. Офицерлар емакхонасида уни ҳол-жонига қўйишмас, у буни кўнглига оғир олмасликка тиришарди, бироқ мен у ўз юртида ўзини қандай тутиши устида ўйлардим. Капракоттада, деб ҳикоя қилиб берганди у, шаҳарнинг шундоқ яқинидаги сойда хонбалиқ бор. Кечалари най чалиш ман этилган. Ёш йи-

гитлар ишқий қүшиқдар айтишади, фақат най чалиш мумкин эмас. Мен нимага, деб сўрадим. Чунки най овози қизларга кечаси ёмон таъсир қилар экан. Деҳқонлар сиз билан учрашганда, «дон» деб чақиришади ва шляпаларини бошдан олишади. Унинг отаси ҳар куни ов қилиб, деҳқон кулбаларига тамадди қилгани кирар экан. Бу уларда ҳурмат белгиси саналар экан. Чет элнинг одамлари овга рухсат олишлари учун ҳеч қачон қамоқда ётмаганлиги ҳақида гувоҳнома кўрсатишлари керак экан. Гран-Сассо д’Италия томонда айиқлар бўларкан, лекин жуда олис экан. Аквила — чиройли шаҳар. Ёз кезлари кечкурунлари салқин тушаркан, кўкламда эса Аброзцидан гўзалроқ ерни Италиядан топиб бўлмас экан. Аммо энг яхши фасл куз экан, бу пайтда каштанзорларда ов қилиш мумкин бўларкан. Қушлар узум егани учун жуда мазали эмиш. Овқатнинг фамини ейишнинг ҳожати йўқ. Чунки деҳқонлар билан бирга овқатлансанг, бундан уларнинг бошлари осмонга етаркан.

Кўп ўтмай ухлаб қолибман.

Ўн иккинчи боб

Палата узунчоқ бўлиб, ўнг томондаги деворида деразалари ва бурчакда боғлаш хонасига олиб чиқадиган эшиги бор эди. Бир қатор каравотлар жумладан, меники ҳам дераза рўпарасидаги девор бўйлаб жойлаштирилган бўлиб, иккинчи қатор эса девор рўпарасида деразалар тагига жойлаштирилган эди. Чап томонимда ётганимда, менга боғлаш хонасининг эшиги кўриниб туарди. Ичкарироқда яна бир эшик бўлиб, ундан баъзан одамлар кириб туришарди. Битта-яримта ярадор ҳолати разм бўлиб қолса, ҳеч ким унинг ўлаётганини кўрмасин деб, атрофини тўсиқ билан беркитиб олишар, шунда тўсиқ тагидан врачлар ва санитарларнинг оёқ кийимларигина кўриниб туар, баъзан эса охираша шивир-шивир эшитилиб

қоларди. Сүнг түсиқ ортидан руҳоний чиқиб келар, шунда санитарлар яна түсиқ орқасига ўтиб, у ердан устига бошдан-оёқ кўрпа тортилган мурдани олиб чиқишишар ва каравотлар ўртасидаги йўлдан олиб ўтишарди, кимдир тўсиқни йифиб, олиб чиқиб кетарди.

Шу куни эрталаб палата врачи мендан, эртага жавоб берсак, қувватингиз келадими, деб сўраб қолди. Мен, ҳа, дедим. У ҳолда, деди у, сизни эрталаб барвақт жўнатамиз. Кунлар исиб кетмасдан бурун кўчиб ўтсангиз, ўзингизга яхши бўлади, деди у.

Боғлаш хонасига олиб бориш учун мени каравотдан турғизишганда, деразага қараб, боғдаги янги қабрларни кўриш мумкин эди. Боқقا чиқиладиган эшикда бир солдат бут ясад ўтирап ва уларга боқقا кўмилгандарнинг номини, унвонини, полкини ёзиб кўярди. У ярадорлар айтган нарсаларни ҳам қилиб берарди, менга у австрис милтигининг бўш патронидан зажигалка ясад берди. Врачлар жуда хушмуомала, фоят тажрибали кўринардилар. Улар мени қўярда-кўймай Миланга юборишишмоқчи бўлишди. Бизларни ҳаммамизни тезроқ чиқариб, ичкарига жўнатишга, ҳужум бошлангунча барча каравотларни бўштишга шошилишмоқда эдилар.

Дала госпиталидан кетиш арафасида кечга томон Ринальди бош врач билан бирга келиб қолди. Улар мени Миланга, янги очилган Америка госпиталига жўнатишаётганини айтишди. Америкадан бир қанча санитар отрядларининг келиши кутилаётган экан, шу госпитал уларга ва италян қўшинидаги бошқа барча америкаликларга хизмат кўрсатиши керак экан. Қизил Хочда улар кўпчилик эди. Қўшма Штатлар Австрияга эмас, Германияга уруш эълон қилган эди.

Италянлар Америка Австрияга ҳам уруш эълон қиласди, деб ишонишар, шунинг учун ҳам гарчи Қизил Хоч хизматчиларидан бўлса-да, лекин америкаликларнинг келганига жуда хурсанд бўлишди. Мендан президент Вильсон Австрияга уруш эълон қиласмикин,

йўқми, деб сўрашди, мен бу яқин кунлар ичидага рўй беради, деб жавоб бердим. Мен бизнинг Австрияга қарши қандай даъвомиз борлигини билмасдим, лекин мантиқан ўйлаб қараганда, Германияга уруш эълон қилгач, ўз-ўзидан Австрияга ҳам эълон қилиниши керакка ўхшарди. Мендан, бизнинг Туркияга қарши уруш эълон қилиш-қилмаслигимизни сўрашди. Мен: ҳа, биз, эҳтимол, Туркияга уруш эълон қилсак керак, дедим.

— Болгарияга-чи?

Биз бир қанча қадаҳдан конъяк ичиб қўйғандик ва мен: ҳа, жин урсин, Болгарияга ҳам, Японияга ҳам, дедим. Буниси қандоқ бўлди, дейишиди улар, ахир Япония Англиянинг иттифоқчиси-ку. Барибир, бу ифлос инглизларга ишониб бўлмайди, Японларга Гавай ороллари ёқиб қолган, дедим мен.

— Бу Гавай оролларининг ўзи қаерда?

— Тинч океанда. Нега у японларга ёқиб қоларкан? Уларга бу ороллар умуман керак эмас, — дедим мен.

— Буларнинг бари қуруқ гап. Японлар ажойиб бир кичкина халқ, рақсни, енгил винони яхши кўришади. Худди французларга ўхшайди, — деди майор.

— Биз французлардан Ницца ва Савойяни тортиб оламиз. Корсиканиям, Адриатика қирғоқларини ҳам, — деди Ринальди.

— Италияга Римнинг улуғворлиги қайтиб келади, — деди майор.

— Менга Рим ёқмайди, — дедим. — Жуда ҳам иссиқ жой, бургаси кўп. Сизга Рим ёқмайдими?

— Йўқ, мен Римни яхши кўраман. Рим — халқларнинг волидаси. Ҳеч қачон Ромулнинг Тибрни қандай эмганлигини унутолмайман.

— Нима?

— Ҳеч нима. Юриналар, ҳаммамиз Римга борамиз. Бугун кечқурун ҳаммамиз Римга бориб, қайтиб келмаймиз. Рим — ажойиб шаҳар, — деди майор.

— Халқларнинг отаси ва онаси, — дедим мен.

- Roma жинси муаннас-ку, — деди Ринальди.
- Кота ота бўлиши мумкин эмас.
- Унда отаси ким? Муқаддас руҳми?
- Шаккоклик қилманг.
- Мен шаккоклик қилаётганим йўқ, мен тушунтириб беришларини сўраяпман.
- Сиз мастилиз, бэби.
- Ким мени ичирди?
- Мен ичирдим, — деди майор. — Мен сизни ичирдим, чунки сизни яхши кўраман, чунки Америка урушга кирди.
- Бошқа чора йўқ, — дедим.
- Сиз эрталаб жўнайсиз, бэби, — деди Ринальди.
- Римга, — дедим мен.
- Йўқ, Миланга, — деди майор, — «Кристаль-Палас»га, «Кова»га, Кампарига, Биффига, Galleriaraga. Сизни Худо ёрлақади.
- «Гран-Италия»га, — дедим мен, — у ерда мен Жорждан қарз оламан.
- «Ла Скала»га, — деди Ринальди.
- Сиз «Ла Скала»га борасиз.
- Ҳар оқшом, — дедим мен.
- Ҳар оқшом боришга қурбингиз етмайди, — деди майор. — Билетлар жуда қиммат.
- Мен бобомнинг номига ёзилган чекни кўрсатаман, — дедим.
- Қандай чек?
- Бобомнинг чеклари. Ё бобом тўлайди, мени қамашади. Банкда мистер Кэнингхэм буни тўғрилаб беради. Мен бобомнинг чеклари билан яшайман. Наҳотки бобом Италияни халос қилиш учун қурбон бўлаётган ўз фидокор набирасини қамоқقا жўнатса?
- Яшасин Америка Гарибалъдиси, — деди Ринальди.
- Яшасин боболарнинг чеклари, — дедим мен.
- Шовқин солманглар, — деди майор.

— Биздан шовқын солманлар, деб бир неча бор сүрашди. Сиз эртага ростданам кетасизми, Федерико?

— Сизга айтдим-ку, америка госпиталига кетяпти деб, — деди Ринальди. — Гүзал ҳамширалар олдига. Ҳар ҳолда дала госпиталининг серсоқол касал боқувчилари олдига эмас.

— Ҳа, ҳа, — деди майор, — унинг Америка госпиталига кетаётганини биламан.

— Менга соқоллари халақит бермайди, — дедим мен. — Кимда-ким соқол қўйгиси келар экан, қўяверсин. Нега сиз соқол қўймадингиз, Signor maggiorre? Соқол противогазга сифмайдими? Сигади. Противогазга ҳамма нарса сифади. Бир марта противогазга тупурганман.

— Секинроқ, бэби, деди Ринальди. — Биз ҳаммазиз сизнинг фронтда бўлғанлигинги биламиз. Оҳ, азизим бэби, сиз кетгач, мен қандоқ қиласман?

— Энди кетайлик, — деди майор. — Бу ёфи йиғлоқилик бўладиганга ўхшайди. Қулоқ солинг, сизга ажойиб хушхабарим бор. Инглиз қизингиз. Биласизку? Ҳар куни кечқурун инглиз госпиталига бориб юрадиганингиз-чи? У ҳам Миланга кетяпти. У яна бир ҳамшира билан Америка госпиталига хизмат қилгани кетишяпти. Америкадан ҳали ҳамширалар келмабди. Мен бугун уларнинг riporto³³ бошлиғи билан гаплашдим. Фронтда аёл хизматчилар кўп экан. Бир қисмини ичкарига жўнатишга қарор қилишибди. Қалай, сизга ёқадими, бэби?

— Ёмонмас.

— А? Катта шаҳарда яшаб, ўз инглизингиз билан шакаргуфторлик қиласиз. Нега мен яраланмадим-а?

— Ҳали улгурасиз, — дедим мен.

— Кетайлик энди, — деди майор. — Биз ичиб, тўполон қилиб, Федерикони безовта қиляпмиз.

³³ Отряд (итал.).

- Кетманлар.
- Йўқ, борайлик. Кўришгунча.
- Оқ йўл.
- Хайрли бўлсин.
- Ciao. Ciao. Ciao. Тезроқ қайтиб келинг, бэби.
- Ринальди мени ўпди.
- Сиздан лизол ҳиди келяпти. Хайр, бэби.
- Хайр.
- Хайрли бўлсин.

Майор елкамга қоқиб қўйди. Улар оёқ учида юриб чиқиб кетишиди. Мен фирт масти эдим, ухлаб қолибман.

Эртасига эрталаб биз Миланга жўнадик ва роса икки кундан сўнг етиб келдик. Йўл расво эди. Биз Местрега етмасдан эҳтиёт йўлда анча қолиб кетдик, болалар келиб ойнадан қарашарди. Мен бир болани конъякка бориб келишга кўндиридим, лекин у қайтиб келиб, фақат граппа борлигини айтди. Мен граппа бўлсаям олиб кела қол, дедим, у шишани келтиргач, пулнинг майдаси ўзингда қола қолсин, дедим, шундан кейин қўшним икковимиз масти бўлгунча ичиб, Виченцага етгунча ухлаб қолибмиз, шу ерга келганда уйғониб кетдим, кўнглим афдарилиди, полга қайт қилдим. Бунинг аҳамияти қолмаганди, чунки қўшним мендан бурунроқ бир неча бор кўнгли афдарилган экан. Сўнг, ташналиқдан ўлар ҳолатга етдим, Веронага етганда, мен поезд олдида у ёқдан-бу ёққа юриб турган солдатни чақирдим, у сув келтириб берди. Мен бирга ичишган қўшним Жоржеттини уйғотдим, унга сув тутдим. У, бошига қўйиб юборишимни сўради-да, яна ухлаб қолди. Солдат хизмати учун мен берган пулни олмади, менга гўштдор апельсин келтириб берди. Мен апельсинни сўриб, пўстини туфлаб ташлаганча нариги изда турган юк вагон олдида у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган солдатга қараб ётдим, кўп ўтмай поезд силтаниб, йўлга тушди.

ИККИНЧИ КИТОБ

Ўн учинчи боб

Миланга эрта аzonда етиб келдик, бизни юк станциясида туширишди. Санитар автомобили мени Америка госпиталига олиб келди. Автомобиль ичидаги замбильда ётарканман, қайси күчалардан бораётганлигимизни аниқлай олмадим, лекин замбилини күтариб туширишганда, мен бозор майдонини ва емакхонанинг очиқ эшигини, ундан ахлат супуриб чиқаётган қизни кўрдим. Кўчага сув сепишмоқда эди, тонг нафаси анқирди. Санитарлар замбилини ерга қўйиб, ичкарига кириб кетишиди. Кейин улар эшик қоровул билан қайтиб келишиди. Эшик қоровул соқоли оқарган, бош кийимига заррин жияк таққан, лекин уқалари йўқ эди. Замбил лифтга сифмади ва улар мени замбильдан олиб лифтда кўтарилган маъқулми ёки зинадан замбильда олиб чиққан дурустми, ҳал қилолмай, тортишиб қолишиди. Мен баҳсга қулоқ солиб ётардим. Лифтда олиб чиқадиган бўлишиди. Мени замбильдан кўтара бошлашди.

— Секинроқ, секинроқ, — дедим мен. — Эҳтиёт бўлинглар.

Кабинанинг ичи тор эди, оёғим букилиб, қаттиқ оғриб кетди.

— Оёғимни тўғрилаб қўйинглар, — дедим.

— Мумкинмас, signor tenente. Жой етишмайди.

Бу гапни айтган одам бир қўли билан мени суюб туради, унинг бўйнидан қучоқлаб олдим. Ундан саримсоқнинг димоқни ёрадиган ҳиди билан қизил винонинг иси келарди.

— Секинроқ, ҳой, — деди бошқа санитар.

— Нима мен, секин қимаяпманми?

— Секинроқ деяпман сенга, — деди яна бояги ёёғимдан ушлаб турган.

Кабина эшиги ёпилиб, панжара тушганини ва қоровул тўртингчи қаватнинг тугмасини босганлигини кўрдим. Қоровулнинг юзи ташвишли эди. Лифт оҳиста юқорига кўтарила бошлади.

— Оғирми? — сўрадим оғзидан саримсоқ ҳиди ан-қиётган кишидан.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у. Унинг юзи терчиган, ўзи инқиллаб қолганди. Лифт борган сари юқорилаб, ниҳоят тўхтади. Оёғимни ушлаб турган одам эшикни очиб, ташқарига юрди. Биз майдончага чиқдик. Майдончага бир нечта мис тутқичли эшик қараган эди. Оёғимдан тутиб турган одам тутмани босди. Биз эшик нариёғида қўнфироқ жиринглаганини эшитдик. Ҳеч ким жавоб бермади. Сўнг зинадан қоровул кўтарилди.

— Булар қаёқда? — сўрашди санитарлар.

— Билмайман, — деди қоровул. — Улар пастда ухлашяпти.

— Биронтасини чақиринг.

Қоровул қўнфироқ чалди, сўнг тақиллатди, кейин эшикни очиб, ичкарига кирди. У қайтганида орқасида кўзойнакли кексароқ аёл ҳам бор эди. Унинг сочлари тўзғиган, турмаги бузилганди, у шафқат ҳамшираси кийимида эди.

— Мен тушунмайман, — дерди у. — Мен италянчани тушунмайман.

— Мен инглизчани биламан, — дедим мен. — Мени бирон ерга жойлаштириш керак.

— Биронта ҳам палата тайёр эмас. Биз ҳали ярадорлар келади, деб ўйламовдик.

У соchlарини тартибга солишга уринар, менга кўзи яхши ўтмайдиган одамларга ўхшаб кўриб-кўрмай қаарарди.

— Мени қаерга қўйишишин, кўрсатинг.

— Билмайман, — деди у. — Ҳеч кимни кутмовдик. Сизни қаерга тўғри келса, шу ерга ётқизолмайман.

— Қаерга бўлса ҳам майли, — дедим мен. Кейин қоровулга италянчалаб айтдим: — Бўш хона топинг.

— Ҳаммаси бўш, — деди эшик қоровул. — Сиз бу ерга келган биринчи ярадорсиз. — У бош кийимини қўлига олганча, ўрта ёшлардаги ҳамширага қараб турарди.

— Бало бўлмайдими, бирон жойга ётқизсанглар-чи, мени! — Букилган оёқларимда оғриқ зўраймоқда, суяқ-суягимдан ўтиб бормоқда эди. Қоровул соchlари оқарган ҳамшира билан қаергадир фойиб бўлди, сўнг тез қайтиб келди.

— Орқамдан юринглар, — деди у. Мени узун йўлакдан суяб боришиб, дарпардалари туширилган хонага олиб киришди. Хонадан янги жиҳозлар ҳиди келарди. Девор олдида каравот, бурчакда катта тошойна турарди. Мени каравотга ётқизишди.

— Чойшаб беролмайман, — деди аёл, — ҳаммаси қулфлоғлик.

У билан ади-бади қилиб ўтирмадим.

— Чўнтағимда пул бор, — дедим қоровулга. — Тугмаси қадалган чўнтағимда.

Қоровул пулни олди. Ҳар иккала санитар ўрним олдида шапкаларини ушлаганча туришарди.

— Икковларига ҳам беш лирдан беринг, беш лирни ўзингиз олинг. Қофозларим бошқа чўнтақда. Уларни ҳамширага олиб беринг.

Санитарлар қўлларини чаккаларига қўйиб раҳмат айтишди.

— Хайр, — дедим мен. — Сизга ҳам катта раҳмат.

Улар яна бир карра қўлларини чаккаларига қўйиб, кетишишди.

— Мана, — дедим ҳамширага, — бу менинг варакам ва касаллик тарихим.

Аёл қофозларни олиб, уларга кўзойнакдан боқди. Қофозлар учта бўлиб, тахлаб қўйилганди.

— Нима қилишимни ҳам билмайман, — деди у. — Мен италянча ўқиши билмайман. — Мен врач кўрсатмаси бўлмаса ҳеч нарса қилолмайман. — У йиглаб юборди ва қофозларни этагининг чўнтағига солди. — Сиз америкаликомисиз? — сўради у кўз ёши аралаш.

— Ҳа. Қоғозларни каравот олдидағи столча устига күя қолинг.

Хона гира-шира қоронғи ва салқин эди. Каравотдан жавоннинг катта ойнаси күзга ташланар, лекин унда нима акс этаётгани күрінмасди. Қоровул кара-вот оёғида туриб қолди. Унинг ўқтам чөхраси оқкүн-гил киши эканидан далолат берарди.

— Кетаверсанғиз ҳам бұлади, — дедим унга. — Сиз ҳам, — дедим ҳамширага. — Испингиз нима?

— Миссис Үокер.

— Бораверинг, миссис Үокер. Мен ухлаб олмоқчи-ман.

Хонада ёлғыз қолдым. У салқин эди, касалхона-нинг ҳиди келмасди. Түшак қаттиқ ва ётиш учун қулаг әди, мен қимир этмай, деярли нафас ҳам олмай, оғриқ қолаётганидан суюниб ётардим. Бир оз ўтгач, чанқадим, бош томонимда құнғироқ тұгмасини топиб, босдим, лекин ҳеч ким келмади. Ухлаб қолдым.

Үйғонгач, атрофға назар солдим. Дераза қанотла-ри орасидан офтоб нури тушиб турарди. Күзим катта гардеробга, қуруқ деворлару иккита курсига тушди. Докалари кир бўлиб кетган оёқларим ёғочга ўхшаб чиқиб турарди. Уларни қимиратмасликка ҳаракат қиласадим. Томогим қуруқшаб кетганди, мен құнғироқ тұгмасини босдим. Эшик очилганини эшитдим ва кечаги эмас, бошқа ҳамшираны күрдим. У менга ёш ва ёқимтойгина бўлиб кўринди.

— Хайрли тонг, — дедим мен.

— Хайрли тонг, — деди у ва каравотга яқын келди. — Доктор чақиролмадик. У Комога кетган экан. Биз бугун одам келтиришларини билмовдик. Сизга нима қилган?

— Яраланғанман. Иккала тиззам ва товоңларим, бошимга ҳам теккан.

— Испингиз нима?

— Генри, Фредерик Генри.

— Сизни ҳозир ювинтириб қўяман. Аммо доктор келмагунча ярангизни ечолмаймиз.

— Айтинг-чи, мисс Баркли шу ердами?

— Йўқ. Бизда унақаси йўқ.

— Мени обкелишгандা йифлаган хотин ким эди?

Ҳамшира қулиб юборди:

— У миссис Уокер. У кечаси навбатчилик қилиб ухлаб қолибди. Ҳозир ҳеч ким келмайди, деб ўйладби.

Гап орасида у уст-бошимни ечиб олди, боғлардан бошқа ҳамма нарсани ечиб бўлгач, мени эпчиллик билан ювинтира бошлади. Ювингач, жуда енгил тортдим. Бошим боғлаб ташланган эди, лекин у бойлоғлик жойларнинг четини гир айлантириб ювиб чиқди.

— Қаерда ярадор бўлдингиз?

— Плавадан шимолроқда. Изонцода.

— Қаерда у?

— Горициядан шимолроқда.

Бу номлардан у ҳеч нима тушунмаётганлигини кўриб туардим.

— Қаттиқ оғрияптими?

У оғзимга ҳарорат ўлчагич кўйди.

— Италянлар қўлтиққа қўйишади, — дедим.

— Гаплашманг...

У оғзимдан асбобни олиб, ҳароратни кўрди-да, шу заҳоти силкитиб ташлади.

— Ҳарорат қанча?

— Сиз билмаслигингиз керак.

— Айтинг, қандай?

— Деярли ўртacha.

— Ҳеч қачон иссиғим кўтарилган эмас. Ваҳоланки оёғимда эски темир тиқилиб ётибди.

— У нима деганингиз?

— Оёғимда мина парчалари ҳам, занглаған михлар ҳам, каравотнинг симлари ҳам, барча лаш-лушдан бор.

У бошини чайқаб, жилмайди.

— Агар оёғингизда озгина бошқа нарса бўлганида ҳам, яллиғланиб кетиб, иссиғингиз кўтарилган бўларди.

— Мана кўрамиз, — дедим, — операцияда оёғимдан нималар олишаркин.

У хонадан чиқиб, кечаси навбатчилик қилган кекса ҳамшира билан қайтиб келди. Икковлашиб, мени ўрнимдан турғизмасдан, чойшаб түшаб беришди. Бунақасини биринчи кўришим эди, жуда боплаб бажаришди.

— Госпиталнинг мудири ким?

— Мисс Ван-Кампен.

— Ҳамширалар нечта?

— Фақат икковимиз.

— Бошқа ҳеч ким йўқми?

— Яна келишлари керак.

— Қачон?

— Билмайман. Бемор ҳамма нарсага қизиқавермаслиги керак.

— Мен bemор эмасман, — дедим. — Мен ярадорман. Улар ўринни тўғрилаб бўлишди, энди мен чинидай тоза чойшабда ётар, устимга ҳам худди шундай бошқаси ёпилган эди. Миссис Уокер чиқиб кеттида, пижама кўтариб, қайтиб келди. Пижамани менга кийдиришди ва мен ўзимни кийинган, жуда озода бўлгандек ҳис қилдим.

— Жудаям эркалаб юбординглар, — дедим мен. Исми мисс Гэйж бўлган ҳамшира кулимсиради. — Менга сув беролмайсизларми?

— Марҳамат. Кейин овқатланиш ҳам мумкин.

— Овқат егим келмаяпти. Мумкин бўлса, дарпардаларни кўтариб қўйилса.

Хона гира-шира эди. Дарпардаси очилгач, у оппоқ офтоб нури билан тўлди, кўзим айвонга, айвон оша томларнинг черепицалари ва мўриларига тушди. Томлар узра қараб парқув булутларни, ложувард осмонни кўрдим.

— Бошқа ҳамширалар қачон келишини билмайсизми?

— Нима қилди? Биз яхши қаролмаяпмизми?

- Жудаям илтифотли экансизлар.
- Балки сизга тиргак керакдир?
- Майли.

Улар мени суяб күтаришди ва шу ҳолатда бир оз ушлаб туришди, аммо бунинг нафи тегмади. Кейин мен ётган кўйим очиқ эшикдан айвонга термилиб ётдим.

- Доктор қачон келади?
- Қайтиши билан. Биз телефонда Комога қўнфироқ қилдик, етиб келсин деб.
- Бошқа врачлар йўқми?
- У госпитализнинг врачи.

Мисс Гэйж сув солинган графин билан стакан олиб келди. Мен уч стакан ичдим, кейин улар кетишди, мен яна аллавақтгача деразага тикилиб ётиб, сўнг ухлаб қолдим. Иккинчи нонуштани едим, нонуштадан сўнг олдимга мудира мисс Ван-Кампен кирди. Мен унга ёқмадим, у ҳам менга ёқмади.

У паканадан келган, ҳар нарсадан шубҳаланавера-диган, роятда кибр-ҳаволи аёл экан. У менга бир талай саволлар берди, афтидан, италян қўшинида хизмат қилишни уят санарди.

- Тушликка вино олсан ҳам бўладими? — сўрадим ундан.
- Врач ижозат берсагина.
- У келгунча иложи йўқми?
- Мутлақо.
- Сизнингча, у келиб қолармикин?
- Унга телефонда айтишган.
- У кетгач, хонага мисс Гэйж кирди.
- Нега мисс Ван-Кампенга қўпол муомала қилдингиз? — сўради у менинг барча юмушларимни саранжомлаб бўлгач.
- Ундей қилмоқчи эмасдим, бироқ у жуда бурни танқайган хотин экан.
- У сизни ҳар нарса сўрайверади, қўпол, деб айтди.

— Ҳеч-да. Бирок, рост-да ўзи, врачсиз госпитал ҳам бўлармишми?

— У келиб қолади. Унга, Комога телефон қилдик.

— У ерда нима қилади? Кўлда чўмиладими?

— Йўқ. У ерда касалхонаси бор.

— Нега бўлмаса бошқа врач олишмайди?

— Ж-жим. Жим. Ақдли бола бўлинг, у ҳадемай келиб қолади.

Мен қоровулни чақириб беришни сўрадим, у келган эди, унга италянчалаб вино дўконидан бир шиша чинцано, бир фляга къянти билан оқшомги газета келтириб беришни сўрадим. У айтганимдан қилиб, шишаларни газетага ўраб олиб келди, газетани очди, илтимос қилган эдим, шишаларнинг оғзини очди-да, каравот остига қўйди. Шундан кейин одимга ҳеч ким келавермади, мен ўринда ётганча газета ўқишига тушдим, фронт хабарларини, ҳалок бўлган офицерларнинг рўйхатини, улар олган мукофотларни кўриб чиқдим, сўнг қўлимни пастга юбориб, чинцано шишасини топдим-да, муздек таг томонини қорнимга қўйиб, хўплай-хўплай ича бошладим, ҳар хўпламдан сўнг шишани яна қорнимга қўяр, ҳар сафар қорнимга унинг излари тушиб қолар, ўзим эса шаҳар томлари узра осмоннинг тобора қорайиб боришига термилиб ётардим. Томлар устида қалдирғочлар ва тунги қирғийлар учиб юришарди, мен уларнинг унишига маҳлиё бўлиб, чинцано ичардим. Мисс Гэйж менга стаканда гоголь-моголь олиб келди. У кириши биланоқ, шишани каравот тагига тиқдим.

— Мисс Ван-Кампен бунга озгина херес қўшишни буюрди, — деди у. — Унга қаттиқ гапирманг. Анча ёшга бориб қолган, госпиталга мудирлик қилишнинг ўзи бўлмайди, масъулияти катта. Миссис Уокер жуда қариб қолган, ёрдами тегишидан тегмаси кўпроқ.

— У ажойиб хотин экан, — дедим мен, — менинг номимдан раҳмат деб қўйинг.

— Сизга ҳозир кечлик овқат обкеламан.
— Керакмас, — дедим. — Оч қолганим ийүк.
У патнис келтириб, ўрин олдидаги столчага қўйди, миннатдорчилик билдириб, тотингандай бўлдим. Ке-йин бутунлай қоронфи тушди, осмонда прожекторлар-нинг нури изғиб қолди. Мен бирмунча вақт уларни кузатиб турдим, сўнг ухлаб қолибман. Тош қотиб ухлабман, лекин бир марта қўрқувдан қора терга ботиб уйғониб кетдим, кейин ҳозиргина кўрган қўрқинчли тушни қайта кўрмасликнинг пайида бўлиб, яна ухлаб қолдим. Мен яна ҳали тонг отмасдан бурун уйғондим, хўроздарнинг қичқиришларига қулоқ солиб, тонг ёришгунча ухломай ётдим. Уйқум келмай ётавериб, ҳолдан тойдим ва саҳар пайти яна уйқуга толдим.

Ўн тўртинчи боб

Кўзимни очсам, хона қуёш нурига тўлган эди. Ўзими-ни фронтда тургандай ҳис қилдим ва роз турмоқчи бўлдим. Оёқларим сирқираб кетди, шунда уларга қараб, кир докаларни кўргач, қаердалигимни эсладим. Мен қўнгироққа бўй чўзиб, тугмасини босдим. Даҳлизда жаранглаган овоз эшитилди ва таги резина пойабзалда аллаким юмшоқ қадам ташлаб ўтди. Бу мисс Гэйж эди; офтобнинг ёрқин нурларида унинг ёши ўтинқирагандай, ўзи ҳам мундайроқдай бўлиб кўринди.

— Хайрли эрта, — деди у. — Яхши ётиб турдингизми?

— Яхши, раҳмат, — дедим. — Сартарош чақиришнинг иложи бўлмасмикин?

— Мен олдингизга кирувдим, сиз қўлингизда манови билан ухлаб ётган экансиз.

У жавонни очиб менга чинцано шишасини кўрсатди. Шиша деярли бўшаб қолганди.

— Мен каравот тагидаги бошқа шишани ҳам у ерга қўйдим, — деди у.

- Нега мендан стакан сўрай қолмадингиз?
- Мен ичишга йўл қўймайсиз, деб қўрқдим.
- Балки бирга ичишган бўлармидим.
- Ана бу зўр гап бўлди.
- Сизга ёлғиз ичиш зиён қилади, — деди у. — Ҳеч қачон бундай қилманг.
- Бошқа қилмайман.
- Сиз айтган мисс Баркли келди, — деди у.
- Ростданми?
- Ҳа. У менга ёқмади.
- Кейин ёқиб қолади. У жуда ҳам ажойиб. — У бошини сарак-сарак қилиб қўйди. — Унинг ажойиблигига шубҳам йўқ. Сиз сал берироқ суримиш туролмайсизми? Ана, жуда соз. Сизни нонуштагача саранжом-саришта қилиб қўяман. — У мени латта, совун ва илиқ сув билан ювинтира бошлади. — Қўлингизни кўтариб юборинг-чи, — деди у. — Ана, жуда соз.
- Сартарош нонуштагача келиб кетолмасмикин-а?
- Ҳозир қоровулга айтаман. — У чиқиб кетиб, тезда қайтиб келди. — Қоровул чақиргани кетди, — деди у ва латтачасини тосда ҳўллаб олди.
- Сартарош қоровул билан кириб келди. Сартарош элликларга борган, шопмўйлов киши эди. Мисс Гэйж ўз ишини тугатиб чиқиб кетди, сартарош чаккарамимга совун суртиб, соқолимни ола бошлади. У ўз ишини намойишкорона суратда, лом-мим демай адо этарди.
- Оғзингизга сув олганмисиз? Янгиликлардан сўйланг, — дедим.
- Қандай янгиликлар?
- Қандай бўлса ҳам барибир. Шаҳарда нима гаплар?
- Уруш вақти, — деди у. — Душманнинг ҳар ерда кулоғи бор.
- Мен унга ўгирилиб қарадим.
- Бошингизни қимирлатмай туринг, — деди у ва соқол олишда давом этди. — Мен ҳеч нарса айтмайман.

— Э, сизга нима бўлган ўзи? — сўрадим мен.

— Мен италияликман. Мен душман билан гаплашиб ўтирумайман.

Зўрлаб ўтирумадим. Телбакезикроқ экан, устарасини тезроқ бўйнимдан олса, шунча яхши. Бир сафар уни тузукроқ кўриб олмоқчи бўлдим. — Эҳтиёт бўлинг, — деди у. — Устара ўткир.

Соқолни олиб бўлгач, ҳақини тўлаб, чойчақа деб ярим лира қўшиб узатдим. У пулни қайтарди.

— Мен олмайман. Мен фронтда эмасман. Лекин мен италияликман.

— Йўқолинг кўзимдан!

— Ижозатингиз билан, — деди у ва устараларини газетага ўради. У беш дона мис тангани столчада қолдириб кетди. Қўнгироқ чалдим. Мисс Гэйж кирди.

— Барака топинг, менга қоровулни чақириб беринг.

— Хўп бўлади.

Қоровул келди. У ўзини зўрға кулгидан тутиб турарди.

— Нима, бу сартарош жинни бўлиб қолганми?

— Йўқ, signorino. Англашилмовчилик. Менинг гапимни яхши эшитмай, сизни австрис офицери деб ўйлабди.

— О, худо, — дедим мен.

— Хо-хо-хо, — хахолади эшик қоровул. — Ана ҳангома! «Қимир этсин-чи», дейди, «мен унинг!...»

— Эшик қоровул қўли билан бўйини кесиб кўрсатди.

— Хо-хо-xo! — У ўзини кулгидан тўхтатолмасди. — Унга сизнинг австрис эмаслигингизни айтсам денг? Хо-хо-xo!

— Хо-хо-xo, — дедим жаҳлим чиқиб. — Ҳиқилдоримдан шарт кесиб ташласа тоза ҳангома бўларди, а. Хо-хо-xo.

— Ундеймас, signorino. Йўқ, йўқ. У сизни австрис деб, ўлардай қўрқиб кетибди. Хо-хо-xo!

— Хо-хо-xo, — дедим мен. — Йўқолинг кўзимдан.

У чиқиб кетди, эшик орқасидан ҳамон унинг хахолагани эшитиларди. Мен йўлақда кимнингдир қадам

товушларини эшитдим. Эшикка ўгирилиб қарадим.
Бу Кэтрин Баркли эди.

У хонага кириб, ўрин олдига келди.

— Салом, азизим! — деди у. Унинг чехраси гул-гул очилган, жуда чиройли эди. Мен ҳеч қачон бундай чиройли чехрани кўрмаганман, деб ўйладим.

— Салом! — дедим. Уни кўрганим замон, ошиқ бўлиб қолганимни англадим. Менда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди. У эшикка қараб қўйиб, ҳеч ким йўқлигини кўрди. Шунда у каравотнинг четига ўтириб, энгашди ва мени ўпди. Мен уни бағримга тортдим ва ўпдим, унинг юраги гупиллаб урмоқда эди.

— Жонгинам, — дедим. — Келганингиз қандоқ яхши бўлди.

— Келиш қийин бўлмади. Қолиш, эҳтимолки, қиинроқ бўлар.

— Сиз қолишингиз керак, — дедим мен. — Сиз ажойибсиз. — Мен девона бўлиб кетдим. — Унинг бу ердалигига ҳамон ишонмасдим, шунинг учун бағримга қаттиқ босиб олган эдим.

— Керакмас, — деди у. — Ҳали соғайиб кетганингиз йўқ.

— Соғман. Кел, олдимга.

— Йўқ. Ҳали мадорга кирмагансиз.

— Шунаقا. Мадорим жойида. Ке.

— Сиз мени севасизми?

— Мен сени жуда севаман. Мен девона бўлиб қоламан. Кела қолсанг-чи.

— Юрагим қандай уряпти, эшитяпсизми?

— Юрагингни қўй. Ўзингни хоҳлайман. Ақлдан озяпман.

— Сиз мени ростдан севасизми?

— Бу ҳақда бошқа гапирма. Кела қол. Эшитяпсанми? Ке, Кэтрин.

— Хўп, майли, фақат бир дақиқага.

— Хўп, — дедим. — Эшикни ёп.

— Мумкинмас. Ҳозир мумкинмас.

— Ке. Ҳеч нарса дема. Кела қол.

Кэтрин каравот олдидаги креслода ўтиради. Йўлакка чиқадиган эшик очиқ эди. Бирмунча ўзимга келдим, умримда жоним бунчалар фароғатда бўлган бошқа бир дамни эслолмайман. У сўради:

— Сени севишимга энди ишонасанми?

— Сен менинг азизамсан, — дедим. — Сен шу ерда қоласан. Сени бошқа ерга юборишмайди. Сени шунчалар яхши кўраманки, телба бўлиб қоляпман.

— Биз жудаям қаттиқ эҳтиёт бўлайлик. Биз бутунлай бошимизни йўқотиб қўйдик. Бундай мумкинмас.

— Кечаси мумкин.

— Биз жудаям қаттиқ эҳтиёт бўлайлик. Бегоналар олдида сен эҳтиёт бўлишинг керак.

— Эҳтиёт бўламан.

— Эҳтиёт бўлишинг шарт. Сен яхвисан. Сен мени яхши кўрасан, а?

— Гапирма бу ҳақда. Бўлмаса сени қўйиб юбормайман.

— Хўп, бошқа гапирмайман. Сен мени қўйиб юборишинг керак. Мен боришим керак, жоним, рост.

— Дарров қайтиб кел.

— Имкони бўлиши билан қайтиб келаман.

— Кўришгунча.

— Кўришгунча, қўзим.

У чиқди. Худо шоҳид, мен уни яхши кўрмоқчи эмасдим. Мен ҳеч кимни севишини истамовдим. Лекин, Худо шоҳид, мен севиб қолдим, мен Милан госпиталида каравотда ётибману, бошимда минг турли хаёл ғувиллади, ўзимни хурсандликдан кўкларда кўраман, шунда ниҳоят хонага мисс Гэйж киради.

— Доктор келаркан, — деди у. — У Комодан қўнғироқ қилди.

— Қачон бу ерда бўларкан?

— У кечқурун келади.

Үн бешинчи боб

Кечга довур ҳеч нима рўй бермади. Доктор ювошина ориқцина одам экан, худди уруш уни издан чиқарганга ўхшаб кўринади. У назокатли, инжа бир жирканиш билан сонимдан бир нечта майдада пўлат парчаларини чиқариб олди. У оёғимнинг айрим жойларини оғриқсизлантириб ўзининг тили билан айтганда, «музлатиб» қўйди, натижада тиф ёки наштар урилган маҳалда қотиб, ёғоч бўлиб қолган жойдан пастроқча тегмагунча, оғриқ сезилмасди. Жонсизланган баданинг чегарасини аниқ билса бўларди, кўп ўтмай докторнинг назокатидан асар ҳам қолмади ва у яхшиси, рентген қилдириш керак, пайпаслаб билиб бўлмаяпти, деди.

Рентген кабинети ospedale maggiore³⁴да бўлиб, рентген қилувчи доктор сершовқин, чаққон ва қувноқ одам экан. Даволанувчини елкасидан тутиб турғанларидан, у танасидаги барча каттароқ чет жисмларни бемалол кўриб турарди. Тасвирларни кейин юборишар экан. Доктор ўзининг қўйиндафтарчасига исмим, полким ва яна хотира учун бирор нарса ёзиб беришимни сўради. У барча чет нарсаларни ярамас, жирканч, расво деб эълон қилди. Австрислар бетамиз болалар. Қанча одам ўлдирдим? Мен биронта ҳам одам ўлдирмовдим, лекин унга хуш ёқадиган бирон гап айтиш ниятида, мен ўлдирган австрисларнинг сон-санофи йўқ, дедим. Мен билан бирга мисс Гэйж борган эди, доктор унинг белидан қучоқлади-да, сиз Клеопатрадан ҳам гўзалроқсиз, деди. Тушунарлими? Клеопатра, собиқ Миср маликаси. Ҳа, у Клеопатрадан гўзалроқ. Санитар машина билан яна госпиталимизга олиб келиб қўйди, бироз муддатдан сўнг, у замбидан олиб замбилга со-

³⁴ Бош госпиталь (итал.).

лиша-солиша, ниҳоят, тепага, ўз ўрнимга олиб чиқишиди. Тушликдан сўнг тасвиirlар келди; доктор, тушдан сўнг тасвиirlар тайёр бўлади, девди, сўзининг устидан чиқиби. Кэтрин Баркли менга уларни кўрсатди. Тасвиirlар қизил хатжилдга жойланганди, Кэтрин уларни хатжилддан олди, икковимиз ёруқقا солиб кўришдик.

— Бу ўнг оёқ, — деди у ва тасвиirlни яна жойига солиб қўйди. — Манови чап оёқ.

— Уларни бирон ерга қўйиб, — дедим мен, — ўзинг ёнимга кел.

— Мумкинмас, — деди у. — Мен фақат бир дақиқага тасвиirlарни кўрсатгани келдим.

У кетди ва мен ёлғиз қолдим. Кун исиб кетди, тўшакда ётиш жонимга тегди. Мен қоровулдан газеталар олиб келишни сўрадим.

Уни кутиб ётсам, хонага учта врач кириб келди. Мен, тажрибаси кам врачлар бир-бирлари билан маслаҳатлашиш, ёрдам сўрашга мойил бўлишларини анчадан бери билардим. Кўричагингизни тузукроқ қилиб кесиб ололмайдиган врач сизни бошқасига, томоқдаги безни эплаб ололмайдиганга жўнатади. Бу учала врач ҳам шундайлардан эди.

— Мана бизнинг ўш беморимиз, — деди ҳаракатлари назокатли госпитал врачи.

— Салом, — деди баланд бўйли, соқол қўйган ориқ врач. Кўлида қизил хатжилддаги рентген суратларини ушлаб турган учинчи врач ҳеч нарса демади.

— Богларини ечамизми? — саволомиз-деди соқолли врач.

— Албатта. Марҳамат, ҳамшира, богларини ечинг, — деди госпитал врачи.

Мисс Гэйж боғларни ечди. Мен оёқларимга қарадим. Даля госпиталида ётганимда, улар могоялаган қиймага ўхшовди. Энди улар қотиб эт боғлаган, оқарган эди, болдирим юмшаб, салқиб қолганди, аммо яралар иримаган эди.

— Топ-тоза, — деди госпиталь врачи. — Жуда ҳам тоза ва яхши.

— Ҳм, — деди соқолли врач. Учинчи врач госпиталь врачанинг елкаси оша қаради.

— Марҳамат, тиззангизни букинг, — деди соқолли врач.

— Буколмайман.

— Бўғинларининг ишлашини кўрамизми? — саволомуз деди соқолли врач. Унинг енгидага учта юлдузчадан ташқари ҳошия ҳам бор эди. Бу унинг тиббиёт хизмати капитани эканлигини кўрсатарди.

— Шубҳасиз, — деди госпиталь врачи.

Икковлари ўнг оёғимдан оҳиста ушлаб, бука бошлидилар.

— Оғрияпти, — дедим.

— Шундай, шундай. Яна бир оз, доктор.

— Етар. Бошқа букилмайди, — дедим.

— Чала ишлайпти, — деди соқолли врач. У қаддини кўттарди. — Тасвирларини яна бир кўришга рухсат этинг, доктор. — Учинчи врач суратлардан бирини узатди. — Йўқ. Марҳамат. Чап оёғиникини.

— Бу чап оёқ, доктор.

— Ҳа, тўғри. Мен бошқа томондан қарабман. — У тасвирни қайтариб берди. Бошқа тасвирга у бир неча дақиқа тикилиб қолди. — Кўряпсизми, доктор? — У ёруғда аниқ кўриниб турган чет жисмлардан бирини кўрсатди. Улар тасвирга яна бир неча дақиқа қараб туришди.

— Мен фақат бир нарса дейишим мумкин, — деди капитан унвонидаги соқолли врач. — Бу вақт масаласи. Уч ой ёки, эҳтимол, олти ойдан кейин.

— Шубҳасиз, ахир синовиал суюқлик йиғилиши керак-ку, яна.

— Шубҳасиз. Бу вақт масаласи. Мен тизза косасини очишни темир парчанинг атрофи қотмагунча бўйнимга олмаган бўлардим.

— Фикрингизга тўла кўшиламан, доктор.

— Нега ярим йил? — сўрадим мен.

— Ярим йил осколканинг атрофи қотиши учун кетади, ўшанда тиззангизни бемалол очиб кўриш мумкин.

— Мен бунга ишонмайман, — дедим.

— Оёғингизнинг омон қолишини хоҳлайсизми, йигит?

— Йўқ, — дедим.

— Нима?

— Уни кесиб ташлашларини истайман, — дедим, — токи қармоқ қилишга яраса бўлгани.

— Нима демоқчисиз? Қармоғингиз нимаси?

— У ҳазиллашяпти, — деди госпиталь врачи ва елкамга назокат билан қоқиб қўйди. — У оёғини сақлаб қолишини истайди. Бу жуда мардона йигит. У жасорат кўрсатгани учун кумуш медалга тавсия этилган.

— Юракдан табриклайман, — деди капитан унвонидаги врач. — У қўлимни қисди. — Мен бундай тиззани очища таваккалчилик қилиб ўтирмаслик учун ярим йил зарур, деб айтоламан, холос. Турган гап, сиз бошқача фикрда бўлишингиз мумкин.

— Кўпдан-кўп ташаккур, — дедим. — Сизнинг фикрингиз мен учун ғоят қўмматли.

Капитан унвонидаги врач соатига қаради.

— Кетадиган вақтимиз бўлди, — деди у. — Сизга яхши тилакларимни билдираман.

— Сизга ҳам шундай, катта раҳмат, — дедим.

Мен учинчи врачнинг қўлини қисдим: «Capitano Varini — tenente Enru» — ва учовлари чиқиб кетишиди.

— Мисс Гэйж, — деб чақирдим. У кириб келди. — Госпитал врачини яна бир дақиқага чақириб беринг.

У бош кийимини қўлида кўтариб кирди ва каравот олдида тўхтади.

— Мени кўрмоқчи эдингизми?

— Ҳа. Мен операцияни ярим йил кутолмайман. Ё Худо, доктор, ҳеч ярим йил тўшакда ётиб кўрганмисиз?

— Сиз ҳар доим ётавермайсиз. Аввал яраларингизни офтобга солишингиз керак. Кейин қўлтиқтаёқда юра бошлайсиз.

— Ярим йил, иннайкейин операциями?

— Энг бехатар йўл шу. Чет жисмлар атрофи қотиб, яна синовиал суюқлик йифишини кутиш керак. Ўшанда тиззангизни бехавотир очиш мумкин.

— Узоқ ётишим кераклигига ўзингиз ишонасизми?

— Энг бехавотир йўл.

— Капитан унвонидаги врач ким бўлади?

— Миланнинг энг яхши жарроҳларидан.

— Ахир, у капитан унвонида, тўгрими?

— Ҳа, лекин у жуда яхши жарроҳ.

— Мен оёғимни аллақандай бир капитан титкилашини истамайман. Агар қўлидан бирон иш келганда, у майор бўларди. Мен капитаннинг нималигини биламан, доктор.

— У жуда яхши жарроҳ ва мен ким бўлишидан қатъи назар бошқа одамларники билан эмас, у кишининг фикри билан кўпроқ ҳисоблашаман.

— Оёғимни бошқа жарроҳга кўрсатиш мумкинми?

— Шубҳасиз, агар шуни истасангиз. Лекин мен шахсан доктор Варелланинг айтганини қилган бўлардим.

— Сиз менга бошқа жарроҳ чақиролмайсизми?

— Мен Валентинини чақираман.

— Ким у?

— A Ospedal maggioredga ишлайди, жарроҳ.

— Майли. Сиздан жуда миннатдор бўламан. Тушунинг, доктор, мен ярим йил тўшакда ётолмайман.

— Тўшакда ётавермайсиз. Аввал қуёш нурини қабул қиласиз. Кейин енгил машқлар қила бошлайсиз, сўнг осколканинг атрофи битгач, операция қиласиз.

— Лекин мен ярим йил кутолмайман.

Доктор қўлидаги бош кийимини назокат билан сийпаб қўйди-да, табассум қилди:

— Фронтга тез қайтмасангиз, ичингиз илимайдими?

- Илимаса нима бўпти?
- Қандоқ ажойиб! — деди у. — Олижаноб йигит. — У энгашди-да, назокат билан пешонамдан ўпид қўйди.
- Валентинига одам юбораман. Ҳаяжонланиб, ташвишланиб ўтирманг. Ақлли бўлинг.
- Вино ичасизми, доктор? — таклиф қилдим мен.
- Йўқ, раҳмат. Мен ичмайман.
- Бир стакан ҳамми. — Мен стакан келтирсин деб, қоровулга қўнгироқ қилдим.
- Йўқ, йўқ, раҳмат, мени кутиб туришибди.
- Кўришгунча, — дедим.
- Кўришгунча.

Икки соатдан сўнг хонага доктор Валентини кирди. У жуда шошиб турган экан, мўйловларининг уничи тепага қайрилган эди. Унинг унвони майор бўлиб, юзи офтобда пишган, хандон-хушон одам эди.

— Қаерда орттирдингиз буларни? — деди у. — Қани суратларни кўрсатинг-чи. Хўш. Хўш. Буни қаранг-а, отдай бақувват экансиз. Анов ёқимтойгина қиз ким эди? Севгилингизми? Шундайдир, деб ўйловдим. Шу уруш ёмон бўлди-да! Бу ер оғрияптими? Азамат экансиз. Тузатамиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Бу ер оғрияптими? Оғримасинмиям. Бу докторлар оғритишга кўп уста бўлишади-да. Шу пайтгача сизни нима билан даволашди? Бу қиз италянча сўзлашоладими? Ўргатиш керак. Дилбар қиз экан. Мен унга дарс беришга рози бўлардим. Ўзим шу госпиталга ётаман. Йўқ, яхшиси, мен кўзи ёриган маҳалларда текинга доялик қиласман. Нима деётганимни тушунадими? У сизга ажойиб ўғилча туғиб беради. Ўзига ўхшаш оқпар бўлади. Шундай, яхши. Шундай, аъло. Дилбар қиз. Сўраб кўринг-чи, мен билан кечки овқатни бирга қилмасмикин. Йўқ, уни сиздан тортиб олишни истамайман. Раҳмат. Катта раҳмат сизга, мисс. Ана бўлди. Ана гапим ҳам тугади. — У менинг елкамга қоқиб қўйди. — Ўралмаса ҳам бўлади.

— Бирор стакан вино ичасизми, доктор Валентини?

— Виноми. Албатта-да... Ўн стакан. Қаерга қўйгансиз?

— Жавонда. Мисс Баркли шишани олиб беради.

— Сизнинг соғлигингизга. Сизнинг соғлигингизга, мисс. Дилбар қиз. Мен сизга бундан яхшироқ вино олиб келаман. — У мўйловини артди.

— Сизнингча операцияни қачон қилса бўлади?

— Эртага эрталаб. Олдинроқ иложи йўқ. Ошқозонни тозалаш керак. Сиз ойдиндай бўп туриング. Мен пастдаги кампирга кириб айтаман. Кўришгунча. Эртага кўришамиз. Мен сизга бундан тузукроқ вино олиб келаман. Жуда яхши ўрнашибиз. Кўришгунча, эртагача. Тўйиб ухланг. Мен барвақт келаман.

У остоидан менга қўлини силкиб қўйди, мўйловлари диккайиб, жигардек юзи кулимсиради. Унинг енгига ярим доира ҳошия ичида битта юлдузча тасвири бор эди, чунки унинг унвони майор эди.

Ўн олтинчи боб

Ўша кеча шаҳар томлари узра чўккан тун кўриниб турган айвоннинг очиқ эшигидан, хонага намозшом қуш учеб кирди. Хона ичи қоп-қоронги эди, фақат шаҳарнинг тунги осмони айвон эшигидан хонага нимтатир ёруғ сепмоқда эди; кўршапалак қўрқмасдан хонада худди очиқ ҳавода учгандек, чарх ура бошлади. Биз унга тикилиб ётардик, у эса афтидан бизни қўрмасди, чунки биз овоз чиқармасдик. У учеб кетгач, биз прожектор нурини кўрдик, нурнинг толаси осмон бўйлаб қандай кезганига қараб турдик, сўнг у йўқ бўлди ва зимиston чўкди. Ярим кеча эди, шамол турди ва биз қўшни томдаги зенит тўпи олдидаги тўпчиларнинг овозларини эшидик. Салқин тушган эди, улар плашларини кийиб олишмоқдайди. Мен кечаси бирдан бирор кириб қолмасмикин деб, ха-

вотирландим, бироқ Кэтрин, ҳамма ухлаб ётибди, деди. Бир маңал ухлаб қолибмиз, күзимни очганимда, ёнимда Кэтрин йўқ эди, лекин йўлакдан унинг қадам товушларини эшитдим, эшик очилиб, ўзи кириб келди ва тўшак олдига келиб, ҳаммаси жойида, пастдагилар ухлаб ётишибди, деди. У мисс Ван-Кампенning эшиги олдига бориб қулоқ солиб, унинг ухлаб ётганини эшитибди. У қотирилган нон олиб келган экан, уни вермут билан ҳўплаб едик. Қаттиқ очиққан эканмиз, бироқ у эрталаб буларнинг барини тозалаш керак бўлади, деди. Каллаи саҳарда, кун фирашира ёришиб келаётганда мен яна уйғониб кетдим ва у яна хонада йўқлигини кўрдим. У келди, ял-ял ёниб, очилиб келди, мен оғзимга ҳарорат найчасини қўйиб ётдим, у ёнимда — тўшакда ўтирди, бу борада офтоб чиқди ва димоғимизга томлардан шабнам бўйи урилди, сўнг қўшни томдаги тўпчилар қайнатган қаҳва иси келди.

- Қани энди ҳозир сайр қилсанг, — деди Кэтрин.
- Кресло бўлганида сени олиб чиққан бўлардим.
- Креслога қандай қилиб ўтирадим?
- Бир амаллаб.
- Шаҳар боғига тушиб, очиқ ҳавода нонушта қилсанг. — Мен очиқ қолдирилган эшикка қарадим.
- Йўқ, биз ҳозир бошқа иш билан шуғулланишимиз керак, — деди у. — Сени дўстинг доктор Валентини келишига ҳозирлаб қўйиш керак.
- Ажойиб доктор, тўғрими?
- У менга сенга ёққанчалик ёққани йўқ. Аммо у яхши врач бўлса керак.
- Бу ёққа кел, Кэтрин. Эшитяпсанми? — дедим.
- Мумкинмас. Кечаси бирам яхши бўлдики!
- Бу кечасигаям навбатчиликни олсанг бўлармикин?
- Ҳа, эҳтимол, ўзим навбатчилик қиласман. Фақат ўзинг мени хоҳламай қоласан.
- Хоҳлайман.

— Хоҳламайсан. Сени ҳали ҳеч операция қилишмаган. Сен кайфиятинг қандай бўлишини ўзинг билмайсан.

— Биламан. Яхши бўлади.

— Кўнглинг беҳузур бўлади, мен кўзингга кўринмай қоламан.

— Ундан бўлса ҳозир олдимга кела қол.

— Йўқ, — деди у. — Мен ҳароратинг қандай ўзгариб турганини чизиб қўйишим керак, жоним, сени тайёрлашим керак.

— Бундан чиқди мени севмас экансан-да.

— Вой тентаг-эй! — У мени ўпид қўйди. — Мана, чизиб ҳам бўлдим. Ҳарорат ҳамма вақт ўртacha бўлган. Сенинг ҳароратинг шунаقا ажойиб.

— Сен бутунлай ажойибсан.

— Йўқ, йўқ. Мана сенинг ҳароратинг ажойиб. Мен сенинг ҳароратинг билан ўлгудай фахрланаман.

— Ҳамма болаларимизнинг ҳарорати жуда ажойиб бўлса керак деб ўйлайман.

— Болаларимизнинг ҳарорати жуда бўлмағур бўлмаса, деб қўрқаман.

— Валентинига мени тайёрлаш учун нима қилиш керак?

— Арзимаган иш, фақат унчалик ёқимлимас.

— Сени овора қиласиган бўлдим-да.

— Сираям. Мен бошқа бирон одам сенга тегишини истамайман. Мен тентакман. Сенга бирор тегадиган бўлса жоним ҳалқумимга келади.

— Фергюсон бўлсаям-а?

— Айниқса, Фергюсон ва Гэйж, ва яна ану?

— Уокерми?

— Ўша-ўша. Бу ерда ҳамшира кўп. Агар яна ярадорлар келса, бизни бошқа ерга ўтказишади. Ҳозир тўртта ҳамшира бор.

— Ярадорлар яна келишса ажабмас. Тўртта ҳамшира камлик қиласи. Госпитал катта.

— Ишқилиб, келишсін-да. Мени бу ердан бошқа ёққа ўтказишса, нима қиласын? Яна ярадорлар келмаса, шундай бўлиши турган гап.

— Унда мен ҳам кетаман.

— Қўй, унда дема. Сен ҳали ҳеч ерга кетолмайсан. Лекин тезроқ соғайиб кет, жоним, ана ўшандада сен билан бирон ёққа кетамиз.

— Кейин-чи?

— Кейин уруш ҳам тугаб қолар. Абадий уруш қилиб ўтиришмас, ахир?

— Тузалиб кетаман, — дедим мен. — Валентини мени тузатади.

— Тузатмай кўрсин-чи, шундоқ мўйловлари бўла туриб-а? Биласанми, фақат сенга эфир беришганда, ўзинг билан мени эмас, бошқа нарсаларни ўйлагин, хўпми? Наркоз вақтида одам ҳар нима деб алаҳсирайди.

— Хўп, нимани ўйлайин, бўлмаса?

— Нимани истасанг, шуни. Нимани ўйласанг ўйлагину, фақат ўзинг билан мени хаёлингга келтирма. Қариндошларингни эсла ёки бошқа бирон қизни хотирла.

— Йўқ.

— Бўлмаса, дуо ўқи. Бошқаларда яхши таассурот қолдиради.

— Балки мен алаҳлаб ўтирмайман.

— Балки. Ҳамма ҳам алаҳлайвермайди.

— Мен ҳам шу жумладан.

— Мақтанма, жоним. Мақтанма, хўпми? Ўзинг шундай яхисанки, сенга мақтанчоқликнинг кераги йўқ.

— Бир оғиз миқ этмайман.

— Яна мақтаняпсан, жоним. Сенга бу сирайм ярашмабди. Фақат, сенга чуқурроқ нафас олинг, деб айтишгандан кейин дуо ўқигин, ёки шеър ўқи, ё бошқа билан нарсани. Ўшандада ҳаммаси жуда яхши бўлади, мен сен билан фахрланиб юраман. Мен шундоғам сен билан фахрланаман. Ҳозир ҳароратинг жудаям яхши,

худди ёш болалардай мириқиб ухлайсан ва ёстиқни күчоқлаб олиб, уни мен деб ўйлайсан. Балки мен эмас, бошқадир, а? Биронта италян нозаниниидир?

— Йүқ, сен.

— Албатта, мен бўламан-да. Мен сени жудаям яхши кўраман, кўрасан, Валентини оёғингни яхшилаб тузатиб қўяди. Яхшиямки, у даволаётганда мен иштирок этмайман.

— Сен тунда навбатчилик қиласанми?

— Ҳа. Лекин сенга барибир бўлади.

— Кўрамиз.

— Ана энди бўлди, жоним. Онадан туғилгандек топ-тоза бўлдинг. Энди менга айтиб бер-чи: умринг бўйи нечта аёлни яхши кўргансан?

— Яхши кўрмаганман.

— Мени ҳамми?

— Сени яхши кўраман.

— Яна нечтани?

— Бошқа ҳеч кимни.

— Нечтасини — нима десамикин? Нечтасини кўргансан?

— Ҳеч кимни?

— Ёлғон.

— Ҳа.

— Шундай бўлгани тузук. Сен менга ҳеч қачон тўғрисини айтма. Менга шуниси тузук. Чиройли аёллармиди улар?

— Мен ҳеч ким билан бўлмаганман.

— Тўғри. Жудаям ёқимли эдими улар?

— Сира хабарим йўқ.

— Сен фақат ўзимникисан. Рост, ҳеч қачон бошқа ҳеч кимники бўлмагансан. Лекин бўлган тақдирингда ҳам менга барибир. Мен улардан кўрқмайман. Фақат менга улар ҳақида сира оғиз очма. Аёл киши эркак кишига шама қилиб гапирганда, биласанми, қандай бўлади?

— Билмайман.

— Рост, сен билмайсан. Аёл киши унга севаман деб айтадими? Айт менга. Мен билишни истайман.

— Айтади. Агар эркак буни хоҳласа.

— Эркак киши ҳам уни севаман, дейдими? Айт. Мен буни билишим керак.

— Истаса, айтади.

— Бироқ сен ҳеч қачон айтмагансан? Тўғрими?

— Йўқ.

— Йўқ, ростми? Рости ни айт менга.

— Йўқ, — алдадим мен.

— Сен демагансан, — деди у. — Мен буни билардим, сен демагансан. Сен жуда яхвисан, мен сени жуда, жуда яхши кўраман.

Офтоб тиккада, томлар узра тураг ва мен ибодатхонанинг юксак найзаларида қуёш тифи ўйнаётганини кўриб ётардим. Мен онадан янги туғилгандай озода эдим. Врачнинг келишини кутмоқда эдим.

— Шундай дегин? — деди Кэтрин. — Аёл киши у нимани истаса, шуни гапираверадими?

— Ҳар доим эмас.

— Мен эса доим гапираман. Мен доимо сен нимани истасанг, шуни гапираман, нимани қил десанг, шуни қиласман, кейин сен бошқа аёлларга қарамайсан, тўғрими? — У менга шодон чехра билан боқди. — Мен сенинг деганингни қиласман, сенинг истаганингни адо этаман, ўшанда, ҳаммаси ажойиб бўлади, тўғрими?

— Ҳа.

— Мана энди сен операцияга тайёр бўлдинг. Хўп энди, нима қилай, яна нима хоҳлайсан.

— Бери кел.

— Хўп. Келдим.

— Сен менинг энг, энг, энг гўзал севгилимсан, — дедим.

— Ана кўрдингми, — деди у. — Мен нима десанг, шуни қиляпман.

— Сен менинг оқила фариштамсан.

— Мен эса ҳали сенинг кўнглингни тузукроқ ололганим йўқ.

- Доносан.
- Сен нимани истасанг, мен ҳам шуни истайман. Мен энди йўқман. Мен сенинг хоҳишингдаман.
- Жоним.
- Кўнглинг тўлдими? Ростдан, кўнглинг тўлдими? Сен бошқа аёлларни энди истамайсан, а?
- Йўқ.
- Кўрдингми, кўнглинг тўлди. Мен сен нима десанг шуни қиласан.

Ўи еттинчи боб

Операциядан сўнг уйғонганимда ўзимни гўё тубсиз бўшлиқ ичра йўқ, бўлиб кетаётгандай сездим. Йўқолиб кетаётган каби бўлади-ю, лекин аслида йўқолмайсан. Фақат бўғзингдан гиппа бўғилгандаи бўласан. Бу ўлимга ўхшамайди, газ билан бўғилганга ўхшайди, туйфуларинг ўлади, бу ҳолат ўтгач, ҳамма нарса барibir бўлиб қолади, худди қаттиқ маст бўлгандаи сезасан ўзингни, кўнглинг ағдарилганда ҳам, фақат аччиқ зардоб тушади, лекин барибир аҳволинг енгил тортмайди. Тўшакнинг оёқ томонида кум тўлатилган қопларни кўрдим. Оёғимдаги гипсни қоплар билан бостириб қўйишганди. Салдан сўнг мисс Аэйжга кўзим тушди, у сўради.

- Хўш, қалай?
- Дуруст, — дедим мен.
- Тиззангизни шундай бопладики, ақл бовар қилмайди.
- Қанча давом этди?
- Икки ярим соат.
- У-бу деб валдирадимми?
- Йўқ, йўқ, ҳеч нарса. Гапирманг. Жим ёting.
- Кўнглим айнаб турарди, Кэтрин ҳақ бўлиб чиқди. Тунда ким навбатчилик қилиши менга барибир бўлиб қолди.
- Госпиталга мендан бошқа яна уч киши келибди. Қизил Хочнинг ходими — безгак бўлиб қолган

жоргиялик ориқ йигит, сариқ касал ва безгак билан оғриган нью-йорклик кўринишидан ориқ, ўзи ажойиб бир йигит ва австрия снарядининг портловчи қисмидан темир қалпогини эсдалик учун бураб олмоқчи бўлиб, портлаб кетган лакаловгина бир йигит. Австрислар тоғда портлатиш учун маҳсус ишлаган бу мураккаб шрапнельфугас снаряднинг кучи икки баравар зўр бўлиб, портлагандага узоқ жойларгача етиб бораради.

Кэтрин Баркли тунлари истаганча навбатчилик қилишга доимо рози бўлганидан у ҳамма ҳамшираларга жуда ёқиб қолганди. Безгаклар кўп безовта қилишмасди, снаряднинг қалпогини бураган эса, биз билан дўстлашиб қолганидан, тунлари жуда зарур бўлиб қолгандагина қўнфироқ қилиб чақирап, ишдан бўшаган заҳоти Кэтрин олдимга кирап, мен билан бўларди. Мен уни қаттиқ севардим, у ҳам мени севарди. Кундуз кунлари мен уйқуга ётардим, уйғонган чоғларимизда эса, бир-биrimизга мактублар ёзишиб, Фергюсондан бериб юборардик. Фергюсон жуда ажойиб қиз эди. Унинг бир акаси эллик иккинчи дивизида, иккинчиси Месопотамиядада хизмат қилишар, ўзи Кэтрин Барклига жуда боғланиб, унга суюниб қолганди. Фергюсон ҳақида билганларим шу.

— Тўйимизга келасизми, Фержи? — сўрадим бир куни ундан.

- Сизларнинг тўйларингиз бўлмайди.
 - Тўй қиламиз.
 - Йўқ, уйланмайсиз.
 - Нега?
 - Тўйгача уришиб қоласизлар.
 - Биз ҳеч қачон уришиб қолмаймиз.
 - Улгурасизлар ҳали.
 - Биз ҳеч қачон уришиб қолмаймиз.
 - Бўлмаса, ўласиз. Ё уришиб қоласиз, ё ўласиз.
- Доим шундай бўлади. Ҳеч ким уйланмайди.
Мен унга қўлимни чўздим.

- Тегманг менга, — деди у. — Мен йифламайман. Балки ҳаммаси жойида бўлар. Фақат эҳтиёт бўлинг, унга бирон кори ҳол бўлиб юрмасин. Агар сиз туфайли унга бирон нарса бўлса, мен сизни ўлдираман.
- Унга ҳеч нарса бўлмайди.
- Сизга айтдим-кўйдим. Шояд ишингиз яхши бўлиб кетса. Ҳозир жуда тотувсизлар.
- Жуда ҳам.
- Шундай бўлсин, жанжал қилманглар, уни кўз қорачиғидек асранг.
- Яхши.
- Кўзингизга қаранг. Мен унинг қўлида урушнинг чақалоги билан қолишини истамайман.
- Жуда ажойиб қизсиз-да, Фержи.
- Ажойиб-пажойиби йўқ. Ялтоқдик қилманг менга. Оёғингиз тузукми?
- Зўр.
- Бошингиз-чи? — У бармоқдарини бошим устига теккизиб кўрди. Оёқ увишганда қўл тегизсангиз, шундақа бўлади.
- Бошим ҳеч оғриган эмас.
- Бундай шиш билан бир умр калтафаҳм бўлиб ўтиш мумкин. Ҳеч оғримайдими?
- Сира.
- Бахтингиз бор экан. Хат ёзиб бўлдингизми? Мен пастга кетаяпман.
- Мана, олинг, — дедим мен.
- Сиз вақтинча бўлса ҳам ундан тунги навбатчиликка чиқмасликни сўранг. Жуда чарчаб қоляпти.
- Яхши, мен унга айтаман.
- Кечаси мен навбатчилик қиласай десам, у кўймапти. Бошқалар навбати ўтганга суюнади. Унга бироз дам берсангиз бўларди.
- Хўп.
- Мисс Ван-Кампен сизни доимо пешингача ухлаб ётади, деб гапирияпти.
- Шундоқ бўлар деб ўйловдим.

— Агар бир неча кеча навбатчилик қилишдан олиб қолсангиз соз бўларди.

— Ўзим ҳам шуни хоҳдайман.

— Ўзингизга қолса, сира хоҳламайсиз. Лекин сиз уни кўндирангиз, сизга ҳурматим янада ошган бўларди.

— Уни кўндираман.

— Ишонгим келмайди.

У хатни олиб чиқиб кетди. Мен қўнғироқ чалдим, сал ўтмай мисс Гэйж кириб келди.

— Нима бўлди?

— Шундай, сиз билан гаплашиб ўтирмоқчи эдим. Сизнингча қалай, мисс Баркли тунги навбатчиликдан бир оз дам олсамикин, а? У жуда ҳорғин кўринади. Нега у тунлари бунча кўп навбатчилик қиласди?

Мисс Гэйж менга тикилиб қаради.

— Мен сизнинг дўстингизман, — деди у. — Мен билан бундай гаплашманг.

— Нима демокчисиз?

— Ўзингизни жинниликка солманг. Шунга чақирган эдингизми?

— Мен билан вермут иссангиз.

— Хўп. Лекин кейин дарров кетаман. — У жавондан шиша олиб, столчага стакан қўйди.

— Сиз стаканда ичинг, — дедим мен. — Мен шишининг ўзидан ичаман.

— Соғ бўлинг! — деди мисс Гэйж.

— Ван-Кампен мени эрталаблари узоқ ухлаб ётади, деб айтдими?

— Сал ғингшиб қўйди-да. У сизни «бизнинг мумтоз беморимиз», деб атайди.

— Оббо қурмагур-эй!

— У баджаҳл эмас, — деди мисс Гэйж. — Қариб қолган, ғалати қилиқлари бор, холос. У сизни кўрган заҳоти ёқтирамай қолибди.

— Гапингиз рост.

— Менга эса сиз ёқасиз. Мен сизнинг дўстингизман. Эсингиизда бўлсин.

- Сиз топилмайдиган қызсиз.
- Қүйинг. Сиз учун топилмайдиган қыз ким экан-лигини яхши биламан. Оёғингиз қалай?
- Яхши.
- Мен совуқ минерал сув олиб келиб, оёғингизга құяман. Гипсланган жойингиз қичишаётгандир. Бұ-гун күн иссиқ.
- Жуда антиқасиз-да.
- Қаттиқ қичишиптими?
- Йүқ. Ҳаммаси жойида.
- Құм қопларни түғрилаб қўйиш керак, — энгаш-ди. — Мен дүстингизман.
- Биламан буни.
- Йүқ, билмайсиз. Лекин бир күн бориб биласиз. Кэтрин Баркли уч кеча навбатчилик құлмади, ке-йин у яна келди. Ҳудди ҳар икковимиз ҳам узоқ са-фарга кетиб, энди күришгандай бўлдик.

Ўн саккизинчи боб

Ўша ёз биз учун соз келди. Менга ўриндан туришга ижозат берганларидан сүнг, биз боққа сайрга бора бошладик. Мен аравани, оҳиста одимлаб бораётган отни, олдинда кучернинг елкасини ва бўялган цилин-дрини, ёнгицамда ўтирган Кэтрин Барклини эслайман. Агар қўлларимиз бир-бирига туташса ёки унинг қўл учлари менинг қўлимга тегиб кетса ҳам, бундан юра-гимиз гупиллаб уриб кетарди. Кейинроқ, мен қўлтиқ-таёқда юрадиган бўлгач, биз Биффи ёки «Гран-Ита-лия»га овқатлангани борадиган, ташқари томондан, Galleria дан стол танлаб ўтирадиган бўлдик. Офици-антлар кириб-чиқишар, ўткинчي ўйловчилар ўтиб бо-ришар, дастурхонлар тўшалган столларда абажурли шамдонлар турарди, бизга айниқса «Гран-Италия» ёқиб қолди, бу ернинг метрдотели Жорж бизга доим стол олиб қўярди. У ажойиб метрдотель эди, биз ўткин-чиларга, хуфтон қоронғиси қоплаб келаётган Galleria-

га, бир-бировимизнинг дийдоримизга термилиб ўти-
рар эканмиз, у емак-ичмакка нарса танларди. Биз муз
солинган челакчада келтирилган оқ капри мусалласи-
дан ичардик; шуниси ҳам борки, биз фрез, барбер ва
ширин оқ винолардан кўпини татиб кўрдик. Уруш ту-
файли ресторонда винолар бўйича маҳсус официант
йўқ эди, шунинг учун мен фрез виносига ўхшаш ви-
ноларни сўраганимда, Жорж хижолат чекиб қиси-
ниб кўярди.

— Таъмидан қулупнай мазаси келадиган винолар
ишлаб чиқарадиган мамлакатдан нима кутиш мум-
кин, — деди у.

— Нимаси ёмон? — сўради Кэтрин. — Менга ҳатто
ёқади.

— Сизга ёқса татиб кўринг, леди, — деди Жорж. —
Фақат tenente учун бир шиша марго қўшиб келтиришга
ижозат этинг.

— Мен ҳам татиб кўрай девдим, Жорж.

— Сэр, унчалик ичадиган эмас. Унда ҳатто қулуп-
найнинг ҳам мазаси йўқ.

— Мабодо яхши бўлса-чи? — деди Кэтрин. — Роза-
ям зўр иш бўларди-да.

— Мен ҳозир уни келтираман, — деди Жорж, — ле-
дининг кўнгли тўлгач, уни олиб кетаман.

Жуда мазаси йўқ вино экан. Жорж ҳақ эди, унда
ҳатто қулупнайнинг таъми ҳам йўқ эди. Биз яна кап-
рига ўтдик. Бир марта пулим етмай қолди, ўшандা
Жорж менга юз лир қарз бериб турди.

— Ҳечқиси йўқ, tenente, — деди у. — Ҳаммада ҳам
бўлади бунаقا ҳол. Бошимдан ўтказганман. Агар
сизга ёки ледига пул керак бўлиб қолса, менда
доим топилади.

Овқатлангач, биз Galleria ёнидан бошқа ресторан-
лар ва деразаларига темир шторлар туширилган ма-
газинларни ёқалаб бориб сандвичлар сотиладиган
дўконча олдида тўхтардик; гўшти ва момақаймоқ
солинган ҳамда кўрсаткич бармоқдек катталиқдаги

қип-қизил булкачаларга қўйилган майда балиқли сандвичлар сотиб олардик. Уларни кечаси очқаб қолсак ердик. Кейин биз ибодатхона қаршисидаги Galleria га кираверишда очиқ аравага ўтирадик-да, госпиталга қайтардик. Қоровул госпитал эшигига чиқиб, менга аравадан тушгани ёрдамлашарди. Мен кучерга чойчақа бериб, кейин лифтда юқорига кўтариладик. Кэтрин ҳамширалар турадиган қаватда қолар, мен юқори кўтарилиб, қўлтиқтаёқда хонамга бориб олар эдим; баъзида мен ечиниб, ўринга ётардим, баъзида эса айвонда оёғимни стулга қўйиб ўтириб, томлар узра қалдирғочлар учшини томоша қиласар, Кэтринни кутардим. У юқорига чиққанда худди узоқ сафардан қайтиб келгандай бўлар ва йўлакда қўлтиқтаёқда у билан бирга юриб, тосларини кўтаришиб борар, ё эшикда кутиб туар, ё ярадор дўстларимиздан бўлса, ичкарига бирга кираардим. У ҳамма ишларидан бўшагач, менинг хонамга кириб айвонда ўтирадик. Кейин мен жойимга ётардим, кейин ҳамма уйқуга кетгач, ҳеч ким чақирмаслигига ишонч ҳосил қиласар, у олдимга келар эди. Мен унинг соchlарини тўзғитишни севардим, у эса каравотда қимир этмай ўтирап, баъзан шартта эгилиб, мени ўпар эди, мен соч тўғнағичларини олиб, рўйжа устига қўяр, гарданидаги соchlари ўрами базур илиниб туар ва мен унинг қимир этмай ўтиришига тикилиб, охирги тўғнағичларни ҳам олардим, шунда унинг соchlари бутунлай ёйилиб кетарди ва у бошини қуий эгар, соchlар икковимизни ҳам кўмиб, биз худди чодир ёхуд шалола тагида ётгандай бўлардик.

Унинг соchlари шу қадар чиройли эдик, мен баъзан очиқ эшикдан тушаётган шуълада у соchlарини ўраётганига термилиб ётардим, соchlари ҳатто тунда ҳам жилоланиб кўринарди, одатда сув тонг олдида шундай жилоли кўринади. Унинг юзи ҳам, вужуди ҳам ажойиб, бадани бениҳоя силлиқ, майин эди. Биз ёнмаён ётиб, мен бармоқларимнинг учи билан унинг ёноқ-

лари, манглайи, кўзларининг ости, даҳани, бўйинларини силар ва «худди рояль клавишларига ўхшайди» дердим — ўшанда у менинг энгагимни бармоқлари билан сийпаб: «Рояль клавишларига жилвир юргизгандай», деб айтарди.

— Нима, ботяптими?

— Йўғ-эй, жоним. Бир ҳазиллашай дедим-да.

Тунлари кунимиз туғарди, бир-бири мизга салга тегиб кетадиган бўлсак ҳам, ўзимизни бундан етти осмонда юргандай ҳис қиласардик. Биз ўзимизни катта-кичик ҳамма нарсада баҳтиёр сезардик, бир-бири мизга дилдорликлар қиласардик, бирга бўлмаган чоғла-римизда эса, бир-бири мизнинг фикримизни ўқишига ҳаракат қиласардик. Баъзан ўқигандай ҳам бўлардик, лекин бу эҳтимол, икковимиз ҳам бир нарсани ўйла-ганимиз учун шундай туюлгандир.

Биз бир-бири мизга, Кэтрин госпиталга кириб келган кундан эр-хотин бўлганмиз, деб айтардик-да, тўйимиз ўтган ўша кундан ойларни санаб чиқардик. Мен чиндан ҳам эр-хотин бўлиб яшашимизни истардим, лекин Кэтрин бундай қиласадиган бўлсак, мен ке-тишимга тўғри келади, у-бу ҳужжатлар, расмиятчи-ликларни тўғрилаш пайтида эса, кетимизга одам тушиб, бизни ажратиб юборишади, дерди. Ҳамма борди-кељдини италян никоҳ қонунлари бўйича ўтказиш керак бўлар, расмиятчиликларни битириш жуда мушкул кўчарди. Мен, биз ростданам эр-хотин бўлиши-мизни хоҳлардим, чунки мени бола ташвишга солмоқдайди, буни ўйламай илож йўқ эди, лекин биз ўзимизча эр-хотин бўлганмиз, деб юрар ва унчалик қайғурмасдик, бошқа бир томондан менга уйланма-ганлигимиз яна маъқулга ҳам ўхшаб кўринарди. Эсимда, бир марта кечаси шу ҳақда гаплашиб қолдик ва Кэтрин деди:

— Лекин, жоним, унда мен ҳозироқ бу ердан кетишим керак бўлади.

— Балки кетишингнинг ҳожати йўқдир.

— Кетишим керак бўлади. Мени уйга қайтариб юборишади ва биз уруш тугагунча кўришмаймиз.

— Мен таътил олиб келаман.

— Таътил ичидা Шотландияга ҳам бориб, ҳам келиб бўлмайди. Ундан кейин сенинг олдингдан кетмайман. Ҳозир бизга шу уйланишнинг нима кераги бор? Шундоғам эр-хотиндаймиз. Бундан ортиқ яна қандай эр-хотинчилик бўлиши мумкин.

— Мен фақат сени деб шундай бўлсин деяпман.

— «Мен» деган гап йўқ. Мен — сенман. Мени ажратиб қарама.

— Мен қизлар доим эрга тегишини исташади, деб ўйлабман.

— Жоним, мен турмушга чиққанман. Сенга турмушга чиққанман. Нима, сенга хотинлик қилолмаётубманми?

— Сен ажойиб хотинсан.

— Биласанми, жоним, мен бир марта эрга чиқишини кутиб кўрганман.

— Қўй, гапирма ўшани.

— Биласанми, мен фақат сени севаман. Мени қачонлардир кимdir севгани сенга барибир эмасми?

— Барибир эмас.

— Ахир, у ҳалок бўлди, сен эса ҳаммасига эга бўлдинг, яна нима керак?

— Майли-ку, лекин менга у ҳақда гапирма.

— Бечорагинам! Мана мен бўлсам, сен ҳаётингда кўп хотинларга дуч келганлигинги биламан. Биласману, лекин бу билан ишим йўқ.

— Бекитиқча бўлса ҳам никоҳ ўқитиб олсак бўлмасмикин? Менга бирон нарса бўлиб қолиши бор, бўйингда бўлиши бор.

— Фақат черков ҳамда граждан никоҳи бор. Биз шундоғам бекитиқча уйланиб бўлганмиз. Агар мен художўй бўлганимда, бу гапларга жуда қаттиқ эътибор берган бўлардим. Лекин мен художўй эмасман.

— Сен менга авлиё Антонийни бердинг.

— Сени балолардан сақласин, дедим. Уни менга ҳам беришган эди.

— Демак, ҳамма ёқдан күнглим тинч, дегин?

— Йўқ, бизни бир-биримиздан жудо қилишлари мумкин, деб қўрқаман. Сен менинг саждагоҳимсан. Дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ.

— Хўп, хўп. Сен рози бўлишинг биланоқ мен сенга уйланаман.

— Сен гўё зиммангда менинг номусимни сақлаш вазифаси тургани учун шундай деётганга ўхшайсан, жоним. Лекин мен ўзим номусли хотинман. Одамга фуур ва баҳт берадиган нарса нега энди уятли бўлар экан. Мана сен баҳтли эмасмисан?

— Сен мендан бошқага кетиб қолмайсанми?

— Йўқ, жоним. Мен ҳеч қачон сени ташлаб кетмайман. Менинг бошимизга кўп фалокатлар тушадигандай бўлиб туюлаверади. Кўй, майли, буни ўйлаб ўтирамайлик.

— Мен қўрқаётганим йўқ. Лекин мен сени шу қадар яхши кўраманки, сен бўлсанг мендан олдин ҳам бирорни яхши кўргансан.

— Ундан кейин-чи?

— У ҳалок бўлди.

— Шундай бўлмагандан мен сени учратмаган бўлардим. Мени бевафо деб ўйлама, жоним. Менинг анчамунча камчиликларим бор, лекин мен вафодор хотинман. Ҳали кўтарсан, менинг вафодорлигим жонингга ҳам тегиб кетади.

— Мен ҳадемай фронтга жўнашим керак.-

— Ҳозир биргамиз-ку, буни ўйламайлик. Биласанми, жоним, мен баҳтиман, иккимиз бирга бўлсак, қандай яхши. Мен не замонлардан бери бундай баҳтни туймагандим. Сен билан учрашган пайтимизда жинни бўлишимга оз қолган, талмовсираб юрган эдим. Балки ростакам жинни бўлгандирман. Ким билсин. Лекин мана энди биз баҳтимиз, биз бир-биримизни севамиз. Кел, шу баҳтимизни йўқотмайлик. Ахир, сен

баҳтлисан, түғрими? Балки сенга менинг бирон ерим ёқинқирамас? Айт-чи, сенга яхши бўлиши учун яна нима қилишим керак? Истайсанми, соchlаримни ёйиб юбораман? Истайсанми?

— Ҳа, ке ёнимга ёт.

— Ҳўп. Фақат олдин касалларни кўриб келай.

Ўн тўққизинчи боб

Ёз шундай ўтди. У кунлар кўп ҳам эсимда йўқ, фақат ҳаво жуда иссиқ бўлгани-ю газеталарнинг ғалаба хабарлари билан тўлганлиги ёдимда қолган. Менинг мучам жуда соғлом эди, жароҳатларим тез бита бошлади. Қўлтиқтаёқ билан икки-уч кун юрмасимданоқ, кераги бўлмай қолди ва мен ҳасса тутиб юра бошладим. Ўшандада мен Ospedale maggiore га қатнаб, тиззамни эгиб-букишни машқ қила бошладим. Ҳаракат терапияси, ойна қутига, бинафша нурларига оёқни солиш, уқалаш, ванна қабул қилиш кабиларни бажара бошладим. Мен у ерга пешиндан кейин борардим. Қайтишда қаҳвахонага кириб, вино ичиб газета ўқирдим. Шаҳар айланиб юрмасдим, қаҳвахонадан тўғри госпиталга қайтгим келаверарди. Кэтринни кўрсам бўлди эди. Вақт тезроқ ўта қолса дердим. Кўпинча эрталаблари ухлаб ётардим, тушдан кейин баъзиларда отчопарга борар, кейин машқ қилгани жўнардим. Баъзан мен инглиз-америка клубига кириб, дераза олдига қўйилган чуқур чарм креслога ўтириб, журнал ўқир эдим. Мен қўлтиқтаёқни ташлаганимдан сўнг бизга икковлашиб кўчага чиқишига ижозат бермай қўйдилар, чунки кўринишдан ёрдамга муҳтоҷ бўлмаган bemор билан ҳамширанинг кўчада бирга юриши одоб доирасига сифмасди. Шу сабабдан биз кундуз кунлар кам кўришар эдик. Баъзан ёнимизда Фергюсон ҳам бўлган кезларда биргаликда шаҳарнинг бирон ерида овқатланардик. Бизни Кэтрин билан дўст деб билишарди, мисс Ван-Кампен ҳам шундай

деб қарап, чунки госпиталда унга Кэтрин кўп ёрдам берар эди. У Кэтринни жуда яхши оиласдан чиққан деб ҳисобларди, худди шу нарса унинг бизга ён бо-сишига сабаб бўлди. Мисс Ван-Кампен кишининг насл-насабига кўп аҳамият берар, ўзи ҳам юқори та-бақага мансуб эди. Бундан ташқари госпиталда юмуш фоят кўп бўлиб, унинг боши ишдан чиқмас эди. Ёз жуда иссиқ эди, менинг эса Миланда танишларим кўп эди, лекин мен шом тушиши билан госпиталга қайтишга шошилардим. Фронт Карсога яқинлашиб қол-ганди, нариги қирғоқда Плава қаршисидаги Кук ишғол қилинганди. Ҳозир Баинзицца ёйлатоғида ҳужум борарди. Фарбий фронтда ишлар айтарли яхши эмасди. Уруш жуда чўзилиб кетгандай эди. Биз ҳам урушга энди қирғандик, лекин мен етарлича қўшин жўна-тиш ва уларни жангга ҳозирлаш учун камида бир йил керак бўлади, деб ўйлардим. Келаси йилдан кўп ёмон ҳодисаларни, эҳтимол, кўп яхши гапларни кутиш мумкин эди. Италян қўшилари катта талафотлар бермоқда эди. Иш шундай давом этадиган бўлса, оқиба-ти нима бўлади, ҳеч ақлга сифмасди. Ҳатто бутун Байнзиццани ва Монте-Сан-Габриелени ишғол қилишган тақдирда ҳам ундан нарида австрислар қўлида яна кўп тоғлар бор эди. Мен уларни кўрганман. На-рида ҳаммаси юксак тоғлар. Карсада олға силжидик, лекин пастроқда денгиз бўйлари ҳаммаси балчиқ, бо-тқоқдик ерлар. Наполеон австрисларни водийда тор-мор қилган бўларди. У ҳеч қачон улар билан тоғларда урушиб ўлтирмасди. Уларни пастга тушишларига қўйиб берган бўларди-да, сўнг Веронада тор-мор қиларди. Бироқ фарбий фронтда ҳали ҳеч ким ҳеч кимни тор-мор қилганича йўқ. Балким, ҳозирги урушлар ғалаба билан тугайдиган урушлар эмасдир. Бал-ким, улар умуман ҳеч қачон тамом бўлмас. Балким, бу янги Юз йиллик урушдир. Мен газетани жойига қўйиб клубдан чиқдим. Мен зинапоялардан оҳиста тушиб, Виа-Манцони бўйлаб кетдим. «Грандотель»

олдида экипажда тушиб келишаётган Мейерс ва унинг рафиқасини кўрдим. Улар отчопардан келишаётган экан. Мейерснинг хотини кўкракдор, йилтироқ қора ипакка ўранган эди. Эри эса қари ва пакана эди, мўйловлари оқарган, оёғининг таги яssi бўлганидан юрганда таёқ билан юради.

— Қалай? Тузукмисиз? — Хотин менга қўлини узатди.

— Салом! — деди Мейерс.

— Қалай бўлди отчопар?

— Зўр. Жуда зўр. Мен уч марта ютдим.

— Сиз-чи? — сўрадим Мейерсдан.

— Ёмонмас. Мен бир марта ютдим.

— Мен унинг ишлари қандайлигини сира билолмайман, — деди миссис Мейерс. — У менга ҳеч айтмайди.

— Менинг ишларни яхши, — деди Мейерс. У дўсто на сўзлашга ҳаракат қиласади. — Сиз ҳам бир отчопарга борсангиз-чи. — У гапираётганда сизга қараб гапирмаётганга ўхшар ёки сизни бошқа одам ўрнида кўраётгандай туюларди.

— Албатта, бораман, — дедим мен.

— Мен госпиталга сизни кўргани келаман, — деди миссис Мейерс. — Қобил йигитларга атаб қўйган нарсаларим бор. Сизлар ҳаммаларингиз менинг қобилгина болаларимсиз.

— Сиз келсангиз ҳаммаларининг бошлари осмонга етади.

— Шундай яхши болаларки. Сиз ҳам, Сиз ҳам менинг болаларимдансиз.

— Мен энди боришим керак, — дедим мен.

— Мендан ҳамма ёқимтой болаларимга салом деб қўйинг. Мен уларга кўп мазали нарсалар олиб бораман. Ажойиб марсала билан печенеъ олиб қўйибман.

— Хайр, — дедим мен. — Борсангиз ҳамма жуда курсанд бўлади.

— Хайр, — деди Мейерс. — Galleria га келинг. Менинг столимни биласиз. Биз бу ерда ҳар куни бўламиз.

Мен йўлимга кетдим. Мен Кэтринга «Кова»дан бирон нарса олмоқчийдим. «Кова»га кириб бир қути шоколад танладим ва сотувчи уни ўраб бўлгунча бар олдига бордим. У ерда иккита инглиз ва бир қанча учувчилар ўтиришарди. Мен ҳеч ким билан гаплашмай мартини ичдим-да, пулини тўлаб қандолатчидан шоколадни олиб, госпиталга қараб кетдим. «La Скала»га олиб борадиган кўчада чоғроқ бир бар олдида танишларим — вице-консул, қўшиқ айтишни ўрганишаётган икки ёш йигитни ва италян армиясида хизмат қилувчи сан-францисколик италян Этторе Мореттини кўрдим. Мен улар билан ичишгани ичкарига кирдим. Қўшиқчи йигитлардан бирининг номи Ральф Симмонс бўлиб, Энрико дель Кредо тахаллуси билан қўшиқ айтарди. Мен унинг қандай ашула айтишини билмайман, лекин у доим улуғ ҳодисаларнинг остонасида юрган бўларди. У семиздан келган, оғиз-бурни атрофларидағи териси шамоллаган одамники каби қипиқланиб юради. У Пъяченцада чиқиш қилиб ҳозиргина қайтиб келиб турган экан. У «Тоска»да ашула айтиби, зўр бўлиби.

— Айтгандай, сиз ҳали мен қандай айтишимни сира эшитмагансиз-ку, — деди у.

— Бу ерда қачон айтасиз?

— Кузда «La Скала»да чиқаман.

— Гаров ўйнайман, унга роса стул отишади, — деди Этторе. — Сиз Моденда унга стул отганларини эшитганимисиз?

— Миш-мишлар.

— Унга стул улоқтиришган, — деди Этторе. — Ўзим кўрганман. Ўзим олтита стул отганман.

— Сиз bemаза макаронхўрсиз.

— У италянчани жуда расво қилиб талаффуз қилади, — деди Этторе. — Қаерга саҳнага чиқмасин, ҳамма ерда стул отишади.

— Бутун Шимолий Италияда Пъяченцадагидан ҳам ёмонроқ театр йўқ, — деди бошқа ашулачи. — Галим-

га ишонинг, энг расво театр. — Бу ашулачининг номи Эдгар Саундерс бўлиб, Эдуардо Жованни лақаби билан қўшиқ айтарди.

— У ерда бўлмаганимни қаранг, сизга стул отишганини томоша қилган бўлардим, — деди Этторе. — Итальянча ашула айтишни билмайсиз-ку сиз.

— Жинни, — деди Эдгар Саундерс. — Шу стулдан бошқа ҳеч вақони билмайди у.

— Сиз ашула айтаётганингизда тингловчилар стул отишдан бошқа нарсани билмайдилар-да, — деди Этторе. — Кейин сиз Америкага қайтиб, «Ла Скала»да топган шуҳратингизни сўзлаб юрасиз. Ваҳоланки «Ла Скала»да сиз оғзингизни очмасингизданоқ ҳайдаб юборишади.

— Мен «Ла Скала»да айтаман, — деди Симмонс. — Октябрда эса «Тоска»да айтаман.

— Боришга тўғри келади, Мак, — деди Этторе вицеконсулга. — Уларга ҳимоячилар керак бўлиб қолади.

— Эҳтимол, Америка армияси унгача ёрдамга етиб келиб қолар, — деди вице-консул. — Яна бир стакан қуяйми, Симмонс? Саундерс, қуяйми?

— Қўйинг, — деди Саундерс.

— Кумуш медаль олармишсиз, деб эшитдим, — деди менга Этторе. — Қайси хизматларингиз учун бериш япти?

— Билмадим. Умуман, ҳали оламанми, йўқми, билмайман.

— Оласиз. Эҳ, «Кова»даги қизларнинг ҳоли нима кечади унда! Улар бир ўзингиз икки юз нафар австрисни ўлдириб, бутун бир хандақни қўлга туширсанисиз, деб юришади. Ўлай агар, мен ўз нишонларими ни ҳалол қилиб олганман.

— Сизда нечта улардан, Этторе? — сўради вице-консул.

— Ҳаммасидан бор, — деди Симмонс, — билмайсизми, уруш уни деб давом эттириляпти-да.

— Мен икки марта бронза ва уч марта кумуш медалга тақдим қилинганиман, — деди Этторе. — Лекин фақат бир марта олганман.

— Бошқалари нима бўлди? — сўради Симмонс.

— Операция муваффақиятли чиқмади, — деди Этторе. — Агар операция муваффақиятсиз чиқса, медаль беришмайди.

— Неча марта яралангансиз, Этторе?

— Уч марта оғир яраланганиман. Яраланганим учун учта белгим бор. Мана. — У енгини юқорига кўтарди. Унинг енгининг елкасидан пастроқда қора матога учта кумуш чизиқ чизилганди.

— Сизда ҳам биттаси бор-ку, — деди менга Этторе.

— Ўлай агар, белгингиз бўлса сира ёмон бўлмайди. Мен уларни медалдан маъқулоқ кўраман. Ўлай агар, шунакадан учта бўлса, ошифингиз олчи. Биттасини олиш учун госпиталда уч ой ётишингиз керак.

— Қаердан яралангансиз, Этторе? — сўради вице-консул.

Этторе енгини шимарди.

— Бу ердан. — У узун силлиқ қизил чандиқни кўрсатди. — Кейин оёғимнинг мана бу еридан. Обмотканинг тагида бўлгани учун ҳозир кўрсатолмайман. Товонимдан ҳам яраланганиман. Оёғимдаги бир парча эт жонсиз бўлиб қолган, ёмон ҳид чиқади. Ҳар куни эрталаб ундан осколкалар олиб ташлайман, лекин сассифи аримайди.

— Нимадан яраланувдингиз? — сўради Симмонс.

— Кўл гранатасидан. Картошка майдалайдиган нарсага ўхшайди. Оёғимнинг бир томонини учирив кетса бўладими. Сиз бунақа нарсани биларсиз? — У менга ўгирилди.

— Албатта.

— Отган ярамасни ўз кўзим билан кўрдим, — деди Этторе. — Гурс этиб ерга қуладим. Куним битди, деб ўйлаган эдим. Гранатасидан ўргилдим, сира нафи йўқ. Ярамасни милтиқдан отиб ташладим. Мен офицерли-

гимни билиб қолишмасин деб, доим ўзим билан мильтиқ олиб юраман.

— Туси қанаңа эди унинг? — сўради Симмоне.

— Бор-йўғи битта гранатаси бор экан абраҳминг. — деди Этторе. — Билмадим нима сабабдан отдийкин? Ростакам урушни татимаган, шекилли. Қачон граната отаркинман, деб кутиб юрган-ов ҳойнаҳой. Абраҳни ер тишлатдим.

— Уни отганингизда ранги ўзгариб кетдими? — сўради Симмонс.

— Қаёқдан билай? — деди Этторе. — Мен унинг қорнига қараб отдим. Калласини пойлай десам текизолмайманми, деб қўрқдим.

— Анчадан бери офицермисиз, Этторе? — сўрадим мен.

— Икки йил бўлди. Яқинда капитан бўламан. Сиз лейтенант бўлганингизга кўп бўлдими?

— Учинчи йили.

— Сиз капитан бўломайсиз, чунки сиз италян тилини яхши билмайсиз, — деди Этторе. — Гапиришни биласиз-ку, аммо ёзиш ва ўқишни билмайсиз. Капитан бўлиш учун маълумот керак. Нега сиз америка армиясига ўтмайсиз?

— Балки ўтарман.

— Мен ўтган бўлардим. Америка капитани қанча олади, Мак?

— Аниқ билмайман. Икки юз эллик долларгача, шекилли.

— Уҳ-ҳў! Икки юз эллик долларга нималар қилмайсан. Тезроқ америка армиясига ўтсангиз бўларкан, Фред. Мени ҳам жойлаштириб қўярмидингиз.

— Жоним билан.

— Мен ротага италянчасига қўмондонлик қилоламан. Инглизчани дарров ўрганиб олган бўлардим.

— Сиз генерал бўласиз, — деди Симмонс.

— Йўқ, генерал бўлишга илмим етмайди. Генерал минг турли нарсаларни билиши керак. Бизга ўшаган

азаматлар урушни менсимайдилар. Сиз эса капрал бўлишга ҳам ярамаган бўлардингиз.

— Худога шукрки, бунинг менга кераги йўқ, — деди Симмонс.

— Керак ҳам бўлиб қолар. Сиздақа такасалтангларни чақириб ҳам қолишар... Эҳ, жин урсин, икковларинг менинг ротамга тушишларингни хоҳлардим. Макниям. Мен сизни ўзимга югурдак қилиб олардим, Мак.

— Жуда ажойиб йигитсиз-да, Этторе, — деди Мак.

— Лекин сиз уришқоқ экансиз.

— Мен уруш тугамасдан полковник бўламан, — деди Этторе.

— Агар илгарироқ ўлдириб қўйишимаса.

— Ўлдиришмайди. — У бош ва кўрсаткич бармоқлари билан ёқасидаги юлдузчаларига тегиб қўйди.

— Кўрдингизми нима қилганимни? Урушда кимдаким ўлим ҳақида гапирса, юлдузчаларни ушлаб қўйиши керак.

— Юр, кетдик, Сим, — деди Саундерс ўрнидан тураркан.

— Кетдик.

— Хайр, — дедим мен. — Мен ҳам кетишим керак.

— Бардаги соат ўн бешта кам олтини кўрсатиб турарди. — Ctao, Этторе.

— Ctao, Фред, — деди Этторе. — Кумуш медаль олишингиз соз бўлибди-да.

— Оламанми, билмайман.

— Олишингиз керак, Фред. Мен олишингизни аниқ эшиздим.

— Хўп, хайр, — дедим. — Бошни эҳтиёт қилинг, Этторе.

— Ташвиш чекманг. Мен ичмайман ва санғиб юрмайман. Ишратпараст ва хотинбоз эмасман. Мен нима ёмон, нима яхши — ажратадоламан.

— Хайр, — дедим. — Сизни капитан қилиб кўтаришларидан хурсандман.

— Мен күтаришларини кутиб ўтирумайман. Мен жанговар хизматларим учун капитан бўламан. Биласиз-ку ўзингиз. Икки қилич, уч юлдуз, тепасида тож бор. Ўша менман.

— Хайрли бўлсин.

— Хайрли бўлсин. Сиз қачон фронтга қайтасиз?

— Озгина қолди.

— Хўп, кўришиб қолармиз.

— Хайр.

— Хайр. Касал бўлманг.

Мен тор кўчадан кетдим, бу ердан ҳовли орқали тўғри госпиталга чиқиш мумкин эди. Этторе йигирма учга кирган эди. У Сан-Францискода амакисининг қўлида ўсиб, Туринга қариндошлариникига энди дам олгани келганида уруш бошланиб қолганди. Амакисининг қўлида унинг бир опаси ҳам тарбияланаётган бўлиб, шу бу йил ўқитувчилар коллежини битириши керак эди. У одамни энсасини қотирадиган қуруқ қаҳрамонлардан эди. Кэтрин уни жуда ёмон кўтарди.

— Бизнинг ҳам қаҳрамонларимиз бор, — дерди у,
— лекин улар, жоним, жуда камтарин одамлар.

— У менга халақит бермайди.

— Шуни айт. Лекин жудаям шуҳратпараст, унинг афтига қарасам, зерикиб кетаман, зерикиб, зерикиб...

— Сен буни мени хафа бўлмасин деб айтапсан.

— Мен ҳам у билан гаплашиб зерикиб кетаман. Кераги йўқ. Унинг фронтда қандайлигини тасаввур қилиш мумкин, у ерда ўз хизматини ўтайди, лекин бунаقا болаларни ёқтирумайман.

— Унга эътибор берма.

— Яна бояги гапингни айтапсан. Мен уни ёмон кўрмасликка ҳаракат қиласман, лекин барибир, Худо ҳаққи, у жуда, жуда ёқимсиз бола.

— У бугун капитан бўламан, деб айтди.

— Жуда соз! — деди Кэтрин. — Ўзида йўқ хурсанддир жуда.

— Сен истармидинг менинг унвоним юқорироқ бўлишини?

— Йўқ, жоним. Мен фақат бизни яхши ресторандарга киритишларига имкон берадиган унвонинг бўлишини истайман.

— Бунинг учун менинг ҳозирги унвоним етарли.

— Сенинг унвонинг энг яхши унвон. Мен сенинг унвонинг шундан юқори бўлишини истамайман. Сен шуҳратпараст эмаслигингдан шу даражада курсандманки, жоним. Сен шуҳратпараст бўлганингда ҳам сени дердим, аммо эринг шуҳратпараст бўлмаса, бирам тинч бўласанки.

Биз айвонда жимгина гаплашиб ўтирадик. Ой чиқадиган вақт бўлган, бироқ шаҳар узра туман тушганидан, у ҳали чиқмаганди, кўп ўтмай ёмғир томчилай бошлади, биз ичкарига кирдик. Туман ёмғирга айланди. Сал вақтдан сўнг жала қўйди, жала томга шарқираб урилишига қулоқ солиб ўтирдик. Ўрнимдан туриб, айвон эшигидан ёмғир ичкарига урмаётганмикин, деб қарадим, йўқ, ёмғир ичкарига урмабди, эшикни очиқ қолдирдим.

— Яна кимни кўрдинг? — сўради Кэтрин.

— Мистер ва миссис Мейерсларни.

— Жуда галати эр-хотин улар.

— Ўз юртида қамоқда ўтириб чиққан дейишади.

Озодликни кўриб ўлсин деб, чақиришибди.

— Ўшандан бери Миланда баҳтли ҳаёт кечирапмишми?

— Билмадим, баҳтлимикан...

— Қамоқдан кейин ҳар ҳолда баҳтлироқ бўлса керак-да.

— Хотини бу ерга совға-саломлар олиб келмоқчи.

— У жуда ажойиб совғалар олиб келади. Сен ҳам унинг, албатта, жонажон болаларидан бўлсанг керак?

— Бўлмасам-чи?

— Ҳаммаларингиз унинг жонажон болаларисиз, — деди Кэтрин. — У айниқса ёқимтой болаларни яхши кўради. Ёмғирни қара.

— Қаттиқ ёғяпти.

— Сен мени ҳар доим яхши күрасан, а?

— Ҳа.

— Ёмғир ёғаверсинги?

— Ёғаверсинг.

— Қандай яхши. Мен бўлсан, ёмғирдан қўрқаман.

— Нега?

Кўзимни уйқу торта бошлади. Ташқарида ёмғир тобора кучаярди.

— Мен ёмғирни яхши кўраман.

— Мен ёмғирда сайд этишни яхши кўраман. Лекин муҳаббат учун бу яхшилик келтирмайди.

— Мен сени бир умр севаман.

— Мен сени севаман, ёмғирда ҳам, қорда ҳам, дўлда ҳам ва... яна нима бор?

— Билмадим. Нимагадир уйқум келяпти.

— Ухла, жоним, мен эса ҳеч қачон сени севишдан зерикмайман.

— Сен ростдан ҳам ёмғирдан қўрқасанми?

— Сен бор бўлсанг қўрқмайман.

— Нега қўрқасан?

— Билмайман.

— Айт.

— Мажбур қилма.

— Айт.

— Йўқ.

— Айт.

— Хўп, майли. Мен ёмғирдан шунинг учун қўрқаманки, баъзан ажал мени ёмғир ёғиб турганда оладигандай бўлади.

— Нима деяпсан!

— Гоҳо сен... ўладигандай туюласан.

— Бунинг энди ҳақиқатга яқинроқ.

— Ҳеч ундеймас, жоним. Мен сени балолардан сақлай оламан. Ҳа, бу қўлимдан келади. Лекин ўз-ўзинга ҳеч нима билан ёрдам беролмайсан.

— Қўй, ундаи гапирма. Мен бугун шотландча телба довдирашларни эшитадиган аҳволда эмасман. Айрилиқ эса оstonада турибди.

— Мен шотланд қизи ва телба бўлсам нима қилай, ахир. Лекин майли, бошқа гапирмайман. Девоналик булар ҳаммаси.

— Ҳа, ҳаммаси девоналик.

— Ҳаммаси девоналик. Фақат девоналик. Мен ёмғирдан қўрқмайман. Мен ёмғирдан қўрқмайман. Ё Раббим, ё Раббим, қўрқмасликнинг иложи бўлсайди.

У йифлади. Мен уни овутдим ва у йифидан тўхтади. Бироқ ёмғир ҳамон ёғарди.

Ингирманчи боб

Бир куни тушдан кейин биз отчопарга кетдик. Биз билан бирга Фергюсон, анов дистанцион граната портлаганда кўзидан яраланган Кроуэлл Рожерс боришиди. Қизлар кийингунча биз Рожерснинг хонасида спорт варақасида сўнгги улоқлар ва голиб чиқиши кутилганларнинг номлари айтилган ҳисботларни кўриб ўтиридик. Кроуэллнинг бутун юзи бинтлаб ташланган, унинг улоқ билан иши йўқ, бироқ спорт варақасини қўймай ўқиб борар ва қиласиган иши бўлмаганидан, барча отларни кузатиб борарди. Ҳамма отлар расво отлар, дерди у, лекин бу ерда яхшилари йўқ. Қари Мейерс уни яхши кўрар ва унга маслаҳатлар бериб турарди. Мейерс отларга пул тикиб доимо ютиб юрар, лекин маслаҳат беришга ҳуши йўқ эди, чунки бошқадар ютса, унинг оладиган ютуғи камаярди. Улоқларда алдам-қалдам ишлар кўп бўларди. Бутун дунё ипподромларидан қувилган от ўргатувчилар Италияга келиб ўрнашган эдилар. Мейерснинг маслаҳатлари ҳар доим ҳам фойдали бўларди, лекин мен сўрашни ўзимга эп билмасдим, чунки у баъзан жавоб бермас, жавоб бергандаги эса, истар-истамай бераётгани кўриниб турар, лекин қандайдир сабабларга кўра бизга айтиб туришга

ўзини бурчли деб сезар ва Кроуэлла бошқаларга қара-
гандага рўйхушлик билан йўл кўрсатарди. Кроуэллининг
кўзлари заарланган, бири деярли кўрмай қолган.
Мейерснинг ҳам кўзларининг мазаси қочган, шу са-
бабдан у Кроуэлни яхши кўрарди. Мейерс қайси отга
пул тикканини ҳеч қачон хотинига айтмас, шунинг
учун хотини бир ютса, бир ютқизар, кўпроқ ютқизар,
жуда сергап хотин эди.

Тўртовлон очиқ экипажга тушиб, Сан-Сирога қараб
йўл олдик. Ҳаво жуда яхши, биз дарахтзорлар ичи-
да, кейин трамвай йўлидан ўтиб бориб, ниҳоят шаҳар
ташқарисига чиқдик, чангли йўллар бошлини.
Йўлнинг ҳар иккала томони темир панжарапар билан
тўсилган қаровсиз чорбоғлар, виллалар билан ўралган,
йўл четида ариқлар оқиб ётар, томорқаларда етишти-
рилган сабзавотларни чанг босган эди. Олисда — во-
дийда деҳқонларнинг уйлари, ферма атрофлари даги
кўм-кўк далалар, каналлар кўринарди, шимол томон-
да эса тоғлар қад кўтарганди. Ипподромга борадиган
йўлда экипажлар кўп эди, дарвозада турган контрол-
лёр ҳарбий формада бўлганлигимиз учун бизни билет-
сиз ўтказиб юборди. Биз экипаждан тушиб, рўйхат
сотиб олдик-да, айланани кесиб ўтиб, текис қаттиқ
йўлкадан юриб томошабинлар турадиган ерга бордик.
Трибуналар ёғочдан ишланиб, эскириб кетган, трибу-
налардан қуида кассалар жойлашган, яна бошқа
қатор кассалар отхоналарнинг олдида эди, тўсиқ ол-
дида бир тўда солдатлар туришарди. Одам хийла бор
эди. Катта трибуна ортидаги дарахтлар тагида чаван-
дозлар отларни совутишмоқда. Биз танишларимизни
кўриб қолдик ва Ферюсон билан Кэтринга курси то-
пиб бердик-да, отларни томоша қила бошладик.

Чавандозлар отларни етаклаб совутишмоқда эди.
Отлар каллаларини энгаштириб олганди. Улар ичида
бири қорамтирик кўк тусда товланар, Кроуэлл, ўлай агар,
уни бўяб қўйишибди, деб хуноб бўларди. Биз тузук-
роқ қараб унинг гапи ҳақиқатга яқин деб топдик. Бу

отни эгарлашга буйруқ бўлмасдан сал илгарироқ бир дақиқагина олиб чиқишиган эди. Чавандознинг енгидаги рақам бўйича рўйхатга қараб уни топдик. Унда қора ахта, лақаби Япалоқ деб ёзилган эди. Бир марта ҳам минг ливрдан ошириб соврин олмаган отларнинг чиқиши кутиларди. Кэтрин отнинг туси жўрттага ўзгартиб қўйилганлигига амин эди. Фергюсон бунга унчалик ишонмасди. Мен ҳам отнинг тусига ишонмасдим. Ҳаммамиз шу отга қўямиз дедик ва юз лир тикдик. Ҳисоб варақасида бу отга пул қўйганлар ўттиз беш карра қилиб оладилар дейилган эди. Кроуэлл чипта олгани кетди, биз эса чавандозлар дараҳтлар тагида яна бир айланиб чиқишигарини томоша қилиб турдик. Кейин улар отнинг бошини оҳиста қўйиб, улоқ бошланадиган ерга кетишли.

Биз улоқни томоша қилиш учун трибунага кўтарилидик. У пайтларда Сан-Сирода резина тасмалар йўқ эди. Шунинг учун улоқбоши отларнинг ҳаммасини бир сафга тизиб, отлар узоқдан жуда кичкина бўлиб кўринишарди, сўнг узун қамчинини қарсиллатиб, чопишга рухсат берди. Отлар ёнгинамииздан ўтиб кетишли. Қора от ҳаммадан олдинда борар, бурилишда эса барча отлардан қаттиқ ўзиб кетди. Мен улар орқа йўлдан қандай бораётганларини дурбиндан кўриб туарар, чавандоз отнинг бошини бор кучи билан тортишга ҳаракат қиласар, лекин от зўр куч билан суриб борар, улар бурилишдан олдинги йўлкага чиққанларида қора от бошқалардан анча олдинга ўтиб кетганди. У мэррага етгандан кейин ҳам анчагача чопиб борди.

— Қандай яхши-я, — деди Кэтрин. — Биз уч минг лирдан ошиқроқ оладиган бўлдик. Жудаям зўр от экан.

— Умид қиласманки, — деди Кроуэлл, — отнинг бўёғи пулни олгунимизча тушиб кетмас.

— Йўқ, ростдан ҳам зўр от, — деди Кэтрин. — Қизиқ, мистер Мейерс унга тикдимикин?

— Ютдингизми? — қичқирдим мен Мейсерга. У бош силкиди.

— Мен эса ютмадим, — деди миссис Мейерс. — Сизчи, болалар, қайсига қўювдингизлар?

— Япалоқقا.

— Ростданми? Унга ўттиз беш баравар беришади.

— Бизга унинг туси ёқиб қолди.

— Менга эса ёқмади. Жуда хароб бўлиб кўринган эди. Унга қўйиб овора бўлманг дейишуви.

— Кўп беришмайди, — деди Мейерс.

— Ўттиз беш деб кўрсатишган, — дедим.

— Кўп беришмайди, — деди Мейерс. — Уни охирги дақиқаларда ўйинга туширишди.

— Ким?

— Кемптон ўз йигитлари билан. Мана кўрасиз. Икки баравар беришса ҳам хўп гап.

— Нима, биз уч минг лир олмас эканмизми? — деди Кэтрин. — Шу улоқлари менга ёқмайди. Фирт алдамчилик.

— Биз икки юз лир оламиз.

— Шуям пулми. Кимга керак. Мен уч минг оламиз деб ўйлабман.

— Фирт муттаҳамлик, расвогарчилик, — деди Фергюсон.

— Тўғри, шу алдамчилик бўлмагандан биз унга тикмаган бўлардик, — деди Кэтрин. — Лекин уч минг лир оламиз деб роса суюниб юрибман.

— Юринглар, пастга тушиб бирон нарса ичамиз, кейин қанча беришларини биламиз, — деди Кроузэлл.

Биз пастга — ғолибларнинг номлари ёзиладиган лавҳа олдига тушдик. Шу пайт ютуқ берилишига қўнфироқ чалинди ва Япалоқнинг қаршисига «ўн саккиз эллик» кўрсаткичини илиб қўйиши. Бу ютуқ икки баравардан ҳам кам дегани эди.

Биз катта трибуна тагидаги барга тушиб, бир стакандан содали виски ичдик. Бу ерда икки италян танишимиз ва вице-консул Мак Адамсни учратиб қол-

дик. Улар ҳам биз билан юқорига кўтарилишди. Италянлар ўзларини жуда сертакаллуф тутар эдилар. Мак Адамс Кэтрин билан гаплашиб ўтирди, биз эса пул тикиш учун пастга тушиб кетдик. Кассалардан бирининг олдида мистер Мейерс турарди.

— Сўранг-чи, қайсинга қўяркан, — дедим Кроуэлга.

— Қайсинга қўясиз, мистер Мейерс? — сўради Кроуэлл.

Мейерс ўзининг рўйхатини олди-да, қалам билан бешинчи рақамни кўрсатди.

— Биз ҳам ўшанга қўйсак, қарши эмасмисиз? — сўради Кроуэлл.

— Бемалол, bemalol. Faқat хотинимга мени айтди деманглар.

— Келинг, бирон нарса ичайлик, — дедим.

— Йўқ, раҳмат. Мен сира ичмайман.

Биз бешинчи рақамга бир марта юз лир, кейин икки юз лир қўйдик ва яна бир стакандан содали виски ичдик. Менинг жуда кайфиятим кўтарилиди, биз яна иккита итаян танишимизга дуч келдик ва уларнинг ҳар бири билан ҳам ичишдик-да, юқорига қайтиб чиқдик. Бу италянлар ҳам жуда сертакаллуф йигитлар бўлиб, боягилардан қолишмас эканлар. Уларнинг сермулозаматлиги дастидан ҳеч ким ўз ўрнида тинч ўтиrolmas эди. Мен Кэтринга чипталарни бердим.

— Қайси от?

— Билмадим. Мистер Мейерс айтганига қўйдик.

— Сиз ҳатто унинг номини ҳам билмайсизми?

— Йўқ. Рўйхатдан кўриш мумкин. Бешинчи рақамли, шекилли.

— Бирорга чиппа-чин ишонишингизни-чи, — деди Кэтрин.

Бешинчи рақамли от ютди, лекин ютуқ ниҳоятда оз эди.

Мистер Мейерснинг жаҳли чиқди.

— Йигирма лир олиш учун икки юз лир тикиш кепрек, — деди у. — Ўн лирга ўн икки лир. Овора бўлганга арзимайди. Хотиним йигирма лир ютди.

— Мен ҳам сизлар билан пастга тушаман, — деди Кэтрин. Италянларнинг ҳаммаси ўринларидан туришиди. Биз пастга тушиб бордик.

— Бу ер сенга ёқадими? — сўради Кэтрин.

— Яхши. Ёмонмас.

— Одам зерикмас экан бу ерда, — деди у. — Лекин биласанми, жоним, ҳамма ёқни таниш босиб кетса ҳам бошим оғрийди.

— Танишлар унчалик кўп эмас-ку.

— Тўғри. Лекин ану Мейерслар, ану хотини ва қизлари билан чиққан банқда ишлайдиган...

— У менинг чекларимга ҳақ тўлайди.

— У тўламаса, бошқаси тўларди. Ану тўртта италян ҳам бирам бош оғрифики...

— Кейинги чопишни шу ерда қолиб кўрсак ҳам бўлади.

— Қандай яхши. Биласанми, жоним, ўзимиз ҳечам билмайдиган отга қўяйлик, мистер Мейерс қўймаганига қўяйлик.

— Бўпти.

Биз «Кўзларнинг нури» деган отга тикдик ва у бешта отнинг ичида тўртинчи бўлиб келди. Биз панжара-га суюниб, олдимиздан учиб ўтиб бораётган отларни томоша қиласдик, олисда тоғлар ва дараҳтлар, дала-лар ортида Милан кўринарди.

— Мен ўзимизни бу ерда покиза бўлгандай ҳис қилияпман, — деди Кэтрин.

Кўпириб кетган отлар қайтиб дарвозадан кириб келишарди. Чавандозлар дараҳт тагида тушишдан олдин уларни тинчлантиришарди.

— Ке, бирон нарса ичайлик. Фақат шу ернинг ўзида отларни томоша қилиб ичамиз.

— Ҳозир олиб келаман, — дедим.

— Бола олиб келади, — деди Кэтрин. У қўлини кўтарган эди, ахтахоналар ёнидаги «Бутхона» барининг хизматчиси югуриб келди. Биз темирдан ясалган доира столга ўтиридик.

— Ўзимиз қолсак, яхши, тўғрими?

— Ҳа, — дедим.

— Ану одамларнинг олдида ўзимни шунчалар ёлғиз сездимки.

— Бу ер соз экан, — дедим.

— Ҳа. Яхши ипподром экан.

— Ёмонмас.

— Сенинг роҳатингни бузаётган бўлсам, айтгин, жоним. Истаган заҳотинг тепага қайтиб чиқамиз.

— Йўқ, — дедим. — Шу ерда қолиб ичамиз. Кейин стиплчезедаги ровга бориб сувни томоша қиласмиз.

— Менга шундай меҳрибонсанки, — деди у.

Бир қанча муддат икковимиз ёлғиз қолиб бирга бўлганимиздан сўнг, бошқаларни кўрганда яна қувондик.

Кун жуда яхши ўтди.

Йигирма биринчи боб

Сентябрда кечалари совуқ туша бошлади, кейин кунлар ҳам совиди, паркдаги дарахтларнинг барглари сарфая бошлади, шунда биз ёз ўтганлигини англадик.

Фронтда аҳвол жуда ёмон эди, Сан-Габриеле ҳамон ишғол қилинмаганди. Баинзицца ёйлотогида жанглар тўхтаганди, ой ўрталарига бориб жанглар Сан-Габриеледа ҳам тўхтади. Уни барибир қўлга киритолмадилар. Этторе фронтга жўнади. Отларни Римга олиб кетиши ва отчопарда улоқлар барҳам топди. Кроуз эмл ҳам Римга кетди, бу ердан у Америкага жўнатилиши керак эди. Шаҳарда икки марта урушга қарши ғалаёнлар бўлди. Туринда хийла тўполонлар бўлиб ўтибди. Бир инглиз майори менга клубда италянлар

Баинзицца ёйлотоги ва Сан-Габриеледа бир юз эллик минг одам талафот бердилар, деб айтди.

— Булардан ташқари италянлар Карсада яна қирқ минг одам йўқотишиди, — деди у. Ичишдик ва унинг тили ечилиди.

— Бу йил бошқа уруш бўлмайди — деди у, — италянлар ўзлари ҳазм қиломайдиган луқмани ютиб қўйдилар. Фландр иядаги ҳужумнинг миси чиқди, — деди у. — Агар бундан кейин ҳам шу куздагидек одамларни аямайдиган бўлишса, унда иттифоқдошларнинг тезда нафаси чиқмай қолади. Ҳаммамизнинг тинкамиз қуриди. Ҳамма гап буни тан олмасликда. Қайси мамлакат ўзининг тинкаси қуриганлигини ҳаммадан кейин англаса, ўша мамлакат урушда ютиб чиқади.

Яна ичдик.

— Сиз штабдан эмасмисиз?

— Йўқ.

У эса — штабдан. Ҳаммаси беҳуда. Биз икковлон клубнинг катта чарм диванида ястаниб ўтирадик. Унинг этиги хирароқ теридан тикилган, ялагандай қилиб артилганди. Жуда пўрим этик эди.

— Ҳаммаси беҳуда, — деди у. Ҳамманинг фикри ёди дивизиялар ва уларни тўлдиришда бўлиб қолган. Дивизия сўраб бир-бирларини ғажиб ташлагудай бўлишади, қўлларига теккан куниёқ уни гўрга тиқиб келишади. Ҳамманинг тинкаси қуриди. Фалаба нуқул немисларники бўлиб кетмоқда. Ана уларни, падарига лаънат, солдат деса бўлади! Қадимги хуннлар — чинакам солдатлар. Аекин уларнинг ҳам тинкаси қуриди. Ҳаммамизнинг тинкамиз қуриди.

Мен русларни сўрадим. Уларнинг ҳам тинкаси қуриди, деди у. Уларнинг тинкаси қуриганлигини мен ўзим тезда кўтарар эканман.

— Австрисларнинг ҳам тинкаси қуриди. Агар улар хуннларнинг бир неча дивизияларини қўлга киритишга муяссар бўлсалар, унда урушни бир амаллаб эплаштириб оладилар.

- Шу кузакда ҳужумга ўтармикинмиз?
- Албатта-да. Италянларнинг тинкаси қуриди. Уларнинг тинкаси қуриганлигини ҳамма билади. Қари хунн Трентинодан ўтиб, Виченцада темир йўлни кесиб ташлайди-ю, италянлар тутдай тўкилади қолади.
- Австрислар ўн олтинчи йилда шундай қилмоқчи бўлган эдилар, — дедим мен.
- Немислар йўқ эди унда.
- Тўғри, — дедим.
- Лекин улар бундай қилишмас-ов, — деди у. — Бу жуда осон. Улар мураккаброқ бир нарсани ўйлаб тошидади-ю, шу билан тамом, тинка-мадорлари қурийди.
- Мен кетишим керак, — дедим. — Госпиталга боришим керак.
- Хайр, — деди у. Кейин қувноқлик билан қўшиб қўйди: — Ишингиз ўнгидан келсин. — Унинг муҳокамаларидағи тушқунлик табиатидаги қувноқликка сира уйғун эмасди.
- Сартарошхонага кириб соқолимни олдирдим, кейин госпиталга кетдим. Бу пайтга келиб оёғим анча дуруст бўлиб қолган, шунисига ҳам шукр қилмоқда эдим. Уч кун бурун мени қайта кўрикдан ўтказишибди. Ospedale maggiore да даволанишим тугаёзган, батамом тузалишим учун битта-яримта дори-дармон олишимгина қолган эди. Шунинг учун тор кўчадан оқсоқланмасдан юриб боришга ҳаракат қиласдим. Айвонча тагида бир чол қофоз суратлар қирқарди. Иккита қиз унинг олдида туришар, чол бошини ён томонга энкайтириб, қизларга қарай-қарай чаққонлик билан қайчида қофоз қирқиб борарди. Қизлар ҳихилашарди. У силуэтларни оқ қофозга қўйиб қизларга елимлаб беришдан олдин менга кўрсатди.
- Қалай, дурустми? — деди у. — Қалай, сизга ҳам ишлаб берайми, tenente?

Қизлар ўз шаклларини томоша қила-қила кулишганча кетишлиди. Иккалалари ҳам ёқимтойгина эдиди.

лар. Улардан бири госпитал қаршисидаги емакхонада ишларди.

— Майли, — дедим.

— Шапкангизни олиб қўйсангиз.

— Йўқ, шапка билан.

— Унча яхши чиқмайди, — деди чол. — Шошмангчи, — унинг юзи ёришди, — айтганингиздай, бу ҳатто пўримроқ чиқаркан.

У қайчи билан қора қофозни қирқа кетди, кейин қофозни иккига ажратиб, ҳар иккала шаклни картонга елимлаб ёпиштириди-да, менга узатди.

— Қанча беришим керак?

— Керакмас, керакмас, — қўлини силтади у. — Мен сизга шундоғ қилиб бердим.

— Марҳамат, — мен чўнтағимдан танга олдим. — Қўлимни қайтарманг.

— Йўқ. Мен уларни кўнгил ҳушига ишладим. Севган қизингизга тортиқ қилинг.

— Раҳмат. Хайр.

— Кўришгунча.

Госпиталга қайтдим. Идорада менга хатлар бор экан, биттаси расмий ва яна бир қанча хатлар. Менга соғлигимни яхшилаш учун уч ҳафталик таътил берилибди, ундан кейин фронтга қайтишим керак экан. Мен хатни яна бир карра диққат билан ўқиб чиқдим. Ҳа, худди ўзим айтганимдай. Таътил даволанишим тугайдиган кундан, 4 октябрдан бошланаркан. Уч ҳафтаси йигирма бир кун. Бу 25 октябрь дегани. Мен яна бир оз айланиб келаман деб, госпиталдан бир қанча уй наридаги ресторанга овқатлашиш, хатларни кўриш ва «Коръере делла сера»ни ўқиш учун йўл олдим. Хатларнинг бири бобомдан эди, унда оиласи янгиликлар ёзилган, ватанпарварлик йўсинида бир қанча маслаҳатлар берилган, икки юз долларлик чек ва бир қанча газета қирқимлари юборилган эди. Кейин яна бир зерикарли хат кашишимиздан, бошқаси шўх улфатлар ичига тушиб қол-

ган француз ҳаво кучларида хизмат қилувчи таниш учувчидан, у ўз шўхликлари ҳақида ҳикоя қилибди, яна бири Ринальдидан эди; у ҳали Миландада узоқ ўтирасизми, қандай янгиликлар бор, деб сўрабди. Рўйхат юбориб, шу рўйхатдаги граммофон пластинкаларини келтиришимни илтимос қилибди. Мен овқат билан бир шиша къярни буюрдим, кейин коњякли қаҳва ичдим, газетани ўқиб чиқдим, ҳамма хатларни чўнтағимга солдим, газетани стол устида чой пули билан қўшиб қолдирдим-да, чиқиб кетдим. Госпиталда, ўз хонамда формамни ечиб, халат ва пижама кийдим, айвон эшигидаги пардаларни тушириб, ўрнимга ёнбошлаб ётдим-да, Бостон газеталарини ўқишга киришдим. Буларни ўз йигитларига миссис Мейерс келтирганди. «Чикаго-Уайт-Сокс» гурӯҳи Америка лигасининг совринини олибди, Миллий лигада эса «Нью-Йорк-Жайэнтс» гурӯҳи олдинда экан. Бейб Рут ҳозир Бостонда ўйнамоқда экан. Газеталар зерикарли, янгиликлар хира ва тор, фронтдан олинган хабарлар эскирган эди. Америка янгиликларидан бўлса фақат ўқув лагерида бўлмаганим учун севиндим. Спорт хабарларидан ташқари бошқа ҳеч нарсани ўқий олмадим, ўқиганларимни ҳам қиласидиган иш бўлмагани учунгина ўқидим. Бирдан кўп газета ўқисанг, унчалик қизиқмай ўқийсан. Газеталар янги эмасди, шундай бўлса-да, мен уларни ўқир эдим. Агар Америка чинакам урушга кирса, спорт союзлари беркилармикин, деб ўйладим. Беркилмаса керак. Уруш авжида бўлишига қарамай, Миландада ҳамон улоқ чопишлар бўлиб турарди. Францияда эса энди улоқлар чопилмас эди. Бизнинг Япалоғимизни ўша ердан келтиришган. Кэтриннинг наубатчилиги фақат тўққиздан бошланарди. У наубатчиликка келганида, унинг қадам товушларини эшитдим, бир марта очиқ эшикдан ўзини ҳам кўрдим. У бир қанча палаталарни айланиб чиқди-да, ниҳоят, олдимга кирди.

— Бугун кеч келдим, жоним, — деди у. — Иш күп. Хүш, ўзинг қалайсан?

Мен унга газеталарни, таътилни гапириб бердим.

— Мунча яхши, — деди у. — Қаерга бормоқчисан?

— Ҳеч ёқقا. Шу ерда қолсам, дейман.

— Бўлмаган гап. Сен бир яхши жойни танлагин, мен ҳам сен билан бораман.

— Борасанми, қандай қилиб?

— Билмадим. Амаллармиз.

— Шакарим.

— Унчаликмас. Шундан бошқа чора қолмагандан кейин ҳаммасини қиласан.

— Нима деганинг бу?

— Ҳеч нима. Мен фақат ўтиб бўлмайдиган бўлиб кўринган тўсиқлар энди ҳеч нарсага арзимаслигини билдим.

— Менимча, буни эплаш қийин бўлади.

— Сира ҳам жоним. Нари борса, ҳаммасини ташлаб кетаман. Лекин бунчаликка бормас дейман.

— Қаёқقا борамиз?

— Барибир. Қаерга хоҳласанг. Фақат танишлар йўқ жойни танла.

— Ростдан ҳам қаерга боришимиз сенга бариборми?

— Ҳа. Кетсак бўлгани.

У нимадандир безовта ва ташвишли кўринарди.

— Нима бўлди, Кэтрин?

— Ҳеч нима. Ҳеч нима бўлгани йўқ.

— Тўғримас.

— Тўғри. Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Ундей эмас, биламан. Айт, жоним. Менга айтмасанг кимга айтасан.

— Ҳеч нарса бўлмади.

— Айт.

— Истамайман. Кўнглингни оғритиши ёки ташеишга солиши мумкин.

— Қўйсанг-чи.

— Ростми? Бу мени ранжитмайди, лекин сени ранжитиши мумкин.

— Сени ранжитмаган нарса нега мени ранжитар экан.

— Айтгим келмаяпти.

— Айт.

— Шартми?

— Ҳа.

— Менинг фарзандим бўлади, жоним. Уч ойча бўлиб қолди. Лекин сен ранжимайсан, тўғрими? Керакмас. Ранжима.

— Ранжимайман.

— Ростданам ранжимайсанми?

— Албатта.

— Мен нималар қилмадим. Ҳаммасини қилиб кўрдим, лекин сира нафи бўлмади.

— Мен сира хафа бўлганим йўқ.

— Шундай бўлиб тургандан кейин мен ҳам хафа бўлиб ўтирамадим, жоним. Сен ҳам хафа бўлиб дилингни хира қилиб юрма.

— Менга сен саломат бўлсанг, бас.

— Мени ўйлайверма. Ҳамма тугади. Бошқаларда ҳамма вақт бола туғилади. Ҳеч бунинг ажабланадиган жойи йўқ.

— Малагим.

— Эркалаб юбординг. Лекин сен бу ҳақда ҳадеб ўйлайверма, жоним. Мен сенга ташвиш орттириласликка ҳаракат қиласман. Биламан, ҳозир сени ташвишга қўйдим. Лекин мен шу кунгача ҳеч нарсани билдирамадим, тўғрими? Сен хаёлингга ҳам келтирмаган эдинг-ку?

— Йўқ.

— Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Сен ҳеч қачон ташвиш тортмаслигинг керак. Кўриб турибман ранжиганингни. Бас қил. Ҳозироқ бас қил. Балки бирон нарса ичарсан, жоним? Биламан, озгина иссанг, кўнглинг очилади.

— Йўқ. Мен шундоқ ҳам хурсандман, шакарим.

— Эркалаб юбординг. Мен ҳаммасини түғрилайман, биз бирга бўламиз, фақат сен қаерга боришимизни аниқласанг бўлди. Октябрь яхши ой. Биз вақтимизни жуда ҳам ажойиб қилиб ўтказамиз, жоним, сен фронтга кетганингда эса, ҳар куни хат ёзаман.

— Ўзинг қаерда бўласан?

— Мен ҳали билмайман. Лекин энг яхши жойда бўлишга ҳаракат қиласман. Ҳаммаси яхши бўлади.

Биз жим бўлиб қолдик, гапдан тўхтадик. Кэтрин тўшакда ўтирап, мен ундан кўзимни узмас, лекин бир-биримизга тегмасдик. Хонага чет киши кириб қолгандай ҳамма сергак тортиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолгандай, биз ҳам ҳозир ўз хаёлимиз билан банд эдик. У қўлини чўзиб менинг қўлимга қўйди.

— Сен хафамасмисан, жоним, айт?

— Йўқ.

— Ўзингни худди тузоқقا тушгандай ҳис қилмаяпсанми?

— Эҳтимол, бир оз шундайдир, лекин бу сен туфайли эмас.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаяпман. Қўй, шунаقا гапларни гапирма. Мен умуман тузоқقا демоқчиман.

— Физиология доимо тузоқ.

У қимир этгани, қўлини тортиб олгани ҳам йўқ, лекин назаримда бир зумда мендан йироқлашиб кетгандай бўлди.

— Хунук сўз. Нега доимо, дейсан.

— Кечир.

— Ҳечқиси йўқ. Лекин биласанми, менинг биринчи марта бўйимда бўлиши, биринчи марта бировни севишим. Мен сен хоҳлагандай бўлишга тиришдим, сен бўлсанг, томдан тараша тушгандай қилиб «доимо» деб ўтирибсан.

— Тилимни кесиб ташласам рози бўласанми? — дедим.

— Жоним! — У узоқлардан яна ёнимга қайтди. — Эътибор берма. — Биз яна бирга эдик, орамиздан

гина-кудурат кўтарилди. — Ахир, икковимиз бир одаммиз, шунинг учун майда-чуйда нарсаларга ижиклашиб ўтирсак яхши бўлмайди.

— Кераги ҳам йўқ.

— Бунақа гаплар бўлиб туради. Одамлар бир-бирларини севишади-да, майда-чуйда гаплар билан бир-бирларининг таъбларини хира қилишади, жанжаллашишади, кейин тўсатдан бошқа-бошқа одам бўлиб қолишади.

— Биз ҳеч қачон уришмаймиз.

— Кераги ҳам йўқ. Дунёдаги ҳамма бошқа одамлар олдида биз бир одаммиз. Агар бизга бирон нарса бўлса, биз тамом бўламиз, улар бизни тутиб олишади.

— Уларнинг қўллари етмайди бизга, — дедим. — Чунки сен жуда мардсан. Мардлар эса балолардан йироқ бўладилар.

— Барibir мардлар ҳам ўладилар.

— Faқат бир марта.

— Шундаймикин? Ким айтган буни?

— Кўрқоқ минг марта, мард бир марта ўлади, дебми?

— Ҳа-да. Ким айтган буни?

— Билмадим.

— Ўзи қўрқоқ бўлган, шекилли, — деди у. — У қўрқоқларни яхши биларкан, лекин мардларни сира тушунмас экан. Мард агар ақлли бўлса, икки минг марта ўлиши мумкин. Faқат буни чўзилиб гапириб ўтирмайди.

— Билмадим. Марднинг юрагини кўриб бўлмайди.

— Ҳа. У шуниси билан кучли.

— Сен жуда доно экансан.

— Сен ҳақсан, жоним. Бу гапинг тўғри.

— Сен ўзинг мардсан.

— Йўқ, — деди у. — Лекин мен мард бўлишни истардим.

— Мен эса, мард эмасман, — дедим. — Мен ўз қадримни биламан. Буни билишга вақтим етарли бўлган

эди. Мен бир мавсумда йигирма иккини урадиган ва шундан бошқага қодир эмаслигини билган бейсболчига ўхшайман.

— «Мавсумда йигирма иккини урадиган», деганинг нимаси? Катта гапга ўхшайди.

— Катта гап эмас. Бу бейсбол гурӯҳида ўртамиёна хужумчи дегани.

— Барибир хужумчи экан-ку, — масхара қилди у мени.

— Биз бир-бири мизга гап бермайдиган одамларга ўхшаймиз, — дедим. — Аекин сен мардсан.

— Йўқ. Аммо бир кун келиб мард бўлиш умидим бор.

— Икковимиз ҳам мардмиз, — дедим. — Мен ичганимда жуда ҳам мард бўлиб кетаман.

— Биз ажойиб одамлармиз, — деди Кэтрин. У шкафдан конъяк билан стакан олди. — Ич, жоним, — деди у. — Бу сенга ахлоқинг яхши бўлгани учун.

— Ичгим келмаяпти.

— Ич, ич.

— Ҳай, майли. — Мен стаканга озроқ конъяк қуийб ичдим.

— Шуниси ҳам борки, — деди у. — Конъяк қаҳрамонлар ичимлиги эканлигини мен биламан. Лекин кўп ичмаган маъқул.

— Урушдан кейин биз қаерда яшаймиз?

— Ажабмас ибодатхонада яшасак, — деди у. — Мен соддалик қилиб уч йилдан бери уруш Исо туғилган кунда тугайди, деб юрибман. Лекин энди мен уруш ўғлимиз лейтенант бўлганда тугайди деб турибман.

— Балки у генерал бўлар.

— Агар бу юз йиллик уруш бўлса, генерал бўлишга ҳам улгуради.

— Озгина ичмайсанми?

— Йўқ. Сен конъяк иссанг, доим кайфиятинг кўтарилади, менинг бўлса, бошим айланади.

— Сен сира конъяк ичмаганмисан?

- Йўқ, жоним. Мен жуда қолоқ хотинман.
Мен шишага қўл чўзиб, ўзимга яна конъяк қуидим.
— Бориб ватандошларингдан хабар олиб келай, —
деди Кэтрин. — Унгача балки газета ўқиб турарсан?
— Бормасанг бўлмайдими?
— Ҳозир бўлмаса, кейинроқ.
— Унда ҳозир.
— Унда тез қайтаман.
— Мен газеталарни ўқиб тураман.

Йигирма иккинчи боб

Кечаси совуқ бўлди, эртасига ёмғир ёғди. Мен Ospedale Maggiore дан қайтаётганимда, ёмғир қаттиқ ёғмоқда эди, тоза бўқдим. Хонамнинг айвонига ёмғир сели урилар, шамол, ҳатто айвон эшигига довур ёмғирни ҳайдаб келарди. Мен бошқатдан кийиниб, конъяк ичдим, лекин конъякнинг мазаси ёмон эди. Кечаси ўзимни ёмон сездим, эрталабки чойдан сўнг қайт қилдим.

— Ҳаммаси равшан, — деди госпитал врачи. — Кўзининг оқига қаранг, мисс.

Мисс Гэйж қаради. Ўзингиз ҳам қаранг деб, менга ҳам ойна беришди. Кўзимнинг оқи сарфайиб кетган эди, сариқ бўлиб қолибман. Икки ҳафта тўшакда ётдим. Шуни деб таътилим бузилди, вақтимизни бирга ўтказолмадик. Биз Лаго-Мажоредаги Палланцага бормоқчи эдик. Кузда дарахтлар сарфая бошлиганда у ер чиройли бўлади. Кўрадиган, томоша қиладиган жойлар кўп, кўлда хонбалиқ тутиш мумкин. У ер Стрезадан ҳам яхши эди, чунки Палланцада одам сийракроқ бўларди. Стрезага Миландан бориш осон эди, танишлар ҳам кўп эди. Палланца яқинида эса кўркам қишлоқлар бор эди, эшкаклик қайиқقا тушиб, балиқчиларнинг оролларигача бориш мумкин эди, оролнинг ўзида эса ресторон бўларди. Лекин биз боролмай қолдик.

Бир куни сариқ бўлиб ётсам, мисс Ван-Кампен хонамга кириб, шкафни очиб шишаларни кўриб қолди. Мен ҳозиргина қоровулни чақириб бир тўда шишаларни бериб юборган эдим, эҳтимол, мисс Ван-Кампен уни кўриб қолиб яна йўқмикин деб, кирганга ўхшарди. Ҳаммадан ҳам вермут, марсала, капри, къянтидан қолган шишалар кўп эди, бир нечта конъяк шишаси бор эди. Қоровул вермутнинг каттакон шишалари билан къянтининг похол саватчаларга ўралган бақалоқ шишаларини олиб кетаман, девди. Мисс Ван-Кампен топган шишалар конъяқдан қолган шишалар бўлиб, биттаси айиқ шаклида ишланган кюммель флягаси эди. Мисс Ван-Кампенни, айниқса, айиқшиша жонини чиқариб юборди. У шишани қўлига олди. Айиқ олдинги оёқларини кўтариб орқа оёқларида ўтирас, унинг шиша бошида эса тиқини бор эди, шиша тагида бир қанча ёпишқоқ заррачалар кўриниб турарди. Мен кулдим.

— Кюммель шишаси, — дедим мен. — Энг яхши кюммелни мана шундай айиқ-шишаларда сотишади. Уни Россиядан келтиришади.

— Булар ҳаммаси, янглишмасам, конъяк шишалари бўлса керак? — сўради мисс Ван-Кампен.

— Менга бу ердан кўринмаяпти, — дедим. — Айтганингиз тўғри бўлса керак.

— Бу қачондан бери давом этади?

— Уларни ўзим сотиб олиб келардим, — дедим. — Одимга тез-тез италян офицерлари келиб туришади, уларни меҳмон қилиш учун конъяк олиб қўйган эдим.

— Ўзингиз ичмас эдингиз, шундайми?

— Ўзим ҳам ичардим.

— Конъяк! — деди у. — Ўн битта бўшатилган конъяк шишаси ва анови айиқ суюқлиги.

— Кюммель.

— Ҳозир одам юбораман, буларни йўқотсин. Бошқа бўш шишаларингиз йўқдир?

— Ҳозирча йўқ.

— Мен бўлсам, сизга яна ачиниб ўтирибман. Садқаи ачиниши.

— Ташаккур.

— Биламан, ҳеч кимнинг фронтга қайтгиси келмайди. Лекин сиз алкоголь ичиб, ўзингизни сариқ қилишдан кўра тузукроқ нарсани ўйлаб топсангиз, маъқул бўлар эди.

— Нима дедингиз?

— Алкоголь ичиб дейман. Мен нима деганимни сиз жуда яхши эшитдингиз. — Мен миқ этмадим. — Сариқдан бошқа бирон нарса ўйлаб топмасангиз, қўрқаманки, тузалишингиз билан сизни фронтга жўнатишга тўғри келади. Ўзингизни атайлаб сариқ қилганингиз учун саломатликни тиклашга берилган таътил бекор бўлса, ажабмас.

— Наҳотки?

— Худди шундай.

— Сиз сира сариқ билан оғриганмисиз, мисс Ван-Кампен?

— Йўқ. Лекин мен бу касални кўп кузатганман.

— Сиз bemорлар бу касалдан маза қилгандарини кўрганмисиз?

— Ҳар ҳолда бу фронтдан дуруст бўлса керак-да.

— Мисс Ван-Кампен, — дедим мен, — сиз ҳеч ҳарбий хизматдан бош тортиш мақсадида ўз мояигига ўзи тепган одамни кўрганмисиз?

Мисс Ван-Кампен савонни эшитмаганга олди. У ё ўзини эшитмаганга олиши, ё хонадан чиқиб кетиши керак эди. Унинг кетгиси келмасди, чунки анчадан бери мени кўргани кўзи йўқ, энди ўч оладиган пайт келиб қолган эди.

— Мен фронтдан қочиши учун ўзларига жўрттага зарар етказган одамларни кўп кўрганман.

— Гап унда эмас. Жўрттага ўзларини зааралаганларни мен ҳам кўрганман. Мен сиздан ҳарбий хизматдан қочиши учун ўз мояигига ўзи тепган одамни кўрганмисиз, деб сўрайпман? Шу сариқ билан оғриганга яқин.

Буни унча-мунча хотинлар билавермайдилар. Мана шунинг учун ҳам сиздан сариқ билан оғриганмисиз деб сўрадим, мисс Ван-Кампен, чунки...

Мисс Ван-Кампен хонадан чиқиб кетди. Кўп ўтмай мисс Гэйж кирди.

— Ван-Кампенга нима дедингиз? Жон-пони чиқиб кетибди.

— Биз ҳар хил шароитда одам ўзини қандай ҳис қилиши мумкинлигини гаплашдик. Мен айтдимки, у киши ҳеч қачон туғиб кўрмаганлар деб...

— Жинни бўлибсиз, — деди Гэйж. — У терингизни тириклай шилиб олишга тайёр.

— Шиладиганини шилиб бўлди, — дедим. — У таътилимни бекор қилиб, энди мени дала судига беришдан ҳам тоймас. Қўлидан ҳар нарса келади.

— Унинг сизни кўргани кўзи йўқ эди ўзи, — деди Гэйж. — Нима қилиб айтишиб қолдинглар?

— У фронтга қайтиб бормаслик учун жўрттага кўп ичклик ичгансиз, дейди.

— Уфф, — деди Гэйж. — Мен оғзингизга бир томчи ҳам олмагансиз деб қасам ичишим мумкин. Сиз оғзингизга ҳеч қачон бир томчи ҳам ичимлик олмаганингизни ҳамма билади.

У шишаларни топиб олди.

— Юз марта сизга айтдим: шу шишаларни олиш керак деб. Қани улар?

— Шкафда.

— Жомадонингиз борми?

— Манави халтага солинг.

Мисс Гэйж шишаларни халтага жойлаштирди.

— Уларни қоровулга бераман, — деди у эшикка юрар экан.

— Бир дақиқага, — деди Ван-Кампен. — Бу шишаларни мен ола кетаман. — У ўзи билан қоровулни ҳам олиб келган эди. — Қани, уларни кўтаринг-чи, — деди у. — Мен уларни доктор келганда кўрсатмоқчиман.

У йўлакка чиқиб кетди. Қоровул орқасидан халтани кўтарди. У халтада нима борлигини биларди.

Хеч нарса бўлмади, фақат таътилимдан айрилдим.

Йигирма учинчи боб

Фронтга жўнайдиган куним кечқурун қоровулни поезд Туриндан келиши биланоқ жой эгаллашга чиқардим. Поезд ярим кечаси жўнар эди. Гуруҳ Туринда ташкил этилиб, соат ўн яримларда Миланга келар ва то жўнатилгунча перронда турагар эди. Жой олиш учун вокзалга поезд келмасидан чиқиб туриш керак эди. Қоровул ёнига таътилга келган пулемётчи ўртоғини олиб, икки киши бўлсак жой олиш осон бўлади деб вокзалга кетди. Мен уларга перрон чиптасига пул бердим-да, юкларимни ҳам оловолишлиарини сўрадим. Катта бир рюкзагим ва иккита сафар сумкам бор эди.

Соат бешларда госпиталдагилар билан хайрлашиб чиқдим. Қоровул юкларимни ўз хонасига олиб бориб қўйган экан, унга вокзалда ярим кечадан олдинроқ бўламан, дедим. Унинг хотини мени «signorino» деб атади ва йифлагаб юборди. Кейин қўзларини артиб, қўлларимни силкиди-да, сўнг яна йифлагаб юборди. Мен унинг елкасига қоқиб қўйдим, шунда у яна йифлагаб олди. Бу паст бўйли, юмaloққина, соchlари оқариб кетган, меҳрибон юзли аёл эди. У доим менинг пайпоқдарамини ямаб берарди. У йифлаганда бутун юзи ёйилиб кетарди. Мен бурчакдаги барга бордим-да, деразага қараб кута бошладим. Кўча қоронги эди, совуқ эди, туманли эди. Мен граппа қўшилган қаҳванинг ҳақини тўладим-да, деразадан тушган ёруғлик парчасида ўткинчиларнинг ўтиб боришини кузата бошладим. Мен Кэтринни кўриб ойнани тиқиллатдим. У бурилиб қаради, мени кўриб жилмайди ва мен унга пешвоз чиқдим. У устига қорамтирик кўк ёмғирпўш илган, бoshига юмшоқ шляпа кийганди. Биз хиёбондан — вино дўконлари ёнидан юриб кетдик, кейин бозор майдо-

нидан ўтиб яна кўчага чиқдик-да, арк остидан ўтиб, жоме майдонига чиқдик. Майдонни трамвай йўллари кесиб ўтар, жоме йўлнинг нариги томонида жойлашган эди. Жоме оқ ва туманда рутубатли кўринарди. Трамвай йўлларини кесиб ўтдик. Чап томонимизда ёруғ витринали магазинлар ва Galleria га кирадиган жой бор эди. Майдон устида туман қуюқлашиб борарди, жоме ҳам яқиндан жуда маҳобатли кўринар, девор тошлари эса нам тортган эди.

— Кирамизми?

— Йўқ, — деди Кэтрин.

Яна юриб кетдик. Девордан чиқарилган тош тиргакларнинг панасида бир солдат қиз билан туради, ёnlаридан ўтиб кетдик. Улар деворга маҳкам қисилишиб туришар, солдат қизни ёмғирпўши билан ўраб олганди.

— Улар бизга ўхшайди, — дедим.

— Ҳеч ким бизга ўхшамайди, — деди Кэтрин. Ҳозир унинг ичига чироқ ёқса ёrimасди.

— Уларнинг борадиган жойлари ҳам йўқ.

— Балки шундай бўлгани уларга маъқулроқдир.

— Билмадим. Ишқилиб, одамнинг борадиган жойи бўлиши керак.

— Уларнинг жомелари бор, — деди Кэтрин.

Биз жомедан ўтдик. Нариги бетга ўтиб унга қарадик. Жоме туманда чиройли кўринарди. Биз чарм маҳсулотлар магазини олдида тўхтадик. Витринага чавандозларнинг этиклари, рюкзаклар, чанфида учганда кийиладиган оёқ кийимлари қўйилган эди. Улар алоҳида-алоҳида қўйилганди: ўртада рюкзак, бир томонда этик, иккинчи томонда чанфи кийими туради. Чарм қорамтири, силлиқ, худди эски эгардай йилтиради. Электр нури хира йилтиллаб турган чармга узун йилтироқ йўллар согланди.

— Насиб қиласа сен билан ҳали роса чанфи учамиз.

— Икки ойдан кейин Мюрренда чанфи мавсуми бошланади, — деди Кэтрин.

— Ўша ерга борамиз, хўпми?
— Бўпти, — деди у. Биз бошқа витриналар олдидан ўтиб, ён кўчага бурилдик.

— Мен бу ердан сира юрмаганман.
— Мен бу йўлдан доим Ospedale Maggiore га қатнар эдим, — дедим.

Кўча тор бўлиб, биз ўнг томондан юриб борардик. Қуюқ туманда қаршимиздан кўп йўловчилар келарди. Биз ўтиб бораётган ҳамма дўконларнинг деразалари ёруғ эди. Биз бир деразадаги сирдан ишланган пирамидага тикилиб қолдик. Қурол-яроғ дўкони олдидা тўхтадик.

— Бирпасга кириб чиқайлик. Мен у-бу сотиб олишим керак.

— Нима?

— Пистолет.

Биз ичкарига кирдик, мен камарим билан тўппончамнинг бўш филофини ечиб пештахта устига қўйдим. Пештахта ортида икки хотин туради. Улар менга бир қанча тўппончаларни кўрсатишиди.

— Менга филофга тушадигани керак, — дедим филофи очарканман. Филоф кулранг, чармдан тайёrlанган бўлиб, уни шаҳарда тақиб юриш учун олган эдим.

— Булар яхши тўппончаларми? — сўради Кэтрин.
— Ҳаммаси деярли бир хил. Манавинисини отиб кўриш мумкинми? — сўрадим хотиндан.

— Ҳозир отадиган жойимиз йўқ, — деди у. — Лекин у жуда ҳам яхши. Хурсанд бўласиз.

Мен тепкини тушириб, лўкидонни тортдим. Лўкидон пружинаси қаттиқ эди, аммо тиқилмай келди. Мен мўлжалга олиб тепкини босдим.

— У янги эмас, — деди аёл — Отишга уста бир офицер бор эди, ўшанини.

— Сиздан сотиб олганмиди?

— Ҳа.

— Яна қандай қилиб қўлингизга тушди?

— Ўша офицернинг хизматчиси келтирди.

— Балки меники ҳам сиздадир, — дедим мен. — Қанча?

— Эллик лир. Жудаям арzon.

— Яхши. Менга яна иккита ўқдон билан бир қути патрон беринг.

— У пештахта тагидан ўқдон билан ўқларни олди.

— Балки сизга қилич ҳам керакдир? — сўради аёл,

— менда тутилган қилич бор, арzonга берардим.

— Мен фронтга кетяпман.

— Ҳа, унда сизга қиличининг кераги йўқ, — деди у. Мен ўқлар билан тўппончанинг ҳақини тўладим, ўқдонга ўқларни жойлаб, ўрнига қўйдим, тўппончани филофга солдим, қолган ҳар иккала ўқдонга ҳам ўқларни жойлаб қўйдим-да, уларни филофнинг чарм чўнтағига солдим, кейин камарни тақиб қадаб олдим. Тўппонча оғирилигидан камарни пастга тортиб турарди. Барибир армияда бериладиган тўппончага етмайди, деб ўйладим. Уларга ҳар доим патрон топиш мумкин.

— Мана энди тўла-тўқис қуролланиб олдик, — дедим. — Фронтга жўнашдан олдин қилинадиган бирдан-бир ишим шу эди. Ўзимникини госпиталга жўнатишаётганда кимдир олиб қўйибди.

— Ишқилиб, яхши бўлсин-да, — деди Кэтрин.

— Балки сизга яна бирон нарса керакдир, — сўради аёл.

— Керакка ўхшамаётиби.

— Шнурли пистолетчи? — деди у.

— Ҳа, кўрдим.

Аёл яна бирон нарса сотгиси келаётганди.

— Балки сизга ҳуштак керакдир?

— Унчалик керакмас.

Аёл «хайр» деди ва биз кўчага чиқдик. Кэтрин дераздан қаради. Аёл бошини чиқариб бизга таъзим қилди.

— Ёғоч филофга солинган кўзгу нимайди?

— Күшларга тузоқ. Шунаقا кўзгу билан далага чиқишиади, тўргайлар йилтиллаган кўзгуга келишиади, шунда уларни ўлдиришиади.

— Устомон бўларкан бу италянлар, — деди Кэтрин. — Сизларда, Америкада тўрғайларни отишмайди, а, жоним?

— Тасодифан отишмаса, отишмайди.

Биз кўчани кесиб ўтиб нариги бетдан юрдик.

— Ҳозир анча дуруст бўлиб қолдим, — деди Кэтрин. — Кўчага чиққанимизда жуда мазам қочган эди.

— Бирга бўлсак доим яхши.

— Биз доимо бирга бўламиз.

— Бугун ярим кечаси жўнаб кетишимни ҳисобга олмаганда, шундай.

— Бу ҳақда ўйлама, жоним.

Биз кўчада юриб бораардик. Туманда чироқлар сарфимтири кўринарди.

— Чарчамадингми? — сўради Кэтрин.

— Сен-чи?

— Йўқ. Шундай кезиб юриш ёқимли.

— Фақат жудаям узоқ юрмаслик керак.

— Яхши.

Биз чорраҳагача бордик-да, ён кўчага бурилдик, бу кўчада чироқлар йўқ эди. Мен тўхтаб, Кэтринни ўпдим. Ўпаётганимда унинг қўлини елкамда ҳис қилдим. У менинг ёмғирпўшим билан ўзини ҳам, мени ҳам ўради. Биз баланд девор панасида, йўлкада туардик.

— Бирон ёқقا бора қолайлик, — дедим.

— Хўп, — деди Кэтрин. Биз ён кўчадан катта кўчага чиққунча юриб бордик, биз чиққан каттароқ кўча каналга олиб бораарди. Нариги томонда фиштин уйлар бор эди. Кўчадан чиқаверишда мен кўприкдан ўтиб бораётган трамвайни кўрдим.

— Кўприкда экипаж топамиз, — дедим. Биз кўприкда, туман ичиди экипаж кутиб турдик. Ёнимиздан уйларига шошаётган одамлар билан лиқ тўлган трамвайлар ўтиб бораарди. Кейин экипаж ўтди, аммо унда одам бор эди. Ёмғир имирсилай бошлади.

— Яёв борамизми ё трамвайга ўтирамизми? — деди Кэтрин.

— Ҳозир экипаж топамиз, бу ерда күп бўлади, — дедим.

— Ана, ўзиям келиб қолди, — деди у.

Кучер отни тўхтатиб, счётчигининг белгисини тушириб қўйди. Араванинг усти кўтариб қўйилган, кучернинг плашига ёмғир томчилари ўрнашиб қолган эди. Унинг локланган цилиндри нам текканидан йилтираб туарди. Биз биргаликда орқа ўриндиқقا ўтириб, экипажнинг тепаси кўтариб қўйилганидан ичи қоронги эди.

— Қаерга боришимизни унга айтдингми?

— Ҳа, вокзалга. Вокзалнинг қаршисида отель бор, ўшанга борамиз.

— Отелга шундай ўзимизни — юкимизсиз киритадими?

— Киритади, — дедим.

Ёмғирда тор кўчалардан вокзалга узоқ юриб бордик.

— Овқатланиб олмаймизми? — сўради Кэтрин. — Мен очқагандай бўлдим.

— Биз ўз хонамизда овқатланамиз.

— Мен кийиниб оладиган ҳеч нарсам йўқ. Ҳатто тунги кўйлагим ҳам йўқ.

— Бўлмаса, сотиб оламиз, — дедим ва кучерни чақирдим: — Виа-Манцонидан юрайлик.

У бошини қимирлатди ва чорраҳага келганда, чапга бурилди.

Виа-Манцонида Кэтрин магазин қидира бошлади.

— Мана шу ерда, — деди у. Мен кучерни тўхтатдим, Кэтрин тушди, йўлкадан ўтиб ичкарига кириб кетди. Мен ўриндиқقا суюниб уни кута бошладим. Ёмғир тинмай ёфар, кўчадан намхуш ҳид анқир, отнинг сағридан ҳовур кўтарилаарди. Кэтрин тугунчак кўтариб чиқди ва биз йўлда давом этдик.

— Жудаям совурмачиман-да, жоним, — деди у, — лекин кўйлак шунақаям чиройли эканки.

Отелга келганимиздан сўнг мен Кэтринни экипажда қолдириб, ўзим бошқарувчи билан гаплашгани ич-

карига кириб кетдим. Хоналар исталганча топилар экан. Мен экипажга қайтдим, кучерга пулини тұладым-да, Кэтрин билан бирга отелга кирдик. Тугмачалари йилтироқ бола тугунчани күтариб олди. Бошқарувчи таъзим билан бизни лифтта таклиф қылди. Қаёққа қарамаңг, күзингиз қызыл духоба билан бронзага тушади. Бошқарувчи биз билан бирга юқорига күтарили.

— Monsiner va madame ўзларида овқатланадиларми?

— Ҳа. Карточкани бериб юборсангиз, — дедим.

— Махсус бир нарсалар ҳам буюрадиларми, мурғий ёки суфле?

Лифт ҳар бир қаватда жириングлаб, учинчи қаватта күтарили. Жириングлаб, тұхтади.

— Құшлардан қандайлари бор?

— Қирғовул ё бўлмасам лойхўрак тайёрлаб беришимиз мумкин.

— Лойхўрак бўлсин, — дедим. Даҳлиздан юриб бордик. Гиламлар сийқаланиб кетган эди. Чап ва ўнг томонларда эшиклар кўп эди. Бошқарувчи тұхтаб, эшиклардан бирини очиб, ичкарига таклиф қылди.

— Марҳамат қилсинлар. Ажойиб хона.

Тұгмалари йилтироқ бола тугунчани хона ўртасидаги столга кўйди. Бошқарувчи дераза дарпардаларини суриб кўйди.

— Бугун туман, — деди у. Хонага қызыл духоба қопланган мебеллар кўйилган эди. Ҳамма ёқда кўзгу ва булаардан ташқари икки кресло билан атлас кўрпа тўшалган кенг каравот кўйилганди. Бир эшик ваннага очиларди.

— Мен ҳозир карточкани бериб юбораман, — деди бошқарувчи. У таъзим қилиб чиқиб кетди.

Мен деразага бориб кўчага қарадим, кейин чизимчани тортган эдим, дарпардалар сурилди. Кэтрин ўринда биллур қандилга тикилиб ўтиради. У шляпасини бошидан олди, унинг соchlари ёруғда жилвалади.

ниб кетди. У ўзини ойналардан бирида кўрди-да, қўлини соchlарига олиб борди. Мен уни бошқа уч ойнадан кўриб турардим. У нохуш эди. Ёмғирпўшни ечиб ўринга ташлади.

— Сенга нима бўлди, жоним?

— Мен ўзимни ҳеч ўйнаш деб ҳис қилиб кўрмаган эдим, — деди у. Мен деразага бориб, дарпардаларни четга сурдим-да, кўчага қарадим. — Мен бундай бўла-ди деб ўйламаган эдим.

— Сен ўйнаш эмассан.

— Биламан, жоним. Лекин ўзингни шундай деб ҳис қилиш хунук. — Унинг овози ширасиз ва хира эди.

— Бу биз келишимиз мумкин бўлган энг дуруст отель, — дедим.

Мен деразадан ташқарига қарадим. Майдоннинг нариги томонида вокзал чироқлари ёниб турарди. Кўчадан экипажлар ўтиб борар, нарида паркдаги дарахтлар кўринарди. Отель чироқларининг шуъласи кўчага тушиб турибди. «Ё, тавба, — ўйладим мен, — наҳотки ҳозир баҳслашиб ўтирадиган пайт бўлса?»

— Бу ёқقا кел, — деди Кэтрин. Унинг овозига яна шира кирди. — Кел, бу ёқقا. Мен гапга кирадиган қизча бўлиб қолдим.

Мен ўрин томонга ўгирилдим. Кэтрин кулиб турарди.

Мен бориб тўшакка унинг ёнига ўтирдим ва уни ўпдим.

— Жуда қобил қизсан-да.

— Ҳа, сенинг маъқул қизингман, — деди у. Тамадди қилганимиздан сўнг сал енгил тортдик, кейин эса, жуда ҳам ёзилишиб кетдик ва бу хона худди ўз уйимиздай бўлиб қолди. Аввал госпиталдаги менинг хонам бизнинг уйимиз эди, энди отелнинг мана шу хонаси ўз уйимиздай бўлиб қолди.

Кэтрин елкасига менинг френчимни ташлаб ўтирди. Жуда қаттиқ очқаган эканмиз, овқатлар мазали эди ва биз бир шиша капри билан бир шиша сент-

эстеф ичдик. Кўпроғини мен ичдим, Кэтрин ҳам озги-на ичди ва анча очилиб ўтирди. Бизга картошка со-линган лойхўрак, суфле, қовурилган каштан, мевалар, ширин сабайон келтиришди.

— Яхши хона экан, — деди Кэтрин. — Ажойиб хона экан. Нега аввалроқ бу хонага келмаган эканмиз-а.

— Одамнинг кулгиси қистайди бу хонадан, лекин соз экан.

— Роса ишратпараст бўлиб кетдик, — деди Кэтрин.

— Ишратга берилган одамлар бу ишни хўб ҳирслари-ни қўйиб қылсалар керак. Қизил духобаси ҳам жуда бошқача экан. Мослашганини қара. Ойналарни айт-майсанми,вой-бў?

— Сен ҳаммадан гўзалсан, жоним.

— Билмадим, эрталаб одам бундай хонада қандай уйгонаркин. Лекин, умуман, яхши хона.

Мен яна бир стакан сент-эстеф қуиб бердим.

— Одамнинг ростакам гуноҳ қиласи келади, — деди Кэтрин. — Биз қилаётган ҳамма ишлар маъсум ва од-дий ишлар. Мен ёмон иш қилаётибмиз деб ўйламай-ман.

— Сен тенги йўқ гўзалсан.

— Мен жуда очман. Мен жуда-жуда очман.

— Сен содда, сен ажойибсан.

— Мен соддаман. Буни сендан бошқа ҳеч ким ту-шунмайди.

— Хў, бир куни сен билан танишган маҳалимизда мен кун бўйи сен билан «Кавур» отелига боришимизни ва ҳаммаси қандай бўлишини ўйлаганман.

— Бетамиз. Лекин бу «Кавур» отелимас, тўғрими?

— Ҳа. Бизни у ерга киргизишмайди.

— Бир куни киргизишади. Мана қўрдингми, жо-ним, бизнинг фарқимиз нимада? Мен эса ҳеч қачон сен ўйлаган нарсаларни ўйлаган эмасман.

— Сираям-а?

— Жиндаккина, — деди у.

— Оҳ, жонгинам!

Мен яна бир стакан вино қўйдим.

— Мен жуда соддаман, — деди Кэтрин.

— Мен олдин бошқачароқ ўйлаган эдим. Менга сен телбароқ бўлиб кўринган эдинг.

— Озгина телбалигим ҳам йўқ эмасди. Лекин жуда-ям жинни дейдиган эмасдим. Сени ўнғайсизлантириб қўйганмидим, жоним?

— Вино хўб ажойиб нарса-да, — дедим. — Барча ёмон нарсаларни унутасан.

— Ажойиб нарса, — деди Кэтрин. — Лекин отам ундан бод бўлиб қолган эди.

— Сенинг отанг борми?

— Ҳа, — деди Кэтрин. — Унинг боди бор. Лекин сенинг у билан учрашишинг шарт эмас. Нима, сенинг отанг йўқми?

— Йўқ, — дедим. — Ўгай отам бор.

— Яхши одамми?

— Сен у билан кўришишинг шарт эмас.

— Икковимиз бўлсак, бирам яхшики, — деди Кэтрин. — Мени шундан бошқа ҳеч нарса қизиқтирумайди. Шундай ҳам бахтиёр хотинманки.

Официант келиб идишларни йифишириб олди. Кўп ўтмай биз жимиб қолдик. Эшикда ёмғир ёғаётгани эшитила бошлиди. Пастда, майдонда машина дудутлади.

— Шитоб билан кетиб боради,
Вақтнинг оти ўтиб боради,

— дедим мен.

— Мен бу шеърни биламан, — деди Кэтрин. — Марвелники. Фақат у эркак билан яшашни истамаган қиз ҳақида эди-ку.

Бошим тиниқлашди, худди уйқудан янги тургандай енгил эдим, турмушимиз ҳақида гаплашгим келди.

— Қаерда туғмоқчисан?

— Билмадим. Энг яхши жойда.

- Ҳаммасини ўзинг эплай олармикинсан?
- Эпламай-чи. Хотиржам бўл, жоним. Уруш тамом бўлгунча ҳали яна бир талай болаларимиз бўлиши мумкин.
- Вақтимиз тугай деб қолди.
- Биламан. Истасанг отланамиз.
- Йўқ.
- Унда қизишма, жоним. Шунча пайт ўзингни бир-рам яхши тутдингки, энди бўлса, асабийлашяпсан.
- Хўп, ундан қилмайман. Менга тез-тез ёзиб турасанми?
- Ҳар куни. Хатларингизни текширишадими?
- У ерда инглиз тилини шу қадар ёмон билишадики, текширганларидан маъно йўқ.
- Мен жуда чалкаш қилиб ёзаман, — деди Кэтрин.
- Жуда ҳам чалкашириб юбормагин-да.
- Йўқ, сал-пал, холос.
- Кетадиган вақт бўлиб қолди.
- Хўп, жоним.
- Мўъжазгина уйчамиздан менинг кетгим келмай қолди.
- Менинг ҳам.
- Лекин бориш керак.
- Хўп. Биз ҳали уйимизда ҳечам узоқроқ яшаганимиз йўқ, ахир.
- Насиб қилса ҳали кўп яшаймиз.
- Сенинг қайтишингга чиройли бир уй ҳозирлаб қўяман.
- Балки мен тезда қайтарман.
- Балки тўсатдан оёғингдан сал-пал яраланаарсан.
- Ё қулоғимнинг учгинасидан, а?
- Йўқ, қулоқларинг бус-бутун бўлишини истайман.
- Нима, оёқсиз бўлсам, майлими?
- Оёғингдан бир марта яраланиб бўлгансан.
- Борайлик энди, жоним.
- Хўп. Сен биринчи бўлиб юр.

Йигирма түртнинчи боб

Лифт чақириб ўтирмадик, зинадан тушиб бордик. Зинадаги гилам сийқаланиб кетган эди. Мен овқатга уни келтирған маҳалларидаёқ тұлаган эдим, ҳозир овқат келтирған официант эшик олдидә ўтиради. У сакраб турди-да, таъзим қылди, мен у билан конторага кириб хонанинг ҳақини тұладим. Бошқарувчи мени қадрдон дўстидай қарши олган эди, олдиндан ҳақ олишга күнмовди, энди бўлса тұламай қочиб қолмасин деб эшикка официантни ўтқазиб кўйибди. Бунаقا ҳодисаларни ҳатто дўстлари бўлса ҳам кўп кўрган, шекилли. Уруш пайтида дўстинг кўпаяди, ахир.

Мен официантдан экіпаж топишни сўрадим ва у Кэтрин қўлидан тугунчани олди-да, зонтини очиб ташқарига чиқиб кетди. Деразадан унинг ёмғирда кўча кесиб ўтаётгани кўринарди. Биз конторада деразага қараб турардик.

- Қалай, энди тузукмисан, Кэт?
- Уйқум келяпти.
- Мени эса ғам босяпти, қорним очяпти.
- Егулик бирон нарса олганмисан?
- Сафар халтамда бор.

Мен экіпаж келаётганини кўрдим. У тўхтади, от ёмғирдан калласини қуи солиб тек турди, официант зонтини очиб пастига тушди ва отелга йўл олди. Биз унга эшикда дуч келдик ва зонт панасида шалаббо йўлқадан экіпажга бордик. Йўлка чеккасидағи ариқдан шалдираб сув оқмоқда эди.

— Тугунчангиз ўриндиқда, — деди официант. Биз ўтириб бўлгунимизча у зонт тутиб турди ва мен унга чой пули бердим.

- Раҳмат. Оқ йўл, — деди у.

Кучер тизгинни кўтарди, от йўлга тушди. Официант зонти билан орқасига ўгирилди-да, отелга қараб кетди. Биз йўлка бўйлаб юрдик, кейин чапга бурилдик-да, вокзалнинг ўнг томонидан чиқдик. Икки

каабинер ёмғирдан қочиб фонус тагида туришарди. Фонус ёруғида уларнинг шляпалари йилтирар эди. Вокзал чироқларининг шуъласида ёмғир тиник ва мусаффо кўринарди. Айвон тагидан юк ташувчи чиқди, у ёмғирдан бошини ёқасига тиқиб олган.

— Керакмас, — дедим. — Раҳмат. Ҳожати йўқ.

У яна айвон тагига кириб кетди. Кэтринга ўгрилдим. Унинг юзи қоронфида кўринмади.

— Хайрлашамизми, энди?

— Мен чиқаман.

— Керакмас.

— Хайр, Кэт.

— Унга госпитал манзилини айтсанг бўлди.

— Хўп.

Мен кучерга қаёққа бориш кераклигини айтдим. У бош силкиди.

— Кўришгунча, — дедим. — Ўзингни ва кичкина Кэтринни эҳтиёт қил.

— Кўришгунча, жоним.

— Кўришгунча, — дедим.

Мен ёмғирга чиқдим ва кучер жўнаб кетди. Кэтрин бошини чиқарди, фонус ёғдусида унинг юзини кўрдим. У жилмайиб қўлини силикмоқда эди. Экипаж кўчадан юриб кетди. Кэтрин қўли билан айвон томонни кўрсатди. Мен ўгирилиб қарадим: айвонда каабинерлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У менга ёмғирдан панага ўт дейтганлигини тушундим. Мен айвон тагига ўтиб, экипаж чорраҳадан бурилиб кетаётганига қараб турдим. Кейин вокзал биносидан ўтиб, поезд олдидан чиқдим.

Перронда мени қоровул кутиб турарди. Унинг кетидан вагонга кирдим, эшик олдидаги одамларни ёриб ўтиб, эшикни очдим-да, одам билан лиқ тўлган купега тиқилдим, бурчакда пулемётчи ўтирибди. Менинг рюкзагим ва сафар халталарим унинг бош томонида юк халтаси ичидан турарди. Йўлакда одам кўп эди ва биз кирганда купеда ўтирганларнинг ҳаммаси ўгирилиб қаради. Поездда жой танқис бўлиб,

ҳамма бир-бирига еб қўйгудай бўлиб қаарди. Менга жой бериш учун пулемётчи ўрнидан турди. Кимдир елкамга кафти билан урди. Айланиб қарадим. Қаршимда ҳаддан ортиқ дароз ва ориқ, ёноғига қизил чандиқ тушган артиллерия капитани турарди. У ҳаммасини эшик ойнасидан кўриб турган экан, орқамдан кирибди.

— Нима гап? — сўрадим мен. У билан юзма-юз турардим. Унинг бўйи мендан баландроқ эди, козироги соя солган юзи жуда ҳам ориқ кўринарди, чандиги ҳам янгигина эди. Ҳамманинг кўзи менда эди.

— Яхшимас, — деди у. — Оддиндан жой олиш учун солдатни юбориш яхшимас.

— Мана мен шундай қилдим.

У қулт этиб ютинди ва мен унинг кекирдаги кўтарилиб тушганини кўрдим. Пулемётчи бўш жойнинг олдида турарди. Йўлакнинг ойна тўсифидан одамлар қараб туришарди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Сизнинг ҳақингиз йўқ. Мен бу ерга сиздан икки соат один келганман.

— Нима истайсиз?

— Ўтиришни истайман.

— Мен ҳам.

Мен унинг юзига қараб турар эканман, атрофда ҳамма менга қарши эканлигини сезиб турардим. Мен уларни айблай олмайман. У ҳақ эди. Аммо менинг ўтиргим келган эди. Одамлар ҳамон жим туришарди. «Кўриб кетсин» — дедим ичимда.

— Ўтилинг, signor capitano, — дедим, пулемётчи бир чеккага ўтди ва дароз капитан ўтирди. У менга қаради. Кўзи нечундир безовта эди. Бироқ жой уники бўлди. — Менинг нарсаларимни олинг, — дедим пулемётчига. Биз йўлакка чиқдик. Поездда одам тиқилиб ётарди, жой топиш амри маҳол эди. Мен қоровул билан пулемётчига ўн лирдан бердим. Улар вагондан тушиб бутун платформа бўйлаб ҳамма вагонларни қараб чиқишиди, лекин жой йўқ эди.

— Балки битта-яримтаси Брешиядада тушар, — деди қоровул.

— Брешиядада яна чиқишади, — деди пулемётчи. Мен улар билан хайрлашдим, қўл олишдик, сўнг кетишиди. Уларнинг таъблари хира бўлган эди. Поезд ўрнидан жилганда биз — ҳамма жойсиз қолганлар йўлакда турар эдик. Мен деразадан фонусларга қараб борардим. Ҳамон ёмғир қуяр, кўп ўтмай ойналар хиралашиб ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолди. Кейинроқ мен пулларим ва ҳужжатларим солинган ҳамённи белимга яхшилаб жойладим-да, йўлакда ухлагани ётдим. Туни билан уйқудан бош кўтартмадим, фақат Брешия билан Веронада поездга янги одамлар чиқишиганда уйғондим ва яна шу заҳоти уйқуга чўмдим. Сафар халтамнинг биттасини бошимга қўйиб, иккинчисини иккала қўлим билан қучоқдаб олдим. Шунинг учун менга қоқилиб йиқилишни истамаганлар устимдан бемалол сакраб ўтишлари мумкин эди. Йўлакнинг бошидан оёғигача одамлар ухлаб ётишарди. Бошқалар ойна тутқичларини ушлаб эшикларга суюниб туришарди. Бу поезд доимо одамга тўлиб борарди.

УЧИНЧИ КИТОБ

Йигирма бешинчи боб

Куз келганди, дарахтлар ялангоч, йўлларда лойгарчилик эди. Удинадан Горицияга юк машинасида кетдим. Йўлда бизга бошқа юк машиналари ҳам учраб турди, мен атрофни томоша қилиб бордим. Тутлар баргини тўкиб бўлган, далалар қўнғир тусга кирган эди. Икки қатор ялангоч дарахтлар ўртасидаги йўл ҳўл хазон билан қопланган эди, ишчилар йўл четидаги дарахтлар тагига тўкиб қўйилган шағалдан олиб, йўлнинг ўнқир-чўнқирларини тузатишарди. Шаҳар кўринди, лекин унинг тепасидаги тоғлар туман билан қопланган эди. Биз дарёдан ўтдик, дарёнинг суви анча кўтарилиб қолганди. Тоғларда ёмғир қўймоқдайди. Биз фабрикалар, кейин уйлар ва богоғлардан ўтиб, шаҳарга кириб бордик, мен йўғимда яна ҳам кўпроқ уйлар снарядлардан вайрон бўлибди. Тор кўчада инглиз Қизил Хочининг машинасини учратдик. Шоғёр кепка кийиб олган,чуваккина юзи қаттиқ қорайиб кетганди. Мен уни танимадим. Мен юк машинадан мерия олдидаги катта майдонда тушдим, шоғёр рюзагимни олиб берди, уни бўйнимга илиб олдим, иккала сафар халтамни кўтариб ўзимизнинг уйга қараб кетдим. Бу уйга қайтишга сира ҳам ўхшамасди.

Мен хиёбоннинг ҳўл тошларидан юриб борар, кўзим дарахтлар ортида оқариб кўринган уйимизда эди. Ҳамма деразалар берк, аммо эшик ланг очиқ эди. Мен ичкарига кирсам, майор столда ўтирган экан, хонанинг яланг деворларига хариталар осилган, машинкада ёзилган қофозлар ёпиштирилганди.

— Салом! — деди у. — Соғлиқлар қалай? — У қартайибди, чўпдай бўлиб қолибди.

— Жойида, — дедим. — Ўзингизнинг ишларингиз тузукми?

— Ҳаммаси тамом бўлди, — деди у. — Нарсаларингизни қўйиб, ўтиринг.

Мен рюкзак билан иккала халтани полга қўйдим, кепкамни рюкзакка ташладим. Кейин девор ёнида турган курсини олдим-да, столга яқин келиб ўтиридим.

— Ёз жуда ёмон келди, — деди майор. — Сиз бутунлай тузук бўлиб кетдингизми?

— Ҳа.

— Мукофотларингизни олдингизми?

— Ҳа. Ҳаммаси жойида. Миннатдорман.

— Қани, қўрсатинг-чи?

Мен икки тасма кўринсин деб, плашимни очдим.

— Медални ўзини ҳам олдингизми?

— Йўқ. Фақат ҳужжатларини олдим.

— Медали кейин келади. Унга кўпроқ вақт кетади.

— Мени энди қаерга юборасиз?

— Машиналар ҳаммаси жойларда. Олтитаси шимолда, Капореттода. Сиз Капореттони биласизми?

— Биламан, — дедим. Мен водийдаги жомхонаси бор кичкина шаҳарчани эсладим. Шаҳар озодагина бўлиб, майдонда чиройли фаввора бор эди.

— Улар ўша ерда. Кўпчилик касал. Жанглар тугади.

— Бошқалар қаерда?

— Иккитаси тоғларда, тўрттаси ҳамон Баинзицада. Бошқа иккита санитар отряди учинчи армия билан бирга Карсада.

— Мени қаерга жўнатасиз?

— Истасангиз, Баинзицадаги тўртта машинани ола қолинг. Жинонинг ўрнига борасиз, у ерда анча қолиб кетди. Бу гаплар сиз кетгандан кейин рўй берувди, шекилли?

— Ҳа.

— Расво бўлди. Биз уч машинамизни йўқотдик.

— Эшитдим.

— Ҳа, сизга Ринальди ёзганди.

— Ринальди қаерда?

— У шу ерда, госпиталда. Ёз билан кузда тоза күйиб-пишиди бечора.

— Ҳа, осон бўлмаганга ўхшайди.

— Жуда ёмон бўлди, — деди майор. — Қанчалар ёмон бўлганлигини билсангиз эди. Бошдаёқ яраланганингиз сизнинг омадингиз экан.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман.

— Янги йил бундан ҳам ёмон бўлади, — деди майор. — Улар ҳозирдаёқ ҳужумга ўтишса, ажабмас. Шундай гаплар юрибди, лекин мен ишонмайман. Жуда кеч. Дарёни кўрдингизми?

— Ҳа. Сув кўтарилибди.

— Тоғларда ёмғир бораётган бир пайтда ҳужум бошлинишига ишонмайман. Ҳадемай қор тушади. Сизнинг ватандошларингиз-чи? Сиздан бошқа америкаликларни ҳам кўрамиканмиз?

— Ўн миллион кишидан иборат армия тузилмоқда.

— Бизга озгинагинаси тегса ҳам майли эди. Бироқ французлар ҳаммасини илиб кетишади. Бу ерга биронта ҳам одам етиб келмайди. Хўп, майли. Сиз бугун шу ерда тунаб қолинг-да, эртага эрталаб кичкина машинада Жинонинг ўрнига боринг. Сизга йўлни била-диган бирон кишини бераман. Жино сизга барини тушунитиради. У ерда ҳозир ҳам жиндак отишмалар бўлиб турибди, лекин умуман, ҳаммаси тугаган. Байнинци ҳам бир кўриб келасиз баҳонада.

— У ерга боришимдан хурсандман. Сиз билан яна кўришганимдан бошим осмонга етди.

— У кулимсиради.

— Саломат бўлсиналар. Бу уруш жонимга тегди. Агар бу ердан кетсам, иккинчи марта елкамни чукури кўрсин дердим.

— Аҳвол шу қадар ёмонми?

— Ҳа. Ёмон ҳам гапми? Боринг, ювиниб, дўстингиз Ринальдини қидириб топинг.

Мен юкларимни олиб, зинадан юқорига чиқдим. Ринальди хонада йўқ эди, лекин нарсалари жойида

туарди, мен каравотга ўтириб, обмоткаларни туширдим-да, ўнг оёфимни ечдим. Кейин каравотга чўзицдим. Чарчабман, ўнг оёфим зирқираб туарди. Бир оёфимни ечмай ўринда ётиш менга фалати туюлди ва ўрнимдан туриб иккинчи оёфимни ҳам ечдим-да, уни полга ташлаб, кейин яна чўзицдим. Дераза ёпиқ бўлганидан, хона ичи дим эди, лекин азбаройи чарчаганимдан уни туриб очишга эриндим. Менинг ҳамма нарсаларим хонанинг бир четига йифиб қўйилган экан. Қоронғи туша бошлади. Мен каравотда ётган кўйи Кэтринни ўйлар, Ринальдини кутардим. Мен Кэтринни фақат кечқурунлари — уйқу олдидан-гина ўйлайман, деб қўйган эдим. Лекин чарчаган эдим, қиласиган ишим йўқ эди ва мен уни ўйлардим. Ринальди хонага кириб келганда ҳам уни ўйлаб ётардим. У сира ҳам ўзгармабди. Фақат бир оз озибди.

— Келинг, бэби, — деди у.

Мен ўриндан гавдамни кўтардим. У ёнимга келиб ўтириди-да, мени қучоқлади.

— Қимматли бэби, азизим бэби. — У елкамга уриб қўйди, унинг елкаларидан қучоқладим.

— Қимматли бэби, — деди у. — Қани, тиззангизни кўрсатинг-чи.

— Шимни ечиш керак-да.

— Шимингизни ечинг, бэби. Бегона одам йўқ бу ерда. Сизни қандай қиймалашганини кўрмоқчиман.

Мен ўрнимдан туриб, шимимни тушириб, тиззамга ўралган латталарни ечдим. Ринальди полга ўтириб, оёфимни оҳиста қимирилатиб кўра бошлади. У яра зиҳидан қўлинни юргизди, иккала бош бармоғини тиззамнинг косасига қўйди-да, бошқа бармоқлари билан аста силкиб кўрди.

— Шундан бошқа букилмайдими?

— Йўқ.

— Сизни бу аҳволда чиқарғанлари жиноят. Улар оёғингизни аслидай қилиб қўйишлари керак эди.

— Тағин ҳам тузалиб қолди-ю. Оёғим ёғочга ўхшаб қолувди.

Ринальди яна синааб күрди. Унинг қўлларига қараб турадим. Жарроҳнинг бармоқлари илдам. Мен унинг бошига, фарқи очиб тараалган силлиқ, ялтираб турган соchlарига қарадим. У оёғимни қаттиқроқ букиб юборди.

— Уф! — дедим мен.

— Сиз яна ҳаракат терапиясини ўтишингиз керак эди, — деди Ринальди.

— Ҳозир анча яхши бўлиб қолди.

— Биламан, бэби. Бундай нарсаларни сиздан кўпроқ биламан. — У туриб каравотга ўтирди. — Операциянинг ўзи ёмон қилинмаган. — Шу билан тиззам ҳақидаги гап битди. — Қани, энди ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг-чи.

— Нимани гапираман, — дедим. — Куним ўтиб турди.

— Худди оилавий одамга ўхшаб қолибсиз, — деди у. — Нима қилди?

— Ҳеч нарса, — дедим. — Ўзингизга нима қилди?

— Бу уруш менинг суробимни тўғри қилиб қўйди, — деди Ринальди. — Бўларимча бўлдим. — У тиззалирини қўли билан қучиб оди.

— Ўҳ-ҳӯ! — дедим.

— Нима бўпти? Мен одам эмасманми?

— Рост, ёзни қувноқ ўтказганга ўхшаб қолдингиз.

— Айтиб беринг.

— Ёз бўйи, куз бўйи тиним билмай жарроҳлик қилдим. Ит тинади, қуш тинади — менда тиним йўқ. Ҳамма учун бир ўзим ишлайпман. Ҳамма оғир ишларни менга беришади. Ўлай агар, бэби, мен зўр жарроҳ бўлиб кетяпман.

— Мана бу бошقا гап.

— Ўйлашга ҳам вақт йўқ. Ўлай агар, сира ўй ўйлаб ўтирмайман, операция қилиб ташлайвераман.

— Тўғри-да.

— Лекин ҳозир ундаи эмас, бэби. Ҳозир операция қиладиган иш йўқ, дилим жуда фаш. Жуда ёмон уруш бўлди бу, бэби. Гапимга ишонинг. Келинг, энди бир дилкашлик қилайлик. Пластиинка олиб келдингизми?

— Ҳа.

Пластиинкалар рюкзагимда эди, қутичага солиб, қоғозга ўраб қўйилганди. Уларни олиб беришга ҳам мадорим йўқ эди.

— Нима, сизнинг кайфиятингиз чоғми, бэби?

— Расво.

— Ёмон уруш, — деди Ринальди. — Ҳай, майли. Сиз билан бир ичишайлик, шояд кўнглимиз ёзилса. Фамларимизни елга совурамиз. Шунда ҳаммаси яхши бўлади.

— Сариқ бўлиб қолган эдим, — дедим. — Қаттиқ ичолмайман.

— Қандоқ эдингиз-у, қандоқ бўлиб қайтиб келдингиз, бэби. Жуда бамаъни бўлиб қолибсиз, жигарингизни касал қилибсиз. Ҳақиқатда ҳам жуда расво нарса, уруш. Негаям биз бу урушга бош сукіб юрибмиз?

— Келинг, барибир ичишайлик. Озроқ исчам, ҳеч нарса қилмайди.

Ринальди иккита стакан билан бир шиша конъяк олиб келди.

— Бу австрисларнинг конъяги, — деди у. — Етти юлдузли. Сан-Габриеледа қўлга туширган нарсамиз шугина бўлди.

— Сиз у ерда бўлдингизми?

— Йўқ. Мен ҳеч ерда бўлмадим. Мен шу ердан қимиirlамай операция қилдим. Мана, қаранг, бэби, сиз тиш чайиб юрадиган эски стаканингиз. Сизни эслатиб турсин деб, сақлаб юрган эдим.

— Тиш чайиши эслатиб турсин деб эмасми, ишқилиб.

— Йўқ. Ўзимники бор. Уни асраб юрдим, эрталаблари сиз у билан «Вилла-Росса»дан тозаланмоқчи бўлганингиз, сўкина-сўкина аспирин ютганларингиз, яра-

мас хотинларни қарғаганларингизни эслатиб турсин дедим. Ҳар сафар шу стаканга қараганимда, сиз тиш чүткаси билан виждонингизни тозалашга уринганингизни эслайман. — У ўринга яқин келди. — Қани энди бир ўпид қўйинг-да, энди бамаъни йигит бўлмайман денг.

— Ўпишни хаёлимга ҳам келтирмайман. Сиз маймунсиз.

— Ана холос. Мен биламан, сиз англосаксонлардан чиққан ройкелди йигитсиз. Биламан. Сизни вижданингиз кемириб ташлабди. Мен томирида англосаксон қони жўш урган йигитча яна тиш чўтка билан исловатхона доғларини тозалай бошлашини кутаман.

— Конъякдан қўйинг.

Биз уришириб ичдик. Ринальди менга ҳазилкашлиқ қиласарди.

— Сизни яхшилаб ичираман-да, жигарингизни олиб ўрнига бақувват италян жигаридан қўяман-у, сизни яна одам ҳолига келтираман

Мен яна конъяк қўйинг деб, унга стаканни узатдим. Қоронги тушди. Мен қўлимда стакан билан деразага бордим-да, унинг тавақаларини очдим. Ёмғир тинган эди. Ҳавода совуқ кучайиб, новдалар қуюқ туманга чирманди.

— Конъякни сепиб юборманг, — деди Ринальди — Ичомласангиз, менга беринг.

— Ўлган бузоқнинг гўштини ебсиз, — дедим. Мен яна Ринальдини кўриб турганимдан шод эдим. У иккни йилдирки, мен билан ҳазилкашлиқ қилиб жифимга тегади. У билан жуда яқин бўлиб қолганмиз. Бир-бири мизни яхши тушунамиз.

— Уйландингизми? — сўради тўшакда ўтириб. Мен дераза олдида деворга суяниб турардим.

— Йўқ ҳали.

— Севиб қолдингизми?

— Ҳа.

— Ўша инглиз қизними?

- Ҳа.
- Шўрлик бэби! У-чи, у ҳам сизни севадими?
- Ҳа.
- Севишини амалда кўрсатдими?
- Оғзингизни юминг.
- Жоним билан. Мен сизга ўзимнинг бениҳоя назокатли одам эканлигимни кўрсатаман. Нима, у...
- Ринин! — дедим. — Илтимос, бас қилинг. Агар дўстлигимиз йўқолмасин десангиз, бас қилинг.
- Бор нарса йўқ бўлмайди, бэби. Биз ҳалиям дўстмиз.
- Шунинг учун бас қилинг.
- Хўп бўлади.
- Мен каравотга бориб Ринальдининг ёнига ўтирадим.
У стаканини ушлаб полга тикилиб ўтиради.
- Энди тушундингизми, Ринин?
- Ҳа, ҳа, худди шундай. Бутун умр бошим бориб соф ҳисларга тегади. Шу пайтгача сизда бундай нарса бўлмаган эди. Лекин ҳеч ажабмас, бундай нарсалар сизда ҳам бўлса, — У ердан кўзини узмасди.
- Наҳотки сизда бўлмаса?
- Йўқ.
- Ҳечам-а?
- Ҳечам.
- Мен онангиз ё синглингиз ҳақида нима десам, индамай қўйиб берармидингиз?
- Ҳатто синглингиз ҳам денг, — жонланди Ринальди. Иккаламиз ҳам кулиб юбордик.
- Оббо одамнинг зўри-э! — дедим мен.
- Балки мен рашк қилаётгандирман, — деди Ринальди.
- Йўқ, бўлиши мумкин эмас.
- У маънода эмас. Мен бошқача демоқчи эдим.
Сизнинг уйланган дўстларингиз борми?
- Бор, — дедим.
- Менда эса йўқ, — деди Ринальди. — Ўз хотинла-
ри билан бахтиёр бўлганлари йўқ.

— Нега?

— Улар мени ёқтиришмайды.

— Нега?

— Мен илонман. Билафон илонман.

— Сиз ҳаммасини чалкаштириб юбордингиз. Билафон илон эмас, дараҳт эди. Билим дараҳти.

— Йўқ, илон. — Унинг сал юзи ёришди.

— Сизни доно мулоҳазалар бузади, — дедим.

— Сизни суюман, бэби, — деди у. — Сиз эса мен буюк италян мутафаккири бўлай деётганимда, йўл бермаётисиз. Лекин мен ўзим тушунтириб беролмайдиган кўп нарсаларни биламан. Мен сиздан кўпроқ биламан.

— Гапингиз тўғри.

— Лекин сизга яшаш осонроқ бўлади. Виждонингиз қийналса ҳам, осонроқ бўлади.

— Undай эмас.

— Йўқ, йўқ. Шундай. Мен эса фақат ишлаётганимда ҳаммасини унутаман. — У яна ерга тикилиб қолди.

— Бу ўтиб кетади.

— Ўтмайди. Мен яна иккита нарсани яхши кўраман: бири ишимга зарар етказади, иккинчиси ярим соатча лаззат беради. Баъзан шунга ҳам етмайди.

— Баъзан жуда ҳам кам.

— Балки менинг ютуқларим ҳам бордир, бэби. Сиз билмайсиз-да. Лекин мен бояги иккита нарса билан ишимнинг ўзинигина биламан.

— Бошқа нарсаларни ҳам билиб қоларсиз.

— Йўқ. Биз ҳеч қачон ҳеч нарсани билолмаймиз. Биз ўзимизда бор нарса билан оламга келамиз-у, бошқа ҳеч нарсага ўрганмаймиз. Биз ҳеч қачон янги бир нарсани ўрганмаймиз. Биз йўлга тушганимизда йўл тугаган бўлади. Сиз лотин эмассиз, шу сизнинг баҳтиңгиз.

— Ҳеч қанақа лотинлар йўқ. Бу ҳаммаси лотиннинг фикрлари. Сизлар ўз камчиликларингиз билан фахрланасиз.

Ринальди бошини кўтарди, кулиб юборди.

— Бўлди, энди, бэби. Мен фикрлайвериб толдим. — Унинг кўринишида ҳорғинлик акс этарди, буни у хонага кириб келгандаёқ сезгандим. — Ҳозир овқат тайёр бўлади. Қайтиб келганлигингииздан курсандман. Сиз менинг энг яхши дўстимсиз, менинг қуролдош биродаримсиз.

— Қуролдош дўстлар қачон овқатланишади? — сўрадим.

— Ҳозир. Яна бир марта сизнинг жигарингиз учун ичиб олайлик.

— Нима, бу авлиё Павелданми?

— Топмадингиз. У ерда вино ва қорин бор эди. Қориннинг нафи учун вино тановул қилингиз.

— Нима десангиз, шу, — дедим. — Нима десангиз, шунга ичамиз.

— Сизнинг азизангиз учун, — деди Ринальди. У ўз стаканини кўтарди.

— Хўп.

— Мен у ҳақда бошқа бир оғиз ҳам ёмон гапирмайман.

— Ўзингизни қийнаманг.

У конъякни охиригача ичди.

— Менинг юрагим тоза, — деди у. — Мен ҳам сизга ўхшайман, бэби. Мен ҳам бир инглиз қизни топиб оламан. Шуниси ҳам борки, сизнинг қизингиз билан мен биринчи бўлиб танишган эдим, лекин бўйи менга баландлик қилди. Ва бўйдор қиз бўлур ҳамширам, — деб ўқиди у.

— Сиз кўй оғзидан чўп олмагансиз, — дедим.

— Рост-а? Шунинг учун ҳам мени озода Ринальди деб аташади-да.

— Озода, сассиқ Ринальди.

— Ҳай, майли, бэби, овқатга кетдик, bemаза бўлмасдан туриб овқатланиб олайлик.

Мен ювиндим, соchlаримни тузатдим ва биз яна пастга тушдик. Ринальди сархуш эди. Емакхонада овқат ҳали тайёр эмасди.

— Бориб коňяк олиб келаман, — деди Ринальди. У юқорига чиқиб кетди. Мен столга ўтирдим, у шиша күтариб қайтиб келди, менга ва ўзига ярим стакандан коňяк қуиди.

— Кўп бўлиб кетди, — дедим ва стаканни күтариб, стол ўртасида турган чироқнинг ёруғига солиб кўрдим.

— Оч қоринга унча кўп эмас. Қурмағур топилмас нарса-да. Ичингни бутунлай ёндириб юборади-я. Сизга бундан ёмонроғини топиб бўлмайди.

— Бўларича бўлди.

— Ўз-ўзингни мунтазамлик билан нуратиб бориш, — деди Ринальди. — Қоринни ишдан чиқаради ва қўлни қалтироқ қиласди. Жарроҳ учун бундан зўрроғи бўлиши мумкин эмас.

— Шундан ич демоқчимисиз?

— Фақат шундан. Бошқасини ўзим ҳам ичмайман. Буни ютиб олинг-да, бэби, касал бўлишга тайёрланинг.

Мен ярмини ичдим. Йўлакда вестовойнинг: «Мастава! Мастава тайёр!» — деган овози эшитилди.

Майор кирди, бизга бош силкиб, ўтирди. Столга ўтирганда у жудаям кичкина кўриниб кетди.

— Бошқа ҳеч ким йўқми? — сўради ў. Вестовой унинг олдига идишда мастава қўйди ва майор дарҳол ўз ликопчасини тўлдириб олди.

— Йўқ, — деди Ринальди. — Балки кашиш келиб қолмаса. Федерико қайтганини билса, албатта келган бўларди.

— У қаерда? — сўрадим мен.

— Уч юз еттида, — деди майор. У мастава ичиш билан банд эди. У тепага қайрилган оқариб кетган мўйловларини яхшилаб тозалади, оғзини артди. — Келса керак. Мен у ерда бўлиб, сизни келди деб хаъ қолдириб келган эдим.

— Олдин ошхона гавжумроқ эди, — дедим.

— Ҳа энди жимжит бўлиб қолди, — деди майор.

— Ҳозир мен тўполон қиласман, — деди Ринальди.

— Винодан ичинг, Энрико, — деди майор. У менинг стаканимни тўлдириб қўйди. Спагетти келтиришди ва ҳаммамиз овқат билан машғул бўлдик. Кашиш кириб келганда биз спагеттини еб тамомлаёзган эдик. У аввалгидан ўзгармаган, ҳамон ўшандай кичкина, ўшандай қорача ва ўшандай бардам эди. Мен ўрнимдан турдим ва биз бир-бировимизнинг қўлларимизни сиқдик. У қўлини елкамга қўйди.

— Мен эшитган заҳотим келдим, — деди у.

— Ўтилинг, — деди майор. — Сиз кечикдингиз.

— Хайрли кеч, отахон, — деди Ринальди.

— Хайрли кеч, Ринальди, — деди кашиш. Вестовой унга мастава олиб келди, лекин у спагеттидан бошлишини билдириди.

— Соғлигингиз тузукми? — сўради у мендан.

— Жуда яхши, — дедим. — Нима янгиликлар бор?

— Вино ичинг, отахон, — деди Ринальди, — қурсоқнинг нафига вино тановул қилингиз. Бу авлиё Павелдан-ку, биласизми?

— Ҳа, биламан, — деди кашиш одоб билан. Ринальди унинг стаканига тўлдириб қўйди.

— Ҳўп қизиқ авлиё экан-да, бу Павел! — деди Ринальди. — Ҳамма favfo, тўполонга ўша сабабчи.

Кашиш менга қараб илжайди. Унинг майнабозчиликларга аҳамият бермай қўйганлигини қўрдим.

— Ҳўп қизиқ авлиё экан-да, Павел, — деди Ринальди. — Ўзи айғир ва модабоз бўла туриб, кучи етмай қолгандан кейин буларни гуноҳ деб эълон қилганини қаранг. Ўзининг қўлидан ҳеч иш келмай қолгандан кейин бошқа кучга тўлган одамларни насиҳат йўлига сола бошлади. Шундайми, Федерико?

Майор кулимсиради. Биз бу пайтда қовурдоқ емоқда эдик.

— Мен кун ботгандан кейин сира ҳам авлиёларни танқид қилмайман, — дедим. Кашиш овқатдан бошини кўтариб, менга жилмайди.

— Мана энди у ҳам домланинг ёнини оляпти, — деди Ринальди. — Қани ҳамма эски ҳазилкаш қадрдоналар? Кавальканти қани? Брунди қани? Чезаре қани? Нима мен бу шўриңг қурғур домлани бир ўзим ҳеч қандай мададсиз жаҳлини чиқаравераманми?

— У яхши руҳоний, — деди майор.

— У яхши руҳоний, — деди Ринальди. — Лекин ба-рибир руҳоний. Мен ошхонада илгаригидай гаплар бўлишини истайман. Мен Федерико хурсанд бўлсин дейман. Боринг-е, билганингизни қилинг, домла!

Мен майор унга қараётганини, унинг мастилигини билганини кўрдим. Унинг ориқ юзи докадай оқариб кетганди. Сочлари оппоқ манглайида қоп-қора бўлиб кўринарди.

— Майли, Ринальди, — деди кашиш. — Майли.

— Жин урсин сизларни! — деди Ринальди. — Уму-ман барини жин урсин! — у стул суянчифига ясаниб олди.

— У кўп ишлади, чарчаб қолди, — деди майор мен-га қаратса. Тўшни еб бўлгач, бир бурда нон билан ли-копчадан қайлани сидириб олди.

— Қани эди ҳаммангизга тупурсам, — деди Ринальди столга қараб. — Умуман, ҳаммасини жин урсин! — у атрофга еб қўйгудай бўлиб бир-бир қараб чиқди, кўзлари хира тортган, юзи оқариб кетганди.

— Хўп, — дедим мен. — Ҳаммани жин урсин!

— Йўқ, йўқ, — деди Ринальди. — Мумкин эмас. Мумкин эмас. Мумкин эмас, деяпман сизга. Зулумот ва бўшлиқ, шундан бошқа ҳеч нарса йўқ. Эшитяпсиз-ми, ҳеч нарса йўқ. Ҳеч вақо. Мен ишламаган пайтим-дан буни биламан.

Кашиш бошини чайқаб қўйди. Вестовой қовурдок-ни олиб кетди.

— Нега сиз гўшт тановул қиляпсиз? — Ринальди кашишга ўгирилди. — Бугун жума эканлигидан хаба-рингиз йўқми?

- Бугун пайшанба, — деди кашиш.
- Алдамчилар. Бугун жума. Сизлар масиҳонинг этини тановул қилмоқдасиз. Мен биламан. Бу австрис ўлаксаси. Сиз шуни еб ўтирибсиз.
- Оқ гўшт — офицер гўшти, — дедим мен эски бир ҳазилни эслаб.
- Ринальди кулиб юборди. У ўз стаканини тўлдирди.
- Менга қулоқ солманглар, — деди у. — Мен сал девонароқ бўлиб турибман.
- Сиз таътилга чиқишингиз керак, — деди кашиш.
- Майор, аччиқ билан бошини чайқади. Ринальди кашишга тикилди.
- Сизнингча, мен таътилга чиқишим керакми?
- Майор кашишга қараб таъна қилгандай бошини чайқарди. Ринальди ҳам кишишга қараб турарди.
- Ўзингиз биласиз, — деди кашиш. — Истамасангиз, кераги йўқ.
- Ҳаммангизни жин урсин! — деди Ринальди. — Улар мендан кутулишмоқчи. Ҳар куни кечкурун улар мендан қутулмоқчи бўлишади. Мен кучим етганча қарши турибман. Нима бўлибди мендаги ушбу бўлса? Ушбу ҳаммада бор. Бу бутун оламда бор. Аввало, — деди у лекторлар оҳангиди, — бу майда учук. Кейин биз кўкрагимизга қизил тошганини кўрамиз. Кейин биз ҳеч нарсани кўрмаймиз. Бизнинг бутун умидимиз симобдан.
- Ёки сальварсандан, — вазмин уни бўлди майор.
- Симобдан бўлган дори, — деди Ринальди. У энди жуда ҳам кўтаринки товуш билан сўзлай бошлади.
- Мен булардан кўра яхшироқларини биламан. Қадрдон, муҳтарам отахон, — деди у, — сизда ҳеч қачон бу бўлмайди. Бэбида эса бўлади. Бу корхонадаги авария.
- Вестовой десерт билан қаҳва келтирди. Ширилликка майиз, тухум ва яна алланималар солинган қуюқ ичимлик берди. Чироқ сасир экан, қурум шишага ўтириб қолмоқда эди.

— Шам беринглар, манави чироқни олиб кетинг, — деди майор.

Вестовой, иккита ёқилган шам келтирди, шам тақсимчаларга ёпишириб қўйилган эди. У чироқни олиб йўлакай пулфаб ўчириди. Ринальди тинчланди. У бутунлай ўзига келгандай эди. Ҳаммамиз гаплашиб ўтиридик, қаҳвадан сўнг ташқарига чиқдик.

— Хўп, мен шаҳарга боришим керак, — деди Ринальди. — Тунингиз хайрли бўлсин, отахон.

— Хайрли тун, Ринальди, — деди кашиш

— Ҳали кўришамиз, Фреди, — деди Ринальди.

— Ҳа, — дедим. — Барвактрок келинг.

У башарасини бужмайтирди-да, чиқиб кетди. Майор биз билан ёнма-ён туарди.

— У қаттиқ чарчаб қолди, асаблари жуда ўйнаб кетган, — деди у. — Бунинг устига ўзини сўзакка йўлиқ-қанман деб ўйлади. Бўлса бордир, яна билмадим. У сўзакдан даволаняпти. Хайрли тун, Энрико. Сиз аzonда жўнайсизми?

— Ҳа.

— Ундоғ бўлса хайр, — деди у. — Оқ йўл! Педуцци сизни уйғотади, у сиз билан бирга боради.

— Кўришгунча.

— Кўришгунча. Австрислар ҳужумга ўтади деган миш-мишлар юрибди, яна ким билади. Бу ҳақда одамнинг ўйлагиси ҳам келмайди. Ҳар ҳолда ҳужум бу ерда бўлмайди. Жино сизга ҳаммасини айтиб беради. Телефон ҳозир ишлаб турибди.

— Мен тез-тез қўнфироқ қилиб тураман.

— Майлингиз. Хайрли тун. Ринальдининг кўп ичишига йўл қўйманг.

— Ҳаракат қиласман.

— Хайрли тун, отахон.

— Хайрли тун.

У ўз хонасига кириб кетди

Йиғирма олтинчи боб

Мен бориб эшиқдан ташқарига мўраладим. Ёмғир тинган, лекин қуюқ туман тушганди.

— Балки менинг хонамда бирпас гаплашиб ўтирапмиз? — дедим кashiшга.

— Faқат мен кўп ўтиrolмайман, боришим керак.

— Барибир, юринг.

Зинадан кўтарилиб менинг хонамга чиқдик. Мен Ринальдининг ўрнига чўзилдим. Кашиш вестовой менга ҳозирлаб қўйган каравотга ўтирди. Хона ичи қоронғи эди.

— Умуман, ўзингиз тузукмисиз? — сўради у. — Яхши. Бугун чарчадим, шекили.

— Мана ҳеч иш қилмаган бўлсам ҳам, мен ҳам чарчагандайман.

— Урушда нима гаплар?

— Уруш энди тез орада тугаб қолар. Билмайман-у, лекин менга шундай туюлади.

— Нега унда?

— Сиз майоримизнинг ўзгариб кетганлигини кўрдингизми? Индамас бўлиб қолган, ҳозир кўпчилик шунаقا.

— Мен ўзим ҳам шунақаман, — дедим.

— Ёзда оғир бўлди, — деди кashiш. У ўзига ишонч билан гапиради, унда аввал бунақа ишонч йўқ эди.

— Нималар бўлганлигини ҳатто хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Faқат у ерда ўзи бўлган одамгина бунинг қандайлигини тасаввур қилиши мумкин. Ёзда кўпчилик урушнинг нималигини билди. Буни тушунишни истамаган офицерлар ҳам энди тушунишди.

— Энди нима бўлади? — дедим кўрпани кафтим билан сийпалай туриб.

— Билмадим. Лекин, менимча, бу узоққа чўзилмайди.

— Нима бўлади?

— Урушмай қўйишади.

— Ким?

- Уларам, буларам.
- Умид қиласиз, — дедим.
- Сиз бунга ишонмайсизми?
- Мен ҳар иккала томон бирдан урушмай қўйишига ишонмайман.
- Ха, албатта. Унда жудаям зўр бўларди-я. Лекин мен одамлар нималарни бошдан кечираётганларини кўриб, энди бундай давом этмаса керак, деб юрибман.
- Ёзги урушда ким ютди?
- Ҳеч ким.
- Австрислар ютишди, — дедим. — Улар италянларга Сан-Габриелени беришмади. Улар ютиб чиқишиди. Улар урушни бас қилишмайди.
- Агар уларнинг ҳам кайфияти бизникуга ўхшаган бўлса, бас қилишлари ҳам мумкин. Уларнинг ҳам бўладигани бўлган.
- Урушда ютиб юрган томон сира урушишдан воз кечмайди.
- Мени жуда довдиратиб қўйдингиз.
- Мен ўйлаб юрган гапларимни айтяпман.
- Демак, сиз бу шундай давом этади, ҳеч нарса ўзгармайди деб ўйлайсизми?
- Билмадим. Лекин австрислар ҳамон ютиб чиқишиган экан, улар бас қилишмайди деб ўйлайман. Мағлубиятлар бизни насроний қиласи.
- Лекин австрислар бусиз ҳам насроний-ку, тўғри, боснияликлардан ташқари.
- Мен насронийлик дини ҳақида гапираётганим йўқ, Мен насронийлик рухи ҳақида гапирайман.
- У жимиб қолди.
- Биз енгилгач, нафасимиз ичимизга тушиб кетди. Агар Гефсиман боғида Петр Исони қутқариб олганда, ким билади, кейин Исо қандай зот бўларди?
- Ишонмайман, — дедим.
- Сизнинг гапларингиз мени эсанкиратиб қўйди, — деди яна у. — Мен бир гап бўлишига ишонаман ва

Худодан шуни ёлвориб сўрайман. Мен яқинлашиб келётган нарсаларни сезиб турибман.

— Сиз айтган нарсалар юз ҳам берар, — дедим. — Лекин фақат бизда юз беради. Агар уларнинг ҳам кайфиятлари бизникидек бўлса, унда бошқа гап. Лекин улар бизни калтаклашди. Уларнинг кайфияти бошқачароқ.

— Кўп солдатлар бир хилда фикр қилишади. Уларда бунақа кайфият анчадан бери бор. Гап калтак ейишда эмас.

— Улар бошданоқ калтакланган эдилар. Уларни ишлаб турган ерларидан тортиб олиб солдат формасини кийгизганларидаёқ таёқ еган эдилар. Мана шунинг учун ҳам деҳқон доно-да — агар бошданоқ енгилмаса, у бунчалар доно бўлмасди. Қани, унга ҳокимиятни бериб кўринг-чи, ўшандা кўрасиз унинг чинакам донолигини.

У жавоб бермади. У ўйланиб қолганди.

— Менинг ҳам ҳозир ичимга чироқ ёқса, ёримайди, — дедим, — шунинг учун ҳам мен бундай нарсалар ҳақида ўйламасликка тиришаман. Мен буларни ўйлаб юрмайман, лекин гап очилиши билан шу нарсалар хаёлимдан кечади.

— Мен бўлсам бир нарса бўлади-ёв, деб ишониб юрибман.

— Нима, мағлубиятга ишонибмидингиз?

— Йўқ. Бошқа каттароқ нарса рўй беради, деб юргандим.

— Каттароқ ҳеч вақо йўқ. Фалаба демасангиз агар. Лекин фалаба бундан ҳам баттар бўлиши мумкин.

— Мен узоқ вақт фалабага ишониб юрувдим.

— Мен ҳам.

— Энди билмай қолдим.

— Бир нарса албатта бўлади — ё фалаба ва ё мағлубият.

— Фалаба бўлишига мен энди ишонмайман.

— Мен ҳам ишонмайман. Мен мағлубиятга ҳам ишонмайман. Гарчи мағлубият ёмон бўлмасди.

- Унда нимага ишонасиз?
- Уйқуга, — дедим. У ўрнидан турди.
- Шунча вақтингизни олганим учун маъзур тутинг мени. Лекин сиз билан суҳбатлашишни яхши кўраман.
- Мен ҳам сиз билан гаплашганимдан хурсандман. Уйқу ҳақида мен шунчаки ҳазиллашдим.
- Мен ўрнимдан турдим ва биз қўл олишиб хайрлашдик.
- Мен ҳозир уч юз еттида тунаяпман, — деди у.
- Мен эртага эрталабдан постга кетаман.
- Қайтиб келганингизда кўришамиз.
- Ўшанда яна гаплашиб ўтиармиз. — Мен уни эшиккача кузатиб қўйдим.
- Пастга тушманг, — деди у. — Яна кўришганимиздан хурсандман. Лекин сиз қайтиб келганингиздан унчалар хурсанд бўлмасангиз керак. — У қўлини елкамга ташлади.
- Ҳаммаси жойида, — дедим. — Хайрли тун.
- Хайрли тун.
- Ciao, — дедим. Ўлгудай уйқум келганди.

Йигирма еттиичи боб

Мен Ринальди келганда уйғондим, лекин у оғиз очмади ва мен яна ухлаб қолдим. Тонг қоронфисида туриб кийиниб жўнаб кетдим. Мен уйдан чиқаётганимда Ринальди уйғонмади.

Мен илгари Байнзиццани кўрмаган эдим. Ўзим ярадор бўлган қирғоқдан ҳамда баҳорда австрислар қўлида бўлган төр ёнбағридан борарканман, булар менга фалати туюларди. Бу ердан янги тиккасига кетган йўл ўтказилган бўлиб, ундан кўп юқ машиналари ўтиб борарди. Юқорироқда қиялик янада нишаброқ бўлиб борар, мен шу ердан туманда ўрмон ва тик тепаларни кўрдим. Ўрмон жуда тез ишғол қилинганидан уни қирқиб улгуришмаганди. Яна ҳам нарироқ,

да йўл тепалардан ялангликка чиқиб, кафтдек кўри-ниб қолганидан унинг тепаси ва атрофини бардилар билан чайла қилиб ўралган эди. Йўл хароб қилинган қишлоққача борарди. Позициялар шу ердан бошланарди. Қаёққа қараманг, тўплар. Уйлар ярим бузилганди, лекин ҳамма ёқ саранжом-саришта, ҳамма ёққа кўрсаткич тахтачалар осиб қўйилганди. Биз Жинони қидириб топдик, у бизни қаҳва билан меҳмон қилди, кейин мен у билан бирга ташқарига чиқдим, керакли одамларни кўрдик, постларни айландик. Инглиз машиналари нарида, Равнада ишлайпти, деди Жино. У жуда инглизларга қойил қолибди. Онда-сонда отишмалар бўлиб туради, деди у, лекин ярадорлар кам экан. Ёнгинарчилик бошлангандан кейин касаллар кўпаяр экан. Австрислар ҳужумга ўтармиш, деган мишишлар бор. Лекин унинг бунга ишончи комил эмас экан. Биз ҳужумга ўтамиш, деган узунқулоқ гаплар ҳам йўқ эмас, лекин ҳеч қандай ёрдамдан дарак йўқ, шундай экан, бу гапларнинг ҳам таги пуч. Овқат масаласи чатоқроқ экан, Горицияда бир маза қилиб овқатланаман, деди. У кеча нима овқат еганимизга қизиқди. Мен кечаги овқатни айтиб бердим. Қойил, деди у. Айниқса, долче³⁵ уни қаттиқ таъсиrlантириди. Мен тафсилотига берилиб ўтирумай, долче беришди десам, унинг тасаввурида бу тамомила топилмас бир нарсалар каби жонланди, шекилли

Мени қаерга юборишар экан, билмайсизми, деди. Мен хабарим йўқ, дедим, лекин машиналарнинг бир қисми Капореттода эканлигини айтдим. У ерга жон деб бораман, деди. Жуда ҳам яхши шаҳарча, деди, айниқса, уни ўраб турган баланд тоғлар чиройли. У азamatгина йигит экан, ҳамма уни яхши кўраркан. Чинакам жаҳаннам Сан-Габриеледа бўлибди, кейин оқибати аянчли бўлган Лом ортидаги шиддатли жанг-

³⁵ Ширинлик (итал.)

дан кейин нақ дўзахнинг ўзи бўлиди. Бутун Тернова тизмасидаги ўрмонларда, бизнинг ортимизда ва юқоримизда — ҳамма ёқни австрисларнинг тўплари босиб кетибди. Кечалари йўл улардан қаттиқ ўқча тутилар экан. Уларда бир батарея денгиз замбараклари ҳам бор экан, жуда мияни еб юборди, деди у. Уларни снарядларининг пастлаб учганидан билиш мумкин. Тўп отилган заҳоти чийиллаш бошланади. Кўпинча иккита тўпни кетма-кет отишади, снарядлар ёрилганда сўлақмондай-сўлақмондай парчалари атрофга сочилар экан. У менга қирра бўлиб кетган билакдай осколка парчалини кўрсатди. Метали баббитга ўхшарди.

— Булар унчалар кўп талафот етказишмайди, — деди Жино, — лекин мен улардан қўрқаман. Овозидан худди сенинг устингга келаётгандай бўлади. Аввал зарбасини эшитасан, кейин ҳуштак овози чиқади, кейин портлайди. Яраланмаганинг билан барибир қўрқиб ўлиб бўласан.

У бизнинг қаршимизда кроат ва мадёрларнинг полклари турибди, деди. Кўшинларимиз ҳамон ҳужум тартиботида турган экан. Агар австрислар ҳужум қилиб қолсалар, чекингани жой йўқ. Ёйлотоғдан сал пастда пастқам тоғлар бор, ўша ерларда зўр ҳимоя позициялари қуриш мумкин эди, лекин бу ҳеч кимнинг эсига келмайди. Айтмоқчи, Баинзицца менда қандай таассурот қолдирди?

Мен бу ер адирга ўхшаган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Мен бу ерни бунчалар ўр-тоғ ерлар деб билмагандим.

— Алто пиано³⁵, — деди Жино, — лекин пиано³⁶ эмас.

Биз у яшайдиган уйнинг ертўласига тушдик. Мен агар тизма тепаларнинг усти япасқи бўлиб, бир оз ўнқир-чўнқирликлари ҳам бўлса, бундай ерни ҳимоя қилиш паст тоғлар тизмасини ушлаб туришга қара-

³⁵ Ясси тоғлар (итал).

³⁶ Ясси текислик (итал).

ганды осон бўлади, дедим. Тоғларда ҳужумга ўтиш текис ерда ҳужум қилишдан осонроқ эмас, деб уқтира бошладим.

— Қандай тоғ эканлигига қараб, — деди у. — Сан Габриелени олинг.

— Ҳа, — дедим. — Тепаси ясси бўлган жойларда қийин бўлди. Лекин тепасигача анча осонлик билан борилганди.

— Унчалар осон бўлмади, — деди у.

— Тўғри, — дедим. — Лекин бу бошқачароқ ҳодиса, чунки бу ер тоғ эмас, қалъага ўхшайди. Австрислар уни кўп йиллар мустаҳкамлашган.

Мен ҳаракатдаги ҳарбий операцияларда тоғ тизмаларини фронт чизифи сифатида ушлаб туриш тактик жиҳатидан тўғри эмас, чунки тоғларни айланиб ўтиш осон, демоқчи эдим. Бунда қўшинлар гоятда ҳаракатчан бўлишлари керак, тоғларда эса қўшинлар ҳаракатчанликдан маҳрум бўладилар. Бундан ташқари тепадан пастга отилгандан доимо ўқ мўлжалдан ўтиб кетади. Қанотдаги қисмлар орқага чекинганларида ҳам, қўшинларнинг асосий, кучли қисми энг баланд тизмаларда қолади. Мен тоғлардаги урушларга унчалар ишонмайман. Мен бу ҳақда кўп ўйлаганман, дедим. Виз бир тоқقا, улар эса бошқасига ўтириб оладилар. Ҳақиқий жанг қилиш учун эса, ҳар икки томон пастга тушишга мажбур.

— Чегара тоғлардан ўтгандан кейин шундан бошқа чора йўқ-да, — деди у.

Мен ҳали буни ўйлаб кўрмаган эканман, дедим ва биз кулишдик. Лекин, дедим мен, илгарилари доимо австрисларни Верон қалъаларининг тўрт бурчагида уришган. Уларни пастга олиб тушишарди-да, сўнг боллаб уришарди.

— Шундай, — деди Жино. — Лекин французлар шундай қилган эдилар. Бошқа мамлакат ерларида жанг қилаётганингда стратегик масалаларни ҳал қилиш осонроқ бўлади.

— Шундай, — рози бўлдим мен. — Ўз ватанингда турив буларни илмий суратда ечиш қийин.

— Руслар Наполеонни тузоққа тушириш учун шундай қилишган.

— Шундайку-я, лекин русларнинг ерлари кўп-да. Италияда Наполеонни тузоққа тушираман деб, чекиниб кўринг-чи, ўша заҳоти ўзингизни Бриндизида кўрасиз.

— Жуда ҳам расво шаҳар-да, — деди. — Сиз у ерда сира бўлганмисиз?

— Йўл-йўлакай бир кўрган эдим.

— Мен ватанпарварман, — деди Жино. — Лекин Бриндизи ёки Тарантони сира жиним ёқтирумайди.

— Байнзиццани-чи, уни яхши кўрасизми? — сўрадим мен.

— Бу муборак ер, — деди у. — Лекин мен у кўпроқ картошка етиштириб беришини истардим. Биласизми, бу ерга келганимизда биз австрислар эккан картошка далаларини кўрдик.

— Нима, бу ерда озиқ-овқатнинг шунаقا мазаси йўқми? — сўрадим мен.

— Мен бирон марта ҳам тўйиб овқат еганим йўқ, эҳтимол, иштаҳам яхши бўлганидан шундай туюлгандир, лекин шунда ҳам оч қолган пайтимиз бўлмади. Офицерларнинг овқатлари яхши эмас. Оддинги позицияларда анча дуруст овқат беришади, лекин таъминловчи қисмларни ёмон боқишади. Қаердадир, нимадир халақит бермоқда. Озиқ-овқатнинг ўзи етарли бўлса керак.

— Олиб сотарлар четга сотиб юборишади.

— Оддинги позициялардаги батальонларга нима керак бўлса, беришади, орқароқда турган қисмлар эса анча қийналишмоқда. Ҳозирча австрисларнинг ҳамма картошкаларини еб бўлдик, атроф даражатзорлардаги барча каштанлар ҳам еб бўлинди. Дурустроқ боқиша бўлмасмикин. Бу ерда ҳамманинг иштаҳаси карнай. Мен озиқ-овқатнинг етарли эканлигига ишона-

ман. Солдатга овқат етишмаганидан ёмони йўқ. Бу одамнинг фикрига қандай таъсир этишини биласизми?

— Ҳа, — дедим. — Бу ғалабага олиб бормайди, лекин мағлубиятга олиб бориши мумкин.

— Мағлубият ҳақида гапиришмаймиз. Бу ҳақдаги гаплар шусиз ҳам етиб ортади. Бу йил ёзида рўй берган нарсалар иззиз қолиб кетмас, ахир.

Мен индамадим. Мени «муборак», «шавкатли», «қурбон» деган сўзлар ва «рўй берган»га ўхшаш иборалар ғалати, ўнгайсиз аҳволга солади. Биз уларни баъзан ёмғирда туриб эшитганмиз, эшитганда ҳам шундай масофадан туриб эшитганмизки, бизгача фақат айрим сўзларгина етиб келган, биз уларни плакатларда ўқиганмиз, бу плакатлар шунга ўхшаш бошқа плакатлар устига ёпиштирилаётганда ўқиганмиз. Лекин мен муқаддас ҳеч нарсани кўрганим йўқ. Шавкатли деб ҳисобланган нарсалар шавкатли эмасди. Қурбонлар ҳам Чикаго қушхоналарини эслатар, фарқи, гўштни бу ерда тупроққа кўмишарди. Одам эшитса қони қайнайдиган сўзлар кўпайиб бораарди, бора-бора фақат жойларнинг номларигина бир нарса англатадиган бўлиб қолди. Баъзи бир рақамлар ва баъзи бир саналар ҳам ўз қимматларини сақлаб қолдилар, шуларни ва жойларнинг номларини бемалол ўз маъносида тилга олса бўларди. «Шуҳрат», «жасорат», «шавкат» ёки «муқаддас» сингари мавҳум сўзлар қишлоқларнинг аниқ номлари, йўлларнинг сон белгилари, дарёларнинг атамалари, полкларнинг рақамлари, кунларнинг олдида шармсиз сўзлар каби туюларди. Жино патриот эди, шунинг учун унинг айрим гаплари орамизга ғов соларди, лекин ўзи тузук йигитга ўхшар ва мен унинг патриотизмини тушунардим. У патриотизм билан биргаликда туғилган. У Горицияга жўнаш учун Педуцци билан машинага ўтирди.

Куни билан бўрон бўлиб турди. Шамол ёмғир селини олиб келар, ҳамма ёқ кўлмак ва балчиқ эди. Бузил-

ган деворларнинг сувоги қулранг ва намиққан эди. Кечки пайт ёмғир тинди, иккинчи постда туриб мен ёмғир савалаган яланғоч кузги далани, адирларда ке-зизб юрган булуларни, йўлдаги устидан сув оқиб тур-ган сомон чайлаларни кўрдим. Офтоб ботмасдан бу-рун бир кўринди ва тоғ тизмалари ортидаги яланғоч ўрмонга ёғду сепалади. Шу тизмадаги ўрмонга жуда кўп австрис тўплари жойлашган эди, лекин улардан баъзиларигина ўт очмоқда эдилар. Менбаноғоҳ, фронт яқинида жойлашган бузилиб кетган ферма устида шрапнель снарядининг бир парча тутуни пайдо бўли-шига қараб турадим, паға дуд ўртасида сарфимтири оқ ёлқини бор. Олдин ёлқин кўринар, сўнг қарсилла-ган овоз чиқар, кейин дуднинг думалоги шамолда чўзилар ва сийраклашиб кетарди. Вайроналар ичида ва пост турган уй олдидағи йўлнинг ҳамма ёғида шрапнель ўқлари сочилиб ётар, лекин ҳозир постни ўқча тутаётганлари йўқ эди. Биз икки машинага юқ ортиб, устига чайла қурилган йўлдан кетдик, чайлаларнинг ёруғларидан ботаётган офтобнинг сўнгги нур-лари тушиб туради. Биз очиқ йўлга чиққанимизда қуёш ботган эди. Биз очиқ йўлдан кетдик, бурилишдан ўтиб, йўлнинг яна хашак чайлалар билан берки-тилган қисмига кирганимизда, ёмғир бошлаб берди.

Кечаси шамол кучайди, тонгги соат учда жала уриб турган бир пайтда отишма бошланди ва кроатлар тор далалари ва ўрмонзорларидан тўғри бизнинг устимиз-га бостириб кела бошладилар. Улар ёмғирда, қоронфи-лик ичида жанг қилишар, кейин қўрқиб кетганлари-дан довюраклик билан душман устига ташланган ик-кинчи қатор хандақлардаги солдатларнинг қарши ҳужуми туфайли улоқтириб ташландилар. Снарядлар ёрилар, ёмғирда ракеталар учеб чиқар, бутун фронт бўйлаб пулемёт ва милтиқ отишмалари давом этарди. Улар ҳужумга бошқа журъят қилмадилар, теваракка жимлик чўкди, баъзан ёмғир ва шамол узоқ шимол-дан тўп овозларини олиб келарди.

Постга яралангандар кела бошлади: бирорларни замбарларда келтиришар, бошқа бирлари ўзлари юриб келишар, учинчи бирларини майдондан қайтаётган ўртоқлари олиб келаётган эдилар. Улар шилти-шалаббо бўлиб кетишган, қўрқувдан ўзларини билмасдилар. Биз иккита машинани постнинг ертёласида ётган ярадорлар билан тўлдирдик, мен иккинчи машина-нинг эшигини ёпиб, илгагини маҳкамлаганимда, юзимга қор зарралари урилди. Ёмғир аралаш оғир қор ёғарди.

Тонг отганда бўрон ҳамон давом этар, лекин қор тўхтаганди. Қор ҳўл ерда эрир, энди яна ёмғир ёғарди. Тонгда бизга яна хужум қилишди, лекин бирон натижা чиқаришолмади. Биз яна хужум бўлишини куни билан кутдик, лекин кун ботгунга қадар ҳамма ёқ сукунат ичидаги турди. Отишма жанубдан, австрисларнинг артиллерияси йифилган ўрмон билан қопланган узун тоғ тизмаси томондан бошланди. Биз ҳам отишма бўлиб қолар деб кутган эдик, лекин кутганимизча чиқмади. Коронги қуюқлашиб бораради. Бизнинг тўпларимиз қишлоқнинг нариги томонидаги далада турарди, улардан отилган снарядларнинг ҳуштаги кишига тасалли берарди.

Жанубдаги ҳужум муваффақиятсиз чиққанини эшийтдик. Ўша кечаси ҳужум бошқа қайтарилемади, лекин биз шимолда фронт ёриб ўтилганлигини билиб қолдик. Тунда бизга чекинишга тайёргарлик кўриш ҳақида хабар қилишди. Менга буни капитан айтди. У бригада штабидан маълумот олибди. Кўп ўтмай, у телефонда гаплашиб келди-да, ҳаммаси ёлғон экан, деди. Штабга Байнзиццани нима бўлганда ҳам қўлда ушлаб туриш ҳақида буйруқ берилибди. Мен фронтни ёриб ўтишгани ҳақида сўрадим. У штабда австрислар йигирма еттинчи армия корпусининг фронтини Капоретто томонда ёриб ўтганларини айтишди, деди. Шимолда кеча куни билан шиддатли жанглар бўлибди.

— Агар ярамаслар уларни ўтказиб юборишса, тамом бўламиз, — деди у.

— Немислар ҳужум қилишаётиди, — деди врачиардан бири. «Немис» сўзи юракка қўрқинч соларди. Биз сира ҳам немисларга дуч келишни истамасдик.

— У ерда ўн бешта немис дивизияси бор, — деди врач. — Улар ёриб ўтишган. Биз қуршовда қоламиз.

— Бригада штабида биз шу позицияларни ушлаб туришимиз кераклигини айтишяпти. Ўпирилиш унчалар катта эмас экан, биз энди тоғлар оша Монте-Мажоредан бошлаб фронт чизигини ушлаб турар эканмиз.

— Улар бу маълумотларни қаердан олишибди?

— Дивизия штабидан.

— Чекиниш ҳақида ҳам дивизия штабидан хабар қилишганимиди?

— Дивизия штабидан.

— Чекинишга ҳозирлик кўриш ҳақида ҳам дивизия штабидан хабар беришганди.

— Бизнинг бошлиғимиз — армия штаби, — дедим мен. — Лекин бу ерда мени бошлиғим сиз бўласиз. Агар менга бор деб буюрсангиз, бораман. Лекин буйруқ қандай, аниқ билсангиз.

— Буйруқ шуки, биз шу ерда қолишимиз керак. Сиз ярадорларни тарқатиш пунктига етказиб берсангиз бўлгани.

— Баъзан тарқатиш пунктларидан ҳам дала госпиталларига ярадорларни олиб келамиз, — деди. — Айтинг-чи, — мен ҳеч қачон чекинишда бўлмаганман, агар чекиниш бошланса, ҳамма ярадорларни қай тартибда кўчиришади?

— Ҳаммани кўчиришмабди. Имкон борича олиб, қолганларини қолдириб кетишади.

— Мен машиналаримда нима олиб кетаман?

— Госпиталь асбобларини.

— Тушунарли, — дедим.

. Эртасига кечаси чекиниш бошланди. Немислар ва австрислар шимолда фронтни ёриб ўтганлари ва тор дараларидан Чивидале ҳамда Удинага томон келаёт-

ганлари маълум бўлди. Ёмғир ёғар, тартиб билан ноҳуш ва жимгина чекинардик. Кечаси тиқилинч йўллардан секин юриб борар эканмиз, ёмғирда чекинаётган қўшинларни, от, хачир қўшилган араваларни, тўпларни, юк машиналарини кўриб борардик, буларнинг бари фронтдан кетмоқдайди. Олга борилаётган тартиб қандай бўлса, чекинилганда ҳам тартиб деярли ўшандай эди.

Ўша кечаси биз ёйлотоғда бузилмай қолган госпиталларга ярадорларни кўчиришга кўмаклашдик, ярадорларни Плавага олиб бордик, эртасига эса куни билан қуийб турган ёмғирда Плаванинг ўзидағи госпиталларни ва тарқатиш пунктларини кўчиришга ёрдамлашдик. Ёмғир тинимсиз чеҳакдан қуигандай ёғиб турар ва Байнзицца армияси октябрнинг ёмғири остида тоғлардан тушиб келар ва шу йил баҳорда улуф ғалабаларга эришилган ердан дарёни кечиб ўтишарди. Эртасига кун ўрталарида биз Горицияга етиб бордик. Ёмғир тинган, шаҳар деярли бўм-бўш эди. Кўчадан ўтиб кета туриб биз солдат исловатхонасидаги қизларни юк машиналарга чиқараётганларини кўрдик. Қизлар еттита бўлиб, ҳаммалари шляпа ва пальто кийган, кўлларида кичкина жомадончалари бор эди. Қизлардан иккитаси кўз ёши қилишарди. Учинчиси бизга табассум қилди, тилини чиқариб, у ёқдан-бу ёққа айлантириди. Унинг лаблари дўрдоқ, кўзлари қоп-қора эди.

Мен машинани тўхтатиб, пастга тушдим-да, бека билан гаплашдим. Офицерлар уйидаги қизлар аzonда жўнатилган экан. Қаёққа кетяпсизлар, деб сўрадим. Копельянога, деди бека. Юк машинаси ўрнидан кўзғалди. Лаблари дўрдайган қиз бизга яна тилини кўрсатди. Бекач қўлини силкиди. Иккала қиз эса ҳамон йиғлашарди. Бошқалари шаҳарни томоша қилиб боришарди. Мен яна машинага ўтирдим.

— Қани энди шулар билан кетсанг, — деди Бонелло.
— Роса маза қиласардик-да!
— Шошманг, ҳамма маза ҳали олдинда, — дедим.

- Реса сарсон бўладиган бўлдик.
- Мен ҳам шундай демоқчиман, — дедим. Биз виллага олиб борадиган хиёбонга чиқдик.
- Бу дўндиқчалар жойлашиб олиб ишга тушиб кетадиган жойда бўлиб қолсанг қанийди.
- Сиз улар бора солиб дарров ишга тушиб кетадилар деб ўйлайсизми?
- Тушганда қандоқ! Иккинчи армияда ким уларнинг бекачини билмайди.
- Биз виллага етиб келгандик.
- Уни роҳиба она деб чақиришади, — деди Бонело. — Ойимчалар янги экан, лекин бекачни ҳамма танийди. Уларни чекинмасдан сал бурунроқ келтиришган, шекилли.
- Энди жонларини аямай тер тўкишади.
- Мен ҳам тер тўкишади деяпман-да. Мут бўлса-ю, улар билан кўнгил очишсанг. Жуда одамни шилиб олишади-да. Давлат нуқул бизни алдагани-алдаган.
- Машинаси олиб боринг, механик кўриб қўйсин, — дедим. — Мойини алмаштиринг, дифференциални текширинг. Ёқилғи қўйинг, кейин бирпас мизғиб олсангиз бўлади.
- Хўп бўлади.
- Вилла бўм-бўш эди. Ринальди госпиталь билан бирга жўнабди. Майор штаб машинасида тиббиёт ходимларини олиб кетибди. Деразада менга хат ёзиб қолдирилган экан, унда эшик олдига қўйилган асбобларни ортиб, Порденонега бориш буюрилганди. Механиклар кетиб бўлишибди. Мен гаражга қайтдим. Виллага бориб келгунимча қолган икки машина ҳам етиб келибди, шофёрлар ҳовлида туришган экан. Яна ёмғир имирсилай бошлади.
- Шунчалар уйқу босяптики, Плавадан келаётганимизда уч марта кўзим уйқуга кетиб қолибди, — деди Пиани. — Нима қиладиган бўлдик, tenente?
- Мойни алмаштирамиз, мойлаймиз, ёқилғи қуямиз, бориб бизга қолдирган юкни ортамиз.

- Кейин йўлга тушамизми?
- Йўқ, икки-уч соат мизғиб оламиз.
- Жин урсин, ухлаш маза-да, — деди Бонелло. — Бўлмаса, мен рулда ухлаб қолган бўлардим.
- Машинангиз қалай, Аймо? — сўрадим.
- Жойида.
- Менга кўн пальтони беринг, сизга ёрдамлашман.
- Ҳожати йўқ, *tenente*, — деди Аймо. — Иши унча кўп эмас. Сиз ўзингизнинг нарсаларингизни йифишираверинг.
- Нарсаларим ҳаммаси йифиширилган, — дедим.
- Мен улар қолдирган нарсаларни бу ёқса олиб чиқай-чи. Тузатиб бўлишингиз билан машиналарни олиб боринг.
- Улар машиналарни вилланинг катта дарвозаси олдига олиб келишди ва биз уларга госпиталнинг асбобускуналарини ортдик. Кўп ўтмай ишни битирдик. Автомобиллар икки ёнига дараҳт экилган хиёбонда қатор тизилишди. Ёмғир тинмай уриб турарди. Биз уйга кирдик.
- Ошхонада ўт ёқиб, кийимларингизни қуритиб олинг, — дедим.
- Падарига лаънат, ҳўл бўлсам нима қилибди, — деди Пиани. — Уйқум келяпти.
- Мен майорнинг каравотига ётаман, — деди Бонелло. — Чол қандай тушлар кўрганийкин, бир билай-чи.
- Менга қаерда ётсам ҳам барибир, — деди Пиани.
- Мана бу ерда иккита каравот бор, — дедим эшикни очиб.
- Мен бу хонага сира ҳам кирмаганман, — деди Бонелло.
- Бу қари қурбақанинг хонаси эди, — деди Пиани.
- Икковингиз шу ерда ётинг, — дедим. — Ўзим уйғотаман.

— Агар сиз ҳам ухлаб қолсангиз, tenente, бизни австрислар уйғотишида, — деди Бонелло.

— Ухлаб қолмайман, — дедим. — Аймо қани?

— Ошхонага кетди.

— Ётиб ухланглар, — дедим.

— Мен ётаман, — деди Пиани. — Мен куни билан ўтириб ухлаб келдим. Манглайим кўзимга тушиб кетай деяпти.

— Этигингни еч, — деди Бонелло. — Бу қурбақа-нинг каравоти.

— Тупурдим қурбақанга!

Пиани ифлос этиклари билан каравотга чўзилди, Кўлларини бошининг тагига қўйди. Мен ошхонага кетдим. Аймо плитага олов ёқиб, устига котелокда сув қуибди.

— Бир озгина спагетти қилиш керак, — деди у. — Уйқудан турганимизда қорин очади.

— Сиз ухламайсизми, Бартоломео?

— Унчалик уйқум келмаяпти. Сув қайнashi билан кетаман. Олов ўзи ўчиб қолади.

— Сиз яхиси ухлаб олинг, — дедим. — Пишлок билан консерва есак ҳам бўлаверади.

— Шундай қилсак, яхши бўлади, — деди у. — Бир ликопча иссиқ овқат анов анархистларга қувват бўла-ди. Сиз ётиб ухлайверинг.

— Майорнинг хонасида ўрин бор.

— У ерда ўзингиз ётаверинг.

— Йўқ, мен ўзимнинг эски хонамга бораман. Озги-на ичасизми, Бартоломео?

— Йўлга тушаётганимизда, tenente. Ҳозир ичгим йўқ.

— Агар уч соатдан кейин сиз уйғонсангиз-у, мен ухлаб ётган бўлсам, уйғотиб қўярсиз, хўпми?

— Менинг соатим йўқ.

— Майорнинг хонасида девор соат бор.

— Хўп.

Мен ошхона ва вестибюлдан ўтиб, мармар зинадан Ринальди билан турадиган хонамизга чиқдим. Ѓемфир

ёғиб турарди. Мен деразадан ташқарига қарадим. Босиб келаётган қоронгиликда, дараҳтлар тагида қатор турган уч машинани кўрдим. Дараҳтлардан сув оқиб тушмоқда эди. Ҳаво совуқ бўлганидан оқиб тушаётган томчилар новдаларда туриб қоларди. Мен Ринальдининг ўринга ётдим-у, шу заҳоти уйқуга кетдим.

Йўлга тушмасдан бурун ошхонада тамадди қилиб олдик. Аймо пиёс солиб спагетти қилган экан, гўшт консерваларнинг устига солиб берди. Биз столга ўтириб вилла ертўласида қолдирилган винолардан икки шишасини ичдик. Бутунлай қоронги тушган, ёмғир эса ҳамон ёғиб турарди. Пиани столда ҳамон кўзлари тўла уйқу ўтиради.

— Менга ҳужум қилгандан кўра чекинган кўпроқ ёқади, — деди Бонелло. — Чекинаётибмиз-у, барбера ичаётибмиз..

— Ҳозир ичяпмиз-да. Эртага ёмғирнинг сувини ичамиз, — деди Аймо.

— Эртага биз Удинада бўламиз. Шампан ичами.

— Ҳамма такасалтанглар ўша ерда яшайди. Кўзингни оч Пиани! Эртага Удинада шампан ичами.

— Мен ухлаётганим йўқ, — деди Пиани. У ўз ли-копчасига спагетти билан гўшт солди. — Томат бўлгандами, а, Барто?

— Қидириб ҳеч қаердан топмадим, — деди Аймо.

— Эртага Удинада шампан ичами, — деди Бонелло. У стаканини тиниқ қизил барбера билан тўлдирди.

— Удинага боргунча п... қимиз бошимизга чиқмасайди, — деди Пиани.

— Яна солиб берайми, tenente? — сўради Аймо.

— Раҳмат, бўлдим. Менга шишани узатиб юборинг, Бартоломео.

— Менда ўзимиз билан олиб кетиш учун киши бошига бир шишадан бор, — деди Аймо.

— Сиз ҳеч ухламадингизми?

— Кўп ухлашни ёмон кўраман. Озроқ ухладим.

— Эртага биз қиролларнинг тўшагига ётамиз, — деди Бонелло. Унинг кайфи анча чоғ эди.

— Эртага эҳтимол биз п... қимиznинг устида ётишга мажбур бўлармиз, — деди Piани.

— Мен қиролича билан ётаман, — деди Бонелло. У ҳазилим қандай таъсир қилди экан деб менга қаради.

— Сен п... қ билан ухлайсан, — деди Piани уйқули товуш билан.

— Бу давлатга хиёнат, tenente, — деди Бонелло. — Давлатнинг хиёнати, тўғрими?

— Овозингизни ўчилинг, — дедим. — Ичингизга жиндак кириб, дарров ўзингизни билмай қолдингиз.

Ёмғир тобора кучаярди. Мен соатга қарадим. Соат тўққиз ярим бўлганди.

— Йўлга тушайлик, — дедим ва ўрнимдан турдим.

— Сиз ким билан борасиз, tenente? — сўради Бонелло.

— Аймо билан. Кейин сиз. Кейин Piани. Кормонс йўлидан борамиз.

— Мен ухлаб қоламанми, деб қўрқиб турибман, — деди Piани.

— Яхши. Мен сиз билан бораман. Кейин Бонелло. Кейин Аймо.

— Шуниси тузук, — деди Piани. — Бўлмаса, кўзларим бир-бирига ёпишиб кетяпти.

— Машинани мен ҳайдайман, сиз бир оз мизғиб оласиз.

— Йўқ. Уйғотиб қўядиган одам бўлгандан кейин кўнглим тўқ, ўзим ҳайдайвераман.

— Сизни мен уйғотаман. Чироқни ўчилинг, Барто.

— Қўяверинг, ёнаверсин, — деди Бонелло. — Бошқа бу ерда турмаймиз-ку.

— Менинг хонамда сандиқчам бор, — дедим. — Сиз уни олиб чиқишга ёрдамлашиб юборинг, Piани.

— Ҳозир олиб келамиз, — деди Piани. — Юр, Альдо.

У Бонелло билан бирга чиқиб кетди. Менга уларнинг зинадан чиқиб бораётганлари эшитилиб турди.

— Яхши шаҳар эди, — деди Бартоломео Аймо. У ўзининг сафар халтасига икки шиша вино билан ярим бўлак пишлоқ солди. — Бунаقا шаҳарни бошқа қидириб ҳам тополмаймиз. Қаерга чекиняпмиз, tenente?

— Тальяментонинг нарёғига дейишияпти. Госпиталь билан штаб Порденонеда бўларкан.

— Порденонедан шу ер яхши эди.

— Мен Порденонеда бўлмаганман, — дедим. — Йўлйўлакай бир кўрганман.

— Мазаси йўқ шаҳарча, — деди Аймо.

Йигирма саккизинчи боб

Биз Горициядан чиқаётганимизда ёмғир ёғаётган шаҳар бўшаб қолган, катта кўчадан фақат қўшинларнинг колонналари ва тўплар ўтиб бораради. Булардан ташқари яна талай юк машиналари ва аравалар бошқа кўчалардан чиқиб катта йўлда асосий колоннага қўшиларди. Тери ошлайдиган корхоналардан ўтиб, катта йўлга чиқдик, бунда қўшинлар, юк машиналари, от қўшилган аравалар ва тўплар бир каттакон колонна бўлиб оҳиста олға жилиб бораради. Биз секин, лекин олға юрмоқда эдик, радиаторимиз устига юк ортилиб, брезент тортилган олдинги машинанинг орқа кузовига тегай-тегай деб кетмоқда эди. Бирдан юк машинаси тўхтади. Бутун колонна тўхтади. Кейин у яна ўрнидан қимиrlади, биз яна бир оз юриб яна тўхтадик. Машинадан тушиб олдинга юшиб кетдим, юк машиналар, аравалар ва отларнинг ҳўл тумшуқлари тагидан ўтдим. Тиқилинч олдинда эди. Мен йўлдан четга чиқдим-да, жар устига ташланган тахтачалардан ўтдим, жардан ўтилган заҳоти дала бошланар, шу дала бўйлаб кетдим. Йўлдан узоқлашарканман, кўзими니 дарахтлар орасида ёмғирда қимиrlамай турган колоннадан узмасдим. Мен бир чақиримча юриб бор-

дим. Колонна жойида турар, унинг орқасидан эса ҳамон қўшинлар келишарди. Мен машиналар олдига қайтдим. Тиқилинчнинг боши Удинада бўлиши ҳам мумкин эди. Пиани рулда ухлаб ётарди. Мен ҳам унинг ёнига ўтириб ухлаб қолибман. Бир неча соатдан сўнг олдинги машинанинг фийқиллаганини эшитдим. Мен Пианини уйғотдим ва биз тўхтаб-тўхтаб юра бошладик. Ёмғир ҳамон эзарди.

Кечаси колонна яна тўхтаб қолди ва анчагача ўрнидан қимирамади. Мен пастга тушиб, Бонелло билан Аймони кўргани орқага бордим. Бонеллонинг машинасида инженер қисмларидан икки сержант ўтиришарди. Мени кўришлари билан дик туриб қотиб қолдилар.

— Уларни қандайдир кўприкни тузатгани қолдиришган экан, — деди Бонелло. — Улар ўз қисмларини йўқотиб қўйишибди, мен машинага тушишларига рози бўлдим.

— Агар жаноб лейтенант ижозат этсалар.

— Майли, — дедим.

— Бизнинг лейтенантимиз америкалик, — деди Бонелло. — Ким бўлмасин обориб қўяверади.

Сержантлардан бири кулимсиради. Бошқаси Бонеллодан мени шимолий америкалик италянларданми ёки жанубий америкалик италянларданми, деб сўради.

— У италян эмас. У шимолий америкалик инглиз.

Сержантлар одоб билан эшитишиди-ю, лекин ишонишмади. Мен уларнинг олдидан Аймони кўргани кетдим. Аймонинг ёнида иккита қиз ўтирап, ўзи бурчакка қисилиб олиб чекарди.

— Барто, Барто! — дедим. У кулди.

— Улар билан гаплашиб кўринг, tenente, — деди у.

— Мен уларнинг тилини тушунмайман. Ҳей! — У қизлардан бирининг белига қўлини юбориб, уни дўстона қисиб қўйди. Қиз шол рўмолига қаттиқроқ ўралиб, унинг қўлини итариб ташлади. — Ҳей! — деди у, — tenenterга исмларингизни ва бу ерда нима қилиб юрганларингизни айтинг.

Қиз менга еб қўйгудай бўлиб қаради. Иккинчи қиз ер чизиб ўтиради. Ҳалиги менга қарагани лаҳжада бир нарса деди, лекин мен бир оғиз гапини ҳам тушунмадим. У қорачадан келган, кўринишдан ўн олти ёшларда эди.

— Seorlia?³⁷ — сўрадим мен иккинчи қизни кўрсатиб.

У бошини силкиб тасдиқлади ва жилмайди.

— Хўш, — дедим мен ва унинг тиззасига шаппати-лаб қўйдим. Қўлим тегиши билан у қаттиқ сесканиб кетди. Синглиси ҳамон бошини ердан кўтартмасди. У опасидан бир ёшлар чамаси кичикроқ эди. Аймо яна опасининг белига қўлини юборган эди, у яна силтаб ташлади. Аймо кулди.

— Яхши одам. — У ўзини кўрсатди. — Яхши одам.

— У мени кўрсатди. — Кўрқиш керак эмас.

Қиз унга еб қўйгудай бўлиб қаради. Улар иккита ёввойи қушга ўхшардилар.

— Унга ёқмасам, нега мен билан бирга боради? — сўради Аймо. — Мен имламасданоқ, жон-жон деб машинага чиқиб олишди. — У қизга ўтирилди. — Кўрқма, — деди у. — Ҳеч ким сени... — У қўпол сўзни ишлатди. — Жойи эмас... — Мен қиз сўзни тушунганлигини кўрдим, лекин у шундан бошқа ҳеч нарсани англамади. Унинг йигитга қараб турган кўзларида даҳшатли кўрқув акс этарди. У рўмолига янада маҳкамроқ ўралиб олди. — Машина тўла юк, — деди Аймо. — Ҳеч ким сени... Жойи эмас...

У ҳар сафар шу сўзни оғзига оларкан, қиз жунжикиб кетарди. Кейин қалт-қалт қилиб унга қаради-да, йиғлаб юборди. Мен унинг лаблари учганлигини, сўнг лўтпидек юзларидан ёшлиар оқа бошлаганини кўрдим. Синглиси кўзини кўтартмасдан унинг қўлидан ушлаб олди, улар шу тариқа ўтиридилар. Боя одамни еб қўяй деган опаси энди ўкириб йиғларди.

³⁷ Синглингми? (итал.)

— Күркىб кетганга ўхшайды, — деди Аймо. — Мен уни қўрқитмоқчи эмасдим.

У халтасини олди-да, икки бўлак пишлок кесиб узатди. — Ма, ол, — деди у. — Йифлама.

Опаси бошини чайқади, йиғлашдан тўхтамади, лекин кичиги пишлокни олиб ея бошлади. Салдан кейин синглиси опасига пишлокни берди ва улар индамай овқат егани тутиндилар. Опаси ҳамон ора-чора ҳиқиллаб кўярди.

— Ҳечқиси йўқ, овуниб қолади, — деди Аймо. Унинг калласига бир фикр келди.

— Қизмисан? — сўради у ёнида ўтирганидан. Қиз шоша-пиша бошини қимиrlатиб тасдиқлади. — Уям қизми? — Синглисини кўрсатди у. Икковлари ҳам бошларини силкидилар. Каттаси лаҳжада нимадир деб қўйди.

— Хўп, хўп, майли, — деди Бартоломео. — Майли.

Иккала қизга ҳам сал ранг киргандай бўлди.

Мен уларни кабина бурчагига суқилиб ўтирган Аймо билан қолдирдим-да, Пиани олдига қайтдим. Транспорт колоннаси қимиrlамай туар, лекин унинг ёнидан тинимсиз суратда қўшинлар ўтиб борарди. Ёмғир ҳамон челаклаб қуяр, мен баъзан колоннанинг ҳаракатсизлиги машиналарнинг проводкаси на-миқиб қолишидан бўлишини ўйлардим. Ундан ҳам тўғрироғи, отлар ёки одамларнинг йўлда ухлаб қолишлиридан ҳам тўхтаб қолиш ҳеч гапмас. Лекин йўлда ҳеч ким ухлаб қолмайдиган шаҳарларда ҳам тўхтаб қолишлар бўлиб туради-ку. Ҳамма бало автотранспорт билан уловнинг бир жойда бўлганлигига. Автомобиллар билан улов бир бўлдими — иш расво деяверинг. Умуман, дәжқонларнинг уловларидан наф кам. Бартонинг олдидаги қизлар галати қизлар экан. Чекина-ётган армияда моҳпора қизлар нима қилиб юришибди ўзи. Иккита бокира қиз. Балки художўйдирлар. Уруш бўлмагандага ҳозир ҳаммамиз тўшакда ётган бўлардик. Яна ётаман ўз тўшагимга. Кэтрин ҳозир

ўринда ётибди, бир чойшаб тагида, бир чойшаб устиды. Қайси ёни билан ётганийкин? Балки у уйқуда эмасдир? Балки у ҳозир ётиб мени ўйлаётгандир. Уч, мағриб шамоли, уч. Мана у эсиб келди, майин эмас қаттиқ жалани олиб келди у қора булат. Тун бўйи ёмғир. Ўпкаси тўлиб кетган будут туни билан кўз ёши тўкиб чиқишини сен билганмидинг. Қувишини кўр. Қанийди, шу тобда севгилим ёнимда бўлса. Менинг севгилим Кэтрин. Қанийди, севгилим сабо қанотида етиб келса. Менга Кэтринимни олиб кел, эй сабо. Биз тўрга илиндик. Ҳаммамиз олов селига тушдик, бу оловни майин ёмғир учиролмайди. — Хайрли тун, Кэтрин, — дедим баланд овоз билан. — Тинч ухла. Агар нокулай ётиб қолган бўлсанг, бошқа ёнингга ўгрил, жоним, — дедим мен. — Мен сенга муздек сув олиб келаман. Тезда тонг отади ва сен анча енгил тортасан. Чақалофинг сени бир оз безовта қилади, начора, майли. Кўзларингни юм, жоним, ором ол.

— Мен уйқуда эдим, — деди у. — Сен уйқунгда гапирдинг. Тобинг йўқми?

— Сен ростдан ҳам шу ердамисан?

— Мен келдим, мен шу ердаман. Энди ҳеч қаёққа кетмайман. Буларнинг биз учун сира аҳамияти йўқ.

— Сен шундай гўзал ва яххисанки. Сен кечаси кетиб қолмайсанми? Мен доим ёнингдаман. Қачон чақирмагин, мен ёнингдаман.

— Эҳ, ана!.. — деди Пиани. — Кетдик!

— Мудроқ босибди, — дедим. Мен соатга қарадим. Эрталабки уч эди. Мен барбера шишасини олиш учун суюнчиқ оша эгилдим.

— Сиз уйқунгизда гапирдингиз, — деди Пиани.

— Инглизча туш кўрибман, — дедим.

Ёмғир тинай деб қолибди, биз йўлга тушдик. Тонг отмасдан илгари яна тўхтаб қолдик, ҳамма ёқ ёришиб кетгач, қарасак, биз унча баланд бўлмаган тепаликда турган эканмиз. Тепаликдан бутун чекинила-диган йўл кўриниб тураг, йўл олдинга ниҳоятда чўзи-

либ кетган, унда ҳаракатсиз транспорт тиқилиб ётар, унинг орасидан эса пиёдалар ўтиб боришарди. Биз яна йўлга тушдик, ҳаракатимиз шу қадар суст эдики, агар шу тариқа қимиirlайдиган бўлсак, Удинага сира ҳам етиб бўлмаслигини, у ерга қачондир етиб бориш нияти туғилгудек бўлса, йўлдан чиқиб тўғридан кетишимиз кераклигини англашим.

Кечаси билан колоннага қишлоқ йўлларидан кўп дехқонлар келиб қўшилишибди, энди колоннада кўчкўрон ортган арава-уловлар ҳам борарди. Кўзгулар тўшаклар орасига қўйилган, араваларнинг орқасига роз ва ўрдаклар боғланган эди. Бизнинг олдимизда бораётган аравада тикув машинаси шундоқ ёмғирда туради. Ҳар ким нимаики қимматли нарсаси бўлса, шуни ортиб олган эди. Баъзи араваларда аёллар ёмғирдан рўмолларига ўралиб ўтиришар, бошқа бирлари араваларнинг биқинига иложи борича яқин туриб боришарди. Колоннада итлар ҳам йўқ эмасди, улар араваларнинг тагида писибгина кетишарди. Йўлнинг балчиғи чиқиб кетган, ўралар сувга лиқ тўлган, дарахтларнинг нариги ёғидаги далалар шу қадар ботқоқ бўлиб кўринардики, ундан тўғри йўл солишни ўйлаганда одамнинг юраги орқасига тортиб кетарди. Мен машинадан тушиб, бир оз олдинга юрдим, қишлоқ йўлига чиқиши мумкин бўлган қулайроқ жойни қидира бошладим. Қишлоқ йўллари кўп, лекин мен охири берк йўлга кириб кетишдан хавфсирардим. Мен машинада шосседан ўтган пайтимда уларнинг ҳаммасини кўргандим, лекин машина тез ўтиб кетганидан, уларнинг бари бир-бирига ўхшаш бўлганидан эсимда сақлаб қоломмагандим. Манзилга етиб бориш-бормаслигимиз йўлнинг тўғри танлашишига боғлиқ эди. Австрисларнинг ҳозир қаердалиги ва ишлар қайси аҳволдалиги маълум эмасди. Лекин мен ёмғир тиниб, осмонда австрисларнинг самолётлари пайдо бўлса, ҳаммаси хароб бўлишини англаб турадим. Бир қанча машинами ё уч-тўртта отми

қаровсиз қолса, ёки йўлда ўлса, ҳаракат тамомила тўхтаган бўларди.

Ёмғир шиддати сал пасайган, мен осмонга қараб, очилиб кетиши ҳам мумкин, деб ўйладим. Яна бир оз одинга юриб бордим. Иккала ёғида ниҳоллар ўсган, далани қоқ ёриб шимолга қараб кетган йўлга етдимда, шундан кетсак бўлади, деб, орқага, машиналарга шошилдим. Мен Пианига қаерда бурилиш кераклигини айтдим-у Аймони, Бонеллони ҳам хабардор қилиб кўйгани бордим.

— Агар у йўлдан ҳеч қаерга чиқиб бўлмаса, қайтиб яна колоннага қўшилиб олишимиз мумкин, — дедим.

— Мановларни нима қилай? — сўради Бонелло. Сержантлар ҳамон унинг ёнида ўтиришарди. Уларнинг соқоллари ўсиб кетган, лекин каллаи саҳарда ҳам улар ҳарбийча нуқсларини йўқотмагандилар.

— Машина ботиб қолса, ёрдамлари тегиб қолар, — дедим ва Аймо олдига бориб, йўлни тўғридан солишга ҳаракат қиласиз, дедим.

— Бу полапон қизларни нима қилай? — сўради Аймо. Иккала қиз ҳам ухлаб ётишарди.

— Улардан фойда йўқ, — дедим. — Яххиси, машина ботиб қолса ёрдам берадиган одам олсангиз бўларди.

— Улар кузовга чиқиб олсалар ҳам бўлади, — деди Аймо. — Кузовда жой бор.

— Жуда кўнглингиз бўлмаётган бўлса, майли, — дедим. — Лекин ёрдамга бирон бақувват одамни олинг. Ягриндор бўлсин.

— Берсалъер оламиз, — жилмайди Аймо. — Елкаси кенгларнинг зўрлари берсалъерларда бўлади. Уларнинг елкаларини ўлчаб кўришади. Ўзингиз тузукмисиз, tenente?

— Жуда яхши. Ўзингиз-чи?

— Жуда яхши. Фақат жуда очқадим.

— Манави йўлдан бирон манзилга чиқайлик, кейин тўхтаб, овқатланамиз.

— Оёфингиз оғримаяптими, tenente?

— Йўқ, яхши, — дедим.

Машина зинасида туриб олдинга қарап эканман, Пианининг машинаси колоннадан ажралиб чиқиб, тор йўлга бурилганини, йўл четидаги тўсиқлар орасидан лип-лип этиб бораётганини кўрдим. Бонелло унинг кетидан шундай қилди, кейин Аймо ҳам шу йўлга бурилди ва биз икки машина кетидан икки четида қатор ниҳоллар ўсган тор йўлдан олга босдик. Йўл фермага олиб борди. Биз Пиани билан Бонелло машиналарининг ферма ҳовлисида турганлигини кўрдик. Кўргон узунасига кетган, пастаккина қилиб қурилган эди, ичкарига кираверишда ишком кўтарилганди. Ҳовлида қудуқ бор экан, Пиани радиаторга ундан сув олаётган экан. Машиналар анча вақтдан бери секин юриб борганлигидан радиаторлардаги сув қайнаб кетганди. Фермада ҳеч зот йўқ эди. Мен йўлга қарадим. Ферма баландроқ ерда жойлашганлигидан, теварак-атроф кафтда тургандай кўринар, мен йўлни, йўл чеккаларидаги дараҳтларни, дала-лар ва четанларни, чекиниб бораётган кўшинларни кўздан ўтказдим. Сержантлар уйни титиб юришарди. Қизлар уйғонишиб, уйни, қудуқни, уй олдидаги икки катта санитар машинасини ва уларнинг қудуқ олдида турган учта ҳайдовчисини кўздан кечириб туришарди. Сержантлардан бири қўлида осма соат кўтариб уйдан чиқиб келди.

— Жойига обориб қўйинг, — дедим мен. У менга бир қараб қўйди-да, уйга кириб соатни қўйиб чиқди.

— Ўртоғингиз қани? — сўрадим.

— Ёзилгани кетди. — У машинанинг ўринидига чиқиб ўтирди. Бизни ташлаб кетади деб қўркди.

— Нонушта қалай бўларкин, tenente? — сўради Бонелло. — Балки озроқ тамадди қилиб олармиз? Кейин дарров турамиз.

— Анов ёқقا кетган йўл бизни бирон ерга олиб чиқармикин, нима дейсиз?

— Олиб чиқмай қаерга бораарди.

— Хўп. Келинглар, овқатланайлик. Пиани ва Бонелло уйга киришди.

— Юринглар, — деди Аймо қизларга. Уларни тушириб қўйиш учун қўлини чўзди. Опаси бошини чайқади. Ташлаб кетилган уйга киришга уларнинг юраклари дов бермади. Улар бизнинг орқамиздан қараб қолишли.

— Қайсарлар, — деди Аймо.

Ҳаммамиз биргаликда уйга кирдик. Ўйнинг ичи қоронғи, ҳувиллаб ётарди, одам яшамаганлиги билиниб турарди. Бонелло ва Пиани ошхонада эдилар.

— Ейдиган тузукроқ нарса йўқ экан, — деди Пиани. — Ҳаммасини қуритиб кетишибди.

Бонелло ошхона столида каттакон пишлокни кесиб турарди.

— Пишлокни қаердан олдинглар?

— Ертўладан. Пиани вино билан олма ҳам топди.

— Ана, нонушта ҳам тайёр бўлибди ҳисоб. Пиани похол билан ўралган каттакон шишанинг оғзидан ёғочтиқинини олди. У шишани эгиб, мис ялоғини тўлдирди.

— Исини қаранг, исини, — деди у. — Биронта идиш топ, Барто.

Иккала сержант киришди.

— Пишлокдан олинглар, сержантлар, — деди Бонелло.

— Йўлга тушсак бўларди-да, — деди сержантлардан бири пишлокни еб, винодан ичаркан.

— Ҳозир кетамиз. Ташвишланманг, — деди Бонелло.

— Кўшиннинг оёғи — қорни, — дедим.

— Нима? — сўради сержант.

— Қоринни тўйдириш керак.

— Шундай. Лекин вақт кетяпти.

Ярамаслар қоринларини аллақачон тўйдириб олганга ўхшайдилар. Сержантлар унга қарашибди. Уларнинг бизни кўргани кўзлари йўқ эди.

— Сиз йўлни биласизми? — деб сўради мендан уларнинг бири.

— Йўқ, — дедим мен. Улар бир-бирларига қарашибди.

— Ҳозироқ йўлга тушсак яхши бўларди, — деди биринчиси.

— Ҳозир тушамиз-да, — дедим.

Мен яна қизил винодан ичдим. Олма билан пишлоқ устидан у жуда ҳам ёқимли туюлди.

— Пишлоқни олволинг, — дедим мен ва ташқарига чиқдим. Бонелло орқамдан каттакон чирпитда вино кўтариб чиқди.

— Бу жуда ҳам қўполлик қиласди, — дедим. У винога ачиниб қараб қўйди.

— Шундайга ўжшаб қолди, — деди у. — Менга флягалиарни беринг-чи.

У флягалиарни тўлатиб олди, озгина вино ерга тўкилди. Кейин у чирпитни кўтариб, эшикнинг тагига қўйди.

— Австрислар тағин вино қидириб эшикни бузиб юрмасинлар, — деди у.

— Қимирилаш керак, — дедим. — Биз Пиани билан олдинда борамиз.

Иккала сержант Бонеллонинг олдига чиқиб ўтириб олишганди. Қизлар олма билан пишлоқ еб ўтиришарди. Аймо чекарди. Биз тор йўл бўйлаб кетдик. Мен бошқа икки машинага ва фермернинг қўргонига қарадим. Бу яхши, пастак ва пишиқ қўргон эди, қудук атрофини чиройли темир панжаралар билан ўраб қўйилганди. Олдинда тор ва балчиқ йўл, йўлнинг иккала ёғи авжга кирган ниҳоллар билан ўралганди. Орқада кетма-кет бўлиб машиналаримиз келар эди.

Йигирма тўқизинчи боб

Пешинга бориб, чамамиз бўйича Удинага ўн километрлар қолганда, лойга ботиб қолдик. Ёмғир эрталабоқ тинган, ҳозиргача уч марта самолётларнинг яқин учаётганларини эшитгандик, шундоқ устимиздан учеби

ўтаётганларини кўргандик, улар сўл томонга қараб олис шўнғиганларини кузатган, катта йўл бомбардимон қилинаётгани қулогимиизга элас-элас чалинганди. Биз қишлоқ йўлларидан анча адашиб ҳам юрдик, адашганда ортга қайтиб тўғри йўлни ҳам топдик ва борган сари Удинага яқинлаша бордик. Лекин бир маҳал Аймонинг машинаси боши берк йўлдан чиқаётганда, бурила туриб, йўл чеккасида кўпчиб ётган лойга ботиб қолди. Филдираклар айланган сари ерга чуқурроқ кириб борар, ниҳоят, дифференциали ҳам ерга бориб тиқилди. Энди олдинги филдиракларнинг тагини ковлаб, у ерга шох-шабба ташлаш керак эди, кейин машина занжирлари ишга тушгач, то ўрнидан жилмагунча орқасидан итариш керак бўларди. Ҳаммамиз йўлда машинани ўраб турардик. Иккала сержант келиб машина филдиракларини кўришди. Кейин улар шарт орқаларига бурилиб индамай-нетмай йўлга равона бўлишди. Мен уларнинг орқасидан бордим.

— Ҳой, болалар! — чақирдим мен. — Шох синдириб келинглар.

— Биз боришимиз керак, — деди бири.

— Тез бўлинглар, — дедим. — Шох синдиринглар.

— Биз боришимиз керак, — деди бири. Иккинчиси миқ этмасди. Улар тезроқ кетишга шошилиб турардилар. Улар менга қарашибмасди.

— Машинага қайтиб шох синдиришни буюраман, — дедим. Биринчи сержант орқасига қаради.

— Биз боришимиз керак. Бир соатдан кейин сиз қуршовда қоласиз. Бизга буйруқ беришга ҳаққингиз йўқ. Сиз бизга бошлиқ эмассиз.

— Мен сизга шох синдириб келишни буюраман, — дедим мен. Улар орқаларига бурилиб кета бердилар.

— Тўхта! — дедим мен. Улар ботқоқ йўлдан қулоқ солмай жўнаб боришарди. — Тўхта, деяпман! — қичқирдим мен. Улар қадамларини тезлатишди. Мен филофни ечиб тўппончани олдим-да, бояги маҳмадо-

налик қилаётганини мўлжалга олиб, тепкини босдим. Отган ўқим тегмади, улар қоча бошладилар. Мен яна уч марта отдим ва бирори йиқилди. Бошқаси тўсиқдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен унга дала бўйлаб қочаётганди, тўсиқ орқасидан туриб бўлса ҳам яна отдим. Тўппонча бу сафар отилмай қолди ва мен унга бошқатдан ўқ жойладим. Иккинчи сержант жуда ҳам узоқлашиб кетганлигини, унга отиш бехуда эканлиги ни билдим. У даланинг нариги четига бориб қолган, бошини паст эгиб чопиб бораарди. Мен бўшаган обоймага ўқ жойлай бошладим. Бонелло келди.

— Менга беринг, уни тугатиб келаман, — деди у. Мен унга пистолетни бердим ва у йўлда узала тушиб ётган инженер қисмлар сержантни томонга қараб кетди.

Бонелло энкайиб, тўппончанинг оғзини унинг калласига тиради-да, тепкини босди. Отилмади.

— Затворни орқага тортиш керак, — дедим. У затворни тортиб икки марта отди. У сержантни оёғидан судраб йўл четига олиб чиқди. Сержант энди четанларнинг тагида ётарди. У қайтиб келиб тўппончани менга берди.

— Вой ифлос-ей! — деди у. У сержантга қараб турарди. — Уни қандай отиб ташлаганимни кўрдингизми, tenente?

— Тезроқ шох синдиришимиз керак, — дедим мен.
— Нима, бошқасига тегизолмадимми?

— Тегмаган бўлса керак, — деди Аймо. — Тўппончадан узоққа тегизиш қийин.

— Ҳайвон! — деди Пиани. Биз шох-шабба синдираётган эдик. Машинадан юкларни бўшатдик. Бонелло олдинги фидираклар тагидан чуқур қазиди. Ҳаммаси тайёр бўлганда Аймо моторни олдириб, тезликка қўйди. Фидираклар яна лой ва шохларни отиб чирчир айланади. Бонелло икковимиз суюкларимиз сирқираб кетгунча орқасидан итардик. Машина ўрнидан жилмади.

— Сал жиљдириб күринг, Барто, — дедим.

У машинани орқага берди, кейин олдинга олди. Филдираклар борган сари ерга чуқурроқ кириб борарди. Кейин машина яна дифференциали билан тиралиб қолди, энди унинг филдираклари ўзи ўйган чукурда айланана бошлади. Мен қадимни кўтардим.

— Арқон солиб тортиб кўрамиз, — дедим.

— Менимча фойдаси бўлмайди, *tenente*. Бу ерда бир қатор туриб бўлмайди.

— Тортиб кўриш керак, — дедим. — Бошқа иложи йўқ.

Пиани билан Бонеллонинг машиналари тор йўлда фақат орқама-орқа туришлари мумкин эди. Биз бир машинани иккинчисига бойлаб торта бошладик. Филдираклар изидан чиқмасдан айланарди.

— Бўлмайди, — дедим қичқириб. — Бўлди, қўйинглар.

Пиани ва Бонелло ўз машиналаридан чиқиб бизнинг олдимизга келишди. Аймо машинасидан тушди. Қизлар биздан йигирма қадамча нарида, тош устида ўтиришарди.

— Энди нима қилдик, *tenente*? — сўради Бонелло.

— Яна бир шох солиб кўрамиз, — дедим.

Мен йўлга қараб турардим, айб менда эди. Уларни мен бу кўчага олиб кирдим. Офтоб булатлар орасидан чиқди. Сержантнинг жасади четан олдида ётарди.

— Унинг френчи билан плашини соламиз, — дедим. Бонелло уларни олиб келгани кетди. Мен шох синдирдим. Пиани билан Аймо филдираклар орасидан чукур қазишди. Мен плашни қирқиб иккига бўлдим-да, филдиракнинг тагига тўшадим, кейин шох-шаббани солдим. Биз тайёрланиб, Аймо яна моторни юргизди. Филдираклар чириллаб айланар, биз жонимиз борича итараардик, лекин ҳеч нафи бўлмади.

— Ҳе, ўша!.. — дедим. — Қўйинглар. Бирон керакли нарсангиз борми унда, Барто?

Аймо пишлок, икки шиша вино билан плашини олиб Бонеллонинг машинасига чиқди. Бонелло рулда ўтирганча, сержант френчининг чўнтакларини ковларди.

— Ташлаб юборинг бу френчни, — дедим. — Бартонинг полапонлари нима бўлади?

— Кузовга ўтириб олишсин, — деди Пиани. — Бу ердан тез қутулиб кетолмасмиз-ов.

Мен машинанинг орқа эшигини очдим.

— Қани, — дедим. — Ўтирглар.

Иккала қиз машина ичига кириб бурчакка ўтириб олишди. Улар ўқ овозини эшитмаганга ўхшардилар. Мен орқамга қарадим. Сержант йўлда енглари узун ифлос фуфайкада ётарди. Мен Пиани билан ёнма-ён ўтиридим, биз йўлга тушдик. Биз далани кесиб ўтмоқчи эдик. Машиналар бурилиб далага кирганда мен машинадан тушиб олдинда бордим. Шу даладан ўтсак, йўлга чиқиб олган бўлардик. Лекин биз чиқолмадик. Ер ниҳоятда ивиб, ботқоқقا айланиб кетганди. Машиналар гилдиракларининг ярмидан лойга ботиб ҳеч юролмайдиган бўлиб қолганларидан кейин биз уларни дала ўртасига ташлаб, Удинага пиёда кетдик.

Катта йўлга олиб чиқадиган кўчага етганимизда, мен уни қизларга кўрсатдим.

— Шу ёққа боринглар, — дедим уларга. — У ерда одамлар бор.

Улар менга термилиб туришарди. Мен ҳамёнимни олиб уларнинг ҳар икковларига ўн лирдан пул бердим.

— Боринглар шу ёққа, — дедим мен қўлим билан йўлни кўрсатиб. — Дўстларингиз, қариндошларингиз ўша ёқда!

Улар тушунишмади, лекин пулни қўлларида маҳкам қисимлаганча йўлга қараб кетишли. Улар худди мен пулни тортиб оладигандай орқаларига қарай-қарай боришарди. Мен улар шол рўмолларига маҳкам ўралиб олганча- бизга қўрқа-писа аланглаб кетаётганларига қараб қолдим. Учала шоффёр ҳам хаҳолаб кулишарди.

— Агар мен ҳам ўша ёққа кетсам, менга неча пул берасиз, tenente? — сўради Бонелло.

— Қўлга тушсалар ҳам, одамлар орасида бўлишади-ку, ҳар ҳолда ёлғиз қолмаслар.

— Менга икки юз лир беринг, мен орқага қайтиб тўғри Австрияга бораман, — деди Бонелло.

— У ерда пулларингни тортиб олишади, — деди Пиани.

— Балки уруш тамом бўлар, — деди Аймо. Биз йўлдан иложи борича жадал юриб борардик. Офтоб булувлар тагидан чиқди. Йўл бўйларида тут дарахтлари ўсиб ётарди. Дарахтлар орқасидан худди мебель ташийдиган катта фургонларга ўхшаб дала ўртасида қолган машиналаримиз қаққайиб турарди. Пиани ҳам орқасига қаради.

— Уларни даладан чиқариш учун маҳсус йўл қуриш керак бўлади, — деди у.

— Эҳ, шайтон, велосипедларимиз бўлгандами! — деди Бонелло.

— Америкада велосипедларда юришадими? — сўради Аймо.

— Олдин юришарди.

— Яхши нарса, — деди Аймо. — Ажойиб нарса велосипед.

— Эҳ, шайтон, велосипедларимиз бўлгандами! — деди Бонелло. — Мен пиёда юришга унча йўқман.

— Нима, отишма бўляптими? — сўрадим мен. Менга узоқдан отишма овозлари эшитилгандай бўлди.

— Билмадим, — деди Аймо. У қулоқ сола бошлади.

— Отишаётганга ўхшайди, — дедим.

— Ҳаммадан олдин отлиқлар кўринади, — деди Пиани.

— Менимча, уларнинг отлиқ аскарлари бўлмаса керак.

— Бўлмаса янайм яхши, — деди Бонелло. — Мен қаланғи-қасанғи бир отлиқнинг найзасидан ўлиб кетишини истамайман.

— Анов сержантни бопладингиз-да, tenente, — деди Пиани. Биз жадал қадамлар билан юриб бормоқда эдик.

— Мен уни отиб ташладим, — деди Бонелло. — Мен бу урушда ҳали ҳеч кимни отмагандим, мен бир умр сержантни отиб ташлашни орзу қилиб юрадим.

— Тухумда ўтирган товуқни отдинг сен, — деди Пиани. — Сен отганингда унча баланд учмайдиган бўлиб қолганди.

— Фарқи йўқ. Мен энди бир умр буни эслаб юраман. Ўша ифлос сержантни мен ўлдиридим.

— Гуноҳларингни баён қилаётганингда нима дейсан? — сўради Аймо.

— Падарим, дуо қилинг, мен сержантни ўлдиридим, дейман.

Учовлари қулиб юбориши.

— У анархист, — деди Пиани. — У черковга бормайди.

— Пиани ҳам анархист, — деди Бонелло.

— Чиндан ҳам анархистлармисиз? — сўрадим.

— Йўқ, tenente. Биз социалистлармиз. Ҳаммамиз Имолаликмиз.

— Сиз у ерда ҳеч бўлганмисиз?

— Йўқ.

— Эҳ, чатоқ! Жуда алламбало жой-да, tenente. Урушдан кейин биз томонларга боринг, томоша қилиб, қидириб келасиз.

— У ердагиларнинг ҳам бари социалистларми?

— Ҳаммаси.

— У яхши шаҳарми?

— Яхши ҳам гапми. Сиз бунақасини сира кўрмагансиз.

— Қандай қилиб социалист бўлиб қолдингиз?

— Биз ҳаммамиз социалистлармиз. У ерда каттадан кичик — ҳамма социалист. Биз ҳамма вақт социалист бўлганмиз.

— Бир боринг, tenente. Сизни ҳам социалист қилиб қўямиз.

Йўл олдинда чапга бурилиб тош девор билан ўралган мевазор боғ ёнидан ўтиб тепаликка кўтарилиди. Тепаликка кўтарилаётганимизда улар жим бўлиб қолишиди. Ҳаммамиз бир қатор бўлиб, жадаллаб борардик.

Ўттизинчи боб

Бир озлардан кейин дарёга олиб борадиган йўлга чиқдик. Ташлаб кетилган юқ машиналари билан аравалар то кўприккача чўзилиб ётарди. Одам зоти кўринмасди. Дарёда сув тўлиб оқар, кўприк қоқ белидан портлатилганди. Кўприкнинг тош қуббаси дарёга қулаб тушган, қўнғир сув унинг устидан оқиб ўтарди. Биз кечиб ўтгани жой ахтариб дарё ёқалаб кетдик. Мен сал нарироқда темир йўл кўприги борлигини билардим, шояд ўша ердан нариги қирғоқقا ўтиб олсак, деб ўйладим. Сўқмоқ йўл чилп-чирап лой эди. Одамлар кўринмас, ҳамма ёқда фақат ташлаб кетилган нарсалар ётарди. Қирғоқнинг ўзида ҳам хўл буталар-у, ботқоқ ердан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Қирғоқни ёқалаб бориб, ниҳоят темир йўл кўпригини кўрдик.

— Чиройлилигини қаранг, — деди Аймо. Бу одатда сув тагигача қуриб қоладиган дарё устига қурилган узун темир кўприк эди.

— Келинглар, тезроқ нариги томонга ўтиб олайлик, ҳали замон портлатиб юборишлари ҳам мумкин, — дедим.

— Ким портлатарди, — деди Пиани. — Ҳамма кетиб бўлибди-ю.

— У миналанган бўлиши мумкин, — деди Бонелло. — сиз биринчи бўлиб юринг.

— Вой, манави анархистни томоша қилинглар, а? — деди Аймо. — Ўзинг бор биринчи бўлиб.

— Мен бораман, — дедим. --- Минаси бўлсаям, битта одамнинг қадамидан портлаб кетмас, ахир.

— Кўрдингми, — деди Пиани. — Ақдли одам деган бундоқ бўлибди, бу сенга анархист-панархист эмас.

— Мен ақдим бўлганида бу ерларда юрмаган бўлардим, — деди Бонелло.

— Ёмон эмас, ёмон эмас, а, rani, tenente, — деди.

— Аймо.

— Ёмонмас, — дедим. Биз кўприк олдига бориб қолгандик. Осмонни яна булат буркаб, ёмғир ивирсирай бошлаганди. Кўприк жуда ҳам узун ҳамда бақувват бўлиб кўринарди. Биз темир йўл кўтармасига тирмашиб чиқдик.

— Битта-биттадан бўлиб ўтамиш, — дедим ва кўприкка қадам қўйдим. Мен темир йўл изларини, шпалларни мина асоратлари йўқмикин деб қараб борардим, шубҳали бирон нарса кўринмади. Пастда шпаллар орасидан бўтана бўлиб оқаётган сершиб тоб дарё кўриниб турарди. Олдинда бўккан далалярнинг нариги томонида элас-элас Удина кўзга чалинарди. Кўприкдан ўтиб атрофга алангладим. Оқим бўйлаб сал юқорироқда яна кўприк бор экан. Мен қараб турган маҳалимда ўша кўприкдан ҳамма ёғига лой сачраган сариқ енгил машина ўтиб кетди. Кўприк панжараси жуда баланд эди, шунинг учун машина кўприкка чиқиши биланоқ кўзга кўринмай қолди. Лекин мен шофёрни, унинг ёнида ва орқада ўтирганларнинг бошларини кўрдим. Тўртовлари ҳам немис каскасида эдилар. Машина қирғоқча чиқдида, дарахтлар, ташлаб кетилган транспорт орқасида кўринмай қолди. Мен орқадан ўтиб келаётган Аймога, кейинда қолганларга тезроқ бўлинглар, деб ишора қилдим. Мен пастга тушиб темир йўл кўтармасининг тагида ўтирдим. Аймо кетимдан тушиб келди.

— Сиз машинани кўрдингизми? — сўрадим.

— Йўқ. Биз сизга қараб тургандик.

— Юқори кўприкдан немисларнинг штаб машинаси ўтиб кетди.

— Штаб машинаси дейсизми?

— Ҳа.

— Ё Биби Марям!

Бошқалар ҳам етиб келишди, ҳаммамиз кўтарматағида, лойда ўтирдик, кўтарма оша дараҳтлар, зовур ва йўл кўриниб турарди.

— Биз қуршовда қолибмизми, tenente?

— Билмадим. Мен факат немис штаб машинаси йўлдан ўтганини кўрдим.

— Соғлигингиз жойидами, tenente? Бошингиз айланмаяптими?

— Ҳазилни йифиштиринг, Бонелло.

— Ичмаймизми, а? — сўради Пиани. — Куршовда қолган бўлсак, ўлар дунёда ичиб қолайлик. — У флягасини камаридан бўшатиб олди-да, оғзини бураб очди.

— Қаранглар! Қаранглар! — деди Аймо йўлни кўрсашиб. Кўприкнинг темир панжараси тепасидан немис каскалари ўтиб бораради. Улар бир оз олдинга томон энкайган, худди сузиб кетаётгандай бир маромда шитоб билан ўтиб бормоқда эдилар. Каскалар қирғоқда етганда уларнинг эгаларини ҳам кўрдик. Бу велосипедчилар ротаси эди. Мен, айниқса, олдинда бораётган иккитасини яхши кўриб турардим. Улар чайир, бақувват йигитлар эди. Каскаларни бостириб кийишган, шунинг учун юзларининг бир ёғи кўринмасди. Карабинлари велосипедларининг рамасига тиркаб қўйилганди. Қўл гранаталарини дастасини пастга қилиб белларига осиб олишганди. Уларнинг каскалари билан кулранг мундирлари нам босган, шошилмай юриб, теварак-атрофни кузатиб борарадилар. Олдинда икки киши, кейин бир қатор бўлиб тўрт киши, ундан кейин бир йўла ўн-ўн икки киши, кейин яна, ўн, кейинда битта одам алоҳида бораради. Улар гаплашмасдан кетишарди, лекин гаплашаётган тақдирлари-

да ҳам барибир дарёning шовқинидан гапларини эшитмаган бўлардик. Улар йўлга чиқиб, кўздан фойиб бўлдилар.

— Ё Биби Марям! — деди Аймо.

— Булар немислар, — деди Пиани. — Булар австрис эмас.

— Нега уларни бу ерда ҳеч ким тўхтатмайди? — дедим мен. — Нега бу кўприк портлатилмаган? Нега кўтармаларга пулемётлар ўрнатилмаган?

— Буни сиз бизга айтиб беринг, tenente, — деди Бонелло.

Азбаройи қоним қайнаб, ғазабдан ёниб кетдим.

— Ҳаммаси жинни бўлиб қолган. Пастда кичкина кўприкни портлатиб, катта йўлдаги кўприкни бутун қолдиришади. Қаерда улар ўзи? Буларни тўхтатадиган азаматлар борми ўзи?

— Буни сиздан эшитамиз, tenente, — деб такрорлади Бонелло.

Мен индамадим. Буларнинг менга алоқаси йўқ. Менга учта санитар машина билан Порденонега бориш топширилганди. Бу қўлимдан келмади. Энди мен шундоқ ўзим Порденонега етиб олишим керак: лекин, Худо шоҳид, мен бу аҳволда ҳатто Удинага ҳам етиб боролмайдиганга ўхтайман. Бўлар иш бўлди. Энди оғир бўлиш керак, ўққа учмаслик, асирга тушмасликнинг чорасини топиш керак.

— Сиз винони очгандингиз, шекилли? — сўрадим мен Пианидан. У менга флягани узатди. Мен тўйиб ичдим. — Кетдик, — дедим мен. — Айтгандай, шошадиган жойимиз йўқ. Тамадди қилиб оласизларми?

— Бу ер тўхтаб турадиган ер эмас, — деди Бонелло.

— Майли, унда юринглар.

— Кўтарманинг тагидан юриб борамизми?

— Яхшиси тепадан юриш керак. Улар бу кўприкдан ҳам ўтишлари мумкин. Тепамизга келганларини кўрмай қолсак, чаток бўлади.

Биз темир йўлдан юриб кетдик. Иккала томонимиз бўккан дала. Даланинг нарёғида, олдинда тепалик бор, ундан нарида Удина. Тепаликдаги қалья атрофидаги уйларнинг томлари кўринарди. Кўнгироқхона билан минора соати кўзга ташланарди. Далаларда тут дарахтлари кўп эди. Бир жойда темир йўлни бузиб кетишибди. Шпалларни ковлаб олиб кўтарма тагига улоқтиришибди.

— Пастга, пастга! — деди Аймо.

Ўзимизни кўтарма тагига отдик. Йўлдан велосипедчиларнинг янги бўлинмаси ўтиб борарди. Мен кўтарманинг четидан қараб уларнинг ўтиб кетганларини кўрдим.

— Улар бизни кўрсалар ҳам тўхтаганлари йўқ, — деди Аймо.

— Ҳаммамизни бу ерда битта-биттадан отиб ташлашади, tenente, — деди Аймо.

— Бизнинг уларга керагимиз йўқ, — дедим мен. — Улар бошқа бирорвнинг кетидан қувишишмоқда. Биз уларнинг оёқлари тагидан чиқиб қолсак, унда ёмон бўлади.

— Менга қолса, шу панароқ ердан юрган бўлардим, — деди Бонелло.

— Юр avering. Биз тепадан борамиз.

— Ўтиб олишимизга ишонасизми? — сўради Аймо.

— Албатта. Улар ҳали кўп эмас. Қоронфи тушганда ўтиб кетамиз.

— Штаб машинаси бу ерда нима қилиб юрибди?

— Ким билади дейсиз? — дедим мен. Биз темир йўл изидан борардик. Бонело лойдан юриб чарчади, шекилли, бизнинг ёнимизга чиқиб олди. Темир йўл бир оз жанубга қараб бурилгандан кейин биз йўлда нима бўлаётганлигини кўрмай қолдик. Канал кўприги портлатилган экан, биз қолган-қутган тўсинлардан бир амаллаб ўтиб олдик. Олдинда отишмалар эшитилмоқда эди.

Каналдан ўтгач, биз яна темир йўлга чиқиб олдик. Йўл далалардан ўтиб тўғри шаҳарга олиб борарди.

Шимол томонда велосипедчилар ўтиб кетган йўл, жануброқда унча катта бўлмаган йўл иккига ажралиб қуюқ дарахтлар ичига кириб кетарди. Мен жануброқдан кетганимиз маъқул, деган қарорга келдим. Шунда биз шаҳарни айланиб ўтиб, дала йўлдан Кампоформио ва Тальяменто йўлига чиқардик. Биз чекинаётган асосий йўллардан эмас, унинг биқинидаги йўллардан борсак бўларди. Мен водийдан жуда кўп дала йўллари ўтганлигини билардим. Кўтармадан туша бошладим.

— Юринглар, — дедим. Мен дала йўли орқали шаҳарни жанубдан айланиб ўтишга қарор қилдим. Қарши томондан, дала йўлидан бизга қаратса ўқ узилди. Ўқ кўтарманинг лойига кириб кетди.

— Орқага! — қичқирдим мен. Мен қияликдан лойда сирпаниб тепага югурдим. Шофёrlар менинг олдимда чопиб боришарди. Кўтармага кучим етганча тез кўтарилидим. Қуюқ бутазор орасидан яна икки марта ўқ отишди. Шунда издан ўтаётган Аймо гандираклаб кетди, қоқилди ва юз тубан йиқилди. Уни нариги томонга олиб ўтиб чалқанча ағдардик. — Бошини юқори-роқ қилиб қўйинглар, — дедим. Пиани уни суриб қўйди. У қияликда оёғини пастга осилтириб ётар, нафас олганда хирқираф қон отилиб чиқарди. Биз учовлон унинг атрофида тиззамиз билан ўтириб олгандик. Ёмғир ёғарди. Ўқ унинг энсасига тегиб, юқорига ўтиб, ўнг кўзининг тагидан чиқиб кетганди. Мен ўқ изларини беркитишга ҳаракат қилаётганимда у ўлди. Пиани Аймонинг бошини ерга қўйди, дала пакетидан бир парча дока олиб унинг юзини артди, кейин ўрнидан турди.

— Ифлослар! — деди у.

— Булар немис эмас, — дедим мен. — Бу ерда немисларнинг бўлиши мумкин эмас.

— Италянлар, — деди Пиани худди сўккандай қилиб.

Бонелло миқ этмасди. У Аймонинг ёнида унга қарамай ўтиради. Пиани Аймонинг пастга тушиб кетган

кепкасини олди ва унинг юзини ёпиб қўйди. У ўзининг флягасини чиқарди.

— Ичасизми? — Пиани флягани узатди.

— Йўқ, — деди Бонелло. У менга ўгирилди. — Тепада юрганимизда ҳаммамиз ҳам шу аҳволга тушишимиз мумкин эди.

— Йўқ, — дедим мен. — Биз даладан кетмоқчи бўлганлигимиз учун шундай бўлди.

Бонелло бошини чайқади. — Аймо ҳалок бўлди, — деди у. — Энди кимнинг навбати, tenente? Энди қаерга бордик?

— Италянлар отишди, — дедим мен. — Булар немислар эмас.

— Немислар бу ерда бўлганда ҳаммамизни отиб ташлаган бўлардилар, — деди Бонелло.

— Италянлар бизга ҳозир немислардан ҳам хавфлироқ, — дедим. — Аръергард ҳамма нарсадан қўрқади. Немислар-ку, нима қилаётганларини билишади-я.

— Гапингиз жуда тўғри, tenente, — деди Бонелло.

— Энди қаёқча борамиз? — сўради Пиани.

— Яхшиси, бирон ерда қоронги тушгунча кутиб ётиш керак. Агар биз жанубга ўтиб олсак, ҳаммаси яхши бўлади.

— Улар биттамизни бекордан-бекорга ўлдирмаганларини исботлаш учун ҳаммамизни ўлдиришдан ҳам тоймайдилар, — деди Бонелло. — Мен таваккал қилишни хоҳламайман.

— Удинага яқинроқ бирон ерда кутиб ётамиз-да, қоронги тушгандан кейин ўтиб кетамиз.

— Унда кетдик, — деди Бонелло.

Биз кўтартманинг шимолий қиялигидан пастга тушдик. Орқамга қарадим. Аймо темир йўлга ярим қия бўлиб ётарди. У жуда ҳам кичкина эди, қўллари ёнларига туширилган, лой бўлиб кетган оёқлари бирлаштириб қўйилган, юзига бош кийими ёпилганди. Унинг жасади фоят аянчли кўринарди. Ёмғир қуйиб туради. Мен ҳеч кимга Аймога қарагандай яхши муносада

батда бўлган эмасман. Унинг қофозларини чўнтағимга солиб олгандим, ҳали унинг оиласига бу ҳақда хабар беришимни билардим. Далаларнинг этагида ферма кўринди. Ферма атрофини дараҳтлар қуршаган. Кўргоннинг гир атрофига ёрдамчи уйлар тушган, болохонадан ташқарига тўсинлар чиқарилиб, устига синчли айвон солинганди.

— Бир-биримиздан узокроқ масофада юрганимиз маъқул, — дедим уларга. — Олдинда мен бораман.

Мен фермага қараб юрдим. Даладан фермага сўқмоқ тушган эди.

Даладан ўтиб борарканман, кўргон атрофидаги дараҳтлардан ёки қўргоннинг ўзидан туриб бизга қараб ўт очишлари мумкинлигига ичимда бир бор тан бериб кўйгандим. Мен рўпарамда аниқ-таниқ кўриниб турган уйга томон бордим. Болохона айвони сомонхона билан туташган бўлиб, синчлар орасига хашак бостирилганди. Ҳовли саҳнига тош терилган, дараҳтларнинг шоҳларидан ёмғир томчилари оқиб тушарди. Ўртада шотиси осмонга кўтарилиган икки фидиракли каттакон арава бўм-бўш ётарди. Ҳовлидан ўтиб, айвон тагида бирпас турдим. Эшик очиқ эди, ичкарига кирдим. Бонелло билан Пиани кетма-кет етиб келишди. Уйнинг ичи қоп-қоронги эди. Мен ошхонага ўтдим. Оғзи ланг очиқ ҳайҳотдай ўчоқнинг кули олинмаганди. Ўчоқ устида идишлар турар, лекин ҳаммаси бўш эди. Мен у ёқ-бу ёқни тимирскилаб чиқдим, лекин егулик бирон нарса топмадим.

— Сомонхонада қоронги тушишини кутамиз, — дедим. — Пиани, агар егулик бирон нарса топсангиз, шу ерга олиб келарсиз.

— Қидириб кўрай-чи, — деди Пиани.

— Мен ҳам бораман, — деди Бонелло.

— Майли, — дедим. — Мен сомонхонани кўриб келай.

Мен оғилхонадан тепага олиб чиқадиган тош зинани қидириб топдим. Оғилхонадан қуруқ хашак ҳиди

анқир, ёмғир ёғаётганда бу ҳид, айниқса, ёқимли ту-юлмоқда эди. Молларни ҳам ҳайдаб кетишган, шеки-ли, молхона бўм-бўш турибди. Пичанхонанинг ярми-га пичан бостирилганди. Болохонада иккита дарча бор эди, улардан бири михлаб ташланган, иккинчиси — шимол тарафда эди. Бурчакда хашакни пастга, оғилга ташлаш учун қилинган нов бор эди. Яна томда оғзи ҳовлига қараган туйнук ҳам бор эди, ўрим пайтида пичанни шу ердан болохонага узатишса керак. Туй-нук устида синчлар бир-бирига қўшилган эди. Пичан-хонада томга ёғаётган ёмғирнинг шитирлаши эшити-лар, пичан ҳиди анқирди, пастга тушганимда оғилхон-надан қуриган тезакнинг ҳиди димоққа ёқимли урил-ди. Жануб томондаги деразадан битта тахтасини олиб қўйилса, ҳовлини бемалол кузатиб ётса бўла-диган. Бошқа дарча шимолга қараган бўлиб, ундан дала қўриниб туради. Агар зинадан тушишга имко-ният бўлмай қолса, истаган дарчадан болохонага чи-қиб, у ердан пастга тушса бўларди, пастга нов орқали ҳам сирпаниб тушиш ҳеч гап эмасди. Пичанхона кенг эди, одам шарпаси сезилиши биланоқ, гарам ичига уриб кетиш мумкин эди. Ҳар ҳолда бу қўрғонда яши-риниб туриш имконияти йўқ эмасди. Агар ўқ отиб йўлимизни тўсишмагандан, биз жанубга ўтиб олиши-мизга ишончим комил эди. Бу ерда немисларнинг бўлиши мумкин эмас. Улар шимолдан ва Чивидале йўлидан келишмоқда. Уларнинг жануб томондан фронтни ёриб ўтишлари ақлга тўғри келмасди. Ита-лянлар душмандан ҳам ёмон. Улар қўрқиб кетганла-ридан дуч келган одамни отиб ташлайверадилар. Ўтган кеча колоннада шимолда чекинаётган армияда ита-лян мундирини кийиб олган немислар кўп экан, деган миш-мишларни эшитгандик. Мен бунга ишонмовдим. Бунақа гаплар урушда тез-тез бўлиб туради. Душман ҳамиша шундай гапларни тарқатади. Сиз ҳеч қачон ким-дир немис мундирини кийиб герман армиясининг тўпо-лонини чиқарибди, деган гапни эшитмайсиз. Балки бун-

дай воқеалар бўлиб турса кераг-у, лекин бу ҳақда ҳеч ким гапирмайди. Мен немислар бунаقا гаплар билан шугулланиб юрмайдилар, деб ўйлардим. Бунинг уларга нима кераги бор. Чекинаётган армияда ола-шовур чиқаришдан улар нима наф кўрадилар. Миш-мишлар чиқишига қўшинларнинг кўплиги, йўлларнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Бу ерда немисларсиз ҳам калаванинг учини топиб бўлмайди. Шунга қарамасдан бизни итаянча кийиниб олган немис деб отиб ташлашлари ҳеч гап эмас. Аймони отиб ташлашди-ку. Пичан ёқимли ҳид таратади, пичанхонада ётганингда вақт туйфусини йўқотасан. Биз бир маҳаллар пичанхонада гаплашиб ётганимиз, болохона шифтидаги кичкина туйнукка қўнган чумчукларни паҳтавон пилта милтиқдан отганларимиз хотирамдан лип этиб ўтади. Энди у пичанхоналар йўқ, бир йили қарағайзорни кесиб ташлашди, илгари ўрмон шовиллаб турган ерда ҳозир фақат тўнгаклар, қақшаб ётган сўхта дараҳт таналяригина қолган. Орқага қайтиб бўлмайди. Агар одинга юрилмаса, нима бўлади? Миланга қайтиб бормайсан. Миланга борганингда нима қиласан? Шимолда Удина томондан ўқ овозлари келарди. Пулемётнинг тариллагани эшитиларди. Нимагадир тўпларнинг овози чиқмасди. Шу ҳам катта гап. Афтидан, қўшиннинг бир қисмини йўлга ташлашган, шекилли. Пастда фира-шира бўлиб ҳовлида, Пиани кўринди. У кўлтиғига узун колбаса билан қандайдир икки шиша вино қистириб олганди.

— Юқорига чиқинг, — дедим унга. — Хув анови ерда зина бор.

Кейин унга ёрдам бериш кераклигини ўйлаб пастга тушдим. Пичанда ётавериб, бошим айланиб қолибди. Мен худди мудроқ босган одамга ўхшардим.

— Бонелло қани? — сўрадим.

— Ҳозир айтаман, — деди Пиани. Биз зинадан кўтарилдик. Фарамга ўтириб, келтирган нарсаларимизни қўйдик. Пиани пармали пичофини олди-да, шишалардан бирини оча бошлади.

— Мум билан маҳкамланган экан, — деди у. — Бир маза қиладиган бўлдик. — У жилмайиб қўйди.

— Бонелло қани? — сўрадим ундан. Пиани менга қаради.

— У кетди, tenente, деди у. — У асир тушаман деди. Мен индамадим.

— Ўзини ўлдириб қўйишларидан қўрқди.

Мен вино шишасини қўлимда тутганча индамасдим.

— Биласизми, tenente, биз умуман урушга тарафдор эмасмиз.

— Нега сиз у билан бирга кетмадингиз? — сўрадим мен.

— Сизни ташлаб кетгим келмади.

— У қаерга кетди?

— Билмадим, tenente. Кетди-қолди.

— Яхши, — дедим. — Колбасани кесинг.

Пиани фира-ширада менга қаради.

— Мен гаплашиб ўтириб кесиб қўйган эдим, — деди у. Биз пичанда ўтириб колбаса едик, вино ичдик. Бу винони тўйга сақлаб қўйган бўлсалар керак. У эскилигидан тусини йўқотганди.

— Сиз манави дарчага қаранг, Луижи, — дедим. — Мен бунисига қарайман.

Ҳар биримиз биттадан шишани олволдик, мен ўз шишам билан юқорироқ сурилдим-да, қорним билан ётиб олганча торгина дарчадан ёмғирда бўккан дала-га қарай бошладим. Нимани қўрмоқчи бўлганимни билмайман-у, лекин далалар, яланғоч тутлар ва ёмғирдан ўзга ҳеч нарсани қўрмадим. Вино руҳимни кўтармади. Уни узоқ сақлаганлари туфайли у ўз ранги билан мазасини йўқотганди. Қоронгилик буркаб келмоқда. Жуда тез қоронғи тушмоқда. Зимистон тун бўлади, чунки ёмғир ёғмоқда. Ҳамма ёқ бутунлай қорон-ғиликка чўмгач, дарчага қараашнинг фойдаси бўлмай қолди. Пианининг ёнига ўтдим. У ухлаб ётарди, мен уни уйғотмадим, жимгина ёнида ўтирдим. У азамат

йигит эди, уйқуси мардона эди. Бир оз туриб мен уни уйғотдим ва биз йўлга тушдик.

Бу жуда фалати тун эди. Билмадим, нимани кутган эдим — балки ўлимимни кутгандирман, отишмалар, қоронгида қувфинлар бўлади, деб ўйлагандирман, лекин ҳеч нарса бўлмади. Биз зовур орқасида немис батальони ўтиб бўлгунча қорнимизни лойга бериб ётдик-да, кейин у кўздан нари кетгач, йўлни кесиб ўтиб, шимол томонга қараб кетдик. Ёмғирда икки марта немисларга яқин бориб қолдик, лекин улар бизни кўрмадилар. Биз биронта ҳам италянни учратмай шаҳарни шимол томондан айланиб ўтдик, кейин кўп ўтмай асосий чекиниш йўлига чиқиб олдик-да, туни билан Талъяментони мўлжалга олиб йўл босдик. Мен аввал чекиниш бу қадар катта бўлади деб ўйламаган эканман. Бутун мамлакат армия билан бирга бораради. Кечаси билан транспортларни қувиб ўтиб юрдик. Оёғим зирқираб оғрир, ўзим чарчагандим, лекин биз жуда тез кетиб борарадик. Бонеллонинг асир тушмоқчи бўлгани бизга энди аҳмоқлик бўлиб туюла бошлади. Ҳеч қандай хавф-хатар йўқ эди. Биз икки армия ўртасидан омон-эсон ўтиб олдик. Аймонинг ҳалок бўлганлигини айтмагандা, гўё ҳеч қандай хатар бўлмагандай эди. Биз темир йўлдан оппа-очиқ бораётганимизда ҳеч ким бизга тегмади. Ҳалокат кутилмаганда — бемаъни суратда оёқ остидан чиқди. Мен ҳозир Бонелло қаердалигини йўлаб борарадим.

— Аҳволингиз қалай, tenente? — сўради Пиани.

Биз транспорт ва қўшиналар билан тирбанд бўлиб кетган йўл чеккасидан кетаётган эдик.

— Яхши.

— Мен юриб чарчадим.

— Бизни энди юришдан бошқа ишимиз йўқ. Йўлнинг ёмони орқада қолди.

— Бонелло бекор қилди-да.

— Ҳа, бекор қилди.

- Уни энди нима қилмоқчисиз, tenente?
- Билмадим.
- Уни асир олинганлар қаторига қўшиб қўя олмай-сизми?
- Билмадим.
- Агар уруш давом этадиган бўлса, унинг ота-она-сини жавобгарликка тортишлари мумкин.
- Уруш давом этиши мумкин эмас, — деди қандайдир бир солдат. — Уруш тугади. Биз уйга кетяпмиз.
- Ҳамма уйга кетяпти.
- Биз ҳаммамиз уйимизга кетяпмиз.
- Тезроқ юринг, tenente, — деди Пиани. У тезроқ уларнинг ёnlаридан ўтиб кетмоқчи эди.
- Tenente? Ким бу ерда tenente? Abasso gli ufficiali! Йўқолсин офицерлар!
- Пиани мени қўлтиқлаб олди.
- Мен яххиси, сизни исмингизни айтиб чақираман, — деди у. — Яна бир кори ҳол бўлиб юрмасин. Офицерларни жазолашган пайтлари бўлган.
- Биз қадамларимизни тезлатиб, улардан нарига ўтиб кетдик.
- Мен унинг ота-оналарини жавобгарликка тортишмайдиган бир йўлини қиласман, — дедим бояги гапни давом эттириб.
- Агар уруш тугаган бўлса, барибир, — деди Пиани. — Лекин мен унинг тамом бўлганлигига ишонмайман. Урушишдан тўхтаб, бўлди энди бу ёғига дориламон деб юборишмас сира.
- Бу тезда маълум бўлади, — дедим.
- Мен унинг тамом бўлганлигига ишонмайман. Ҳамма тамом бўлди, деб юрибди, лекин мен бунга ишонмайман.
- Viva La Pace!³⁸, — қичқирди қандайдир солдат.
- Уйга кетяпмиз.

³⁸ Яшасин тинчлик! (итал.)

— Қани эди ҳаммамиз уй-уйимизга кетсак, — деди Пиани. — Сизнинг уйга кетгингиз келяптими?

— Ҳа.

— Уйга кетиб бўпмиз. Мен уруш тугаганлигига ишонмайман.

— Andiamo a casa!³⁹ — қичқирди солдат.

— Улар милтиқларини улоқтиришяпти, — деди Пиани. — Елкаларидан олиб отиб юборишияпти. Кейин қичқиришияпти.

— Милтиқларини бекор ташлашияпти.

— Милтиғимизни ташласак, урушдан озод қилишади деб ўйлашияпти, шекилли.

Ёмғирда чеккадан юриб ўзимга йўл очиб борарканман, кўп солдатлар милтиқларини ташламаганларини кўрдим. Милтиқлар елкалардан чиқиб туради.

— Қайси бригададан? — сўради офицер.

— Brigata di Pace! — қичқирди кимдир. — Тинчлик бригадасидан.

Офицер индамади.

— Нима деяпти? Офицер нима деяпти?

— Йўқолсин офицер! Viva la Pace!

— Тезроқ юринг, — деди Пиани.

Биз бошқа машиналар қаторида ташлаб кетилган иккита инглиз санитар автомобилини кўрдик.

— Горициядан, — деди Пиани. — Мен бу машиналарни биламан.

— Улар биздан ўзиб кетишган экан-да.

— Улар йўлга биздан олдинроқ чиқишишган.

— Қизиқ. Шофёрлари қани?

— Олдинроқда бўлса керак.

— Немислар Удинада қолишибди, — дедим. — Ҳаммамиз дарёдан ўтиб оламиз.

— Ҳа, — деди Пиани. — Шунинг учун ҳам уруш давом этади деяпман-да.

³⁹ Ҳамма уй-уйига! (итал.)

— Немислар бундан ҳам ичкарироқقا кириб келишлари мумкин эди, — дедим. — Қизик, нега улар бирдан түхтаб қолиши экан?

— Тушуниб бўлмайди. Бу урушга сира ҳам тушуниб бўлмай қолди.

— Улар кейинги қисмлар келишини кутишган, шекилли.

— Ҳеч ақдим етмайди, — деди Пиани. У бир ўзи бўлганда анча бамаъни йигит экан. Бошқа шофёлар ичида бўлганда боягидай оғзи ёмон шалоқ бўлиб кетарди.

— Уйланганмисиз, Луижи?

— Уйланганимни биласиз-ку.

— Шунинг учун асирга тушишни истамадингизми?

— Қисман шунинг учун ҳам. Ўзингиз уйланганмисиз, tenente?

— Йўқ.

— Бонелло ҳам уйланмаган.

— Ҳамма нарсани уйланган, уйланмаганлигига қараб ҳал қилиш мумкин эмас. Лекин уйланган одам болачасининг олдига қайтгиси келади. — Мен оила ҳақида сухбатлашгим келиб турарди.

— Шундай.

— Оёғингиз тузукми?

— Оғрияпти.

Тонг оқариб келаётганда биз Тальяменто қирғоғига етдик, тўлиб оқаётган дарё бўйлаб юриб, кўприкка яқинлашдик.

— Шу дарёда мустаҳкамланиб олсалар бўларди, — деди Пиани. Фира-ширада дарё жуда кўтарилиб қолганга ўхшарди. Сув гирдоб бўлиб оқар, дарёнинг ўзани кенгайиб кетгандек эди. Тахта кўприкнинг узунлиги бир чақирим келар-келмас бўлиб, одатда кенг, тошлоқ ўзанининг тагидагина ирмоқ-ирмоқ бўлиб оқадиган дарёнинг суви ҳозир кўприкнинг тагига тегай-тегай деб турарди. Қирғодан бориб, тўдага қўшилдикда, кўприкдан ўта бошладик. Ёмғирда оҳиста қадам

ташлаб борарканман, одамлар орасида қисилиб, олдимдаги зарядлар яшигига ағдарилиб кетай дея-дея, бир оёғимдан салгина пастда оқаётган дарёга, бир теварак-атроф, тумонатга назар ташлардим. Қадамими-ни бошқаларнинг оёқ олишига қараб қўярканман, ўзимни жуда қаттиқ ҳолдан тойгандай сездим. Кўприкдан ўтаётгандарнинг ҳаммаси нимагадир нохуш кўринарди. Мен агар кундуз куни бу ерга самолётдан бомба ташлангудек бўлса, қандай қиёматқоим қўпиши мумкинлигини ўйлаб борардим.

— Пиани! — деб чақирдим.

— Мен бу ердаман, *tenente*, — одамлар уни мендан сал илгарироқса суриб кетишганди. Бирон кимса миқ этиб оғзини очмасди. Ҳар ким тезроқ ўтиб олишни ўйлар, шундан бошқасини хаёлига келтirmасди. Биз ўтай деб қолгандик. Кўприкнинг нариги бошида, икки томондан фонусли офицерлар билан каабинерлар туришарди. Улар ёришиб келаётган осмон фонида қорайиб кўринардилар. Мен яқинроқ борганимда бир офицер колоннадаги қандайдир бир одамни қўли билан кўрсатганини кўрдим. Каабинер ўша одамни елкасидан тутиб олиб чиқди. Йўлдан бир четга олиб борди. Биз офицерларга етай деб қолдик. Улар колоннада ўтаётган ҳар бир кишининг баширасига тикилиб қарашар, баъзан бир-бирлари билан ғужиллашиб, олдинга ўтишарди-да, кимнингдир юзига фонус тутишарди. Биз улар билан бараварлашганда, яна бирорни олишди. Тутилган одам подполковник эди. Унга фонус тутишганда елкасидаги юлдузларини кўрдим. Унинг соchlари оқариб кетган, миқтидан келган одам эди. Каабинерлар уни кўприкдан нарига судраб кетдилар. Биз офицерлар билан бараварлашганда, улар менга қараётганларини кўрдим. Кейин бирори мени кўрсатиб, каабинерга нимадир деди. Каабинер колоннани ёриб ўтиб мен томонга келаётганини кўрдим, кейин у менинг ёқамдан ушлаб олди.

— Нима гап? — дедим ва башарасига қараб урдим. Мен унинг шляпа бостирилган юзини, шопдай мўйловларини, юзидан оқиб тушаётган қонни кўриб турадим. Яна бири ўзини издиҳомга уриб биз томонга кела бошлади.

— Нима гап? — сўрадим мен. У жавоб бермасди. Мени тутиб олишга пайт мўлжалларди. Мен тўппончамни олиш учун қўлимни олиб бордим. — Нима, сен офицерга тегиш мумкин эмаслигини билмайсанми?

Иккинчиси келиб орқамдан ёпишди ва қўлимни шундай тортдики, азбаройи Худо, қўлим чиқиб кетди, деб ўйладим. Мен унга ўгрилдим, шунда биринчиси бўйнимдан қисиб ушлаб олди. Мен уни оёқларим билан тепдим, чап тиззам билан чотига туширедим.

— Қаршилик кўрсатилса, отиб ташланг, — деган кимнингдир овозини эшитдим.

— Нима гап ўзи? — деб қичқирмоқчи бўлдим, лекин товушим фўлдираб чиқди. Бу орада улар мени йўл чеккасига судраб чиқаришганди.

— Қаршилик кўрсатса, отиб ташланг, — деди офицер. — Олиб кетинг уни.

— Кимсизлар ўзи?

— Кейин биласиз.

— Кимсизлар ўзи?

— Дала жандармерияси, — деди бошқа офицер.

— Менга бу самолётларингизни қўйиб юбормасдан, чақирсангиз бўлмасмиди?

Улар жавоб беришмади. Жавоб беришга мажбур эмасдилар. Улар — дала жандармерияси эди.

— Уни обориб бошқаларга қўшиб қўйинг, — деди биринчи офицер. — Эшитяпсизми, у италянчани талаффуз билан гапиряпти.

— Талаффузим худди сеникидан фарқ қилмайди, ифлос, — дедим.

— Уни бошқаларнинг олдига обориб қўйинг, — деди биринчи офицер. Мени офицерларнинг ёнидан олиб

ўтишиб, дарё бўйида бир тўда одамлар турган ялангликка келтиришди. Биз бораётганда у ердан ўқ овозлари эштилди. Мен милтиқларнинг оғзидан чиқсан ўтни кўрдим, ўқ товушини эшитдим. Биз у ерга бордик. Тўртта офицер ёнма-ён туришар, уларнинг олдиларида икки карабинернинг ўртасида қандайдир бир одам бор эди. Булардан сал нарироқда карабинерлар соқчилигида бир қанча одамлар сўроқни кутиб туришарди. Яна тўртта карабинер сўроқ қилаётган офицерларнинг олдида карабинларига суяниб туришарди. Булар кенг айвонли шляпа кийган эдилар. Карабинерлар мени сўроқ бўлишини кутаётгандар ичига итариб юборишли. Мен сўроқ қилинаётган одамга қарадим. Бу боя колоннадан тортиб чиқарилган, соchlари оқариб кетган миқти подполковник эди. Офицерлар жиддий туриб, совуққонлик билан сўроқ олиб боришарди, улар милтиқнинг оғзи ўзларига қаратилмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, бемалол, кўрқмай отадиган италянлардан эдилар.

— Қайси бригададан?

У айтди.

— Қайси полкдан?

У айтди.

— Нега полкингиз билан бирга эмассиз?

У айтди.

— Офицер доим ўз қисми билан бирга бўлиши кераклиги сизга маълумми?

Унга маълум экан.

Саволлар шу билан тугади. Гапни бошқа офицер олди.

— Сиз ва сизга ўхшаганлар туфайли варварлар ватанимизнинг муқаддас чегараларини бузиб ўтишди.

— Бемаъни гап, — деди подполковник.

— Сизга ўхшаган сотқинлар бизни ғалаба неъматларидан маҳрум қилишди.

— Сиз ўзингиз ҳеч чекиниб кўрганмисиз умрингизда? — сўради подполковник.

— Италянлар чекинмасликлари керак.

Биз ёмғирда туриб шу гапларни эшилдик. Ҳаммамиз офицерлар қаршисида турар, сүроқ қилинаётган киши эса, биздан олдинда сал чеккарокда турарди.

— Агар мени отиб ташламоқчи бўлсангизлар, — деди подполковник, — ўтинаман, бошқа сўроқ қилиб ўтирамай отиб ташланг. Бу сўроқ жуда бемаъни. — У чўқиниб олди. Офицерлар бир-бирлари билан гужиллашиб олишди. Биттаси ён дафтарга алланималарни ёзди.

— Ўз қисмини ташлаб кетгани учун отишга ҳукм қилинади, — деди у.

Икки карабинер подполковникни қирғоқча томон олиб кетишиди. Чол бош яланг алфозда ёмғирда икки карабинер ўртасида борарди. Мен уни қандай отишганига қараганим йўқ, лекин милтиқ овозини эшилдим. Улар кейинги одамга ўтишганди. Бу ҳам қисмидан қолиб кетган офицер эди. Унинг гапини ҳатто эшитиб ҳам ўтиришмади. У дафтар варагига ёзилган ҳукмни ўқиганларида йиғлаб юборди, уни отишаётганда улар бошқа бир одамни сўроқ қила бошлаган эдилар. Улар бирорвни отишаётганда иккинчи кимсани сўроқ қилишга шошилишарди. Улар бу ерда шундан бошқага қодир эмасликлари кўриниб турарди. Сўроқни кутайми ёки қочайми, билмасдим. Мен италян мундирини кийиб олган немис бўлиб чиқишим турган гап эди. Уларнинг қандай фикр қилаётганларини, агар умуман бир фикрлари бўлса ва фикр қилишга қодир бўлсалар — билардим. Булар ҳаммаси ёш йигитлар эди ва улар ватанга халоскорлик қылмоқда эдилар. Иккинчи армия Тальяментода янгидан ташкил этилмоқда эди. Улар ўз қисмларидан ажралиб қолган майор ва ундан юқори унвонли офицерларни отмоқда эдилар. Айни замонда улар италян мундирини кийиб олган немис ташвиқотчиларини ҳам отмоқда эдилар. Улар пўлат каскалар кийиб олгандилар. Бир қанча карабинерлар ҳам шундай каскада эдилар. Бо-

шқалари айвони кенг шляпалар кийишганди. Самолётлар, деб аташарди уларни бизда. Биз ёмғирда турар, бизни бириң-сирин сүроқ қыммоқда, отмоқда эдилар. Сүроқ қилингандардан биронтаси ҳам ҳозиргача отилмасдан омон қолгани йўқ. Сүроқ қилувчиларда ҳис деган нарсанинг асари кўринмасди, улар ўзларича темир қонунга риоя қыммоқда эдилар. Ўз ҳаётлари ҳар қандай хавфдан ҳоли бўлган бир вазиятда бошқаларнинг ҳаётини жадал ҳал қилиб ташламоқда эдилар. Улар шу тобда мунтазам қўшинлар полковникин сүроқ қыммоқда эдилар. Ҳозиргина яна учта офицерни олиб келишди.

— Полкингиз қаерда?

Мен карабинерларга қарадим. Улар янги қўлга олингандарга қараб туришарди. Бошқаларининг кўзи полковникоқда эди. Мен икки соқчи ўртасидан шўнғидим, бошим билан энкайганча дарё томонга қочдим. Қирғоқча етай, деганимда қоқилиб, шиддат билан сувга отилиб тушдим. Сув жуда ҳам совуқ эди, жонимдан ўтиб кетмагунча сув юзига чиқмадим. Мени оқим олиб кетаётганини сезиб турардим, чўкиб кетишга кўзим етгандан кейингина сув юзига чиқдим. Бир зум ҳаво олиб турдим-да, сўнг яна сув тагига шўнғидим. Ҳарбий форма билан оғир пойабзал оёғингда бўлса, сув тагига туриш унчалар қийин бўлмас экан. Мен иккинчи марта сув тепасига сузиб чиққанимда, олдимда фула оқиб бораётганини кўрдим, унга етиб олдим-да, бир қўллаб қучоқлаб олдим. Мен бошимни унинг панасига олдиму мўралаб қарашга ҳам ботинмай, оқиб кетавердим. Қирғоқни кўрмасам, дердим. Мен қочиб кетаётганимда, биринчи марта сув юзига кўтариғанимда ўқ овозларини эшилдим. Бу товушларни сув тагига чуқур тушмай сузаётганимда ҳам эшилгандим. Энди ўқ овозлари келмай кўйди. Фула сувда чайқалиб борар, уни бир қўлим билан маҳкам ушлаб олгандим. Мен қирғоқча кўз ташладим. У жуда ҳам тез орқага кетаётганга ўхшаб кўринди. Дарёдан оқиб бораётган ёғочлар кўп эди. Сув

жуда ҳам совуқ эди. Биз буталар ўсиб ётган оролчадан ўтиб кетдик. Мен фұлага иккі қўлим билан ёпишиб олдим ва оқим мени ўз кўйига солиб олиб кетди. Қирғоқ энди кўринмасди.

Ўттиз биринчи боб

Агар оқим зўр бўлса, дарёдан қанча сузиб бораётганингни билолмайсан. Жуда узоқ вақтдан бери сузаётганга ўхшайсан, лекин аслида, эҳтимол, унча кўп вақт ўтмаган бўлади. Сув муздек бўлиб, жуда ҳам юқорига кўтарилиб кетган, юзида тошқин пайтида қирғоқдан кўшилган турли-туман нарсалар оқиб келмоқда эди. Бахтимга фўла одам суюнса кўтарадиган даражада оғир эди, шунинг учун энгагимни фўланинг четига тираб, қўлларим билан уни иложи борича енгилоқ ушлашга ҳаракат қилиб, гавдамни муздек сувга эркин қўйиб бердим. Мен томирларим чангак бўлиб қолмасин, деб қўрқмоқда эдим. Шунинг учун тезроқ қирғоққа чиқишини истардим. Дарё қуи томонга илон изи бўлиб оқарди. Тонг отмоқда эди, дарё қирғоғидаги буталар кўзга чалинадиган бўлиб қолди. Олдинда бутазор орол бўлиб, оқим бу ерда қирғоққа яқинлашиб борарди. Мен қирғоққа сузиб етиб олиш учун бошмоғим билан кийимларимни бир кўнглим ечиб ташламоқчи ҳам бўлдим-у, лекин яна бу фикримдан қайтдим. Мен қирғоққа бир амаллаб чиқиб олишимга шубҳа қилмас, агар яланг оёқ қолсам, ҳолим ёмон бўлишини билардим. Бир амаллаб Местрега етиш керак эди.

Қирғоқ яқинлашди, кейин орқага сапчиб кетди, кейин яна яқинлашди. Энди секинроқ юзиб бормоқда эдик. Соҳил қўл чўзса етгудай яқин қолганди. Толнинг энг майда новдаларигача кўзга ташланиб турарди. Фўла оҳиста бурилди, соҳил орқамда қолди, мен гирдобга тушиб қолганимизни англадим. Аста бир жойда айлана бошладик. Соҳил жуда ҳам яқиндан яна бир марта кўринганда, мен бир қўлим билан

сузиб оёқларимни ишга солиб, қирғоқça интилдим, лекин ҳаракатим зое кетди. Мен яна дарёнинг ўртасига кетиб қоламизми, деб чўчигандим, шунинг учун бир қўлим билан ушлаб, оёқларимни шундай тортиб, гўлага тираб олдим-да, ўзимни қирғоқ томонга зарб билан отдим. Мен буталарни кўриб турар, бироқ шунча куч, ҳаракат сарф қилишимга қарамай, оқим мени четга олиб кетарди. Мен оёқ кийимим деб чўкиб кетишм мумкинлигини ўйлаб қўрқиб кетдим, оёқларим зилдай бўлиб кетганига қарамасдан жоним борича ҳаракат қилиб, сув билан олишиб, бир маҳал қарасам, соҳил менга томон яқинлашиб келаётир, мен яна ҳам зўр бердим, ниҳоят, қирғоқça етиб олдим. Мен толнинг шохларига маҳкам ёпишдим, тепага кўтарилишга кучим қолмаган, осилиб турар, лекин энди чўкиб кетмаслигимни билардим. Гўлада сувганимда хаёлимга бирон марта ҳам чўкиш фикри келмаганди. Зўриқиб ҳаракат қилганимдан кўнглим озиб бораради, толга осилганча кута бошладим. Кўнглим беҳузур бўлишдан бир оз тўхтагандан сўнг, мен салча олдинга жилдим, кейин дам олдим, шохларни қўлларим билан маҳкам ушлаб олгандим. Кейин мен сувдан чиқдим, толлар орасидан ўтиб, соҳилга қадам қўйдим. Тонг отай деб қолган, ҳеч ким кўринмасди. Мен ерга мук тушиб ётар, дарё ва ёмғир шовқинини тинглардим.

Бир оздан кейин ўрнимдан туриб, дарё бўйлаб кетдим. Мен Латизанагача биронта кўприк йўқлигини билардим. Мен ҳозир Сан-Вито қаршисида турган бўлсам керак, деб чамаладим. Нима қилишим кераклигини ўйлай бошладим. Олдинда дарёга қуйиладиган канал бор эди. Шу ёқقا қараб юрдим. Атрофда одам қораси кўринмасди, мен канал ёқасида буталар тагига ўтирдим, оёғимни ечиб ичидан сувини тўкиб ташладим. Френчимни ечиб, ён чўнтағимдан ичидаги ҳужжатлар ва пуллар ивиб кетган ҳамёнимни олиб, кейин френчни яхшилаб сиқиб ташладим. Шимимни ҳам ечиб сиқдим, кейин кўйлагим билан ички кийим-

ларимни сиқиб қўйдим. Баданимни кафтларим билан шапатилаб, тоза ишқадим, яна кийимларимни кийиб олдим. Бош кийимимни йўқотиб қўйибман.

Френчи кийишдан илгари енгларидағи юлдузчаларни қўпориб олиб пуллар билан ён чўнтағимга солиб қўйдим. Пуллар ҳўл бўлиб кетган, лекин бус-бутун эди. Уларни санаб чиқдим. Уч минг лирдан сал кўпроқ экан. Бутун кийимларим ҳўл ва баданимга чип-чип ёпишиб қоларди, қон айланишини тезлатиш учун қўлларимни силкиб-силкиб борардим. Ич кийимим жун газламадан бўлганлиги учун агар доим ҳаракатда бўлсам, шамолламайман, деб ўйладим. Пистолетимни йўлда тортиб олишганди, бўш филофни френчимнинг тагига беркитдим. Плашим бўлмаганидан ёмғирда совқота бошладим. Канал ёқалаб кетдим. Тонг отган, ҳамма ёқ ҳўл, сийقا ва фариб эди. Далалар яланғоч, ёмғирдан қорайиб кўринарди; далаларнинг ҳутта бир чеккасида қўнғироқхона кўзга ташланарди. Мен йўлга чиқиб олдим. Олдинда, йўлда мен пиёдалар бўлинмасини кўрдим, улар қаршимдан келишарди. Чўлоқланиб, йўлнинг бир четидан судралиб борардим, солдатлар менга эътибор бермай ёнимдан ўтиб кетишиди. Булар дарё томонга кетаётган пулемёт қисми эди. Йўлимда давом этдим.

Шу куни мен Венеция водийсини кесиб ўтдим. Бу паст текислик ер бўлиб, ёмғирда у янада яссироқ бўлиб кўринарди. Денгиз томондан қумлоқлар ва сувлар билан тўсилгани учун бу ерда йўллар кам эди. Ҳамма йўллар дарёning қуйилиш жойлари бўйлаб денгизга томон боради, шу сабабдан водийни кесиб ўтиш учун каналлар ёқалаб сўқмоқлардан юриш керак бўлади. Мен водийни шимолдан жанубга қараб кесиб ўта бошладим, икки темир йўл ва бошқа яна аллақанча йўлларни босиб ўтдим ва ниҳоят бир сўқмоқдан бориб қум билан ўралган кўрфаз ёнидан ўтган темир йўл изидан чиқдим. Бу Триест-Венеция магистрали бўлиб, қўтармаси баланд ва мустаҳкам, кенг, қўш изли йўл

эди. Бир оз нарироқда кичкинагина станцияча бор экан. У ерда, постда соқчилар турганлигини күрдим. Станциянинг бошқа томонида күрфазга қуйиладиган сой устидан кўприк ўтарди. Кўприкда ҳам соқчи турганди. Мен ҳали даладан шимол томонга ўтаётганимда бу йўлдан поезд ўтганлигини кўргандим. Текис ерда у узоқлардан кўринганди, мен шояд Портогруа-родан келаётган поездга чиқиб олсам, деб умид қилгандим. Соқчилардан кўзимни узмай, шундоқ излар олдида биқиниб ётдим. Менга бу ердан икки ёқ йўл ҳам кафтдай кўриниб туради. Кўприкда турган соқчи из бўйлаб мен томонга қараб бир неча қадам ташлади, кейин бурилиб орқасига қараб кетди.

Мен оч ётиб поезд кутмоқда эдим. Ҳов аввал мен узоқдан туриб кўрган поезд шунаقا ҳам узун эдики, паровоз уни базўр тортиб ўтган эди. Ўшанда унга йўл-йўлакай сакраб чиқиб олишимга амин бўлган эдим. Мен ётавериб поезддан умидимни узганимда, яқинлаб келаётган поездни кўрдим. Паровоз тўғри мен томонга келар, борган сари катталашиб борарди. Мен соқчига қарадим. У кўприкнинг мен ётган томонида, лекин йўлнинг нариги бетида юриб туради. Поезд мен билан бараварлашганда мени соқчидан тўсиб қолади. Мен яқинлашиб келаётган паровоздан кўз узмасдим. У оғир ҳансираб келарди. Вагонлар жуда кўп эди. Мен поездда қўриқчилар борлигини билардим, лекин улар қаерда турганларини кўролмадим, пайқаб қолмасинлар деб, тузукроқ қарагани чўчидим. Паровоз мен ётган ерга яқинлашиб келди. У менинг ёнимдан босинқи нафас олиб ўтгач, машинист мени кўрмаслигига амин бўлдим-да, ўрнимдан туриб, ўтиб бораётган вагонларга яқин бордим. Агар поезд соқчилари дарчалардан қараб турган бўлсалар, излар олдида очиқ турсам, унчалик шубҳа уйғотмаган бўлардим. Бир қанча ёпиқ товар вагонлари ўтиб кетди. Кейин мен усти очиқ паст бир вагон келаётганини кўрдим, бунақа вагонларни бу ерда гондола деб аташади,

гондоланинг устига брезент тортиб қўйилганди. Мен уни ёнимдан деярли ўтказиб юбордим-да, кейин бир сакраб вагон биқинидаги тутқичлардан ушлаб олдим ва юқорига кўтарилем. Кейин орқада келаётган ёпик вагон билан гондоланинг ўртасидаги буферга сирпаниб тушдим. Мени ҳеч зот кўрмаганлигига амин эдим. Темир бандлардан ушлаб, оёғимни вагонлар уланган темирга тираб ўтиредим. Кўприкка яқинлашиб қолдик. Мен соқчини эсладим. Биз ўтиб кетаётганимизда, у менга қаради. У ҳали ўспирин бир бола экан, бошидаги каскаси катталик қилиб кўзини тўсиб турарди. Мен унга менсимаган киши бўлиб қарадим, шунда у юзини тескари буриб олди. У мени поезд бригадасидан бўлса керак, деб ўйлади. Биз ўтиб кетдик. У ҳамон ўтаётган вагонларга безовта кўз билан қараб турарди. Мен брезент қандай маҳкамланганийкин, деб қарадим. Брезентнинг четларида ҳалқачалар бўлиб, шу ҳалқачалардан чизимча ўтказиб маҳкамланганди. Мен пичофимни олиб чизимчани кесдим-да, қўлимни ичкарига тиқдим. Ёмғирдан нам тортган брезент тагида аллақандай қаттиқ, фўдир нарсалар қўлимга уринди. Бошимни кўтариб, олдимга қарадим. Олдинги вагоннинг майдончасида соқчи солдатлардан бири турарди, лекин унинг кўзи бошқа томонда эди. Мен ўзимни брезент тагига урдим. Шу заҳоти пешонам алланимагадир қаттиқ урилди, кўз ўнгим қоронfilaшиб кетди, юзимга қон оқиб тушаётганини сездим, лекин мен яна ҳам ичкарироқ кириб, мук тушиб ётиб олдим. Кейин мен орқамга ўтирилиб, брезентни қайта маҳкамлаб қўйдим.

Мен брезент тагида замбараклар ичida ётардим. Улардан керосин ва мой ҳиди анқирди. Мен брезентга урилаётган ёмғир томчиларининг овозини, фидирларнинг тақа-туқини эшитиб ётардим. Ташқаридан гира-шира ёруғ кириб турар, мен тўпларни кўздан кечирдим. Уларга брезент ёпқичлар кийдирилганди. Булар учинчи армиядан жўнатилган бўлса керак, деб ўйладим. Пешонамдаги ғурра шишиб чиқди, мен қон

тўхтасин деб, қимирламай ётдим, қон қотиб қолгандан кейин уни оҳиста кўчириб ташладим, зарб теккан жойгагина тегмадим. Унчалик оғримади. Дастрўмолим йўқ эди, шунинг учун қолган-қутган қон юқларини брезентдан оқиб тушган ёмғир суви билан ювиб ташладим ва енгим билан тозалаб артдим. Кўринишим ҳеч кимда шубҳа туғдиришини истамасдим. Мен Местрега етмай туриб тушиб қолишим кераклигини билардим, бўлмаса келиб қуролларни текшириб кетишлари турган гап эди. Қуроллар шунчалик оз эдики, уларни эсдан чиқаришлари мумкинлигига одам ишонмасди. Ич-этимни очлик кемириб борарди.

Ўттиз иккинчи боб

Мен платформа тахталарида, брезент тагида, қуроляроғлар ичida намиққан, очиққан, титраб-қалтираган бир алфозда ётардим. Чидаб бўлмагандан кейин қўлларимни бошимга қўйиб мук тушиб ётдим. Тиззам увишиб, жонсиз бўлиб қолган, лекин ундан шикоят қиладиган жойим йўқ эди. Валентини ўз ишини моҳирлик билан адо этганди. Мен чекиниш йўлининг ярмини, Тальяментонинг бир қисмини унинг тиззаси билан кечдим. Бу чиндан унинг тиззаси эди. Бошқа тизза меники эди. Врачлар сизнинг танингизни ҳар оҳангга солиб қўришади, шундан кейин тана ўзингизники бўлмай қолади. Бош ўзимники, бутун қорнимдаги нарсалар ҳам ўзимники эди. Қорним бўм-бўш эди. У гўё ҳозир ағдарилиб тушадигандай эди. Бош ўзимники эди, лекин у ҳозир на ишлайди, на ўйлайди, фақат хотирлашга, хотирлаганда ҳам камроқ хотирлашга қодир эди.

Кэтринни эслагим келарди, лекин мен у ҳақда ўйласам, жинни бўлиб қолишимни билардим, уни кўриш насиб бўладими-йўқми, билмасдим ва мен уни ўйламасликка тиришардим, фақат жиндек у ҳақда, фақат фидиракларнинг бир маромдаги тақ-туқи остида у ҳақда ўйлайман, шунда ёруғлик брезентни зўрга-зўрга ёриб

үтади ва мен Кэтрин билан платформа тахталарида ётгандай бўламан. Тахталар қаттиқ, ботади, кийимлар хўл, фикр йўқ, фақат ҳиссиётлар ҳукмрон, ҳижрон бунчалик узоқ бўлмаса, тахталар зириллаб боради, ичимни алам кемиради, фақат нам кийим этимга ёпишади ва хотин ўрнига қаттиқ тахталарни кучоқлаб бораман.

Товар платформасининг тахталарини ёки металл ва мой ҳиди анқиб турган, брезент жилдларга ўраб қўйилган тўп-аслаҳаларни ёки ёмғир силқиб ўтадиган брезентни севиш мумкин эмас, гарчи брезент тагида замбараклар билан ётиш жуда ёқимли бўлса-да, барибир уни севиб бўлмайди, сенинг бутун севгинг — кимгадир бошқага, бу ерда тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган одамга қаратилган; энди ўз олдингга жуда ҳам совуқ, жуда ҳам равshan назар билан боқасан. Тўғрирофи, ҳатто совуқ ҳам эмас, равshan ва бўм-бўш назар билан боқасан. Мук тушиб ётасан-да, бўм-бўш назар билан тикиласан; бир армия чекинганда, иккинчиси босиб келаётганда шундай бўлади. Сен ўз машиналаринг ва одамларингни ҳалокатга гирифтор қилдинг, эҳтимол, универсал магазиннинг хизматчиси ёнгин маҳалида шундай қилган бўларди. У молларини ёндириб қараб турган бўларди. Лекин моллар суғурта қилдирилмаган экан. Энди сен бу нарсалардан халос бўлдинг. Бўйнингда бошқа ҳеч қандай мажбуриятинг йўқ. Агар ёнгиндан кейин магазин хизматчиларини сенинг талаффузинг чатоқ деб отиб ташлай бошласалар, яна савдо бошланганда хизматчилар қайтиб келадилар, деб ҳеч кимса умид қилмаслиги керак. Агар бошқа бирон иш топилса ва агар полиция қўлига тушмай омон қолсалар — улар бошқа иш топишга ҳаракат қиладилар. Дарё ғазабни ҳам бурч туйғуси билан бирга қўшиб ювиб кетди. Айтгандай, бу туйғуни мен олдинроқ — карабинернинг қўли ёқамдан олган чоғдаёқ йўқотгандим. Мен масаланинг ташқи томонига эътибор бериб ўтирмасдан, ўзимни мундирдан халос Этмоқчи эдим. Мен юлдузчаларни суғуриб ташладим,

лекин буни фақат қулайлик учунгина қылгандим. Бу номус масаласига кирмасди. Мен ҳеч кимга аччиқ қилаётганим йўқ. Умуман, мен бўлдим. Мен уларга омад тилаб қоламан. Уларнинг орасида оқ кўнгилла-ри ҳам, мардлари ҳам, ирода эгалари ҳам, оқил ки-шилар ҳам бор эди, уларга омад тиласанг ярашади. Лекин буларнинг эндиликда менга дахли йўқ ва мен бу қуриб, жин ургур Местрега тезроқ етиб боришни истардим, ўшанда овқатланиб оламану, нури-нур-сиз нарсаларни ўйлаб юрмайман.

Пиани, мени отилади, деб айтади. Улар отилганларнинг ҳамёнарини ковлаб, уларнинг ҳужжатларини олиб қўйишиади. Менинг ҳужжатларим уларга тегмайди. Балки мени чўкиб кетган деб ҳисоблашар. Қизиқ, Штатларга нима деб хабар қилишаркин. Яраланди ва бошқа баъзи сабабларга биноан ўлди, дейишса керак. Шайтон, мунча қорним оч бўлмаса. Қизиқ, кашишга нима бўлдийкин. Ринальдига-чи. У Порденонеда бўлса керак. Балки ундан ҳам нарироқقا чекиниб кетишигандир. Ҳа, энди мен уни бир умр кўрмайдиган бўлдим. Энди мен уларнинг ҳеч қайсиларини ҳеч қачон кўрмайман. У ҳаёт тугади. Унда захм бўлмаса керак, ҳар ҳолда вақтида олдини олсанг, унчалар хавфли эмас, дейишади. Бироқ у жуда тинчини йўқотган. Мен ҳам тинчимни йўқотган бўлардим. Бошқалар ҳам индамай қараб ўтирмасдилар, албатта.

Мен ўйлаш учун яратилмаганман. Мен дунёга овқат егани келганман. Нима ишингиз бор, шундай. Еб, ичиб, Кэтрин билан ётишга туғилганман. Эҳтимол, шу бугуноқ ётарман. Йўқ, бунинг иложи йўқ. Бугун бўлмаса, эртага. Эртага яхши таом ҳам, оппоқ чойшаблар ҳам бўлади, фақат энди ҳеч қачон ҳеч ерга кетмаслик керак. Бирга кетсанг, унда бир бошқа. Тезликда бирон ерга кетишига тўғри келса керак. У бирга боради. У мен билан кетишини биламан. Қачон кетамиз? Буни ҳар қанча ўйласанг арзийди. Қоронги тушмоқда. Мен қаерга жўнашимизни ўйлаб ётибман. Дунё кенг эди.

ТҮРТИНЧИ КИТОБ

Ўттиз учинчи боб

Миланда поезддан сакраб тушиб қолдим. Поезд тонг қоронфисида станцияга яқинлаша туриб юришини се-кинлатди. Шунда мен сакрадим. Темир йўлни кесиб ўтиб, қандайдир уйлардан ўтдим-да, кўчага тушдим. Емакхоналардан бири очиқ экан, мен қаҳва ичгани кирдим. Бу ерда ҳамма нарсада тонгнинг нуқси бор эди, супуриб-сирилган уй саҳнидан, қаҳва стаканларидағи қошиқчалардан ва кеча вино солинган стаканларнинг кўринишидан тонг нафаси келарди. Пештахта олдида емакхона хўжайини турган экан. Кичкина столда иккита солдат ўтиради. Мен пештахта олдига бориб, бир стакан қаҳва билан бир бурда нон едим. Қаҳва сут солинганидан рангсизроқ эди, мен ноннинг мағзи билан унинг устидаги кўпигини сидириб олдим. Хўжайин менга қараб қўйди.

— Бир стакан граппа берайми?

— Йўқ, раҳмат.

— Менинг ҳисобимдан, — деди у ва кичикроқ бир стаканга қуйиб олдимга суриб қўйди.— Фронтда нима янгиликлар?

— Билмадим.

— Улар маст, — деди у ўтирган солдатларни кўрсашиб. Бунга ишонса бўларди. Уларнинг маст эканлиги кўриниб турарди.

— Гапириб беринг, — деди у. — Фронтда қандай янгиликлар бор?

— Фронтдан ҳеч хабарим йўқ.

— Мен сизнинг тушаётганингизни кўрдим. Сиз поезддан сакраб тушдингиз.

— Чекиняпмиз.

— Газет ўқиб тураман. Янгисидан гапиринг. Тугай деб қолдими?

— Унчаликмас.

У қориндор шишадан стаканга яна граппа қўйди.

— Агар бирон нарсангиз чатоқ бўлса, — деди у, — мен сизни яшириб қўйишим мумкин.

— Ҳаммаси жойида.

— Бирон чатоқлик бўлса, шу ерда тураверинг.

— Қаерда — шу ерда?

— Менинг уйимда. Кўплар шу ерда яшаб туришибди. Бироқ чатоқлиги бўлганлар кўпинча шу ерда яшаб туришади.

— Ундейлар кўпми?

— Қандайлигига қараб. Сиз Жанубий Америкадан-мисиз?

— Йўқ.

— Испанча гаплаша оласизми?

— Унча-мунча.

У пештахтани артиб қўйди.

— Ҳозир чегарадан ўтиш қийин, лекин ўтса бўлади.

— Мен ўтмоқчи эмасман.

— Сиз бу ерда хоҳлаганингизча туришингиз мумкин. Менинг қандай одамлигимни ҳали билиб оласиз.

— Ҳозир мен кетишим керак, лекин манзилни эслаб қолиб қайтиб келаман.

У бошини чайқади.

— Шундай дейсизу, қайтиб келармидингиз. Мен чиндан ҳам бирон нарсангиз чатоқ бўлса керак, деб ўйлабман.

— Ҳаммаси жойида. Лекин доимо дўст кишининг турар жойини билган яхши.

Мен қаҳва ҳақи деб пештахтага ўн лир қўйдим.

— Ўзингиз ҳам ичинг граппадан, — дедим.

— Шарт эмас.

— Ичинг.

У икки стакан қўйди.

— Эсингизда бўлсин, — деди у. — Келинг. Бошқа ҳеч кимга ишонманг. Ҳаммасини тўғрилаймиз.

— Бунга ишончим комил.

— Ишончингиз комил?

— Ҳа.

У менга диққат билан қаради.

— Унда ижозат берсангиз сизга бир нарсани айтиб қўйсам. Манави кийимингизда кўп юрманг.

— Нега?

— Енгларида юлдузчаларнинг ўрни билиниб турибди.

Мен индамадим.

— Агар қофозларингиз бўлмаса, қофоз тўғрилаб бераман.

— Қандай қофоз?

— Рухсат гувоҳномаси.

— Менга қофозлар керакмас. Қофозларим бор.

— Яхши, — деди у. — Агар сизга қофоз керак бўлса, мен истаган нарсангизни тўғрилайман.

— Қанча туроди ундай қофозлар?

— Қандай қофозлигига қарайди. Унчалик қиммат эмас.

— Ҳозир менга ҳеч нарса керак эмас.

У елкасини учирди.

— Ҳаммаси жойида, — дедим.

Чиқиб кетаётсам, у деди:

— Сизнинг дўстингизман, унутманг.

— Унутмайман, — дедим.

— Кўришармиз яна.

— Албатта, — дедим.

Ташқарига чиқиб, ҳарбий полицияга дуч келиб ўтирамай деб, вокзални айланиб ўтдим-да, кичкина паркнинг панжараси олдида экипажга ўтирдим. Кучерга госпиталь манзилини бердим. Госпиталга келиб, Қоровулнинг ҳужрасига кирдим. Унинг хотини мени ўпид қарши олди. Ўзи қўлимни қисди.

— Қайтиб келдингиз! Соғ-саломат!

— Ҳа. Нонушта қилдингизми?

— Ҳа.

— Соғлингингиз яхими *tenente*? Соғлигингиз яхими? — сүраб қўймасди хотини.

— Яхши.

— Балки биз билан нонушта қиласиз?

— Йўқ, раҳмат. Айтинг-чи, ҳозир мисс Баркли госпиталдами?

— Мисс Баркли?

— Инглиз ҳамшираси-чи?

— Унинг севгилисими, — деди хотини. У елкамга шапатилаб, жилмайиб қўйди.

— Йўқ, — деди қоровул. — У кетган.

Юрагим шув этиб кетди.

— Ростданми? Мен ёш инглиз қизни айтяпман, баланд бўйли, оппоққина эди-ку, ўша.

— Рост. У Стрезага кетди.

— Қачон кетди?

— Икки кун бўлди. Бошқа инглиз ҳамшираси билан кетди.

— Хўп, — дедим мен. — Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Мени кўрганлигингиzinи ҳеч кимсага айтманг. Бу жуда жиддий гап.

— Мен ҳеч кимга айтмайман, — деди қоровул. Мен унга ўн лир бердим, лекин у олмади.

— Мен сизга ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда бердим-ку, — деди у. — Менга пул керак эмас.

— Сизга қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз, *tenente*, — деди унинг хотини.

— Ёрдамингиз шу бўлсин, — дедим.

— Биз сизни кўрмадик, — деди қоровул, — бирон нарса керак бўлиб қолса бизга хабар беринг.

— Яхши, — дедим, — яна кўришамиз. Хайр. — Улар эшикда орқамдан қараганча қолишли.

Мен экипажга ўтириб ашула айтишни ўрганаётган танишим Симмонснинг манзилини бердим.

Симмонс шаҳарнинг бошқа чеккасида Порта-Мажента яқинида турарди. Мен унинг олдига борганимда у ҳали ўрнида ётар, кўзларидан уйқуси ўчмаганди.

— Жуда эрта турасиз-да, Генри, — деди у.
— Мен эрталабки поезд билан келдим.
— Чекиниши нимаси бу ўзи? Сиз фронтда бўлдингизми? Сигарета чекасизми? Ҳов столнинг яшигида турибди.

Хона каттакон бўлиб, девор тагига каравот қўйилган, қарши томондаги бурчакда рояль, комод ва стол турарди. Мен каравотнинг олдига қўйилган стулга ўтирудим. Симмонс елкасидаги ёстиқقا суюниб ўтирганча, чекарди.

— Ишларимнинг мазаси йўқ, Сим, — дедим мен.
— Менини ҳам шунаقا, — деди у. — Менинг ҳеч ишларим яхши бўлган эмас. Чекасизми?
— Йўқ, — дедим, — Швейцарияга қандай қилиб кетса бўлади?
— Сизми? Сизни италянлар чегарадан ўтказишмайди.
— Шундай. Буни биламан. Швейцарлар-чи? Швейцарлар қандай муносабатда бўлишади?
— Улар сизни ушлаб, озодликдан маҳрум этишади.
— Биламан. Лекин бу ишлар ҳаммаси қандай қилинади?
— Жуда осон. Сизни қамаб — қамашмайди. Сиз истаган жойингизга бораверасиз. Фақат вақт-вақти билан текширишдан ўтиб турасиз. Нима? Сизни полиция таъқиб қиляптими?
— Ҳозирча номаълум.
— Агар айтгингиз келмаса, айтманг. Одамнинг эшитгиси келаётган бўлса ҳам майли. Бу ерда ҳеч қандай воқеалар бўлмайди. Мен Пъяченцада тоза шарманда бўлдим.
— Қўйинг-э!
— Рост, рост, расвойи маърака бўлди. Лекин яхши айтган эдим-да. Мен яна бир карра бу ерда «Лирико»-да ўзимни синааб кўрмоқчиман.
— Мен эшитолмаслигимдан афсусланаман.

— Саломат бўлсинлар. Нима, ишларингизнинг ростдан жуда мазаси йўқми?

— Билмадим.

— Айтгингиз келмаса, айтманг. Нега сиз анов лаънати фронтда эмас, бу ерларда юрибсиз.

— Мен уришиб бўладим.

— Яшанг. Мен доим сизни бамаъни йигит деб юарадим. Мендан нима хизмат лозим бўлса, тайёрман.

— Ўзингизнинг ишларингиз кўп.

— Бе, ишлар қаёқда, азизим, Генри. Вақтим бемалол. Бирон нарса билан машфул бўлсан қувониб юраман.

— Бўйимиз деярли сиз билан баравар. Менга костюм олиб келиб беролмайсизми? Менинг костюмларим бор-у, лекин ҳаммаси Римда.

— Айтгандай, сиз олдин у ерда тургансиз-ку. Бунаканги расво жойни билмайман! Қандай қилиб тургансиз у ерда?

— Мен архитектор бўлмоқчийдим.

— Бунга энг нобоп ер ўша ер. Ҳеч нарса сотиб олманг. Мен сизга нима керак бўлса, ҳаммасини бераман. Сизни шундай кийинтириб қўяйки, кўрганларнинг оғзи очилиб қолсин. Боринг, ҳов анави ерда кийимлар турибди. Дидингизга нима ёқса, барини олаверинг. Азизим, ҳеч нарсани сотиб олишнинг кераги йўқ.

— Барибир, сотиб олсан, яхши бўларди-да.

— Азизим, бориб сотиб олиб бергандан кўра сизга ўзимникини берганим менга осонроқ. Паспортингиз борми? Паспортсиз тирикчилик қилиб бўлмайди.

— Эски паспортим ёнимда.

— Унда кийининг, азизим, ва кўҳна, асл Гельвецияга томон олга.

— Булар ҳали ҳаммаси эмас. Мен ҳали Стрезага ҳам боришим керак.

-- Бундан яххиси борми, азизим! У ердан қайиқча ўтирасиз-у, тўғри нариги томонга равона бўласиз. Агар

ашулам бўлмаганда мен ҳам сизлар билан бирга борган бўлардим. Бораман ҳам.

— Сиз у ерда тирольча фальцетга ўтишингиз мумкин.

— Ўтганда қандоқ, азизим. Ашула айтишни билсам ҳам, ўтаман. Қизиги ҳам ўзи шунда-да.

— Бошим билан қасам ичаманки, сиз ашула айтишни биласиз.

У ўзини орқага ташлади-да, яна битта сигарет чекди.

— Яхиси, бошингизни тикманг. Мен ашула айтишни билсам ҳам ундан қилманг. Кулгили кўринади-ю, лекин мен айтишни биламан. Мен ашула айтишни севаман. Қулоқ солинг. — У «Африканка»ни ола бошлади; унинг бўйни таранг тортилди, томирлари бўртиб чиқди.

— Мен ашула айтишни биламан, — деди у. — Қолганига билганларини қилсинлар.

Мен деразага қарадим.

— Экипажни жўнатиб келай.

— Тезроқ қайтиб келинг, азизим, нонушта қилиб оламиз.

У ўрнидан турди, қаддини тиклади, ичига чуқур нафас олди-да, гимнастика машқларини бажара бошлади. Мен пастга тушиб, кучернинг ҳақини бериб юбордим.

Ўттиз тўртинчи боб

Кишилик кийимида ўзимни худди маскарадда юргандай сеза бошладим. Узоқ ҳарбий кийимда юрганигимдан энди ўзимни жуда ўнгайсиз сезардим, эгним, шимим ҳадеб ҳалпиллаб кетаётгандан туюла-веради. Мен Миланда Стрезагача билет олдим. Янги шляпа сотиб олдим. Симнинг шляпасини ҳеч киёлмадим. Лекин костюми яхши эди. Ундан тамаки ҳиди анқир, шунданмикин, купеда ўтирганимда, нуқул

шляпам жуда янги шляпа, костюмим эса жуда эски костюм бўлиб кўрина бошлади. Кайфиятим дераза ортидаги нам босган ломбард ерларидай нохуш эди. Купеда қандайдир учувчилар ўтиришар, менга жуда паст назар билан қарашарди. Уларнинг менга қарагилари келмас, ёш бўла туриб ҳарбий хизматда бўлмаган одамга нафратларини яширмас эдилар. Мен ўзимни ҳақоратланган деб ҳис қиласдим. Аввалги пайтларим бўлса, уларни ҳақоратлаган ва жанжал чиқарган бўлардим. Улар Галларатеда тушиб кетишиди, ёлғиз қолиб ўзимни эркин сездим. Газета олган эдим, лекин унга қарагим келмасди, уруш ҳақидаги хабарларни ўқигим йўқ эди. Мен урушни унтишга қарор қилдим. Ўз ҳолимга ўзим сулҳ туздим. Ўзимни жуда ҳам ёлғиз сездим, шунинг учун поезд Стрезага келганда енгил нафас олдим.

Вокзалда меҳмонхоналарнинг одамлари бордир, деб ўйлаган эдим, лекин биронтаси кўринмади. Мавсум аллақачон тугаган, шу сабабдан ҳеч ким поездни кутгани чиқмаганди. Мен вагондан жомадонимни кўтариб тушдим. У Симники эди, ичида иккита кўйлакдан бошқа нарса бўлмаганидан қушдай енгил эди. Вагондан тушиб поезд жўнагунча ўрнимдан қимирамадим. Вокзал хизматчиларидан биридан, билмайсизми, ҳозир қайси меҳмонхоналар очик, деб сўрадим. «Гранд-отель», «Дез иль-Борроме» ва яна йил бўйи ишлайдиган бир қанча меҳмонхоналар очик экан. Ёмғирда кўлда жомадон билан «Дез иль-Борроме» га қараб йўл олдим. Кўчадан ўтиб обраётган экипажга қўлимни кўтардим. Экипажда борган маъқулроқ эди. Биз каттакон меҳмонхонанинг эшиги олдига бориб тўхтадик, портье соябон кўтариб пешвоз чиқди, яхши мулозамат кўрсатди.

Яхши бир хонани танладим. Хона каттакон ва ёруғ эди, деразаси кўл томонга очиларди. Кўл тепасида булатлар осилиб турар, лекин мен қуёш чиққан маҳалларда унинг жуда ҳам гўзал бўлишини билардим. Мен

ўз хотинимни кутяпман, дедим. Хонада катта икки кишилик, *lettomatrimoniale*⁴⁰ атлас кўрпа тўшалган ҳолда туарди. Жуда ҳам бориб турган меҳмонхона экан. Мен узун йўлакдан ўтиб, кенг зина орқали барга тушдим. Бармен эски танишим эди, баланд курсида ўтириб шўр данак билан қувроқ қоврилган картошка едим. Мартини муздек ва таъми тоза эди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз, *in borghese*⁴¹? — менга иккинчи мартинини аралаشتариб бераркан, сўради бармен.

— Мен таътилдаман. Соғалифимни яхшилаш учун таътил олдим.

— Бу ерда ҳозир ҳеч ким йўқ. Билмадим, нега меҳмононани беркитишмаяпти.

— Балиқ ови қалай?

— Бир нечта зўр хонбалиқ ушладим. Йилнинг бу фаслида хонбалиқларнинг зўрлари учраб туради.

— Сизга юборган тамакини олдингизми?

— Олдим. Сиз менинг табрик қофозини олмадингизми?

Кулиб юбордим. Мен у айтган тамакини тополмагандим. Унга Американинг ўрама тамакисини ваъда қилгандим, лекин уйдан менга уни юбормай қўйишиган, ё бўлмаса, уни қаердадир тутиб қолмоқда эдилар. Ҳар ҳолда келмай қўйганди.

— Мен сизга бирон ердан топиб бераман, — дедим.

— Айтинг-чи, сиз бу ерда икки ёш инглиз қизни учратмадингизми? Улар ўтган куни келишган.

— Меҳмонхонамиизда бундайлар йўқ.

— Улар ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлиб ишлashingdi.

— Иккита ҳамшира қизни кўргандим. Бирпас тўхтанг, мен уларнинг қаерда турганларини билиб келаман.

⁴⁰ Оила тўшаги (итал.).

⁴¹ Кишиликда (итал.).

— Биттаси — менинг хотиним. Мен бу ерга у билан учрашгани келдим.

— Бошқаси — менинг хотиним.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ.

— Аҳмоқона ҳазилимни маъзур кўринг, — деди у.

— Фаҳмламабман.

У чиқиб кетди ва анчагача қайтмади. Мен маслиналар, шўр данак, қувроқ картошка еб ўтиредим, пештахта ортидаги ойнадан ўзимнинг кишилик кийимларимни томоша қилдим. Ниҳоят, бармен қайтиб келди.

— Улар вокзал ёнидаги кичкина меҳмонхонада жойлашган эканлар, — деди у.

— Сизда сандвичлар борми?

— Ҳозир қўнғироқ қиласман. Одам йўғидан бу ерга ҳеч нарса опкелишмайди.

— Нима, ҳеч ким йўқми?

— Битта-яримта бор, йўғамас.

Сандвичларни келтиришди ва мен учтасини еб олдим, яна мартини ичдим. Мен ҳеч қачон бунчалар муздек ва сара нарсани ичмаган эдим. Мартинининг таъми мени маданий одамлар оламига қайтарди. Кўп замонлардан бери еганим нон, пишлоқ, ичганим қизил вино, маза-матрасиз қаҳва бўлганди. Баланд курсида қизил оғочлар, бронзалар ва ойналар қуршовида ўтириб, ҳеч нарсани ўйламасдим. Бармен менга қандайдир бир савол берди.

— Уруш ҳақида гапирмайлик, — дедим мен.

Уруш қаердадир жуда узоқларда қолди. Эҳтимол, ҳеч қандай уруш бўлмагандир. Бу ерда уруш йўқ. Тўсиндан у мен учун тамом бўлганини англадим. Лекин менда у чиндан ҳам тамом бўлганига комил ишонч ҳисси йўқ эди. Дарсдан қочган бола мактабда ҳозир нима бўлаётганини ўйлаганидай, мен ҳам қочиб келган ерларимни ўйлардим.

Отелга борганимда Кэтрин Эллен Фергюсон билан овқатланишаётган экан. Йўлакдаёқ уларнинг стол ат-

рофида ўтирганларини кўрдим. Кэтрин мен томонга орқа ўтирганидан, толалари туташ сочларини, бир ёнофини ва оппоқ бўйни билан елкаларини кўриб бордим. Фергюсон ниманидир ҳикоя қилаётганди. Мен киришим билан жим бўлиб қолди.

— Вой, Худо! — деди у.

— Салом! — дедим мен.

— Вой, сизми? — деди Кэтрин. Унинг юзи ёришиб кетди. У кўзларига ишонгиси келмасди.. Мен уни ўпдим. Кэтрин қизариб кетди, мен уларнинг ёнига ўтирдим.

— Буни қаранг-а! — деди Фергюсон. — Бу ерда нима қилиб юрибсиз? Сиз овқатландингизми?

— Йўқ.

Столга овқат ташиб турган қиз кирди, менга ҳам овқат олиб келишни айтдим. Кэтрин чараклаган кўзларини мендан узмасди.

— Нима муносабат билан сиз муфти⁴² кийиб олдингиз? — сўради Фергюсон.

— Кабинет аъзоси бўлиб қолдим.

— Сиз бирон бўлмағур иш қилиб қўйгансиз.

— Сал қовофингизни очинг, Фержи. Сал қовофингизни очинг.

— Сиз ҳозир кулиб боқадиган аҳволда эмассиз. Манави қизни қай йўлларга бошлаганингизни биламан. Хурсанд бўладиган жойи йўқ.

Кэтрин менга қараб жилмайди ва стол тагидан оёғи билан мени туртиб қўйди.

— Ҳеч ким мени ҳеч қандай кўйга солмади, Фержи. Мен ўзимни ўзим шу кўйга солдим.

— Уни кўргани кўзим йўқ, — деди Фергюсон. — У ўзининг италянча қилиқлари билан сизни хароб қилди. Америкаликлар италянлардан ҳам бўлмағурроқ ҳалқ.

⁴² Муфти — Амалдорлар ишдан кейин киядиган кийим (ҳинду).

— Шотландлар эса — хушхулық одамлар, — деди Кэтрин.

— Мен уни айтаётганим йўқ. Мен унинг италянча маккорлигини айтяпман.

— Наҳотки, мен маккор бўлсам, Фержи?

— Ҳа. Сиз маккорнинг ҳам ёмонисиз. Сиз чинакам илонсиз. Италян мундири билан плашини кийиб олган илонсиз.

— Мен италян мундирини ечиб ташладим.

— Бу маккорлигингизга яна бир далил бўла олади. Ёзи билан қиз иккингиз ишқ-муҳаббатга берилиб, энди эса, жуфтакни ростлаб қолмоқчисиз.

Мен Кэтринга қараб жилмайдим, у ҳам менга табассум билан жавоб берди.

— Биз икковимиз жуфтакни ростлаб қолмоқчимиз, — деди у.

— Бирингизни олиб иккинчингизга урадиган, — деди Фержи. — Сизнинг қилифингиздан ер ёрилмади-ю, мен ерга кириб кетмадим, Кэтрин Баркли. На орият, на номус қолди сизда, сиз ҳам худди унга ўхшаган маккорсиз.

— Қўйинг, Фержи, — деди Кэтрин ва унинг қўлига шапатилаб қўйди. — Мени қўп уришаверманг. Бир-биримизни севишимизни биласиз-ку.

— Олинг қўлингизни, — деди Фергюсон. Унинг бети қизаруб кетганди. — Агар сиз уяtingизни йўқотмаганингизда бошқа гап эди. Аекин сиз, Худо билади, неча ойдан бери ҳомиләдорсиз-у, буларнинг ҳаммасини ҳазил деб биласиз, ўзингизни йўлдан оздирган одамини кўришингиз биланоқ оғзингизни кулгидан йиғиштиrolмайсиз. На уят бор, на номус.

У йиғлаб юборди. Кэтрин бориб уни бир қўли билан қучоқлаб олди. У Фергюсонни юпатиш учун ўрнидан турганда, унинг гавдасида ўзгариш сезмадим.

— Менга барибири, — деди Фергюсон. — Лекин буларнинг охири нима бўлади?

— Бўлди, бўлди, Фержи, — юпатарди уни Кэтрин.
— Мен яхши қиз бўламан. Йифламанг, Фержи. Йифламанг, жоним, бўлди.

— Мен йифламайман, — дерди пиқ-пиқ қилиб Фергюсон. — Мен йифламайман. Лекин сизнинг аҳволингизни ўйласам. — У менга ўтирилди. — Сизни кўришга кўзим йўқ, — деди у. — Барибир ёмон кўраман сизни. Сиз қабиҳ, маккор американлик италянсиз. — Унинг бурни ва кўзлари йифидан қизарib кетганди.

Кэтрин менга жилмайди.

— Мени қучоқлаб турганингизда унга сира ҳам кулиб қараманг.

— Сиз ақлли қиз эдингиз-ку, Фержи.

— Биламан, — деди пиқиллаб Фержи. — Менга эътибор берманг. Жуда юрагим ёмон бўлиб кетди. Мен номаъқул қизман. Ўзим ҳам биламан. Мен ҳар икковларингиз баҳтли бўлишингизни истайман.

— Биз ҳалиям баҳтлимиз, — деди Кэтрин. — Менинг маъқулгинам, Фержи.

Фергюсон яна йифлаб юборди.

— Мен сизларнинг бунаقا бетайин баҳтли бўлишингизни истамайман. Нега сиз уйланмайсиз? Худо кўрсатмасин, у ўзи уйланмаган йигитмикин?

— Уйланмаганман, — дедим мен. Кэтрин кулиб турарди.

— Куладиган жойи йўқ, — деди Фергюсон. — Бунаقا воқеалар тез-тез бўлиб туради.

— Биз турмуш қурамиз, Фержи, — деди Кэтрин, — сизни хурсанд қилиш учун турмуш қурамиз.

— Мени хурсанд қилиш учун эмас, албатта. Сиз ўзингиз буни ўйлашингиз керак.

— Биз жуда ҳам банд эдик.

— Ҳа. Биламан. Бола қилиш билан банд эдинглар.

Мен у яна йигини бошлаб берса керак деб турган эдим, кутилмаганда у гинахонлик қила бошлади.

— Энди сиз у билан кетиб қоласиз-да, а?

— Ҳа, — деди Кэтрин. — Агар у истаса.

- Мен-чи?
- Сиз бу ерда бир ўзингиз қолишдан қўрқасизми?
- Ҳа, қўрқаман.
- Унда мен сиз билан қоламан.
- Йўқ, у билан кетинг. Ҳозироқ у билан кетинг.
- Сизларни бошқа кўришни истамайман.
- Овқатланиб олайлик.
- Йўқ, у билан кетинг. Ҳозироқ у билан кетинг.
- Фержи, енгилтак бўлманг.
- Ҳозироқ бу ердан кетинглар, деяпман. Икковинг ҳам кетинглар.
- Майли, юр, — дедим мен. Фержи жонимга тегиб кетганди.
- Кетинг деса жон-жон деб кетаверинглар. Овқатни ҳам энди бир ўзим еярканман-да. Мен қачонлардан бери италян кўлларига боришини орзиқиб кутгандим, мана оқибати нима бўлди. О! О! — У пиқиллаб йифлай бошлади, кейин Кэтринга қаради-да, қалқиб кетди.
- Биз тушлик тугагунча қоламиз, — деди Кэтрин.
- Агар мен билан қол, дейдиган бўлсангиз, сизни ёлғиз қолдирмайман. Мен сизни ёлғиз қолдирмайман, Фержи.
- Йўқ, йўқ. Кетаверинглар. Кетаверинглар. — У кўз ёшларини артди. — Мен жуда енгилтакман. Қўйинглар, менга эътибор берманглар.
- Овқат пайтида хизмат қилиб турган қиз бу кўз ёшлардан қаттиқ таъсиrlанди. Кейинги таомни олиб келиб ҳаммаси тинчиганлигини кўргач, енгил нафас олди.
- Меҳмонхонада ўз хонамиздамиз. Тун. Эшикнинг нарёғи узун кимсасиз йўлак, оёқ кийимларимиз эшикнинг тагида, хонага қалин гилам тўшалган, ташқарида ёмғир, хона чароғон, шинам, кўзларда эса қувонч, кейин қоронфилик, майин чойшаблар ҳамда тўшакнинг фарофати, гўё уйингга қайтиб келгандайсан, ёлғиз эмассан, тунда уйғониб кетсанг, ёнингда жуфти ҳалолингни кўрасану, ҳеч қаерга кетиб қол-

маган, сенга шулардан ўзга ҳеч нарса керак эмас, сен учун дунёда бошқа ҳеч нарса йўқ ҳозир. Биз толиб, ухлаб қолар, уйғонсак, икков баробар уйғонар, шунда одам ўзини ёлғиз ҳис қиласди. Баъзан эркак киши ёлғиз қолгиси келади, хотин кишининг ҳам ёлғиз қолгиси келади, агар улар бир-бирларини севсалар бундан ранжийдилар. Бизда ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Биз бирга бўлган пайтимизда, ўзимизни ёлғиз, бутун олам қаршисида ёлғиз деб ҳис қила олардик. Менда биринчи марта бирга бўлганимизда шундай туйфу туғилганди. Мен кўп аёлларни билардим, лекин улар билан бўлганимда ўзимни ёлғиз сезардим, бу ёлғизликлар ичида энг ёмонроғи эди. Лекин биз бирга бўлганимизда ҳеч қачон ўзимни ёлғиз сезмас, бирга бўлган пайтларимизда ҳеч нарсадан қўрқмасдик. Мен биламан, туннинг кундан фарқи бор, тунда ҳамма нарса бошқача бўлиб кўринади ва тунда бўлган гапларни кундузи тушунтириб бериб бўлмайди, у онлар ўтадикетади, лекин агар одам ўзини ёлғиз сезган бўлса, унда тундаги ёлғизлик яна ҳам даҳшатлироқ бўлади. Бироқ Кэтрин билан тунимиз кундузимиздан фарқ қилас, эҳтимолки, кечалари бир оз яхшироқ ҳам эди. Одамлар бу дунёга шунча жасорат олиб келганларидан сўнг, дунё уларни синдириш учун ҳалок қилиши керак бўлади, шу боисдан уларни ўлдиради. Дунё ҳаммани букиб қўяди, лекин кўплар букилганда яна ҳам қаттиқроқ, чидамлироқ бўлиб қолади. Лекин эгилишни истамаганларни у ўлдиради. У энг шафқатли, энг нозик ва энг мард одамларни суриштирмай ўлдираверади. Агар сен униси ҳам, буниси ҳам борингки, учинчиси ҳам бўлмасанг, амин бўлгилки, сени ҳам ўлдиражаклар, фақат кўпам шошмасдан ўлдирадилар.

Мен эрталаб уйғонганимни эслайман. Кэтрин ҳали ухлаб ётар, қуёш нури деразадан тушиб турарди. ёмғир тинганди, ўрнимдан туриб, ойна олдига келдим. Пастда боғлар чўзилиб кетган, улар ҳозир яланғоч бўлиб қолган, лекин боғларнинг адл шакллари гўзал кўри-

нарди, майда қум тош түшалган йўлкалар, дараҳтлар, кўл бўйидаги тош панжара ва офтоб нурида ётган кўл, кўлнинг нариги томонидаги тоғлар ғоятда гўзал эди. Деразадан томоша қилиб туриб орқамга ўгирилдим, ўгирилиб, Кэтрин уйғонганини, менга тикилиб турганини кўрдим.

— Дарров турдингми, жоним? — деди у. — Қандай яхши кун!

— Қалай, ўзинг тузукмисан?

— Жуда ҳам яхши. Кечаси бирам яхши бўлдики.

— Қорнинг очдими?

Унинг қорни очибди. Мен ҳам очқагандим, деразадан ноябрь қуёши тушиб турарди, биз ликопчалар қўйилган патнисни тиззамизга қўйиб овқатландик.

— Сен газета ўқиши истамайсанми? Госпиталда доим газета ўқирдинг.

— Йўқ, — дедим. — Энди истамайман.

— Газеталардан ҳам ихлосинг қайтиб кетдими?

— Қарагиси ҳам келмайди одамнинг.

— Сен билан бирга бўлганимда ҳаммасини ўз кўзим билан кўрган бўлардим.

— Бир куни сал миям тиникдашгандан кейин ўзим гапириб бераман.

— Сени ҳарбий кийимда эмаслигингни кўриб қолишса, қамаб қўйишмайдими?

— Мени отиб ташлашса керак.

— Унда бу ерда туришимиз мумкин эмас, чет элга кетайлик.

— Мен ҳам шуни ўйлагандим.

— Кетамиз. Жоним, бекорга жонингни хавф остига қўйма. Менга айт, Местредан Миланга қандай қилиб келиб қолдинг?

— Поезд билан келдим. Унда ҳали ҳарбий кийимими ни ечмагандим.

— Бу хавфлимиди?

— Унчаликмас. Эски литерим бор эди. Местреда санасини ўзгартириб олдим.

— Жоним, бу ерда сени ҳар бир дақиқада қўлга олишлари мумкин. Мен истамайман. Бу тентаклик. Агар сени қамоққа олишса, бизнинг ҳолимиз нима кечади?

— Буни ўйламайлик. Буни ўйлайвериб миям ғовлаб кетди.

— Сени қамоққа оламиз деб келишса, нима қиласан?

— Отиб ташлайман.

— Кўрдингми, қандай тентаксан. Биз бу ердан кетмагунимизча, мен сени меҳмонхонадан чиқармайман.

— Хўп, қаерга борамиз?

— Қўй, унақа бўлма, жоним. Қаерга десанг, ўша ерга борамиз. Лекин шундай жойни топгинки, ҳозирнинг ўзидаёқ жўнаб кетиш мумкин бўлсин.

— Кўлнинг нарёғи Швейцария, ўша ерга бориш мумкин.

— Ана — қандай соз.

Яна булутлар тўпланди ва кўл юзи қорайди.

— Қани энди ҳар доим жиноятчи бўлмай яшасанг, — дедим мен.

— Жоним, унақа бўлма. Қачондан бери жиноятчи бўлиб қолибсан? Биз ҳеч қачон жиноятчи бўлмаймиз. Бизнинг ҳаётимиз жуда ҳам яхши бўлади.

— Мен ўзимни жиноят қилиб қўйгандай сезяпман. Мен армиядан қочдим.

— Жоним, қўй, ақдли бола бўл. Сен армиядан қочганинг йўқ. Бу италянларнинг армияси-ку.

Мен кулиб юбордим.

— Хўп доносан-да. Ке, яна бирпас ётамиз. Тўшакда ётсам, дунё кўзимга жаннат бўлиб кўринади.

Салдан сўнг Кэтрин деди:

— Энди ўзингни жиноятчи деб ҳис қилмаяпсан, тўғрими?

— Йўқ, — дедим мен. — Сен билан бирга бўлганимда — йўқ.

— Сен жуда тентак боласан, — деди у. — Лекин мен шалвираб қолишингга йўл қўймайман. Жоним, бир

ўйлаб күргин-а, ҳозир эрталаблари күнглим айни ма-
япти, қандай яхши.

— Зўр.

— Қандай зўр хотининг бор, қадрига ҳам етмай-
сан. Лекин менга барибир. Мен сени қамаб қўйи-
майдиган бирон ерга олиб кетаман. Биз жуда ҳам
яхши ҳаёт кечира бошлаймиз.

— Ҳозироқ кетганимиз бўлсан.

— Бош устига, жоним. Қаерга десанг, қачон десанг,
сенинг ихтиёрингдаман.

— Ке, ҳеч нарсани ўйламаймиз.

— Ке.

Ўттиз бешинчи боб

Кэтрин қирғоқ билан кичик меҳмонхонага Фергю-
сонни кузатгани кетди, мен бўлсан, барда газета
ўқиб ўтиридим. Барда ўтиришга қулай бўлган кресло-
лар қўйилган, мен то бармен келгунча улардан бири-
да газета ўқиб ўтиридим. Армия Тальяментода тўхта-
мабди. У яна ҳам нарироққа, Пъявага чекинибди. Пъя-
ва эсимда эди. Темир йўл фронтга кетаверишда уни
Сан-Дон яқинида кесиб ўтарди. Дарё бу ерда жуда
ҳам чуқур ҳамда тор ердан тинч оқиб ўтарди. Оқим-
нинг қуий қисмида ботқоқ ерлар, каналлар бор эди.
Бир қанча чиройли виллалар бўларди. Бир куни уруш-
дан илгари Кортина-д, Ампеццога бора туриб мен бир
неча соат Пъява устидаги тоғ йўлидан юрган эдим.
Тепадан қараганда у хонбалиқлар гужрон ўйнаган сой-
га ўхшаб кўринганди, қояларнинг сояларида саёз ва
чўнқир жойлари бор эди. Кадорега борганда у четга
бурилиб кетарди. Мен қўшинларга Пъявадан тушиш
осон бўлмайди, деб ўйладим. Бармен кирди.

— Граф Греффи сизни сўради, — деди у.

— Ким?

— Граф Греффи. Эсингиздами, ўтган сафар келга-
нингизда бу ерда бўлган чол-чи?

- У шу ердами?
- Ҳа, жияни билан. Мен унга сизнинг шу ердали-гингизни айтдим. У сиз билан бильярд ўйнамоқчи.
- Қаерда у?
- Айлангани кетди.
- Ўзи қалай?
- Борган сари яшаряпти. Кеча тушлик олдидан шампан билан учта коктейль ичди.
- Бильярдни қалай ўйнаяпти?
- Яхши. Мени ютади. Унга сизнинг шу ерда экан-лигингизни айтсам, у жуда суюнди. У билан ўйнайдиган одам йўқ.

Граф Греффи тўқсон тўртга кирганди. Соч-соқоллари оқариб кетган, ниҳоятда хушфөъл бу чол. Меттернихнинг замондоши эди. У ҳам Австрия, ҳам Италия дипломатиясининг хизматида бўлган, унинг туғилган куни Милан киборлари ҳаётида бир воқеа каби ўтказилган эди. У юзга киришни орзу қилас, бильярдни ўзига ишониб енгил ўйнар, тўқсон тўртга кирган одам учун бу жуда гаройиб кўринарди. Мен у билан бир пайтлар мавсум тугаган маҳалда Стрезага келиб қолганимда танишган, у билан бильярд ўйнаб шампан ичгандик. Менга бу жуда хуш ёқиб кетганди, у ўшанда менга олдиндан ўн беш очко бериб ютиб олганди.

- Унинг бу ерда эканлигини нега менга айтмадин-гиз?
- Ёдимдан кўтарилибди.
- Бу ерда яна ким бор?
- Бошқаларни сиз билмайсиз. Бутун меҳмонхона-да фақат олти киши бор.
- Ҳозир нима қиляпсиз?
- Ҳеч нарса.
- Юринг, балиқ овлагани борамиз.
- Бирон соатга бўлса, майли.
- Юринг. Қармоқни олинг.

Бармен пальтосини кийиб олди ва биз йўлга тушдик. Қирғоққа тушиб қайиқ олдик-да, мен эшкак эшдим, бармен қўйруққа ўтириди, қармоқни ташлади. Қармоғи кўл хонбалигини овлайдиган учидаги оғир чўки ва сипинери бўлган қармоқ эди. Биз қирғоқ ёқалаб кета бошладик, бармен вақт-вақти билан ипни тортиб қўярди. Кўлнинг ичидан Стреза жуда ҳам ҳувиллаб кўринарди. Барглари тўкилиб, қуруқ оғочи қолган дараҳтларнинг чўзилиб кетган қаторлари, каттакон меҳмонхоналар ва қулфлаб кетилган виллалар кўринарди. Мен Изола-Белла томонга бурилдим-да қайиқни қирғоқ бўйлаб олиб кета бошладим. Бу ердан қояларнинг кўл тагига чуқур кириб кетгани тиниқ сувда кўриниб турарди. Бир оз юргач, балиқчилар оролига томон бурилдим. Қуёш булатлар орасига кириб кетди, сув қоронги, тиниқ на жуда ҳам совуқ эди. Балиқ бир неча бор олдимизда айланиб юрди-ю, икки қармоғимиз бирон марта ҳам қимирамади.

Мен қирғоғига қайиқлар чиқариб қўйилган, балиқчилар тўр тузатишашётган оролга томон эшкак эшдим.

— Юринг, бирон нарса ичайлик.

— Юринг.

Мен қайиқни тош қирғоқда тўхтатдим. Бармен қармоқни сувдан чиқарди, уни қайиқ тагида ўрадида, спиннерни бортнинг четига қистириб қўйди. Мен тушиб қайиқни боғлаб қўйдим. Биз кичкина бир қаҳвахонага кириб, тахта столга ўтиридик, вермут сўрадик.

— Чарчадингизми?

— Йўқ.

— Қайтишда эшкакни мен оламан, — деди у.

— Мен эшкак эшишни яхши қўраман.

— Балки қармоқни сиз ташласангиз омадимиз келар.

— Майли.

— Айтинг-чи, урушда аҳвол қандай?

— Ёмон.

— Мен боролмайман. Мен худди граф Греффидай қарыб қолганман.

— Балки ҳали сизга ҳам боришга түгри келиб қолар.

— Келаси йили мендайларни чақиришади. Аммо мен бормайман.

— Бормай нима қиласиз?

— Чет элга кетаман. Мен урушга боришни истамайман. Мен бир марта урушда бўлганман, Абиссинияда. Етар. Нега сиз бордингиз?

— Билмайман. Аҳмоқлик.

— Яна ичамизми?

— Майли.

Қайтишда қайиқни бармен ҳайдади. Биз кўлдан Стрезанинг орқасига айланиб ўтдик, кейин орқага қайтдик, қирғоқ доим кўз ўнгимизда турди. Мен қармоқни ушлаб, айланайтган спиннернинг секин-секин қимиралишига қулоқ соларканман, ноябрь ойининг қорайиб қолган сувларига, кимсасиз соҳиляга боқардим. Бармен кенг қулоч отиб эшкак эшар, қайиқ олға сапчиганда қармоқ таранг тортилди ва орқага силтади, мен торта бошладим, хонбалиқнинг оғирлигини сезиб турадим, кейин қармоқ яна тортилди. Хонбалиқ тушиб кетди.

— Оғирмиди?

— Анча оғир эди.

— Бир марта бир ўзим овлаётган эдим, қармоқни тишим билан ушлаб ўтиргандим, биттаси шундоғам тортиб қолса бўладими, нақ жағимни суғуриб олай деди.

— Энг яххиси, оёққа боғлаб олиш керак, — дедим мен. — Унда тортганини ҳам биласиз, тишларингиз ҳам омон қолади.

Мен қўлимни сувга тиқиб кўрдим. Сув жуда ҳам совуқ эди. Биз меҳмонхона қаршиисига бориб қолгандик.

— Мен боришим керак, — деди бармен, — мен ўн бирга етиб боришим керак. *L'heure du cocktail*.⁴⁶

— Яхши.

Мен қармоқни чиқариб, уни икки учи кертиб қўйилган таёққа ўрадим. Бармен қайиқни тош деворнинг кичкина ўйифига ўрнаштириди-да занжир солиб қулфлаб қўйди.

— Яна тушгингиз келса, — деди у, — сизга калитни бериб тураман.

— Раҳмат.

Меҳмонхонага кўтарилиб барга кирдик. Эрталабдан туриб бошқа ичгим келмади-да, ўз хонамга чиқиб кетдим. Оқсоқ қиз эндиғина йиғиштириб бўлган экан, Кэтрин эса ҳали қайтмабди. Мен ўринга ётдим, калламдан ҳар хил фикрларни қувишга ҳаракат қилдим.

Кэтрин қайтиб келгандан кейин яна ҳамма нарса ўз ўрнига тушди. Фергюсон пастда турибди, деди у. У биз билан нонушта қиларкан.

— Сен йўқ демаслигингни билардим, — деди Кэтрин.

— Майли, — дедим.

— Нима қилди, жоним?

— Билмадим.

— Мен биламан. Нима қилишингни билмагансан. Сенинг мендан ўзга ҳеч киминг йўқ, мен бўлса, кетиб қолдим.

— Сен ҳақсан.

— Кечир мени, жоним. Бирдан атрофингда ҳеч ким қолмаса, жуда ҳам ёмон бўлади, биламан.

— Доим шовқин-суронда, одамлар ичида яшаб келгандман, — дедим. — Энди ёнимда сен бўлмасанг, ҳамма ёқ ҳувиллаб қолади.

— Мен доим ёнингдаман, жоним. Мен фақат икки соатгагина кетгандим. Бирон иш билан машгул бўлсангмикин?

⁴⁶ Коктейль вақти (франц.).

— Мен бармен билан балиқ овлагани боргандим.

— Яхши бўлдими?

— Ҳа.

— Мен йўқлигимда мени ўйлама.

— Фронтда юрганимда шундай қилардим. Лекин у ерда қиладиган ишинг бошингдан ошиб ётади.

— Истеъфога чиққан Отелло, — деди у ҳазиломуз.

— Отелло ҳабаш эди, — дедим мен. — Бундан ташқари мен рашикчи эмасман. Фақат мен сени шундай севаманки, дунёда сендан бошқа ҳеч нарса кўзимга кўринмайди.

— Ҳўп, энди яхши бола бўлиб, Фергюсон билан хушмуомалада бўлгин.

— Мен доим Фергюсонга хушмуомалада бўлиб келганман, фақат ўзи гапни қарғашдан бошламаса бўлгани.

— Яхши муомала қил. Ўйлаб кўр, биз кўп нарсага эгамиз, унинг эса ҳеч нарсаси йўқ.

— У биздай бўлишига ишонмайман.

— Сен, жоним, ҳеч нарсани билмайсан, яна ақдли боласан.

— Унга ёмон гапирмайман.

— Шундай бўлсин, жоним. Қандай яххисан.

— Лекин кейин у қолмайди, а?

— Йўқ. Мен уни жўнатиб юбораман.

— Яна шу ерга қайтиб келамиз, а?

— Албатта. Бўлмасам-чи?

Биз Фергюсон билан нонушта қилгани пастга тушдик. Унга меҳмонхона билан ҳашаматли ресторон қаттиқ таъсир қилди. Биз яхшилаб нонушта қилдик, икки шиша капри ичдик. Ресторонга граф Греффи кириб келди, у бизга бош эгиб қўйди, ёнида жияни бор эди, кўринишдан менинг бувимга ўхшаб кетарди. Мен у ҳакда Кэтрин билан Фергюсонга ҳикоя қилиб бердим, Фергюсон қаттиқ таъсирланди. Меҳмонхона каттакон, ҳашамдор, кимсасиз бўлса ҳам, лекин овқатлари totли, виноси ёқимли эди, охирида

ҳаммамизнинг кайфиятимиз бир қадар кўтарилиди. Кэтриннинг вақти чоғ эди. У баҳтиёр эди. Фергюсон жуда очилиб кетди. Ўзимнинг ҳам руҳим кўтарилиди. Нонуштадан кейин Фергюсон ўз меҳмонхонасига қайтиди. Мен нонуштадан кейин бир оз дам олмоқчиман, деди у.

Кечкурун кимдир эшигимизни тақиллатди.

— Ким у?

— Граф Греффи бильярд ўйнамасмикинлар деб сўраяптилар.

Мен соатга қарадим; уни қўлимдан олиб, ёстиқнинг тагига тиқиб қўйган эди.

— Бориш шартми, жоним? — шивирлади Кэтрин.

— Бормасам бўлмайдиганга ўхшайди. — Соат тўртдан ўн беш дақиқа ўтганди. Мен баланд овоз билан дедим: — Граф Греффига айтингки, мен бильярдхонада соат бешда бўламан.

Ўн бешта кам бешда Кэтринни ўпдим-да, кийингани ваннага ўтдим. Галстугимни тақиб ойнага қарапканман, ўзимни кишилик кийимда яна фалати сездим. Яна кўйлак билан пайпоқ олмасам бўлмас экан деб қўйдим.

— Қачон келасан? — сўради Кэтрин. У тўшакда жуда ҳам чиройли эди. — Менга тароқ билан чўткани олиб бер-чи.

У бошини бир томонга қийшайтириб соchlарини тарапкан, бутун соchlари бир томонга сочилиб тушди. Ташқарига қоронғи тушиб келмоқда эди, тўшакнинг бош томонидаги чироқнинг нури унинг соchlарига, бўйнига, елкаларига тўкиларди. Мен бориб унинг тароқли қўлинни четга қайирдим, шунда унинг боши ёстиқقا тегди, уни ўпдим. Унинг бўйнилари, елкаларидан ўпдим. Уни шундай қаттиқ севардимки, бoshim айланмоқда эди.

— Боргим келмаяпти.

— Мен ҳам боришингни истамайман.

— Унда бормайман.

— Йўқ. Бор. Узоқ кетмайсан-ку. Кейин қайтиб келасан.

— Биз шу ерда овқатланамиз.

— Бор, тезроқ қайтиб кел.

Граф Греффи бильярдхонада экан. У турли зарбларни синааб кўрар, бильярд тепасига тушиб турган чироқ шуъласида ўзи увоқцина бўлиб кўринарди. Сал нарироқда, қоронги бурчакдаги столчада ичига муз солинган кумуш пақирча бўлиб, ундан икки шиша шампаннинг бўйни чиқиб турарди. Киришим билан граф Греффи қаддини тиклади ва менга пешвоз юрди. У менга қўлинни узатди.

— Сизни бу ерда кўрганимдан жуда хурсандман. Илтифот қилиб мен билан ўйнагани келибсиз.

— Мени ўйинга таклиф қилиб илтифот кўрсатганингиздан бошним осмонга етди.

— Соғлигингиз қалай? Сиз Изонцода яраланибсиз деб эшитгандим. Бутунлай шифо топиб кетдингизми?

— Соғлигим яхши. Ўзингиз тузукмисиз?

— О, мен доим соғман. Лекин қариб қоляпман. Қариллик аломатларини сезяпман.

— Бунга одамнинг ишонгиси келмайди.

— Ҳа. Мана сизга бир мисол. Менга ҳозир бошқа тилда гапиришдан кўра италян тилида сўзлаш осонроқ. Мен ўзимни мажбур қиласман, лекин толиқкан маҳалларимда менга барибир италянча гапириш енгилроқ кўринади. Шунга қараганда қариб қолаётибман, шекиали.

— Италянча гаплашаверамиз. Мен ҳам бир оз чарчаганман.

— О, агар чарчаган бўлсангиз, сизга инглизча гапириш қулайроқ бўлади.

— Америка тилида.

— Ҳа. Америка тилида. Марҳамат, Америка тилида гапираверинг. У шундай бир жозибали тилки...

— Мен ҳозир америкаликлар билан деярли кўришмай қўйганман.

— Сиз афтидан уларсиз жуда зериксангиз керак. Ватандошларинг бўлмаса, жуда зерикларли бўлади ва айниқса, ватандош қизлар бўлмаса. Мен буни ўз тажрибамдан биламан. Хўп, ўйнаймизми ёки қаттиқ чарчаганмисиз?

— Мен чарчаганим йўқ. Мен буни ҳазиллашиб айтдим. Менга олдиндан қанча очко берасиз?

— Сиз кўп ўйнаб турдингизми?

— Ҳеч ўйнаганим йўқ.

— Сиз жуда яхши ўйнайсиз. Ўн очко?

— Сиз мени мақтаб юборяпсиз.

— Ўн беш?

— Бу жуда ҳам антиқа бўларди-ю, лекин сиз мени барибир ютасиз.

— Пул тикиб ўйнаймизми? Сиз доим пул тикиб ўйнашни маъқул кўрардингиз.

— Маъқул.

— Балли. Мен сизга ўн саккиз очко бераман ҳар очкога бир франкдан тикиб ўйнаймиз.

У партияни жуда ҳам чиройли бошлади, менга олдиндан шунча очко берганига қарамасдан ўйин яримлаб қолгандагина тўрт очкога ошиб улгурган эдим. Граф Греффи қўнгироқ чалиб барменни чақирди.

— Марҳамат қилиб бизга бир шишани очиб берсангиз, — деди у. Кейин менга деди: — Кўнгил ҳушига бир стакандан ичайлик.

Вино муздеккина экан, жуда қуруқ ва яхши эди.

— Италянча гаплашамиз. Сиз қарши эмасмисиз? Мен унга жуда ўрганиб қолдим.

Биз соққаларни ҳайдаб вино ичар, италянчада суҳбатлашардик, лекин умуман олганда, ўйинга кўпроқ чалғиб, гапга камроқ аҳамият берардик. Граф Греффи юз очко урди, мен фақат тўқсон тўрт очко ололдим, холос. У кулимсираб, елкамга қоқиб қўйди.

— Энди иккинчи шишани очамиз ва сиз менга уруш ҳақида гапириб берасиз. — У менинг ўтиришимни кутди.

— Бошқа бирон нарса ҳақида гаплашсак бўлмайдими? — дедим.

— Сиз бу ҳақда гапиришни истамайсизми? Яхши. Кейинги пайтларда нималарни ўқидингиз?

— Ҳеч нарса, — дедим. — Кейинги пайтларда ўтмаслашиб қолдимми, деб қўрқаман.

— Йўқ. Лекин ўқишингиз керак.

— Уруш даврида нималар чиқди?

— Биз французнинг, Барбюснинг «Lefeу»⁴⁷ деган китоби чиқди. Яна «Мистер Бритлинг ҳаммасини кўради» чиқди.

— Бу ёлрон.

— Нима ёлғон?

— У ҳаммасини кўрмайди. Бу китоблар бизнинг госпиталимизда бор эди.

— Ўқиган эканисиз-ку, ўқимадим, дейсиз.

— Яхши нарса ўқимадим.

— Менимча, «Мистер Бритлинг»да инглиз буржуазиясининг қалби жуда яхши кўрсатиб берилган.

— Мен қалб нималигини билмайман.

— Бечора. Ҳеч ким билмайди қалб нима деганини, Сиз — сгоуантмисиз⁴⁸?

— Фақат кечаси.

Граф Греффи кулимсиради ва стаканини қўлида айлантириди.

— Мен ёшим қайтгач, художўй бўлиб қоламан, деб ўйлагандим, лекин нима учундир бундай бўлмади, — деди у, — афсус.

— Сиз ўлгандан кейин қолишни истармидингиз? — дедим ва шу заҳоти ўлимдан гапирганим учун тилимни тишлаб қолдим. Лекин у бу сўздан ранжигани йўқ.

— Гап қандай қолишда. Бу ҳаёт жуда ширин. Мен асрларча яшашни истардим. — У жилмайди. — Бунга Эришай деб қолдим.

⁴⁷ Ўт (франц.).

⁴⁸ Диндормисиз? (франц.)

Биз чуқур чарм креслоларда ўтиrap, ўртамизда қадаңдар ва кумуш пақирчада шампан қўйилган столча турарди.

— Агар менинг ёшимга етсангиз, дунёдаги қўп нарсалар сизга ғалати бўлиб кўринади.

— Сиз қариганга ўхшамайсиз.

— Тан қарияпти. Баъзан бармоқларим бўрнинг бир учи учиб тушгандай, учиб кетадиганга ўхшайди. Руҳим эса қаримайди, ақдим ҳам кўпаяётгани йўқ.

— Сиз доносиз.

— Қарилар доно бўлади деган гап — янгиш гап. Қарилар доно эмас. Улар эҳтиёткор бўлишади, холос.

— Эҳтимол, шунинг ўзи донолик бўлса керак.

— Бу анчайин ёқимсиз донолик. Сиз ҳаммадан кўра нимани қадрлайсиз?

— Суюкли аёлни.

— Мана мен ҳам шундай. Бу — донолик эмас. Ҳаётни қадрлайсизми?

— Мен ҳам. Чунки менинг шундан бошқа нарсам йўқ. Яна туғилган кунларимни сийлайман, — кулди у.

— Сиз мендан кўра донороқ бўлсангиз керак. Сиз ўз туғилган кунингизни байрам қилмайсиз.

— Сиз уруш ҳақида аслида қандай фикрдасиз? — сўрадим мен.

— У жуда бехуда нарса, деб ўйлайман.

— Ким уни ютиб чиқади?

— Италянлар.

— Нега?

— Улар анча навқирон миллат.

— Урушда навқирон миллатлар ғалаба қилишадими?

— Маълум бир даврда улар бунга қодир бўладилар.

— Кейин улар қари миллатга айланадилар.

— Сиз яна доно эмасман, деб ўтирибсиз.

— Жон болам, бу — донолик эмас. Бу — беписандлик.

— Менга қолса, бу зўр донолик.

— Унчалик эмас. Сизга бунинг аксини исботлайдиган мисоллар келтиришим мумкин эди. Лекин у ёмон айтилмаган. Биз ҳамма шампанни ичиб қўйдикми?

— Деярли.

— Балки яна ичармиз? Кейин мен қайта кийингани бораман.

— Бошқа ичмай қўя қолайлик.

— Сиз чиндан ҳам истамайсизми?

— Ҳа.

У турди.

— Сизга кўп баҳт, кўп омад, кўп, кўп сиҳат-саломатлик тилайман.

— Ташаккур. Мен эса, сизга бир аср умр тилайман.

— Ташаккур. Шунга интиляпман. Агар бирон сабаб билан бир куни художўй бўлиб қолсангиз, мен ўлганимда икки оғиз фотиҳа ўқиб қўйинг. Мен бир қанча дўстларимдан шуни илтимос қилдим. Ўзим художўй бўламан девдим, қўлимдан келмади.

Менга у маъюс жилмайгандай туюлди, лекин аниқ кўрганим йўқ. У фоятда қари эди, юзларини ажинлар босган, кулганида шунчалик кўп ажинлари иштирок этардики, маъносини англаш етиш қийин эди.

— Мен эҳтимол, жуда художўй бўлиб қолсам керак,
— дедим мен. — Нима бўлганда ҳам мен сиз учун ибодат қиласман.

— Мен ҳар доим художўй бўлсам керак, деб кутгандим. Менинг оиласманда қўпчилик художўй бўлиб, сўнг ўларди. Лекин нимагадир бундай бўлмади.

— Ҳали жуда ҳам эрта.

— Балки жуда кеч бўлгандир. Балки, мен диндор бўлиш ҳиссиётини йўқотиб қўйгандирман.

— Менда у фақат кечаси пайдо бўлади.

— Лекин сиз яхши кўрасиз. Бу ҳам диний туйфу эканлигини унутманг.

— Ростданми?

— Албатта. — У бильярдга томон бир қадам ташлади. — Мен билан ўйнаб катта илтифот кўрсатдингиз.

- Менинг ҳам бундан бошим осмонга етди.
- Юринг, тепага бирга чиқамиз.

Үттиз олтинчи боб

Кечаси момақалдириң бўлди, мен ёмғир дераза ойналирига шатирлатиб ураётганини эшикни тақиллатди. Мен Кэтринни уйғотиб юбормаслик учун эшикка оҳиста бордим. Эшикни очдим. Бармен экан. У пальто кийиб олган, қўлида ҳўл шляпасини ушлаб турарди.

— Сиз билан гаплашишим керак, tenente.
— Нима гап?
— Жуда жиддий иш.
Мен орқамга қарадим. Хона ичи қоронги эди. Дераза тагида ёмғир суви кўлмак бўлиб қолганини кўрдим. — Киринг, — дедим мен. Қўлидан ушлаб ваннахонага олиб кирдим-да, эшикни ёпиб чироқни ёқдим. Мен ваннанинг четига ўтирудим.

— Нима гап, Эмилио? Бошингизга бирон иш тушдими?

— Йўқ. Гап сизнинг ҳақингизда, tenente.
— Шундай денг?
— Эрталаб сизни қамагани келишади.
— Шундай денг?
— Мен сизга айтгани келдим. Мен шаҳарда бўлган эдим, қаҳвахонада эшитиб қолдим.

— Тушунарли.
У қаршимда ҳўл пальтода, қўлида ҳўл шляпасини ушлаб турарди. Жим бўлиб қолди.

— Мени нимага қамашмоқчи экан?
— Уруш билан боғлиқقا ўхшайди.
— Нималигини биласизми?
— Йўқ. Лекин мен аввал сизни бу ерда офицер кийимида кўргандим, энди эса, сиз кишилик кийим кийиб келдингиз. Анов чекинишдан кейин улар дуч келган одамни қамашга ҳам тайёрлар.

Бир дақиқа ўйланиб қолдим.

— Соат нечада келишмоқчи экан?

— Эрталаб. Соатини аниқ билмайман.

— Сиз қандай маслаҳат берасиз?

У шляпасини раковина ичига қўйди. Шляпа ҳўл бўлганидан суви муттасил полга оқиб тушаётган эди.

— Агар ўзингизга ишонсангиз, қўрқадиган жойи йўқ. Лекин қамоқقا тушиш кимга ёқади, дейсиз. Айниқса, ҳозир.

— Мен қамоқقا тушишни истамайман.

— Унда Швейцарияга кетинг.

— Қандай қилиб?

— Менинг қайиғимда.

— Кўлда бўрон бўляпти, — дедим.

— Бўрон ўтиб кетди. Тўлқин бор, лекин сиз эплай-сиз.

— Қачон кетишимиз керак?

— Ҳозир. Улар эрта саҳарда келишлари мумкин.

— Нарсаларимизни нима қиласман?

— Йиғиширинг. Хонимингиз ҳам кийинсинлар.

Юкларни мен тўғрилайман.

— Сиз қаерда бўласиз?

— Шу ерда кутаман. Мени даҳлизда кўрсалар, бўлмайди.

Эшикни очдим, кейин ёпиб ётоқقا кирдим. Кэтрин уйғонган эди.

— Нима гап, жоним?

— Ҳеч нарса. Кэт, — дедим мен. — Ҳозир кийиниб, қайиқда Швейцарияга кетишини истайсанми?

— Сен истайсанми?

— Йўқ, — дедим мен. — Мен яна ўринга ётишини истайман.

— Нима бўлди?

— Барменнинг айтишича, эрталаб мени қамоқقا олгани келишармиш.

— Барменнинг ақли жойидами?

— Ҳа.

— Унда тезроқ бўла қол, жоним, кийин, ҳозироқ кетамиз. — У тўшакнинг четига ўтирди. Унинг ҳали уйқуси қочмаганди. — Ваннадаги ўша барменми?

— Ҳа.

— Унда мен ювиниб ўтирмайман. Жоним, менга қарамай тур, дарров кийиниб оламан.

У тунги кўйлагини ечаётганда унинг оппоқ елкасини кўрдим, кейин у қарама дегани учун орқамни ўгириб турдим. У энди тўлиша бошлаган, шунинг учун унга қарашимни истамасди. Мен ташқарида ёмғирнинг шовқинини эшитиб кийиндим. Юкларимиз деярли йўқ эди.

— Агар керак бўлса, менинг жомадонимда ҳали жой кўп, Кэт.

— Ҳаммасини жойлаб бўлдим, — деди Кэт. — Жоним, мен жуда ҳам тентакман, лекин нега бармен ваннада ўтирибди?

— Чишиш, у юкларимизни пастга олиб тушгани кутиб ўтирибди.

— Мунча яхши!

— У менинг эски оғайним, — дедим мен. — Бир марта унга ўралган тамаки юборишимга сал қолган.

Деразадан зимистонликка қарадим. Кўл кўринмас, зимистон тун ва ёмғир, лекин шамол тўхтаганди.

— Мен бўлдим, жоним, — деди Кэтрин.

— Яхши. — Мен ваннанинг эшиги тагига келдим. — Мана жомадонлар, Эмилио, — дедим. Бармен иккала жомадонни олди.

— Бизга ёрдам бермоқчи бўлибсиз, ҳимматли экансиз, — деди Кэтрин.

— Арзимайди, — деди бармен. — Мен сизларга ёрдам бераётганимдан хурсандман, лекин бошим fav-foga қолмаса, деб қўрқаман. Менга қаранг, — деди у менга, мен орқа зинадан юкларни тўғри қайиқ олдига олиб бораман. Сизлар худди айлангани чиққандай бемалол чиқиб боринглар.

— Сайр қиласа арзийдиган тун, — деди Кэтрин.

— Бевош кеча, нимасини айтасиз.

— Яхшиям соябоним бор экан-а, — деди Кэтрин. Биз йўлакдан ўтиб, пояндоз тўшалган кенг зинадан пастга тушдик. Пастда, ўзининг эшик олдидағи хужрасида портье ўтирган экан.

Бизни кўриб жуда ҳайрон бўлди.

— Сиз эшикка чиқмоқчимисиз, сэр? — сўради у.

— Ҳа, — дедим. — Биз шамолда кўлни кўрмоқчимиз.

— Сизнинг соябонингиз йўқми, сэр?

— Йўқ, — дедим. — Менинг пальтомдан сув ўтмайди.

У гапимга ишонмай қаради. — Мен сизга соябон бераман, сэр, — деди у. У бориб каттакон соябон олиб келди. — Бир оз каттароқ, сэр, — деди у. Мен унга ўн лир бердим. — О, жуда сахий экансиз, сэр. Минг раҳмат, — деди у.

У бизга эшикларни очиб берди ва биз ёмғирга чиқдик. У Кэтринга жилмайди, Кэтрин ҳам унга жилмайди. — Ташқарида, шамолда узоқ қолиб кетманлар, — деди у. — Ивиб кетасиз, сэр ва леди. — У кичик портье эди, шунинг учун инглизча гапирганда ҳали мактаб болаларига ўхшаб гапирарди.

— Биз тезда қайтамиз, — дедим.

Биз каттакон соябон остида йўлкадан бордик, кейин шалаббо, қоп-қоронғи боғ билан йўлга чиқдик, йўлдан четларига буталар экилган қирғоқ бўйи хиёбонга ўтдик. Энди шамол қирғоқ томондан эсади. Бу рутубатли, совуқ шамол эди, мен тоғларда қор ёғаётганини билардим. Биз қирғоқقا боғлаб қўйилган қайиқдар олдидан ўтиб, барменнинг қайифи турган ерга келдик. Сув қоядан ҳам қорароқ эди. Бармен дараҳтлар орқасидан чиқиб келди.

— Жомадонлар қайиқда, — деди у.

— Мен сизга қайиқнинг пулини бермоқчи эдим, — дедим.

— Қанча пулингиз бор?

— Унча кўп эмас.

— Пулни менга кейин юборасиз. Шундай қылсак, яхши бўлади.

— Қанча?

— Ўзингиз биласиз.

— Менга қанчалигини аниқ айтинг.

— Агар яхши етиб борсангиз, менга беш юз франк юборинг. Агар омон-эсон етиб борсангиз, бу сизга унча оғир тушмайди.

— Яхши.

— Манави сандвичлар. — У менга тутунча узатди.

— Барда бори шу экан. Манави эса бир шиша конъяк билан бир шиша вино.

Мен буларни ўз жомадонимга солиб олдим. — Ҳеч бўлмаса, шуларнинг ҳақини олинг мендан.

— Яхши, менга эллик лир беринг.

Унга пулни бердим.

— Яхши конъяк, — деди у. — Бемалол хонимга ҳам берсангиз бўлади. У киши қайиққа ўтириб олсинлар энди.

У тош қирғоқда дам кўтарилиб, дам тушиб турган қайиқни ушлаб турди, мен Кэтринни қайиққа ўтқиздим. У қўйруққа ўтирди-да, плашига ўралиб олди.

— Сиз қаерга боришни биласизми?

— Доим шимолга қараб юриш керак.

— Қандай боришни-чи?

— Луинога.

— Луинога, Коннеро, Каннобио, Транцанога, Брисагога борганда Швейцарияда бўласиз. Сиз Монте-Тамарадан ўтишингиз керак.

— Ҳозир соат неча? — сўради Кэтрин.

— Энди ўн бир бўлди, — дедим.

— Агар тинмай юрсангиз, эрталаб соат еттиларда у ерда бўласиз.

— Шунча узоқми?

— Қирқ икки чақирим.

— Адашмасак бўлгани. Бунақа ҳавода компас керак.

- Йўқ, Изола-Беллага юринг. Сўнг Изола-Мадредан ўтганингиздан кейин шамол эсган томонга боринг.
- Шамол сизни Палланцага олиб боради. Сиз чироқларни кўрасиз. Кейин қирғоқ бўйлаб ҳайданг.
- Шамол ўзгариб қолиши мумкин.
- Йўқ, — деди у. — Бу шамол уч кун эсиб туради. У тўғри Маттаронедан эсяпти. Анави ерда сувни сепиб ташлаш учун тунука бор.
- Қайфингизнинг жуда бўлмаса бир озроқ ҳақини олинг.
- Йўқ, мен таваккал қилмоқчиман. Агар етиб борсангиз, менга тўла баҳосини тўлайсиз.
- Майли ундей бўлса.
- Шояд чўкмасдан етиб борсангиз.
- Шояд.
- Шамолга қараб бораверинг.
- Хўп. — Мен қайиқقا сакрадим.
- Сиз хонанинг пулини қолдирдингизми?
- Ҳа. Стол устида, конвертда.
- Яхши қилибсиз. Оқ йўл.
- Хайр энди. Катта раҳмат.
- Агар чўкиб кетсангиз, ҳаммаси арзимайди.
- Нима деяпти? — сўради Кэтрин.
- Яхши етиб олинглар, деяпти.
- Ўзингиз ҳам яхши қолинг, — деди Кэтрин. — Катта, катта раҳмат сизга.
- Бўлдингизларми?
- Ҳа.
- У эгилиб қайиқни қирғоқдан итариб юборди. Мен эшкакни сувга ботирдим, кейин унга қўлимни силкидим. Жавоб ўрнига у эҳтиёт бўлинглар, деган ишорани қилди. Мен меҳмонхона чироқларини кўрдим ва у кўздан йўқолгунча тўғрига эшкак солиб боравердим. Кўл денгиздай фалаёнли эди, лекин биз шамолга қараб бораардик.

Үттиз еттинчи боб

Мен қоронғида әшкакни шамол доим юзимга урилиб турадиган қилиб әшиб бордим. Ѓемғир тинган, фақат онда-сонда шамол билан одамнинг афти баша-расига бир селпиб, сепалаб ўтарди. Мен қуйруқда ўтирган Кәтринни кўриб турардим, лекин әшкак тушаётганда сувни кўрмасдим. Эшкаклар жуда узун эди, лекин тасма билан маҳкамлаб қўйилмаганди. Мен әшкакларни сувга ботирап, уларни олд томонга олиб борар, сувдан чиқарар, яна сувга олиб борар, яна ботирап, иложи борича енгил бошқаришга ҳаракат қилардим. Эшкакларни шамол бизга қараб эсаётганидан сувга ётироқ қилиб ботиришга интилардим. Қўлларим қавариб кетишини билар, лекин қаварса ҳам сал кейинроқ бориб қаваришини истардим. Қайиқ енгил эди, әшкакка яхши бўйсунарди. Тим қора сувдан уни олға суриб кетмоқда эдим. Ҳеч нарсани кўриб бўлмас, лекин мен тез орада Палланцага етиб қолармиз, деб умид қилардим.

Барибир Палланцани кўролмадик. Шамол жанубдан эсар ва биз қоронғида Палланца бурнидан ўтиб унинг чироқларини кўрмай қолимиз. Ниҳоят, йироқларда — деярли қирғоқнинг нақ ўзида қандайдир чироқлар кўринди, бу Интра эди. Аммо биз анчагача ҳеч қандай чироқларни, қирғоқни кўрмадик, қоронғида шитоб билан тўлқинларда сирпаниб олға босавердик. Баъзан тўлқин қайигимизни баландга кўтариб юборар, мен әшкакларни ҳавода силкитардим. Кўл ҳамон тўпалон қилар, лекин мен әшкак уришдан тўхтамасдим, бир маҳал қирғоқдан туртиб чиққан қояга урилиб чил-парчин бўлиб кетишимизга оз қолди; тўлқинлар қояга урилиб юксакка сапчиб кўтарилар, сўнг пастга шалдираб тушарди. Мен ўнг кўлимдаги әшкакка қаттиқ зўр бердим, айни чоғда чап әшкак билан орқага тисарилдим ва омон-эсон соҳилдан йироқлашиб кетдик; қоя кўздан йўқолди, биз яна кўлдан сузиб кетдик.

— Биз у томонга ўтиб олдик, — дедим Кэтринга.
— Биз ҳали Палланцани кўришимиз керак эди-ку?
— У Палланца бурнининг ортида қолди.
— Ўзинг чарчамадингми, жоним?
— Унчамас.
— Бирпасга ўрин алмаша қолайлик.
— Нега? Керакмас.

— Бечора Фергюсон! — деди Кэтрин. — Эрталаб меҳмонхонага келса, биз йўқмиз.

— Бунинг ташвиш қиладиган жойи йўқ, — дедим. — Божхона қўриқчилари кўрмасдан, қоронғида Швейцарияга етиб олсак, бўлгани.

— Узоқми ҳали?

— Ўттиз километрча.

Туни билан қўлим эшкакдан бўшамади. Кафтларим шу қадар шилиниб кетдики, эшкакни базўр ушлаб борардим. Бир неча марта соҳилга урилиб кетай дедик. Мен адашиб кетмай, вақт ўтмасин деб соҳил яқинидан кетаётгандим. Баъзан биз қирғоқча шунчалар яқин борар эдикки, соҳил ёқалаб кетган йўлни, йўл бўйидаги дараҳтларни ва орқадаги тоғларни кўрардик. Ёмғир тинди ва шамол булувларни ҳайдаб юборган эди, ой чиқди, мен айланиб қараб, қорайиб турган узунчоқ Кастаньола бурнини, оқ ёлли кўлни, ой нурида ётган узоқ қорли тоғ чўққиларини кўрдим. Кейин осмонни яна булат буркаб олди, кўл ҳам, тоғлар ҳам ғойиб бўлди, лекин энди илгаригига қараганда анча ёруғроқ эди, қирғоқ ҳам кўриниб туарди. Кўринганда ҳам жуда равшан кўринар, шунинг учун Палланца йўлида агар божхона соқчилари юрган бўлса, кўриб қолмасинлар деб, қайиқни нарироқча олиб кетдим. Ой яна бир марта чиққанда биз соҳил томонда тоғ ён бағирларидағи виллаларни ва дараҳтлар оралаб чўзилиб кетган оппоқ йўлни кўрдик. Мен тинмай эшкак эшиб бормоқда эдим.

Кўл кенгайиб кетгандай бўлди ва кўлнинг нариги бетида чироқлар кўринди, бу, эҳтимол, Луино эди. Мен

тоғлар орасида ханжардек тилингтан дарани кўриб, Луино шу бўлса керак, деб ўйладим. Ундоқ бўлса, биз анча тез юриб бораётган бўламиз. Мен эшкакларни қайиққа тортиб олдим-да, елкам билан узала тушиб ётдим. Мен жуда, жуда чарчадим. Қўлларим, куракларим, елкаларим зирқираб оғрир, кафтларим шилиниб кетганди.

— Агар соябонни очсак, қандоқ бўларкин? — деди Кэтрин. — Шамол унга тегиб, қайиқни тез ҳайдаб кетган бўларди.

— Ушлаб тура олармикансан?

— Ҳаракат қиласман.

— Манави эшкакни қўлтифингга олгин, уни бортга қисиб туриб бошқариб бор. Мен соябонни ушлаб кетаман.

Кўйруққа ўтиб эшкакни қандай ушлаш кераклигини унга кўрсатдим. Мен қайиқнинг бурнига рўбарў ўтириб, портье берган каттакон соябонни олиб, очдим. У шарақлаб очилди. Мен унинг бандига ўтириб олганча, икки чеккасидан ушлаб олдим. Шамол унга қараб қаттиқ урила бошлади, унинг четига маҳкам ёпишиб олган ҳолда қайиқни учирив олиб кетаётганини сезиб турдим. Соябон қўлимдан чиқиб кетай-чиқиб кетай дерди. Қайиқ фоятда тез елиб бормоқдайди.

— Учиб кетяпмиз, — деди Кэтрин. Мен соябоннинг симларидан бошқа нарсани кўрмасдим. Соябон қаттиқ тортқилаб, юлқинар, мен у билан бирга олға бораётганимизни ҳис қилиб турардим. Оёқларимни қаттиқ тираб олдим, унга янада қаттиқроқ ёпишиб олдим, кейин бир нарса чарсиллаб кетди; симлардан бири манглайимга келиб урилганди, мен зонтнинг шамолда букилиб кетаётган тепасини ушлаб олмоқчи эдим, шу маҳал ҳаммаси шарақ этиб тескари бўлиб кетган ва ҳозиргина шамол тўлиб турган елкан ўрнида шалвираган латта-путталар-у, мен ушлаб ўтирган бандигина қолди. Банднинг илмоғини қайиқ ўриндиғидан ажратиб олдим-да, зонтни қайиқнинг тагига

қўйиб, эшкакни олиш учун Кэтриннинг ёнига сурилдим. У хаҳолаб куларди. У менинг қўлимдан ушлаб олди-да, хаҳолашда давом этди.

— Сенга нима бўлди? — Унинг қўлидан эшкакни олдим.

— Сен анави нарса билан шундоғам кулгили кўриндингки.

— Қизиқ бўлдими?

— Жаҳлинг чиқмасин, жоним. Бирам кулгили бўлди. Сен жуда ҳам кенгайиб кетгандай бўлдинг, яна соябон четларини шунақаям жонингни бериб қисиб олдингки... — Кулавериб унинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Қани йўлга тушайлик бўлмаса.

— Дамингни ол, коњяк ичиб ол. Шунақанги ажо-йиб кеча бўляптики, анча йўлни босиб ҳам қўйдик.

— Қайиқни тўлқинга кўндаланг қилиб қўйиш керак.

— Мен шишани олиб бераман. Кейин сен бир оз дамингни ол.

Мен эшкакни кўтардим ва биз тўлқинларда чайқала бошладик. Кэтрин жомадонни очди. У коњяк шишасини узатди. Мен пакким билан тиқинини чиқардим-да, қониб ичдим. Жуда ўткир коњяк экан, бутун баданимга ўт югурди, қизидим ва кайфиятим кўтарилиди.

— Яхши коњяк, — дедим. Ой яна булуллар орасига яширинди, бироқ қирғоқ кўриниб турарди. Олдинда кўл ичига анча кириб келган стрелка бор эди.

— Совқотмадингми, Кэт?

— Йўқ, яхшиман. Фақат оёқларим бир оз увишиб қолди.

— Қайиқнинг тагидаги сувларни сепиб ташла, кейин оёғингни узатиб ўтирасан.

Мен яна қайиқни ҳайдаб кетдим, эшкакнинг фирмилагани, тунука идишнинг қайиқ тагига тегиб тақирагани эшитилди.

— Қўлингдагини менга бериб тур, — дедим. — Сув ичгим келяпти.

— У жудаям ифлос.

— Ҳечқиси йўқ. Чайиб ташлайман.

Мен Кэтрин идишни сувда чайқаётганини эшилдим. Кейин у менга сув тўлдириб узатди. Конъяқдан кейин томофим қақраб кетганди, сув шу қадар муздай эдики, тишларим зирқираб кетди. Мен соҳилга қарадим. Биз стрелкага яқинашиб бормоқда эдик. Оддинда, кўрфаз томонда чироқлар кўринди.

— Раҳмат, — дедим ва унга идишни қайтариб бердим.

— Марҳамат қиласинлар, — деди Кэтрин. — Таъблари яна хоҳламайдими?

— Сен бирон нарса еб олсанг бўларди.

— Йўқ. Ҳали очқаганим йўқ. Овқатни қорин энг очадиган пайтга сақлаб қўйамиз.

— Майли.

Узоқдан стрелка бўлиб кўринган нарса узунчоқ қояли бурун экан. Мен уни айланиб ўтиш учун қайиқни кўлнинг ўртасига бурдим. Кўл бу ерда анча тор эди. Яна ой чиқди, агар, guardia di Finanza⁴⁷ соҳилдан кузатиб турган бўлса, улар сувда қорайиб турган бизнинг қайигимизни кўрган бўлардилар.

— Қалайсан, Кэт?

— Жуда яхши. Қаерга келдик?

— Етишимизга саккиз чақиримча қолган бўлса кепрак.

— Бечорагинам. Ҳали яна шунча ҳайдайсанми. Тирикмисан ўзинг?

— Тирикдай. Дурустман фақат кафтларим шилиниб кетди.

Биз ҳамма вақт шимолга қараб юрдик. Ўнг соҳилдаги тоғ тизмалари тугади, нишаблик қуйига, паст қирғоқ бўйига олиб тушарди, бу ерда менинг ҳисобимча Каннобио бўлиши керак эди. Мен энди қирғоқдан

⁴⁷ Божхона соқчилари (итал.).

хийла узокда юрмоқда эдим, чунки бу ерларда guardia билан учрашиб қолиш хавфи күпроқ эди. Олдинда, бошқа қирғоқда гумбазга ўхшаш баланд төф турарди. Мен чарчадим. Яна озгина қолганди, лекин кучинг қолмаганда озгина масофа ҳам йироқ бўлиб кўринади. Шу тоғдан ўтиб, камида яна беш чақирим кўлни босиб ўтсак, Швейцария сувларига етган бўлардик. Ой яна бота бошлади, у ботмасдан олдин осмонни қуюқ булат ўраб олди ва жуда ҳам қоронги бўлиб кетди. Мен қирғоқдан узокроққа кетиб вақт-вақти билан эшкакни шамол урадиган қилиб кўтариб нафас ростлардим.

— Менга бер, озгина ҳайдаб борай, — деди Кэтрин.

— Сенга мумкин эмасдир, дейман.

— Бўлмаган гап. Бу менга ҳатто фойдали ҳам. Оёқларимнинг чигали ҳам ёзилади.

— Мумкин эмасдир, дейман, Кэт.

— Бўлмаган гап. Ҳомиладор ёш хонимлар оз-оздан эшкак эшиш билан шуғуллансалар, соғлиқларига анча фойда булади.

— Майли, бўлди, ўтири, кучанмасдан ҳайда. Мен сенинг ўрнингга ўтаман, кейин сен менинг ўрнимга ўт. Ўтаётганингда бортни ушлаб ол.

Мен қўйруқда пальтомнинг ёқасини кўтариб ўтирап, Кэтриннинг эшкак эшишига қараб турардим. У яхши эшкак ураг, лекин эшкаклар узун бўлганларидан унга бир оз нокулай эди. Мен жомадонни очиб иккита сандвич еб, конъяк ичдим. Анча енгил тортгандай бўлдим ва яна ичдим.

— Чарчаганингда менга айт, — дедим мен. Кейин бир оз ўтгач: — Кўзингга қара, яна қорнингга эшкакни тиқиб олмагин, — дедим.

— Ундей бўлганда ҳаёт анча осонлашарди, — деди Кэтрин эшкакни сувга ташларкан.

Мен яна конъяк ичдим.

— Қалай?

— Яхши.

— Жонингга тегса, айт.

— Хўп.

Мен яна коњяк ичиб, кейин қайиқнинг четини ушлаб ўртасига бордим.

— Керакмас. Чарчаганим йўқ.

— Йўқ. Жойингга бор. Мен яхшилаб дам олволдим.

Коњяқдан кейин алламаҳалгача анча яхши бошқариб бордим. Кейин яна эшкак қўлимдан чиқиб кета бошлади ва мен уни сувга қисқа-қисқа ура бошладим, коњяк ичгач, қаттиқ ҳаракат қилганимдан оғзимда аччиқ бир нарсанинг таъмини ҳис қилдим.

— Менга бир қултум сув берсанг-чи, — дедим.

— Бир чељак десанг ҳам топилади.

Тонг олдидан яна ёмғир томчилай бошлади. Шамол тўхтади, балки кўлнинг бурилган жойидан ўраб олган тоғлар паноҳида турганлигимиз учун шундай бўлаётгандир. Тонг отаётганини кўргач, ўриндиқقا қулайроқ ўтириб олдим-да, зўр бериб эшкак эша бошладим. Мен қаерда турганлигимизни билмас, тезроқ кўлнинг Швейцария қисмига ўтиб олишни истардим. Тонг ёриша бошлаганда биз соҳилга анча яқин бориб қолгандик. Дараҳтлар ва кўл бўйидаги тошлоклар шундоқ кўриниб туради.

— Нима бу? — деди Кэтрин. Мен эшкакларни кўташиб қулоқ солдим. Моторли қайиқнинг овози келмоқда эди. Биз соҳилга бориб тўхтаб турдик. Мотор овози яқинлашди; кейин қайифимиздан сал нарида ёмғирда кетаётган моторли қайиқни кўрдик. Қайиқнинг қўйруғида тўртта duardia de Finanza ўтиришар, бошларига тоғ ўқчилари киядиган шляпа бостирилган, ёқалари кўтарилган, елкаларида карабинлари бор эди; тўртовлари ҳам бу аzon чогида уйқусираган кўринардилар. Мен уларнинг ёқаларида сариқ белгиларни кўрдим. Шляпаларида ҳам қандайдир сариқ ишоралари борга ўхшади. Қайиқ моторини тириллатиб ўтиб кетди. Ёмғирда кўздан фойиб бўлди.

Мен кўлнинг ўртасига йўл олдим. Афтидан, чегара жуда яқин эди ва мен бизни соқчи чақириб қолиши-

ни истамасдим. Қайиқ қирғоқдан күрінмайдиган масофага етгач, яна чоракам бир соатча қайиқни бошқарып бордим. Бир марта биз яна мотор овозини эшилдик ва мен сөз тингунча нариги қирғоқда кутуб турдим.

— Биз Швейцарияга етиб келганга ўхшаймиз, Кэт.

— Ростданми?

— Швейцария армиясими күрмагунча бир нарса дейиш қийин.

— Ёки Швейцария флотини.

— Сен Швейцария флоти билан ҳазиллашма. Ҳозиргина ўтган моторли қайиқ Швейцария флотидан бўлса керак.

— Агарда Швейцарияга келган бўлсак, маза қилиб нонушта қилиб оламиз. Швейцариянинг кулчалари, сариқ мойлари, мурабболари шундоғам тотли бўладики.

Кун ёришиб кетган, ивир-шивир ёмғир ёғарди. Шамол ҳамон жанубдан эсар, кўл юзида тўлқиннинг оқ ёллари чопиб бораради. Швейцарияда эканлигимизга энди шубҳа қилмасдим. Соҳилдан, дараҳтлар орасидан уйлар кўринар, яна ҳам нарироқда, қирғоқнинг нақ ўзида тош уйлар, тепаликларда виллалари, черкови билан қишлоқ жойлашганди. Мен қирғоқ ёқалаб кетган йўлда соқчилар кўриниб қолармикин десам, йўқ, ҳеч зонинг қораси кўринмади. Кейин йўл қирғоққа жуда ҳам яқинлашиб келди ва йўл бўйидаги қаҳвахонадан чиқаётган солдатни кўрдим. Унинг формаси оч кўкимтир, бошида немисларникига ўхшаган каска бор эди. Унинг юzlари қип-қизил, ингичка мўйлов қўйганди. У бизга қаради.

— Унга қўлингни силкитиб қўй, — дедим Кэтринга. У қўлинни силкиди ва солдат истар-истамай жилмайди ва у ҳам қўлинни силкиб қўйди.

— Швейцарияга келганимизга анча бўлган, шекили, — дедим.

— Аниқ билганимиз тузук, жоним. Яна чегарага келганимизда орқамизга қайтариб юришмасин.

— Чегара узоқда қолиб кетди. Бу божхона пунктига ўхшайди. Менимча, бу Бриссагонинг худди ўзи.

— Бу ерда италянлар йўқмикин ишқилиб? Божхоналарда доим қўшни мамлакат одамлари кўп бўлади.

— Уруш бўлмаган пайтларда шундай бўлади. Ҳозир италянларни чегарадан ўtkазишмаса керак.

— Шаҳарча кўркамгина экан. Пристанда балиқчиларнинг жуда кўп қайиқдари турар, ёғоч айриларга тўрлар илиб қўйилганди. Ноябрнинг эринчоқ ёмфирни ёғиб турар, лекин бу ерда ёмфир ҳам тоза ва қувончли эди.

— Унда ке, тўхтаймиз-да, нонушта қилгани борамиз.

— Ке.

Мен чап эшкак билан ишлаб қирғоққа бордим, кейин пристаннинг ўзида қайиқни тўғрилаб, ёним билан бориб тўхтадим. Мен эшкакларни чиқардим, темир ҳалқадан ушлаб олдим, оёғимни ҳўл тошга қўйдим ва Швейцарияга қадам босдим. Мен қайиқни боғлаб қўлимни Кэтринга узатдим.

— Туш, Кэт. Жуда ажойиб.

— Жомадонлар-чи?

— Қайиқда тураверсин.

Кэтрин тушди ва биз бирга Швейцарияга оёқ қўйдик.

— Қандай гўзал мамлакат, — деди у.

— Ростданам гўзал, а?

— Юр тезроқ, нонушта қиламиз.

— Йўқ, ростданам ажойиб мамлакат, а? Қадам ташласанг, жонинг роҳат қиласди.

— Менинг оёқларим шу қадар жонсиз бўлиб қолибдики, ҳеч нарсани сезмайди. Лекин роҳатликка роҳатдир-а. Жоним, тушунсанг-чи, биз бу ердамиз, биз қуриб кеткур Италиясидан омон-эсон қутулиб чиқдик.

— Ҳа. Оғзингга шакар, ҳа. Мен ҳеч қачон ҳеч нарсани бу қадар яхши тушунмаган эдим.

— Манави уйларга бок. Қандай ажойиб майдон! Ҳованови ерда нонушта қилиш мумкин.

— Ёмфирни айт, ёмфирни! Италияда ҳеч қачон бунақа ёмфир ёғмайди. Бу гаштли ёмфир.

— Дунёда шундоқ ерлар ҳам бор экан-ку, жоним. Тушун, биз шу ердамиз, шу ердамиз. Билдингми?

Биз қаҳвахонага кириб озодагина тахта столга ўтирип. Биз худди маст одамларга ўхшардик. Олдига этак тутиб олган бир ажойиб покиза хотин чиқиб келди ва биздан нима келтирай, деб сўради.

— Кулчалар, мураббо ва қаҳва, — деди Кэтрин.

— Кечирингиз, ҳозир кулчалар йўқ, уруш вақти.

— Унда нон беринг.

— Ё нонни ёқقا қовуриб берайми?

— Майли.

— Тухум беринг.

— Жанобга нечта тухум пиширсам маъқул бўлади?

— Учта.

— Яхшиси тўртта, жоним.

— Тўртта тухум.

Хотин кетди. Мен Кэтринни ўпид, қўлини қаттиқ қисиб қўйдим. Биз бир-бири мизга термилишар, атрофга назар солардик.

— Жоним, айт-чи, ажойиб эмасми, а?

— Бекиёс, — дедим.

— Кулча нон бўлмаса бўлмас, — деди Кэтрин. — Мен уларни кечаси билан ўйлаб чиққан эдим. Майли, ҳечқиси йўқ. Ҳеч нарса қилмайди.

— Бизни афтидан тез орада кўлга олишса керак.

— Буни ўйлаб бошингни қотирма, жоним. Биз олдин нонушта қилиб олишимиз керак. Нонуштадан кейин қамашса, одамга унча алам қилмайди. Бундан ташқари улар бизни нима ҳам қилолардилар? Мен Британия фуқаросиман, сен эса Американинг. Ҳамма нарсамиз жойида.

— Сенинг паспорting борми?

— Албатта. Аҳ, қўй, буни гаплашиб ўтирмайлик. Ке, шодлигимизни бузмайлик.

— Ҳалиям қувончимдан жоним ичимга сифмай турибди, — дедим. Семиз бир кулранг мушук думини бураб келиб, хонани айланди-да, менинг оёғимга ўра-

либ олиб ҳур-ҳур қилиб ишқалана бошлади. Мен энгашиб мушукни силаб қўйдим. Кэтрин менга шодон жилмайди. — Ана қаҳва, — деди у.

Бизни нонуштадан кейин қўлга олишди. Биз шаҳарчани бирпас айланиб юрдик, кейин жомадонларимизни олгани пристанга тушдик. Қайиқ олдида солдат қоровуллик қилиб турган экан.

— Бу сизнинг қайигингизми?

— Ҳа.

— Қаердан келдингизлар?

— Кўлнинг нариги томонидан.

— Мен билан юришга тўғри келади.

— Жомадонлар-чи?

— Олишингиз мумкин.

Мен жомадонларни олдим, Кэтрин ёнимда борди, солдат эса орқамиздан. Биз божхона жойлашган эски бир уйга келдик. Бунда бизни жуда ориқ, кўринишдан жангари бир лейтенант сўроқ қила бошлади.

— Миллатингиз?

— Америкалик ва инглиз.

— Паспортларингизни кўрсатинг.

Мен ўзимникини бердим, Кэтрин сумкачасидан ўзиникини олди. У узоқ текширди.

— Нега сиз Швейцарияга қайиқда келдингиз?

— Мен спортчиман, — дедим. — Қайиқда сузиш — менинг энг севикли машғулотим. Имконият туғилиши билан эшкак эшсам дейман.

— Нега бу ерга келдингиз?

— Қишки спорт билан шуғуллангани. Биз туристлармиз, қишки спортга жуда қизиқамиз.

— Бу ер қишки спорт билан шуғулланадиган жой эмас.

— Биламиз. Биз қишки спорт билан шуғулланиш мумкин бўлган жойга бормоқчимиз.

— Италияда нима қилиб юрувдингиз?

— Мен архитектурани ўрганаётгандим. Жияним санъят тарихини.

— Нега сиз у ердан кетиб қолдингиз?

— Биз қишки спорт билан шуғулланмоқчимиз.

Уруш пайтида архитектурани ўрганиш қийин.

— Шу ерда ўтириб туринглар, — деди лейтенант. У паспортларимизни олиб ичкари хонага ўтиб кетди.

— Жоним, бирам бопладинг-э, — деди Кэтрин, — шу гапда туравер. Сен қишки спорт билан шуғулланмоқчисан.

— Санъатдан бир оз хабаринг борми?

— Рубенс, — деди Кэтрин.

— Гүшти күп.

— Тициан, — деди Кэтрин.

— Тициан мўйлари, — дедим мен. — Хўш, Мантенья-чи?

— Сен қийинларини сўрамагин-да, — деди Кэтрин.

— Лекин мен биламан, у жуда ҳам даҳшатли рассом.

— Жуда ҳам, — дедим. — Мих қоқилган жароҳатларни кўрсатади.

— Кўрдингми, қандай ажойиб хотининг бор, — деди Кэтрин. — Мен санъат ҳақида сенинг буюртмачиларинг билан баҳслаша оламан.

— Ана, у келяпти, — дедим.

Ориқ лейтенант божхонанинг ичкарисидан паспортларимизни кўтариб қайтиб келди.

— Сизларни Локарнога жўнатишга мажбурман, — деди у. — Экипаж олсангиз, сиз билан бирга солдат боради.

— Майли, марҳамат, — дедим. — Қайиқ-чи?

— Қайиқ мусодара қилинади. Жомадонларингизда нима бор?

У ҳар иккала жомадонни очиб кўрди ва конъяк шишишини чиқарди.

— Балки бирга улфатчилик қиласиз, — дедим мен.

— Йўқ, раҳмат. — У қаддини ростлади. — Қанча пулларингиз бор?

— Икки ярим минг лир.

— Жиянингизда-чи?

Кэтринда бир минг икки юз лирдан кўпроқ бор экан. Лейтенант мамнун бўлди. Бизга муомаласи илиди ҳисоб.

— Агар сизни қишки спорт қизиқтирса, — деди у, — бунинг энг зўр жойи — Венген. Венгенда отамнинг жуда яхши меҳмонхонаси бор. Йил бўйи очик.

— Кўп хурсандман, — дедим мен. — Манзиллари-ни беролмайсизми?

— Мен сизга карточкага ёзиб бераман. — У менга карточкасини тавозе билан узатди. — Солдат сизни Локарногача кузатиб қўяди. Паспортларингиз унда туради. Афсус, лекин бошқа иложимиз йўқ. Мен Ло-карнода виза билан полициядан рухсат оларсиз, деб умид қиласман.

У иккала паспортни солдатга берди ва биз жомадонларимизни кўтариб, экипаж ёллагани шаҳарчага кетдик.

— Ҳей! — чақирди лейтенант солдатни. У ўз лахжасида бир нарсалар деди. Солдат милитини елкасидан ошириб олди-да, жомадонларимизни кўтариб кетди.

— Ажойиб мамлакат, — дедим мен Кэтринга.

— Ўз ишига пишиқ мамлакат ҳар ҳолда.

— Сиздан жуда миннатдормиз, — дедим мен лейтенантга. У бизга қўлини силкиб қолди.

— Хизматингизга тайёрмиз, — деди у. Биз ўз соқчимизнинг ортидан тепага кўтарила бошлидик.

Локарнога экипажда кетдик, солдат олдинги ўриндиқقا, кучернинг ёнига ўтириб олди. Локарнода ишимиз ўнгидан келди. Бизни сўроқ қилишди, лекин паспортларимиз, пулларимиз бор бўлгани учун мулозаматдан четта чиқишмади. Улар менинг бир оғиз гапимга ҳам ишонишмаган бўлса керак, ўзимча ҳам булаарни фирт аҳмоқона гаплар деб ўйлардим, лекин бошқа иложи йўқ эди, бу судга ўхшаш бир нарса эди. Бунда ақлга тўғри келадиган ҳеч қандай гапнинг

кераги йўқ эди, узоқ тушунтириб ўтирилмайдиган бирон сабаб кўрсатилса, шунинг ўзи етарли бўларди. Бизнинг паспортларимиз бор эди, пул сарфламоқчи бўлиб тургандик. Шунинг учун бизга мувакқат виза беришди. Бу визаларни истаган пайтларида бекор қилишлари мумкин эди. Биз қаерга бормайлик, албатта полицияга бориб учрашишимиз керак эди.

— Қаерга борсак ҳам майлими?

— Ҳа. Қаерга бормоқчи эканмиз?

— Сен қаерга бормоқчисан, Кэт?

— Монтрега.

— Жуда яхши шаҳар, — деди амалдор. — У шаҳар сизларга маъқул бўлади, деб ўйлайман.

— Локарно ҳам яхши шаҳар, — деди бошқа амалдор. — Мен Локарно сизларга ғоятда маъқул бўлади, деб ўйлайман. Бу жуда чиройли шаҳар.

— Бизга қишки спорт билан шуғулланиш мумкин бўлган жой ёқади.

— Монтреда қишки спорт билан шуғулланишмайди.

— Маъзур тутасиз, — деди биринчи амалдор. — Мен ўзим монтреликман. Монтре-Оберленд-Берн темир йўлида, шубҳасиз, қишки спорт учун шароит бор. Буни инкор қилиш сизнинг тарафингиздан инсофдан эмас.

— Мен инкор қилаётганим йўқ. Мен фақат Монтреда қишки спорт билан шуғулланишмайди, дедим.

— Мен бунга қўшилмайман, — деди биринчи амалдор. — Мен бу фикрга қўшилмайман.

— Мен ўз фикримда қоламан.

— Мен сизни фикрингизга қўшилмайман. Монтре кўчаларида ўзим *luge*⁴⁸ да учганман. Бир марта эмас, кўплаб учганман. Ҳеч шубҳасиз, у қишки спортнинг турларидан бири ҳисобланади.

Иккинчи амалдор менга қаради.

⁴⁸ Кичикроҳ швейцар чаналари (франц.).

— Сиз қишки спорт деганда *luge*н назарда тутган эдингизми, сэр? Сизни ишонтириб айта оламанки, Локарнода жуда ором олиб яшайсиз. Соғлом иқлим дейсизми, гүзәл жойлар дейсизми, ҳаммаси топила-ди. Сизга бу ер жуда манзур бўлади.

— Жаноб ўzlари Монтрега бориши иштиёқини билдирилар.

— *Luge* нима дегани? — сўрадим мен.

— Кўряпсизми, у *luge* нималигини ҳам билмас экан.

Бу нарса иккинчи амалдорга жуда хуш ёқиб кетди. У фолиб чиққанди.

— *Luge*, — деди биринчи амалдор, — тобогганинг худди ўзи-да.

— Мен қўшилолмайман, — бошини чайқади иккинчи амалдор. — Бунга мен сира қўшилолмайман. Тобогган *luge* дан жуда катта фарқ қиласиди. Тобогган Канадада юпқа тахталардан қилинади. *Luge* — оддий қўшқоракли чана. Ҳамма нарса аниқ бўлгани маъқул.

— Биз тобогганда учсак ҳам майли, — деди биринчи амалдор. — Тобогганда бемалол учиш мумкин. Монтреда сифатли Канада тобогганлари сотилади. Ака-ука Окслар тобогган билан савдо қилишади. Улар тобогганин ўzlари олиб келишади.

Иккинчи амалдор бошини тескари бурди.

— Тобогганда учиш учун, — деди у, — маҳсус *piste*⁴⁹ керак. Монтре кўчаларида тобогганда учиб бўлмайдику. Сиз қаерда тўхтадингиз?

— Ҳали ўзимиз билмаймиз, — дедим. — Биз Брисагодан эндиғина келиб турибмиз. Экипаж кўчада кутиб турибди.

— Монтрега борсангиз фақат хурсанд бўласиз, — деди биринчи амалдор. — У ернинг иқлими ниҳоятда майин. Қишки спорт билан шуғулланмоқчи бўлсангиз ҳам узоқларга бориб овора бўлиб ўтирумайсиз.

⁴⁹ Йўл (франц.).

— Агар сизни чиндан ҳам қишики спорт қизиқтири-
са, — деди иккинчи амалдор, — Энгадин ёки Мир-
ренга боринг. Сизга қишики спорт учун Монтрега бо-
риш керак, дейилган маслаҳатга норозилик билдириш-
га мажбурман.

— Монтре тепасидаги Лез-Аванда ҳар қандай
қишики спорт учун энг яхши шароитлар мавжуд. —
Монтренинг мухлиси ўз касбдошига еб қўйгудай бўлиб
ўқрайди.

— Жаноблар, — дедим мен. — Биз боришимиз ке-
рак. Жияним жуда ҳам чарчаган. Биз таваккал қилиб
Монтрега бора қоламиз.

— Мана бу ўғил бола гап. — Биринчи амалдор
қўлимни қисиб қўйди.

— Сиз Локарнодан кетиб афсус қиласиз, деб ҳисоб-
лайман, — деди иккинчи амалдор. — Ҳар ҳолда Монт-
реда полицияга учрашиб қўйишларингга тўғри келади.

— Полиция томонидан ҳеч қандай англашилмовчи-
ликлар бўлмайди, — деб мени ишонтирди биринчи
амалдор. — Аҳоли ҳам сизни қучоқ очиб қарши ола-
ди.

— Сизларга катта раҳмат, — дедим. — Сизларнинг
маслаҳатларингиз бизга ёрдам беради.

— Хайр, — деди Кэтрин.

— Раҳмат сизларга.

Улар бизни тавозе билан эшиккача кузатиб чиқиши-
ди, Локарнонинг мухлиси бир оз совуқроқ хайлараш-
ди. Биз зинадан тушиб, экипажга ўтирдик.

— О, Худойим, жоним! — деди Кэтрин. — Наҳотки у
ердан олдинроқ чиқиб кетишнинг иложи бўлмади? —
Мен кучерга амалдорларнинг бири айтган меҳмонхо-
нанинг манзилини бердим. Кучер жиловни бўшатди.

— Сен армияни эсингдан чиқарибсан, — деди Кэт-
рин. Солдат ҳамон экипаж олдида туарарди. Мен унга
ўн лир бердим.

— Менда ҳали швейцар пуллари йўқ, — дедим. У
миннатдорчилик билдириб, қўлини чаккасига олиб

борди-да, жўнаб кетди. Экипаж меҳмонхонага қараб йўл олди.

— Монтре қаердан хаёлинга кела қолди? — сўрадим мен Кэтриндан. — Сен чиндан ҳам у ерга боришини истайсанми?

— Оғзимга келганини айтдим-қўйдим-да, — деди у. — У ер ёмон жой эмас. Биз бирон ерда, тоғларда туришимиз мумкин.

— Уйқунг келяптими?

— Кўзимни очолмаётибман.

— Тўйиб ухлаб хумордан чиқамиз. Сен шўрликина қийналиб кетдинг! Кечаси бўларингча бўлдинг.

— Вақтимиз хуш ўтди, — деди Кэтрин. — Айниқса, сен соябонни миниб олганингда қизиқ бўлди.

— Швейцарияга келдик, а, биляпсанми?

— Йўқ, менга ҳалиям кўзимни очсам, бошқа жой бўлиб қоладигандай.

— Менгаям.

— Лекин ростми, жоним? Мен Милан вокзалига сени қузатгани кетаётганим йўғ-а?

— Нафасингни ел учирсин-э.

— Ундан дема. Мен қўрқаман. Кутимаганда шундай бўлиб қолса-я.

— Мен худди маст одамга ўхшаб ҳеч нарсани тушунолмаяпман, — дедим.

— Қўлларингни кўрсат.

Мен унга иккала қўлимни узатдим. Кафтларимнинг териси шилиниб, қип-қизил гўшти чиқиб қолганди.

— Фақат ёнимдагина яра йўқ, — дедим.

— Шаккоклик қилма.

Қаттиқ чарчагандим, бошим айланиб кетмоқда эди. Хушнудлигим йўқолди. Экипаж йўлдан кетиб бораарди.

— Вой-бў, бечора қўллар-а! — деди Кэтрин.

— Тегма, — дедим. — Нима бало бўлди, қаердалигимизни ҳеч билолмаяпман. Биз қаерга кетяпмиз, кучер?

Кучер отни түхтатди.

— Метрополга. Ўзингиз айтмовдингизми?

— Ҳа, ҳа, — дедим. — Ҳаммаси жойида, Кэт.

— Ҳаммаси жойида, жоним. Тинчлан. Бир хумордан чиқиб ухлаб оламизу кейин эртага сен худди мастга ўхшаб юрмайсан.

— Мен бутунлай бошимни йўқотиб қўйдим, — дедим мен. — Бугунги кун бари опереттага ўхшайди. Балки очиққандирман.

— Сен чарчагансан, холос, жоним. Ўтиб кетади.

Экипаж меҳмонхона олдига бориб тўхтади. Жомадонларимизни олгани бир бола чиқди.

— Ўтиб кета бошлади, — дедим мен. Биз кўчани кесиб меҳмонхонага қараб бормоқда эдик.

— Ўтиб кетишини билардим. Сен чарчадинг, холос. Тўйиб ухлаб олишинг керак.

— Ҳар ҳолда биз Швейцариядамиз-ку.

— Ҳа, биз чинданам Швейцариядамиз. Жомадонларимизни кўтариб олган боланинг изидан меҳмонхонага кирдик.

Ўттиз саккизинчи боб

Ўша кузак қор жуда кеч тушди. Биз тоғ ён бағрида, қарағайзорда жойлашган ёғоч кулбада яшардик, тұнлари аёзли бўлар, эрталаб иккита кўзачада ювенишга қўйилган сувнинг бети юпқа музлаб қоларди. Madame Гуттинген деразаларни ёпиш учун каллаи саҳарлаб хонага кирап, баланд кошиндор печга ўт қаларди. Қарағай ўтиналар чарсиллаб ёна кетар, печда олов гувиллай бошлар ва madame Гуттинген печга ёқишига палёнлар билан кўзада иссиқ сув кўтариб иккинчи марта хонага кирапди. Уй исигандан кейин, нонушта олиб келарди. Ўринда нонушта қилиб ётиб биз кўлни, кўлнинг у бетидаги, француз қирғоғидаги тоғларни томоша қиласарди. Тоғ чўққиларида қор ётарди, кўл пўлатдай тиниқ кўкимтири туслаганди.

Ташқаридан шундоқ уйнинг тагидан йўл ўтарди. Совуқдан арава излари тошдай қотиб қолган, йўл дарахтзордан ўтиб борган сари тик кўтарилар, кейин тоғ белига камардай чирманиб, ўтлоқлар ва саройларга, нақ водий узра осилиб турган ўрмон чеккасидағи ўтлоқлардаги кулбаларга чиқиб бораради. Сойлик жуда ҳам пастда эди, унинг ўртасидан кўлга қуйиладиган анҳор оқиб ўтарди, шамол сойлик томондан эстган чофларда тошдан тошга урилиб оқаётган сувнинг шовилаши эшитиларди.

Баъзан биз йўлдан бурилиб, сўқмоққа тушиб, қарағайзордан ўтиб борарадик. Дарахтзордаги ер юмшоқ бўларди: у ҳалиги йўлга ўхшаб совуқдай қотиб қолмаганди. Лекин биз йўлнинг қаттиқдигидан унчалик озурда эмасдик, чунки этикларимизнинг тагига, товонига мих қоқилган, михлар қатқалоққа санчилиб кирап, юриш қандайдир ёқимли ва одамни бардам қиласарди. Лекин дарахтзор ичидан юриш ҳам ғоятда гаштили эди.

Биз турган уйдан күл бўйидаги чоғроқ бир водийга тик қиялик тушиб борар, қуёшли кунларда биз айвонда ўтириб, тоғ ён бағридан буралиб кетган йўлни томоша қилардик, бу ердан бошқа бир тоғнинг ёнбағирлари ва қиши келганидан қуруқ новдалари қолган поясма-поя тушган узумзорлар, тошлар билан ўралган далалар ва узумзорлардан қўйироқдаги кўл бўйида, тор водийда жойлашган шаҳар уйлари кўриниб турарди. Кўлда бир оролча бўлиб, унда балиқчилар қайининг қўш елканига ўхшаш иккита дарахт ўсганди. Кўлнинг нариги бетидаги тоғлар тик ва найзадор тоғлар эди, кўлнинг жанубий чеккасида икки тоғ тизмаси орасида Рона водийси чўкиб ётар, унинг энг орқа томонида эса, водийни тоғлар кесиб ўтган ерда Дан-дю-Миди жойлашганди. У жуда баланд қорли тоғ эди, бутун ён атрофда ундан кўра зўрроқ чўққи йўқ, лекин у шунчалар йироқда эдики, биз томонларга соя ташламасди.

Офтоб чаракдаган кунларда биз айвонда ўтириб овқатланар, лекин бошқа пайтларда биз тепада, тахта деворли бурчагига каттакон пеъ қўйилган мўъжаз бир хонада тамадди қилардик. Биз шаҳардан жуда кўп китоб ва журналлар сотиб олдик, икки киши ўйнайдиган анча-мунча қарта ўйинларини ўргандик. Печли кичкина уй биз учун ҳам меҳмонхона, ҳам емакхона эди. Бу ерда иккита қулай кресло, китоб-журнал қўйиладиган столча бўлиб, қартани идиш-товоқларни йигиштириб олишгач, овқат столида ўйнардик. Monsieur ва madame Гуттинген пастки қаватда яшашар, кечалари баъзан уларнинг гап-сўзларини эшишиб қолардик, улар ҳам биздек бир-бирлари билан тутув яшардилар. У бир маҳаллар обер-кельнер бўлиб ишлаган, хотин эса ўша меҳмонхонанинг ўзида хизматчилик қилган, кейин пул йиғиб мана шу уйни сотиб олишган экан. Уларнинг ёлғиз бир ўфиллари бўлиб, у обер-кельнер бўлишга тайёргарлик кўради. У Цюрихдаги меҳмонхонада хизмат қиларкан. Пастда яна

бир хона бўлиб, унда вино ва пиво билан савдо қилишар ва гоҳо қош қорайган кезлари йўлда аравалар келиб тўхтаганини, одамлар унча-мунча отгани кирганларини эшишиб қолардик.

Йўлакда, хонамизнинг олдида бир яшикда ўтиналар турар, мен ундан палён олиб печга ташлардим. Лекин биз кечаси узоқ ўтирмасдик. Бизнинг хосхонамиз катта эди, биз чироқни ёқиб ўтирмасдан ётиб олардик, мен ечингач, деразаларни очиб юборардим, тунга, совуқ юлдузларга, дераза тагларидаги қарагайларга бир нафас тикилиб турар, кейин ўринга шўнфирдим. Ҳаво бундай совуқ ва соғ бўлган тунлари кўргпада ётиш маза бўлади. Биз донг қотиб ухлаб қолардик, кечаси мабодо уйғониб кетсам, Кэтринни уйғотиб юбормаслик учун оҳиста пар тўшакни четга суриб қўяр, кейин устим енгиллашгач, яна осуда уйқута чўмардим. Уруш ўзга мактабдаги футбол ўйини каби йироқда эди. Лекин газеталардан тоғларда ҳамон уруш бораётганлигини билардим, бунга сабаб у ерларда ҳали қор тушмаганлиги эди.

Гоҳида тоғ ёнбағридан Монтрега тушиб бораардик. Уйимизнинг шундоқ ўзидан пастга тушадиган сўқмоқ бор эди, лекин у шу қадарли тикка эдики, одатда биз йўлдан юрардик, кенг, совуқда қотиб қолган йўлдан далалар, узумзорларнинг тош деворлари, йўл бўйидаги қишлоқ, уйларини оралаб ўтиб бораардик. Қишлоқлар учта эди: Шернэ, Фонтаниван ва яна бири, номи эсимда қолмаган. Кейин яна шу йўл билан тоғ тумшуғидаги мустаҳкам тош chateandan ўтиб, узумзор ишкомларга кириб бориларди, ток зангларининг бари бойлаб қўйилганди, занглар қуруқ, қўнғир тусга кирганди, пастда эса, чуқурлиқда ойнадай текис, пўлатдай кўкимтири товланиб кўл ётарди. Chateandan йўл пастга қиялаб тушиб кетарди, кейин ўнг томонга бурилиб, шу ердан Монтрегача тош ётқизилган тик нишаб йўл бошланарди.

Монтреда ҳеч қандай таниш-билишларимиз йўқ эди. Биз кўл бўйидан бораётганимизда оқкушларни,

сон-саноқсиз оқ чарлоқларни ва яқинроқ борган ҳамонинг кўкка кўтарилиб, пастга, сувга қараб зорланиб қичқирадиган бўрон қушларини томоша қилардик. Соҳидан ичкарироқда жимитгина қорамтири гагара тўдалари сувда из қолдириб учиб юришарди. Шаҳарга боргач, биз катта кўчадан магазинларнинг витриналарини томоша қилиб бордик. Бу ерда ҳозир ёпиқ катта меҳмонхоналар кўп эди, лекин магазинларнинг деярли ҳаммаси очиқ ва ҳаммалари бизни очиқ чеҳра билан қарши олишарди. Яхши бир сартарошхона бор экан, Кэтрин у ерга сочини тузатгани кирди. Сартарошхонанинг бекаси уни жуда хушнудлик билан қаршилади. Монтредаги бизнинг бирдан-бир танишимиз шу киши эди. Кэтрин сочини тузатар экан, мен пивохонада ўтириб Мюнхенning барқут пивосидан ичиб, газета кўрар эдим. Мен «Курьере делла сера»ни ҳамда Париждан олиб келинган Америка ва инглиз газеталарини ўқир эдим. Барча эълонлар босмахона бўёғи билан чаплаб ташланганди, душман улардан алоқа сифатида фойдаланмасин дили сиёҳ бўларди. Ҳамма ерда ишларнинг мазаси йўқ. Бир кружка барқут пиво олиб, pretzelning⁵⁰ қофоз қутисини очардим, pretzelning таъми менга жуда ёқар, ундан пивонинг мазаси ўткирлашгандай туюларди ва мен мағлубият ҳақидаги хабарларни ўқирдим. Мен Кэтрин шу ерга келса керак деб ўтираверибман, лекин у ҳадеганда келавермагач, газеталарни ўз жойига қўйиб, пиво пулени тўладим-да, уни қидириб кетдим. Кун совуқ, бадқовоқ эди, ҳатто деворлардан ҳам қишининг совуқ нафаси келарди. Кэтрин ҳали ҳамон сартарошхонада ўтирган экан. Бека унинг соchlарини жингалак қиларди. Мен кичкина бир хоначада қараб ўтирдим. Бу мени тўлқинлантириб юборди, Кэтрин майин табассум би-

⁵⁰ Шўртак печенье (нем.).

лан менга гапириб ўтирап, менинг овозим эса, ҳаяжонимдан бирмунча ўзгариб, хириллаб чиқмоқда эди. Қисқичлар ёқимли шиқирлаб турар, Кэтриннинг сочлари учта ойнадан баравар кўринар, хона шинам ва иссиққина эди. Кейин бека Кэтриннинг сочларини ётқизиб тўғрилади ва Кэтрин ойнага қараб туриб тўғнағичлари билан бир оз бошқача қилиб олди; кейин ўрнидан турди.

— Жудаям кўп куттириб қўйдим-ку.

— Monsieur — зерикканлари йўқ. Шундай эмасми, monsieur? — жилмайди бека.

— Ҳа, — дедим мен.

Биз эшикка чиқиб кўчадан юриб кетдик. Ҳаво совуқ, хафагазак эди, шамол эсиб турарди.

— Сени қанчалар севганимни билсанг эдинг, — дедим мен.

— Энди яхши бўляпти-а, тўғрими? — деди Кэтрин.

— Биласанми нима? Ке, бирон ерга кирамиз-да, чой ўрнига пиво ичамиз. Кичкина Кэтринга пиво жуда ҳам фойдали. Бола қаттиқ ўсиб кетмайди.

— Кичкина Кэтрин, — дедим мен. — Вой эринчօ!

— У ақлли, — деди Кэтрин. — Унинг тарбияси жуда ҳам яхши. Доктор менга пиво фойдали деб айтди, тез ўсиб кетмас экан.

— Сен ҳақиқатан унинг ўсиб кетишига йўл қўйма, агар у ўғил бола бўлса, чавандоз бўлади.

— Агар бола туғиладиган бўлса биз ростданам никоҳ ўқитишимизга тўғри келади, — деди Кэтрин. Биз пи вохонада бурчакдаги столда ўтиргандик. Ташқарида қош қорайиб бормоқда эди. Ҳали эрта бўлса ҳам, ҳавонинг турқи бузуқ, шунинг учун қоронгилик тез тушганди.

— Ке энди уйланамиз, — дедим мен.

— Йўқ, — деди Кэтрин. — Энди ўнғайсиз бўлади. Жуда ҳам билиниб қолди. Мен шу аҳволда мэрияга бормайман.

— Олдинроқ шу ишни қилмаганимизни қара.

— Үнда ҳар ҳолда ёмон бўлмасди-я. Лекин бунга вақтимиз бўлдими, жоним?

— Билмадим.

— Мен эса биламан. Мэрияга бунаقا она хотин бўлиб бормайман.

— Она хотининг нимаси?

— Чинакам она хотин, жоним. Сартарош хотин бу биринчисими, деб сўради. Мен унга иккита ўғил, иккита қиз боламиз бор дедим.

— Қачон тўйимизни қиласми?

— Яна озишим биланоқ тўй қиласми. Тўйимиз жуда ҳам зўр бўлишини, ҳамма кўрганлар қандай чиройли, муносиб эр-хотинлар, дейишини истайман.

— Кўнглинг хижил бўлмайдими?

— Нега энди хижил бўлсин жоним? Кўнглим бир марта Миландалигимизда хижил бўлганди, унда мен ўзимни саёқ қиз деб ҳис қилгандим, кейин беш дақиқалардан сўнг ўтиб кетганди. Хонанинг кўриниши менга ёмон таъсир қилганди. Наҳотки, мен ёмон хотин бўлсан!

— Сен топилмас хотинсан.

— Ундей бўлса, қоғозбозликни ўйлаб ўтирма, жоним. Мен асл ҳолимга қайтишим билан тўй қиласми.

— Хўп.

— Мен яна пиво ичсам бўлармикин, нима дейсан? Доктор менинг тосимни торроқ деяпти, шунинг учун кичкина Кэтринни қаттиқ ўстириб юбормаганимиз тузук.

— У яна нима деди? — Юрагим ҳаприқиб кетди.

— Ҳеч нима. Менинг қон босимим жуда ҳам яхши экан. У менинг қон босимимга ҳайрон қолди.

— Тосингнинг торлиги хусусида яна нима деди?

— Ҳеч нима. Ҳеч нима дегани йўқ. У менга чанғида юриш мумкин эмас, деди.

— Тўғри.

— Агар шу пайтгача юрмаган бўлсангиз, энди юришга кеч бўлди, деди. У чанғида юриш умуман мумкин-у, лекин йиқилиш мумкинмас, деди.

— Ҳазилкаш одам экан сенинг докторинг.

— Йўқ, у ростданам яхши киши. Кичкинамиз туғи-ладиган маҳалда уни чақирамиз.

— Сен ундан турмуш қурсак майлими, деб сўрама-дингми?

— Йўқ. Мен унга турмуш қурганимизга тўрт йил бўлди, дедим. Биласанми, жоним, агар мен сенга тег-сам, мен америкалик бўлиб қоламан. Америка қонунларига кўра эса, қачон туғилганидан қатъи на-зар бола қонуний ҳисобланади.

— Қаердан ўқий қолдинг буни?

— Кутубхонада Нью-Йоркда чиқадиган «Уорлд алманак» бор экан.

— Қандоқ яхшисан.

— Мен америкалик бўлишимдан жуда хурсандман. Биз Америкага борамиз-а, жоним? Мен Ниагара шов-vasини кўрмоқчиман.

— Якка-ю ягонам.

— Мен яна ниманидир томоша қилмоқчи бўлиб юрар-дим, лекин нималиги эсимдан чиқиб қолди.

— Қушхоналарими?

— Йўқ. Эсимдан чиқди.

— Вулворт минорасиними?

— Йўқ.

— Катта Дараними?

— Йўқ. Лекин буни ҳам кўрмоқчи эдим.

— Унда нима бўлмасам?

— Олтин дарвоза! Мен ана ўшани кўрмоқчийдим. Олтин дарвоза қаерда?

— Сан-Францискода.

— Унда ўша ерга борамиз. Мен умуман Сан-Фран-цискони кўрмоқчиман.

— Жуда соз. Ўша ерга борамиз.

— Энди ке, тоғнинг тепасига чиқамиз. Майлими?

— Соат бешдан неча дақиқа ўтгандаям поезд кела-ди.

— Ана ўшандада борамиз.

— Хўп. Мен фақат яна пиво ичиб олай.

Биз кўчага чиқиб, зиналардан станцияга кўтарилаётганимизда жуда ҳам совуқ эди. Совуқ шамол Рона водийсидан эсмоқда эди. Магазинларнинг витриналарида чироқлар ёқилган, ёруғ эди, биз тик тош пиллапоядан юқори кўчага, кейин бошқа пилла-поядан станцияга кўтарилдик. Бунда чароғон ёритилган электр поезд турарди. Каттакон циферблатда поезднинг кетадиган вақти кўрсатиб қўйилганди. Поезд бешдан ўн дақиқа ўтганда юрар экан. Мен станция соатига қарадим. Бешдан беш дақиқа ўтган. Биз вагонга ўтираётганимизда мен вагон ҳайдовчи билан кондуктор буфетдан чиққанларини кўрдим. Биз ўтирилдик, дарчани очдик. Вагонни электр печлар иситар, шунинг учун ичи дим, лекин дарчадан совуқ тоза ҳаво кирмоқда эди.

— Чарчадингми, Кэт? — сўрадим мен.

— Йўқ. Ўзимни жуда ҳам яхши сезяпман.

— Салдан кейин тушамиз.

— Яхши кетяпман, — деди у. — Кўп мендан чўчий-верма. Ўзимни яхши сезяпман.

Ҳайитга уч кун қолганда қор ёғди. Бир куни эрталаб уйғонсак, қор ёғаётган экан. Печкада олов гуриллаб ёнар, биз тўшакда қор ёғишини томоша қилиб ётардик. Madame Гуттинген нонуштадан кейин идиштовоқларни йигиштириб олди ва печкага яна ўтин ташлади. Чинакам қор бўрони бўлаётганди. Madame Гуттинген қор ярим кечалардан ёғишга бошлади, деди. Деразага бориб қаровдим, олдимиздаги йўлдан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Шамол ҳар томондан айланиб учар, қор тўзонини кўтарарди. Мен яна ўринга кирдим, биз анчагача гаплашиб ётдик.

— Қани энди, чангифда учсанг, — деди Кэтрин. — Чангифда учомаслигим тоза ҳафсаламни пир қилди-да.

— Чана оламиз-да, пастга кетаётгандан ўтириб оламиз. Автомобилда юргандай бўласан.

- Силкитиб ташламайдими?
— Бир учиб күрайлик-чи.
— Силкитмаса, яхши бұларди-я.
— Бирпасдан кейин қорда айлангани чиқиш мумкин.
— Тушликдан олдин, — деди Кэтрин, — ишташа учун.
— Усиз ҳам доим қорним очга ўхшайди.
— Менинг ҳам.

Биз уриб турған бўронга чиқдик. Лекин ҳамма ёқни қор уюмлари тутиб кетганидан олис юриб бўлмасди. Мен қорни топтаб олдинда кетдим, лекин станциягача узоқ юриб боришга тўғри келди. Қор юзга уриб кўзни очиргани қўймасди. Биз станция яқинидаги кичкина қовоқхонага кирдик, супрутки билан қорларимизни супуриб ташладик, ёғоч курсига ўтириб, вермут сўрадик.

— Бугун қаттиқ бўрон бўляпти, — деди кельнер хотин.

— Ҳа.
— Бу йил қор анча кеч ёфди.
— Ҳа.
— Мен бир плитка шоколад есам нима қиласди? — сўради Кэтрин. — Ёки нонуштагача сабр қиласми? Мен доим очман.

— Бир дона есанг бўлади, — дедим мен.
— Мен ёнғоқ солинганидан оламан, — деди Кэтрин.
— Ёнғоқ солингани жуда ҳам мазали, — деди кельнер қиз. — Мен ҳаммадан ҳам ёнғоқ солинганларини яхши кўраман.

— Мен яна вермут ичаман, — дедим мен.
Уйга кетайлик деб эшикка чиққанимизда, бояги изларимизни қор босиб кетганди. Фақат оёқ излари ўрнида билинар-билинмас ботиқлик қолганди. Қор одамнинг юзига ураг, кўз очиргани қўймасди. Биз қорларимизни тозалаб нонушта қилгани ўтиридик. Нонуштамизга Madame Гуттингеннинг ўзи қараб турди.

— Эртага чанғида учса бўлади, — деди у. — Чанғи учишни биласизми, мистер Генри?

— Йўқ. Лекин ўрганмоқчи эдим.

— Сиз тез ўрганиб оласиз. Ўғлим ҳайитга келмоқчи, у сизга ўргатиб қўяди.

— Қойил. Қачон келиши керак эди?

— Эртага кечқурун.

Тушлиқдан кейин кичкина хонада, печка олдида қор ёғишига қараб ўтирган эдик, Кэтрин гап бошлаб қолди:

— Жоним, бир ўзинг бирон ерларга бориб келсанг, эркаклар ўртасида бўлсанг, чанғиларда учсанг бўлмасмикин?

— Нима кераги бор?

— Наҳотки, бошқаларни сира кўргинг келмаса?

— Сен бошқаларни кўргинг келяптими?

— Йўқ.

— Мен ҳам.

— Биламан. Лекин сен бошқа гап. Мен ҳомилалиман, шунинг учун мен ҳеч нарса қилмасам ҳам бўла-веради. Мен жуда ҳам тентак бўлиб кетаётганимни, маҳмадона бўлиб қолаётганимни биламан, шунинг учун сен бирон ерга бориб келсанг, яхши бўлади, бўлмаса жудаям жонингга тегиб кетаман.

— Сен мени кетишимни истайсанми?

— Йўқ, ёнимда бўлишингни истайман.

— Унда ҳеч ерга кетишимнинг кераги йўқ.

— Бери кел, — деди у. — Мен бошингдаги фуррангни кўрмоқчиман. Каттагина экан. — У шишни бармоқлари билан сийпалаб кўрди. — Жоним, соқол кўйсанг нима қиласкин?

— Соқол қўяйми?

— Шунчаки эрмакка. Соқол билан қандай бўлар-кинсан, кўрмоқчийдим.

— Майли, соқол қўяман. Ҳозирнинг ўзиданоқ соқол қўя бошлайман. Буни фоя деса бўлади. Энди менинг ўзимга яраша машғулотим бўлади.

— Қиладиган ишинг бўлмаганидан хафамисан?

— Йўқ. Мен жуда мамнунман. Ўзимни яхши сезяпман. Сен-чи?

— Жуда ҳам яхши. Лекин мен бунаقا пайтимда сени зериктириб юборармикинман, деб қўрққаним қўрққан.

— Оҳ, Кэт! Сени қанчалар севишимни билсайдинг.

— Ҳозир ҳамми?

— Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам. Мен ўзимни баҳтили деб биламан. Нима, биз бу ерда ёмон яшаяпмизми?

— Жуда ҳам яхши. Лекин менга нуқул сен қандайдир безовта бўлиб қолганга ўхшаб кўринасан.

— Йўқ. Мен баъзи пайтларда фронтни ва турлитуман одамларни эслаб кетаман, лекин бунинг ташвишланадиган ери йўқ. Мен ҳеч нарсани узоқ ўйлаб ўтирумайман.

— Кимларни эслайсан?

— Ринальдини, кашишни ва бошқа турли одамларни. Лекин мен буларни узоқ ўйламайман. Уруш ҳақида ўйлашни истамайман. У билан ҳисоб-китобларимиз битган.

— Ҳозир нимани ўйлаяпсан?

— Ҳеч нимани.

— Йўқ, сен бир нарсани ўйлаётган эдинг. Айт.

— Мен Ринальди ростданам захм бўлиб қолганмикан, деб ўйлаётгандим.

— Бор-йўғи шуми?

— Ҳа.

— У захмга йўлиққанми?

— Билмайман.

— Мен сенда бўлмаганидан хурсандман. Сенда бунаقا нарсалар бўлмаганмиди?

— Мен сўзак бўлганман.

— Бўлди, қўй. Жонинг жуда оғриганмиди, жоним?

— Жуда.

— Менда ҳам бўлишини истардим.

- Бекорларни айтибсан.
- Йўқ, ростдан. Мен худди сендай бўлишни истардим. Мен сен билган ҳамма хотинларни билишни, сўнг уларни сенинг олдингда майна қилишни истардим.
- Мана бу чиройли гап.
- Нима, сенда сўзак бўлганда чиройли бўлганмиди?
- Йўқ. Қорнинг ёфишини қара.
- Мен яхшиси сенга қараб ўтираман. Жоним, сочларингни ўстириб юборсанг, нима қиларкин?
- У нима деганинг?
- Сал узунроқ қилиб ўстирсанг деяпман-да.
- Ҳозир ҳам узун-ку.
- Йўқ, бир оз ўстиргин, мен бўлсам, бир оз қирктираман, кейин икковимиз бир хил бўлиб қоламиз. Фақат биттамиз қорароқ, биттамиз оқишроқ бўламиз.
- Мен сочингни қирқтиришингни истамайман.
- Балки бу жуда антиқа бўлармиди. Сочим жонимга тегиб кетди. Кечаси ётганда жуда ҳам халақит беради.
- Менга шундоқ тургани ёқади.
- Калта қилдирсам, ёқмасмиди?
- Эҳтимол. Менга ҳозиргиси ёқади.
- Балки калта бўлса, маъқул бўлармиди. Икковимиз бир хилда бўлардик. Жоним, сени шу қадар яхши кўраманки, сендай бўлиб қолсам дейман.
- Ўзи ҳам шундай. Битта одаммиз.
- Биламан. Кечалари.
- Кечалари ҳамма нарса бошқача бўлади.
- Мен сен қаерда-ю, мен қаерда, ҳечам билиб бўлмайдиган бўлиб қолса дейман. Сен ҳеч ерга кетмайсан. Мен боя жўрттага айтгандим. Агар кетгинг келса, кетавер. Лекин тезроқ қайтиб кел. Жоним, сенсиз менга ҳаёт йўқ, ахир.
- Мен ҳеч қачон кетмайман, — дедим мен. — Сен бўлмасанг, мен соядай бўлиб қоламан. Сенсиз мен жонсиз жисмман.

— Мен ҳаётинг яхши бўлишини истайман. Ҳаётинг жуда ҳам яхши бўлишини истайман. Лекин бу бизнинг икковимизнинг ҳаётимиз бўлади, тўғрими?

— Хўш, қалай, соқол қўйишни бошлайми ёки тўхтатайми?

— Ўсаверсин. Соқол қўй. Бу жудаям қизиқ бўлади. Балки у янги йилгача ўсиб кетар.

— Истайсанми, шахмат ўйнаймиз!

— Яххиси, бошқа ўйин ўйнайлик.

— Йўқ. Шахмат ўйнаймиз.

— Кейин бошқа ўйин қиласиз, а? Ҳа.

— Хўп, яхши.

Мен шахмат олиб келиб доналарни тикдим. Ташқарида ҳамон қор гупиллаб ёфмоқда эди.

Бир куни мен кечаси уйғониб кетдим, қарасам, Кэтрин ҳам уйғоқ экан. Ой деразага тушиб турар, дегизга ромларининг сояси ўринга тушиб турганди.

— Уйқунг келмаяптими, жоним?

— Йўқ. Сен ухломаяпсанми?

— Мен ҳозиргина уйғониб кетдим, биринчи марта учрашганимизда қанчалар телба эканлигимни ўйлаб ётибман. Эсингдами?

— Сен салгина девона эдинг.

— Энди ҳеч ундан бўлмаяпман. Энди ҳаммаси яхшига ўхшайди. Ажойиб. Сен бу сўзни фалати қилиб айтасан. «Ажойиб» дегин.

— Ажойиб.

— Сен жонимсан. Мен ҳам энди девона эмасман. Фақат мен жуда, жуда баҳтлиман.

— Майли, ухла, — дедим.

— Майли. Ке, иккаламиз баравар ухлаб қоламиз.

— Майли.

Лекин биз дарҳол ухлаб қолмадик. Мен яна ҳар турли нарсаларни ўйлаб Кэтринга, унинг бўйнига тушиб турган ой нурига қараб анчагина уйғоқ ётдим. Сўнг мен ҳам ухлаб қолибман.

Ўттиз тўққизинчи боб

Январнинг ўрталарига бориб соқолим ўсиб қолди, чинакам қиш бўлиб кетди, кунлар совуқ ва кўзни қамаштирадиган, тунлари аёзли, қаҳратон совуқ бўларди. Яна йўлларда қатнов бошланди. Чаналарнинг кўшқораклари ва тоғдан судраб келишадиган ёғочлардан йўллардаги қор қотиб силлиқ бўлиб қолди. Тўрт томон қор, Монтрегача қор эди. Кўлнинг нариги ёғидаги тоғлар оқариб қолганди, Рона водийсини ҳам қор босди. Биз тоғнинг бошқа ёнбағридан Бэн-де-л Альязгача узоқ сайр қилиб юрардик. Кэтрин тагига мих қоқилган оёқ кийим, плаш кийиб олар, кўлида унинг тўлалиги билинмас ва биз ўртача қадамлар билан юриб борар, баъзан тўхтаб йўллардаги хариларга ўтириб дам овлолардик.

Бэн-де-л Альязда дараҳтлар тагида ўрмон кесувчиларнинг қовоқхоналари бўлиб, биз ҳам шу ерга кириб ширинликлар ва лимоналар билан қайноқ қизил вино ичардик. Уни Gluhwein деб аташади, баданингни бир оз қизитиб олмоқчи бўлсанг ёки бироннинг сорлиғига қадаҳ кўтаргинг келса, ундан ҳам созроғи йўқ. Қовоқхона ним қоронфи, тутун босган бўларди, кейин биз эшикка чиққанимизда одамнинг ўпкасига муздек ҳаво тегар, нафас олганда бурнингни учи қотиб қоларди. Биз ҳамма дарчаларидан ёруғ тушиб турган қовоқхонага бир зум қараб турардик, чиқаверишда ўрмон кесувчиларнинг отлари совқотиб қолмаслик учун депсиниб туришар, бошларини силкиб-силкиб ташлашарди. Тумшуқларидағи мўйлари қиров билан қопланган, нафас олганда оғизларидан чиққан пар ҳавода яхлаб қоларди. Қайтаётганимизда йўл силлиқ ва сирпанчик бўлар ва то муюлишга боргунча от сийдикларидан сарғимтири тусга киарди, бурилишга боргунда чет томонга ёғоч олиб тушиладиган сўқмоқ айрилиб кетарди. Йўлнинг бу ёғи ўрмон ичидан ўтиб бо-

пар, унинг устидаги қор топталавериб қотиб қолганди, кечқурун уйга қайтарканмиз, икки марта тулки кўрдик.

Бу ниҳоятда гаштли юрт эди, биз айлангани чиққа-нимизда доим қувноқ бўлардик.

— Соқолинг жуда ажойиб бўлди, — деди Кэтрин. — Худди ўрмончиларникига ўхшайди. Сен ҳалиги олтин узук таққанни кўрдингми?

— У тоф кийикларини овлайди, — дедим мен. — Улар яхши эшитиш учун узук тақишиади.

— Наҳотки? Ундей эмасдир. Ҳамма бизнинг тоф кийикларини овловчиilar эканимизни кўрсин деб, узук тақиб юришиади. Бу ерда тоф кийиклари борми?

— Ҳа, Дан-де-Жаманнинг нарёғида.

— Тулкини кўрганимиз қизиқ бўлди, а?

— Тулки ухлагандада думини танасига ўраб ётади, совқотмайди.

— Жуда маза бўлса керак, а?

— Мен доим қани энди шунаقا думим бўлса деб юрардим. Тулкинига ўхшаган думларимиз бўлса нима бўларди?

— Унда қандай қилиб кийинардик?

— Махсус кийимлар тикириш мумкин бўларди, ёки бунга аҳамият бериб ўтирумайдиган мамлакатларга кетиш мумкин эди.

— Биз ҳалиям ҳеч нарсанинг аҳамияти бўлмаган мамлакатда турибмиз. Ҳеч кимни кўрмай шу ерда яшаб турганимизнинг ўзи ажойиб эмасми? Сен чиндан ҳам ҳеч кимни кўргинг келаётгани йўқ, тўғрими, жоним?

— Ҳа.

— Ке, бирпас ўтирамиз. Мен сал чарчадим.

Хари устида бир-биrimizning пинжимизга суқилиб ўтирдик. Олдинда йўл ўрмонга кириб кетарди.

— Кичкинтой бизга ортиқча юк бўлмасмикин, нима дейсан?

— Йўқ. Бунга йўл қўймаймиз.

- Пулимиз ҳали борми?
- Бир дунё. Мен кейинги чекни ҳам олдим.
- Қариндош-уруғларинг сени қидириб юришмас-микин? Улар энди сенинг Швейцарияда эканлигинг-ни билишади-ку.
- Бўлиши мумкин. Мен уларга хат ёзиб юбораман.
- Ҳали ёзганинг йўқми?
- Йўқ. Фақат чекни қўл кўйишга юборгандим.
- Худога шукрки, сенга қариндош эмасман.
- Мен уларга телеграмма бераман.
- Наҳотки, сен уларни яхши кўрмасанг?
- Олдинлари севардим, кейин шунчалар кўп жан-жаллашдикки, ҳозир кўкрагимда ҳеч нарса қолмаган.
- Менимча улар менга ёқишиган бўларди. Эҳтимол, улар менга жуда ҳам ёқиб қолишиган бўларди.
- Ке, улар ҳақида гаплашмайлик, бўлмаса, одам уларнинг ташвишларини чекиб юради. — Бир оздан сўнг дедим: — Дам олган бўлсанг, кетайлик.
- Дам олиб бўлдим.
- Биз йўлимизда давом этдик. Қош қораийиб қолган, қадам ташлаганимизда қор фарч-фурч қиларди. Осмон тип-тиниқ, қора совуқ ҳоким эди.
- Соқолинг менга жуда ёқади, — деди Кэтрин. — Бирам чиройли. Кўринишдан қаттиқ, тикандай, аслида эса майни ва ёқимли.
- Сенингча, соқолсиз юргандан шу яхшими?
- Яхшига ўхшайди. Биласанми, жоним, мен кичкина Кэтрин туғилгунча сочимни олдирмайман. Мен ҳозир семириб, катта хотиналarga ўхшаб қолганман. Лекин у туғилгандан кейин яна озаман, ўшанда сочимни бошқатдан тузаттираман, шунда сенга яна янгидаи бўлиб қоламан. Сен билан бирга бориб сочимни олдираман ёки битта ўзим бориб, кейин келиб сени ҳайрон қолдираман.
- Мен индамасдим.
- Сен йўқ демайсан, тўғрими?
- Йўқ. Балки менга ёқиб ҳам қолар.

— Қандай яхисан! Мен яна озғин бўлиб қолсам, яна кўҳликкина бўлиб кўринсан, тўсатдан яна мени яхши кўриб қолсанг-а.

— О, қурмағур! — дедим мен. — Ҳалиям сендан жонимни аямайман. Яна нима керак сенга? Бутунлай мажнун бўлиб юрсан, тузукми?

— Ҳа. Мен мажнун бўлиб қолишингни истайман.

— Майли унда, — дедим. — Ўзим ҳам шуни хоҳлайман.

Қирқинчи боб

Жуда ҳам баҳтиёр яшардик. Январь ҳам, февраль ҳам ўтди, қиши соз эди, биз жуда баҳтиёр эдик. Ўқтин-ўқтин илиқ шамоллар эсиб кела бошлади, шунда қор юмшоқ бўлиб қолар, баҳор келаётганга ўхшарди, лекин яна ҳаво тиниқлашиб, совуқ зўраяр, яна қиши қайтиб келарди. Март ойида қиши илк бор чинакам чекинди. Кечаси ёмғир ёғди. Ёмғир эрталабгача тинмади, қор пилчиллаб кетди ва тоғ ёнбағри маъюсликка чўмди.

Кўл ва водий узра булатлар йифилди. Тогларда ёмғир ёға бошлади. Кэтрин чуқур калиш кийиб олди, мен madame Гуттингенning резина этигини олдим ва биз музи эриётган йўлдан қор, лой кечиб станциядаги қовоқхонага нонушта олдидан вермут ичгани бордик. Ташқарида ёмғир ёғаётгани деразадан эшитилиб турарди.

— Шаҳарга кетсак, нима дейсан?

— Ўзинг қандай фикрдасан? — сўради Кэтрин.

— Агар қиши тугаб, ёғингарчилик бошланиб кетган бўлса, бу ерда яшаб бўлмайди. Кичкина Кэтринга қанча қолди?

— Бир ойча. Балки кўпроқдир.

— Пастга тушиб Монтрела турсак ҳам бўлади.

— Лозаннага бормаймизми? Касалхона ўша ерда-ку.

— Лозаннага борсак ҳам бўлади. Мен фақат у шаҳар бизга катталик қилмасмикин девдим.

— Биз катта шаҳарда ҳам ёлғиз ўзимиз бўламиш. Лозанна яхши шаҳар бўлса керак.

— Қачон кетамиш?

— Менга барибир. Қачон десанг, ўшандা, жоним. Агар кетишни истамасанг, қолаверсак ҳам бўлади.

— Ҳавони кўрайлик-чи.

Ёмғир уч кунгача ёғиб турди. Станция пастидаги тоғ бағрида сира ҳам қор қолмади. Лойгарчилик, эрувгарчилик бошланди. Уйдан ташқарига чиқиб бўлмай қолди. Ёмғирнинг учинчи куни эрталаб биз шаҳарга кетишга қарор қилдик.

— Кўйинг, ташвиш чекманг, monsuer Генри, — деди Гуттинген. — Ҳеч қандай огоҳлантиришнинг кераги йўқ. Ҳаво айнигандан кейин бу ерда қолмасалар кепрак, деб юрувдим ўзим ҳам.

— Madame боисидан биз касалхонага яқинроқ бўлишимиз керак.

— Албатта, — деди у. — Балки яна кичкинтолар билан бирга келарсизлар.

— Агар сизда жой топилса.

— Баҳорда бу ерлар жуда очилиб кетади, келинглар, сизларга маъқул бўлади. Кичкинани энагаси билан катта уйга жойлаштирамиз, ўзингиз madame билан яна олдинги кўлга қараган хонангизни оласиз.

— Мен сизга олдиндан ёзиб юбораман, — дедим мен.

Биз йиғишириб, тушдан кейинги биринчи поезд билан кетдик. Monsieur ва madame Гуттинген бизни станцияга кузатиб қўйишиди, эри нарсаларимизни лойда чанада элтиб берди. Уларнинг икковлари ҳам станцияда ёмғирда туриб, хайрлашиб қўлларини силкиб қолишиди.

— Жуда ҳам яхши одамлар экан, — деди Кэтрин.

— Улар бизга кўп меҳрибонлик қилишиди.

Монтрега бориб Лозанна поездига ўтирдик. Вагондан биз яшаган жойлардаги тоғлар күрінмас экан, уларни булултар түсіб олғанды. Поезд Веведа тұхтади-да, кейин йўлда давом этди. Йўлнинг бир томонида кўл, иккинчи томонида ёмғирда бўккан қўнғир далаар, намиқиб кетган ўрмон ва ивиган уйлар бор эди. Лозаннага келгач, кичикроқ бир меҳмонхонага жойлашдик. Биз кўчалардан ўтиб, меҳмонхонага бурилган пайтимизда ҳам ҳали ёмғир тинмаганди. Тугмасининг тешигидан мис калитлар осилган занжир ўтказиб олган портье, лифт, полга тўшалган пояндозлар, ялтираб, оппоқ бўлиб турган умивальниклар, сим каравот ва каттакон шинам ётоқ — буларнинг бари Гуттингенлардан сўнг кўзимизга жуда ҳашаматли бўлиб кўринди. Хонанинг деразалари тепасига темир тўр тортилган девор билан ўраб олинган боқقا очиларди. Нишиби тик кўчанинг бошқа томонида яна меҳмонхона, деворлар бор эди. Мен боғдаги ҳовузга ёмғир томчиларининг тушишини томоша қиласдим.

Кэтрин барча чироқларни ёқиб, нарсаларни саранжом қила бошлади. Мен содали виски сўрадим, каравотга ётиб, вокзалда сотиб олган газетани қўлимга олдим. 1918 йилнинг март ойи эди, немислар Францияда ҳужум қилмоқда эдилар. Мен Кэтрин ишларини битириб бўлгунча содали виски ичиб, ўқиб ётдим.

— Биласанми, жоним, мен нималарни тайёрлаб кўйишим керак экан, — деди у.

— Нималарни?

— Чақалоқнинг нарсаларини. Одатда бунақа пайтгача ҳамма майдада-чуйдаларни тахт қилиб қўйишади.

— Сотиб олсак ҳам бўлади-ку.

— Биламан. Эртагаёқ олгани бораман. Фақат нима кераклигини билсан эди.

— Билишинг керак эди. Ҳамшира бўлгансан-ку.

— Шундогу, лекин госпиталда солдатлар ҳар куни бола қилиб турганлари йўқ эди-да.

— Мен-чи?

У менга ёстиқ отди, виским чайқалиб түкилди.

— Мен ҳозир сенга бошқасини олдириб келаман, — деди у. — Мени кечир.

— Ўзи озгинагина қолганди. Ке, ёнимга ке.

— Йўқ. Мен бу хонани сал эпақага келтирмоқчи-ман.

— Эпақанг нимаси?

— Ўз уйимизга ўхшаб турсин.

— Антантанинг байроқларини осиб қўй.

— Бемаза бўлма.

— Қани яна бир қайтар-чи.

— Бемаза.

— Буни шундоқ мулоим айтдингки, — дедим мен,

— худди бирорни хафа қилиб қўймай дегандай.

— Ҳеч-да.

— Унда ке ёнимга.

— Майли. — У келиб каравотга ўтирди. — Сени зериктириб қўяётганимни биламан, жоним. Мен пиво бочкасига ўхшаб қолдим.

— Бекор гап. Сен чиройлисан, жуда ҳам ёқимли-сан.

— Менга сен эҳтиётсизлик қилиб уйланиб қўйган-сан, мен шундай бир бадбашара одамман.

— Бекор гап. Сен кундан-кунга очилиб боряпсан.

— Лекин, жоним, ҳали яна асл ҳолимга қайтаман.

— Сен ҳозир ҳам чиройлисан.

— Сен ичиб олгансан.

— Бир стакан содали виски ичдим, холос.

— Ҳозир яна виски беришади, — деди у. — Балки тушликни ҳам шу ерга бериша қолсамикин?

— Жудаям соз бўларди.

— Унда бугун ҳеч қаерга чиқмаймиз, майлими? Оқшомни уйда ўтказа қоламиз.

— Ўйнаймиз, — дедим мен.

— Мен вино ичаман, — деди Кэтрин. — Менга ҳеч нарса қилмайди. Балки бу ерда бизнинг оқ капримиз бордир.

— Бўлса керак, — дедим. — Бунаقا меҳмонхоналарда доим италян винолари бўлади.

Кельнер эшикни қоқди. У муз солинган стаканда виски олиб келди, унинг патнисида содали сувнинг кичкина шишаси ҳам бор эди.

— Раҳмат, — дедим мен. — Бу ерга қўйинг. Барака топинг, шу ерга икки кишилик турли овқат билан икки шиша қуруқ оқ капридан берсангиз.

— Биринчисига шўрва буюрадиларми?

— Шўрва ичсанми, Кэт?

— Ҳа, бемалол.

— Битта шўрва.

— Бажону дил, сэр.

У чиқди, эшикни ёпди. Мен газеталаримни яна қайта қўлга олиб газетадаги урушларни ўқишига тушдим, содали сувни муз солинган вискининг стаканига аста қуийб турдим. Вискига муз солманглар, десам бўларкан. Музни алоҳида олиб келишарди. Ўшанда стаканда қанча виски қолганига қараб содали сув қўшиларди, бўлмаса, вискининг қуввати сусайиб кетмоқда. Бир шиша виски сотиб олиб фақат муз билан содали сув сўралса тузук бўларкан. Яхши виски — яхши нарса-да. Ҳаётнинг энг гўзал нарсаларидан бири деса ҳам бўлади.

— Нималарни ўйлаб ётибсан, жоним?

— Вискини.

— Вискининг нимасини?

— Вискининг жуда тотли нарса эканлигини.

Кэтрин афтини буриштириди.

— Бўпти, — деди у.

Биз бу меҳмонхонада уч ҳафта яшадик. Бу ер унчалик ёмон эмасди: ресторонда кўпинча ҳеч ким бўлмас ва биз кўп маҳаллар овқатни ўз хонамиизда ердик. Шаҳарни айланардик, трамвай билан Ушига борардик, кўл тепасида ўйнаб келардик. Кунлар илиб қолган, худди баҳор келганга ўхшарди. Биз тоғлардаги чайламииздан кетганимизга афсусланар,

лекин илиқ күнлар тезда совуқ рутубат билан алмашарди.

Кэтрин чақалоққа керакли ҳамма нарсаларни сошиб олмоқда эди. Мен сал ҳаракатланай деб гимнастика залига бокс түшгани борардим. Одатда у ерга мен эрталаб ҳали Кэтрин күрпада ётганды кетардым. Эрта күклем чөгларыда боксдан ва дүшдан сүңг одам ўзини бардам сезар, баҳор ҳавосини шимириб күчадан юриш, қаұхвахонага кириб ўтириб, одамларни күриш, газета ўқиши, вермут ичиш жуда гашти эди. Кейин меҳмонхонага қайтиб Кэтрин билан маза қилиб ноңушта қилардик. Гимнастика залидаги бокс муаллими мүйлов қўйган одам эди, унинг ҳаракатлари аниқ ва қисқа бўларди, унга хужум қила бошласанг, у жуда қўрқиб кетарди. Лекин гимнастика залида машқ қилиш одамга ҳузур бағишлиарди. Бу ернинг ичи ёруғ, тоза бўлгани учун мен астойдил машқ қилар, арқондан сакрар, бокснинг турли усусларини синааб кўрар, деразадан түшган қуёш нурларига ётиб олиб қорин мушакларини мустаҳкамловчи машқларни бажаардим, баъзан муаллим билан бокс туша туриб уни қўрқитиб юборардим. Аввалига узун камбар ойна олдида туриб машқ қилишга кўниколмадим, чунки серсоқол боксчи ойнада жуда ғалати кўринарди.

Лекин бора-бора бу менинг кулгимни қистатадиган бўлди. Мен бокс билан шуғуллана бошлагач, соқолимни қирдириб ташламоқчи эдим, лекин Кэтрин йўл қўймади.

Баъзан биз теварак-атрофларни экипажга тушиб айланиб келардик. Ҳаво яхши күнларда экипажда юриш мароқли эди, бундан ташқари биз бориб овқатланса бўладиган иккита хушманзара ерни топгандик. Кэтрин энди кўп юролмайдиган бўлиб қолганди ва у билан дала йўлларида от қўшилган аравада сайр қилардим.

Агар ҳаво мусаффо бўлса, биз вақтимизни жуда мароқли ўтказардик, умуман эса, бизнинг ёмон ўтган

вақтимизни эслолмайман. Биз боланинг ой-кунлари тўлиб бораётганини билар ва бундан худди бирор бизни қувиб келаётгандек, бир-бири миздан ажралишни истамас, бирон соат ҳам вақтимизни зое кеткизгимиз йўқ эди.

Қирқ биринчи боб

Бир куни мен аzon маҳали соат учларда уйғониб кетдим, қарасам, Кэтрин тўшақда тўлғаниб ётибди.

— Тобинг йўқми, Кэт?

— Дард туваётганга ўхшайди, жоним.

— Тез-тезми?

— Унчаликмас.

— Агар тез-тез бўлса, касалхонага бориш керак.

Жуда ҳам уйкум келаётган эди, яна ухлаб қолибман. Кўп ўтмай яна уйғондим.

— Докторга қўнфироқ қилсангмикин, а, — деди Кэтрин. — Балки бошланаётибдими?

Мен телефонга бориб докторга қўнфироқ қилдим.

— Тез-тез тўлғоқ тутяптими? — сўради у.

— Тез-тезми, Кэт?

— Деярли ҳар ўн беш дақиқада бир марта.

— Унда касалхонага келинглар, — деди доктор.

— Мен ҳам ҳозир кийиниб у ерга бораман.

Мен трубкани қўйдим, кейин такси чақириш учун вокзал олдидаги гаражга қўнфироқ қилдим. Телефонга анчагача ҳеч ким келмади. Ниҳоят, бир одамга тушдим, у ҳозиро ; машина юборишга ваъда қилди. Кэтрин кийинмоқда эди. Унинг жомадонига касалхона учун ҳамма керакли нарсалар билан чақалоқнинг майдада-чуйдалари солинганди. Биз даҳлизга чиқдик, мен лифтчини чақирдим. Жавоб бўлмади. Пастга тушдим. Пастда тунги қоровулдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Лифтда ўзим кўтарилидим, кабинага жомадонни кирийтдим, Кэтрин кирди ва биз пастга тушдик. Тунги қоровул бизга эшикни очиб берди ва биз эшик олди-

даги тош устига ўтириб такси келишини кута бошладик. Ҳаво очиқ эди, осмонда юлдузлар бодраб ётарди. Кэтрин қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Бошланди, алоҳал бошланди-я, — деди у. — Энди ҳаммаси тезда ўтиб кетади.

— Сен азamat хотин экансан.

— Мен кўрқмайман. Фақат такси кела қолсайди. Биз кўчада машина шовқинини эшитдик, чироқлар кўринди. Такси олдимизга келиб тўхтади, мен Кэтринни машинага ўтқаздим, шофёр эса жомадонни олд ўриндиқча қўйди.

— Касалхонага, — дедим.

Биз тош йўлга чиқиб тепаликка кўтарила бошладик.

Касалхонага келганимизда жомадонни кўтариб олдим, ичкарига кирдик. Пастда конторка орқасида бир хотин ўтирган экан, Кэтриннинг фамилиясини, отини, ёшини, манзилини, ота-онасини, динини сўраб ёзиб олди. Кэтрин динга алоқам йўқ, деди, шунда хотин дини дейилган жойга чизиқ чизиб қўйди. Кэтрин фамилиям Генри деди.

— Сизни палатага олиб бораман, — деди хотин.

Биз лифтда кўтарилдик. Хотин лифтни тўхтатди, биз чиқиб даҳлизда унинг орқасидан кетдик. Кэтрин менинг қўллимдан маҳкам ушлаб олганди.

— Мана шу сизнинг палатангиз, — деди хотин. — Марҳамат қилинг, ечиниб ёting. Мана сизга тунги қўйлак.

— Менинг тунги қўйлагим бор, — деди Кэтрин.

— Сизга мана бунда қулайроқ бўлади, — деди хотин. Мен чиқиб кетдим. Йўлакдаги стулга ўтирдим.

— Энди кирсангиз бўлади, — деди ҳамшира эшик олдида туриб.

Кэтрин худди бўздан тикилганга ўхшайдиган, ёқаси чор қирра қилиб қийилган тунги қўйлак кийиб энсизгина каравотда ётарди. У менга жилмайиб қўйди.

— Энди росмана дард тута бошлади, — деди у. Ҳамшира унинг қўлини ушлаб турар, соатига қараб тўлғоқ тутишига қулоқ соларди.

— Мана ҳозир қаттиқроқ бўлди, — деди Кэтрин. Қаттиқроқ бўлгани унинг юзидан ҳам кўриниб турарди.

— Доктор келмадими? — сўрадим мен унинг ҳамширасидан.

— Келди, пастда ухлаб ётибди. Керак бўлган пайтда бу ерга чиқади. Мен madame га бир оз қарашим керак, — деди ҳамшира. — Барака топинг, бирпас чиқиб туринг.

Мен йўлакка чиқдим. Йўлакнинг атиги иккита дебразаси бор эди, иккала томондаги қатор кетган эшиклар берк эди. Йўлакдан касалхонанинг ҳиди анқирди. Мен стулда ўтириб, ерга тикилганча Худодан Кэтрин омон-эсон қутулишини ёлвориб сўрадим.

— Киришингиз мумкин, — деди ҳамшира. Мен кирдим.

— Сенмисан, жоним? — деди Кэтрин.

— Тузукмисан?

— Энди роса оляпти.

Унинг юзи ўзгариб кетди. Кейин у жилмайди.

— Мана буниси чинакам бўлди. Ҳамширахон, қўлингизни яна курагимга қўйиб турсангиз.

— Сизга шундай қулай бўляптими? — сўради ҳамшира.

— Сен энди кетавер, жоним, — деди Кэтрин. — Бориб бирон нарса еб ол. Ҳамширахон бу ҳали анчагача чўзилиши мумкин деяпти.

— Биринчи марта кўзи ёриётганда бир оз чўзилади, — деди ҳамшира.

— Бор, бирон нарса тамадди қилиб ол, — деди Кэтрин. — Мен ўзимни анча дуруст ҳис қиласпман, ростдан.

— Мен яна бирпас бўламан, — дедим.

Тўлғоқ дам-бадам тутиб турарди, кейин камайиб қолди. Кэтрин қаттиқ ҳаяжонда эди. Жуда ҳам жони

оғриб кетган кезларда у яхши деб қўярди. Дард тутиш сусайиб қолганда у норози бўлиб хижолат чекарди.

— Сен кета қол, жоним, — деди у. — Сенинг олдингда мен ўзимни эркин тутолмаяпман. — Унинг чеҳраси яна ўзгариб кетди. — Ана. Буниси дурустроқ бўлди. Мен яхши хотин бўлишни шу қадар истайманки, ҳеч бир найранг-пайранг қилмасдан туфишни истайман. Барака топ, бор, овқатланиб кел, жоним. Сенсиз зерикб қолмайман. Ҳамширахон бирам яхши эканларки.

— Ҳали bemалол нонушта қилиб олсангиз бўлади, — деди ҳамшира.

— Яхши, мен кетдим. Кўришгунча, азизим.

— Кўришгунча, — деди Кэтрин. — Яхшилаб нонушта қил, менинг ўрнимга ҳам.

— Бу ерда қаерда нонушта қилиш мумкин? — сўрадим мен ҳамширадан.

— Бизнинг кўчамиизда шундоқ майдон олдида қаҳвахона бор, — деди у. — Ҳозир очилган бўлса керак.

Тонг оқариб келмоқда эди. Мен кимсасиз кўчадан қаҳвахонага бордим. Ойналар ёргуф эди. Мен рухлаб қўйилган буфет олдига бордим, буфетчи чол менга бир стакан оқ вино билан бриош берди. Бриош кечаги экан. Мен уни винога ботириб едим, кейин яна қаҳва ичдим.

— Каллаи саҳарлаб бу ерда нима қилиб юрибсиз? — сўради чол.

— Хотиним касалхонада кўзи ёримоқда.

— Шундай денг! Хўп, омон-эсон қутулсин.

— Менга яна бир стакан вино беринг.

У шишани азотроқ кўтариб қуиди, стакан тўлиб бир ози тўкилди. Мен ичиб, ҳақини тўлаб ташқарига чиқдим. Кўчада, ҳамма уйларнинг олдида ахлатчини кутиб ахлат идишлари турарди. Бир челакни ит исказ бўрмоқдайди.

— Сенга нима керак? — сўрадим мен ва унга бирон нарса йўқмикин деб энгашиб чеълакни қарадим; чеълакнинг устида қаҳва қуйқаси, ахлат ва қуриган гуллардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Ҳеч вақо йўқ, ит, — дедим мен. Ит кўчанинг нариги томонига ўтиб кетди. Касалхонага келиб Кэтрин ётган қаватга кўтарилдим ва йўлакдан унинг эшигигача бордим. Тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Эшикни очдим; фақат Кэтриннинг жомадони стулда туарар, унинг халати илгакка осиб қўйилганди. Йўлакка чиқиб бирор кўриниб қолармикин деб, қарай бошладим. Мен бошқа ҳамширани кўриб қолдим.

— Madame Генри қани?

— Ҳозиргина бир хонимни туғруққа олиб киришиди.

— Қаерда?

— Юринг сизга кўрсатаман.

У мени йўлакнинг нариги бошига олиб борди. Хонанинг эшиги қия очиқ туарди. Мен Кэтринни столда ётган, устига чойшаб ёпилган ҳолда кўрдим. Столнинг олдида ҳамшира туарар, доктор эса нариги томонда, қандайдир цилиндрлар олдида эди. Доктор қўлида най қувурга уланган резина ниқоб ушлаб олганди.

— Мен сизга халат бераман, кейин киришингиз мумкин, — деди ҳамшира. — Марҳамат, бу ёққа келинг.

У менга оқ халат кийдириб, орқамдан тўғнағич билан қадаб қўйди. — Энди кирсангиз бўлади, — деди у. Мен хонага кирдим.

— Келдингми, жоним? — деди Кэтрин қандайдир ўзгариб кетган овоз билан. — Ишларимиз нимагадир юришмаяпти.

— Menisour Генри сиз бўласизми? — сўради доктор.

— Ҳа. Ўзларингиз қалайсиз, доктор?

— Ҳаммаси яхши кетяпти, — деди доктор. — Тұлғоқ пайтида газ бериш мүмкін бўлсин деб бу хонага ўтдик.

— Беринг, — деди Кэтрин.

Доктор унинг юзига резина ниқоб кийгизди ва қандайдир дискни буради. Кэтрин тез-тез чуқур нафас ола бошлаганини қўрдим. Кейин у ниқобни олиб ташлади, доктор аппаратни ўчирди.

— Унча қаттиқ бўлмади. Яқинда жуда қаттиқ бўлганди. Доктор мени худди йўқдай қилиб қўйди. Тўғрими, доктор? — Унинг овози фалати эди. «Доктор» сўзини айтганда бир оз баландроқ чиқди. Доктор жилмайди.

— Беринг, — деди Кэтрин. У ниқобни юзига тез тутиб, тез нафас ола бошлади.

Унинг секин инграётганини эшитдим. Кейин у ниқобни суреб қўйди-да, жилмайди.

— Буниси қаттиқроқ бўлди, — деди у. — Бу жуда ҳам қаттиқ бўлди. Сен ташвишланма, жоним. Бор. Яна бир марта нонушта қилиб ол.

— Мен шу ерда бўламан, — дедим мен.

Биз касалхонага соат учларда келгандик. Туш бўлди, лекин ҳамон Кэтриннинг кўзи ёригани йўқ. Тўлғоқ ўта сусайиб қолди. Унинг қаттиқ уринганлиги, азоб чекканлиги кўриниб турарди. Лекин у ўзини тетик тутишга ҳаракат қиласади.

— Қўлимдан ҳеч нарса келмаяпти, жоним, — деди у. — Ҳўрлигим келяпти. Мен ҳаммаси оппа-осон ўтиб кетади, деб ўйлагандим. Энди бўлса, мана — яна... — У қўлинини ниқобга чўзди, ниқобни юзига босди. Доктор дискни бураб, Кэтринга тикилиб турди. Дард яна дарров босилди.

— Бир нави, — деди Кэтрин. У жилмайиб қўйди. — Бу газ менга жудаям ёқиб қолди. Ажойиб нарса.

— Уйга ҳам озгинасини олиб кетамиз, — дедим мен.

— Ҳозир яна тутади, — деди Кэтрин шоша-пиша. Доктор дискни буриб соатига қаради.

— Тўлғоқ тутиши қандай боряпти? — сўрадим мен.
— Ораси бир дақиқа.

— Сиз овқатланмайсизми?

— Мен ҳозир тушлик қилгани бораман, — деди у.

— Сиз албатта овқатланиб олишингиз керак, доктор, — деди Кэтрин. — Мунча имилламасам, одамга бирам алам қиласидики. Балки эрим унгача менга газ бериб турап?

— Таъблари, — деди доктор. — Икки рақамигача буласиз.

— Тушунарли, — дедим мен. Дискнинг тили бўлиб, у айлантириб туриларди.

— Беринг, — деди Кэтрин. У ниқобни юзига қаттиқ босиб олди. Мен дискни икки рақамигача бурдим. Кэтрин ниқобни юзидан олганда орқасига бураб қўйдим. Доктор менга иш топиб берганидан фоятда хурсанд эдим.

— Газни сен берганмидинг, жоним? — сўради Кэтрин. У менинг қўлимни силаб қўйди.

— Мен.

— Қандай яххисан!

Газдан бир оз унинг боши айланиб қолганди.

— Мен қўшни хонада овқатланаман, — деди доктор. — Бирор гап бўлса, дарров чақиравсиз.

Мен у қандай овқатланаётганига қараб турардим, кейин бир оз ўтгач, унинг ёнбошлиганини, чекаётганини кўрдим. Вақт ўтиб борарди. Кэтрин тез-тез чарчай бошлади.

— Нима дейсан, мен ўзи туға олармикинман?
— сўради у.

— Албатта туға оласан.

— Қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман. Мен итласам, у яна орқага кетади. Ҳозир тутади. Бер тезроқ.

Соат иккида мен овқатлангани кетдим. Қаҳвахонада бир қанча одамлар бор эди, столчада қаҳва билан киршвассер солинган қадаҳлар турарди. Мен столга ўтирдим.

- Нимангиз бор? — сўрадим мен кельнердан.
- Иккинчи нонушта тамом бўлди.
- Тузукроқ ҳеч нарса йўқми?
- Choucroite⁵¹ тайёrlаш мумкин.
- Choucroite билан пиво беринг.
- Тўлами, яrimми?
- Яrim, очидан.

Кельнер устига чўчқа гўшти кўйилган, винога омихта қилинган қайнокқина карамга сосиска ботирилган Sauerkraut⁵² олиб келди. Карам еб пивони ичдим. Жуда ҳам очқагандим. Қаҳвахонада ўтирганларга бир-бир кўз югуртириб чиқдим. Бир столда қарта ўйнамоқда эдилар. Ёнимдаги столда икки киши гаплашиб, чекишиб ўтиради. Қаҳвахона тутун бўлиб кетганди. Эрталаб нонушта қилган жойимда энди уч киши турибди: чол, кассада ўтириб столларга нима берилаётганига қараб турган қора кўйлакли семиз хотин ва этак тутган бола. Мен бу хотиннинг болалари қанчайкин ва уларни қандай қилиб тукқанийкин, деб ўйлаб ўтирадим.

Овқатланиб бўлиб, орқамга, касалхонага қайтдим. Кўча энди ялаб қўйилгандай топ-тоза эди. Ахлат челаклар олиб кетилганди. Ҳавода булувлар кезиб юрап, лекин гоҳи офтоб кўринай-кўринай деб кўярди. Лифтда юқорига чиқиб, йўлакдан Кэтриннинг хонасига бордим, халатим шу ерда эди. Мен уни кийиб олиб, гарданимга тўғнағич қадаб олдим. Ойнага қарадим, ичимда худди серсоқол лўттибозга ўхшайман, деб қўйдим. Йўлакдан Кэтрин ётган жойга бордим. Эшик ёпиқ эди, тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади; мен эшикни очиб ичкарига кирдим. Доктор Кэтриннинг олдида ўтиради. Ҳамшира хонанинг бир бошида нимадир қилмоқда эди.

⁵¹ Нордон карам (франц.).

⁵² Нордон карам (немис).

— Ана сизнинг эрингиз, — деди доктор.

— Оҳ, жоним, доктор бирам ажойибларки! — деди Кэтрин жуда фалати товуш билан. — У менга қизиқ бир латифа айтиб берди, жуда ҳам жоним оғриб кетганда шундай қылдики, мен яна ўзимни билмай қолдим. У антиқа. Сиз антиқа одамсиз, доктор.

— Маст бўлиб қолибсан, — дедим мен.

— Биламан, — деди Кэтрин. — Фақат буни гапириб ўтирумайлик. — Сўнг: — Беринг тезроқ. Тезроқ беринг.

У ниқобга жонҳолатда ёпишиб олиб, энтикиб узуқ-юлуқ нафас ола бошлади. Кейин чуқур хўрсингандай нафасини чиқарди. Шунда доктор чап қўли билан ниқобни олди.

— Буниси жуда кучли бўлди, — деди Кэтрин. Унинг овози жуда фалати эди. — Энди мен ўлмайман, жоним. Мен ўлиб қолай дедим, лекин ўтиб кетди. Сен хурсандмисан?

— Энди у ёққа қайтиб бормагин.

— Бормайман. Бироқ ундан қўрқмайман ҳам. Мен ўлмайман, жоним.

— Сиз бундай тентакликни қилманг, — деди доктор. — Сиз ўлмайсиз ва эрингизни ёлғиз қолдириб кетмайсиз.

— Йўқ, йўқ. Мен ўлмайман. Мен ўлишни истамайман. Ўлим — тентаклик. Мана яна. Беринг тезроқ.

Бир оздан сўнг доктор деди:

— Сиз, мистер Генри, бирпастга чиқиб туринг, мен хотинингизни текшириб кўраман.

— У ишнинг қандай бораётганини кўрмоқчи, — деди Кэтрин. — Сен кейин кирасан. Майлими, доктор?

— Ҳа, — деди доктор. — Мен ўзим чақиртираман.

Бу ердан чиқиб бола туғилгандан кейин Кэтринни олиб келишлари керак бўлган палатага кетдим. Мен стулга ўтириб атрофга қарадим. Чўнтағимда овқатлангани борганда сотиб олган газета бор эди, чиқариб ўқишга тушдим. Қоронфи тушиб қолгани учун чироқ-

ни ёқдим. Салча фурсатдан сүнг ўқишдан тұхтаб, чироқни үчирдим ва ташқарыда қоронғи қуюқлашиб бораётганини томоша қилиб турдим. Қизиқ, нега доктор чақыртирмағапты. Балки мен кетганим яхши бўлгандир. Афтидан, менинг у ерда турмаслигимни хоҳлагандир. Соатга қарадим. Яна ўн дақиқагача ҳеч ким келмаса, ўзим бораман.

Шўрлик, шўрлик Кэт. Бирга ётганнинг оқибати мана шундоқ бўлар экан-да. Мана энди қопқон отилди. Севишганларга мукофот мана шу. Яхшиямки, газ бор экан. Оғриқни пасайтирадиган нарсалар бўлмаган кезларда нима қилишган экан? Тўлғоқ тута бошласа, худди тегирмонга тушгандай бўласан. Кэтрин бутун ҳомиладорлик пайтини яхши кечирди. Унчалар ёмон бўлгани йўқ. Ҳатто кўнгли ҳам деярли айнигани йўқ. Охирги кунларгача увой деб айтмади. Лекин алоҳал барибир тутилди. Ал-қасос ул-минал ҳақ. Бўлмаган гап! Биз эллик марта уйланган тақдиримизда ҳам яна шундай бўлган бўларди. Агар у ўлиб қолса-я? У ўлмайди. Ҳозир ҳеч ким туғаётганда ўлмайди. Ҳамма эрлар шундай деб ўйлашади. Шундай, лекин у ўлиб қолса-я? У ўлмайди. Фақат у жуда қийналиб кетди. Кейин биз: қандай қийин бўлган эди-я, деб гаплашиб юрамиз, ўшанда Кэтрин: унча эмас, дейди. Тўсатдан у ўлиб қолса-я? У ўлмаслиги керак. Ҳа, баногоҳ, ўлиб қолса-я? Бундай бўлиши мумкин эмас, деяпман сенга. Аҳмоқ бўлма. Фақат у қийналиб кетди, холос. Фақат табиатнинг ўзи шундан қийналадиган қилиб қўйган, холос. Биринчи тувишида қийналиб туғади. Ҳа, лекин у ўлиб қолса-я? Унинг ўлиши мумкин эмас. Нега энди у ўлар экан? Ўлишига қандай сабаблар бўлиши мумкин? Милан кечаларида тугилган мева туғилиши керак, холос. Барча қийинчиликлар у туфайли бўляпти, кейин у туғилади-ю, айланиб, ўргила бошлайсан, қўрмасанг туролмайдиган бўлиб қоласан. Хатарли ҳеч нарса йўқ. Яна у ўлиб қолса-я? У ўлиши мумкин эмас. Тўсатдан ўлиб қолса-я?

Доктор хонага кирди.

— Ҳеч.

— Нима демоқчисиз?

— Нима дердим. Мен уни ҳозиргина қараб чиқдим... — У батафсил тушунтириб берди. — Кейин мен яна күтдим. Лекин иш олдга силжимаяпты.

— Нима маслаҳат берасиз?

— Икки йүл бор: қисқич ишлатиш мумкин, лекин бу аёл учун жуда хавфли. Болани бир ёққа қўйиб турaverинг. Қорнини кесиш ҳам мумкин.

— Қорнини кесиш жуда ҳам хавфлими? Яна у ўлиб қолса-я?

— Туғишига қараганда хавфли эмас.

— Буни ўзингиз қилоласизми?

— Ҳа. Менга ҳаммасини тайёрлаш ва керакли одамларни олиб келиш учун бир соат вақт керак бўлади. Балки, бир соатга ҳам бормас.

— Сизнингча, қайси осонроқ?

— Мен кесиб олишни айтган бўлардим. Агар бу менинг хотиним бўлганда мен уни кесиб олардим.

— Оқибати нима бўлади?

— Ҳеч қандай оқибати йўқ. Фақат чандик қолади.

— Ҳеч қандай асорати бўлмайдими?

— Қисқич билан олганда шундай бўлиши мумкин.

— Ҳеч нарса қилмай, кутсак-чи?

— Эртами-кеч бирон нарса қилиш керак бўлади. Madame Генри ҳалиям кўп куч йўқотдилар. Қанча тез операция қилсак, шунча яхши.

— Унда тезроқ бошланг, — дедим мен.

— Ҳозир бориб айтаман.

Кэтриннинг олдига бордим. Кэтрин столда устига чойшаб ёпилганча ётар, жуда оқариб, бўздай бўлиб қолган, ҳоргин эди. Ҳамшира унинг ёнида турарди.

— Сен рози бўлдингми? — сўради у.

— Ҳа.

— Яхши бўлибди. Энди бир соатдан кейин ҳаммаси тамом бўлади. Бошқа кучим қолмади, жоним. Энди

кучим етмайди. Бер, бер тезроқ. Фойдаси бўлмади. Ё Худо, фойдаси бўлмаяпти.

— Чуқурроқ нафас ол.

— Оляпман. Ё Худо, ёрдам бермаяпти. Ёрдам бермаяпти.

— Бошқа цилиндр беринг, — дедим ҳамширага.

— Шу янги цилиндр.

— Жоним, мен шундай тентакманки, — деди Кэтрин. — Лекин ростданам ҳеч ёрдам бермаяпти. — У бирдан йиглаб юборди. — Мен чақалоқ туғишини шунчалик орзу қилгандим, ҳеч кимга оғирим тушмасин девдим, мана энди кучим ҳам қолмади, ҳеч нарса қилолмаяпман, мана, газ ҳам ёрдам бермай қўйди. Жоним, ҳеч ёрдам бермай қўйди. Ўлсам ҳам майли эди, фақат тезроқ тамом бўла қолса. О, жоним, жоним, бирон нарса қил, ҳаммаси тугасин. Ана яна. О-о, о-о, о-о! — У пиқиллаб йиглаганча ниқоб билан нафас олмоқда эди. — Ёрдам бермаяпти. Ёрдам бермаяпти. Ёрдам бермаяпти. Кечир мени, жоним. Йифлама. Кечир мени. Бошқа қилолмайман. Шўрлигим! Сени мен шундай севаманки, ҳали яна бир уриниб кўраман. Мана ҳозир бир уриниб кўраман. Бошқа ҳеч нарса беришнинг иложи йўқми? Қанийди, менга яна бир нарса беришса!

— Мен газ таъсир этадиган қиласман. Охиригача бурайман.

— Мана энди бер.

Мен дискани охиригача бурдим, у босиқ ва чуқур нафас ола бошлиши билан ниқобни ушлаб турган қўллари шилқ этиб тушди. Мен аппаратни ўчириб, юзидан ниқобни олдим. У қайтиб келмайдиган ердан қайтиб келгандай бўлди.

— Қандоқ яхши, жоним. Сен қандоқ меҳрибонсан.

— Бирпас чида, сен жуда юраклисан-ку. Мен ҳадеб бундай қилолмайман. Бу сени ўлдириб қўйиши мумкин.

— Менда энди юрак қолдими, жоним. Мен тамом бўлдим. Мени тамом қилишди. Мен энди биламан.

- Ҳаммада бўлади бундай.
- Лекин бу жуда ҳам ёмон бўляпти. Одамни тамом қилмагунча қийнашади.
- Яна бир соатдан кейин қутуласан.
- Мунча яхши! Жоним, мен ўлмайман-а, тўғрими?
- Тўғри. Сен ҳеч қачон ўлмайсан.
- Менинг ҳеч ўлгим йўқ, сени ёлғиз ташлаб кетолмайман, лекин бирам мадорим қолмади-ей, ўлиб қоламан, деб қўрқяпман.
- Бекор гап. Ҳамма шундай деб ўйлади.
- Гоҳида мен шундай бўлишини сезиб турибман.
- Ундей бўлмайди. Ундей бўлиши мумкин эмас.
- Мабодо?
- Мен бунга йўл қўймайман.
- Бер менга тезроқ. Бер, бер, менга.
- Кейин яна:
- Мен ўлмайман. Мен ўзим бунга йўл қўймайман.
- Албатта сен ўлмайсан.
- Сен шу ерда бўласанми?
- Ҳа, фақат қарамасдан турман.
- Яхши. Фақат кетиб қолма.
- Йўқ, йўқ. Мен ҳеч қаерга кетмайман.
- Бирам яххисанки. Мана, яна бер. Бер яна. Ёрдам бермаяпти.

Дискани уч рақамигача, кейин тўртгача бурдим. Доктор тезроқ кела қолса-чи, дердим. Мен иккidan сўнг келадиган рақамлардан қўрқардим.

Ниҳоят, бошқа бир доктор билан иккита ҳамшира келишди, улар Кэтринни фидиракли замбилга солишиди-да, йўлакдан юриб кетдик. Йўлакдан зудлик билан ўтиб лифтга чиқдик, лифтда замбилга жой бериш учун ҳаммамиз деворга қисилишиб турдик; кейин тепага чиқилди, эшик ланг очилди, майдончага чиқилди, йўлакдан резина фидиракларда операцияхонагача борилди. Доктор ниқоб тутиб, қалпоқча кийиб олган экан, танимабман. Бу ерда яна бир доктор билан яна ҳамширалар бор эди.

— Менга бирон нарса беришсін, — деди Кэтрин. — Менга бирон нарса беришсін. Доктор, менга таъсир қиладиган қилиб беринг.

Докторлардан бири унинг юзига никоб тутди, мен эшикка қараб, ёп-ёргө операция сағнини күрдім.

— Сиз ҳув анати эшикдан кириб, ўша ерда ўтиришингиз мүмкін, — деди ҳамшира.

Тұсиқнинг бу томонида ўтирадиган жойлар бор экан, бу ердан оқ стол билан чироқлар күрениб турарди. Мен Кэтринга қарадим. Унинг юзига никоб тутиб қўйилган, қимирамай ётарди. Замбили олдинга олиб ўтишди. Мен йўлакдан орқамга қараб кетдим. Икки ҳамшира галерея томонга шоша-пиша ўтиб боришарди.

— Қорнини кесишармиш, — деди бири. — Ҳозир қорнини кесиб олишармиш.

Иккинчиси кулди. — Етиб келганимизни қара. Омадимиз бор экан! — Улар галереяга олиб борадиган эшикка кириб кетишиди.

Яна бир ҳамшира келди. У ҳам шошиб турарди.

— Нимага турибсиз, кириңг. Кирсангиз-чи, — деди у.

— Мен шу ерда кутаман.

У ҳовлиққанча кириб кетди. Мен йўлакда у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Киришга кўрқардим. Деразага қарадим. Қоронғи эди, лекин деразанинг шуъласида ёмғир ёғаётгани кўринди. Йўлак охиридаги бир хонага кирдим-да, ойнаванд жавонда турган шишаларнинг ёзувларига қараб чиқдим. Кейин чиқиб бўмбўш йўлакда туриб операция хонасининг эшикларига қараб қолдим.

Иккинчи доктор, ундан кейин ҳамшира чиқди. Доктор иккала қўли билан териси ҳозиргина шилиб олинган қуёнга ўхшаш бир нарсани кўтариб олганди. У йўлакдан тез ўтиб бошқа бир эшикка кириб кетди. Мен у кириб кетган хонанинг эшигидан келиб қарадим, улар чақалоқни нимадир қилаётгандарини

кўрдим. Доктор менга кўрсатиш учун уни кўтарди. У чақалоқнинг оёғидан кўтариб шапатилаб қўйди.

— Аҳволи дурустми?

— Зўр йигитча. Беш килолар келади.

Уни кўрганда юрагим жиз этмади. Худди менга унинг алоқаси йўқдай. Юрагимда унга нисбатан оталик меҳрини туймадим.

— Наҳотки, сиз ўз ўғлингиз билан фахрланмасангиз? — сўради ҳамшира. Улар чақалоқни ювишиб, ни-маларгадир ўраб кўйишмоқда эди. Мен унинг кичкина қорамтири юзини, қорамтири қўлчаларини кўрдим, лекин на қимирилаганини, на инг деб овоз чиқарганини эшитдим. Доктор уни яна алланималар қила бошлади. У ташвишли кўринарди.

— Йўқ, — дедим. — У онасини ўлдириб қўяй деди.

— Бунга бечора чақалоқ гуноҳкор эмас. Сиз ўғил бўлишини истамовдингизми?

— Йўқ, — дедим. Доктор ҳамон у билан овора эди. Уни яна оёғидан кўтариб шапатилади. Мен бунга қараб ўтирамадим. Йўлакка чиқдим. Энди кириб кўришим мумкин эди. Галереяга олиб чиқадиган эшикдан кириб, бир неча зина пастга тушдим. Тўсиқ олдида ўтирган ҳамширалар менга пастга тушинг деган ишорани қилишди. Мен бош чайқадим. Шу ердан ҳам бемалол кўриниб турарди.

Мен, Кэтрин ўлган бўлса керак, деб ўйлардим. У ўлганга ўхшаб ётарди. Унинг менга кўриниб турган юзи кўкариб кетганди. Пастда эса чироқ тагида доктор кенг, узун очилган, четлари бўртиб турган пинцетлар билан тортилган ярани тикмоқда эди. Бошқа, юзига ниқоб тутиб олган доктор наркоз берарди. Икки юзларини бойлаб олган ҳамшира ускуналарни узатиб туришарди. Бу инквизиция пайти тасвирланган суратга ўхшарди. Мен у ерда туриб ҳаммасини ўз кўзим билан кўришим мумкин эди, лекин шундай қилмаганимдан ҳозир хурсанд эдим. Эҳтимол, мен кесишлирига чидаб туролмаган бўлардим, лекин энди

мен доктор косиблардай чаққонлик билан чок тика-
ётганига бемалол қараб турардим.

У охиригача тикиб бўлгандан сўнг йўлакка чиқиб
кетдим ва яна ўёқдан-буёққа юра бошладим. Кўп
ўтмай доктор чиқди.

— Қалай, у тузукми?

— Тузук. Сиз қараб турувдингизми? Унинг кўри-
ниши ҳорғин эди.

— Мен сизнинг тикаётганингизни кўрдим. Жуда
ҳам катта кесибсизларми дейман?

— Сизга шундоқ туюлгандир.

— Ҳа. Чандиги кейин текис бўлиб кетадими?

— Албатта.

Салдан кейин замбилини олиб чиқишиди-да, йўлак-
дан зудлик билан лифтга олиб кетишиди. Мен ёнида
бордим. Кэтрин инграб ётарди. Пастда палатада
уни ўрнига ётқизишиди. Мен каравотнинг оёғидаги
стулга ўтирдим. Палата қоронфи эди. Кэтрин қўлинни
узатди.

— Шу ердамисан, жоним? — деди у. Унинг овози
заиф ва ҳорғин эди.

— Шу ердаман, азизам.

— Бола қанақа?

— Ш-ш, гаплашманг, — деди ҳамшира.

— Ўғил. Каттакон, семиз, қорача.

— Ўзи тузукми?

— Ҳа, — дедим. — Зўр бола.

Ҳамшира менга ғалати қараб қўйганлигини кўрдим.

— Жонимда жон, қолмади, — деди Кэтрин. — Ҳамма
ёғим оғриб кетяпти. Ўзинг тузукмисан, жоним?

— Жуда яхши. Галирма.

— Сен бирам яххисанки. О жоним, билсайдинг
қандай оғриётганини! У кимга ўхшайди?

— У териси шилингган қуёнга ўхшайди, башараси
қаримсик.

— Сиз яххиси чиқиб кетинг, — деди ҳамшира. —
Madame Генри гапиришлари мумкинмас.

— Мен йўлакда бўламан, — дедим.

— Бор, бирон нарса еб кел.

— Йўқ. Мен йўлакда бўламан.

Мен Кэтринни ўпид қўйдим. Унинг юзи паға бўлиб кетган, қаттиқ азоб тортгани кўриниб туарди.

— Сизни бир дақиқага мумкинми, — дедим мен ҳамширага. У мен билан йўлакка чиқди. Мен эшикдан нарироққа юрдим.

— Болага нима бўлган?

— Ҳали ўзингиз билмайсизми?

— Йўқ.

— Бола тирик эмасди.

— У ўликмиди?

— Уни нафас олдиролмадик. Киндиги бўйнига ўралиб қолган экан.

— Демак, у ўлганми?

— Ҳа. Бирам ачинарлиг-ей. Паҳлавондай бола эдия. Мен сиз билсангиз керак девдим.

— Йўқ, — дедим мен. — Боринг, madame олдилари га киринг.

Мен ҳамшираларни симга қадалган ҳисботлари турган стол олдидағи стулга ўтиридим ва деразага қардим. Кўзимга зимиштон тун билан ойна ёруғида ёғаётган ёмғирдан бўлак ҳеч нарса кўринмади. Мана гап қаерда экан! Бола ўлик туғилибди. Доктор нега мунча ҳорғин десам, шунга экан-да. Нега бўлмаса, хонада унинг оёқларидан кўтариб орқаларига шапати уриб юришибди? Афтидан, уни тирилтиришмоқчи бўлган бўлсалар керак. Мен диндор эмасдим, лекин уни чўқинтириш кераклигини англаб туардим. У бирон марта ҳам нафас олмаган бўлса-я? Шундайликка шундай-я. У бир сония ҳам яшамаган. Фақат она қурсоғидагина тирик бўлган. Мен неча мартараб унинг кимирлаганини сезганман. Кейинги пайтларда эса, билимай қолган эди-я. Балки у ўшандаёқ бўғилиб қолгандир. Бечора чақалоқ! Нега ҳам мен ундей бўлиб бўғилиб ўлмадим. Афсус. Йўқ, афсус эмас. Эҳтимол, ўлиб

кетганимда яна бунча ўлимларни бошимдан кечирмаган бўлардим. Энди Кэтрин ўлади. Мана, ҳаммасининг оқибати нима бўлар экан. Ўлим. Буларнинг ҳаммасининг нима кераги бор, ҳатто билмайсан ҳам. Билиб улгуролмайсан.

Бир куни ўрмонда ҳордиқ чиқаргани ўтиредим. Гулханга чумолилар уймалашиб ётган тўнкани қалаб қўйдим. Тўнка ёна бошлагач, чумолилар ташқарига ўрмалаб чиқишиди ва аввал олов ёнаётган ўрталика қараб юришди, кейин тўнканинг тепасига қараб қочишиди. Бу ерда чумолилар кўпайишиб кетгандан кейин бирин-сирин оловга қулаб туша бошлашди. Баъзи бирлари амал-тақал қилиб ўтдан чиқиб олишди, куйган, эзилган ҳолда ўзлари ҳам қаергалигини билмай тирқираб қочишиди. Лекин уларнинг кўпчилиги оловга яқинлашиб сўнг яна ортга қайтишар, бир ерга тўплашишиб олар ва яна ўт ичига қулар эдилар. Эсимда, ўшандада буни дунёнинг охирига ўхшатган, тўнкани олиб отиб юбориб масиҳодай халоскорлик қилмоқчи бўлгандим, унда чумолилар қутулиб кетган бўлардилар. Лекин бунинг ўрнига мен қалай кружкадаги сувни тўнкага сепиб юбордим, кружкага виски солиб кейин устидан сув қуийб аралаштироқчи бўлган эдим. Ёниб турган тўнкага тушган сув, эҳтимолки, чумолиларни баттарроқ куйдирган бўлса.

Мен йўлакда ўтириб Кэтриннинг соғлиги ҳақида хабар беришларини кутар эдим. Ҳамширадан ҳамон дарак бўлмагани учун бир оздан сўнг ўрнимдан туриб, бориб секин эшикни қиялаб очиб ичкарига назар ташладим. Йўлак ёп-ёруғ, палата ичи қоронғи бўлгани учун аввал ҳеч нарсани кўролмадим. Кейин каравот олдида ўтирган ҳамширани, ёстиқдаги Кэтриннинг бошини, чойшабдан билинар-билинмас кутарилиб турган гавдасини кўрдим. Ҳамшира қўлинни лабига босди-да, кейин ўрнидан туриб, эшик олдига келди.

— Аҳвол қалай? — сўрадим мен.

— Тузук, ҳаммаси жойида, — деди ҳамшира. — Сиз овқатланиб келаверинг; кейин яна келарсиз.

Йўлакдан бориб зинадан пастга тушдим, касалхонанинг эшигидан чиқдим-да, ёмғирда қаҳвахонага қараб кетдим. Қаҳвахона чароғон, ҳамма столлар банд эди. Жой излаб тополмадим, шунда кельнер олдимга келиб хўл пальтом билан шляпамни олиб, менга бўш стул кўрсатди, столнинг бир ёғида қандайдир кекса-роқ бир одам пиво ичиб кечки газетани ўқиб ўтиради. Мен кельнердан бугун қандай *plat du jour*⁵³ борлигини сўрадим.

— Бузоқ гўшти бор эди, лекин тугади.

— Кечки овқатга нималарингиз бор?

— Чўчқа гўшти билан тухум, пишлоқ солинган қўймоқ ёки...

— *Choucroute*ни эрталаб еган эдим, — дедим мен.

— Рост, — деди у. — Рост. Сиз бутун эрталаб овқат еган эдингиз.

Ўрта ёшли бу одам ўзининг тепакали устига сийрак соchlарини силлиқ қилиб тараб қўйган эди. Юзига қараганда яхши одамга ўхшарди.

— Нима келтирай? Гўшт билан тухумми ёки қўймоқми?

— Гўшт билан тухум, — дедим, — пиво.

— Demi-blonde?

— Ҳа, — дедим.

— Кўрдингизми, эсимда турибди, — деди у. — Сиз эрталаб ҳам *demi-blonde* буюрган эдингиз.

Мен овқатни еб, пивони ичиб олдим. Овқатни ичи чўнқир идишда беришди, идишининг ичидагўшт, устига тухум қўйилганди. У жуда ҳам иссиқ экан, бир қошиқ оғзимга олиб боргандим, куйдириб юборай деди. Пиво билан қўшиб ичдим, мен жуда оч эдим, яна овқат сўрадим. Бир неча стакан пиво ичдим. Мен

⁵³ Тайёр таом (франц.).

ҳеч нарсани ўйламасдим, қўшним ўқиётган газетани ўқий бошладим. Унда инглиз фронтида юз берган ўпирлиш ҳақида ёзилганди. Қўшним унинг газетини ўқиётганимни кўриб бошқа бетига ағдариб олди. Мен кельнердан газета сўрамоқчи эдим, лекин сира хаёлимни бир ерга йиғолмадим. Қаҳвахонанинг ичи иссиқ ва ҳавоси бўғиқ эди. Ўтирганларнинг кўплари бир-бирларини танир эдилар. Бир неча столларда қарта ўйнашмоқда эди. Кельнерлар столлар орасидан ичимликлар ташиб юришарди. Икки киши кириб ўринтопишолмади. Улар менинг қаршимга келиб тўхташди. Мен яна пиво сўрадим. Ҳозир кетганим билан қаерга ҳам бораман, касалхонага боришга ҳали эрта эди. Мен ҳеч нарсани ўйламасликка, оғир бўлишга ҳаракат қиласдим. Кирганлар яна бирпас туришди, лекин ҳеч кимнинг ўрни бўшамагач, чиқиб кетишди. Яна пиво ичдим. Олдимда, стол устида анча идишлар йифилиб қолганди. Қаршимда ўтирган одам кўзойнагини олди, уни филофига солиб қўйди, газетани буклаб чўнтағига тиқди-да, қўлидаги ликёр солинган қадаҳни ўйнаб атрофга аланглай бошлади. Тўсиндан бормасам бўлмаслигини сездим. Мен кельнерни чақирдим, пулни тўладим, пальтони кийдим, шляпани олиб кўчага чиқдим. Касалхонага қайтдим, ёмғир ёғиб турарди. Тепада, ўйлакда ҳамширага дуч келдим.

— Мен ҳозиргина сизга, меҳмонхонага қўнғироқ қиласдим, — деди у.

- Ичимда бир нарса узилиб кетгандай бўлди.
- Тинчликми?
- Madame Генридан қон кетяпти.
- Кирсам бўладими?
- Йўқ, ҳозир мумкинмас. Доктор бор.
- Хавфлими?
- Жуда ҳам хавфли.

Ҳамшира ичкарига кириб орқасидан эшикни зичлаб ёпди. Мен йўлакда, эшик олдида ўтирдим. Ичим ўпирлиб тушгандай эди. Мен ўйламасдим. Миямга ҳеч

нарса кирмасди. Мен унинг ўлишини билардим ва Худодан унинг ўлмаслигини илтижо қиласадим. Илоҳим, у ўлмасин. Ё Раб, ё Раб, у ўлмасин. Нимани буюрсанг, шуни адо этаман, фақат у ўлмасин. Йўқ, йўқ, йўқ, жоним Худоё, у ўлмасин. Жоним Худо; у ўлмасин. Йўқ, йўқ, йўқ, у ўлмасин. Парвардигорим, уни ўз паноҳингда асра. Нима десанг, шуни адо этаман, у ўлмасин. Сен болани олдинг, энди уни ўз паноҳингда асра. Уни олдинг, майли, лекин энди буни ўз паноҳингда асра. Худо, жоним Худо, уни ўз паноҳингда асра.

Ҳамшира эшикни қия қилиб очди, мёнга киришга ишора қилди. Унинг орқасидан палатага кирдим. Кирганимда Кэтрин ўгирилиб қарамади. Мен ўрин олдига келдим. Доктор тӯшакнинг нариги томонида турган эди. Кэтрин менга қараб жилмайди. Мен тӯшакка энгашиб йиглаб юбордим.

— Шўрлигим, — деди Кэтрин жуда ҳам хаста овозда. Унинг юзи паға бўлиб кетганди.

— Ҳаммаси жойида, Кэт, — дедим мен. — Тезда ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Мен тезда ўламан, — деди у. Кейин бир зум сукут қилиб турди-да, деди: — Мен эса хоҳламайман.

Мен унинг қўлини тутдим.

— Ушлама мени, — деди у. Унинг қўлини қўйиб юбордим. У жилмайди. — Шўрликкинам! Ушлайвер истаганингча.

— Ҳаммаси яхши бўлади, Кэт. Мен биламан, ҳаммаси яхши бўлади.

— Мен бир нарса бўлиб қолса деб, сенга хат ёзib қолдирмоқчи эдим, ёзилмаёқ қолди.

— Мен кашишними, бирон одамни чақираими?

— Ўзинг борсан, етади, — деди у. Кейин анчадан сўнг: — Мен қўрқмайман. Фақат мен хоҳламайман.

— Сизга кўп гапириш мумкин эмас, — деди доктор.

— Яхши, гапирмайман, — деди Кэтрин.

— Нима қилай, Кэт? Сенга бирон нарса керакми? Кэтрин жилмайди. — Йўқ. — Бир қанча вақт ўтгач: — Сен бошқа қиз билан мен билан бўлгандай бўлмайсанми? Бизнинг сўзларимизни гапирмайсанми? Айт.

— Ҳеч қачон.

— Мен сенинг яна қизларинг бўлишини истайман.

— Улар менга керакмас.

— Сизга кўп гапириш мумкин эмас, — деди доктор. Mansieur Генри чиқиб турмаса бўлмайди. Кейинроқ яна киради. Сиз ўлмайсиз. Бўлмагур гапларни гапирманг.

— Хўп, — деди Кэтрин. — Мен сенинг олдингга тунлари келаман, — деди у. У зўр-базўр гапирмоқда эди.

— Марҳамат, палатадан чиқинг, — деди доктор. — Унинг гапириши мумкинмас.

Кэтрин менга имо қилиб қўйди; унинг юзи кўкариб кетмоқда эди.

— Майли, мен йўлакда тураман, — дедим.

— Хафа бўлма, жоним, — деди Кэтрин. — Мен зигирча ҳам қўрқмайман. Фақат бу жуда бўлмагур нарса.

— Сен менинг жонажонимсан, сен жуда юракли хотинсан.

Мен йўлакда, эшик орқасида турдим. Узоқ турдим. Ҳамшира палатадан чиқиб, ёнимга келди.

— Madame Генрининг ҳоли жуда ёмон, — деди у. — Мен қўрқяпман.

— У ўлдими?

— Йўқ, у ҳушсиз ётибди.

Афтидан қон тўхтамай кетмоқда эди. Қонни сира тўхтатиб бўлмади. Мен палатага кирдим, то жон бергунча Кэтриннинг олдида бўлдим. У бошқа ўзига келмади, кўп ўтмай ҳаммаси тугади.

Йўлакда мён докторга дедим:

— Бугун яна қилинадиган ишлар борми?

— Йўқ. Ҳеч нарса қилиш керак эмас. Сизни меҳмонхонага кузатиб қўяйликми?

— Йўқ, раҳмат. Мен яна бир оз шу ерда бўламан.

— Биламан, нима ҳам дердим. Ифода қилолмайман...

— Ҳа, — дедим, — нима ҳам дейиш мумкин.

— Хайрли тун, — деди у. — Балки ҳар ҳолда кузатиб қўйсам бўлармиди?

— Йўқ, раҳмат.

— Бошқа ҳеч нарса қилиб бўлмади, — деди у. — Операция кўрсатдики...

— Мен бу ҳақда гапиришни истамайман, — дедим.

— Сизни меҳмонхонага кузатиб қўйсам девдим.

— Йўқ, раҳмат.

У йўлакдан юриб кетди. Мен палатанинг эшигига келдим.

— Ҳозир мумкинмас, — деди ҳамширалардан бири.

— Мумкин, — дедим.

— Йўқ, ҳали мумкинмас.

— Кетинглар бу ердан, — дедим мен. — У ҳам кетсин.

Бироқ уларни ҳайдаб юбориб эшикни ёпиб чироқни ўчирганимда, бунга энди ҳожат қолмаганлигини англадим. Бу ҳайкал билан хайрлашувдай эди. Кўп ўтмай мен чиқиб зинадан тушдим-да, ёмғирда меҳмонхонага йўл олдим. Ёмғир тинмай ёғарди.

МУНДАРИЖА

ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ (<i>Қисса</i>)	3
АЛВИДО, ҚУРОЛ (<i>Роман</i>)	99
МУАЛЛИФ СҮЗ БОШИСИ	99
БИРИНЧИ КИТОБ	104
ИККИНЧИ КИТОБ	187
УЧИНЧИ КИТОБ	268
ТҮРТИНЧИ КИТОБ	345
БЕШИНЧИ КИТОБ	398

Адабий-бадиий нашр
ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ
ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ

Мұхаррір
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий мұхаррір
Үйгүн СОЛИХОВ

Мусаққыз
Мұхаббат МЕНГНОРОВА

Компьютерда сақыфаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 30.01.2014 й.да рұхсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоги 13,875. Шартлы босма тобоги 23,31.
Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 5000 нұсха. Буюртма № 24.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: АI № 198. 2011 ийл 28.08 да берилған.
«SPECIAL PRINTING SERVICE» босмахонасида босилди.
100113, Тошкент, Чилонзор тумани, Чилонзор күчаси 1-а.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида муқоваланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчеси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz
e-mail: yangiasravlod@mail.ru

**«Янги аср авлоди» нашриёт матбаа маркази
«Камолот кутубхонаси» рукинида қўйидаги китобларни
нашрга тайёрлади:**

А.Дюма

«ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО - 1, 2»

Бичими 84x108 1/32, 752, 756 бет

Қадин муқовада

Икки китобдан иборат асарнинг бош қаҳрамони Эдмон Дантес – Монте Кристо “Иф” қалъасидан ҳалос бўлгач, разолат ботқогига ботган инсонларни зўр матонат, ақл-идрок билан фош этади. Жазо ҳам, мукофот ҳам Аллоҳнинг иродаси билан инсон тириклигига дейқ уни бенасиб қолдирмаслиги асар ниҳоясида акс этади, фақат, Граф таъкидлаганидек, “кутмоқ ва умид қилмоқ керак”.

Артур Конан Дойл

«ШЕРЛОК ХОЛМС ВА ДОКТОР УОТСОННИНГ

САРГУЗАШТЛАРИ»

84x108 1/32 528 бет

Қадин муқовада

Артур Конан Дойлнинг «Йўқотилган дунё», «Заҳарланган минтаقا», «Даҳшат водийси» каби асарлари нафақат Европада, балки бутун дунёга машҳур. Ва айни пайтда юртимиз китобсеварларига ҳам яхши таниш.

Бу тўпламда ёзувчининг детектив, илмий фантастика, саргузашт асарларидан саралаб олинган ҳаётий далилларга бой ҳикоя ва қиссалари жой олган.

Чарльз Баскервилнинг гаройиб тарзда ўлдирилиши одамларни даҳшатга солади. Ҳамма улкан мулк соҳибининг фосиқ аждодлари айби учун жазо сифатида ботқоқ тубидан чиққан даҳшатли ит ҳақида турли ваҳима гапларни айтишади. Хонақи итларидан мутлақо фарқ қиласидиган, салобати ўрмон қора айигини эслатадиган, бир оиланинг изига тушган Баскервиллар ити инсонлар каби хуфиёна иш тутади. Фақат бугина эмас, машҳур изқуварлар Шерлок Холмс ва доктор Уотсоннинг қатор жиноятларни фош қилишдаги бир-биридан қизиқарли саргузаштларини мазкур китобдан билиб олишингиз мумкин.

1990 йилда «Баскервиллар ити» номи билан нашр этилган мазкур асар китобхонлар илтимосига кўра қайта чоп этилмоқда.

**Андерсен
“КОР ОДАМ”
84x108 1/32 382 бет
Юмшоқ муқовада**

Андерсенning эртаклари бугун ҳам энг кўп ўқилаётган асарлар сирасига киради. Уларда болаларга хос бўлган бегубор кечинмалар, эзгуликнинг ғалабаси, орзу-умидларнинг ушалиши, ёруғ оламда ҳар биримиз ҳар қадамда дуч келиб, кундалик ҳаётимиздаюз бераётган оддий воқеа-ҳодисаларнинг ўзгача талқини тилга олинади.

Эртаклар катта-кичик ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар тасаввурингизни бойитади, ақлингизни чархлайди. Олис манзиллардаги эртакларнинг мўъжизавий оҳангি Сиз азиз китобхонларни мафтун этади.

**Даниел Дефо
“РОБИНЗОН КРУЗОНИНГ ҲАЁТИ ВА АЖОИЙБ
САРГУЗАШТЛАРИ”
Бичими 84x108 1/32, 208 бет.
Юмшоқ муқовада**

Йигирма саккиз йил кимсасиз ва бепоён оролда ёлғиз ўзи яшаган Робинзон Крузонинг бошидан кечирган саргузаштларга бой ҳаёти ва унинг баҳтли якуни ҳақидаги қизиқарли ҳикоя сизни бефарқ қолдирмайди.

**Жюль Верн
“ЎН БЕШ ёШЛИ КАПИТАН”
Аотии аліфбосида
Бичими 84x108 1/32, 356 бет
Юмшоқ муқовада**

Асрлар оша кўлдан қўймай ўқиб келинаётган мазкур асарда ўн беш ёшли капитан – Дик Сендинг бир-биридан қизиқарли саргузаштлари қаламга олинади.

Жумладан, Жанубий Африкада кечган хунрезилклар, қуллар савдоси билан боғлиқ аячли воқеалар, турли хавф-хатарларга қолган капитан Дик ва саёҳатчи дўстлари – хизматчиси Геркулес, миссис Уэлдон ва унинг кичик ўғли Жек, хаёлпараст олим Бенедикт тоғанинг бошидан кечирганлари сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Хикмәттер
“КАЛИЛА ВА ДИМНА”
84x108 1/32, 246 бет
Юмшоқ мұқовада

Бу асар, неча асрларки, ҳикмат вә масаллар бобида муносиб ўрин әгаллаб келмоқда. Халқ ҳәёти, дарди, аҳли донишлар улуғворлиги, хөзиржавоблик, донолик акс этгани учун ҳам “Калила ва Димна” тәъриф вә тавсифға эга. Ундаги масаллар, ҳикматлар мағзи инсонийлик, олижанобликни улуглайды. Тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ҳам ушбу бебаҳо асар бүтүн-да ўз қийматини йўқотмаган. Ўқинг, уқинг, донолар оламида бўлинг.

Марк Твен
“ТОМ СОЙЕРНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ”
Бичими 84x108 1/32, 288 бет
Юмшоқ мұқовада

Адид мазкур асарида ёш, ўта қизиққон вә шўх, чигал тўсиқлардан ҳам қийналмай ўта оладиган, оғир вә мураккаб шаротларда ҳам ўзини тута биладиган, уддабурон бола Том Сойер ҳақида ҳикоя қиласди.

Пауде Коэльо
“АЛКИМЁГАР”
Бичими 84X108 1/32, 184 бет
Юмшоқ мұқовада

Ўз тақдиримиз ўз қўлимиздами? Мисни олтинга айлантирадиган Алкимёгар, умумбашар тили, тақдир тошлари аслида мавжудми? Орзулар, мұҳаббат бу йўлда бизга ёрдам берадими ёки аксинчя... Асар мана шулар ҳақида рамзий бир шаклда ҳикоя қиласди.

Рашод Нури Гунтекин
“ЧОЛИҚУШИ”
Бичими 84X108 1/32, 458 бет.
Қалин мұқовада

Мұҳаббат мавзусига бағишлиланган асарларни миллати вә динидан, ёшидан қатъи назар, барча бирдек севиб, кўзига ёш олиб, қаҳрамони тақдирига ўзини ҳамдард қилиб ўқийди. Ра-

шод Нури Гунтекиннинг машхур “Чолиқуши” асарини ҳам худди шундай ҳиссият билан қўлга оласиз. Унда бу туйғу ўзининг бутун қудратини биргина ожиза – Чолиқуши тимсолида яққол гавдалантириб беради.

Чингиз Айтматов
«КАССАНДРА ТАМФАСИ»
Бичими 84x108 1/32, 296 бет
Юмшоқ муқовада

Буюк адид ушбу фалсафий романида бутун сайёра, борингки, космос миқёсида кенг ва узвий мушоҳада юритган. Бугунги шафқатсизлик, ёвуздик, ваҳшийлик уруғларини келажакда қандай даҳшатли мевалар беришини космик юксакликдан башорат қилган.

Жалолиддин Румий
«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР»
Бичими 84x108 1/32, 240 бет
Юмшоқ муқовада

“Ичиндаги ичиндадур” Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турили мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб топган. Сиз ушбу рисолани ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса Ўзингизда, ҳамма нарса Ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

Абдулла Қодирий
“ЎТКАН КУНЛАР”
Бичими 84x108 1/32, 442 бет.
Қадани муқовада
Кирилл ва лотин ёзувларида.

Севги кимларни йифлатиб, кимларни кулдирмаган дейсиз. Шарқ адабиётининг нодир асарларидан бири ҳисобланмиш мазкур асарда муҳаббат ўзгача, тақрорланмас бадиий талқин қилинади. Шунингдек, ватанпарварлик, чақимчилик, андиша, хотинбозлик, муомала, беҳаёлик сингари мавзулар ҳам қаламга олинади. Мутолаага шошилинг.